ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ МУҲАНДИСЛИК ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ

ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАР КАФЕДРАСИ

ФАЛСАФА

ФАНИДАН
ЎҚУВ - УСЛУБИЙ МАЖМУА

Термиз – 2025 йил

Ушбу ўқув - услубий мажмуа (ЎУМ) 2023 йил “8” августда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори томонидан тасдиқланган намунавий фан дастури асосида ҳамда Давлат таълим стандарти, таълим йўналишлари малака талаблари ва ўқув режа асосида ишлаб чиқилиб, ТерДМАУ ўқув-услубий Кенгаши қарори билан тасдиқланган Фалсафа фанининг ишчи-ўқув дастури (2025 йил ”28 ”август”) ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги 2021 йил 16-июлдаги 311-сон буйруғининг 1-иловаси “Ўзбекистон Давлат Стандарти Ўзбткистон узлюксиз таълимининг Давлат Таълим Стандартлари Олий таълимнинг Давлат Таълим Стандарти Асосий қойидалар” мундарижасининг 5-§ “Олий таълим йўналишлари ва мутахасиссисликлари ўқув режалари ва ўқув дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар” 10.2.4. “Ўқув дастурларини ишлаб чиқиш,тасдиқлаш ва таълим жараёнига жорий этиш қўйидаги тартибда амалга оширилади:” банди ва шу бандниг 2-хат боши талабига мувофиқ ишлаб чиқилиб. унга Фалсафа фанининг предмети, мақсади ва вазифалари, фалсафанинг фан ва дунёқарашга доир моҳияти, борлиқ ва ривожланиш фалсафаси, билиш назарияси, мантиқ билиш назариясининг тадқиқот объекти сифатида, жамият ва инсон фалсафасига доир маълумотлар киритилган. Мазкур мажмуада фалсафа фани назарияси ва методологиясига доир фикрлар кенгроқ баён қилиниб, борлиқ фалсафаси (онтология)нинг асосий категориялари ва муаммолари, инсон борлиғининг ўзига хос жиҳатлари, фалсафий қонунлар ва категориялар, билиш фалсафаси (гносеология)нинг долзарб фалсафий масалаларига доир мулоҳазалар баён қилинган. Шунингдек, мустақил фалсафий фан тармоқлари бўлган этика (ахлоқ фалсафаси), эстетика назарияси, глобаллашув жараёнлари ва барқарор тараққиётнинг замонавий муаммолари ва коррупция – ҳозирги замоннинг глобал муаммоси сифатидаги масалаларнинг таҳлилий баёни асосида талабаларнинг маънавий камолотига ва мантиқий тафаккурлаш қобилиятини юксалтиришга эътибор қаратилган. Фалсафа фанининг янгиланаётган Ўзбекистондаги ислоҳотлар жараёнидаги ўрни ҳамда умуммиллий ва умумбашарий моҳияти, ижтимоий тараққиёт ва инсон камолотига кўрсатадиган ижобий таъсири кўрсатилган.

Маърузалар замонавий педтехнология талабларига мос равишда тайёрланиб, унда ўқув мақсадлари, мавзуда кўриб чиқиладиган муаммолар, назорат саволлари ва мустақил иш топшириқлари келтирилган.

Тузувчи:
Фалсафа доктори (PhD), доцент М.А.МАЖИТОВ
Тақризчилар:
Фалсафа фанлари номзоди, доцент Х.Худойбердиев,
Фалсафа фанлари номзоди У.Ў.Мустафаев.

Фаннинг ўқув-услубий мажмуаси “Ижтимоий-гуманитар фанлар” кафедрасининг 2025 йил 28 августдаги №1-сонли йиғилишида муҳокама қилиниб маъқулланган ва факультет Кенгашида кўриб чиқиш учун тавсия этилган.

Кафедра мудири: _____фалсафа док.(PhD) Холияров Т.Ч. 28 август 2025 йил

Фаннинг ўқув-услубий мажмуаси Термиз давлат муҳандислик ва агротехнологиялар университети Қурилиш ва ирригация факультети Кенгашида муҳокама қилинган ва фойдаланиш учун тавсия этилган. (2023 йил 28 августдаги №1- сонли баённома).

Факультети Кенгаши раиси: _____ фалсафа док.(PhD), доцент Бўтаяров А.

Термиз давлат муҳандислик ва агротехнологиялар университети ўқув-методик Кенгаши томонидан ... август 2025 йил № 1 - сонли йиғилишида муҳокама қилинган ва ўқув жараёнида фойдаланиш учун тасдиқланган.

Ўқув методик бошқарма бошлиғи: _____ доц. Ибрагимов А.Ж.

© Термиз давлат муҳандислик ва агротехнологиялар университети

МУНДАРИЖА

Биринчи (Асосий) қисм:
МАЪРУЗАЛАР МАТНИ ВА МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР:

1 - Модул: Фалсафа фанидан маърузалар матни. ..... 4 – 213.

2-Модул: Ахлоқ ва нафосат фалсафаси. Коррупция – ҳозирги замон глобал муаммоси сифатида. ..... 214 – 239.

Иккинчи қисм:

Семинар машғулотлари.....274 - 285

Учинчи қисм:

Фан бўйича бажариладиган мустақил иш, оғзаки ва ёзма ишлар бажарилиши юзасидан методик кўрсатмалар. ..... 285 -286.

Тўртинчи қисм:

ГЛОССАРИЙ (Фалсафа, Мантиқ, Этика, Эстетика, Диншунослик).....286– 310.

Бешинчи қисм: Иловалар:

Фалсафа фанидан
намунавий фан дастури.....311– 319.

Фалсафа фанидан
ишчи ўқув дастури .....320– 341 .

Фан бўйича якуний хулосалар. .....342.

Биринчи модул:
ФАЛСАФА ВА МАНТИҚ

1 - Мавзу: Фалсафа ва унинг жамият ҳаётидаги роли.

Маъруза режаси:

1. Фалсафанинг предмети, асосий масалалари, тузилмаси ва функциялари.
2. Фалсафанинг дунёқарашга доир моҳияти. «Дунёқараш» тушунчаси ва унинг тарихий шакллари: мифологик ва диний дунёқараш, фалсафий ва илмий дунёқараш, уларнинг ўзаро алоқадорлиги ҳамда ўзига хослиги.
3. Фалсафанинг жамиятдаги аҳамияти.

Мавзуга оид таянч тушунча ва атамалар:

Дунёни англаш, фалсафа, дунёқараш, олам-одам, миф, дин, фан, умуминсоний маънавий қадрият, фалсафа – фан, тадқиқот объекти, предмети, баҳс мавзуси, муаммолари, умумназарий фалсафий фанлар, онтология, гносеология, методология, ижтимоий фалсафа, махсус фалсафий фанлар, фалсафанинг умумбашарий моҳияти, фалсафа фани функциялари, фалсафа ва фан, фанлар таснифи.

1-савол баёни: Фалсафа – умуминсоний маънавий қадрият. Маълумки, фалсафа инсоният билими ва маънавий ҳаётининг қадимги соҳаси ҳисобланади. Кишилар қадим замонлардан бошлаб инсонни қуршаб турган олам, табиат, борлиқ нима, улар қандай тузилган, инсоннинг дунёда тутган ўрни ва роли қандай? каби саволларга турли шаклларда, дастлаб мифлар шаклида, сўнгра назарий қарашлар тизими ва бир бутун таълимотлар, концепциялар шаклида жавоб беришга ҳаракат қилиб келди. Ҳозирги кунда ҳам дунёда турлича назарий концепция ва таълимотлар мавжуд. Ўтмишдаги ва ҳозирдаги барча фалсафий қарашларни умумлаштирувчи масала – “Олам ва одам”, яъни “Борлиқ ва инсон”, “Мен ва мен эмас”, “Мен ва У” ва улар ўртасидаги муносабат масаласидир. Фалсафа тарихининг ҳар бир босқичида, ҳар бир фалсафий таълимотда инсон ушбу масалаларга оид ҳақиқат зарраларини топишга интилган. Ана шу ҳақиқат зарраларидан иборат билимлар мажмуи фалсафа асосларини ташкил этади.

“Фалсафа” тушунчасининг асослари баён қилинган аксарият дарсликларда ушбу атама қадимги юнон тилидаги «философия» сўзидан олингани ва у «донишмандликни севиш» (phileo – севаман ва sophia – донолик) деган маънони англатиши таъкидланади. *Диоген Лаэртский* (эрамиз II асри охири - III аср бошлари) сўзларига қараганда, ўзини биринчи марта файласуф деб атаган киши – юнон мутафаккири ва олими *Пифагор*дир. Файласуфларнинг қандай эканликларига таъриф бериб, у шундай деган: «Ҳаёт ўйинга ўхшайди: баъзилар унга мусобақалашгани келса, айримлар савдолашгани, энг бахтлилари эса томоша қилгани келадилар; ҳаётда ҳам худди шундай, баъзилар қуллар каби шуҳрат ва бойликка ўч бўлиб дунёга келади, ваҳоланки файласуфлар - *фақат ҳақиқат учун келади*»[1]. Фалсафа сўзини Пифагор милоддан аввалги VI асрда тайёр ҳолда (афсоналар, ривоятлар, анъаналар орқали) авлоддан авлодга ўтувчи билим ва инсон ўз ақлига таяниб, мушоҳада юритиш ва борлиқни танқидий тушуниш йўли билан олиши мумкин бўлган билимни фарқлаш мақсадида ишлатган.

Фалсафа фанми ёки маънавий фаолият турими, деган саволнинг қўйилганига анча бўлди. Баъзи мутафаккирлар фалсафа фанларнинг фани, яъни барча фанлар учун умумий

[1] Диоген Лаэртский. О жизни, учениях и изречениях знаменитых философов. М., 1979. 334-б.

методология деган фикрни билдирса, бошқалари баҳслашув фаолияти, дунёқараш шакли каби хулосаларни илгари сурганлар. Фалсафа тарихига назар ташланса, фалсафа бу ғоялар, турли қарашлар ва таълимотлар курашидан иборат.

Фалсафа назарий-илмий асосга, ўз предмети, барча фанлардан фарқли тарзда алоҳида билиш услубларига эга бўлганлиги учун фан ҳисобланади. Амалий нуқтаи назардан эса маънавий фаолият тури, чунки инсон ўз ҳаётидаги ҳар бир яшаш актини фалсафий акт деб тушунмоқ керак. Зеро, руҳий соғлом одам у ёки бу даражада файласуфдир. Фалсафани ўқитишда эса биз ёш авлодни аждодларимиз анъанаси ва ҳаёт талаблари асосида дунёқарашини шакллантиришга эришишни вазифа қилиб оламиз. Чунки фалсафий тафаккур маданияти тамойиллари ва дунёқарашдан бехабар бўлган мутахассисни ўз соҳасининг билимдони, ўз даврининг илғор кишиси, инсони комил аташ мумкин эмас.

Демак, фалсафа кўп қиррали, умумий ижтимоий-маънавий билимлар тизимидир. У ҳам фан, ҳам ижтимоий онгнинг алоҳида ўзига хос назарий шакли, дунёқарашдир. Фалсафа конкрет тарихий даврларда, шароитларда турли даражада ривожланган яхлит фан ҳисобланади. Фалсафа инсон билимларининг оддий йиғиндиси эмас, балки уларни ақлий умумлаштириш асосида шаклланган назарий хулосалар тизимидир. Инсон фалсафий тафаккур орқали ўз моҳиятини, борлиқдаги ўрнини англайди, аждодлар қолдирган мерос, ўзининг, ўз даврининг амалий, илмий ютуқларини фалсафий умумлаштириб оламни бир-бири билан боғланган, тараққиётда бўлган жараён сифатида англайди, истиқбол режаларини белгилайди. Фалсафа тафаккур маданияти, инсоният ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий тараққиёти тарихининг умумлашган ифодасидир.

Инсон маънавий камол топиб, жамият, фан-техника ва технологиялар ривожланиб боргани сари фалсафий умумлашмаларга эҳтиёж ортади. Бу эса фалсафага янгича, ижодий ёндошиш заруратини туғдиради. Фалсафага янгича ёндошиш – инсониятнинг кўп минг йиллик тарихий тараққиёти жараёнида шаклланган, инсон ақлу-заковатининг етук маҳсули бўлган фалсафий мерос ва қадриятларни чуқур, холисона ўрганиш, уларни давримизнинг долзарб муаммолари билан боғлаб ривожлантириш, янгиланаётган Ўзбекистон тадрижий тараққиётининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий муаммоларини яхлит таҳлил қилиш, халқимизнинг янгича дунёқарашини шакллантиришдир. Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: *”ёшларни замонавий билим ва тажрибалар, миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида мустақил ва мантиқий фикрлайдиган, эзгу фазилатлар эгаси бўлган инсонлар этиб вояга етказиш”*[2],- тарихий зарурият ҳисобланади.

Хуллас, фалсафа инсоният тарихий тараққиёти давомида яратилган маънавий маданиятининг бир қисми бўлиб, инсоннинг ўзи ва борлиқ тўғрисидаги бир бутун дунёқараши тизимидан иборатдир. Ўз моҳияти ва мазмунига кўра фалсафий билимлар умуминсоний маънавий қадриятлар тизимига киради. Фалсафа инсон муаммосини ўзининг асосий ўрганиш мавзуси ҳисоблаб, унинг ўзига, борлиққа муносабатини фалсафанинг бош масаласи деб қарайдию шу сабабли унинг асосий мақсади ҳам инсон манфаатларига хизмат қилишдан иборатдир. Ҳозирги замон фалсафасининг назарий манбасини инсоният томонидан яратилган барча фалсафий таълимотлар ташкил қилади. Унинг асослари, илдизлари эса шу пайтгача табиий-илмий, ижтимоий-гуманитар фанлар қўлга киритган ютуқларга бориб тақалади.

Фалсафанинг предмети баъзи фалсафий тизимларда олий бош ибтидо ёки биринчи сабаб тўғрисидаги фан деб таърифланади. Масалан, қадимги юнон файласуфи *Арасту* таълимотида, у «барча мавжудотнинг ибтидоси ва сабаблари тўғрисидаги фан» дейилган бўлса, ўрта осиёлик мутафаккир *Абу Али Ибн Сино* фалсафани «мутлақ борлиқ тўғрисидаги олий фан» деб таърифлаган. Бошқа йўналишларда фалсафанинг бош сабаби биринчи ибтидоларни

[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабрь.// https://president.uz/uz/lists/view/4057.

билиш эканлиги умуман рад этилади, масалан, ўрта аср илоҳиётчиси *ал-Ғаззолий* ўзининг «Файласуфларни рад этиш» номли махсус асарини шу мавзуга бағишлаган.

Баъзи таълимотларда фалсафа «тўғри фикрлаш орқали эришилган билим» (*Т.Гоббс*), умуман, «фанларни кўриб муҳокама қилувчи» (Г.В. Хегел) деб кенг тасаввур қилинса, бошқаларида тор маънода, масалан, «фикрнинг мантиқий ойдинлашуви» (*Л.Витгенштейн*) ёки «умуммажбурий қадриятлар тўғрисидаги фан» (*В.Виндельбанд*) сифатида тушунилади. Одатда, фалсафанинг у ёки бу таърифи умуман фалсафани эмас, балки тегишли файласуфларнинг ўз назарияларини белгилаши ҳисобланади, гарчанд, кўпчилик файласуфлар айнан ўз фалсафий қарашларинигина ҳақиқий (ёки чинакам) деб ўйлайдилар.

Шу маънода, ***фалсафа барча фанлар ривожланишига асос бўладиган ва улардан озиқланадиган, айни пайтда уларнинг ривожланиш йўлларини белгилаб берадиган умуминсоний ва универсал илм соҳасидир.*** У қадим замонлардаёқ «барча илмларнинг отаси» деб таърифланган. Унинг ҳаётийлиги халқ табиатига, турмуш ва тафаккур тарзига нечоқлик мос экани, жамият манфаатлари ва эзгу интилишларини қай даражада акс эттира олишига боғлиқ.

“Фалсафа” атамаси «философия» сўзининг Шарқ ижтимоий тафаккуридаги шаклидир. Шарқнинг атоқли файласуфи, машҳур мутафаккир Абу Наср Фаробий философия сўзини «Ҳикматни қадрлаш» деб талқин этган. Фалсафа Шарқ халқлари ижтимоий тафаккурида «донишмандликни севиш» деган мазмун билан бирга, олам сирларини билиш, ҳаёт ва инсонни қадрлаш, умр мазмуни хақидаги қараш ва хикматларни эъзозлаш маъносида ишлатилган.

Фалсафанинг предмети. Энди «Фалсафа нимани ўрганади?», деган саволни беришимиз мумкин. Инсонда билишга қизиқиш уйғотадиган, мифология, дин ёки фан жавобларидан қониқмаган инсоннинг ўзига маълум билимлар ва тажрибага, муайян эътиқод, ишонч ва интуицияга таянган ҳолда оқилона асосланган жавоблар беришга ҳаракат қиладиган, саволлар туғдирадиган ҳар қандай объектив ва субъектив борлиқ фалсафанинг предмети ҳисобланади. .

Бошқача айтганда, инсон ўз қизиқиши объекти ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилиш мақсадида савол беришга асос бўлиши мумкин бўлган ҳамма нарса фалсафанинг предмети бўлиши мумкин. Шу муносабат билан у ёки бу одамнинг фалсафий қарашлари ҳақида ва ҳатто унинг фалсафаси тўғрисида сўз юритиш мутлақо ўринли бўлади ва бунга биз кундалик ҳаётда тез-тез дуч келамиз.

Фалсафа – бутун олам (борлиқ), яъни табиат, жамият, инсон ва инсон тафаккурининг моҳияти ҳақидаги энг умумий билимларни ўзида ифодалаб, инсоннинг борлиққа бўлган муносабатининг методологик асосларини белгилаб беради, олам ривожланишининг энг умумий қонунлари ва муаммоларини ўрганади ҳамда фалсафий дунёқарашни шакллантиради.

Фалсафа фанининг қонунлари, категориялари, тушунчалари, тамойиллари ва фалсафий билиш методлари шаклланиши узоқ тарихий даврни ўз ичига олади. Ана шулар орқали оламни, унда одамнинг ўрнини фалсафий англаш имконияти вужудга келади. Биз яшаётган тарихий даврда барча кадрлар ўзларида фалсафий (донишмандларча) фикрлаш қобилиятига эга бўлишлари ижтимоий тараққиётда инсон омилининг ўрни ва ролини илмий англаб олишлари учун кафолат бўлади.

Бироқ айни ҳолда бизни фан сифатидаги, айрим инсоннинг эмас, балки бутун жамиятнинг ривожланиш маҳсулига айланган ижтимоий ҳодиса сифатидаги фалсафа қизиқтиради ва айни шу сабабли юқорида келтирилган таърифда «инсон» тушунчаси йиғма маънода қўлланилган. Бу ерда шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, гарчи фалсафанинг предметига биз умумий нуқтаи назардан анча кенг таъриф берган бўлсак-да, айрим тарихий даврларда одатда у ёки бу сабабларга кўра муайян масалалар доираси фалсафий тадқиқотларда биринчи ўринга чиқади. Масалан, қадимги Юнонистонда космоцентризм илк фалсафий таълимотларнинг ўзига хос хусусияти бўлиб, бунда асосий эътибор «космос», «табиат»ни англаб етишга қаратилган. Кейинчалик, қадимги юнон шаҳар-полислари равнақ топган даврда файласуфлар диққат марказидан ижтимоий муаммолар, ахлоқ, давлат қурилиши масалалари

ўрин олди. Европада христианликнинг, Шарқда ислом динининг вужудга келиши ва мустаҳкамланиши натижасида ўрта асрлар фалсафаси теоцентрик (юнон. theos – марказдан ўрин олган худо) хусусият касб этди, яъни Худо ва у яратган олам фалсафий қизиқишларнинг асосий предметига айланди.

Уйғониш даврида фалсафа санъат (эстетика)га ва кўп жиҳатдан инсонга мурожаат қилинди.. Янги давр деб номланувчи XVII-XVIII асрларда фалсафа тобора кучайиб бораётган фан билан узвий боғланди, натижада фалсафий тадқиқотларнинг диққат марказидан билиш ва илмий методлар масалалари ўрин олди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида юз берган «классик фалсафа» ва оқилоналик инқирози иррационаллик, интуитивлик, онгсизлик муаммоларини намоён этди, XX асрнинг биринчи ярмида улар «ноклассик фалсафа» таҳлилининг асосий предметига айланди, бу эса, ўз навбатида, матнлар мантиғи, тили, уларни талқин қилиш ва шарҳлашга алоҳида қизиқиш уйғонишига олиб келди. XX асрнинг сўнгги ўн йилликларида ҳозирги маданиятдаги инқироз ҳодисаларини ва янги ахборот технологияларининг, шунингдек оммавий коммуникация воситаларининг жадал суръатларда ривожланиши билан белгиланган муаммоларни кун тартибига қўйган постноклассик фалсафа шаклланди. Бу фалсафа вакиллари «тарихий ривожланишнинг тугалланганлиги», барча маънолар ва ғоялар «айтиб бўлинганлиги» ҳақида мушоҳада юритиб, инсон ўзига ёғилаётган ахборотга ишлов беришга қодир эмаслигига эътиборни қаратар экан, нотизимлилик, Европа анъанавий фалсафий билимининг негизлари, қадриятлари ва чегараларини ўзгартириш ғоясини илгари сурдилар.

Ниҳоят, XX-XXI аср чегарасида энг янги фалсафада биринчи ўринга чиққан ва энг муҳим мавзулар қаторидан ўрин олган яна бир мавзу глобаллашув жараёнларининг моҳиятини ва уларнинг ривожланиш йўналишини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилди. Бу жараёнлар ҳозирги вақтда жамият ҳаётининг деярли барча жабҳаларини қамраб олди ва давримизнинг оламшумул муаммоларини юзага келтирдики, уларнинг назарий ва амалий ечимини топиш бу муаммоларни шу жумладан фалсафий даражада англаб етишни ҳам назарда тутади. Халқаро миқёсда алоҳида эътибор бериш ва келишилган ҳаракатларни тақозо этувчи энг муҳим муаммолар қаторига экология, демография, хавфсизлик, халқаро жиноятчилик, энергетика ресурслари, қашшоқликка чек қўйиш муаммоларини киритиш мумкин.

Фалсафий билимнинг тузилиши. Фалсафа ўз шаклланиши ва ривожланишининг қадимги давридаёқ, табиат, инсон, жамият ва маънавиятни, шунингдек сабабий боғланишлар, қонунлар ва шу кабиларни билиш соҳасида юксак натижаларга эришди ва оқилоналик нуқтаи назаридан одамларнинг дунё ҳақидаги умумий тасаввурига айланди. Аммо оламнинг чексиз даражада ранг-баранглиги ва серқирралиги туфайли ўша даврдаёқ парчаланмаган фалсафий билимлар ва тасаввурлардан айрим бўлимлар ажралиб чиқа бошлади, вақт ўтиши билан ривожланиб, анча аниқ шакл-шамойил касб этди ва янги билимлар билан тўлдирилди. Пировард натижада улар фалсафий билимнинг тузилишини (структурасини) ташкил этди. Қуйидагилар фалсафий билимнинг муҳим таркибий қисмлари ҳисобланади:

· ***онтология*** – мавжудлик, борлиқ ҳақидаги билим;

· ***гносеология*** (бошқа бир терминологияга кўра – эпистемология) – билиш назарияси;

· ***ижтимоий фалсафа*** – жамият ҳақидаги таълимот;

· ***аксиология*** - қадриятлар ҳақидаги таълимот;

· ***фалсафий антропология*** – инсон ҳақидаги таълимот ва бошқалар.

Фалсафада кўриб чиқилган мавзулар билан бир қаторда шундай билим соҳалари ҳам мавжудки, улар қолган барча билим соҳаларига кириб боради, улар билан уйғунлашади ва уларни тўлдиради. Масалан, табиат, жамият, инсон ва унинг тафаккурида юз берувчи алоқадорлик, ҳаракат, ривожланиш ва ўзгаришлар ҳақидаги фалсафий таълимот – ***диалектика*** ана шундай билим соҳаларидан бири ҳисобланади.

Объектив сабабларга кўра фалсафий билимнинг айрим соҳалари сезиларли даражада ривожланди ва вақт ўтиши билан мустақил фалсафий фанларга айланди. Бундай билим

соҳалари қаторига, масалан, инсоннинг билишни амалга ошириш шакллари, қонунлари ва усулларини ўрганадиган фан - ***мантиқ***ни; маънавият ва ахлоқ ҳақидаги таълимот – ***этика***ни; гўзаллик қонунларига мувофиқ ижоднинг моҳияти ва шакллари ҳақидаги фан – ***эстетика***ни киритиш мумкин.

Шу маънода ***фалсафа тарихи*** фани алоҳида диққатга сазовордир, зеро у, моҳият эътибори билан, нафақат фалсафий, балки тарихий фан ҳисобланади. Айни вақтда у фалсафий билим таркибига ҳам киради, чунки фалсафий тафаккурнинг вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланишини, фалсафий ғоялар эволюцияси ва хусусиятини турли файласуфлар, йўналишлар, оқимларнинг таълимотларида қандай тавсифлангани нуқтаи назаридан ўрганади. Фалсафа тарихи фанида фалсафий таълимотларни тизимга солиш ва таснифлашга, матнлар, тарихий саналарни таҳлил қилишга, далилий материал, биографик маълумотлар йиғишга алоҳида эътибор берилади. Шу муносабат билан дунёқарашни кенгайтириш ва теранлаштиришга, ўз фалсафий ёндашувларини яратишга қаратилган фалсафани ўрганиш, унинг тарихи, асосий намояндалари ва энг муҳим фалсафий асарлари билан албатта танишишни назарда тутади.

Фалсафанинг янги соҳалари. Фалсафий билимнинг тузилиши ўзгармас, узил-кесил шаклланган эмас. Фалсафанинг ривожланиши ва у ҳал қилаётган муаммолар доираси кенгайишига қараб фалсафий билим тузилишида ҳам ўзгаришлар юз беради. Фалсафа ўзининг биринчи маъносида –«доноликни севиш» сифатида, ҳақиқатнинг тагига етиш усули сифатида, дунёқарашнинг алоҳида шакли сифатида инсоният тургунча мавжуд бўлади. Буни фалсафий билимнинг айрим нисбатан янги соҳалари ҳам тасдиқлайди (баъзан улар мустақил фалсафий фанлар мақомига даъвогарлик қилади). Бу ерда аввало *табиат фалсафаси, ҳуқуқ, фан, тарих, сиёсат, санъат, дин, техника фалсафаси, танатология, геронтология* ва бошқалар назарда тутилмоқда. Ўтган асрнинг сўнгги ўн йилликларида тадқиқотнинг яна бир янги ва ўта муҳим соҳаси – глобаллашув ва у юзага келтираётган *глобал муаммолар фалсафаси* пайдо бўлдики, уни ўрганиш ҳам фойдадан холи бўлмайди.

Фалсафанинг асосий масалалари. Фалсафанинг узоқ тарихига умумий назар ташласак, олам ва инсоннинг келиб чиқиши, ривожланиши ва моҳиятига, шунингдек, ҳаётнинг маъноси, инсон билишининг табиатига тегишли «боқий» фалсафий муаммолар деярли барча фалсафий таълимотларда у ёки бу тарзда мавжудлигини, турли фалсафий асарларда, улар айнан кимга қарашлилиги ва қайси даврга мансублигидан қатъий назар, қисман ёки, аксинча, атрофлича муҳокама қилинишининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Фалсафанинг умумбашарий фан экани унинг бахс мавзулари ва асосий муаммоларини белгилаб беради. Шу маънода ***одам ва олам, уларнинг ибтидоси ва интихоси, ҳаёти ва ўзаро муносабатлари, инсон тафаккури, табиат ва жамият тараққиётининг умумий қонуниятлари фалсафа учун азалий, асосий муаммолардир.*** Бу муаммоларнинг қандай усулда хал қилинишига қараб монизм, дуализм, плюрализм, материализм, идеализи, теизм, атеизм каби кўплаб йўналишлар кўзга ташланади.

Фалсафий йўналишлар дунё ибтидосининг табиати тўғрисидаги масалада у моддий ёки ғоявий ягона субстанция – *монизм*, тенг ҳуқуқли мустақил (моддий ва руҳий) – *дуализм*, кўпчилик субстанциялардан иборат *плюрализм* деб эътироф этиладиганларга бўлинади. Фалсафа тарихида дуализмнинг энг машҳур вакили француз файласуфи Р.Декарт (1596-1650), плюрализмники немис файласуфи *Г. Лейбниц* (1646-1716) бўлган.

Дарҳақиқат, одам ва олам, идеаллик ва моддийлик, онг ва материянинг ўзаро нисбати, муносабати масаласи «фалсафанинг асосий масаласи» сифатида таърифланишига туртки берган бўлиб, унда икки жиҳат алоҳида ажралиб туради.

Биринчи жиҳат ***онтология масаласи*** бўлиб, моддийлик ва идеалликнинг ўзаро нисбатига тегишли. Савол шундай қўйилади: «Материя бирламчими ёки руҳ (онг)ми?» ёки, «Тафаккур ва борлиқнинг нисбати масаласи бутун, айниқса, энг янги фалсафанинг буюк асосий масаласидир».

Иккинчи жиҳат биринчи жиҳат билан узвий боғлиқ ***гносеология масаласи*** бўлиб, қуйидагича таърифланади: «Дунёни билиш мумкинми?» Бошқача айтганда: «Биз ҳақиқий

дунё ҳақидаги ўз тасаввурларимиз ва тушунчаларимизда борлиқни тўғри акс эттиришга қодирмизми?»

Фалсафанинг асосий масаласининг биринчи томони онтологик масала бўлиб, бу масалага файласуфлар қандай жавоб беришига қараб ***материалистлар*** –дунё азалдан моддий, онг эса бу материянинг маҳсулидир, деб ҳисобловчилар ва ***идеалистлар*** -дунё замирида материядан олдин пайдо бўлган ва уни яратувчи идеал нарсалар ва ҳодисалар (онг, руҳ) ётади, деган фикрни ҳимоя қилувчиларга ажратилади. Бунда идеализмнинг икки тури – *объектив ва субъектив идеализм* фарқланади. Қандайдир номоддий ва инсон онгига боғлиқ бўлмаган (яъни объектив мавжуд бўлган) нарсалар ва ҳодисаларни (Худо, дунёвий ақл, ғоя, руҳ ва шу кабилар) бутун борлиқнинг асоси деб эътироф этувчилар объектив идеалистлар ҳисобланади. Фалсафа тарихида Платон, Авлиё Августин, Фома Аквинский, Г.Гегель, Н.Бердяев каби мутафаккирлар объектив идеализм намояндалари сифатида эътироф этилади. Дунё фақат индивидуал (субъектив) онг мавжудлиги нуқтаи назаридан қаралган ҳолда субъектив идеализм тўғрисида сўз юритилади. Ж.Беркли, Д.Юм, И.Г.Фихте субъектив идеализмнинг ёрқин намояндалари ҳисобланади.

Фалсафа тарихида материалистик йўналишлар ва оқимлар ҳам анчагинадир. Хусусан, борлиқ, материяни яратиш ва йўқ қилиш мумкин эмаслиги ҳақидаги фикр- мулоҳазаларга илк файласуфларнинг асарларидаёқ дуч келиш мумкин. Мазкур *содда материализм* вакиллари: қадимги хитой файласуфлари – Лао цзи, Ян Чжу; · Қадимги ҳинд файласуфлари – локаята йўналиши намояндалари; · Қадимги даврнинг машҳур файласуфлари – Гераклит, Эмпедокл, Демокрит, Эпикур ва бошқалар. · Қадимги Марказий Осиё файласуфлари- Зардушт Спитома кабилардир.

Классик механика вужудга келган ва фаол ривожланган Янги даврда *механистик материализм* (П.Гольбах, П.Гассенди, Ж.Ламетри) айниқса кенг тарқалди. XVIII-XIX асрларда фалсафий материализмнинг йўналишлари:

- *антропологик материализм* (Л.Фейербах);
- *вульгар материализм* (Фогт, Бюхнер, Молешотт);
- *диалектик материализм* (К.Маркс, Ф.Энгельс) шаклланди.

Материализмнинг деизм – илоҳий туртки ҳақидаги ёки пантеизм – табиат билан худо (Оллоҳ) айнан бир деган ғояни илгари сурувчи кўринишлари ҳам мавжуд.

XX асрдан бошлаб классик фалсафий меросга муносабат масаласида фалсафий йўналишлар неоклассик оқим (классик фалсафа ғояларини, анъаналарини тиклаб, ривожлантиришга йўналтирилган) ва антиклассик (уларни тўлиқ қайтадан кўриб чиқиш ва рад этишга асосланган) оқимларга бўлинади.

Фалсафанинг асосий масаласининг иккинчи жиҳати гносеологик масала бўлиб, “Дунёни билиш мумкинми?”, деган саволга файласуфлар томонидан берилган жавоблар орасида ҳам икки қарама-қарши ёндашув ажралиб туради. Бу ёндашувлардан бири ***гносеологик оптимизм*** деб аталади. Унга мувофиқ инсоннинг билиш имкониятлари умуман олганда чекланмаган ва у ўзини қизиқтираётган табиат ва жамият қонунларини кашф этиш, нарсалар моҳиятини аниқлаш ва дунёнинг ҳақиқий манзарасини яратишга эртами, кечми албатта муваффақ бўлади, деб ҳисобланади. Бунда Г.Гегелни ва у яратган таълимотнинг кўп сонли тарафдорларини тилга олиб ўтиш ўринли бўлади.

Иккинчи ёндашув ***агностицизм*** (юнон. а – инкор ва gnosis – билим) деб аталади. Бу ёндашув намоёндалари дунёни, нарсалар ва ҳодисалар моҳиятини тўла (ёки ҳатто қисман) билиш амалда мумкин эмас, деб ҳисоблайди. Бундай қарашлар айниқса Д.Юмга хосдир. Одатда, агностицизм намояндалари қаторига И.Кант ҳам киритилади, аммо бу ёндашув анча баҳсли бўлиб, файласуфлар орасида мунозараларга сабаб бўлиб келади.

Фалсафа фанининг функцияларида унинг фанлар тизими ва ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва роли ойдинлашади. Функция (вазифа) деганда ҳаракат услуби, фалсафий билимлар тизими доирасида фаоллигининг намоён бўлиши, бажариши лозим бўлган вазифаларнинг умумий тип (тур)лари назарда тутилади. Фалсафа у ёки бу муаммоларни ҳал қилар, қонунлар, муайян

тамойилларни таърифлар ёки гипотезалар, ғоялар ва назарияларни илгари сурар экан, айни вақтда ҳар хил функцияларни бажаради. Фалсафанинг муҳим функцияларидан ***дунёқарашни шакллантириш, билиш, методологик, интегратив, маданий, аксиологик, ахлоқий ва тарбиявий функциялар***ни қайд этиш мумкин. Уларнинг барчаси бир-бири билан узвий боғлиқдир. Бу функцияларнинг роли ва аҳамияти фалсафанинг амал қилиш соҳаси, у ҳал қилаётган вазифалар даражаси ва хусусияти билан белгиланади.

Дунёқарашни шакллантириш функцияси фалсафанинг юқорида келтирилган функциялари қаторида ҳақли равишда биринчи ўринни эгаллайди. Бу ҳол шу билан изоҳланадики, инсоннинг дунёга муносабати, унинг ўз-ўзини ва ўзини қуршаган борлиқни тушуниши, шунингдек турли воқеалар, ҳодисаларни ва ўз бурчини қандай талқин қилиши аввало ва бевосита унинг дунёқарашига боғлиқ бўлади. Айни шу сабабли фалсафасиз дунёнинг яхлит манзарасини яратиш мумкин эмас, чунки «доноликни севиш» саналадиган, «ҳамма нарсага аралашадиган» фалсафагина дунёқарашнинг ўзаро боғланмаган турли «парчалари»ни бирлаштириб, шу тариқа одамларнинг бутун борлиққа нисбатан умумий, изчил ва мантиқан тўғри муносабатини яратиш имконини беради.

Фалсафанинг гносеологик функцияси тажрибада синаш, тавсифлаш ёки шак-шубҳасиз инкор этиш мумкин бўлмаган, яъни фан очиб бериш, тадқиқ этиш ва таҳлил қилишга қодир бўлмаган нарсалар ва ҳодисаларни оқилона йўл билан тушунтиришга ҳаракат қилишдир. Фалсафа гносеологияда ҳал қиладиган бошқа бир муҳим вазифа «Ҳақиқат нима?», «Унинг мезонлари қандай?», деган масалалар билан боғлиқ, зеро ҳар қандай билиш жараёни охир-оқибатда, у ёки бу тарзда ҳақиқатнинг тагига етишга қараб мўлжал олади, бу эса энг муҳим масаладир.

Методологик функцияси тўғрисида сўз юритганда метод тушунчасига мурожаат этиш ўринли бўлади. Бу тушунча юнонча methodos – йўл, усул, тадқиқот, текшириш сўзидан келиб чиққан бўлиб, у ёки бу мақсадга эришишнинг муайян усулини, шунингдек борлиқни назарий ва амалий ўзлаштиришга қаратилган усуллар ёки амаллар мажмуини англатади. Бошқача қилиб айтганда, бу файласуф ёки олим ўзи ўрганаётган предметнинг тадқиқот йўлидир. Одатда методология муаммолари фалсафа доирасида ўрганилган, бироқ айрим фанлар вужудга келиши билан фалсафий (умумий) методлар билан бир қаторда муайян, айрим илмий методлар ҳам ривожлана бошлади.

Фалсафанинг интегратив функцияси фан билан чамбарчас боғлиқ. Реал борлиқнинг янги ва янги объектлари ва ҳодисалари инсон назарий тадқиқотлари соҳасидан ўрин олиши, шунингдек илгари маълум даражада англаб етилган нарсалар ва ҳодисаларни янада чуқурроқ ўрганишга бўлган эҳтиёж илмий билим ўз ривожланишининг дастлабки босқичларидаёқ табақаланишига туртки беради. Бунинг натижасида айрим фанлар пайдо бўлиб, улар нафақат ўз тадқиқот объекти ва предметини ажратди, балки ўзининг фақат мазкур фанга хос бўлган тили, кагегориялар аппарати ва ҳоказоларни яратди. Аммо бу йўлда жиддий хавф ҳам мавжуд бўлиб, у шундан иборатки, фанларнинг ажралиши (дифференциаллашуви) натижасида улар ўртасидаги алоқалар сусаяди, улар мураккаб комплекс вазифаларни ечишда фаол ўзаро алоқа қилиш қобилиятини йўқотади. Қарама-қарши жараён – илмий билимларнинг интеграциялашуви ва у ёки бу муаммоларни ечиш учун куч-ғайратни бирлаштириш жараёни бу хавфнинг олдини олиш имконини беради.

Мураккаб комплекс муаммоларни тадқиқ этувчи ҳозирги замон фанида баъзан айрим илмий фанларнинг вакиллари бошқа фанларнинг вакилларини фақат улар турли тилларда, яъни ҳар бири ўз фанининг тилида гапиргани боис тушунмайди. Бу жиҳатдан фалсафа улар учун амалда боғловчи бўғинга, бирлаштирувчи асосга айланади, чунки у ўз таҳлилида фанлараро мулоқотга ва мазмуни айни бир контекстда турли фанлар томонидан қабул қилинадиган ва қўлланиладиган фундаментал тушунчаларни яратишга қараб мўлжал олади.

Маданий функцияси. Фалсафа одамлар дунёқарашини кенгайтириш, уларда билишга қизиқиш уйғотиш, назарий фикрлаш маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш орқали маданий функцияни ҳам бажаради. У дунёни ўзлаштириш ва билишнинг универсал шакли

сифатида, инсониятнинг энг яхши ютуқларини ўзида мужассамлаштиради ва уларни бутун инсоният мулкига айлантиради. Турли мамлакатлар ва халқларнинг фалсафа тарихини ўрганиш уларнинг ўтмишдаги ва ҳозирги маданиятини яхшироқ тушуниш имконини беради, ғоялар алмашинуви ва маданий анъаналарнинг ўзаро таъсирига кўмаклашадики, бу маданий мерос билан узвий боғлиқ бўлган кўпгина муаммоларни ечишда муҳим аҳамият касб этади.

Аксиологик функцияси. Фалсафа ҳаётнинг маъноси, ўлим ва умрбоқийлик масалаларини кун тартибига қўйиш, у ёки бу ҳаракат, воқеа, ҳодисага «яхши», «ёмон», «муҳим», «фойдали», «фойдасиз» категориялари билан баҳо бериш орқали яна бир муҳим функция – аксиологик (юнон. axia - қадрият) функцияни ҳам бажаради.

Фалсафанинг ахлоқий функцияси одамлар хулқ-атвори ва у ёки бу жамиятда юзага келувчи муносабатлар билан боғлиқ. Бунда, масалан, ахлоқий қадриятлар, уларнинг табиати, асослари ва жамиятдаги амалий роли фалсафанинг тадқиқот предмети ҳисобланадики, бу жамиятда юзага келадиган ва табиий йўл билан, яъни реал ҳаёт амалиётида ўрнатиладиган меъёрлар ва қоидаларга сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Умуман олганда, фалсафа доимо ахлоқда, жамиятнинг барча аъзолари хулқ-атворида мухтасар кўринишда намоён бўлади ва шу тариқа яна бир муҳим функция – ахлоқий функцияни бажаради.

Фалсафанинг тарбиявий функцияси ҳақида фикр юритилганда бу масаланинг халқаро даражадаги кенг ва ҳар томонлама муҳокамаси натижаларини ҳисобга олган ҳолда сўз юритиш ўринли бўлади. Бугунги кунда нафақат айрим халқлар, балки бутун жаҳон ҳамжамияти ўз-ўзини англаб етишга йўналтирилган фалсафага муҳтождир. Буни 2002 йилдан Юнеско қарорига биноан, бутун дунёда ҳар йили ноябр ойининг учинчи пайшанбасида ўтказиладиган “Жаҳон фалсафа кунлари” ҳам, ҳозирги кунда дунё учун энг муҳим масалаларга эътиборини қаратадиган Жаҳон фалсафа конгресслари ҳам тасдиқлайди. Дарҳақиқат бундай конгресс биринчи марта 1900 йилда Францияда ўтказилган, 1948 йилдан бошлаб уни ҳар беш йилда бир марта ўтказиш анъанага айланган. Хусусан, 1998 йилда Бостон шаҳрида (АҚШ) бўлиб ўтган XX жаҳон фалсафа конгресси “Пайдейя: инсониятни тарбиялашда фалсафа” мавзусига бағишланган бўлса, Туркиянинг Анқара шаҳрида ўтказилган XXI Жаҳон фалсафа конгрессида “Фалсафа жаҳон муаммолари билан юзма-юз” мавзуси атрофлича муҳокама қилинди. XXII жаҳон фалсафа конгресси биринчи марта Осиё мамлакати бўлмиш Корея республикасининг Сеул шаҳрида “Ҳозирги даврда фалсафани қайта англаш” деган умумий мавзу остида бўлиб ўтди.

Конгрессларнинг мавзуларидан кўриниб турганидек, фалсафа реал ҳаёт билан узвий боғлиқ ва энг муҳим муаммоларни англаб етишга хизмат қилиб келди. Шундай муаммолардан бири – инсонни шахс сифатида тарбиялаш ва камол топтиришда фалсафанинг роли ва аҳамияти масаласидир. Бунинг учун эса, албатта, қадимги давр мутафаккирларининг асарларига яна бир бор мурожаат этиш тақозо этилади. Қадимги мутафаккирлар ҳар томонлама таълим ва тарбияни, яъни ўз қобилиятлари ва имкониятларини рўёбга чиқаришга қодир бўлган жисмоний ва маънавий жиҳатдан комил инсонни вояга етказишни «пайдейя» (юнон. pais – бола) атамаси билан ифодалаганлар. Ўша замонларда пайдейя аристократиянинг ўзига хос белгиси ҳисобланган; эндиликда файласуфлар таълим ва тарбия муаммоларини яна биринчи ўринга қўйиб, уларни ҳал қилишда фалсафанинг ролини аниқлашга ҳаракат қилар эканлар, бу тушунчани яна эсга олдилар.

Хуллас, фалсафа ўз функцияларини амалга оширишда жамиятда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ижтимоий-тарихий жараёнларнинг ривожланишига таъсир кўрсатади. Шунингдек, жамиятдаги ижтимоий муҳит ҳам фалсафа ривожига ўз таъсирини кўрсатади. Ақлий ва жисмоний меҳнатнинг бўлиниши, давлатчиликнинг пайдо бўлиши, ижтимоий табақаланиш, ишлаб чиқаришнинг мураккаб турларининг вужудга келиши, фанларнинг юзага келиши, билиш ва ижтимоий амалиётда сифат жиҳатидан янги эҳтиёжнинг туғилиши - буларнинг ҳаммаси объектив борлиқда янги ёндошув – фалсафани шаклланишига олиб келди.

Кейинчалик ижтимоий-тарихий трансформация фалсафий мулоҳазалар ривожига сезиларли таъсир кўрсатди. Масалан, Ғарбий Европада черков ва дин аҳамиятининг ўрта

асрда кучайиши бу даврда фалсафанинг илоҳиётни хизматкорига айланишига олиб келди. Янги даврда эса табиий фанлар ва саноатнинг ривожланишига талаб фалсафадаги мантиқий-методологик ҳамда гносеологик муаммоларнинг кескин кучайишига сабаб бўлди.

Умуман фалсафа фани олдида турган барча муаммоларни бешта гурухга бўлиш мақсадга мувофиқдир: а) онтологик, б) антропологик, в) аксиологик, г) гносеологик ва д) праксиологик. Бу муаммоларнинг барчаси дунёқарашнинг муайян типи билан боғланиб кетади. Аммо илм-фан хулосалари, далилларига таянган фалсафий дунёқараш орқали инсоният миллий ва умумбашарий муаммоларни қадам-бақадам хал эта олишига умид боғлаш ҳар бир кишида ижобий хис-туйгуларни вужудга келтириб, ҳаётини мазмунли ва қадрли этади.

2-савол баёни: Фалсафанинг моҳиятини, шунингдек унинг пайдо бўлиш сабаблари ва шароитларини тушуниш учун гапни инсон дунёқарашидан бошлаш лозим. Нима учун? Шунинг учунки, фалсафа дунёқарашнинг асосий тарихий шаклларидан бири ҳисобланади. Фалсафа ҳақида гапириш – инсон дунёқараши, унинг оқилона фикрлаш қобилияти ҳақида, бинобарин, унинг моҳияти ва Ерда пайдо бўлиш тарихи ҳақида гапириш демакдир. Инсоният тарихи ҳақидаги ҳозирги илмий тасаввурлар нуқтаи назаридан айрим масалалар мавжуд бўлиб, улар хусусида олимлар ва мутахассислар маълум бир тўхтамга келганлар. Хусусан, бой тарихий материал, археология фани олган далилий маълумотлари, шунингдек бошқа фанларнинг методлари билан олинган натижалар (масалан, жинслар, фойдали қазилмалар ёшини аниқлаш ва ш.к.)ни эътиборга олган ҳолда, ишонч билан инсон сайёрамизда ҳаётнинг тадрижий (эволюцион) ривожланиши маҳсулидир, деб қайд этиш мумкин.

Ҳозиргача мавжуд билимлар оддий меҳнат қуролларини ясаган инсонсимон мавжудотларнинг (лот. homo habilis – уқувли одам) қадимги манзилгоҳлари тахминан 3-5 млн йил олдин пайдо бўлган, деган хулосага келиш имконини беради. Археологик ва илмий маълумотларга кўра, қаддини тик тутиб юрадиган одам ёши тахминан 1,5 млн йилни ташкил этади. Homo sapiens, яъни ақлли одамлар типи атиги 40-60 минг йил олдин вужудга келди. Инсонда онг пайдо бўлиб, у ижтимоий мавжудот сифатида узил-кесил шаклланганидан бери, мутахассислар фикрича, унинг асосий табиий хусусиятларида жиддий ўзгаришлар юз бергани йўқ, яъни у ҳозирги одамлардан деярли фарқ қилмайди. Онг пайдо бўлиши эса, илмий тасаввурларга мувофиқ, инсон тарихий ривожланишининг одам мияси ўсиб бораётган меҳнат фаоллиги ва вербал (нутқ орқали) мулоқот таъсирида ўта ривожланиб, мураккаб мавҳумликларни тушунадиган даражага етган даври билан боғланади. Шундай қилиб, инсон тушунчаларга таъриф бериш, мулоҳазалар билдириш ва мушоҳадалар юритиш йўли билан содда, лекин сўзнинг тўла маъносида ақлий иш олиб бора бошлади.

Дунёқарашнинг моҳияти. Айни шу даврдан бошлаб инсоннинг анча ривожланган дунёқараши шаклланган ҳақида ва умуман тўпланган билимлар, амалий кўникмалар, вужудга келган қадриятлар, ўзи ва ўзини қуршаган дунё ҳақидаги тасаввурлар мажмуи сифатидаги одамлар дунёқараши тўғрисида ишонч билан сўз юритиш мумкин.

Ҳаёт тажрибаси ва эмпирик билимлар асосида шаклланадиган дунёқараш оддий ёки эмпирик дунёқараш деб аталади ва инсоннинг дунё ҳақидаги тасаввурларининг қисмларга ажралмаган, тизимсиз мажмуи сифатида амал қилади. У ҳар қандай дунёқарашнинг негизи ҳисобланади ва одамларга кундалик ҳаёти ва фаолиятида йўл кўрсатиб, уларнинг хулқ-атвори ва юриш туришини белгилаб, муҳим регулятив функцияни бажаради.

Тўлиқроқ, кенгроқ таъриф берадиган бўлсак, **дунёқараш** – *инсонннинг ўзини қуршаган борлиққа ва ўз-ўзига бўлган муносабатга нисбатан ёндашувлар тизими, шунингдек одамларнинг мазкур ёндашувлар билан белгиланган ҳаётий идеаллари, эътиқодлари, билиш ва фаолият тамойиллари, қадрият ва мўлжалларидир.* **Дунёқараш –** *бу, аввало, инсон ўзлигини ва дунёни зарурий равишда англаши, тушуниши, билиши ва баҳолаши натижасида юзага келган хулосалари, билимлари асосида шаклланган тасаввур ва қарашлар, назарий хулоса ва умумлашмалар тизимидир.*

Дунёқарашнинг таркибига борлиқнинг оддий ҳиссий ва ақлий инъикоси сифатида ҳосил бўлган сезги, идрок ва тасаввурларидан тортиб, назарий тафаккурда мантиқий жиҳатдан қайта

ишланиб ҳосил бўлган мифологик, диний, фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик, бадиий ва илмий билимлар, қарашлар, ишонч ва эътиқодларнинг барчаси, хуллас, амалий ва илмий билим ва қарашларнинг жами киради. Дунёқарашнинг таркибидаги бу элементларнинг барчаси бир бутунликни ва умумий бир мазмунни ифодалайди.

Дунёқарашда шахснинг роли. Ақл пайдо бўлиши билан инсон ўзини фикрловчи мавжудот сифатида англай бошлайди, унда ўз «мени» ва ўзгалар ҳақида тасаввури шаклланади ва ривожланади. Шу тариқа у ўзини ва ўзини қуршаган борлиқни англайди, ўзи ва бошқа одамларни, ўзи ва ташқи муҳитни фарқлайди, илгари ўзига маълум бўлмаган дунёнинг янги ва янги жиҳатларини идрок этади. Бундай қарашлар инсоннинг ўзи ва ўзини қуршаган борлиқ ҳақидаги тасаввурлари мажмуи сифатида шаклланадиган дунёқараш негизини ташкил этади. Бунда инсон ўзига маъқул ва номаъқул нарсаларни фарқлайди, баҳолар беради, устуворликлар тизимини яратади ва муайян мақсадларга эришишда тегишли тарзда иш кўради.

Шундай қилиб, дунёқарашда *билиш, қадриятларга муносабат ва хулқ-атворни белгилаш функциялари* мужассамлашади. Бунда билиш функцияси айниқса муҳимдир, чунки у инсонда қизиқиш уйғотувчи барча саволларни, шунингдек муайян йўл билан топувчи жавобларни ўз ичига олади. Билиш одамлар дунёқарашини бойитади ва кенгайтиради, у жамиятнинг ривожланишига қараб янада теранроқ ва мазмунан бойроқ бўлиб боради. Аммо дунё жуда ранг-баранг бўлиб, муттасил ўзгариш жараёнини бошдан кечиради, қониқарли жавобларга эга бўлмаган саволлар эса, узил-кесил жавоб бериш мумкин бўлган саволларга қараганда, ҳеч шубҳасиз, кўпроқдир. Шу боисдан муаммоларга нисбатан муайян тарзда ёндашадиган ҳар бир одамнинг дунёқараши, саволлари ва жавоблари доим шахсий ўзига хослик билан ажралиб туради ва ҳеч бўлмаса шу сабабга кўра бошқа одамлар дунёқарашига ҳеч қачон ўхшамайди.

Дунёқарашнинг ўзига хослиги ва бетакрорлиги унда *интеллектуал асос* билан бир қаторда *эмоционал ва руҳий асослар*нинг узвий боғлиқлиги ва уларнинг жамулжам ҳолда ҳар бир инсон учун мутлақо муайян, индивидуал хусусиятлар сифатида амал қилишидир.

Интеллектуал, эмоционал ва руҳий асослар ирода билан уйғунликда эътиқодлар – одамлар фаол қабул қиладиган, уларнинг онг даражаси ва ҳаётдаги мўлжалларига мос келадиган қарашларни юзага келтиради.

Дунёқарашнинг тузилиши *дунёни сезиш, дунёни идрок этиш ва дунёни тушуниш* каби энг муҳим элементлардан иборат.

Дунёни сезиш – бу ўзини қуршаган дунёни сезгилар ёрдамида ҳиссий идрок этишдир. Бунда туйғулар, кайфият дунёни гўёки рангларга бўяйди, унинг образини субъектив, соф индивидуал сезгилар орқали акс эттиради.

Дунёни идрок этиш – бу атроф борлиқни идеал образларда тасаввур қилишдир. Дунёни идрок этиш тўғри ёки нотўғри бўлиши, яъни борлиққа мос келмаслиги мумкин. Бу ҳолда борлиқ нотўғри тасаввур қилинади ёки иллюзиялар, сув парилари, алвастилар, кентаврлар ҳақидаги тасаввурларга ўхшаш фантазиялар пайдо бўлади.

Дунёни тушуниш – инсоннинг ва уни қуршаган дунёнинг моҳиятини аниқлаш, шунингдек табиатда юз берувчи воқеалар ва жараёнларнинг ўзаро алоқаларини тушунишга қаратилган ақлий-билиш фаолиятидир.

Дунёни сезиш ва қисман (элементар шаклларда) дунёни идрок этиш нафақат инсонга, балки ҳайвонларга ҳам хос бўлса, дунёни тушуниш эса фақат одамларга хос хусусиятдир.

Дунёқарашнинг тарихий шакллари. Жамиятнинг тарихий тараққиёти билан инсоннинг амалий ва назарий билиш фаолияти ҳам ривожланиб бориб дунёқарашнинг янги-янги тарихий шакллари пайдо бўлади. **Мифологик (афсонавий), диний ва илмий-фалсафий** дунёқарашлар кишилик тарихида вужудга келган дунёқараш шаклларидир. Дунёқарашнинг дастлабки шакллари миф ва дин бўлиб, бу ҳол инсоният тадрижий ривожланишининг умумий мантиқи билан муштаракдир. Кўникмалар, тажриба ва оддий билимлар тўпланишига қараб,

нафақат уларни авлоддан авлодга ўтказиш муаммоси юзага келган, балки ибтидоий одамларнинг дунёқараши ҳам мураккаблашиб борган.

Мифологик дунёқараш. Мифология яъни афсонавий дунёқараш – кишилик жамияти тараққиётининг илк босқичида пайдо бўлган бўлиб, у табиат кучлари ва ҳодисаларини ҳиссий қиёфалар ва алоҳида вужудлар шаклида жонлантириб тасвирловчи, кишиларнинг ҳаётига асосланувчи қарашлар ва тасаввурлардир. «Миф» тушунчаси юнонча mythos сўзидан келиб чиққан бўлиб, афсона, ривоят деган маънони англатади. *Миф – бу турли халқларнинг дунёнинг келиб чиқиши, табиат ҳодисалари, фантастик мавжудотлар, худолар ва қаҳрамонларнинг ишлари ҳақидаги тасаввурини ифодаловчи муайян тарзда тизимга солинган дунёқарашдир.*

Мифда билимлар, диний эътиқодлар, маънавий маданиятнинг турли элементлари, санъат, ижтимоий ҳаёт куртаклари бирлашган бўлиб, шу тариқа ибтидоий одамлар дунёқараши маълум даражада тартибга келган, уларнинг дунё ҳақидаги қарашлари эса муайян тизимга солинган. Мазкур тизимга солишнинг муҳим шакллари эпос, эртаклар, афсоналар, ривоятлар бўлиб, мифлар аввало улар орқали ифодаланади. Шу тариқа тўпланган билимлар ва тажриба кейинги авлодларга ўтиши ҳам таъминланади.

Диний дунёқараш. Дунёқарашнинг тариҳан иккинчи шакли диндир. Дин сўзи арабчадан таржимада эътиқод, ишонч, ишонмоқ деган маъноларни англатади. Миф каби, дин замирида ҳам эътиқод, туйғулар ва эмоциялар ётади. Гарчи дин куртаклари «ақлли одам» дунёқараши шаклланишининг дастлабки босқичларида, яъни тахминан 40-60 минг йил муқаддам пайдо бўлган бўлса-да, умуман олганда у дунёқарашнинг мустақил шакли сифатида кейинроқ, жумладан миф таъсирида инсоннинг абстракт фикрлаш қобилияти сезиларли даражада кучайган даврда вужудга келган.

Хуллас, дин мураккаб маънавий тузилма ва ижтимоий-тарихий ҳодиса бўлиб, унда эътиқод муқаррар тарзда биринчи ўринга қўйилади ва ҳамиша билимдан устун туради.

Диний дунёқараш **–** *бу кишиларнинг табиий ва ижтимоий ҳодисаларни илоҳий кучлар асосида акс эттирувчи қараш ва тасаввурлари ҳамда ана шу илоҳий кучларга бўлган ишонч ва эътиқодларидир. Диний дунёқарашнинг асосий элементлари жумласига диний туйғу, диний ақидалар ва унга ишониш, сиғиниш, диний эътиқод кабилар киради.*

Диннинг асосий функциялари. Миф билан таққослаганда, дин функциялари мураккаброқдир. Дин функциялари орасида қуйидагиларни фарқлаш мумкин:

· дунёқарашни шакллантириш функцияси бутун борлиқ қачон ва нима учун пайдо бўлган ва бунда ғайриоддий кучнинг оламшумул роли қандай намоён бўлган, деган саволларга жавоб беради;

· коммуникатив функцияси мулоқот ва шахслараро алоқаларнинг муайян типини таъминлайди, жамиятнинг жипслашуви ва яхлитлигига кўмаклашади;

· тартибга солиш функцияси одамлар хулқ-атворини тартибга солувчи тегишли меъёрлар ва қоидаларни белгилайди;

· компенсатор функцияси етишмаётган ахборот, диққат-эътибор, ғамхўрлик ўрнини тўлдиради, ҳаёт маъноси, истиқболлар ва шу кабиларнинг йўқлигини сездирмайди, яъни инсоннинг кундалик ҳаётда қондирилмаган эҳтиёжлари ўрнини тўлдиради.

Диннинг асосий илдизлари. Дин тарихий-зарурий ҳодиса сифатида вужудга келган бўлиб, у инсоннинг ғайриоддий нарсалар ва ҳодисаларга бўлган эътиқодини тўйинтирувчи чуқур илдизларга эгадир. Диннинг *психологик илдизи* аввало инсон табиатида мавжуд бўлиб, у инсон интеллектининг ривожланиш даражаси ва танқидий фикрлаш қобилиятидан қатъий назар, нафақат тушуниш, англаш, балки эътиқод қилиш истаги ва ҳаттоки эҳтиёжи ҳамиша намоён бўлишидир.

Диннинг *гносеологик илдизлари* оқилона билим нуқтаи назаридан дунё ўз ранг-баранглигида инсонга чексиз мураккаб бўлиб туюлишида намоён бўлади. Одамзот ўзини қуршаган борлиқни фақат қисман англаб етади. Айни шу сабабли олам инсон учун сирлар ва мўъжизаларга тўладир. Одамзот ўзи эътиқод қиладиган кўп нарсаларни фақат ақлга таяниб исботлашга ҳам, рад этишга ҳам қодир бўлмаганидек, юқорида зикр этилган сирлар ва

мўъжизаларга жавоб топишга ҳам (балки ҳозирча) қодир эмас. Психологлар қайд этганидек, «ўта мушкул вазифа ақлни ўтмаслаштиради», инсон ечимсиз муаммолар қаршисида ўзини ожиз ҳис қилади ва ақл далилларини уйдирма, ғайриоддий нарсалар билан осонгина тўлдиради.

Диндорлик сабабларига *ижтимоий* соҳада ҳам дуч келиш мумкин, зеро жамиятда тенгсизлик, қашшоқлик ва адолатсизлик доимо мавжуд бўлган, одамлар қанча уринмасин уларни ўзгартира ёки енга олмаган. Адолатсизлик ва фоний дунёнинг номукаммаллиги туйғуси чорасизлик ва умидсизликни юзага келтиради, сўнгги зикр этилган туйғулар осонгина у дунёда ҳаётнинг мавжудлигига бўлган ишончга айланади. Ваҳоланки, ҳар қандай дин ҳақиқий ҳаёт у дунёдадир, деб ўргатади. Муаммолар, қийинчиликларга дуч келган ва реал ҳаётда ўзига таянч топа олмаган инсон ғайриоддий кучларга умид боғлаб, нариги дунёга мурожаат этади. Уларга эътиқод қилиб, одамзот таскин ва тасалли топади ва охир-оқибатда тақдирга тан беради.

Диннинг *сиёсий илдизлари.* Дин ва сиёсат ўртасида ҳам узвий ва доимий алоқа мавжуд. Одатда, турли сиёсий кучлар диндан ўз майда-чуйда манфаатларида фойдаланиш имкониятини қўлдан бой бермайдилар ва шу тариқа уни бевосита ёки билвосита қўллаб-қувватлайдилар, унинг жамиятдаги роли ва таъсирини кучайтирадилар.

Диний эътиқодларнинг тарихий шакллари. Инсоният тарихига кўп сонли турли-туман динлар маълум. Хусусан, маданият ва билимлар даражаси жуда паст бўлган инсон ўзига қудратли, ёт ва сирли бўлиб туюлган табиатнинг фавқулодда кучларига қаршилик кўрсата олмаган ибтидоий жамоа даврида диннинг анча содда шакллари: фетишизм, анимизм, тотемизм, магия ва бошқалар юзага келган.

Фетишизм у ёки бу предметни мўжизакор хислатларга, одамлар ҳаётига таъсир кўрсатиш қобилиятига эга деб ҳисоблайди. Бундай предмет илоҳийлаштирилади, сиғиниш ва топиниш объектига айланади.

Анимизм (лот. anima – жон) – нафақат одамлар, балки ҳайвонлар, предметлар ва борлиқ ҳодисаларини ҳам гўё руҳ, жон бошқариб туришига ишониш. Анимизм нуқтаи назаридан бутун дунё руҳли ва жонлидир.

Тотемизм негизини муайян одамлар гуруҳининг тотем, яъни сиғиниш объекти саналган аждод деб эълон қилинадиган у ёки бу ҳайвон, ўсимлик, предмет билан умумий келиб чиқишига бўлган ишонч ташкил этади, зеро тотем мазкур жамоа ёки уруғнинг қудратли ҳомийси, ҳимоячиси ҳисобланади, уни озиқ-овқат ва шу кабилар билан таъминлайди. (Ҳиндистонда Хонумон маймуни, турли қабилаларда у ёки бу илоҳий предмет).

Магия (юнон. mageia – сеҳргарлик) ҳам ибтидоий дин шаклларидан бири бўлиб, унинг замирида табиий кучлар ёрдамисиз сирли тарзда, масалан расм-русумлар, ўзига хос амаллар мажмуи билан нарсалар, одамлар, ҳайвонлар ва ҳатто ғайритабиий кучлар – руҳлар, инсу жинслар ва шу кабиларга таъсир кўрсатиш мумкинлигига бўлган ишонч ётади.

Диннинг қайд этилган қадимги шакллари кейинги диний эътиқодлар негизини ташкил этди ва политезм (кўпхудолик)да ҳам, монотеизм (яккахудолик)да ҳам у ёки бу даражада ўз аксини топди. Улар ҳозирда ҳам қисман мустақил ҳолда мавжуддир.

Давлатчиликнинг вужудга келиши ва ривожланиши, қадимги буюк маданиятларнинг пайдо бўлиши, қулдорлик муносабатларининг шаклланиши, монархиялар ташкил топиши ва шундан келиб чиқадиган яккабошчиликнинг юзага келиши натижасида диний дунёқарашда ҳам бир худога сиғиниш тенденцияси пайдо бўлди. Одамлар кўп сонли худолар орасида куч-қудратда ягона бир худони фарқлаб, шу тариқа дунёвий подшо ҳукм сурувчи реал ҳаёт ҳақидаги ўз тасаввурларини ягона ва қудратли худо яшайдиган нариги дунё билан гўёки мувофиқ ҳолатга келтирдилар. Шу тариқа ***монотеистик динлар*** (юнон. mono – бир ва theos – худо): *иудаизм* (мил. ав. VII аср), *буддизм* (мил. ав. VI-V асрлар), *христианлик* (I аср) ва *ислом* (VII аср) вужудга келди.

Фалсафий дунёқараш. Милоддан аввалги VII-VI асрларга келиб асосан миф ва дин таъсирида одамлар дунёқараши нафақат кенгайди, балки анча мураккаблашди. У абстракт

назарий фикрлаш қобилияти ва (тўпланган билимлар кўринишида) реал асосларга эга бўлиши натижасида ўз ривожланишининг бутунлай янги даражасига кўтарилди. Бунга, ҳеч шубҳасиз, меҳнат тақсимотига олиб келган ривожланган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, маълум миқдорда ортиқча мавжудлик воситалари, бўш вақтнинг пайдо бўлиши ҳам имконият яратди. Буларнинг барчаси муайян шахслар доирасига интеллектуал фаолият билан профессионал даражада шуғулланиш имконини берди.

Шундай қилиб, тахминан 2500 йил муқаддам дунёқарашнинг учинчи шакли – фалсафа пайдо бўлиши учун зарур шарт-шароит Европа ва Осиёда деярли бир вақтда юзага келди. Дунёқарашнинг аввалги шакллари – миф ва диндан фарқли ўлароқ, фалсафа дунёни эътиқод ва туйғуларга таяниб эмас, балки ақл ва билимларга таянган ҳолда тушунтиради.

Фалсафий билим ва қарашларнинг пайдо бўлиши кишиларнинг дунё ва инсоннинг моҳиятини назарий тафаккурда англаб олиш эҳтиёжидан келиб чиққан. ***Фалсафий дунёқараш*** *– бу мантиқий таҳлил ва умумлаштиришлар, мантиқий муҳокама ва хулоса чиқаришлар, мантиқий исбот ва раддиялар асосида назарий фикр юритишлар орқали дунёни, бутун борлиқни тушуниш ва тушунтириш, изоҳлаш ва баҳолаш туфайли ҳосил бўлган билим ва қарашлардир.* Фалсафий дунёқарашнинг шаклланиши ва ривожланиши фалсафа фанининг пайдо бўлиши ва ривожланиши билан узвий боғлиқ ҳолда юз беради.

Фалсафа Ҳиндистон, Хитой, Марказий Осиё ва қадимги Юнонистонда тахминан бир вақтда аввало дунёни оқилона англаш усули сифатида вужудга келди. Бу вақтга келиб миф ва дин ўзларининг тайёр ва узил-кесил жавоблари билан инсоннинг билимга нисбатан тинимсиз кучайиб бораётган қизиқишини қондира олмай қолди. Улар шунингдек сезиларли даражада ўсган ва мураккаблашган тажриба ва билимларни умумлаштириш, тизимга солиш ва авлодларга қолдириш вазифасининг ҳам уддасидан чиқолмай қолди.

Дунёни фалсафий идрок этишнинг ўзига хос хусусияти. Унда дунёни билиш, сезиш, кўриш ва тушунишнинг бутунлай янги соҳаси – фалсафа вужудга келишидадир. Дарҳақиқат фалсафа – бу нафақат у ёки бу одам дунёқарашининг шакли, балки ижтимоий онг шакли, одамлар борлиғи ва билишининг умумий тамойиллари, уларнинг дунёга муносабати акс этувчи, табиат, жамият ва тафаккурнинг энг умумий қонунлари кашф этилувчи ва таърифланувчи маънавий фаолиятдир. Яъни бу дунёга ва инсоннинг ундаги ўрнига нисбатан қарашларнинг умумий тизимидир.

Хуллас, фалсафа ҳақиқат қандай бўлса, уни шундай ифодалаб кўрсатишдир, дин эса – унинг рамзий, тимсолий акс этиши. Фалсафа асос ва моҳият бўлса, дин тимсол ва шакл. Диалектик мунозара усули жамиятнинг кам сонли аёнлари учун керак. Ваҳий йўлидаги ифода – халқ оммасининг идроки, тарбия ва таълими учун керак.

Фалсафий тасаввурлар ва табиий-илмий қарашларни фарқлаш осон иш эмас. Бироқ фалсафий тасаввурлар табиий-илмий қарашларга таъсир кўрсатгани, худди шунингдек ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, Ибн-Сино, Мирзо Улуғбек, И. Нютон, А.Ейнштейн каби буюк олимларнинг илмий ғоялари замирида уларнинг кенг ва теран фалсафий билимлари ётиши шак-шубҳасиздир. Айни шу сабабли ушбу мутафаккирларнинг яхлит фалсафий таълимоти ҳақида бўлмаса ҳам уларнинг жиддий фалсафий қарашлари ҳақида тўла асос билан сўз юритиш мумкин.

Фалсафа ва фан. Фалсафа нафақат фан, балки ижтимоий ҳаётнинг бошқа, соҳалари: иқтисод, сиёсат, ижтимоиёт, ҳуқуқ, кабилар билан ҳам узвий боғлиқ. Бироқ, биз фалсафа ва фан муносабатларининг генезиси ҳақида уларнинг бирлиги ва фарқларини аниқлаш мақсадида сўз юритамиз. Мазкур масалани муфассалроқ ўрганишга киришар эканмиз, аввало кўрсатилган тушунчаларнинг асосий маънолари ва мазмунларини аниқлаб оламиз.

Шундай қилиб, *азалдан яхлит ва бўлинмас дастлабки билим сифатида амал қилган фалсафа заминида ўша замонлардаёқ амалий хусусият ва тегишли йўналишга эга бўлган билим соҳалари фаол шакллана бошлади. Шу тариқа аста-секин табиатшунослик вужудга келди, муайян фанлар (математика, геометрия, физика, тиббиёт, астрономия, тарих ва бошқалар) шаклланиб, ўз шакл-шамойилини касб этди ва мустақил тус олди*. Айни шу

маънода фалсафа барча фанларнинг асоси ҳисобланади. Бу фанлар фалсафадан ажралиб чиққач, кейинчалик илмий билимнинг табақаланиши жараёнида баъзан парчаланиб, ўз тадқиқот предметини янада торайтиради ва муфассаллаштиради. Улар таҳлилининг теранлиги ва нарсалар моҳиятини англаш даражаси ортса, айни вақтда ўрганилаётган масалалар доираси тораяди.

Фан дунёқараш шакли. Фан билимнинг мустақил соҳаси, дунёқарашнинг алоҳида шакли сифатида фақат XVII-XVIII асрларда тўла шаклланди. Муайян даражада шартлилик билан шуни айтиш мумкинки, бу И.Нютон классик механиканинг асосий қонунларини таърифлаб, аввало Галилео Галилей томонидан таърифланган классик механиканинг шаклланишига якун ясаганидан кейин юз берди.

Фан ривожланишининг асосий босқичлари. 1. *Милоддан аввалги I минг йилликдан XII асргача бўлган давр* ***илк фан*** *давридир*. Бу даврда асрлар мобайнида авлоддан-авлодга ўтиб келган, ҳаёт тажрибаси ва меҳнат фаолияти жараёнида олинган амалий билимлар билан бир қаторда жуда умумий ва мавҳум мушоҳадаларга асосланган назариялар хусусиятига эга бўлган табиат ҳақидаги дастлабки фалсафий тасаввурлар (натурфалсафа) вужудга кела бошлаган. Илмий билим куртаклари натурфалсафа доирасида унинг элементлари сифатида шаклланган. 2. *XVII - XVIII асрлар – 1- илмий инқилоб даври бўлиб, у* ***классик фан*** *даври деб номланади ва XIX асргача давом этади*. У Коперник ва Галилей тадқиқотларидан бошланиб, Нютон ва Лейбницнинг физика ва математика соҳасидаги фундаментал асарлари билан ўз чўққисига кўтарилган. XVII асрда дастлабки илмий академиялар: Лондон қироллик жамияти (1660), Париж Фанлар академияси (1666) ташкил топади. Кейинроқ Берлинда (1700), Санкт-Петербургда (1724), Стокголмда (1739) ва Европанинг бошқа пойтахт шаҳарларида илмий академиялар таъсис этилади. 3. *XIX аср охири XX асрнинг 70 йиллар фани* ***ноклассик фан*** *даври деб аталади*. Бу даврда кўплаб айрим илмий фанлар вужудга келади, уларда улкан фактик материал тўпланади ва тизимга солинади. Математика, физика, кимё, геология, биология, психология ва бошқа фанларда фундаментал назариялар яратилади. Техника фанлари вужудга келади ва моддий ишлаб чиқаришда янада сезиларлироқ рол ўйнай бошлайди. Фаннинг ижтимоий роли ортади, унинг ривожланиши ўша давр мутафаккирлари томонидан ижтимоий тараққиётнинг муҳим омили сифатида эътироф этилади. 4. *XX асрнинг 70 йилларида фан ривожланишида янги босқич бошланади*. *Бу давр фани* ***постноклассик*** *деб аталади,* чунки мазкур аср бўсағасида фанда инқилоб юз беради ва бунинг натижасида у олдинги даврнинг классик фанидан сезиларли даражада фарқ қила бошлайди. XIX-XX асрлар чегарасида амалга оширилган инқилобий кашфиётлар бир қанча фанларнинг асосларини ларзага солади. Математикада тўпламлар назарияси ва математик тафаккурнинг мантиқий асослари танқидий таҳлил қилинади, бир қанча янги фанлар вужудга келади. Физикада классик физиканинг фалсафий асосларини қайта кўришга мажбур қилган фундаментал назариялар – нисбийлик назарияси ва квант механикаси яратилади. Биологияда генетика ривожланади. Тиббиёт, психология ҳамда инсон ҳақидаги бошқа фанларда янги фундаментал назариялар пайдо бўлади. Илмий билимнинг шакл-шамойилида, фан методологиясида, илмий фаолиятнинг шакл ва мазмунида, унинг меёрлари ва идеалларида оламшумул ўзгаришлар юз беради.

XX асрнинг иккинчи ярми фанни янги инқилобий ўзгаришларга олиб келади. Бу ўзгаришлар адабиётларда кўпинча *фан-техника инқилоби* сифатида тавсифланади. Бу ўзгаришлар шу билан боғлиқки, Иккинчи жаҳон урушидан кейин иқтисодий ривожланган мамлакатларда фан ютуқлари илгари мисли кўрилмаган миқёсда амалиётга – саноат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, кундалик ҳаётга жорий этилади. Фан энергетикада (атом электростансиялари), транспортда (автомобилсозлик, авиация), электроникада (телевидение, телефония, компютерлар) айниқса улкан ўзгаришлар ясайди. Фаннинг ривожланиши энг янги ҳарбий техникани яратишнинг асосий омилига айланади ва «икки лагер»нинг урушдан кейинги қарама-қаршилиги шароитида авж олган қуролланиш пойгаси йирик давлатларни илмий-техникавий тадқиқотларга улкан маблағларни сарфлашга мажбур қилади.

XX асрнинг сўнгги ўн йилликларида фан техника тараққиёти *ахборот (компютер) инқилоби* босқичига қадам қўйди. Бу босқичнинг ўзига хос хусусияти шундаки, ахборот жамият ривожланишининг муҳим ресурсларидан бирига айланди. Шу тариқа фан билан боғлиқ юксак технологиялар, улар билан муштарак таълим эндиликда ҳар қандай жамиятнинг цивилизацион ривожланиш даражасини белгиламоқда.

Фан ва фалсафанинг мутаносиблиги. *Фан ривожланишнинг юксак даражасига эришган бўлса-да, лекин амалда фалсафа билан узвий боғлиқ бўлиб қолмоқда. Улар фаол ўзаро таъсирга киришиб, бир-бирининг ривожланишига самарали таъсир кўрсатмоқда. Бу ҳол шу билан изоҳланадики, фалсафа далилий материалга, синовдан ўтган илмий маълумотларга таяниб, ўзининг мавҳум ғояларини борлиқ билан таққослаш имкониятига эга, фан эса, далилларни қайд этиш ва тавсифлаш билан чекланмай, янада асослироқ хулосалар чиқариш имкониятини қўлга киритади*.

Шунга қарамай, фан ва фалсафанинг ролига баҳо беришда айрим қарама-қаршиликлар мавжуд. Хусусан, баъзи бир илмий ва фалсафий давраларда фаннинг роли ва аҳамиятини мутлақлаштирувчи ёндашув мавжуд бўлиб, у "ижобий", "фойдали" билим сифатида фанни "мавҳум" ва "тажрибага асосланмаган" фалсафага қарши қўяди. Бундай қарашлар сциентистик деб, назарий тафаккур йўналиши эса – сциентизм (лот. сциентиа ва ингл. science – фан, билим) деб аталади. **Сциентизм** *фан техника тараққиётининг ижобий жиҳатларини мутлақлаштиради.* А**нтисциентизм** *фалсафий билишни илмий билишдан ажратади, уни илмий билиш билан мувофиқ эмас, деб эълон қилади, у оқилоналикни камситади ва мистика, интуиция, ирода ва шу кабиларни мутлақлаштиради*.

3-савол баёни. Ҳозирги дунёда фалсафанинг аҳамияти. Бугунги кунда, тезликлар ва юксак технологиялар асрида фалсафа керакми, у эскиргани йўқми? Узлуксиз ахборот оқими ва сурункали вақт танқислиги шароитида муайян билим фалсафани сиқиб чиқармайдими? Бундай саволлар мутлақо ўринлидир, лекин уларга жавобни ҳаётнинг ўзи беради, у ҳозирги замон одами олдига кўп сонли, шу жумладан илгари ҳеч қачон мавжуд бўлмаган, бутунлай янги фалсафий муаммоларни қўяди.

Жаҳон ҳамжамияти III минг йилликнинг бошланишини ўз бирлигини, биосфера ҳолати ва Ерда ҳаётнинг давом этиши учун ўз жавобгарлигини тобора теранроқ англаган ҳолда қарши олди. Айни шу сабабли инсоннинг баркамол ривожланиши, одамлар, халқлар ўртасида, шунингдек жамият ва табиат ўртасида инсоний, яхши қўшничилик (коэволюция) муносабатларини ўрнатиш масалалари азалий фалсафий мавзулар билан бир қаторда фалсафий тадқиқотларда биринчи ўринга чиқмоқда. Шу муносабат билан файласуфлар аввало Ер юзида таълимнинг ҳолати ва ривожланиш даражасидан қаттиқ ташвишда эканликларини билдирмоқдалар. Кўпгина файласуфлар фикрига кўра, ҳозирги муаммоларнинг аксарияти замирида айнан қониқарсиз таълим ва лозим даражадаги тарбиянинг йўқлиги ётади. Бу муаммоларни ечишда фалсафа ҳам ўз ролини ўйнаши лозим.

Хулосалар. Дунёқараш бу инсоннинг дунёга, ундаги воқеаларга муносабатлари, ундаги ўрни ва ҳаёт мазмуни ҳақидаги энг умумий қарашлари тизими.

Инсоният тарихида дастлаб мифологик дунёқараш шаклланган бўлиб, унда инсон атроф муҳит билан бирлашади ҳамда на табиат ва на ўз уруғидан ажралмаган ҳолда намоён бўлади. Диний дунёқарашга оламни бу дунё, у дунё ва ғайри табиий дунёга бўлиш хос. Диннинг асоси ғайритабиий кучларга ишонч-эътиқод билан йўғрилган.

Фалсафа мифологик ва диний дунёқарашдан ўзининг атроф муҳитга танқидий муносабати асосидаги дунёқарашли функциясини бажаради, гносеологик ва онтологик категорияларга мурожаат қилиб мантиқий хулосалар чиқаради.

Фалсафа назарий асосланган дунёқараш, умумий категориялар, инсоннинг оламга фаннинг табиат ва жамият ҳақидаги илмий ютуқларига таянилган назарий муносабати. Фалсафанинг аҳамияти, унинг инсонни ўз-ўзини, оламни англашга, ижодий баркамолликка йўналтира олишидадир.

Назорат саволари:

1. Фалсафа атамасининг луғавий маъноси ва моҳиятини қандай тушунасиз?
2. Фалсафа фанми ёки маънавий фаолият турими?
3. Фалсафа фанининг тадқиқот объекти ва предмети нима?
4. Фалсафанинг баҳс мавзулари ва уларнинг тарихан ўзгариб келишини қандай изоҳлайсиз?
5. Фалсафанинг асосий масаласини тушунтиринг.
6. Фалсафа фани тўғрисида ўтмиш мутафаккирларининг қандай фикрларини биласиз?
7. Фалсафанинг умуминсонийлиги деганда нимани тушунасиз?
8. Фалсафий билимлар тизимини қандай тушунасиз?
9. Оламни фалсафий тушунишда қандай фалсафий ғоялар, таълимотлар, назариялар шаклланган?
10. Фалсафанинг жамият ҳаётидаги роли ва асосий функциялари қандай?
11. Фалсафа ва фаннинг ўзаро мутаносиблиги ва алоқадорлигини тушунтиринг.
12. Фан тараққиётининг асосий босқичларини қандай изоҳлайсиз?

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари (тест):

1. **«Фалсафа» сўзининг луғавий маъноси тўғри кўрсатилган жавобни белгиланг?**

А. Юнонча, phileo – севаман ва sophia – донолик
Б. Юнонча, phileo – севаман ва sophia – билиш
В. Лотинча, phileo – севаман ва sophi – донишмандлик
Г. Лотинча, phileo – севаман ва sophia – донолик

2. **«Фалсафа» атамасини биринчи бўлиб қайси файласуф ўз асарида қўллаган?**

А. Аристотел
Б. Пифагор
В. Суқрот
Г. Платон

3**. Фалсафа фанининг тадқиқот объекти ва предмети нима?**

А. Инсон онги ва маънавияти, уларнинг ривожланиш қонунлари.
Б. Инсон ва жамият, жамият ривожланишининг энг умумий қонунлари.
В. Табиат ва жамият, уларнинг ривожланиш қонунлари.
Г. Борлиқ, бир бутун борлиқ равожланишининг энг умумий қонунлари..

4. **Археолог олимларнинг фикрига кўра одамзотнинг “homo sapiens” тури тахминан қанча йиллар олдин вужудга келган?**

А. 5 млн йил аввал
Б. 3,5 млн йил аввал
В. 1,5 млн йил аввал
Г. 40-60 минг йил аввал

5. **ДУНЁҚАРАШ НИМА?**

А. олам ва инсон, унинг ўзгариши ва ривожланиши тўғрисидаги қараш ва тасаввурлар мажмуи.
Б. жамият ва инсон, унинг ўзгариши ҳақидаги фикрлар ва қарашлар мажмуи.
В. ҳаёт тўғрисидаги қарашлар ва тасаввурлар мажмуи.
Г. борлиқ ва материя тўғрисидаги қараш ва тасаввурлар.

6. **Қуйидаги жавоблардан қайси бирида дунёқарашнинг нисбатан муҳим функцияси кўрсатилган?**

А. Билиш функцияси
Б. Қадриятларга муносабати
В. Тартибга солиш функцияси
Г. Хулқ атворни белгилаш

7. **Дунёқарашнинг тузилиши қандай?**

А. Дунёни сезиш, идрок этиш, тушуниш
Б. Дунёни тасаввур қилиш
В. Ахлоқни юксалтириш

Г. Дунёни англаш.

8. **Дунёни сезиш бу?**

А. Бу ўзини қуршаган дунёни сезгилар ёрдамида ҳиссий идрок этиш

Б. Фақат обектларни англаш

В. Инсон ўзини тушуниши

Г. Ҳис-туйғу ёрдамида тушуниш

9**. Тарихан дунёқарашнинг шакллари бу -**

А. афсонавий, диний, фалсафий.

Б. афсонавий, диний, ахлоқий, бадиий.

В. ахлоқий, афсонавий, илмий, фалсафий.

Г. афсонавий, диний, бадиий, фалсафий.

10**. Табиат кучлари ва ҳодисаларини ҳиссий қиёфалар, алоҳида вужудлар шаклида жонлантириб тасвирловчи, кишиларнинг хаёлотига асосланувчи қарашлар ва тасаввурлар дунёқарашнинг қандай тури?**

А. ахлоқий.

Б. бадиий.

В. афсонавий.

Г. фалсафий.

11**. Кишиларнинг табиий ва ижтимоий ҳодисаларни илоҳий кучлар асосида акс эттирувчи қараш ва тасаввурлари ҳамда илоҳий кучларга бўлган ишонч ва эътиқодларини уларнинг қандай дунёқараши деб биласиз?**

А. афсонавий.

Б. фалсафий.

В. бадиий-эстетик.

Г. диний.

12. **Миф атамаси қандай маъноларни англатади?**

А. Ривоят, афсона

Б. Санъат, воқеа

В. Ўйин, санъат

Г. Афсона, уруш

13. **Мифлар нималар орқали ифодаланади?**

А. Ривоят, эртаклар

Б. Эртаклар, қўшиқлар

В. Меҳнат, ов

Г. Қўшиқ, куй.

14. **Материализм қандай фалсафий таълимот?**

А. Материализм – инсон ҳаёти учун моддий небматларни устун қўювчи ҳаётий принцип.

Б. Материализм – материя, табиат, моддийликни бирламчи деб таъкидловчи фалсафий оқим.

В. Материализм – нарса ва ҳодисаларга соғлом тўғри қараш, ҳаётдан йироқ, ҳаёлий фикрлардан воз кечиш.

Г. Материализм – бутун олам атомлар ва бўшлиқдан иборат деб билувчи таълимот.

15. **Идеализм қандай фалсафий оқим?**

А. Идеализм – ҳаётдан йироқ, ҳаёлий фикр йиғиндиси.

Б. Идеализм – мавжудликни ғоялар дунёсидан иборат деб билувчи таълимот.

В. Идеализм – инсон онгини бирламчи, моддий оламни иккиламчи деб тан олувчи фалсафий оқим.

Г. Идеализм – ҳаётда ғоялар аҳамиятини асослашга интилувчи фалсафий оқим.

2 – Мавзу: Фалсафий тафаккур тарихи тараққиёти босқичлари: Шарқ фалсафаси.

Маъруза режаси:

1. Қадимги Шарқда асотирий тасаввурлар ва фалсафий билимларнинг вужудга келиши ва ривожланишининг умумий қонуниятлари.

2. Ўрта асрлар даври Шарқ фалсафаси. Араб-мусулмон цивилизацияси ва ислом фалсафасининг вужудга келиши. Ислом тамаддунида диний ва дунёвий илмларнинг ўзаро уйғунликдаги тараққиёти.
3. Темурийлар сулоласи даври фалсафаси.
4. Янги давр Шарқ тасаввуфи. XIX аср охири ва XX аср бошларида Марказий Осиёда илғор фалсафий, ижтимоий-сиёсий фикрлар.

Мавзуга оид таянч тушунча ва атамалар:

Қадимги давр, мифология, дин, "Веда", упанишада, астика, настика, даосизм, ци, янь, инь, Конфуций фалсафаси, Лао Цзи, Қадимги Турон, зардуштийлик, "Авесто", буддавийлик. Ўрта аср, ислом илоҳиёти, мутакаллимлар, мутазилийлар, тасаввуф, Шарқ ренессанси, Шарқ перипатетизми, Марказий Осиё фалсафаси, Беруний, Форобий, Ибн Сино, гуманизм, рационализм, пантеизм, Темурийлар даври, А.Жомий, А.Навоий, гуманизм, XIX аср охири XX бошлари, истилочилик, уйғониш ҳаракатлари, маърифатпарварлик, жадидчилик.

Кириш. Тарихни билиш, ундан тўғри ва холис хулосалар чиқара олиш инсон маънавий камолоти учун ниҳоятда муҳим. Тарих — буюк муаллим, ўтмишдан сабоқ берадиган тарбиячидир. Биз уни турли замонларда рўй берган хилма-хил воқеа ва ходисаларнинг фалсафий фикр ва онгида қандай акс этгани, уларни қандай ғояларнинг туғилишига сабаб бўлгани, қайси таълимотлар инсоният тараққиётига қандай таъсир кўрсатгани, қайси мафкура одамзодни кўпроқ ривожланиш ёки таназзул томон етаклагани каби хақиқатларни билиб олиш учун ўрганамиз. Тарихни ўрганмоқ ва ундан сабоқ олмоқ ҳар бир инсон учун зарурдир. Бу — фалсафа билан шуғулланаётган мутахассис учун ҳам, уни ўрганаётган талаба учун ҳам бирдек муҳим аҳамиятга эга. Тарихни фалсафасиз тўғри тушуниб бўлмагани каби, фалсафани ҳам тарих хақиқатисиз тўғри англаб бўлмайди.

Фалсафий билимлар тарихини таҳлил қилиш замон ва макон категориялари нуқтаи назаридан амалга оширилмоғи лозим. Тарихий-фалсафий жараённи ана шу нуқтаи назардан ўрганар эканмиз, унинг турли даврларини, босқичларини ҳамда ҳудудий йўналишларини, маҳаллий ёки миллий кўринишларини фарқлаш имконини беради. Фалсафанинг тарихий ривожланишидаги қуйидаги босқичларни қайд этиш мумкин:

1. Қадимги (антик) давр фалсафаси.
2. Ўрта асрлар фалсафаси.
3. Уйғониш даври фалсафаси.
4. Янги давр фалсафаси.
5. Энг янги давр (XX – XXI аср) фалсафаси.

Шунингдек, фалсафий билимлар тарихидаги "Шарқ фалсафаси" ва "Ғарб фалсафаси" сингари ҳудудий йўналишларни ҳамда "ҳинд фалсафаси", "хитой фалсафаси", "юнон фалсафаси", "рим фалсафаси", "араб фалсафаси", "инглиз фалсафаси", "француз фалсафаси", "немис фалсафаси", "Марказий Осиё фалсафаси" ва ҳоказо маҳаллий-миллий кўринишларни ҳам эътироф этиш мумкин.

Ҳар бир давр фалсафаси ўзига тегишли жиҳатларига эга: антик фалсафага космоцентризм, ўрта асрлар фалсафасига – теоцентризм, Ғарб уйғониш даври фалсафасига – антропоцентризм, янги давр фалсафасига – кўпроқ методологизм хосдир. Биз фалсафий фикр эволюциясини ана шу холатни хисобга олган ҳолда ўрганишимиз зарур.

1-савол баёни: Фалсафий билим куртаклари энг дастлаб қулчилик муносабатлари шаклланган ва қадимги цивилизациянинг илк марказлари бўлган Шарқ мамлакатларида –

Вавилония (Бобил), Миср, Ҳиндистон, Хитой ва қадимги Турон заминида, сўнгра эса Ғарбда – қадимги Юнонистон ва Римда вужудга келди ва юксак ютуқларга эришди. Шарқ қадимий маданият ўчоғи ва жаҳон цивилизациясининг бешиги дея бежиз таърифланмаган. Ғарб маданияти тарихини ўрганиш жараёнида Оврупоцентризм назариясига оғиб кетиш ғайриилмий бўлгани каби, масаланинг Шарқ билан боғлиқ жиҳатини таҳлил этганда ҳам Осиёцентризм ғоялари таъсирига тушмаслик лозим.

Шарқ маданияти тараққиётининг илк даврлари деганда, кўпгина мутахассислар бизнинг Ватанимиз ўтмишини, Миср, Бобил ва Шумер даврларини эсга олади. Буларнинг ҳар бири инсоният тарихида жамият ҳаёти, қадриятлар тизимининг ўзига хослиги, бошқариш ва иқтисодий жараёнларнинг муайян тарзда намоён бўлиши билан тавсифланади. Ушбу маданият ўчоқлари ҳақида мактаб таълими жараёнида «Энг қадимги дунё тарихи» дарсликлари орқали маълумот берилган. Зукко талабалар ўша даврларда қандай сиёсий жараёнлар кечгани, қандай подшолик ва империялар бўлганини яхши билади. Биз бугун ўша даврлардаги фалсафий дунёқараш, қадимги аждодларимизнинг фикр-мулоҳазалари, ўзига хос таълимотларининг асосий тамойиллари билан яқинроқ танишмоқчимиз.

Эрамиздан аввалги 4-минг йилликнинг охири ва 3-минг йиллик бошларида қадимги Миср ва Бобил ҳудудида дастлабки диний-фалсафий фикрлар, олам ҳақидаги фанлар, яъни астрономия, космология, математика, мифологияга оид қарашлар бир мунча ривож топган. Табиий-илмий, диний-фалсафий фикрларнинг юзага келиши икки йўналишда борган. **Биринчи йўналиш** олам ҳақидаги тасаввурларнинг астрономия, космология, риёзиёт фанлари ривожи билан боғлиқ эканини, **иккинчи йўналиш эса**, бу тасаввурларнинг мифология билан боғлиқ бўлганини кўрсатади. Бу - ўша даврлардан қолган ёзма манбаларда, хусусан, «Хўжайиннинг ўз қули билан ҳаётининг мазмуни ҳақида суҳбати», «Арфист қўшиғи», «Ўз ҳаётидан ҳафсаласи пир бўлган кишининг ўз жони билан суҳбати» каби битикларда яққол намоён бўлган.

Қадимги Миср ва Бобилда шаклланган фалсафанинг энг асосий хусусияти шундан иборат эдики, уларда, бир томондан, худоларга ишонч, илоҳий кучларнинг табиат ва жамиятга кўрсатадиган таъсирини мутлоқлаштириш хусусияти устувор бўлган бўлса, иккинчи томондан, афсона ва ривоятлар тарзида бўлса-да, дунёвий билимлар, илмий қарашлар ҳам аста-секин шакллана бошлаган. Миср мифологиясида **сув** оламнинг ибтидоси ва ҳамма нарсада сув мавжуд дея Нил дарёсини илоҳийлаштирганлар. Умуман, бундай хусусиятни, қадим замондаги барча цивилизацияларга хос дейиш мумкин.

Қадимги Ҳиндистон ҳам инсоният маданиятининг бешикларидан биридир. Унга хос дастлабки таълимотлар ёзма манба—«Веда»ларда ўз аксини топган. «Веда»лар эрамиздан бир ярим минг йил олдин ёзилган бўлиб, мутаассиб диндор ҳинду учун олий муқаддас илм ва башорат китобидир. Ҳиндулар «Веда»ни олий тангри Брахма томонидан айтилган сўзлар деб билади. «Веда»да ҳиндуларнинг қадимги тарихи, иқтисодиёти, дини, фалсафаси, ахлоқ ва нафосатига оид фикрлари акс этган. «Веда»лар бизгача тўртта тўплам (самхитлар) шаклида етиб келган. Булар — «Ригведа», «Самаведа», «Яжурведа», «Адхарваведа»дир.

Ҳинд фалсафаси асослари «Упанишадалар» номи билан машҳур бўлган манбаларда ҳам ўз аксини топган. «Упанишадалар» сирли билим деган маънони англатиб, «Веда»ларнинг фалсафий қисмини ташкил этади. «Упанишадалар» яхлит китоб ёки фалсафий рисола бўлмай, балки турли вақтда турли мавзуда ижод этган номаълум муаллифларнинг матнларидан иборатдир. Уларнинг мазмуни ва услуби ҳар хил ва турлича фалсафий қарашлар маҳсулидир.

Қадимги ҳинд фалсафий мактаблари икки гуруҳга бўлинади. Ҳиндистонлик файласуфлар бу гуруҳларни астика ва настика деб атайди. Веданта, санкхья, йога, вайшешика, нъяя ва миманса — астика гуруҳига мансуб. Ушбу мактабларнинг тарафдорлари «Веда»нинг муқаддаслигини тан олиб, бирдан-бир ҳақиқат ундагина ифодаланган, дейишади. Чорвака-локаята, буддизм ва жайнизм—настика гуруҳига киради.

Чорвака-локаята тарафдорлари материалистик таълимотни илгари сурганлари учун «Веда»нинг муқаддаслигини тан олишмайди ҳамда олам илоҳий куч томонидан яратилмаган, «Веда» ҳақиқий билим бермайди, деб таъкидлашади. Буддизм ва Жайнизм диний-фалсафий мактаблар бўлишига қарамай, улар ҳам «Веда»нинг муқаддаслигини тан олмаган. Санкхья

қадимги Ҳиндистондаги дуалистик фалсафий мактаб бўлиб, олам асосида моддий унсур (пракрити) модда ва руҳ (пуруша) ётади, деб ҳисоблайди.



Қадимги Хитойда эрамиздан аввалги икки мингинчи йилларда дастлабки диний-мифологик дунёқараш шакллана бошлаган. У олам ва табиатнинг пайдо бўлишини ўзига хос тарзда тушунтирган ва дунёвий билимлар ривожига ўз таъсирини ўтказган.

Бундай руҳдаги фалсафий ғоялар айниқса қадимги Хитой донишманди Конфуций (551-479) ижодида яққол акс этган. Унинг «Ҳикматлари», яъни афоризмлари жуда машҳур. Конфуций таълимотида умуминсоний қадриятларнинг хитой халқи турмуш тарзида ўзига хос тарзда намоён бўлиши, бу халққа хос маънавий мезонлар акс этган. Бу таълимот бир неча асрлар давомида ушбу ҳудудда миллий ғоялар мажмуи, миллатнинг мафкураси сифатида одамларнинг маънавий онги ва қиёфаси шаклланишига таъсир кўрсатган. у ҳозирги Хитойда ҳам ўзининг муайян аҳамиятини сақлаб қолган.

Қадимги Хитойнинг яна бир файласуфи Лао-Цзидир (VI-V асрлар). Унинг таълимотига кўра, олам, жамият ва инсон ҳаёти Дао қонунига бўйсунмоғи лозим. Даосизм таълимоти ана шу тариқа шаклланган. Дао қонуни — табиатнинг яшаш қонунидир, ундаги ранг-баранглик кураши ва уйғунлиги абадийлигининг эътироф этилишидир. Бунга кўра, оламнинг асосини ташкил этувчи «Ци», яъни бешта унсур — олов, сув, ҳаво, ер ва ёғоч ёки металл оламдаги барча жисмлар асосини ташкил этади ҳамда уларнинг юзага келишини таъминлайди. Лао-Цзининг таъкидлашича, оламда ҳеч бир нарса доимий ва ўзгармас, ҳаракатсиз ҳолда бўлиши мумкин эмас.

Даосизмга биноан, дунёдаги ҳамма нарса бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиб туради. Қарама-қарши кучлар ўртасидаги кураш, яъни Инь ва Янъ орасидаги муносабат — бизни ўраб турган оламни ҳаракатга келтирувчи кучлар манбаидир. Инь ва Янь ўртасидаги кураш даони англатади. Одамзод бу кураш жараёнида доимо яхшилик томонида туриши, ўзини қуршаб турган табиат ва атрофдаги оламга меҳр кўрсатиши лозим. Бўлмаса, Дао қонуни бузилади ва бундай жойда бахтсизлик, фожиа юз беради. Лао-Цзи бу ўринда экологик фалокатни назарда тутган. «Кишилар Дао қонунини бузмасликлари керак, акс ҳолда табиат улардан албатта ўч

олади», деган эди Лао-Цзи. Буни экологик фалокатлар авж олиб бораётган бугунги кун воқелиги ҳам тасдиқлайди.

Тарихимизни ўрганар эканмиз, у умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганига ишонч ҳосил қиламиз. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Тарихда “Турон”, “Туркистон” ва “Мовароуннаҳр” номи билан машҳур бўлган Марказий Осиё, айниқса, Ўзбекистон ҳудудида минглаб йиллар давомида юксак маданият гуллаб яшнади, қудратли давлатлар мавжуд бўлди. Улар инсоният тарихида сезиларли из қолдирди” *(И.А.Каримов. Маънавий юксалиш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1998, 379-бет.)*.

Эрамиздан аввалги X асрдан эрамизнинг VII асрларигача бўлган давр маҳсули бўлган дуалистик мазмундаги диний-фалсафий таълимотлардан бири зардўштийликдир. Зардуштийлик фақат дин бўлиб қолмай, балки ўша даврнинг ҳукмрон мафкураси, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-фалсафий қарашларининг ифодаси сифатида намоён бўлади.

Бу таълимотга Зардўшт асос солган бўлиб, Шарқ ва Ғарбда Заратуштра, Зароастр номлари билан машҳурдир. Манбаларга кўра, Зардўшт эрамиздан аввалги VI асрнинг биринчи ярмида яшаган. Лекин унинг тарихий ёки афсонавий шахс эканлиги ҳақида аниқ бир тўхтамга келингани йўқ. У ўзини пайғамбар деб эълон қилган. Лекин унинг пайғамбарлиги илоҳий асосга эга эмас. Яъни бу ҳақиқат илоҳий китобларда ўз тасдиғини топмаган.

Зардўштийликнинг бош китоби «Авесто»дир. унда қадимги халқларнинг дунё тўғрисидаги тасаввурлари, ўзига хос қадрият ва урф-одатлари акс этган. Унда оламнинг азалий қарама-қарши кучлари - яхшилик ва ёмонлик, ёруғлик ва зулмат, иссиқлик ва совуқлик, ҳаёт ва ўлим борасидаги қарашлар ўз ифодасини топган. «Авесто»да, шунингдек, табиат фалсафаси, тарих, этика, тиббиётга оид маълумотлар ҳам берилган.

Марказий Осиёда буддавийлик ҳам ўз ўрнига эга. У диний-фалсафий таълимот сифатида қадимги Ҳиндистонда эрамиздан аввалги VI асрнинг охири ва V аср бошларида вужудга келган. У жаҳонда кенг тарқалган динлардан биридир. Бу таълимотга асос солган донишманд Сидхарта уруғидан чиққан Гаутама ҳисобланади. Кейинчалик у «Будда», яъни нурланган деган лақабга эга бўлган. Буддавийлик исломга қадар Ўрта Осиёда тарқалган қадимги динлар орасида мавқе жиҳатидан жуда катта ўрин тутади. Кушонлар даври (эрамизнинг II-IV асрлари) Бу даврда буддавийлик Ўрта Осиёга кенг тарқалган эди. Айниқса,

унинг ахлоққа оид масалалар, ҳалқ оммасини сабр-қаноат ва бардошга даъват этувчи ғояларни илгари сурганлиги муҳим аҳамият касб этган.

Моний таълимоти юртимизда буддавийликдан кейин кенг тарқалган эди. у зардўштийлик ва христианликнинг синтезлашуви натижасида вужудга келган. Моний «Монийлик ёзуви» номли алифбо ҳам тузган. унинг таълимотича, ҳаётда даставвал нур дунёси - яхшилик ва зулмат дунёси- ёвузлик бўлган. Улар ўртасида абадий кураш боради, инсон икки унсурдан (руҳ — нур фарзанди, жисм — зулмат маҳсули) иборат. Монийлик халқ оммаси манфаатларини ҳимоя қилувчи таълимот бўлгани сабабли ҳукмрон мафкура қаршилигига дуч келган.

Монийлик таълимоти асосида **Маздак таълимоти** юзага келган. У эрамизнинг V-VI асрларида кенг тарқалган эди. Унинг асосчиси Маздак (470-529) ва унинг маслакдошлари ўз қарашларида ҳалқ оммасига суянган. Халқнинг озодлик, эркинлик, ҳурлик йўлида олиб борган ҳаракатларига раҳнамолик қилгани учун ҳам тез фурсатда уларнинг маслакдошлари, кўпайиб кетган. Маздакийлик ижтимоий тенгсизликни бартараф этиш йўлида курашга даъват этувчи мафкура сифатида хизмат қилган. Унда асосий ёвузлик-бойликка ҳирс қўйиш ва ўта камбағаллик қораланади. Бу инсонпарвар ҳаракатдан чўчиган шоҳ Маздакни турли ҳийлалар билан ўлимга маҳкум этади. Маздакийлар ҳаракати, эрамизнинг VI асрида бостирилганига қарамай, турли мамлакатларда муайян даражада давом этган. Ўрта Осиёда Муқанна, Озарбайжонда Бобак бошлиқ деҳқонлар ва шаҳар камбағалларининг зулмга қарши курашлари бунга мисол бўлади.

Исломгача бўлган даврда Марказий Осиёдаги фалсафий қарашларни англаб олишда М.Кошғарийнинг «Девони луғотит турк» ҳамда Юсуф хос Хожибнинг «Қутадғу билиг» ва Кайковуснинг «Кобуснома» каби асарлари, Фирдавсийнинг «Шоҳномаси» маълум даражада ёрдам беради.

Марказий Осиё қадимий маданият марказларидан бири бўлиб, бу ерда илм-фан, фалсафа ва илоҳиёт ривожланган, у жаҳон цивилизацияси ривожида ўз ўрнига эга.

2-савол баёни: Ўрта асрлар Шарқ фалсафий тафаккурининг ривожланиш хусусиятлари. *XVI асргача Ғарб ва Шарқ фалсафий тафаккури ҳар бири ўз йўлида ривожланган: араб мусулмон Шарқида ва Испаниянинг араблар истило қилган қисмида фалсафага диннинг таъсири Европа ва Шарқий Осиёдагидан камроқ бўлган*. Бу даврда араб мусулмон фани ривожланишда Европа фанидан анча илдамлаб кетган. Хитойда ҳам фан, гарчи дин таъсири анча кучли бўлса-да, европадагидан илғорроқ бўлган. Айрим Шарқ файласуфлари ўз асарларини антик давр мутафаккири Демокритнинг атомлар ҳақидаги таълимоти, Эмпедокл элементлари, Пифагор математикаси, Платон ғоялари, Аристотелнинг фалсафий ва табиий-илмий мероси, айниқса унинг мантиқ тизими таъсирида вужудга келган илмий-фалсафий анъана руҳида яратганлар.

VIII-XV асрларда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида (шу жумладан Марказий Осиёда) дунёвий маданият, ижтимоий-фалсафий фикрлар ўз тараққиётининг гуллаб яшнаган даврини кечирди. Тарих диалектикаси шундан далолат берадики, Қадимги даврда Шарқ ва Ғарб мамлакатларида, айниқса антик Юнонистон ва Римда маданият ва фалсафий фикр цивилизацияси юксак босқичга кўтарилган бўлса, қулчиликнинг емирилиши билан унинг илғор маданияти ҳам оёқ ости қилинди. Аммо Шарқ мамлакатларида, хусусан Ўрта Осиёда қадимги юнон ва рим маданияти ўз мавқеини, ўз ворисини топди, тараққий этди ва юксак босқичга кўтарилди. Бунга жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий-маънавий ҳаётидаги ўзгаришлар сабабдир.

Эрамизнинг IV-VI асрларида Ўрта Осиё ва Эронда, VI-VII асрларда эса Арабистонда қулдорлик тузуми емирилиб илк феодал муносабатлари қарор топди. Икки-уч аср давомида Мисрдан Хитойгача бўлган ҳудудни босиб олган ва янги дин- ислом динига асосланган Араб ҳалифалиги давлати ташкил топди. Илк ўрта асрларда Арабистон ярим оролида ислом динининг пайдо бўлиши ва унинг Яқин ҳамда Ўрта Шарқ мамлакатларида тарқалиши жараёнида Араб ҳалифалигида ривожланган маданият вужудга келади ва у шарқшуносликда

«Ўрта аср араб маданияти» деб ном олди. Аслида бу маданиятни шакллантириш ва ривожлантиришда араблар билан бир қаторда Ҳалифалик таркибига кирган бошқа халқлар, хусусан Ўрта Осиё ва Эрон халқлари ҳам катта ҳисса қўшганлар. Шунинг учун бу маданиятни «араб тилидаги маданият» ёки «Шарқ халқлари маданияти» деб номлаш маьқулдир.

Марказий Осиё – цивилизациянинг қадимги ўчоқларидан бири. VIII-IX асрларда Марказий Осиё Араб халифалиги таркибига кирган. Бу даврда халифалик марказлари – Бағдод ва Дамашқда маданият ва фан равнақ топди.

Халифалар ал-Мансур (754-776), Ҳорун ар-Рашид (786-809), Маъмун (813-833) ҳукмронлиги даврида ҳинд ва юнон адабиётларининг таржималарига қизиқиш айниқса кучайди, Аристотел, Гален, Гиппократ, Архимед, евклид каби юнон файласуфларининг илмий мероси ўрганилди. IX аср бошида Бағдодда «Дор ул ҳикмат» - «Билим уйи» ташкил этилди. Бу даргоҳда халифаликнинг турли шаҳарларидан таклиф қилинган олимлар астрономия, тиббиёт, тарих, география, кимё, фалсафа ва бошқа фанларни синчиклаб ўргандилар.

IX асрда бошланган араб истилосига қарши кураш мустақил давлат қуриш ва халифаликка қарамликдан халос бўлиш учун курашга айланди. Натижада Марказий Осиё мўғуллар истилосини бошдан кечирди ва унга қарши кураш жараёнида XIII аср бошларида бир неча давлатлар – Тоҳирийлар, Сомонийлар, Салжуқийлар ва Ғазнавийлар давлатлари пайдо бўлиб, улар кейинчалик тор-мор қилинди.

IX аср бошларида дастлаб Сомонийлар давлати вужудга келган бўлса, XIII асрнинг 20-йилларида Хоразмийлар давлати мўғулларнинг узлуксиз ҳужуми остида қолди. Бироқ, кўп асрлик урушларга қарамай, Марказий Осиёда маданият, фан, санъат ва адабиёт ривожланишда давом этди.

VIII-XV асрлар мобайнидаги Шарқ халқларининг маданий-маьнавий ҳаётида икки қарама-қарши йўналиш мавжуд эди:

1). Расмий ислом ва унинг илоҳиёт илми ва фалсафаси.

2). Дунёвий илмлар ривожи ва уларга таянган ҳамда инсон ақлининг қудратига асосланувчи фалсафа. Бу фалсафанинг ривожига буюк Шарқ мутафаккирлари ўзларининг илмий ва фалсафий асарларида ҳурфикрлилик, инсонпарварлик, рационализм, пантеизм таьлимотлари билан салмоқли улуш қўшдилар.

Ислом фалсафаси мусулмонларнинг муқаддас китоби бўлмиш Қуръонда баён этилган. Қуръон 114 сурадан иборат бўлиб, суралар бир неча оятлардан иборатдир. Ислом фалсафаси марказида худо - Оллоҳ ҳақидаги таълимот ётади. Оллоҳ - ягона. Оллоҳ ўзида яратувчи, ҳаракатга келтирувчи, оламшумул ҳакам ва халоскорни мужассам этади. Қуръонда Оллоҳ олам ва ундаги мавжудотларни олти кун мобайнида яратганлиги ҳақида айтилади. Осмон етти қаватдан иборат бўлиб, худонинг тахти жойлашган арши аъло етмиш минг парда билан ўралган. Бундан ташқари, Оллоҳ жаннат ва жаҳаннамни яратган.

Ислом таълимоти бўйича инсон Худо томонидан яратилган ва унинг бандасидир. Оллоҳ уни тупроқдан яратган. Одам Атонинг қовурғасидан эса Момо Ҳавони яратган. Одам Ато шайтоннинг измига кириб аҳдга шак келтирган.

Ҳазрати Муҳаммад вафотидан йигирма йил кейин халифаликни бошқариш учун кураш жараёнида Исломда учта оқим юзага келди: суннийлар, шиалар ва хорижийлар. Шиалар Суннатни тан олмаган равишда ўзларининг сунналарини - Ахборни ишлаб чиқишди. Шиалар «хулафои рошидин»-чорёрлар-Ҳазрати Абу Бакр, Ҳазрати Умар, Ҳазрати Усмон ва Ҳазрати Али ичида фақат сўнггисини Алини тан олар эдилар. Шиаликнинг суннийликдан бош фарқи шундаки, улар дунёвий ҳокимиятни тан олмайдилар.

Қуръонни догматик ва ҳуқуқий талқин қилиш Қуръонни ўқиш (илм ал қироат) ва Қуръонни шарҳлаш (илм ал тафсир) илмларининг пайдо бўлишига олиб келди. Хадисларни тўплаш ва талқин қилиш жараёнида вужудгв келган ва илоҳиёт билан қўшилган мусулмон ҳуқуқи (фиқх) 4 бошланғич: а) Қуръон кўрсатмаларига; б) ривоят (хадислар)га; в) энг обрўли ва машҳур диний арбобларнинг фикрларига; г) аналогия бўйича хулосага (қиёсга) асосланади. Суннийлик мазхабидаги 4та асосий таълимот асосчилари Абу Ҳанифа (699-767), Молик ибн

Анас (713-795), Аш Шафий (767-819) ва Ибн Ханбал (780-855) мусулмон ҳуқуқи соҳасида таниқли кишилар эдилар.

VIII асрда турли мазхабларга қарши кураш эҳтиёжи ҳамда расмий исломнинг ақидавий асосларини ҳимоя қилиш зарурияти туфайли ислом илоҳиёти фалсафаси – **калом** таълимоти пайдо бўлди. Каломнинг тарафдорлари – мутакаллимлар, Имом Ғаззолий фикрича, суннийлар диний ғояларини бидъатчилардан ҳимоя қилдилар, мусулмон ақидаларини тозалаш учун курашдилар. Бу таълимот асосчиларидан бири араб илоҳиётчиси Аль-Ашарий (873-935) эди. Мутакаллимлар таълимотида дунёда худо иродаси ҳукмрон деб таъкидланиб, табиатдаги, ижтимоий ҳаётдаги сабабий, зарурий боғланишлар, ҳар қандай қонуният, шунингдек, инсоннинг иродавий эркинлиги тамоман рад этилади. Калом исломий илмлар таркибига кириб, вақт ўтиши билан мусулмон мафкуравий тизимининг ажралмас қисмига айланди. У табиий-илмий ва илғор фалсафий фикрларга батамом зид эди.

Илк ўрта асрлар даврида кенг тарқалган оқимлардан бири – **мутазилийлар**дир (араб.”мутазила” – ажралиб чиққан). Мутакаллимлардан ажралиб чиққан мутазилийларни баъзи тадқиқотчилар ислом мазхабларидан бири деб ҳисобласа, бошқалари ўша давр ижтимоий-фалсафий фикри бўлган рационалистик йўналишнинг асосчилари деб таъкидлайдилар. Мутазилийлар таълимотининг пайдо бўлиши халқ оммасининг халифалик ҳукмронлигига ва ислом ақидаларига қарши курашининг кучайиши, антик юнон фалсафасининг кенг тарқалиши билан боғлиқ эди.

Абу Мансур Мотуридий (944 йилда вафот этган) калом илмининг ақл мақомига алоҳида эътибор қаратган. Самарқандда Мотуридия мактабини яратган. Муътазилийлар (ажралиб чиққанлар) якка худоликнинг адолатли эканини, Қуръоннинг тангри томонидан яратилганлигини, ирода эркинлигини ёқлаб чиққан. Унинг асосчиси Восил ибн Атодир (699-748 йиллар). Унинг охирги вакилларидан бири Замаҳшарийдир.

Тасаввуф ва унинг тариқатлари. Тасаввуф фалсафий оқим ва диний-маънавий ҳодиса сифатида ислом дини доирасида (кўпгина ички сабаблар ва баъзи ташқи унсурлар — буддавийлик ва ҳиндийликнинг илк диний тасаввурлари, шарқий христиан таркидунёчилиги, неоплатонизм кабиларнинг таъсири остида) пайдо бўлди. Тасаввуф учун ваҳдоният — Оллоҳнинг бирлиги, Оллоҳ ва оламнинг порлаб туриши, фано бўлиш, ориф шахсининг тангри таоло билан руҳан бирлашиб кетиши каби мушоҳадалар муҳим аҳамият касб этади. Бу оқим намояндалари ва тарафдорларини сўфийлар, деб атаганлар ва «сўфизм» атамаси шундан пайдо бўлган.

Тасаввуфда **кубравия, яссавия, нақшбандия** тариқат-сулуклари кенг тарқалган. Кубравия тариқатининг асосчиси **Нажмиддин Кубро**дир (1154-1226). Хивада туғилган, ёзган асарлари орасида «Шарҳус-сунна вал-масолиҳ", «Усули ашара», «Фавоиҳул-жамол» кабилар машҳурдир. Кубравия тариқатининг моҳияти ўнта усулда мужассамлашган. Булар — тангрига ўз хоҳиши билан юзлашиш, зуҳд фи дунё — ҳар қандай лаззатдан ўзини тийиш, таваккул — Оллоҳга эътиқоди поклиги учун барча нарсалардан воз кечиш, қаноат, узлат — хилватни ихтиёр қилиш, мулозамат аз-зикр — узлуксиз зикр, таважжуҳ — Ҳаққа муҳаббат қўйиш, сабр — нафс балосидан озод бўлиш, мурақаба — тафаккурга ғарқ бўлиш, ризо — тангри хушнудлигини қозонишдан иборат.

Яссавия тариқатининг асосчиси **Хожа Аҳмад Яссавий**дир (1166 йилда вафот этган). У Туркистоннинг Сайрам музофотида туғилган, машҳур мутасаввиф Юсуф Ҳамадонийнинг (1140 йилда вафот этган) таълим-тарбияси билан вояга етган, ориф мақомига эришган. Яссавий устозининг вафотидан кейин муайян бир муддат унинг мақомида турган, сўнг эса бу мақомни Абдухолиқ Ғиждувонийга қолдириб, Ясси — Туркистон шаҳрига қайтади ва ўз тариқати, йўл-йўриқларини ташвиқ этиш билан машғул бўлади.

Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389) нақшбандия тариқатининг асосчисидир. Бу таълимотнинг моҳияти «Дил — ба ёру даст — ба кор» шиорида яққол ифодасини топган. Инсон Оллоҳ иноятининг натижаси бўлиб, бу дунёни унутиб қўймаслиги лозим, унинг қалби

доимо Оллоҳда, қўли эса меҳнатда бўлмоғи лозим. У тасаввуфнинг барча тариқатлари сингари шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат мақомларини эътироф этади.

Диний илмлар соҳаларида имом Бухорий, имом Термизий, имом Абу Ҳанифа, имом Мотуридий ва имом Бурҳониддин Марғинонийлар пешқадамлик қилганлар.

Имом Бухорий (810-870йиллар) йирик илоҳиётчи, муҳаддис сифатида 60 мингга яқин ҳадис тўплаган, улардан ишончли деб топганлирини махсус тўплам ҳолига келтирган. Бу тўплам «Саҳиҳи Бухорий» номи билан машҳурдир.

Имом исо Термизийдан (824-892) «Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари», «Ҳадислардаги ихтилоф ва баҳслар ҳақида рисола», «Тарих» ва бошқа асарлар мерос бўлиб қолган. Имом Термизий ҳадисларни мунтазам равишда тўплаб, муайян тартибга солган ва яхлит бир китоб шаклига келтирган.

Абу Ҳанифа ан-Нуъмон ҳанафия мазҳабига асос солган, барча ислом тарқалган ҳудудларда ўз мавқеига эга бўлган. Бу мазҳабнинг муҳим жиҳатлари калом ва илоҳиёт соҳаларининг пири Абу Мансур Мотуридий (вафоти 944 й.) нинг «Тавҳид» ва «Таъвилот» асарларида ва Бурҳониддин ал-Марғиноний (1123-1197) нинг «Ҳидоя» тўпламида ўзининг ёрқин ифодасини топган. Уларнинг асарларида ақл мақоми ва мантиқ илмига, илм ва далилга кенг ўрин берилган.

Илк Ўрта асрлар давридаёқ, яъни VIII асрнинг иккинчи ва IX асрнинг биринчи яримларида жамият маънавий ҳаётида икки тенденция- илоҳий билимлар ва унга ёнма-ён тарзда дунёвий билимлар жадал ривожлана бошлади. Шунга кўра, Араб ҳалифалигида, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида IX асрдан бошлаб бир неча аср давом этган (Ҳалифалик парчаланиб қатор феодал давлатларга ажралиб кетганидан кейин ҳам то XVI асрларга қадар давом этган) ва турли мамлакатларда қисқа вақт ичида ўзининг юксак нуқтасига кўтарилган бу маданий равнақ, юксалиш адабиётларда **Шарқ Ренессанси (Шарқ Уйғониш даври)** деб таърифланади. Бу даврдаги маданий юксалишга сабаб Ҳалифалик ва унга бўйсунган мамлакатларнинг хўжалик-иқтисодий алоқаларининг кучайиши ва бунинг оқибатида турли маданиятлар- ҳинд, хитой, Ўрта Осиё, эрон, араб, миср, юнон, рим маданиятларининг яқиндан ўзаро алоқаси ва бир-бирига таъсири бўлди.

Бу даврда ал-Хоразмий, Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, ва бошқа буюк алломалар яшаб ижод қилдилар. Улар яратган асарлар аҳамиятига кўра ўша даврни Марказий Осиёда уйғониш даври деб номлаш мумкин. Уйғониш даври фани ва маданиятининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

1. барча одамларни маърифатли қилишга интилиш, бу йўлда ўтмиш меросидан ва қўшни мамлакатларнинг фан, маданият ютуқларидан фойдаланиш, табиий-фалсафий ва ижтимоий фанларни ривожлантириш;
2. табиатни ўрганиш, табиий-илмий билимларни оқилоналикка таяниб ривожлантириш, ақлнинг кучига ишониш, асосий эътиборни ҳақиқатни билишга қаратиш, ҳақиқатни инсон билимининг негизи деб билиш;
3. инсонга хос табиий, бадиий, маънавий фазилатларни юксалтириш, инсонпарварликни улуғлаш, баркамол авлодни тарбиялашда олий маънавий қонунларга риоя қилиш;
4. универсализм – борлиқ ва ижтимоий ҳаётнинг барча муаммоларига қизиқиш, бу давр маданиятининг муҳим жиҳатларидир.

Бу давр маданияти умуминсоний қадриятларнинг ривожланишига хизмат қилган. Савдо-сотиқнинг ривожланиши, иқтисодий алоқаларнинг кенгайиши, халифаликнинг турли вилоятлари ўртасида маданий қадриятлар алмашинуви ва унинг бошқа мамлакатлар билан алоқаларининг кучайиши, табиий ва маданий бойликлар, турли халқларнинг анъаналари, тили ва тарихини ўрганиш билишнинг энг тўғри йўллари ва усулларини яратиш, билиш жараёнининг бутун аппаратини такомиллаштиришга бўлган эҳтиёжни кучайтирди. Фаннинг оптика, математика, астрономия каби тармоқларининг жадал ривожланиши табиатни чуқур ўрганиш ва тадқиқот методларини кенгайтиришга имконият яратди. Ўрта асрларда Шарқ

фалсафаси мифология ва дин қўйнидагина эмас, балки фан қўйнида ҳам ривожланади. Шарқ олимлари математика, астрономия, география, тиббиёт, тарих, алхимия соҳасида қўлга киритган ютуқлар маълум. Одатда табиб, мунажжим, сайёҳ бўлган Шарқ файласуфлари асбтракт мулоҳазалардан кўра кўпроқ табиатшунослик ва тажрибага таянганлар.

Шарқ фалсафий тафаккурининг йирик намояндалари орасида Марказий Осиёлик машҳур файласуф, қомусчи-олим, Яқин ва Ўрта Шарқда аристотелизм асосчиларидан бири Форобий, буюк файласуф ва табиб Ибн Сино (Авитсенна), атоқли астроном, математик, шоир ва мутафаккир Умар Хайём, табиб ва файласуф Ибн Рушд (Аверроес) бор.

Шарқ Уйғониш даври фалсафасининг мазмуни ва хусусиятлари ҳақида гап бораркан, аввало шуни таъкидлаш зарурки, бу даврда энг муҳим ва асосий муаммо- инсон муаммоси, унинг ахлоқий-маънавий камолоти масаласи ҳисобланади.

Гуманизм ғояси Шарқ Уйғониш даври маънавий ҳаёти, маънавий маданиятининг энг умумий ва характерли хусусияти бўлиб, у ижтимоий-ахлоқий йўналиш шаклида вужудга келди, ривожланди ва намоён бўлди. Гуманистик ғояларни, принципларни амалга оширишнинг асосий йўли, воситаси сифатида олий етук ахлоқ, маърифатли ва адолатли жамият, жамоа масаласи олдинга сурилди. Олий даражали ахлоқий одатлар, муносабатларни ўрнатиш ва бунинг учун таълим-тарбия ишларини тўғри йўлга қўйиш- гуманизм ғояларини амалга оширишнинг муҳим воситасидир. Гуманизм ғояси, асосан, ахлоқий одатлар, муносабатлар, хислатларда ифодаланганлиги учун ахлоқ масалалари яъни этика муаммолари Шарқ Уйғониш даври маънавий ҳаётининг- бадиий адабиёти, поэзияси, таълим-тарбия ишлари, педагогикаси, фалсафаси ва бошқа гуманитар илмларнинг муҳим йўналишини ташкил этди. Файласуфлар ҳам, ёзувчи шоирлар ҳам, илғор мутафаккирлар ҳам, уларнинг илоҳий билимларни тарғиб қилувчилари ҳам ўз ижодларида, фаолиятларида ахлоқ масаласига алоҳида эътибор бердилар. Ахлоқ масалаларига доир кўплаб рисолалар, шарҳлар вужудга келди.

Уйғониш даври илғор маънавий маданиятининг умумий йўналишини ифодаловчи, инсоннинг маънавий камолотини акс эттирувчи инсонпарварлик, ҳурфикрлилик ғоялари ҳар томонлама, хусусан назарий-гносеологик, илмий томондан ҳам асосланиши лозим эди. Бундай назарий, илмий асос сифатида рационализм таълимоти майдонга келди. Гуманистик

ғояларнинг юзага чиқиши, инсоннинг ҳақиқий маънавий юксакликка эришуви, маърифатли бўлиш, олий ахлоқий принциплар илм-фанни эгаллаш орқалигина амалга ошиши мумкин эди. Ахлоқ ақлга, хулқ-одоб билимга, илм-фанни ўрганишга, маърифатга асослангандагина у юқори поғонага кўтарилади, кўзланган мақсадни қўлга киритади.

Шарқ мутафаккирлари илгари сурган инсонпарварлик ва рационалистик таълимотларнинг онтологик асоси сифатида пантеистик характердаги вужудуюн (ваҳдат-ул-вужуд) таълимоти майдонга ташланди ва у фалсафа тарихида илғор қараш тарзида аҳамияти беқиёсдир.

Вужудуюн таълимоти бўйича олам ягона вужуддан иборат, вужуддан ташқари оламда ҳеч нарса йўқ. Унингча, Оллоҳ, яратувчи- ижодкор ҳам ва у яратган реал дунё, табиат, инсон ҳам - шу вужуднинг қисмлари, турли бўлаклари, аъзоларидир. Улар икки хил: қарама-қарши, зид нарсани ташкил этмайди. Фақат Оллоҳ вужуди- азалий мавжуд, вужуди мутлақ, бошқа нарсалар эса, осмон-табиат вужуди азалий вужуддан келиб чиққан вужудни, яъни «вужуди мумкин»ни ташкил этади. Азалий вужуддан табиатнинг келиб чиқиши субъектив ва тасодифий жараён эмас ва бу Оллоҳнинг иродаси билан амалга ошмаган, балки маълум тартиб, изчилликка асосланувчи зарурий жараёндир. Бу тартиб, изчиллик юқоридан пастга, мавҳумдан конкретга, умумийдан яккага, сабабдан оқибатга ўтиш билан характерланади. Бу сабабият табиатнинг, инсоннинг тасодифан, бирдан яралишини эмас, балки Оллоҳ билан ички зарурий боғланганлигини кўрсатади ва сабабнинг оқибатга ўтишини таъминлайди. Табиат ва инсон азалий вужуддан сабаб-оқибат боғланиши натижасида келиб чиққандан кейин ўзича яшаши мумкин. Бундан деистик таълимот, яъни қачонлардир Оллоҳ яратган табиатнинг эндиликда мустақил равишда ўз қонуниятлари, изчиллиги асосида ривожланиши тўғрисидаги таълимот келиб чиқади. Пантеизм ҳам, деизм ҳам инсоннинг актив ҳаракати, мустақил ва реал яшаши ҳақидаги таълимотга йўл очиб беради.

Умуман, Ўрта аср Шарқида пантеизм Уйғониш даври илғор фалсафасининг энг муҳим принципи сифатида тарқалди ва шуҳрат қозонди. У деизм билан бирга илғор фалсафий таълимотларни, ҳурфикрлилик ғояларини ифодалаш шакли бўлиб қолди.

Шундай қилиб, ўрта асрлар Шарқ фалсафасининг етакчи ғоялари пантеизм, рационализм ва гуманизм эди. Пантеизм ва рационализм заминидан ўсиб чиққан гуманистик ғоялар, пировардида, инсонни, бутун инсониятни бахт-саодатга эриштириш ҳақидаги фикрлар, аниқроғи, ҳаёллар билан узвий боғланиб кетар эди. Йирик, забардаст мутафаккирлар инсонни улуғлашни, унинг маънавий эркинлиги ҳақидаги масалани адолатли, эркин, бахт-саодатга эриштирувчи шароит яратиш тўғрисидаги фикр даражасига кўтара олдилар. Форобий, Низомий, Жомий, Навоий каби илғор мутафаккирларнинг асарларида олий ахлоқ, маърифатга, маънавий эркинликка эришув бахт-саодат, деб талқин этилди ва бу бахт-саодат адолатли, зулмдан ҳоли, идеал етук жамоа ва идеал раҳбар, ҳоким билан боғлиқ ҳолда тасаввур этилди. Етук жамоа ҳақидаги, инсонларнинг барчасини бахт-саодатга эриштирувчи идеал тузум ҳақидаги утопия Шарқ Уйғониш даври фалсафий фикри тараққиётининг энг катта ютуқларидан бири бўлди. Бу утопик ғоялар халқларимизнинг асрий орзулари бўлиб келган бўлса, бугунги Ўзбекистон мустақиллиги шароитида халқимиз ҳаётида аста-секин ўз исботини топиб бормоқда.

Муҳаммад Мусо Хоразмий (780-850) Шарқнинг буюк мутафаккири, қомусий олимидир. Унинг илми нужум, геодезия, риёзиёт, жуғрофия ва бошқа илмий соҳаларда қилган хизматлари буюкдир. Боғдодда «Баёт-ул-Ҳикма» – «Билим уйи» академиясига кўп йиллар раҳбарлик қилган. Бу академия кутубхонасида қадимги юнон ва рим, сурия ва араб тилларида битилган нодир манбалар сақланар эди. Хоразмийнинг бевосита раҳбарлигида ўша даврнинг йирик олимлари Аҳмад Фарғоний, Аҳмад ибн Абдулло Марвазий, Марврудий, Аббос Жавҳарий, Хужандий, Туркий ва бошқалар фаннинг турли соҳалари, айниқса, фалакиёт ва риёзиёт бўйича илмий тадқиқотлар олиб борардилар. Мазкур академия асосчиси халифа Маъмун (813-833) топшириғига биноан 827 йилда фан тарихида буюк тажриба - Ер куррасини градусли ўлчаш амалга оширилади. Бу амалиёт сурия чўлларида, Жабал - Синжар ҳудудида 36 кенглигида ўтказилган эди. Бир градусга тенг бўлган меридиан ёки узунлиги 56 2|3 араб

мили, яъни тахминан 112 км.га тенг эканлиги ҳисоблаб топилган. Бу ўша давр учун буюк кашфиёт эди. Хоразмий илмий фаолиятининг мақсади табиатни билиш, дунёни тажриба йўл билан ўрганиш ва илму фан ютуқларини бевосита жамият ҳаётига, халқ хўжалигига тадбиқ этишга қаратилган эди. Муҳаммад Хоразмий бир қанча китоб ва рисолалар муаллифидир. Булардан энг машҳури алжабр фанига оид «Китоб ал жабр ва ал-муқобала» асаридир. Бу асар риёзиётда янги бир мустақил фан алгебра (ал) жабрнинг оврупачалаштирилган шаклининг вужудга келишига замин бўлди. Хоразмий содда ва квадрат тенгламалар ечишнинг умумий қоидаларни ишлаб чиққан. Олим индукция жузъдан қўлга услуби орқали жамики тенгламалар турини олти хилга тасниф қилган. Бу тенгламаларни ечиш учун Хоразмий икки усулини кашф этди: ал-жабр, яъни қарама-қарши ишораларни ягона мусбат ишорага келтириш ва ал-муқобала, яъни бир хил ҳадларини қарама-қарши қўйиш. Бу услубнинг аҳамияти катта эди.

Хоразмий қаламига яъни арифметикага оид «Синд Ҳинд» Ҳинд ҳисоби ҳақида рисоласи, астрономик жадвал - «Зижи Хоразмий», жуғрофияга оид «Китоб-ас-сурат-ал-ард», «ёр манзараси ҳақида китоб», тақвимлар ҳақидаги «Китоб-ат-таворих» амалий фалакиётга оид уч рисола мансубдир. Мутаассифона, Хоразмийнинг кўпгина асарлари, жумладан, «Қуёш соати ҳақида», «Мусиқа ҳақида», «Тарих ҳақида», «Астролябия ҳақида» каби рисолалари бизгача етиб келмаган.

Муҳаммад Хоразмий тузган юлдузлар зижида араб тили адабиётда биринчи марта синуслар жадвали келтиради. Хоразмий зижи нафақат шарқ илму фанига, балки Европада аниқ фанлар тараққиётига катта таъсир кўрсатган. Бу асарнинг ал-Мажрити Х. томонидан тўлдирилган, нусхаси 1126 йилда Аделард томонидан лотин тилига таржима қилинди ва ўрта аср Европасида астрономик тадқиқотлар бўйича асосий манба бўлиб қолди. С.П.Толстов Хоразмийнинг жуғрофия соҳасидаги буюк хизмати шундаки, у Европа ва Яқин Шарқ илмини қадимги ҳиндларнинг ўнлик ҳисоб тизими билан таништирди. Хоразмийнинг математика фанлари соҳасида доимо пешво бўлганлигидан яна бир далолат - кибернетиканинг мантиқий асоси бўлмиш алгоритм тушунчасининг айнан шундай аталишидир. Бу истилоҳ муайян тартибда бажариладиган амаллар тизимини ифодаласада, унинг хурофий маъноси «Ал-Хоразмий демакким», «алгоритм» унинг лотинчалаштирилган шаклидир. Мураббий муаллим Хоразмийнинг бой илмий меросидан баҳраманд бўлган Ан-Насавий, Ал-Хабаш, Абдул Вафо, Абу Комил, Беруний, Ат-Тусий, Ал-Коший, Умар Хайём, Улуғбеклар математика ва фалакиёт илмини янги ютуқлар билан янада бойитишди.

Шарқнинг машҳур файласуфи ва мутафаккири, буюк аллома ***Абу Наср Узлук ибн Тархон ал Форобий*** 873 йилда Сирдарё буйидаги Фороб шаҳри, ҳозирги Чимкентда турк оиласида дунёга келган. Маҳаллий мактаб таҳсилидан сўнг, Форобий Шом, Самарқанд, Бухоро, Термиз, Рай шаҳарларида бўлди. Кейинчалик ўша даврнинг йирик илмий маркази Боғдодга келади. Боғдодда Форобий Сурия, араб, юнон тилларини, табобат, мантиқ, фалсафа каби фанларини ўрганади. Форобийнинг фалсафага бўлган қизиқиши шу қадар кучли эдики, шу фанни деб олим, ҳатто қозилик мансабини тарк этган.

Форобий фалсафа, тарих, социология, математика ва табиий фанларига оид 160 дан ортиқ асарлар ёзган. У мусиқа ва шеъриятнинг ҳам чуқур билимдони эди. Форобийнинг Аристотел таржимаси ва уларга ёзган шарҳлари катта аҳамият касб этади. Юнон фалсафасини ўрганишда Форобий шундай ютуқларга эришдики, замондошлари уни ҳақли равишда Муаллими Соний деб аташарди (Муаллими Аввал – Арусту). Форобий салоҳиятига Ал-Киндий (800-879) ва Закариё ар-Розий (865-925) каби машҳур мутафаккирлар ижоди катта таъсир кўрсатди. Улар қомусий билимлар соҳиби эдилар, фалсафа ва тиббиёт билан шуғулланар эдилар. Ар-Розий тиббиёт бобидаги асарлари туфайли «замонасининг Галени» номини олган. У биринчи марта чечак ва қизамиққа қарши эмлаш усулини қўллаган. Ар-Розий кимёвий моддалар таснифини ишлаб чиқди ва «филогистон» назариясига асос солди. Бу назария кимё фани тараққиётида муҳим қадам бўлди. Ривоятларга кўра ар-Розий моҳир психотерапевт ҳам бўлган.

Абу Юсуф ал-Киндий араб фалсафасининг асосчисидир. Ал-Киндий Аристотель асарларини чуқур билган ва ўзи ҳам перипатетизм ақидаларида турган. Худо, ал-Киндий назарида, шахс эмас, балки мавҳум сабаби аввалдир, «яратувчи, фаол ва қўзғалмас» сабабдир. «Материя - заиф куч, у шаклига асос бўлади», «Субстанция ўз ўзича мавжуддир», Табиат ҳаракат ва сокинликнинг ибтидосидир». Булардан келиб чиқадики, табиат ва худо, яратувчи ва хилқат сабаб ва оқибат каби ўзаро табиий робиталар билан боғланган. Албатта, бундай қарашлар расмий таълимотлар томонидан қўллаб-қувватланилмаган ва сўнгги даврларда файласуфнинг кўпгина асарлари йўқ қилинган.

Ал-Киндий анъаналарини давом эттириб, Форобий борлиқни олти босқичдан иборат, деб биларди. Биринчи босқич сабаби аввал ёки худо, иккинчиси - осмоний курралар, учинчиси - фаол ақл, тўртинчиси - руҳ, жон, бешинчиси - шакл ва олтинчи босқич - материя. Биринчи сабаб, худо-шакл, миқдор, макон каби хусусиятлардан холи моига эга бўлган олий курра (сатҳ) вужудга келади. Бу «олий курра» зиддиятли бўлганлиги учун, ундан иккинчи ақл ва иккинчи шакл руҳ вужудга келади. Бу жараён бир неча марта давом этади ва оқибатда «фаол ақл» вужудга келадиким, ундан тўрт унсур - олов, сув, ҳаво ва ер, ҳамда ерга хос руҳ пайдо бўлади. Буларнинг бирикувидан бу турфа олам ҳосил бўлади. Шунинг билан яралиш жараёни ижтимойига етади ва табиат даври, яъни ҳаракат ва сукунат бирлиги даври бошланади.

Холиқ ва хилқатни, худо ва борлиқни узвий боғлайдиган бу тизимни пантеизм деб атайдилар. Албатта, Форобий тизимида худо табиат билан айнан эмас, бири-бирига комилман мувофиқ эмас, лекин худони мавҳум абсолют деб билиб, Форобий уни туғдирувчи табиий сабаблар билан бир қаторга қўяди. Форобийнинг сабабият ҳақидаги таълимоти Шарқ фалсафасида детернизм, яъни умумий алоқадорлик ғояларнинг ривожига катта ҳисса қўшди. Бунда деизм, яъни худо ва борлиқ ўртасидаги алоқанинг заифлиги ҳақидаги таълимот унсурлари ҳам сезилади. Яратувчи ва табиат бир-биридан оралиқ босқичлар туфайли узоқлашган. Моддий олам тараққиёти ўз ҳолича рўй беради.

Руҳлар (нафас, жонлар)ни худо яратган. Аристотель сингари Форобий ҳам 4 хил жон ҳақида гапиради - моддий, ўсимлик жони, ҳайвоний ва одамга хос жон. Ҳар бир жон индивидуалдир, унинг ўзига хослиги ҳар бир тананинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқади. Танага нисбатан жон шакл вазифасини ўтайди.

Материяга бир бутунлик, доимийлик хос, шаклига эса кўплик ва ўзгарувчанлик хосдир. Шаклларнинг ҳисоби йўқ, материянинг ўзгариши бир шаклдан иккинчи бир шаклга ўтишдан иборат. Материянинг мавжудлиги чексиз ва унинг ўзгаришларининг ҳам ниҳояси йўқ, лекин баркамолликка эришишнинг муайян йўли бордир. Қуйи шакллар юқори шакллар билан алмашинади. Материя, Аристотельчилик анъаналарига биноан, имконийликнинг пассив асосидир. Шакл, яъни руҳ ва материя, яъни тананинг бирикувидан инсон вужудга келади. Инсон руҳи ўлмас ва тана ўлимидан сўнг уни тарк этиб, ўзини вужудга келтирган фаол ақлга - абадий руҳий ғояга қайтади. Форобий фикрича, муайянлик - индивидум бирламчи бўлиб, унинг қисмлари бўлмиш тана ва руҳ бири-биридан мустақил равишда яшай олмайди. Инсонга турли хил билиш қобилияти хосдир. Инсон ҳаётининг умумий замини озиқланишдир. Бунинг асосида 5 хил сезги: ҳис қилиш, тўйиш, кўриш, таъм билиш, ҳид билиш ва эшитиш қобилияти вужудга келади. Сўнгра, ички руҳий кучлар: хотира, ҳис-ҳаяжон, нутқ, фикр вужудга келади. Ҳар бир физиологик ва руҳий куч муайян аъзоси баданнинг вазифасидир. Туғма сифатлардан ташқари фаолият жараёнида орттирилган хислатлар, масалан, ҳунар ўрганиш, жуда катта аҳамиятига эга.

Дастлабки маълумот одамга ташқаридан - сезгилар орқали келади, кейин хотира ва тасаввур ишга тушади. Билишнинг юқори босқичи, Форобий фикрича, ақл-мантиқий фикрлашдир. Сезгилар нарсаларнинг сифатлари ва хусусиятларини акс эттиради, ақл эса уларнинг моҳиятига кириб боради. «Ақл ранг ортида яширинган нарсани билишга қодир» (Ўша китоб. 113-бет). Ақл «нарсалар ва уларнинг хусусиятларидан мавҳумлашган ҳолда бўлади». Албатта, бунда нарса моҳияти унинг ўзидан фақат абстракциядагина ажралгандир.

Бинобарин, Форобий абстракция, яъни умумий тушунчалар табиати масаласини номинализм нуқтаи назаридан ечади.

Форобий фикрича, шу фанларни ўрганган инсон, ниҳоят, жамиятни бошқаришга қодир бўлади. Бунинг учун у сиёсат илмини чуқур билиш лозим. Сиёсат илми уч фандан иборат: 1) бошқариш ҳақидаги фан; 2) ҳуқуқшунослик ва адлия; 3) каломимон ҳақидаги таълимот. Бошқариш ҳақидаги фан ахлоқ-одоб, руҳшунослик, педагогика, анъана ва маросимлар, инсонлар фаолиятининг майл ва мақсадлари ва уларга раҳбарлик қилиш усуллари ўрганилади. Бошқаришдан мақсад-умумий бахтга эришишдир.

Форобий фикрича, жамиятнинг ижтимоий тузилиши мулкчилик ва мулкий даражадан ҳам кўра ҳокимият, қарамлик ва касаба муносабатларига кўпроқ боғлиқ. Форобийнинг идеал, комил жамияти мунтазам тартибдаги жамият, у тирик организмга монандир, бу жамиятда ҳар бир инсон ўз қобилият ва билимларига яраша ўзининг муносиб ўрнини эгаллайди ва ўз вазифаларини ижро этади.

Форобийнинг ижтимоий таълимоти ўрта аср ижтимоий фикр тараққиётида жуда муҳим роль ўйнайди. Бу ғоялар асосида Ибн Сино, Берунийларнинг ижтимоий қарашлари шаклланган. «Муаллими Соний» фалсафасига бўлган қизиқиши Мир Алишер Навоий ахлоқий қарашларига катта таъсир кўрсатган.

Абу Райҳон Беруний ўрта аср Шарқнинг буюк қомусий олими ва мутафаккиридир. X аср охири XI аср бошларида Хоразмда Маъмуншох ҳукмронлик қилар эди. Унинг саройида йирик олимлар, таржимонлар ва шоирлар ижод этар эдилар, бу жамоа кейинчалик «Маъмун Академияси» деган номни олди. Маърифатпарвар шоҳ ҳомийлиги остида Абу Райҳон Беруний ҳам шу Академияда ўз илмий фаолиятини бошлади.

Абу Райҳон Беруний асли исми Муҳаммад ибн Аҳмад Хоразмнинг йирик шаҳарларидан бири Киётда туғилган. Математикага, фалакиётга эрта ҳавас қўйган Беруний 16 ёшдаёқ эклиптика текислигининг экваторга нисбатан қиялигини ҳаммадан кўра аниқроқ ўлчар эди. 1010 йилда Беруний Хоразмшох Маъмун томонидан ташкил этилган академияга таклиф қилинади. Шу ерда 23 ёшли Беруний ва 16 ёшли Ибн Сино ўртасида фалсафий - илмий мунозара ёзишма бўлиб ўтади. Бу баҳсда Беруний Ибн Сино жавобларининг айримларига эътирозлар билдирган, баҳс Аристотельнинг физика китоби ва Осмон ҳақида асарларига бағишланган эди. Ўша йиллардаёқ ўзининг мустақил, билишининг илмий тадқиқот методини ишлаб чиққан Беруний обрў-эътиборли, илму-фан пешволари фикрига шубҳа билдирган. Масалан, ёзишма баҳсига Беруний Аристотельнинг самовий дунёлар таълимотига шубҳа билан қараб, Муаллими Аввалнинг табиат фалсафасининг заиф томонлари ҳақида гапириб, шундай деб ёзган: «... осмоний ёритқичларнинг тўғри чизиқ бўйича ҳаракат қилиши эҳтимолдан холи эмас».

Беруний биринчи бўлиб ер глобусини яратиб кенг шуҳрат қозонади. Фалакиёт бўйича тадқиқотлар олимга жаҳоншумул шуҳрат келтирди. Беруний «Осор ул бокия», «Ҳиндистон», асарларидан ташқари яна «Геодезия», «Китоби Сайдана», «География», «Қонуни Маъсудий», «Минералогия ва Куитоби ат тафхим» (бу унинг форс тожик тилида ёзган ягона асаридир) кабиларини ҳам ёзган. Беруний қаламига 152 та асар мансубдир.

Беруний формокогнозия, топография, жуғрофия, метеорология соҳаларида катта тадқиқотлар олиб борди ва улкан ютуқларга эришди. Берунийнинг қимматли фикрларидан бири Ернинг Қуёш атрофида айланиши ҳақидаги ғоядир. Беруний илми нужумда геоцентрик, ҳам гельноцентрик таълимотни қўллаш мумкин деган мазмунда шундай деб ёзган эди: «Ернинг ўз ўқи атрофида айланиши астрономияга ҳеч зарар келтирмайди. Чунки барча астрономик ҳодисаларни бу таълимот нуқтаи назаридан худди геоцентрик таълимот сингари яхшилаб тушунтириш мумкин».

Беруний «Ер ҳаракатдами ёки ҳаракатсизми» рисоласидаги ғоялари билан Коперник ва Каплердан бир неча асрга илгарилаган. Мутафаккир сайёраларнинг эллипсоид шаклида эканлиги, дунёларнинг кўплиги, иккинчи ярим шар ва унда қуруқликнинг бўлиши ҳақида гапирган.

Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино (980-1037) Бухоро яқинидаги Афшона қишлоғида туғилган. Болалигидан илмга ишқ қўйган, ўткир зеҳнли ва салоҳиятли Ҳусайн ўн беш ёшлигида фикҳ ва мантиқ илмини мукаммал эгаллаган эди. Табобат сабоқлари унинг учун шу қадар кечганки, 16 ёшида Ибн Сино амалий тиббиёт билан бевосита шуғулланган. Фалсафага янада қизиқиш ортган ёш олим Аристотель «Метафизика»сини бир неча бор ўқиб чиқади, бироқ ҳеч нарсани тушунмайди. Кунларнинг бирида тасодифан бозордан Форобийнинг «Метофизик шарҳлари» китобини сотиб олади ва шундагина у «Метофизика»нинг моҳияти ва мақсадларини тушуниб етади.

Бухоро амири Нух ибн Мансурни оғир хасталикдан даволаган Ибн Сино сарой кутубхонасида ижод этиш имкониятига эга бўлади. Бу кутубхонада ноёб ва антиқа китоблар мавжуд эди. Ўша китобларни ўқиб, ундан баҳраманд бўлади. Бу ҳақда Ибн Сино шундай деб ёзади: «Ёшим ўн саккизга борганда бу илмларнинг ҳаммасини эгаллаб бўлган эдим... ва ўшандан бери менда янги бир нарса қўшилгани йўқ».

999 йилда 19 ёшли Ибн Сино Бухорони тарк этиб Урганчга келади. Бу даврда чинакам фанлар академияси - «Маъмун Академияси» ташкил этилган эди. Бу академияда Абу Сахл Масихий, Мансур ибн Ироқ, Абул-Хайр Хаммор, Мансур ал-Саълибий каби йирик олимлар тўпланишган эди. 1010 йилда Урганчга қайтган Беруний яна академияга раҳбарлик қила бошлади.

Ибн Сино дунёқараши юнон, ҳинд, қадимги эрон, араб фалсафий анъаналарнинг таъсирида шакллангандир. Ибн Сино Гален, Гиппократ, Архимед, ар-Розий, Форобий асарларини пухта ўрганди. Ибн Синонинг фалсафий таълимоти Шарқ перипатетизми шарқий йўналишининг олий босқичи ва якуни бўлади. Мутафаккирнинг фалсафий, табиатшунослик, табобат илми бўйича асарлари Шарқ ва Ғарб фалсафаси ва илми фаннинг кейинги тараққиётига баракали таъсир кўрсатди ва илмдаги йўналишини белгилаб беради.

3-савол баёни: Темур ва Темурийлар даврида Марказий Осиёда ижтимоий-фалсафий фикр (XIV-XV асрлар). Мавораунаҳр мўғуллардан озод бўлгандан кейин, 1370 йилдан бошлаб мамлакатда Амир Темур (1336-1405) ҳукмрон бўлади. Буюк Темур кучли марказлашган давлат барпо қилди. Феодал тарқоқликка чек қўйилди, ишлаб чиқариш кучлари, қўшни мамлакатлар билан ташқи савдо алоқалари ривожланди, ер ишлари ва шаҳар ҳунармандчилигида юқорига кўтарилиш кузатилди. Қадимги дунё маданияти, Мавораунаҳ, Ҳиндистон, араб мамлакатлари халқларининг илк ўрта асрдаги фалсафий меросига қизиқиш ортиб борди. Бу даврнинг фалсафий фикри учун хос нарса дунёвий ва диний фанларга мурожаат, табиатни ўрганишга интилиш, инсон ақли ва қобилиятларининг кўтарилиши, инсоннинг ахлоқий сифатларини қадрлаш, инсонпарвалик, миллий ва умуминсоний қадриятларни тарғиб қилиш эди.

Буюк давлат арбоби, моҳир ҳарбий саркарда, илм-фан ва маданият тараққиётининг жонкуяри, улуғ донишманд ***Амир Темур*** ўз фаолиятининг бош принципи сифатида адолат масаласини танлагани ва «Куч-адолатдадир» деган буюк шиорни ўртага ташлагани ҳам бежиз эмас. Шарофиддин Али Яздий ўзининг «Зафарнома» асарида қайд этишича, Амир Темурнинг характерли хусусиятларидан бири - давлат, мамлакат, фуқарога ғамхўрлик эди. Унинг қоидаси - «рости-расти» эди. Бунинг маъноси шуки: «Ҳақиқат-сиҳат-саломатлик, ҳақиқат-тартиб, ҳақиқат-адолат» демакдир.

XIV-XV асрларда Марказий Осиёда мантиқ ва фалсафа илмлари билан шуғулланган ***Саъдиддин Тафтазоний ва Мир Саййид Журжоний*** сингари мутафаккирлар яшаб ижод қилдилар. Умуман олганда, бу даврда фалсафа ва ахлоқшуносликка оид махсус рисолалар камроқ учрайди. Аммо илғор ижтимоий - фалсафий ва ахлоқий фикрлар бадиий адабиётда, тасаввуф шеъриятида назм ва насрда, ғазал ва рубоийларда, илмий рисолаларда муфассал ўз ифодасини топган.

Саъдуддин Маъсуд бинни Умар **Тафтазоний** (1322-1392) ислом фалсафаси бўлган каломнинг йирик вакили эди. У Нисо (Ашхобод) шаҳри яқинидаги Тафтазон қишлоғида туғилди. *Ал-Ижий ва Қутбиддин ар-Розий ат-Тахтоний* каби машҳур олимлардан таълим

олди. Тафтазоний ўттиз йилга яқин давр ичида Ғиждувон, Жом, Туркистон, Ҳирот ва Мавораунаҳрнинг бошқа шаҳарларидаги мадрасаларда дарс бериб, йирик олим сифатида шуҳрат қозонди.

Тафтазонийнинг шуҳрати ўз пойтахти Самарқандга энг машҳур олимлар, ҳунармандлар ва усталарни тўплаётган Амир Темурга ҳам етиб келади. У Тафтазонийни Самарқандга чақиртиради. Тафтазоний умрининг охиригача саройда яшайди ва 1392 йилнинг 12 августида вафот этади. У Темур ҳузурида доимий ўтказилиб туриладиган илмий баҳсларда фаол қатнашар эди. У ўзининг калом, мантиқ, геометрия, шеърият ва араб тили грамматикаси соҳасидаги билимлари билан шуҳрат топган эди.

Тафтазонийнинг назарий мероси ўрта асрлар фанининг барча соҳаларини ўз ичига олар эди. У қирқдан ортиқ асар ёзган бўлиб, бизгача етиб келган асарларидан диққатга сазоворлари қуйидагилар: «Тахзиб ал-мантиқ вал-калом» («Мантиқ ва каломга сайқал бериш»), «Мақосид фи илм ал-калом» («Калом илмининг мақсадлари») ёки «Мақосид ат-толибин» («Толиби илмларнинг мақсадлари»), «Рисала фи завияс ал-мусаллас» («Уч бурчакнинг бурчаклари ҳақида рисола»). Булардан ташқари Тафтазоний ўзидан олдинги ўтган мутафаккирларнинг асарларига кўплаб шарҳлар ва ҳошиялар ёзган.

Амир Темур томонидан Шероз фатҳ этилиши муносабати билан 1387 йилда у ердаги йирик олимлар қаторида *Самарқандга* келганлар орасида машҳур файласуф ва мантиқшунослардан Али ибн Муҳаммад Мир Саййид Шариф **Журжоний** ҳам бор эди. Илмий адабиётларга Мир Саййид Шариф номи билан кирган Али ибн Муҳаммад ибн Али Ҳусайний Журжоний 1339 йилда Эроннинг Гургон вилояти маркази бўлган Астробод шаҳри яқинидаги Тоғу қишлоғида туғилди.

Журжоний ёшлик йилларидан Шарқда мавжуд бўлган фанларнинг барча турлари билан шуғулланди. *Ислом фалсафаси* ва *калом, мантиқ, тил* масалаларидан ташқари табиатшуносликка доир барча соҳаларни қунт билан ўрганиб, улар ҳақида катта илмий асарлар ёзиб қолдирди.

Журжоний Ҳирот, Қоҳира, Стамбул, Қорамон, Шероз шаҳарларида турли олимлардан билим ўрганди. 1387 йили Самарқандга келган Журжоний, бу ерда 20 йил самарали ижод этди ва фақат Темур вафотидан кейингина Шерозга қайтиб, 1413 йилда дунёдан кўз юмди.

Журжоний Самарқанднинг машҳур мадрасаларида фалсафа, мантиқ, фалакиёт, фиҳқ, тил ва адабиёт, мунозара илми ва бошқа фанлардан дарс бериб ўзидан яхши ном қолдирди. Унинг шогирдлари орасида Қозизода Румий, Улуғбек ва бошқалар бор эди. Журжоний асарларининг умумий сони 50 дан ошиқдир. Булар ичида фалсафа, мантиқ ва табиатшуносликка доир асарлар салмоқли ўринни эгаллайди, ўз навбатида, бу соҳадаги асарлари бутун Шарқ мамлакатларига кенг ёйилгандир.

Журжонийнинг бизгача «Борлиқ ҳақида рисола» ва «Дунёни акс эттирувчи кўзгу» деб номланган фалсафий асарлари қўлёзма ҳолида етиб келган.

Журжоний билиш назарияси ва мантиққа доир «Ат-таърифот»(«Таърифлар»), «Усули мантиқий» («Мантиқ усули») ва илмий баҳс фанига бағишланган «Одоб ул-мунозара» («Мунозара олиб боришнинг қоидалари ҳақида рисола») каби араб тилида ёзилган асарларнинг ҳам муаллифидир. Журжонийнинг форс тилида ёзилган мантиққа оид бир неча асарлари ҳам бизгача етиб келган. Булардан «Кубро» («Катта далил бўла оладиган ҳукм»), «Авсат дар мантиқ» («Мантиқда ўрта хулоса»), «Суғро» («Кичик далил бўла оладиган ҳукм») ва бошқаларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Унинг «Шарҳе фаройизе сарожия» («Мерос бўлиш мажбуриятларининг Сарожий таърифига шарҳ») асари ҳуқуқшунослик масалаларига бағишланган бўлиб, фақиҳ Сажовандий асарларига жавоб тариқасида ёзилган (Журжоний. Шарҳе фароизе сарожия. Стамбул. 1873 йил).

Марказий Осиёда XIV-XV асрлар ижтимоий-фалсафий дунёқараши ривожида ***Жалолиддин Давоний*** (1424-1502) ҳамда ***Ҳусайн Воиз Кошифий***нинг (1440-1505) ижтимоий-ахлоқий қарашлари муҳим аҳамият касб этади. Улар Марказий Осиё олимлари ва

шоирларининг ижоди ва дунёқараши билан яхши танишганлар. Форобий, Ибн Сино сингари мутафаккирларнинг рационалистик ва инсонпарварлик ғояларини давом эттирган.

Давонийнинг борлиқ ҳақидаги қарашлари пантеистик характерда, яъни худонинг бирлиги, худо билан табиатнинг бир бутунлиги ҳақида фикр юритади. У «Заруриятнинг исботи ҳақида» рисоласида сабаб ва оқибат, зарурият ва имконият тушунчалари ҳақида тўхталиб, дунёдаги мавжуд нарсалар бири иккинчисига асос бўлиб хизмат қилади, ўзаро ҳаракатда бўлиб бошқа нарсаларнинг пайдо бўлишига сабабчи бўлади, деб кўрсатади.

Давонийнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари ҳам Форобий дунёқараши сингари фозил шаҳар, адолатли ҳоким, етук жамоа тўғрисидаги хаёлий орзулардан иборат. Умуман, Давоний ўз фалсафасида замонаси учун илғор ғояларни илгари сурган.

Ҳусайн Воиз Кошифий эса Марказий Осиё ва Хуросоннинг машҳур мутафаккири эди. У Жомийнинг таклифи билан 1470 йили Ҳиротга кўчиб келади ва умрининг қолган қисмини шу ерда ўтказади. Кошифий Жомий ва А.Навоий билан шахсан таниш бўлиб, дунёқараш ҳам ҳамоҳанг эди. А.Жомий ва Навоий Кошифийнинг дунёвий ва илоҳий фанлар соҳасидаги хизматларига юксак баҳо берадилар. Машҳур тарихчи Мирхонд эса «Кошифий ўз даврида нужум ва нишо илми соҳасида тенги йўқ», - деган эди.

Ҳусайн Воиз Кошифий тасаввуфнинг нақшбандия мазхабига кириб, ушбу мазхабнинг ҳалол меҳнат қилиш, бировларнинг ҳақига хиёнат қилмаслик, меҳр-шафқатли бўлиш, хайр-эҳсонли бўлиш қоидаларига содиқ қолди ва асарларида инсонпарварлик ғояларини умуминсоний ахлоқий қадриятларни улуғлади. Шунингдек, у риёзиёт, фалакиёт, ахлоқшунослик, фалсафа, тарих, адабиёт, иншо, таълим-тарбия соҳаларида куплаб асарлар мерос қолдирган.

XV олимларидан бири Амир Темурнинг невараси ***Муҳаммад Тарағай Улуғбек*** *(1394-1449)* эди. Мовароуннаҳр ҳукмдори бўлган султон Улуғбек, Фан ва маданият тараққиётига ката эътибор қаратди. Унинг илмий қизиқишлари риёзиёт, астрономия, геометрия, кимё, тарих ва бошқа фан соҳаларини қамраб олган эди. Мутафаккир дунёқарашининг шаклланишида Афлотун, Арасту, Птолемей, Хоразмий, Фарғоний, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Мир Саййид Шариф Журжоний ва бошқа олимларнинг асарлари катта ўрин тутди.

1428 йилда Улуғбек бошчилигида Самарқандда ўша замондаги энг катта расадхона қурилди. У 1437 йилда ўзининг астрономия соҳасидаги асари бўлган «Зиже Кўрагоний» («Кўрагонийнинг юлдузлар жадвали») рисоласини ёзиб тугатди. Ушбу рисолада йил ҳисоби, сайёралар назарияси, астрономия муаммолари баён этилган бўлиб, 1018 юлдузнинг жадвали ҳам берилган эди. Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи» номли асари ҳам борки, унда мўғуллар империясининг тарихи баён этилган. Бундан ташқари, Улуғбек мантиқ, фиқҳ, мусиқа назарияси ва адабий услуб назариясини яхши билар эди.

Улуғбекнинг тадқиқотлари *астрономия* тараққиётида муҳим давр очди. У Ер юзининг ҳар қандай нуқтасининг координатларини аниқлайдиган восита ишлаб чиқишга интилди, қуёш ва ой тутилишларини олдиндан айтиб бериш усули, йил ҳисобларининг биридан иккинчисига ўтиш қоидалари, йил фасллари ўзгаришларининг қонунийлигини очиб бериш, осмоний жисмлар ҳаракатининг қонунларини тушунтиришга ҳаракат қилди. Асосий кузатиш воситаси сифатида секстант (бурчак ўлчаш асбобларидан бири) хизмат қилди. Масалан, ушбу асбоб ёрдамида қуёш йилининг аниқ миқдори ўлчанди -365 кеча ва кундуз 6 соат 10 дақиқа 8 сония.

Улуғбек томонидан асос солинган астрономия мактаби ўша замон илмий қарашлари шаклланишида катта ўрин тутди. Бошқа мамлакатлардан астрономия бўйича энг яхши мутахассисларни таклиф қилган Улуғбек, ўз атрофига истеъдодли олимларни тўплади. Эроннинг Кошон шаҳридан йирик риёзидон ва астроном бўлган Ғиёсуддин Жамшид ал-Коший (ваф. 1430) таклиф қилинган эди. Ўнли касрни кашфиёти ал-Кошийга мансубдир. Чунончи, ундан кейингина, XVI асрдан бошлаб, Оврупо риёзидонлари асарларида ўнли каср қўлланила бошлади. Улуғбек ўлдирилгандан кейин унинг ишини шогирдлари давом эттирдилар. Улардан энг машҳури - машҳур риёзидон ва астроном *Али Қушчи* (1403-1474) эди. Унинг асосий асари – «Астрономия ҳақида рисола» эди. Али Қушчи объектив дунёнинг

мавжудлигига, моддий Аше ва ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлиги, уларнинг соддадан мураккабга ўтиб туришлигига ишонар эди.

Марказий Осиё халқлари маънавий ҳаётида, Ренессанс даври ижтимоий-фалсафий дунёқарашини юксак босқичга кўтарган мутафаккирлар Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоийдир.

Улуғ мутафаккир ва гуманист ***Абдураҳмон Жомий*** (1414-1492) Ҳирот яқинидаги Харжирд қишлоғида дунёга келади. Самарқандга келганидан сўнг мутафаккир *Қози-зода Румий* ва *Хожа Али Самарқандий*нинг геометрия, алгебра ва астрономия бўйича маърузаларини тинглайди. Кейинчалик шоир шайх *Саъдиддин Қошғарий*га шогирд тушиб, Нақшбандийлик тариқатини ундан ўргана бошлайди ва Нақшбандийлик сулукининг кўзга кўринган назариётчисига айланади.

Жомий қомусий олим эди. У геометрия, астрономия, космография, математика фанларини пухта ўзлаштирган, араб тили, фалсафа, риторика, ахлоқшунослик борасида йирик асралар ёзган эди. Алломанинг муҳим асарлари сирасига «Баҳористон», «Шархи рубоиёт», «Ҳафт авранг», «Лавоиҳ», «Нафаҳот ул-унс» ва бошқалар киради.

Жомий борлиқни *ваҳдати вужуд* таълимоти асосида талқин қилади. Унинг тушунтиришича, Худо бутун мавжудотларнинг бош сбаабчиси, ижодкоридир. У абадий. Қолган ҳамма нарса ва ҳодисалар ўткинчи ва вақтинчадир. Унинг эътиқодича, Худо ягона бўлмаганда эди, дунёда тартибсизлик ҳукм сурар эди. Унда дунё қонун асосида фаолият кўрсатмаган, тинчлик эшиклари очилмаган булур эди. Бутун дунё йўқликка айланиб, балки бу йўқликдан чиқаолмаган бўлур эдими[3].

Жомий гуманистик таълимотининг марказида инсон туради. Шоир инсоннинг билиш қобилияти чексиз эканлигини таъкидлади, асарларида шахс эркинлиги, адолат, саҳоват, меҳнатсеварлик, тўғрилик, билимдонлик ҳақида фикр юритди.

Улуғ ўзбек шоири, давлат арбоби, буюк мутафаккир ***Алишер Навоий*** (1441-1501) Ҳиротда таваллуд топади. Мактабда у Хуросоннинг бўлажак ҳукмдори Ҳусайн Бойқаро билан таҳсил олади. Шоир турли даврларда Ироқ, Машҳад ва Самарқандда яшайди. 1469 йили тахтга Ҳусайн Бойқаро ўтиргандан сўнг, Навоий Ҳиротга қайтиб келади. 1472 йили ул зот бош вазир этиб тайинланади. Навоий вазирлик даврида шоиру олимларга ҳомийлик қилади, жамғарган бойлигини илм-фан, маданият ва ободончилик ишларига сарфлайди, бева -бечора ва муҳтожларга хайр-эҳсон қилади, работлар, сув иншоотлари, касалхоналар қурдиради, каналлар ўтказади.

Шеърият мулкининг султони бўлмиш бу адиб 30 га яқин асарлар муаллифидир. Улар адабиёт, наср ва назм, фалсафа, ахлоқшунослик, педагогика, тилшунослик, мусиқа, нафосатшунослик, тарих, табиий фанлар муаммоларига бағишланган. Навоий асарлари жумласига «Хазойинул-маоний», «Девони фоний», «Лисонут-тайр», «Мажолис ун-нафоис», «Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер», «Вақфия», «Муншаот», «Маҳбуб ул-қулуб», «Муҳокамат ул-луғатайн», «Тарихи мулуки Ажам» ва бошқалар киради. Мутафаккирнинг шоҳ асари «Хамса» беш достондан иборат: «Лайли ва Мажнун», «Сабъайи сайёр», «Хайрат ул-аброр», «Фарҳод ва Ширин» ва «Садди Искандарий».

Навоий фалсафий қарашлари *ваҳдати-вужуд* ва *тасаввуф* таълимотига асосланган. Мутафаккир ўзининг дунёқарашида Оллоҳ, табиат ва инсон бирлигидан келиб чиқади. Унинг эътиқодига кўра, инсон бахт-саодатига бу дунёда эришиши мумкин. Бунинг учун у тинмай меҳнат қилиши, касб-ҳунар эгаллаши, табиатнинг сиру асрорини идрок қилиши, унинг ноз-неъматларидан фойдаланиши даркор. Худо, алломанинг фикрича, борлиқнинг, шу жумладан инсоннинг яратувчисидир. Мавжудотларнинг энг яхшиси, аълоси ва гултожиси инсондир.

Навоий буюк *инсонпарвар* шоир эди. Ул зот асарларининг марказида инсон ва унинг фазилатларини куйлаш турар эди. Унинг айтишича, одам ўзининг ақли, қобилияти, нутқи,

[3] Жомий. Ҳафт авранг. –Т., 1914. 81-б.

хулқ-одоби, онгли хатти-ҳаракати, ширинсуҳанлиги билан бошка тирик мавжудотлардан ажралиб туради.

Навоий ўзининг *ижтимоий-сиёсий* қарашларида ҳукмдорнинг фаолиятига катта эътибор берди. У мамлакатни одил ва маърифатли шоҳ бошкариши лозим, деб ҳисоблайди. Бундай ҳукмдор ўз қул остидагиларга одилона муносабатда бўлиши, уларга ғамхўрлик қилиши лозим. Мутафаккирнинг гуманистик ва умуминсоний қарашлари тинчлик ва уруш масаласига муносабатида ёрқин намоён бўлади. У бутун умри давомида босқинчилик урушлари ва зўравонликка қарши курашди, халқларни тинч-тотув яшашга, дўстликка даъват этди:

Мутафаккирнинг ижтимоий-фалсафий, сиёсий ва ахлоқий қарашлари инсонпарварлик руҳи билан суғорилган, унинг адолат, илм-фан, маърифат, касб-ҳунарни эгаллаш, таълим-тарбия ҳақидаги ғоялари ҳозирги мустақиллик шароитида маънавий-ахлоқий юксалишга хизмат қилмоқда.

XVI – XVII асрларда Марказий Осиёда ижтимоий-фалсафий фикр. XVI – XVII асрлар марказий Осиё ҳаётида бурилиш даври бўлди. темурийлар ҳокимияти Шайбонийхон томонидан ағдариб ташланди. Шайбонийлар ҳукмронлиги даврида марказий давлат барпо қилишга уриниб кўрилди. Сўнгра ҳокимият Аштархонийлар сулоласи қўлига ўтди. Ўзаро феодал низолари ўз чўққисига чиқди. Уч давлат ташкилоти пайдо булади – олдин Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги, XVIII асрнинг охирида эса – Қўқон хонлиги. Умуман XVI – XVII асрлардаги Мавораунаҳрдаги вазиятни қуйидагича таърифлаш мумкин:

- Қачонлардир иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожланган минтақа бўлган Марказий Осиё – янги, капиталистик ишлаб чиқариш воситасига асосланган ривожланиш йўлидан бораётган Европа мамлакатларидан орқада қола бошлади;
- айни бир вақтнинг ўзида, бир томондан, марказлашишга бўлган тамойил билан боғлиқ бўлган, иккинчи томондан эса, ўзаро урушлар таъсирида шаклланган давлатларнинг бўлинишларининг кучайишига сабаб бўлган қарама-қарши жараёнлар ўзаро мавжуд эдилар;
- марказий давлат барпо қилиш учун олиб борилган кураш миллий давлатларнинг ирқий тарихий асосда шаклланиш жараёнининг, жумладан, Бухоро амирлигининг моҳиятий тамойилларидан бирини ифода қилар эдики, бундай интилиш кейинчалик Россия томонидан Марказий Осиёни босиб олиниши билан барҳам топди.

XVI асрдан бошлаб Мавораунаҳрда фалсафий фикр икки асосий йўналишда ривожланади.

Биринчи йўналиш – Мирзажон Шерозий, Юсуф Қорабоғий, Мухаммад Шариф Бухорий каби мутафаккирлар ва бошқалар ижодида ўз ифодасини топган Мавораунаҳрнинг ўзидаги ижтимоий-фалсафий фикр ривожи. *Иккинчи йўналиш* - Марказий Осиёдан чиқиб, Ҳиндистонда ижод қилган мутафаккирлар томонидан ривожлантирилган фалсафа. Бобурийлар империясининг уч юз йил давомидаги мавжудлиги Марказий Осиё ва унга қўшни бўлган бошқа мамлакатлар тарихида чуқур из қолдирди. Бобур давлатининг жуғрофий жиҳатдан алоҳида узоқ ўлкада жойлашганлигига қарамасдан, унинг маънавий ҳаёти ҳамиша Мраказий Осиё маданиятининг бир қисми бўлиб қолаверди. Негаки, у ва унинг ворислари бу маданиятга тааллуқли бўлиб, ўз фаолиятларида ушбу маданият анъаналарини ривожлантиришда давом этдилар.

Ибн Мухаммаджон Юсуф ал-Қорабоғий Муҳаммад Шаҳий (1563-1647) келиб чиқиши жиҳатидан Озарбайжонлик эди. 1579 йили у ўн олти ёшида Ширвонга келади, сўнгра Шерозга бориб Ҳабибулло Мирзажон Шерозий ал-Бонавийга шогирд тушади. Ўз устозининг таъсири остида Юсуф фалсафа ва илоҳиёт ихтисослиги бўйичка шугуллана бошлайди ва бу соҳадаги кизиқишларини Марказий Осиёга олиб келади. Қорабоғий аввал Самарқандда, кейин Бухорода дарс беради. Умрининг сўнгги йиларида Қорабоғий Бухородан икки километр нарида жойлашган «Се пулон» деган жойда яшайди ва ўша ерда вафот этади.

Муҳаммад Шариф ибн Муҳмамад ал-Ҳусайний ал-Алавий ал-Бухорий (ваф. 1697) Бухорода таваалуд топган. Ал-Мавлоний лақаби билан машҳур. Бизгача олимнинг ўн бешдан кўпроқ асарларининг номи, жумладан қуйидагилар етиб келган:

Юсуф Қорабоғий ва Муҳаммад Шариф Бухорийларнинг ижоди фалсафанинг кўпгина муаммоларини қамраб олган. Барча Шарқ перипатетиклари каби Қорабоғий ҳам барча мавжуд нарсаларни икки турга бўлади: вожибул вужуд ва мумкин ул вужуд ёки оддийгина зарурий ва имконий нарсага. Зарурий нарса тушунчаси шундан биоратки, унинг моҳиятига нисбатан ташқида ётган нарса ҳеч қандай ҳолатда ҳам йўқ бўлиши мумкин эмас. Имконий нарса – бу шундайки, унинг моҳияти учун ташқарида бўлган нарса ҳар томонлама борлиқ ва йуқлик ҳам бўлиши мумкин.

XVII асрдан XIX асрнинг биринчи ярмигача ижтимоий-фалсафий фикр. ***Мирзо Абдулқодир Бедил*** (1644-1721) Ҳиндистоннинг Азимобод шаҳрида туғилди. Унинг ҳаёти ва ижоди Бобурийлар сулоласи ҳукмронлиги даврига туғри келди. Бедил кўп асарлар ёзиб қолдирди: «Чор унсур» («Тўрт унсур»), «Нукот» («Аския»), «Ирфон» («маърифат»), “Рубоиёт” («Рубоийлар») ва бошқалар. У пантеистик ақидага эга бўлиб, *«Ваҳдати мавжуд»* - борлиқнинг ягоналиги нуқтаи назарида турар эди. Барча нарсалар зарурият юзасидан вужудга келади.

Бобораҳим Машраб (1657-1711) йирик ўзбек шоири ва мутафаккири эди. У Наманганда таваллуд топди. У Қашғар, Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Қарши ва Марказий Осиёнинг бошқа шаҳарларида, Ҳиндистон ва Яқин Шарқда бўлди.

Шоир қаерда бўлмасин, диннинг ва тасаввуфнинг асосий қоидаларига тўғри келмайдиган ҳатти-ҳаракатларини кескин танқид остига олиб, ўз шеърларида улар устидан кулганлиги учун руҳонийлар томонидан қаршиликка учради.

Машраб ҳаётининг сўнгги йилларида Балх шаҳрига (ҳозирги Афғонистонда) келади. Ўзининг ҳур фикрлиги ва ҳукмрон доираларни танқид қилганлиги учун 1711 йилда Балх ҳукмдори Маҳмудхон фармонига биноан қатл этилади. Унинг қабри Хонобод шаҳрининг жанубидаги Ишкошим қишлоғидадир (Афғонистон). Бобораҳим Машраб катта ижодий мерос қолдирди. Унга тааллуқли «Мабдаи нур» («Нур асоси») достони, «Девони Машраб» тўплами, кўплаб рубоийлар, ғазаллар, мухаммаслар, мусаддаслар халқ орасида кенг тарқалган.

Махтумқули (1733-1793) туркман шоири ва мутафаккири, туркман адабиёти ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган талант соҳибидир. Ўз илмини ошириш мақсадида у Хива, Бухоро ва Андижон мадрасаларида таҳсил олиб, ўзбек адабиётининг ўтмиш намояндалари асарлари билан яқиндан танишади. У Туркистондаги шаҳарлардан ташқари Озарбайжон, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистонга ҳам саёҳат қилиб, у ердаги халқлар турмуши билан ҳам танишади. Марказий Осиё, Озарбайжон, Эрон фольклори ва адабиётини чуқур ўрганади. Низомий, Фузулий, Алишер Навоий, Фирдавсий ижодидан баҳраманд бўлади. Махтумқули, айниқса, ўзбек маданияти тарихи билан яқиндан танишиб, бир қанча лиро - эпик достонлар, жуда кўп ғазаллар яратиб, ўз даври ҳаётини, ўз халқи урф-одатлари, ўтмиш тарихини куйлайди.

4- савол баёни: XIX аср охири - XX аср бошларида Марказий Осиёда маърифатпарварлик ва ижтимоий-сиёсий тафаккур тараққиёти. Феодал тузумга қарши қаратилган ҳаракат сифатида маърифатпарварликнинг келиб чиқишининг умумий қонунияти турли халқларда турли тарихий даврларда ўз хусусиятларига эга. Шундай бўлса ҳам, ҳар бир халқнинг маърифатпарварлиги умумий тарихий жараённинг ифодасидир. Еврупода бўлгани каби, Марказий Осиёда ҳам маърифатпарварлик феодал муносабатлар, эскилик, қолоқлик ва анъаналарга қарши қаратилган оқим сифатида ўзини намоён қилди. Унинг шаклланиши ва ривожи оврупо маданиятининг таъсири, феодал ҳолатдаги Марказий Осиё ва сармоядорликка ўтган Россия ўртасидаги мавжуд қарама-қаршилик билан боғланган эди.

Туркистонда маърифатпарварлик узоқ тарихий илдизга эга. XIX асрда маърифатпарварлик фалсафасининг кучайиши XVI асрда Буюк ипак йўлининг ўз фаолиятини тўхтатиши, денгиз йўлларининг очилиши ҳамда XVIII-XIX асрларда Европа мамлакатларида содир бўлган шиддатли технологик ривожланиш натижасида Ўрта Осиё хонликларининг объектив сабабларга кўра тараққиётдан орқада қолиши билан боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас. Халқ хўжалиги ва умумий тараққиётга катта зарар етказган ички ўзаро урушлар эса бу

қолоқликнинг субъектив сабаблари ҳисобланади. Шундай шароитда илғор зиёлилар мазкур қолоқлик сабабларини теран таҳлил қилиб, тараққиётга эришиш йўлларини излай бошладилар ва кенг халқ оммасини маърифатли қилишни бу йўлдаги бирламчи вазифа деб билдилар. Туркистоннинг Россия империяси томонидан босиб олиниб, Бухоро ва Хиванинг унга тобеъ бўлиши минтақани марказнинг хом ашё манбаига айлантириб, вазиятни янада чуқурлаштирди. Шу билан бирга, бир томондан - банк сармояси, иккинчи томондан - Европа ва Осиёдан демократик ғояларнинг кириб келиши дунё билан иқтисодий алоқа ўрнатиш имкониятларини намоён этди, минтақада ҳурфикрлиликнинг ривожланишига имкон яратди. Бу асосий мақсадларидан бири маърифатпарварлик бўлган миллий озодлик фалсафасининг шаклланишидаги илк қадамлар эди. Унинг тарафдорлари минтақанинг турли бурчакларида кўтарилган халқ қўзғолонларини бошқариш, ташкил қилиш ёки қўллаб-қувватлашдан ҳали узоқ бўлсалар-да, лекин уларнинг келиб чиқиш сабабларини яхши англар эдилар ва бу тоифанинг мавжуд тузумга танқидий муносабати, ислоҳот ўтказиш зарурлигини тушуниши - ўша давр учун катта ютуқ эди. Таниқли олим Аҳмад Дониш ислоҳотлар ўтказишнинг энг фаол тарафдорларидан бири эди. Кейинчалик Муқимий, Фурқат, Ҳамза, Бердақ, Завқий, Баёний, Аваз Ўтар каби шоирлар ўз шеърларида халқни илм ва маърифатга чақирдилар. Абай, Чўқон Валихонов каби таниқли арбоблар демократик ғоялар билан қуролланган бўлиб, улар бу мушкул аҳволдан чиқишнинг йўлини нафақат маърифатда, балки туркий халқларнинг бирлашувида кўрар эдилар. Худди шу заминда маърифатпарварликдан сиёсий талабларни кўтариб чиқишга қадар юксалган жадидчилик ўсиб чиқди.

Жадидчилик - XIX аср охири - XX аср бошидаги кўплаб Шарқ мамлакатларидаги миллий-тараққийпарвар зиёлиларнинг ислоҳотчилик ҳаракати. Бу ҳаракат Ўрта Осиё халқларининг маданий, миллий-сиёсий жиҳатдан ривожланиши учун алоҳида аҳамиятга эга бўлди. "*Жадидлар*" деган номнинг ўзи "*усули жадид*" ("Янги усуллар") тушунчаси асосида келиб чиққан. Бу атама остида ўқитишнинг янги усуллари тушунилар, янги усулдаги мактаблар шу асосда қурилган эди. Жадидчилик ҳаракатининг вазифалари кенгайишига мувофиқ равишда кейинчалик мазкур атаманинг мазмуни ҳам кенгайди. Маърифатпарварлик билан бир қаторда, жадидлар ижтимоий ва сиёсий ҳуқуқий ҳолатларнинг эски тизимини тараққиётнинг илғор усуллари билан алмаштирмоқчи бўлдилар. Жадидлар ҳаракати XIX аср охири - XX аср бошларидаги сиёсий кучлар мураккаб бир тарзда чигаллашиб кетган Туркистон жамиятининг энг илғор йўналиши қарашларини ўзида акс эттирди. У дунё аҳамиятига молик инсонпарварлик ва миллий қадриятларга асосланиб, жамият тараққиётининг етилган эҳтиёжлари ва ўлканинг туб аҳолиси манфаатларига жавоб берди. М.Беҳбудий, А.Фитрат, У.Асадуллаҳўжаев, Мунаввар Қори, А.Авлоний, С.Айний, Ф.Хўжаев, Т.Норбўтаев ва бошқа машҳур номлар ушбу ҳаракат билан боғлиқ.

Жадидчилик маърифатпарварликдан сиёсий ҳаракатгача бўлган мураккаб тараққиёт йўлини босиб ўтди. Кенг халқ оммасининг иқтисодий оғир аҳволи, иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлардан орқада қолиши, тафаккур турғунлиги жадидларни Туркистонни бу тушкун ҳолатдан олиб чиқишнинг амалий воситаларини излаб топишга ундади.

Жадидларга аввалига йиғилган ва етилган масалаларни маърифатпарварлик йўли билан ҳал қилиш мумкиндай бўлиб туюлди. Шунинг учун ҳаракатнинг биринчи босқичида мусулмон мактабларидаги *ўқитиш ишларини ислоҳ қилиш* жадидларнинг диққат марказида турди. Улар бундай ислоҳотларни ўтказиш зарурлигини назарий жиҳатдан асослабгина қолмай, айни пайтда, янги усулдаги мактаблар, кутубхоналар, ўқув заллари барпо этиш, дарсликлар нашр қилиш билан ўз ғояларини амалга ошириш учун катта саъй-ҳаракат кўрсатдилар.

1905 йили Россияда, 1908 йили Туркияда ва 1905-1911 йилларда Эронда бўлиб ўтган инқилоблар жадидчиликка катта таъсир кўрсатди. Биринчи жаҳон уруши жадидлар тафаккурида кескин ўзгаришларни юзага келтирди. Улар парламентга асосланган монархия тўғрисида ёзишди, фуқароларнинг бошқариш, давлат органларини шакллантириш, қонунчиликда иштирок этиш тартибларини ишлаб чиқдилар. Февраль инқилоби даврига

келиб, жадидларнинг радикал қисми («тараққийпарварлар») қатор *сиёсий талаблар*ни илгари сурдилар. Улар орасида ўлка бошқарувини маҳаллий аҳолининг ҳақ-ҳуқуқларини кенгайтириш томонга ислоҳ қилиш, Давлат Думасида унга ўрин ажратиш, демократик эркинликлар ва биринчи навбатда, миллий матбуот эркинлиги, самодержавие (мустабид ҳокимият)ни конституциявий тузум билан алмаштириш бор эди. Лекин февраль инқилобидан кейин жадидлар Муваққат ҳукумат Туркистондаги мустамлакачилик сиёсатини эскича қолдириш тарафдори эканлигини тушуниб етдилар. Шундан кейин жадидчилик ҳаракати мустақиллик ва Туркистонга Россия Демократик Федератив Республикаси таркибида миллий-ҳудудий мухторият беришни талаб қилиш учун кураш йўлига кирди.

Бу даврга оид дастурий ҳужжатларда асосий эътибор *миллий-ҳудудий мухторият* (ҳукумат, бошқарув, суд, қонун чиқарувчи органлар ва бошқалар) принципларини амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқишга қаратилди. Сиёсий модел (андоза) сифатида демократик республика танланди.

Лекин Туркистондаги Октябрь воқеалари ва ҳокимиятнинг большевиклар томонидан эгаллаб олиниши уларга ўз мақсадларини охиригача амалга ошириш имконини бермади. Шунга қарамай, большевиклар ҳокимиятининг миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳақидаги декларациясидан фойдаланиб, мустақил автоном республика - маркази Қўқон бўлган *Туркистон мухторияти*ни эълон қилдилар. Уч ой фаолият кўрсатган мазкур республика Қизил армия томонидан қонга бостирилиб йўқ қилинди. Жадидларни кўпчилиги 1937 йилга келиб ҳисбга олиниб қатл қилинганлар. Шунингдек уларнинг бир қисми советлар томонига ўтиб халқ маорифи ва маданият сохаларида ишлаганлар.

Жадидчиликнинг ўзига хос феномен, нодир ҳодиса эканлиги нимада кўринади? Бу биринчи навбатда, жадидларнинг нафақат Шарқ, балки Ғарб маданиятини ҳам эгаллаш асосида шаклланган юксак ақлий-маънавий заковатида намоён бўлади. Уларнинг деярли барчаси олий диний маълумот олиб, Навоий Жомий, Фузулийнинг юксак инсонпарварлик ғоялари билан суғорилган асарлари, ўрта аср Шарқ мутафаккирларининг фалсафий қарашларинингтаъсири остида тарбияланиб, ўз интеллектини хориж – ҳам Шарқ, ҳам Ғарб маданияти ютуқлари билан бойитдилар. Бу жадидлар фалсафий дунёқарашининг ўзига хос хусусиятини белгилаб берди.

Жадидлар ислом фалсафаси нуқтаи назари асосида иш тутганлар. Мавзунинг ҳозирги тадқиқотчилари ёзганидек: «Ислом ва фан, ислом ва илғор тараққиёт - XIX аср иккинчи ярмида мусулмон мамлакатларидаги интеллектуал ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар ўтказиш йўлидаги изланишларнинг фалсафий асоси ҳисобланади»[4]. Шунинг учун ҳам жадидлар фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири исломни модернизациялаш, уни бидъатлардан тозалаш, фан ютуқлари ва илғор технологияларни эгаллашдан иборат эди. Биринчи навбатда, улар исломнинг моҳиятини ўз манфаатларига мослаб олган дин намояндаларини қаттиқ танқид остига олдилар ҳамда динни қурол қилиб олган сиёсий ўйинлар қандай оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини кўрсатиб бердилар.

Маданий меросни ўзлаштириш ва халқнинг миллий ўзини ўзи англашини кучайтириш - жадидларнинг диққат марказида турган энг муҳим масалалардан эди. Улар ўзлари нашр қилган газета ва журналларида ўқувчиларга Туркистон халқи қандай улкан маданий ва илмий мероснинг вориси эканлигини эслатдилар.

Маърифатпарвар, адабиётшунос, драматург, файласуф, сиёсий арбоб маданиятшунослик назариётчиси ва амалиётчиси ***Маҳмудхўжа Беҳбудий*** (1874-1919) жадидчилик ҳаракатининг йирик раҳнамо ва назариётчиларидан бири эди. "Ўша давр Туркистон жадидларидан бирортаси сиёсий, ижтимоий фаолияти ҳамда билим доирасининг кенг ва чуқурлиги жиҳатидан унга тенглаша олмас эди"[5], - деб ёзган эди. Ф.Хўжаев. Кекса шарқшунос

[4] Прилуцкий Е.А. Запад и Восток в философских и теоретических концепциях джадидов // Жадидчилик: ислоқот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. Тошкент, 1999. 58-бет.

[5] Хўжаев Ф. Уч жилдлик. 1-жилд. Тошкент, 1996йил, 78-б.

Л.Азиззода эса ҳам 1926 йилдаёқ уни Шарқнинг энг буюк гуманистлари ва мутафаккирлари билан бир қаторга қўйган эди: "Агар Ўзбекистонда фан ва маданият соҳасида Улуғбек ва Навоийдан кейин учинчи бир шахснинг номини абадийлаштириш керак бўлса, бу шубҳасиз Беҳбудийга ўрнатилган ёдгорлик бўлиши керак"[6].

Жадидчиликнинг яна бир ёркин намояндаси М.Беҳбудийнинг кичик замондоши ***Абдурауф Фитрат*** (1886-1937) эди. Форобий, Беруний ва Ибн Сино анъаналарини давом эттириб, А.Фитрат ислом динини дунёвий фанлар ютуқлари билан мустаҳкамлаш ғоясига асосланган ҳолда, илмлар таснифини ишлаб чиқди. Олим барча илмларни назарий ва тажрибага асосланган илмларга бўлади. Диний ва дунёвий фанларни у алоҳида тасниф қилади. Диний илмларга у Муҳаммад алайҳиссалом ҳадислари, ҳадислар талқини, фиқҳ ва илоҳиётни киритади. Дунёвий фанларга эса фалсафа, физика, механика, алгебра, оптика, мусиқа, астрономия, геометрия, тиббиёт, география, тарих ва тилшуносликни қўшади. Фалсафа фанининг предмети ҳақида фикр юритар экан, Фитрат онг, ахлоқ, илоҳиёт ва тафаккурни билишни унинг асосий вазифаси сифатида қайд этади.

Одоб-ахлоқ масалалари Шарқ фалсафасида ҳамиша асосий ўрин тутиб келган. Улар жадидчилик доирасида ишлаб чиқилган шаклда ***Абдулла Авлоний*** (1878-1934) ижоди, биринчи навбатда, унинг «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» асарида[7] ўз аксини топди.

Авлоний учун ахлоқ ҳаммадан аввал амалий-педагогик йўналишни касб этади. У «Инсонларни яхшиликка чақиргувчи, ёмонликдан қайтаргувчи бир илмдур». Бу илм «Яхши хулқларнинг яхшилигини, ёмон хулқларнинг ёмонлигини далил ва мисоллар» ёрдамида ифодалашга асосланиши керак[8].

Шундай қилиб, маънавият ва ахлоқ масалалари жадидларнинг диққат марказида туради. Улар ушбу масалаларни илгари суриш билан бирга, ўзлари ҳам бу соҳада дунё тажрибаси унсурларини ўзига сингдирган «янги мусулмон ахлоқи»нинг намояндалари эдилар.

Совет даврида - 20-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб жадидчилик мафкуравий танқид нишонига айланди. Бухородаги жадидчилик ҳаракатининг раҳбарларидан бири, кейинчалик эса Ўз ССР ҳукуматининг биринчи раиси (1924-1937) бўлган Файзулла Хўжаев ушбу ҳаракатнинг бевосита иштирокчиси сифатида унинг тарихини ёритиб, жадидчиликка холис баҳо берган. Ўзининг «Бухоро инқилобининг тарихига материаллар» тадқиқоти учун у 1927 йилда партия съезди минбаридан туриб «жадидчиликни идеаллаштириш»да айбланади. Хусусан, унинг қуйидаги сўзлари Компартия раҳбарияти учун кечирилмас бўлди: «Ўрта Осиёда миллий-инқилобий ҳаракатни бошқаришга қодир кадрларни етиштириб бергани учун биз айнан жадидлардан миннатдормиз»[9]. Жадидчилик гўёки «омма онгини миллатчилик ғоялари билан заҳарлаш ва уни инқилобий курашдан четга торитиш» мақсадида ташкил этилган реакцион буржуа-миллатчилик йўналиши деб эълон қилинди, жадидларнинг ўзлари эса қатағон қилинди[10] ва маҳв этилди. Жадидчилик большевиклар томонидан шунинг учун йўқ қилиндики, улар ишлаб чиққан миллий-давлатчилик қурилиши ва жамиятни мустамлакачиликнинг боши берк кўчасидан олиб чиқиш концепцияси мустабид совет тузуми учун жиддий муқобил эди ва унга ҳалокат хавфини туғдирарди. Ўзининг фожиали якунига қарамай, жадидлар томонидан асос солинган миллий-тараққийпарварлик ҳаракати миллий ўзини ўзи англашнинг ўсишига имкон яратди, миллий-озодлик мафкурасининг вужудга келиши ва ривожланишида муҳим роль ўйнади.

---

[6] Лазиззода Л. Беҳбудий // «Маориф ва ўқитувчи», 1926 йил, 2-сон.

[7] Авлоний А. Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ // Танланган асарлар. Тошкент, 1998. 34-бет.

[8] Ўша ерда. 34-бет.

[9] Хўжаев Ф. Жадидчилик // Очерки революционного движения в Средней Азии. Москва, 1926.

[10] История философии в 6-томах. Т.5. М., 1961. 385-б. Қуйидаги парча совет даврида жадидчиликка берилган баҳоларнинг типик намунаси бўлиб хизмат қилиши мумкин: "Жадидчилик демократик мафкуранинг Қозоғистон ва Ўрта Осиёнинг ижтимоий-иқтисодий қолоқлиги туфайли ушбу буржуа-миллатчилик мафкурасининг синфий моҳиятини тушуниб етмаган кўпчилик намояндаларига зарарли таъсир кўрсатиб, Қозоғистон ва Ўрта Осиёнинг илғор ижтимоий фикри тараққиётига катта зиён етказди" (Ўша ерда. 386-б).

Мавзуни мустаҳкамлаш учун назорат саволлари:

1. Қадимги Миср фалсафасига хос хусусиятларни санаб беринг.
2. «Веда»лар нима ва қачон пайдо бўлган?
3. Буддавийлик таълимотининг моҳияти нимадан иборат?
4. Конфуцийлик нима?
5. Лао Цзи фалсафасида Дао қонуни нимани англатади?
6. «Авесто» тўғрисида нималарни биласиз?
7. Моний ва Маздак таълимотининг мазмунини айтиб беринг.
8. Ислом дини тўғрисида нималарни биласиз?
9. Тасаввуфда комил инсон таомилини Сиз қандай тасаввур қиласиз?
10. Тасаввуфдаги кубравия, яссавия ва нақшбандия тариқатлари тўғрисида нималарни биласиз?
11. Сизнинг назарингизда диний бағрикенглик нима?
12. Шарқ Уйғониш даври фалсафасининг муҳим жиҳатлари ва етакчи ғояларини тушунтиринг.
13. Марказий Осиё фалсафасининг асосий ривожланиш босқичларини айтиб беринг.
14. «Маънавий меросни билмай туриб, мустақилликнинг мафкурасини яратиб бўлмайди» деган фикрни қандай тушунасиз?

3 – Мавзу: Фалсафий тафаккур тараққиёти босқичлари: Ғарб фалсафаси.

Маъруза режаси:

1. Қадимги Юнон-Рим фалсафий мактаблари ва уларнинг таълимоти.
2. Христианлик ва ўрта аср Ғарб фалсафаси ривожланишининг умумий белгилари.
3. Ғарб Уйғониш даври ва фалсафий тафаккурнинг ривожланиш хусусиятлари.
4. Янги давр Ғарб фалсафасидаги асосий муаммолар.
5. Энг янги давр (XX – XXI аср) Ғарб фалсафасининг оқимлари.

Мавзуга оид таянч тушунча ва атамалар:

Қадимги юнон-рим, Милет мактаби, Суқротгача фалсафа, Гераклит, Суқрот, Демокрит, Афлотун, Арасту, Эллин даври, ўрта аср, христианлик, Аврелий Августин, апологетика, патристика, схоластика, номинализм, реализм, Фома Аквинский, Ғарб Ренессанси, гуманизм, табиат фалсафаси, илк буржуа инқилоблари, илмий инқилоб, янги давр фалсафаси, метафизика, механицизм, эмпиризм, рационализм, метод, индукция, дедукция, субстанция ва унинг модуслари, маърифат даври ва фалсафаси, немис классик фалсафаси, энг янги давр, неоклассик ва ноклассик йўналиш, неотомизм, позитивизм, неопозитивизм, мантикий позитивизм, лингвистик таҳлил, конвенционализм ва физикализм, герменевтика, феноменология, махизм, прагматизм, экзистенциализм психоаналитик оқим.

1-савол баёни: Қадимги Юнонистон ва Рим фалсафаси. Қадимги давр фалсафасининг яна бир силсиласи Юнонистон ва Римга тегишлидир. Бу даврдаги фалсафий қарашлар — **антик давр фалсафаси** деб юритилади. Умуман олганда, **антик фалсафа** (дастлаб юнон, сўнгра рим фалсафаси) бир минг йиллик давомида (милод.ав. VI асрдан милоднинг VI асригача) ривожланиб борди. У дастлаб милод. ав. VIII-VII асрларда мифология замирида шакллана бошлаган эди (афсонадан логосга ўтиш тарзида). Бу вақт оралиғида у бутун антик маданият сингари ўзининг қуйидаги 4 босқичини ўз ичига олади:

1. ***Суқротгача бўлган фалсафа*** - антик фалсафанинг пайдо бўлиши ва илк шакллари (эр.ав. VI асрга оид Ионияя ва Италия фалсафаси):

- Милет фалсафа мактаби (Фалес, Анаксимандр, Анаксимен);
- Гераклит фалсафаси;
- Пифагорчилар фалсафаси;
- Элей фалсафа мактаби (Ксенофан, Парменид, Зенон);

- Эмпедокл ва Анаксагор фалсафаси.

2. ***Классик давр*** - антик фалсафанинг гуллаб яшнаган ва юксак ривожланган даври (эр.ав. V-IV асрларга оид қулдорлик демократияси босқичидаги фалсафа):

- Софистлар фалсафаси;
- Суқрот ва суқротчилар фалсафаси;
- Атомистлар таълимоти (Левкипп ва Демокрит);
- Афлотун фалсафаси;
- Арасту фалсафаси.

3. ***Эллинизм даври*** - антик фалсафанинг суст ривожланиш даври. Бу Эллин даври юнон фалсафаси ва Рим республикаси босқичидаги лотин фалсафаси (эр.ав. III-I асрлар):

- Киниклар фалсафаси;
- Стоиклар фалсафаси;
- Эпикур фалсафаси;
- Скептицизм фалсафаси.

4. ***Рим даври*** - антик фалсафанинг Рим империяси давридаги инқироз ва таназзул босқичи (эрамизнинг I-V асрлари):

- Скептицизм таълимоти(Секст Эмпирик ғоялари ривожи);
- Эпикуризм таълимоти (Лукреций Кар ва бошқалар);
- Стоицизм ғоялари (Цицерон, Сенека, Аврелий сингарилар);
- Неоплотонизм таълимоти (Плотин, Порфирий, Прокл кабилар фалсафаси).

Юнонистонда дастлабки фалсафий таълимотлар эрамиздан аввалги VII-VI асрлар ўртасида Милет шахрида юзага келган ва ривожланган. ***Милет мактаби*** вакиллари Фалес, Анаксимандр, Анаксименлардир. Унинг асосчиси Фалес (эрамиздан аввалги 624 — 547 йилларда яшаган). У Юнон фани ва фалсафасининг асосчиси бўлиб, ўз даврининг етук сиёсий арбоби, файласуфи бўлган. Фалес таълимотига кўра, табиатдаги турли-туман жисм ва ходисалар дастлабки ибтидо — сувдан пайдо бўлган ва яна сувга айланади ва бу моддий бирлик доимо ўзгаришда бўлади. Анаксимандр (Фалеснинг шогирди) эрамиздан аввалги VII аср охири ва VI ўрталарида яшаб ижод этган. У «Табиат хақида» асарини ёзган, бироқ асар бизгача ётиб келмаган. Фалес оламнинг асосига сувни қўйган бўлса, Анаксимандр дунё — чексиз, газсимон апейрондан иборат, иссиқлик ва совуқлик, қуруқлик ва намлик апейрондан ажралиб чиқиб, модданинг бир холатдан иккинчи холатга ўтишини таъминлайди, деб ҳисоблаган. Унинг таълимотини замондоши, шогирди Анаксимен давом эттирди. Анаксимен (эрамиздан аввалги 588-525 йиллар) хаво — оламнинг асоси, деб билган. Унингча, хавонинг қуюқлашишидан сув, ер, тош каби моддалар ташкил топган, сийраклашишидан эса олов пайдо бўлган.

Яна бир юнон файласуфи ***Гераклит*** (эрамиздан аввалги 520-460 йиллар) Кичик Осиёнинг Ғарбий қирғоғидаги Эфес шахрида заргар оиласида дунёга келган. У стихияли диалектикага асос солган, олов — оламнинг асоси, деб билган. Унинг фикрича, оламда ҳамма нарса ҳаракатда. «Оқар сувга бир сонияда икки марта тушиш мумкин эмас, чунки сув ҳар дақиқада янгиланиб туради». Оламда турғунлик йўқ. Гераклитнинг фикрича, доимий ўзгариш, ҳаракат ва ўзаро қарама-қарши томонларга ўтиш — жисмлар сифатининг нисбийлиги билан боқлиқ. Масалан, денгиз суви инсон истеъмоли учун яроқсиз бўлса, балиқлар учун айни муддаодир. Гераклитнинг қарашлари фалсафий тафаккур ривожига катта таъсир кўрсатган.

Пифагор (эрамиздан аввалги 580-500 йиллар) Юнонистоннинг Самос оролида яшаб ўтган файласуфлардан биридир. У қадимги Юнонистонда диний-мафкуравий фалсафий мактаб, яъни пифагорчиликка асос солган. Пифагор ўзининг сиёсий қарашлари туфайли подшо Поликрет билан чиқиша олмаган ва Самосни тарк этиб, жанубий Италияга кўчиб кетган, ўша ерда ўз уюшмасини ташкил этган. Унингча, дунёни билиш жараёни, аввало, рақамларни билишдан бошланиши керак. Пифагорчиларнинг таълимотига кўра, оламнинг асосида модда ҳам, табиат ҳам эмас, балки идеаллашган рақамлар ётади; нарса ва ходисалар айнан ана шу рақамлар махсулидир. Пифагорчилар биринчи бўлиб Юнонистонда табиатдаги нарса ва ходисаларни изохлашда миқдор категориясини илгари суради.

Элей фалсафий мактаби намояндаси Ксенофан (эрамиздан аввалги YI — V аср) шоир ва файласуф бўлган. У Кичик Осиёда дунёга келган. Илм олиш мақсадида Юнонистонга, жанубий Италияга саёхат қилиб, умрининг сўнгги йилларини Элей шахрида ўтказган. Тарихчи Диоген Лаэртскийнинг ёзишича, Ксенофант «Табиат хақида» асарининг муаллифидир. Афсуски, ушбу асарнинг ярмигина омон қолган, холос. Унинг фалсафий таълимотига кўра, табиат - ўзгармас ва ҳаракатсиздир, «Ҳамма нарса ердан униб чиқади ва пировардида яна ерга қайтади». Биз ҳаммамиз ердан туғилганмиз ва ерга айланамиз». Ксенофан қадимги юнон файласуфларидан биринчи бўлиб, билишнинг имконияти ва чегараси хақида фикр юритган. Бу қадимги юнон гносеологиясининг ривожига туртки бўлди.

Ксенофант илгари сурган ғоялар унинг шогирди Элей фалсафий мактабининг кўзга кўринган намояндаларидан бири, эрамиздан аввалги 504 йили туқилган Парменид томонидан ривожлантирилган. Парменидниг шогирди ва дўсти Зенон (490-430 йиллар) ўз устозининг таълимотини ҳимоя қилди ва уни ривожлантирди.

Қадимги Юнон маданиятида ***софистлар фалсафаси*** катта ўрин тутади. Софистлар антропология (инсон хақидаги фан) ва гносеология (билиш тўкрисидаги фан) муаммолари билан шуқулланган. Софистлар янги касбларнинг мохир усталари, яъни ўқитувчилар, дипломатлар, нотиқлар, суд махкамаларида ишловчи мутахассислардан иборат бўлиб, хақиқат, осойишталик, адолат ўрнатишга хизмат қилган. уларнинг таълимоти Суқрот фалсафасига ҳам маълум даражада таъсир кўрсатган.

Суқрот (эрамиздан олдинги 469-399 йиллар) (асли — Сократ) — қадимги Юнон файласуфи, у камбағалдан чиққан, тош йўнувчининг ўғли, Афина ҳаётида фаол иштирок этган, ёшлар тарбияси билан шуғулланган, ҳурфикрли инсон, ўта билимдон киши сифатида машҳур бўлган. Унинг ҳаёти фожиали тугагани тўғрисидаги мисол фалсафий афсонага айланиб кетган. Ўз даврида Афинадаги хукмрон тартиб-қоидаларга қарши чиқиб, янги фикрларни илгари сургани учун уни дахрийликда ҳамда ёшларни ахлоқан бузишда айблаганлар. Унга шунчаки айб эмас, сиёсий айб қўйилган. Гарчанд қутилиш имкони бўлса-да, қонун ва жамият тартибларини ниҳоятда қаттиқ ҳурмат қилганлиги боис, у жазодан қочишни истамаган ва бир қадах заҳар ичиб ўлган. Суқрот ва унинг тарафдорлари жамият қонунларига, улар қандай бўлишидан қатъи назар, сўзсиз итоат этишни тарғиб этганлари ғоятда ибратлидир. «Афлотун менинг дўстим, аммо қонун дўстликдан устун туради» деган хикматли ибора ўша давр маънавиятининг яққол ифодасидир.

Суқрот ўз таълимотини оқзаки равишда кўча-кўйда, майдонларда, хиёбонларда шогирдлари ва издошлари билан бирга шакллантирган ва халқ онгига сингдиришга ҳаракат қилган, лекин биронта ҳам асар ёзмаган. Унинг фалсафий, ахлоқий таълимотлари моҳиятини шогирдлари Ксенофант, Аристофан ва Афлотунларнинг асарларидан билиб олишимиз мумкин. Ксенофант «Суқрот хақида эсдаликлар» асарида ўз устози хақида илиқ сўзлар айтиб, уни олижаноб, ахлоқ-одоб борасида хаққоний фикр юритган инсон сифатида таърифлаган. Ёшларнинг ахлоқини бузган деб унга сиёсий айб қўйиш — тухмат эканини алохида таъкидлаган. Афлотун эса уни чуқур мулохазали, инсонни улуқловчи донишманд, дея таърифлаган, унинг фалсафий қарашларини ўз асарларида Суқрот номидан баён этган. Суқротнинг фикрича, фалсафанинг марказида ахлоқ масалалари турмоқи лозим. Жамиятнинг равнақи, тинчлик ва осойишталиги, фаровон ҳаёти ахлоқ ва одобнинг ахволига боқлиқ. Бу масалалар Шарқ фалсафасида ҳам катта ўрин тутганли боис халқимиз, буюк алломаларимиз Суқрот номини бенихоя ҳурмат билан тилга олган, унинг ахлоқ-одоб хақидаги панд-насихатларига амал қилган.

Суқротнинг шогирди ***Афлотун*** (асли — Платон) жахон фалсафаси тарихида ўчмас из қолдирган буюк алломадир. У нафақат файласуф олим, балки санъаткор, шоир ва драматург бўлган, ўз қояларини диалоглар тарзида баён қилган. Афлотун 428 йил 21 майда Делос оролида туқилган. ўзидан кейин 35 дан зиёд диалог шаклидаги асарлар ёзиб қолдирган. Арастунинг у хақдаги маълумотларини бирдан-бир тўкри далил деб қараш мумкин. Чунки Арасту Афлотуннинг энг яқин дўсти ва шогирди бўлган.

Афлотун «Ғоялар дунёси ва соялар дунёси» таълимотининг асосчисидир. Унингча, қоя хақиқий борлиқ, биз биладиган ва яшайдиган дунё эса унинг соясидир. Ҳақиқий ўзгариш ва

тараққиёт қоялар дунёсига хос, соялар дунёсидаги ҳаракат эса унинг аксидир. \оялар дунёсининг қонуниятларини ҳамма ҳам билолмайди. Уларни биладиган зотлар ниҳоятда кам учрайди, улар улкан ақл эгаси бўлади ва тарихда чуқур ном қолдиради. Аксарият кишилар эса, соялар дунёси билан кифояланади.

Афлотуннинг шогирди ва сафдоши ***Арасту*** (384 — 322 йиллар) (асли — Аристотель) қадимги Юнонистоннинг буюк файласуфи, ўзининг бетакрор, жахонни лол қолдирган илмий мероси билан машҳурдир. ўн етти ёшида ўз илмини ошириш мақсадида Афинага келиб, Афлотун асос солган академияга ўқишга кирган ва 20 йил давомида (Афлотуннинг ўлимига қадар) шу ерда тахсил олган. Кейинчалик Македония подшоси Филиппнинг II таклифига биноан, унинг ўқли Александрга 3 йил мунтазам устозлик қилган. Бинобарин, кейинчалик дунёни забт этиб, жахонгирлик мақомига кўтарилган Искандарнинг камолотида Арастунинг хизматлари беқиёс бўлган.

Кейинроқ Арасту Афинага қайтиб келиб, 50 ёшларида «Ликей» номли мактаб очган. Илмий фаолиятининг самарали бўлишида, умуман, Юнонистондаги илм-фан ривожида Александр томонидан кўрсатилган химмат ва рақбатлар муҳим аҳамият касб этган. Искандар вафотидан кейин унга қарши кучлар бош кўтариб, Арастуни дахрийликда айблашган ва судга тортишган. Суддан олдин Эвбей оролига кўчиб кетган Арасту кўп ўтмай ўша ерда вафот этган.

Арасту забардаст қомусий олим бўлиб, фалсафа, мантиқ, психология, ахлоқ, нотиқлик санъати, табиий фанлар бўйича ўлмас, бебаҳо асарлар ёзиб қолдирган. Арастунинг ғоя ва қарашлари Шарқда кенг ёйилган ва у "Биринчи муаллим", дея эътироф этилган.

Юнон фалсафасида ***Демокрит***нинг қарашлари ҳам муҳим ўрин тутади. У ҳақиқий борлиқ — моддий дунё, абадий ва поёнсиз, чексиз-чегарасиз реалликдир, олам майда моддий заррачалардан, яъни атомлардан ва бўшлиқдан иборат дея таълим беради. Атомлар ва бўшлиқ ўзаро яхлит абадий ибтидодир. Атомлар — бўлинмас ва ўзгармас, сифат жиҳатдан бир хил, унинг миқдори шакли сингари беҳисобдир. Ҳаракат, деган эди Демокрит, атомлардан иборат модданинг абадий, табиий холатидир. Демокрит тасодифиятни инкор этган. У «на табиатда на жамиятда хеч бир нарса тасодифан пайдо бўлмайди», деб ёзган. Демокритнинг фалсафий қарашларида ахлоқий таълимот муҳим ўрин тутади. Унинг бу борадаги қарашлари сиёсий қарашлари билан узвий боқлиқдир. Яхши бошқарилаётган давлат — буюк қўрғондир. Давлат манфаатлари қолган барча нарсалардан устун турмоғи лозим.

Қадимги Юнон мутафаккири ***Эпикур*** (341-270 йиллар) Демокрит илгари сурган атомчилик таълимотини янада такомиллаштириб, уни юқори поқонага кўтарган ва тегишли қарашлар билан бойитган файласуф. Эпикур таълимотича, олам — моддий, абадий ва чексиз. Атомлар — бўлинмас, олам — жисм ва бўшлиқдан иборат, деб ёзган эди у. Барча жисмларни Эпикур икки гуруҳга бўлган. Биринчи гуруҳга жисмларни ташкил этувчи атомларни киритган бўлса, иккинчи гуруҳга атомларнинг бирлашишидан ташкил топган жисмларни киритган. Эпикур ички ҳаракат қонуниятини кашф этиб, Демокрит илгари сурган атомчилик таълимотига улкан хисса қўшган. Эпикурнинг фалсафий-ахлоқий таълимоти ўз замонасида илқор аҳамиятга эга бўлган. Рохат-фароқат, ҳурсандчилик деганда, кайф-сафо, маишат, шохона ҳаётни эмас, балки жисмоний эзилиш ҳамда рухий ташвишлардан халос бўлишни, озодликни тушунамиз, дейди Эпикур. унинг фикрича, давлат кишиларнинг ўзаро келишуви асосида тузилиши лозим. Эпикур илгари сурган ижтимоий келишув қояси кейинчалик XVIII аср француз маърифатпарварлари ҳамда XX аср файласуфлари томонидан давом эттирилган.

Эпикур таълимотини римлик ***Лукреций Кар*** (эрамиздан аввалги 99-55 йиллар) давом эттирган. У «Нарсаларнинг табиати тўқрисида» номли асари билан машҳур бўлган. Яшашдан мақсад, деб ёзган Лукреций, бахтли ҳаёт кечиришдан иборатдир. Жамият ҳам, худди табиат сингари, ўз қонунларига эга ҳамда табиат қонуниятларига таянган холда ривож топади, дейди у. Унинг фалсафий қарашлари ўз даври ва ўрта аср фалсафасига ўз таъсирини кўрсатган.

Унинг фикрича, модда (материя) — абадий, бир холатдан иккинчи холатга ўтиб, шаклини ўзгартириб яшаш — унинг хоссаси. Оламдаги барча нарсалар иккига — оддий ва мураккаб турга бўлинади. Лукреций Кар атом ҳаракатининг учта турини санаб ўтган. Булар — нарсанинг

оқирликка эга бўлгани учун тўқри чизиқли ҳаракати, нарсанинг ўзича оқиш ҳаракати, нарсага туртки бўлган асосга қаратилган ҳаракат. Лукрецийнинг назарияси мохиятан содда бўлса-да, табиатшунослиқка улкан таъсир кўрсатган.


АНТИК ФАЛСАФА -
қадимги юнон ва лотин-рим фалсафаси
(эр.аввал VI аср – эрамизнинг VI аср боши)
Ривожланиш даврлари
Сукротгача фалсафа:
Асосий хусусияти:
натуралистик фалсафа.
Асосий масалалари:
Фюзис (табиат);
Классик давр:
Асосий хусусияти:
гуманизм.
Асосий масалалари:
инсон;
билиш.
Юқори классика:
Асосий хусусияти:
фалсафий билимлар синтези, фанлар таснифи
Асосий масалалари:
борлиқ, инсон, руҳ, тафаккур, давлат, аҳлоқ.
Эллинизм ва Қадимги Рим фалсафаси
Асосий хусусияти:
гуманизм, онтологизм.
Асосий масалалари:
борлиқ, аҳлоқ ва инсон эркинлиги, билиш.
Фалсафий мактаблар, таълимотлар
Милет мактаби
вакиллари:
Фалес, Анаксимандр, Анаксимен
Элей мактаби
вакиллари:
Ксенофан, Парменид, Зенон, Мелисс
Пифагор мактаби
вакиллари:
Пифагор, Филолай, Ксенофил, Архит Таренский
Диалектика
вакили:
Гераклит
Атомизм
вакиллари:
Левкипп, Демокрит
1. Сократ
унинг мактаблари:
Мегар мактаби
вакиллари:
Мегарлик Евклид, Милетлик Евбулид, Стилпон, Диодор Крон.
Элид-эритрей мактаби вакиллари:
Элидлик Федон, Эритрейлик Менедем, Эритрейлик Асклепиот.
Киниклар мактаби
вакиллари:
Антисфен, Синоплик Диоген, Кратет.
Кирен мактаби
вакиллари:
Аристипп, Феодор, Гегезий, Анникерид.
2. Софистика
вакиллари:
Протагор, Горгий, Гиппий, Ликофрон ва б.
Платон
Аристотел
1. Неоплатонизм
вакиллари:
Плотин, Порфирий, Ямвлих, Прокл.
2. Эпикуризм вакиллари:
Эпикур, Тит Лукреций Кар
3. Скептицизм
вакиллари:
Пиррон, Секст Эмпирик.
4. Перипатетизм
вакиллари:
Теофраст, Евдем Родосский, Андроник Родосский, Александр Афродезийский
5. Стоицизм
вакиллари:
Кипийлик Зенон, Сенека, Марк Аврелий
6. Эклектизм
вакиллари:
Панэций, Антиох, Марк Туллий Цецерон, Марк Теренций, Варрон

2-савол баёни:Рим империяси даври ва ўрта асрларда Европа фалсафаси. Европада қадимги Юнон ва Рим давридан ўрта асрлар фалсафасигача, яъни милоддан илгариги 1 асрдан милоднинг X1V асригача, бир ярим минг йил давомида бир қанча оқимлар пайдо бўлди ва амал қилди. Бу давр фалсафасида икки хил жараённи кўриш мумкин: 1. Хиристианликнинг шаклланиб давлат дини ва мафкурасига айланиши; 2. Ўрта асрларга келиб инквизициянинг устивор йўналишга айланиши. Гностика, апологетика, патристика, реализм, номинализм ва бошқа оқимлар ўша давр фалсафасининг қиёфасини белгилайди.

Гностиклар. Бу давр фалсафасида ўз ўрнига эга бўлган гностицизм эрамизнинг 150 йилларида ўзининг юксак равнақига эришади. Улар шундай фалсафий таълимот яратдиларки, уларнинг фикрича Худо руҳ сифатида ёвузликда мутлақо соф, инсон эса ўз табиатинниг руҳий жиҳати билан худога мослашган. Бу масалада гностицизм файласуфлари христианликни юнон фалсафаси билан бирлаштиришга ҳаракат қилдилар. Агар бу уринишда гностицизм қалаба қилса, христианлик қадимги дунёнинг навбатдаги фалсафий дини бўлиб қолар эди ва шундай бўлди ҳам. 354 йилда Помпей собори христианликни Рим империясининг асосий дини деб эълон қилди.

Дуализм — гностицизмнинг асосий йўналиши, бу оқим тарафдорлари моддий ва руҳий дунё ўртасида мустахкам чегара мавжуд деб таъкидлайдилар. Улар таълимотида материя ҳамма вақт ёвузлик тимсолидир. Бундан улар худо хеч маҳал моддий дунёни яратиши мумкин эмас, деб ҳисоблайдилар. Гностиклар томонидан эълон қилинган дарвешлик (аскетизм) ўрта асрларда монахчиликнинг вужудга келишига сабаб бўлди.

Апологетлар христианлик тарихида 1 ва III асрларда вужудга келди. Апологетика сўзининг луқавий маъноси «ҳимоя қилиш», — демакдир. Апологетлар хукуматнинг христианликка бўлган душманлигини бартараф қилишга, Рим давлатининг христианликни таъқиб қилиши хеч қандай оқлашга лойиқ эмаслигини исботлашга ҳаракат қилганлар, ўз асарларида мушриклик (кўп худолик) адабиётларидан олинган бахслашиш (диалог) шаклидан, ёки апологетиканинг мумтоз шаклидан фойдаланганлар. Апологетлар асарларида икки анъана яққол сезилиб туради. Яъни инкор қилиш ва тасдиқлаш. Улар энг аввал мушриклар томонидан христианликка қўйилган айблар — ғайриодатий ҳаракатлар, дабдабабозлик кабиларни инкор қилганлар. Христианликнинг софлигини эса тасдиқлаганлар. Бу соҳада Юстиннинг «Биринчи апологея», «Иккинчи апологея» асарларини, Тулеан ва Анаксагор каби файласуфлар фаолиятини таъкидлаш лозим.

«Патристика» - сўзи «ота» («падре») сўзидан келиб чиққан. Бу ном билан одатда Ғарбда епископларни уларга ҳурмат сифатида атаганлар. Машҳур бўлган черков оталаридан бири Иоан Златоуст (347-407) эди. Унинг 640та даъватларидан кўпчилиги авлиё Павел номаларининг шархи эди. Унинг асарларида инжилни амалий қўллаш соф ахлоқий масалалар билан қоришиб кетган.

Ғарбда энг йирик черков оталаридан бири «Пок» деган унвонга сазовор бўлган Аврелий Августин (354-430) бўлиб ҳисобланади. У файласуф ва ислохиётчи бўлган. Августин ўз ҳаётини епископликка, тадқиқотчиликка, адабиётга бақишлайди. У 100 га яқин китоб, 500 та даъват ва 200 га яқин номалар ёзади. Унинг ўша даврдаги энг машҳур асарларидан бири «Сиғиниш» 401 йилда ёзилган. Бу асарда у ўзининг христианликкача бўлган ҳаётини ёзади. Унда Таврот оятлари рамзий — тимсолий баён қилинади. У мушриклик фалсафасини қоралайди. Унингча, бу фалсафа инсонни христиан диничалик хеч маҳал хақиқатга олиб келмайди. Августин бахс шаклида бошқа (диалог) фалсафий асарлар ҳам ёзган.

«Схоластика»- сўзи юнонча «школа»дан («shola») олинган бўлиб, «ўқиш жойи»,»мактаб» маъноларини англатади. Буюк Карл саройида ўқитувчилик қилганларни, ёки умуман сарой мактабидаги ўқитувчиларни схоластлар деб атаганлар. Шунингдек, динни ўрганишда фалсафани татбиқ қилган ўрта аср олимларини ҳам схоластлар деб атаганлар. Схоластикани маълум даражада илохиётни ақлга мослаштириш, динни тафаккур ёрдамида қувватлашга бўлган интилиш деб ҳам баҳолаш мумкин. ўша даврда илохиётни муқаддас китоблар ақидалари асосида эмас, балки фалсафий нуқтаи назардан тадқиқ қилиш тоқозо қилинарди. Схоластларнинг мақсади эътиқод ақлга мувофиқми деган саволга жавоб бериш бўлган.

Реализм. Унинг йирик вакилларидан бири Ангельм Кеттерберий (1038-1109) дир. У Шимолий Италияда туқилган, 1093 йилда Кеттерберий шахрининг архиепископи этиб

тайинланади. Ангельм ўзининг икки асари билан машҳур. Биринчиси «Монополия» — худонинг борлигини сабаб оқибат муносабатлари тизимида исбот қилиш. Бу исбот — космологик исботнинг шакли сифатида шундай талқин қилинади: инсон ҳаётда кўп неъматлардан фойдаланади. Бу неъматлар эса энг олий илохий неъматларнинг аксидир. Улар орқали ҳамма нарсалар мавжуддир. Узлуксиз таназзулни тасаввур қилиб бўлмагани сабабли, ҳамма нарсанинг бир сабабчиси бўлиши керакки, биз уни худо деб атаймиз.

Ангельмнинг иккинчи асари «Прологион» худо борлигининг дедуктив исботидир. Унинг таъкидлашича, ҳар бир одам учун олий ва комил мохият хақида қоя мавжуддир. Бу қоя эса объектив мавжудликка эга бўлган реалликка мос келади. Чунки агар борлиқ мавжуд бўлмаганда эди, нарса комил бўлмас эди. Агар худодан юқорироқ олий нарсани тасаввур қилиш мумкин эмас экан, демак, худо реалликда мавжуддир.

Арасту таълимотининг кўп томонларини қабул қилган ўрта аср схоластлари мўътадил реалистлар деб аталганлар. Уларнинг йирик вакиллари Пьер Абеляр ва Аквиниялик Фом лар бўлган. Британияда туғилган П. Абеляр (1079-1142) жуда ёшлигиданоқ ўз билими билан машҳур эди. Абеляр — мўътадил реалистдир. Унинг таъкидлашича, реаллик ёки универсалий дастлаб худо ақлида мавжуддир, ундан кейин нарсаларнинг ўзида мавжуддир ва ниҳоят, одамларнинг онгида мавжуддир. Абеляр «Мен эътиқод қилиш учун биламан» деган қояни илгари сурган. Яъни билмайдиган, билимсиз кишидан кўра, дин ва унинг асосий тамойилларини яхши ўрганган киши абзал. Бундай киши ақидапараст эмас, балки ўзи билган нарсанинг қадрини биладиган инсондир.

Абеляр хақиқатни топишда тафаккурнинг хизматини таъкидлаб, унга ҳамма вақт мурожаат қилади. Унинг таъкидлашича, шубха ҳамма вақт тадқиқотга йўллайди, тадқиқот эса хақиқатни топади. Унинг фикрича, инсоннинг ўлими худони рози қилиш учун эмас, балки одамларни худога бўлган мухаббат билан таажжубга солиш ва одамларга ахлоқий таъсир кўрсатиш мақсадида содир бўлади. Бу билан одамлар ўз ҳаётини худога бўйсўндирадилар. Бу қараш ахлоқий таъсир қилиш назарияси деб аталади.

Аквиниялик Фома (1224-1292) мўътадил реализмнинг яна бир йирик вакили бўлиб ҳисобланади. Фома ўша давр учун Арасту натур фалсафасини илохиёт билан бирлаштиришга ҳаракат қилган. Бунда у мўътадил реализм позициясида турган ва схоластиканинг энг йирик намояндаси бўлган. Унинг фикрича, натурал фалсафада тафаккур ва Арасту мантиқий таълимоти ёрдамида худо мавжудлиги хақидаги хақиқатга эришиши мумкин.

Фоманинг «Илохий суммалар» асари 3000 мақоладан иборат бўлиб, 600 масалани ёритишга бақишланган. У илохиётнинг системали баён қилиниши вазифасини бажаради. «Илохий суммалар»нинг биринчи қисми худонинг мавжудлиги ва борлиқи масаласида бахс юритади. Иккинчи қисми «худога қараб ҳаракат» хақида хикоя қилади. Фома таълимотидан кейинчалик «томизм» оқими шаклланди ва у «неотомизм» тарзида Ғарбда хозир ҳам сақланиб қолган.

Ўша даврнинг машҳур файласуфларидан бири Вильям Оккамдир (1309-1349). Унинг фикрича, илохиёт ақидалари рационал (ақл) йўл билан исботланиши мумкин эмас. Улар фақат Таврот нуфузи туфайлигина қабул қилиниши мумкин. Бу қараш эътиқод ва тафаккурни бир-биридан ажратарди, уларни омухта қилишни қораларди. Оккам, шунингдек, универсалийларнинг объектив мавжудлигини инкор қилади. Унингча, универсалийлар тафаккур тушунчалари учун фақат исмдирлар. Бу тушунчаларни одам ўз онгида яратган. Унингча, алохида одам инсонга нисбатан реалроқ ва муҳимроқдир.

Роджер Бэкон (1214-1292) ҳам Оккам мансуб бўлган оқим вакилларидандир. У ўз ҳаётини илмий тажрибаларга бақишлаган. Улар ёрдамида у тажрибавий фанга асос солди. Бундай методни XYII асрда Френсис Бэкон ишлаб чиқди. Ҳақиқатни топишда табиатни тажрибавий ўрганиш методини қўллаш номиналистлар қарашларига тўлиқ мос келарди. Номиналистлар ва реалистлар ўртасидаги қарама-қаршилик ўрта аср схоластикасининг муҳим муаммоларидан бири эди. Бутун ўрта асрларда схоластиканинг бу икки оқими ўртасида кураш кетган. Схоластиканинг авжга чиққан даври — 1150 ва 1300 йилларда — Фома Аквинийскийнинг мўътадил реализми номинализм устидан қалаба қозонди. Лекин 1300 йилдан кейин черков илохиётчилари тафаккурида номинализм юқори мавқени эгаллай бошлади. Бу кўп жиҳатдан уйғониш даври

фалсафасига таъсир кўрсатди. Шунингдек, хақиқатга эришишнинг тажрибавий методини (рационализм) вужудга келишида катта хизмат қилди.

Европа фалсафасининг ривожида университетлар муҳим ўрин тутади. Улар билим ва маърифатнинг ўчоқи сифатида 1200 йилларда вужудга келди. 1400 йилларга келиб, Европада 23 та университет мавжуд бўлган. Университет дастурининг жуда катта қисмини схоластика билан шуқулланиш ташкил этар эди. Университетларнинг вужудга келишининг сабаби машҳур олимларнинг фаолиятидир. XII асрда Итерий Рим ҳуқуқининг буюк тадқиқотчиси сифатида машҳур бўлади ва талабалар уни эшитиш учун Болонья шахрига оқиб кела бошлайдилар. Натижада Болонья шахри университети муваффақиятли фаолият кўрсата бошлайди. Абелярнинг ўқитувчи сифатидаги шухрати кўп жиҳатдан Париж университетининг вужудга келишига сабаб бўлди. Университетлар, шунингдек, талабаларнинг чиқишлари натижасида ҳам вужудга келган. Масалан, XII асрда Англия ва Франция қироллари орасидаги низо оқибатида, Англия талабаларига яхши муносабат билдирилмаганлиги уларнинг Париждан Англиянинг Оксфорд шахрига кўчиб ўтишларига сабаб бўлди. Бунинг натижасида машҳур Оксфорд университети ташкил топди. Кембридж университети эса Оксфорд университети талабаларининг қўзқолон кўтариши ва 1209 йилда уларнинг Оксфорддан Кембриджга кўчиб ўтишлари натижасида вужудга келди.

Университетлар қадимги Юнонистон ва Римда, шу билан бирга бизнинг мамлакатимизда ҳам машҳур бўлган устоз ва шогирдлар тўпланиб илм ўрганадиган, ўргатиладиган ва илмий бахслар олиб бориладиган мактаблар тарзида шаклланган бўлсалар-да, аммо фан соҳаларининг кўплиги туфайли алохида илм ўчоқига айланиб қолдилар. Уларнинг тажрибаси кейинроқ бутун дунёга тарқалиб кетди.

3-савол баёни: **Ренессанс даври** инсоният тарихида юз берган энг буюк илғор тараққиёт даврларидан бири эди. Ғарб Уйғониш даврида ҳаётнинг ҳамма тармоғида муҳим, илғор, ҳатто айтиш мумкинки, инқилобий ўзгаришлар юз бераётган эди.

Уйғониш даврида Европада фалсафанинг ривожланишига катта ҳисса қўшганлардан бири **Николай Кузанский**дир (1401-1464). Кузанский таълимотича, худо ҳамма нарсаларда мавжуд, шунингдек, ҳамма нарсалар худода мавжуд. Энг олий ҳақиқатларни билиш, схоластик фикрлаш билан эмас, балки, тажриба асосида амалга ошади.

У худони борлиқнинг олий ва ягона асоси деб ҳисоблайди. Бу масалада Кузанский шундай муҳим космологик фикрларни баён қиладики, ҳатто маълум даражада уни Коперник ва Бруноларнинг ўтмишдоши деб ҳисоблаш мумкин. Иккинчи масала эса билиш назариясига нисбатан унинг бутунлай янгича ёндошишидир. Ушбу масалалар бўйича Кузанский томонидан илгари сурилган ғоялар айрим ҳолларда XVIII аср охири ва XIX аср бошидаги немис философлари томонидан баён қилинган фикрларнинг дебочаси эди.

Фалсафа ва фан ривожланишига энг катта ҳисса қўшган Уйғониш даврининг мутафаккирларидан бири поляк олими **Николай Коперник**дир (1473-1543). Маълумки, фан тарихида Коперник ўзининг фанда туб ўзгариш ясаган гелиоцентрик таълимоти билан машҳур бўлган. Унинг таълимотича, инсонлар томонидан кузатиладиган қуёш ва юлдузларнинг ҳаракатлари аслида Ернинг ўз ўқи атрофида кундалик айланишидан ва Қуёш атрофида йиллик айланишидан иборат. Бизнинг планетамизнинг маркази Ер эмас, Қуёшдир. Коперникнинг буюк кашфиёти дунёга теологик қарашга зарба бериб, табиатшуносликда тўнтариш ясади. Бу кашфиёт Библиянинг дунё тузилиши ҳақидаги ва ўзгармас деб танилган таълимотига зарба берди. Агар ер оламнинг маркази эмас, балки Қуёш атрофида айланувчи планеталарнинг бири бўлса, унда дунёни, коинотни мақсадга мувофиқ худо томонидан одамлар учун яратилганлиги ҳақидаги талимот асоссиз бўлиб қоларди.

Коперникнинг гелиоцентрик назариясидан чуқур илмий хулосалар чиқарган мутафаккирлардан бири италиялик **Жордано Бруно**дир (1548-1600). У Неапол яқинида туғилган. Ўзининг илғор фикрлари учун Бруно даҳрийликда айбланади ва черковдан ҳайдалади. Италиядан қочишга мажбур бўлади. Узоқ вақт Швейцария, Франция, Англия ва Германияда қувғинда юради. 1592 йилда Бруно Италияга қайтиб келади, лекин черков

инквизицияси томонидан ушланиб турмага солинади. Қийноқларга қарамасдан, у ўзининг таълимотидан воз кечмайди, натижада қатл этишга ҳукм қилинади, 1660 йил 17 февралда Римда Гуллар майдонида ёқиб ўлдирилади.

Бруно гелиоцентрик назарияни ҳимоя қилиш ва тарғиб қилиш билан чекланиб қолмайди. У табиатшунослик тажрибаларини ҳисобга олиб, бир неча муҳим назарий хулосалар қилдики, улар философияни яна ҳам бойитдилар. Бруно таълимотича, ҳақиқий философия илмий тажрибага суяниши керак, схоластикани тугатиш керак. унинг таълмотича, коинот ягона, моддий, чексиз ва абадий. Жуда кўп дунёлар бизнинг қуёш системасидан ташқарида мавжуддир. Биз кўриб турган нарсалар коинотининг энг кичик бир қисмидир. Юлдузлар — бу бошқа планета системаларининг қуёши. Ер — чексиз дунёнинг кичик бир зарраси. Демак, Бруно табиий — илмий қарашларида Коперникдан илгарилаб кетиб, коинотнинг чексизлиги ҳақидаги фикрни айтади, Коперник эса коинотни чекли деб ҳисоблаган эди. Бруно Коперник таълимотини Қуёш системасининг тузилиши ҳақидаги янги қарашлар билан бойитди.

Уйғониш даврининг натижаси сифатида намоён бўлган Ғарбий Европа мамлакатларидаги туб ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар Нидерландияда XYI асрнинг 60-70 йилларида, Англияда XYII асрнинг 40-50 - йилларида бўлиб ўтди. Бу даврга келиб, Европада алоҳида миллатларнинг шаклланиши юз берди, миллий давлатлар пайдо бўлди. Энди монархия тузуми жамиятнинг илғор табақалари назарида фақат тарихан ўз умрини ўтаб қолмасдан, балки ғайритабиий, ғайриақлий бўлиб кўрина бошлади. Ўша даврнинг идеологлари илгари тан олинмаган инсоннинг табиий ҳуқуқлари масаласини ўртага қўйдилар. Улар ижтимоий тартиблар инсон табиатига мос келишини талаб қила бошладилар. Бор-йўғи 50-60 йил илгари инквизиторлар Жордано Брунони ёқиб юборганларида лом-мим демаган Европа, энди ўзининг ҳаётида марказий ўринни инсон ҳуқуқлари эгаллаши кераклигини ҳис эта бошлади. Ҳатто худонинг номидан бўлса-да, инсон умрига зомин бўлишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқлиги, одамзоднинг яшаш, фикр юритиш эркинлигининг табиийлиги англаб олина бошланди. Албатта, бунгача инкивизиция бир неча асрлар бу ҳудудни ақидапарастлик чангалида ушлаб турган, не-не ақлли кишиларни ўз домига тортиб улгурган эди.



Европада Рим империясидан кейин бир неча асрлар ўтиб, айнан ана шу даврда илгариги, бутун минтақа ҳаёти учун христианлик ва унинг хилма-хил оқимлари умумий мафкура ролини ўтаб келган давр тугади. Энди диний оқимлараро кураш, христианликнинг софлигини сақлашга уринишнинг мутлақлаштирилиши натижасида вужудга келган инквизиция ҳам ўз даврини ўтаб бўлди. Бутун Европани бошқариб келган қон-қардош ва бир-бирига душман

қироллар даври ҳам ўтмишга айлана бошлади. **Европа уйғонди ва янги давр бошланди.** Илм-фан соҳасида чуқур ўзгаришлар рўй берди. Одамларнинг дунёқараши кескин ўзгара бошлади. Эндиликда миллий давлатларнинг ҳар бири учун муҳим бўлган мафкуранинг шаклланиши заруриятга айланиб қолди. Албатта бунда биз санаб ўтган омиллар, яъни қироллик анъаналари, христианлик ва унинг оқимлари таъсири, умумевропага хос хусусиятлар, Рим империяси даврида бир оила бўлиб яшаган халқлар ўртасидаги ҳудудий ва маънавий яқинлик ўз таъсирини ўтказди. Аммо, асосийси, бу даврда миллий ғоялар тўла-тўкис амалга ошиши учун ижтимоий шароит етилди, италия, инглиз, француз ва бошқа халқлар ўз давлатчилик анъаналарини тўла-тўкис тикладилар. Бу давлатларда шаклланган фалсафий мактаблар фақат миллий қобиққа ўралиб қолмадилар, балки умумевропа ва бутун жаҳон тараққиётининг умумбашарий муаммоларини фалсафий жиҳатдан изоҳлаш, илмий ўрганиш ва асослашга ҳаракат қила бошладилар. Ушбу давр фалсафаси ҳам олдингига нисбатан катта қадам ташлади. Фанда қўлга киритилган ютуқларнинг фалсафий изоҳланиши, кашф этилаётган илмий усул ва услубларнинг фалсафага тадбиқ этилиши, фалсафий қонунларни фаннинг турли соҳаларида синаб кўрилиши ўша давр файласуфлари учун одатий ҳолга айланди. Бу тамойиллар эса миллий чегараларни билмайдиган, умуминсоний қадриятлар хусусиятига эгадир.

4 – савол баёни: Янги давр фалсафасининг табиий-илмий асослари. XVII асрдан бошлаб табиатшунослик жадал суръатларда ривожланади. Денгизларда кемаларнинг юришига эҳтиёжнинг ортиши астрономиянинг ривожланишини, шаҳарсозлик, кемасозлик, ҳарбий иш – математика ва механиканинг ривожланишини белгилайди. Янги фан аввало моддий ишлаб чиқариш амалиётига: тўқимачилик саноатида машиналар ихтиро қилинишига, кўмир ва металлургия саноатида ишлаб чиқариш қурилларининг такомиллашувига таянади. Э.Торричелли ҳаво босими мавжудлигини экспериментал йўл билан аниқлади, симобли барометр ва ҳаво насосини ихтиро қилди. И.Ньютон механиканинг асосий қонунларини, шу жумладан бутун олам тортишиш қонунини таърифлади. Р.Бойл кимёда механикани қўллади ва кимёвий элемент тушунчасини ишлаб чиқди. Инглиз физиги У.Гилберт магнит хоссаларини ва унинг амалда қўлланилишини ўрганди. В.Гарвей қон айланишини кашф этди ва унинг ролини эмпирик усулда тадқиқ этди. Р.Декарт ва Г.Лейбнитс математика, механика, физика ва физиологиянинг ривожланишига улкан ҳисса қўшди. Ижтимоий фанларда табиий ҳуқуқ назарияси ишлаб чиқилди (Англияда Т.Гоббс, Голландияда Г.Гротсий). Шарқда эса фан ва фалсафа соҳасида деярли янгиланиш бўлмади.

Фаннинг бундай ривожланиши ўз даврининг фалсафасига ҳам таъсир кўрсатмай қолмади. Фалсафада схоластика ва диндан узил-кесил ажралиш юз берди: диний ақидаларнинг ҳукмронлигига, черковнинг таъсири ва тазйиқига қарши курашда ақлнинг ҳар нарсага қодирлиги ва илмий тадқиқотнинг чексиз имкониятлари ҳақидаги таълимот вужудга келди.

Янги давр фалсафасига аввало табиатшуносликдан келиб чиқадиган кучли материалистик тенденция хос.

XVII асрда Европанинг йирик файласуфлари қаторига Ф.Бекон, Т.Гоббс ва Ж.Локк (Англия), Р.Декарт (Франция), Б.Спиноза (Голландия), Г.Лейбниц (Германия) киради.

Френсис Бекон (– инглиз файласуфи 1561-1626) биринчи ёндашув асосчиси субстансия шаклларининг хусусиятларига тавсиф берган ва субстансияни муайян нарсалар шакли билан айнийлаштирган. Унинг фикрича, материя сариқлик, мовийлик, қорамтирлик, илиқлик, оғирлик ва бошқа шунга ўхшаш хоссаларга эга. Булар материянинг энг содда хусусиятларидир. Бу хоссаларнинг турли бирикмаларидан табиатнинг ранг-баранг нарсалари вужудга келади.

Бекон фикрига кўра, ҳаракат – материянинг туғма хоссаси. Материя қандай абадий бўлса, ҳаракат ҳам шундай абадийдир. У ҳаракатнинг табиатдаги 19 турини қайд этган: тебраниш, қаршилик, инерсия, интилиш, кучланиш, ҳаёт руҳи, азобланиш ва б. Бу шакллар амалда ўша даврда фанда айниқса мукаммал ўрганилган материя ҳаракати механик

шаклларининг хусусиятлари бўлган. Айни вақтда Ф.Бекон моддий дунёнинг кўп сифатлилигини ўрганиш ва тушунтиришга ҳаракат қилган.

Ф.Бекон билишнинг эмпирик методи асосчиси ҳамдир. У тажрибага асосланган фанлар, кузатиш ва экспериментга алоҳида эътибор берган. Билимлар манбаи ва уларнинг ҳақиқийлиги мезонларини тажрибада кўрган. Билишга ташқи дунёнинг инсон онгидаги инъикоси сифатида ёндашар экан, у билишда тажриба ҳал қилувчи рол ўйнашини қайд этган. Аммо файласуф билишда ақлнинг ролини ҳам инкор этмаган.

Томас Гоббс (инглиз файласуфи 1588-1679) томонидан Ф.Беконнинг материалистик қарашлари тизимга солинган ва ривожлантирилган. Гоббс материяга бирдан-бир субстанцсия сифатида ёндашган, барча ҳодисалар, нарсалар, жараёнларни бу субстанциянинг намоён бўлиш шакллари деб ҳисоблаган. Материя – абадий, жисмлар ва ҳодисалар – ўткинчи: улар вужудга келади ва йўқ бўлади. Фикрлашни материядан ажратиб бўлмайди, зеро материянинг ўзигина фикрлайди. Жисмсиз тана бўлмаганидек, жисмсиз субстанция ҳам бўлиши мумкин эмас.

Т.Гоббс ўзининг дунё ҳақидаги фалсафий қарашларида деист сифатида иш кўради. Аммо унинг асарларида атеистик хусусиятга эга бўлган фикрларга ҳам дуч келиш мумкин. Масалан, у Худо – инсон тасаввурининг маҳсули, деган фикрни илгари суради. «Табиий ва сиёсий қонунларнинг элементлари» асарида, «Фалсафа асослари» трилогияси («Жисм ҳақида», «Инсон ҳақида», «Фуқаро ҳақида»)да, шунингдек «Левиафан» асарида Гоббс табиий алоқалар ва қонуниятлар ролини такрор қайд этади. Бироқ, Т.Гоббс Худони одамлар ҳаётидан бутунлай чиқармайди: унинг фикрича, Худо «ҳамма нарсани кўргувчи ва ҳамма нарсани бошқарувчи», «у барча сабабларнинг биринчиси»дир. Гоббс Худо воқеаларнинг табиий оқимига аралашмаслигини қайд этади.

Ф.Бекон каби Т.Гоббс ҳам гносеологияда асосан эмпирик ва сенсуалист бўлган (ҳиссий билишни билишнинг асосий шакли деб ҳисоблаган). Инсонга моддий жисм таъсири натижасида вужудга келган сезгини у билишнинг биринчи босқичи деб ҳисоблаган. Фикрлашни у тушунчаларни қўшиш ёки айириш деб ҳисоблаган, унга ўз математик методини тўла татбиқ этган.

Рене Декарт (француз файласуфи ва математиги 1596-1650) субстанциянинг беконча ва гоббсча монистик талқинига ўзининг дунёнинг дуалистик талқинини қарши қўяди.

Декарт бир-бирига боғлиқ бўлмаган икки биринчи асос: номоддий ёки «фикрловчи» субстанция ва моддий ёки «кўламли субстанция» мавжудлигини тахмин қилади. Бу икки субстанция параллел мавжуддир. Уларни ўрганиш билан метафизика ва физика шуғулланади. Метафизика аввало маънавий субстанцияни, у билан боғлиқ бўлган билиш ва борлиқ тамойилларини ўрганади. Физика табиат фалсафасини тадқиқ этади. У дунёнинг вужудга келиши, ерда ҳаётнинг ривожланиши (табиат қонунларига мувофиқ) ҳақидаги таълимотни ўз ичига олади, ҳайвонлар ва инсон танасининг тузилишини механика қонунларига бўйсинувчи мураккаб машиналар сифатида ўрганади (Р.Декарт асарларидан бири «Ҳайвон – машина» деб аталади).

Р. Декартнинг билиш ҳақидаги таълимоти ҳам диққатга сазовор. Р.Декарт ўзининг «Метод ҳақида мулоҳазалар» асарида билимлар манбаи ва уларнинг ҳақиқийлиги мезонини ташқи дунёдан эмас, балки инсон ақлидан қидириш лозим, деган хулосага келади. Унинг фикрича, интеллектуал интуиция ёки соф мушоҳада – билишнинг таянч нуқтаси. Барча ғояларни Декарт икки гуруҳга ажратади: сезгилар таъсирида туғилган ғоялар ва туғма ғоялар. Туғма ғоялар мутлақо ишончлидир. Уларнинг қаторига Декарт Худо ғояси, математик аксиомалар ва шу кабиларни киритади. Масалан, барча мавжуд нарсаларга шубҳа билан қараш кашфиётга йўл очувчи мутлақо ишончли асос, метод ёки восита ҳисобланади. Айни шу сабабли Декарт ҳиссий нарсалар, математик ҳақиқатлар ва ҳатто «ҳамма нарсага қодир Худо»нинг мавжудлигига шубҳа билан қарайди. Аммо, ҳамма нарсага шубҳа қилган ва ҳамма нарсани инкор этган ҳолда, у шубҳаланувчи фикрнинг мавжудлигига шубҳа қилмаслик керак,

деган хулосага келади. Шу тариқа у фикрлаш бирдан-бир ишончли далилдир, деб хулоса чиқаради: «Мен фикрлаяпман, демак, яшаяпман».

Бенедикт (Барух) Спиноза (голландиялик файласуф 1632-1677) Р.Декартнинг субстанция ҳақидаги дуалистик таълимотига зид ўлароқ, дунё ҳақидаги монистик таълимотни яратди. Унинг монизми пантеизм кўринишида намоён бўлади: ўз онтологиясида Спиноза Худо ва табиатни айнийлаштиради, бунда Худо яратувчи табиат ва яратилган табиат сифатида амал қилади. Айни вақтда Б.Спиноза биргина моддий субстансия мавжуд бўлиб, унинг асосий атрибутлари кўламлилик ва фикрлашдир, деган фикрни илгари суради. Шундай қилиб, бутун табиат у Худо бўлгани учунгина эмас, балки унга фикрлаш хос бўлгани учун ҳам жонли ҳисобланади. Спиноза бутун табиатни жонлантириб, шу тариқа гилозоист-файласуф сифатида ҳам намоён бўлади.

У моддий субстанция атрибутлари ҳам материя каби абадий: улар ҳеч қачон вужудга келмайди ва йўқ бўлмайди деб ҳисоблаган. Файласуф субстанциянинг конкрет ҳолатлари – модусларга кўп эътибор беради. У модусларни икки гуруҳга ажратади: абадий, чексиз модуслар ва муваққат, чекли модуслар. Чексиз модуслар субстанция атрибутлари – фикрлаш ва кўламлилик билан, чекли модуслар эса - қолган барча нарсалар ва ҳодисалар билан белгиланади.

Айни замонда Спиноза – изчил детерминист. У ҳодисаларнинг юз бериши, мавжудлиги ва йўқ бўлиши замирида объектив сабаблар ётади, деб ҳисоблаган. Унинг фикрича, сабабият икки хил: ички (имманент) ва ташқи (механик) бўлади. Ички сабабият субстанцияга, ташқи сабабият – модусларга хос. Спиноза сабабий боғланишларнигина эмас, балки тасодиф, зарурият ва эркинлик муносабатларини ҳам детерминизм нуқтаи назаридан ўрганади. Ўзининг «Этика» асарида у тасодифни зарурият билан бир қаторда мавжуд бўлган объектив ҳодиса сифатида эътироф этади.

Б.Спиноза билишнинг уч турини фарқлайди: фақат мужмал ва ҳақиқий бўлмаган тасаввурлар берувчи ҳиссий билиш; модуслар ҳақида билим олиш учун имконият яратувчи ақл ёрдамида билиш; билишнинг энг олий шакли – ҳақиқатга йўл очувчи интуиция. Интуитив йўл билан аниқланган ҳақиқатлар (аксиомалар)дан дедуктив йўл билан – математика методлари ёрдамида қолган барча хулосалар чиқарилади.

Готфрид Вилгелм Лейбниц (немис олими ва файласуфи 1646-1716) субстанция тушунчасига фаол куч ёки «ташаббускорлик» тамойилини киритган. Ўзининг «Монадология» асарида у моддий ҳодисаларни бўлинмас, содда маънавий бирликлар – монадаларнинг намоён бўлиши деб эълон қилган. Бўлинмас монада кўламлилик хусусиятига эга эмас ва маконда жойлашмайди, чунки макон чексиз даражада бўлинувчандир. Монада – фаол кучнинг номоддий, маънавий маркази. Монадалар умрбоқий ва йўқ бўлмасдир, улар табиий йўл билан вужудга келиши ёки ҳалок бўлиши мумкин эмас. Улар ташқи таъсир остида ҳам ўзгармайди. Ҳар қандай айрим монада –жон ва тананинг бирлиги. Монада маънавий моҳиятининг ташқи ифодаси сондир.

Лейбниц фалсафасида ратсионализм ва эмпиризмнинг уйғунлиги намоён бўлади. «Инсон ақли ҳақида янги тажрибалар» асарида у Локкнинг илгари сезгиларда мавжуд бўлмаган нарса ақлда мавжуд эмас, ақлнинг ўзи бундан мустасно, деган тезисини танқид қилади. Барча ҳақиқатларни у зарурий ҳақиқатлар (ақл ҳақиқатлари) ва тасодифий ҳақиқатлар (факт ҳақиқатлари)га ажратади. Ақл ҳақиқатлари қаторига Лейбниц субстанция, борлиқ, сабаб, ҳаракат, айният тушунчаларини, мантиқ тамойиллари, математика тамойиллари ва ахлоқий тамойилларни киритади. Унинг фикрича, бу ҳақиқатлар манбаи фақат ақлдир.

Жон Локк (инглиз файласуфи 1632-1704) субстанция тушунчасини таҳлил қилишга нисбатан гносеологик ёндашувга асос солган. У ғоялар ва тушунчаларнинг манбаи ташқи дунё, моддий нарсалардир, деган тезисни исботлашга ҳаракат қилган. Унинг фикрича, моддий жисмларга соф миқдор хусусиятларигина хос. Материя сифат жиҳатидан ранг-баранг эмас: моддий жисмлар бир-биридан катталиги, шакл-шамойили, ҳаракати ва осойишталиги

билангина ажралиб турадиган «бирламчи сифатлар»дир. «Иккиламчи сифатлар» эса - ҳид, овоз, ранг, таъм. Улар нарсалар билан узвий бўлиб туюлади, лекин амалда бундай эмас: нарсаларда бундай сифатлар йўқ. Улар, Локк фикрига кўра, субъектда «бирламчи сифатлар» таъсирида вужудга келади.

Билиш назариясида Ж.Локк инсон онгининг мазмунини ҳиссий тажрибадан келтириб чиқаришга ҳаракат қилган. Локк сенсуализмининг ноизчиллигидан Беркли фойдаланган ва ташқи тажриба омилидан бутунлай воз кечган.

Ижтимоий-сиёсий қарашларига кўра Локк давлатнинг ўзига хос қуйидаги тамойилларини таърифлайди: 1. Ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи тизими; 2. Ҳокимиятнинг ижро этувчи органлари; 3. Иттифоқ федератив ҳокимияти. Ана шу тамойиллар уйғун бўлганида давлатнинг фаолияти самарали амалга ошади.

Жорж Беркли (инглиз файласуфи, епископ ҳар 1685-1753) материализм, атеизм ва деизмга очиқ-ойдин қарши чиққан, ҳар қандай сифатнинг объектив асосини рад этган ва амалда уларни инсон сезгиларига тенглаштирган. Беркли фикрига кўра, амалда аввало «жонлар», уларни яратган Худо, шунингдек Худо одамлар жонига жойлаган «ғоялар» ёки сезгилар мавжуд. Беркли ташқи дунёдаги объективликни субъективлик билан боғлайди: у барча нарсаларни сезгиларнинг «уйғунлиги» да кўради. Беркли учун идрок этиш мумкин бўлган нарсаларгина мавжуд, барча нарсалар Худонинг ақлида зоҳирдир.

Девид Юм (инглиз файласуфи 1711-1776) ҳам, Ж.Беркли каби, субстанциянинг материалистик талқинига қарши чиқиб, онтология муаммоларини ечишга ҳаракат қилган. У моддий ва маънавий субстансиянинг амалда мавжудлигини инкор этган, лекин субстанция «ғояси» мавжуд, деб ҳисоблаган. *Субстанция «ғояси» деганда у илмий билимга эмас, балки оддий билимга хос бўлган инсон «идроклари мажмуи»ни тушунган.*

Хуллас, янги давр фалсафаси билиш назарияси (гносеология)нинг ривожланишида улкан қадам ташлади. Фалсафа илмий методи, инсоннинг ташқи дунёни билиш методологияси, ташқи ва ички тажриба алоқалари бош муаммоларга айланди. Олинаётган барча билимлар тизимининг ўзаги ҳисобланган ҳаққоний билимни олиш вазифаси қўйилди. Бу вазифани ҳал қилишнинг турли йўлларини танлаш гносеологиянинг икки асосий йўналиши – эмпиризм ва рационализм пайдо бўлишини белгилади.

XVIII аср Европа фалсафасининг маърифий хусусияти. Европада XVIII аср фалсафаси XVII аср ғояларини давом эттиради ва ривожлантиради. Бу даврда фалсафий тафаккур фан ва ижтимоий амалиёт соҳасида эришилган ютуқларни умумлаштиради. Фалсафий ғоялар янада кенгроқ тарғиб қилинади, чунки XVII асрда фалсафий асарлар фақат лотин тилида ёзилган ва улар билан танишиш имкониятига эга кишилар доираси анча тор бўлган; XVIII асрда файласуфларнинг асарлари улар қайси мамлакатда яшаса, шу мамлакат тилида ёзилган ва нашр этилган.

XVIII аср фалсафасида табиат ҳодисаларини тушунтиришга нисбатан қарашларда материализм сезиларли даражада ривожланади. Француз материализми тарихий аҳамият касб этади: у ўрта асрлар схоластикасига қарши чиқибгина қолмасдан, балки ўз дунёқараши ва дунёвий манфаатларини ҳам асослашга ҳаракат қилади.

Шуни қайд этиш лозимки, XVIII аср фалсафаси аввало маърифат фалсафаси сифатида ривожланган; қомуслар ва луғатлар, памфлетлар ва бошқа нашрларда илмий ва фалсафий ғоялар кенг оммага тушунарли тарзда атрофлича баён этилган.

Маърифат даври фалсафасига **П.Гассенди** (1592-1655) асарлари, унинг атомистик материализми, эпикур ғоялари, этикаси, схоластиканинг танқиди, Р.Декарт, П.Бейл (1647-1706) асарларидаги диний догматизмнинг танқиди замин яратди.

XVII-XVIII асрлар европа фалсафасига инглиз маърифатчилари Ж.Локк ва Д.Юм, XVII аср немис маърифатчиси Г.Лейбниц, шунингдек буюк олим И.Ньютон фалсафаси ҳам кучли таъсир кўрсатди. *XVIII аср Маърифат фалсафасида икки йўналиш: Вольтер, Руссо, Волф, Монтескье ва бошқаларнинг деистик материализми ҳамда Меле, Дидро, Гольбах, Гелвеций,*

Ламетри каби олимларнинг асарларида Ньютон, Галилей, Декартнинг материалистик табиатшунослиги негизида деизм назарий асосларининг танқиди фарқланади.

Франсуа Мари (Аруе) Вольтер (1694-1778) француз маърифатчиларининг атоқли намояндаси фалсафа тарихи бўйича оташин публицист, Ньютон физикаси ва механикаси ҳамда Англиядаги конституциявий тартиб ва муассасаларнинг тарғиботчиси, черков, иезуитлар, инквизиция тажовузларидан шахс эркинлигининг ҳимоячиси сифатида ўрин олди. Унинг «Кандид», «Орлеан қизи» асарлари, «Фалсафий луғат», «Энциклопедия»даги мақолалари бутун Европада кенг тарқалди.

Жан Жак Руссо (1712-1778) европа инқилобий мафкурасининг вужудга келишига машҳур «Ижтимоий шартнома» асари билан улкан таъсир кўрсатди. Эркинлик ҳамда ҳуқуқларнинг сўзсиз тенглигига асосланган фуқаролик жамиятининг назарий асоси ҳисобланган бу асар Буюк француз инқилоби даврида якобинчилар учун ўзига хос дастуриламал бўлиб хизмат қилди.

Шарл Луи Монтескье (1689-1755) географик детерминизм асосчиларидан бири жамиятда тартиб ва ахлоқни сақлаш учун зарур бўлган диннинг функционал роли концепциясини ривожлантирди.

XVIII асрнинг иккинчи ярмида маърифатчилик ҳаракати кенг демократик қамров касб кетди. Францияда бош муҳаррири ва ташкилотчиси Д.Дидро бўлган «Энциклопедия» нашри атрофида жипслашган илғор мутафаккирлар, олимлар ва ёзувчилардан иборат «файласуфлар партияси» пайдо бўлгани тўғрисида сўз юритила бошлади. Бу «файласуфлар партияси»да Дидро билан бир қаторда Гелвеций ва Голбах, шунингдек Ламетри етакчи рол ўйнади. Улар материализмнинг файласуфлар ва фалсафий мактабларнинг кейинги авлодларига кучли таъсир кўрсатган анча ривожланган шаклини яратдилар.

Жюлен Офре де Ламетри (1709-1751) ўз даврида катта шов-шувга сабаб бўлган «Инсон – машина» асарининг муаллифи. Моддий дунё «ўз ҳолича мавжуд» эканлигига, унинг боши ҳам, охири ҳам йўқлигига ишончи комил бўлган. Ламетри материализми эпикурнинг атомистик материализми, Спинозанинг материалистик таълимоти ва Локк сенсуализми таъсирида вужудга келган. Ламетри жонни ақл фаолияти функсияси ва кўриниши деб ҳисоблаган ҳамда Декартнинг умрбоқий номоддий жон ҳақидаги ғояси асоссиз эканлигини исботлашга ҳаракат қилган.

Пол Генрих Дитрих Гольбах (1723-1789) нинг «Табиат тизими» асари «XVIII аср материализми ва атеизми кодекси» деган ном олган. 1770 йилда нашр этилган бу асарда муҳим онтологик муаммолар, чунончи: материя, табиат, ҳаракат, макон, вақт, сабабият, тасодиф, зарурият муаммолари баён этилган. Голбах учун табиат барча нарсалар ва ҳодисалар сабабидир, зеро у Худо туфайли эмас, ўзи туфайли мавжуд. Табиат – ҳаракат сабаби. Голбах ҳаракатни табиат мавжудлигининг зарурий натижаси сифатида тавсифлайди. Табиат деганда у ўз энергияси таъсирида ҳаракат қилувчи моддалар йиғиндисини тушунади. Голбах фикрига кўра, барча жисмлар бўлинмас ва ўзгармас элементлар – атомлардан ташкил топади. Материя тушунчасини у модда тушунчаси билан айнийлаштиради.

Дени Дидро (1713-1784) ўзининг «Материя ва ҳаракатнинг фалсафий тамойиллари», «Табиатни тушунтириш ҳақида мулоҳазалар», «ДъАламбернинг туши» асарларида субъектив идеализмга қарши чиқади ва муҳим онтологик муаммоларнинг ўзига хос талқинини таклиф қилади. Унинг фикрича, мавжуд бўлган ҳамма нарсалар моддийдир. Дидро, дунё узлуксиз пайдо бўлади ва ўлади, ҳар бир лаҳзада туғилиш ва ўлиш ҳолатида бўлади; ўзга дунё ҳеч қачон бўлмаган ва бўлмайди, деб таъкидлайди. Кўриб турганимиздек, Дидро борлиқ муаммоларини ўрганиш соҳасига диалектикани татбиқ этади. Унинг фикрича, бутун материя ҳис қилади (бу гилозоизм нуқтаи назари) ва «инерт ҳиссийлик» ва «фаол ҳиссийлик»ни фарқлайди. «Фаол ҳиссийлик» муайян тарзда уюшган материядагина намоён бўлади.

Француз материализми табиатшуносликда ҳукм сурган табиат «салтанати» - ўсимликлар, ҳайвонот дунёси билан инсон ўртасидаги тафовутни бартараф этишга ҳаракат қилди.

Дидро, Гольбах, Ламетри, Гелвеций ва Кондиляк фалсафасида гносеология муаммолари онтологик муаммолар билан бир қаторда туради. Инсоннинг ички ва ташқи дунёси билимлар манбаи деб эълон қилинади. Бу дунёларни англаб етиш мумкин. Инсон билимларининг номукаммаллиги аввало улар ривожланишининг мазкур босқичи билан белгиланади. Француз материалистлари ҳиссий ва ақлий омилларнинг билишдаги ролини шунда кўрадиларки, сезгилар гувоҳлик кўрсаткичини берса, ақл бу кўрсаткичларнинг тўғрилигини текширувчи ҳакам вазифасини бажаради. Ақл ҳиссий кўрсаткичлардан узоқлашиши мумкин эмас, лекин у мазкур кўрсаткичларга ҳаддан ташқари ишониши ҳам ярамайди. Ақлнинг сезгидан ажралиши билишни амалга ошириб бўлмайдиган ишга айлантиради. Кузатиш ва эксперимент билиш методларидир. Улар мушоҳада қилиш, мулоҳаза юритиш, тушуниш ва идрок этиш, шунингдек ақл учун жуда зарур.

XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида Германия бошқа Ғарбий Европа мамлакатларига нисбатан иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан қолоқ эди. Аммо француз инқилобининг кучли таъсири остида шундай фалсафий таълимот вужудга келдики, унинг шаклланишида табиатшунослик ва ижтимоий фанларнинг ривожи асосий ўринни эгаллади. Мана шундай тарихий шароитлар тақазоси билан XVIII асрнинг II ярми ва XIX аср бошларида **немис классик фалсафаси** вужудга келди.

Немис классик фалсафаси. Немис классик фалсафасининг йирик вакиллари Иммануил Кант, И.Фихте, Ф.Шеллинг, Георг Гегель ва Людвиг Фейербах кабилардир.

Фалсафий тафаккур ривожланишининг бу босқичи даврнинг муайян тарихий шарт-шароитлари билан белгиланади. Бу кучли ижтимоий зиддиятлар, жамият онгида оламшумул ўзгаришлар юз берган давр эди. Кучли инқилобий ҳаракатлардан сўнг уларнинг суръати пасайиб имкониятларига ишончсизлик кучайган. *Ижтимоий онгда консерватив тенденциялар устунлик қила бошлади. Англия ва Францияда монархия ва Черковнинг олдинги мавқеи тикланди. Германияда прусс монархиясининг роли ошди. Тарихдаги бу зиддиятли воқеалар немис фалсафасининг асосий хусусиятларини белгилаб берди.*

Немис фалсафаси Ф.Бекон ва Р.Декарт бошлаган инсон ақли имкониятларини ўрганишнинг умумий йўналишини давом эттирди. Бироқ у ўз вазифасини нафақат инсон ақлини мадҳ этиш, балки унинг чегараларини белгилаш, эътиқод ва ақл, дин ва фанни муросага келтириш йўлларини ҳам излашда кўрди. Бу немис фалсафаси бажариши лозим бўлган ижтимоий буюртма эди.

Иммануил Кант (1724-1804) немис классик фалсафасининг асосчиси.

Кант концепцияси: «Соф ақл танқиди» (1781), «Амалий ақл танқиди» (1788), «Мулоҳаза юритиш қобилиятининг танқиди» (1790)асарларида, шунингдек файласуф ижодининг ўзига хос сарҳисоби саналувчи – «Соф ақл чегараларида дин» (1793) каби китобларида баён этилган. Кант билиш назариясининг асосий қоидалари қуйидагилардан иборат. Кант фикрича билиш жараёни уч босқич: 1) сезгилар даражасида билиш, 2) идрок, 3) ақлдан ўтади.

Билишнинг биринчи босқичи -сезгилар даражасида инсон нарсанинг мавжудлигини билади, идрок ёрдамида уни фикрлайди. Нарсани ҳақиқий билиш айнан шу икки босқични синтез қилишни талаб этади. Идрок даражасидаги билишнинг қуроли – категориялар. Улар идрокка ичдан хос. Ҳодисалар ранг-баранглиги категориялар тизимида акс этади. Категориялар ёрдамида инсон билими тасодифий эмпирик эмас, балки умумий зарур, яъни илмий хусусият касб этади. Илмий билим категориал билимдир. Бироқ шундан сўнг Кант субъектив идеалист сифатида мулоҳаза юритади: идрок табиат қонунларини очмайди, балки уларни табиат учун белгилайди. Кант фикрига кўра, категориялар бирлиги ва уларнинг билиш (синтез қилиш) қобилияти замирида дунёнинг объектив моддий бирлиги эмас, балки ўзликни англашнинг транссендентал бирлиги ётади.

Идрок этиш – билишнинг иккинчи босқичи. Идрокнинг кучи унинг синтез қилиш қобилиятида намоён бўлади. Бироқ бу тўлиқ, чексиз қобилият эмас. Идрок тажриба чегарасидан ташқарига чиқа олмайди. Бироқ идрок ўз чегараларини ўзи билмайди. У доим бу

чегаралардан четга чиқади, яъни ҳодисалар дунёсидан ўзидаги нарсалар дунёсига киришга ҳаракат қилади. Бироқ тажриба чегараларини тарк этгач (шу тариқа идрок эмас, балки ақлга айлангач), у ечиб бўлмас зиддиятлар соҳасига тушиб қолади, унинг мулоҳазалари эса муқаррар тарзда хом хаёлга айланади.

Ақл – билиш жараёнининг учинчи, олий босқичи. У ҳиссиёт билан бевосита эмас, балки билвосита – идрок орқали боғланади. Ақл билишнинг олий босқичи бўлса-да, идрокка кўп жиҳатдан ютқизади. У тажрибанинг мустаҳкам заминидан ажралгач, дунёқараш даражасидаги саволларнинг бирортасига ҳам узил-кесил – ҳа ёки йўқ деб жавоб бера олмайди. Дунё вақтда ва маконда бошланадими ёки у чексиз ва боқийми? Инсон жони боқийми ёки фонийми? Ирода эркинлиги мавжудми ёки дунёда ҳеч қандай эркинлик мавжуд эмас, ҳамма нарса табиий зарурат қонунига кўра юз берадими? Худо борми ёки йўқми? Идрок бундай саволларни бера олмаган бўларди. Ақл эса бундай саволларни беради, бироқ уларга жавоб топа олмайди. Унинг даъволари имконият даражасида эмас. Соф назарий ақл ўз мағлубиятини тан олиши лозим, чунки у ўзидаги нарсаларни била олмайди.

Иммануил Кант фақат машҳур файласуфгина бўлиб қолмасдан, йирик табиатшунос олим ҳамдир. Кант томонидан яратилган газ ҳолатидаги улкан туманликдан қуёш системасининг келиб чиқиши ҳақидаги назария ҳозирги даврда ҳам астрономия соҳасидаги энг муҳим таълимотлардан биридир. Кантнинг табиий-илмий қарашлари табиат ҳодисаларини метафизик руҳда тушунтирувчи таълимотларга зарба берди. Кант ўз даври табиатшунослиги эришган ютуқларни фақат Коинот тузилиши масаласига эмас, шу билан бирга Коинот генезиси ва ривожланиши масалаларига ҳам татбиқ қилди. Кантнинг инсон ирқларининг табиий келиб чиқиши ҳақидаги назарияси ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Билиш назариясида Кант диалектикага катта ўрин беради. Қарама-қаршиликни билишнинг зарурий омили сифатида қарайди. Унинг вафотидан кейин немис фалсафасининг ривожи **Гегел** ижодида ўзининг юксак чўққисига эришади. **Гегел Георг Вилгелм Фридрих (1770-1831)** фалсафий тизими немис классик идеализмининг тадрижий якуни ҳисобланади. Буюк файласуфнинг барча машҳур асарлари: «Руҳ феноменологияси» (1807), «Мантиқ фани» (1812-1816), «Фалсафа фанлари қомуси» (1817) айни шу тизимни ишлаб чиқишга бағишланган. «Руҳ феноменологияси» асари Гегел фалсафий тизимига ўзига хос дебочадир. Бу асарда Гегел инсон онги турли даражалари ривожланишининг изчил қаторини таҳлил қилади.

Гегел диалектиканинг қонунлари ва категориялари ҳақидаги таълимотни ривожлантирди. Фалсафа тарихида биринчи марта бир тизимга солган ҳолда диалектик логиканинг асосий қоидаларини ишлаб чиқди. Ўша даврларда ҳукмрон бўлган метафизик фикрлаш услубини танқид қилди. Унга қарама-қаши ҳолда энг илғор метод бўлган диалектик методни ишлаб чиқди ва фанга киритди. Кантнинг «нарса ўзида» ҳақидаги таълимотига қарама-қарши қилиб, шундай таълимотни илгари сурди: «Моҳият намоён бўлади, ҳодиса моҳиятдан ажралмасдир». Гегелнинг таъкидлашича, категориялар борлиқнинг объектив шаклларидир. Борлиқнинг асосида эса, «дунёвий ақл», «мутлақ ғоя» ёки «дунё руҳи» ётади. Ўз-ўзини англаш жараёнида дунёвий ақл уч босқични босиб ўтади:

1. Ўз-ўзини англовчи мутлақ ғоянинг ўз хусусий қобиғида бўлиш босқичи; тафаккур жараёнида, яъни бу ҳолатда ғоя диалектика категориялари ва қонунлари тизимида ўз мазмунини, моҳиятини намоён қилади. Бу босқич Гегел фалсафасининг мантиқ босқичидир;
2. Ғояннинг ўзидан «бегоналашуви» яъни табиат ҳодисалари шаклида намоён бўлиш босқичи, яъни бу босқичда табиатнинг ўзи ривожланмайди, фақат категориялар сифатида ривожланади. Бу босқич Гегелда табиат фалсафа босқичидир;
3. Ғоянинг тафаккурда ва инсоният тарихида ривожланиш босқичи. Бу босқич Гегел фалсафасида руҳ фалсафаси босқичидир. Мана шу якуний босқичда мутлақ ғоя ўзига қайтади ва ўзининг инсон онги ва ўз-ўзини англаш шаклида ўз моҳиятига қайтади.

Ривожланиш ғояси Гегел фалсафасини қамраб олган. Унинг таъкидлашича, ривожланиш тор доира ичида эмас, доимий, қуйидан юқорига қараб боради. Мана шу жараёнда миқдор ўзгаришларининг туб сифат ўзгаришларига ўтиши юз беради. Ривожланишнинг манбаи эса

ҳар қандай ўз-ўзидан ҳаракатнинг сабаби бўлган қарама-қаршиликдир. Гегел фалсафасида борлиқ диалектик ўтишлар занжири сифатида баён қилинган.

Гегел фикрича, тарих дунёвий руҳнинг ёки мутлақ ғоянинг ривожи сифатида намоён бўлади. Умуман тарих бу моҳиятан фикрнинг, ақлнинг ўз-ўзидан ривожи тарихидир. Гегел таълимотича, ақл тарихда шундай намоён бўладики, унда ҳар бир халқ руҳи ўз-ўзини англаб, тобора юқорилаб боришига ўз ҳиссасини қўшиш ҳуқуқини олади. Лекин бу жараён қандайдир тартибсиз (хаотик) амалга ошмайди. ***Гегел умумжаҳон тарихини тўрт босқичга бўлади: 1. Шарқ дунёси; 2. Юнон дунёси; 3. Румо дунёси; 4. Герман дунёси.*** Инсоният тарихини мана шундай босқичларга бўлиб, уларга баҳо беришда Гегел очиқдан-очиқ ирқчилик руҳидаги таълимотга юз тутади.

Гегел умумий фалсафий системаси ҳам, унинг яратган методи ҳам бошқа камчиликлардан, ички қарама-қаршиликлардан ҳоли эмас эди. Чунки унинг фалсафий таълимотида билимнинг объектив асоси мутлақ руҳдир, мақсади эса шу мутлақ руҳнинг ўз-ўзини англашидир, охирги босқич ўз-ўзини англаш билан якунланади. Гегел фалсафаси мана шу масалани амалга оширишга қаратилган. Шундай қилиб Гегелнинг системаси ва методи ўртасидаги қарама-қаршилик чекланганлик ва чексизлик ўртасидаги қарама-қаршиликдир.

Людвиг Фейербах (1804-1872) моддиюнчилик нуқтаи назаридан Хегел фалсафасини жиддий ва ҳар томонлама танқид остига олган биринчи файласуфдир. Фалсафа мавзусини ифодалаб, Фейербах шундай қарорга келадики, унинг диққат марказида инсон турмоғи лозим. «Янги фалсафа, -деб ёзади немис мутафаккири, – табиатни ҳам инсон пойдевори сифатида қўшган ҳолда, *инсонни фалсафанинг ягона, умумий ва олий мавзусига айлантиради*»[11]. Шундан кўринадики, Фейербах моддиюнчилиги *антропологик* хусусият касб этади. Инсонни вужудга келтирадиган ягона сабаб ёки асос табиатдир. Шунинг учун, фалсафанинг вазифасига қайта тўхтаб, Фейербах ёзадики, уни таълимотини «икки оғиз сўзда ифодалаш мумкин: *табиат ва инсон*».

XIX асрнинг охиридан бошлаб Ғарб мамлакатларида Гегел ва Фейербах фалсафаси атрофида турли фалсафий мактаблар ва оқимлар вужудга келади. Бу фалсафий мактаблар ичида маълум нуфуз ва таъсирга эга бўлган оқим «ёш гегелчилар» оқими эди. Бу оқимнинг ўша даврдаги асосий намояндалари орасида ака-ука Бруно ва Эдгар Бауэрлар алоҳида ажралиб турар эди.

Дастлаб мана шу оқимга мансуб бўлган **К. Маркс** (1818-1883) ва **Ф. Энгельс** (1820-1895) кейинчалик материалистик жиҳат ва атеистик тамойиллар устувор бўлган, қарама-қаршиликларнинг кураши тамойили мутлақлаштирилган ўз таълимотини ишлаб чиқдилар. Уларнинг таълимоти марксизм фалсафаси деган ном олди. Кейинчалик бу фалсафа социалистик лагер деб аталган мамлакатларда давлатнинг мафкуравий доктринасига айланди, «илмий коммунизм» ғоялари асосида инсоният тарихининг табиий жараёнини пролетариат диктатураси деб аталган давлат ва ҳокимият юритиш усули орқали зўрлик билан ўзгартириш таълимотини кўпчилик оммага, сиёсий партияларга, мафкурага сингдиришга ҳаракат қилди.

XX асрнинг бошларидан 80 — йилларнинг охиригача дунёнинг жуда катта ҳудудида ҳукмронлик қилган бу мафкура собиқ Иттифоқ тарқалиши билан унинг ҳудудида ўз устуворлигини йўқотди. Сўнгги йилларда социалистик лагернинг парокандаликка учраши, собиқ иттифоқ таркибига кирган кўпгина республикаларда, шу жумладан, Ўзбекистонда мустақил миллий давлатларнинг вужудга келиши, уларнинг ўз халқи миллий руҳига хос ва мос мафкура методологияси асосида муваффақиятли ижтимоий-иқтисодий ривожланиб бораётганлиги марксистик фалсафанинг ҳаёт талабларига жавоб бераолмайдиган, халқларнинг руҳига ёт бўлган ғайримиллий таълимот эканлигидан далолат беради.

5-савол баёни: Маълумки, ҳамма замонларда ҳам фалсафа ўз даврининг долзарб муаммоларини ҳал этиш йўлларини топишга ҳаракат қилган. XX асрга келиб инсоният фан ва техника тараққиёти соҳасида улкан ютуқларни қўлга киритди. Лекин шу билан бирга, айнан

[11] Л.Фейербах. Избранные философские произведения. –М.: 1955. Т.1 202-б.

ушбу аср ижтимоий силсилалар, иккита жаҳон уруши, экологик инқироз, оғир йўқотишлар даври ҳам бўлди. Бу эса фалсафий фикрнинг тараққиётида ўз аксини топди, унинг турли йўналиш ва оқимлари шуғулланган муаммоларнинг салмоғи, мақсад-муддаосини аниқ белгилади. Бунинг натижаси сифатида, ҳозирги давр фалсафасида ниҳоятда хилма — хил оқим ва йўналишлар мавжуд. Ўз навбатида бу илм-фан ва амалиётнинг ҳамда XIX асрнинг иккинчи ярми ва ҳозиргача бўлган фалсафа илми ривожининг асосий хусусиятларини белгилайди.

XX аср Ғарб фалсафаси ўзига хос йўлдан ривожланиб, бир томондан, фалсафадаги борлиқ, онг, билиш, тарих фалсафаси каби анъанавий масалаларга ўзгартириш киритиб, уларни янгича таҳлил қилди ***(неоклассик)***. Иккинчидан, классик фалсафага ўз муносабатини билдириб, илгариги фалсафа янги даврда рўй бераётган ўзгаришларни изоҳлашга ожизлик қилаётганини кўрсатди. Шу боис ғарб файласуфлари шу вақтгача фалсафада кам эътибор берилган ёки бутунлай ўрганилмаган масалаларни фалсафий баҳс мавзусига айлантирдилар. Шу тариқа ноанъанавий ***(ноклассик)*** йўналишдаги бир қанча фалсафий оқимлар юзага келди.

Ҳар иккала йўналишнинг шаклланиши ва ривожланиши ўзининг ғоявий-тарихий илдизларига эга. Маълумки, классик фалсафанинг юксак чўққиси бўлган немис классик фалсафасидан кейин фалсафанинг XIX асрда ривожланиши ***уч*** мутафаккир – К.Маркс, Огюст Конт, Артур Шопенгауэрлар номи билан боғлиқ. Ана шу ***уч йўналиш – марксистик материализм, О.Конт позитивизми ва А.Шопенгауэр иррационализми (ирода фалсафаси)*** XX аср жаҳон фалсафаси ривожланишининг ғоявий асоси бўлди.

Фаннинг жамият ҳаётидаги ўрнини белгилаш ва унга нисбатан муносабатга қараб, замонавий фалсафий таълимотларни асосан икки йўналишга ажратиш мумкин. Улардан бири — **сциентизм** (лот scientia — фан) яъни фан мавжуд барча ижтимоий муаммоларни ҳал этиши мумкинлигини илм-фан тараққиётининг доимий ижобийлигини асословчи фалсафий дунёқараш. Сциентизм ғоялари, неопозитивизм, технологик детерминизм каби таълимотларнинг асосини ташкил этади.

Иккинчиси — **антисциентизм**, яъни фан тараққиёти жамият ҳаётига салбий таъсир кўрсатишини асословчи фалсафий дунёқараш. Бундай дунёқараш экзистенциализм, франкфурт ижтимоий-фалсафий мактаби, Рим Клубининг бир қатор тармоқларини, баъзи диний-фалсафий оқимларнинг фанга муносабатини ифодалайди. Антисциентизм илм-фан тараққиётининг натижаларини назорат остига олиш, бу масалада жамият ҳаётини хавф остига қўймаслик талаби билан боғлиқдир.

Неотомизм — XX асрдаги энг йирик диний-фалсафий оқим бўлиб, у ўрта асрлардаги (XIII аср) Фома Аквинскийнинг таълимотини қайтадан тиклади. У (нео — янги, томизм — «фома», транскрипцияда «тома» бўлиб ўзгарган) Фома Аквинскийнинг янги, замонавий таълимоти демакдир. Бу таълимотга кўра, илм ва эътиқод ўртасида тўла мувофиқлик, уйғунлик бор. Улар бир-бирини тўлдириб туради, ҳар иккиси ҳам худо томонидан берилган ҳақиқат.

Неопозитивизм оқимининг йирик намояндалари Карнап, Айер, Рассел, Витгенштейн ва бошқалардир. Нео - янги; позитив - ижобий деган маънони англатади. **Позитивизм** Ғарбда X1X асрнинг 30-40 - йилларида пайдо бўлган ва унинг биринчи тарихий шакли бўлиб, асосчиси XIX асрда яшаган Огюст Контдир. Унинг фикрича, фалсафа аниқ фанлар тараққиётисиз мавжуд бўла олмайди. Фалсафа - объектив реалликни эмас, балки аниқ фанлар қилаётган илмий, яъни ижобий (позитив) хулосаларни ўрганиб, таҳлил қилиб уларни мантиқан бир тартибга, системага солиши керак.

Эмпириокритицизм позитивизмнинг иккинчи тарихий шакли сифатида XIX–XX асрлар чегарасида юзага келди. Унинг энг машҳур намояндалари – Э.Мах (1838-1916) ва Р.Авенариус (1843-1896). *Илк позитивизмдан фарқли ўлароқ, эмпириокритицизм фалсафага «иккинчи позитивизм»ни синтез қилувчи фан сифатида ёндашади, уни билиш назариясига боғлайди. Эмпириокритицизм «тажриба танқиди» деган маънони англатади ва «тажрибани метафизик табиатни ўзгартирувчи барча қоидалардан тозалаш»ни назарда тутади.* Э.Мах

фикрига кўра, тажриба амалда «дунё элементлари» ҳисобланувчи сезгилардан иборатдир. Бинобарин, позитивизм ўзининг махизм шаклини касб этган иккинчи босқичида бутун фалсафий фаолиятни инсон тажрибаси ҳиссий асосининг руҳий-физиологик шакллари таҳлилига боғлади. Махизм фалсафасида дунё «сезгилар мажмуи» тарзида намоён бўлдики, бу материализмдан бутунлай воз кечилиши, инглиз файласуфи Берклининг субъектив идеализми ўзига хос тарзда тикланишини англатади. Хуллас, иккинчи позитивизм яратувчилари билиш жараёнининг назарий моделини тузишга ҳаракат қилдилар.

***Неопозитивизм**, позитивизмнинг учинчи тарихий шакли сифатида, илмий назарияларнинг ҳақиқатнамолигини, уларнинг нисбий қимматини аниқлаш методларини ўз фалсафий фаолиятининг предметига айлантирди.* Бу босқич вакиллари позитивизмнинг асосий тамойилларига таяниб, анъанавий фалсафа тушунчалари ноилмийдир, чунки уларни тажрибада текшириш мумкин эмас, деб эълон қилдилар.

Неопозитивистлар у ёки бу илмий хулосалар, консепциялар ва назарияларнинг тўғрилиги, ҳақиқийлигини текшириш методларига асосий эътиборни қаратдилар. Улар ҳозирги илмий билимларнинг ҳақиқийлигини текширишнинг асосий тамойиллари: верификация, фалсификация ва конвенция тамойиларини таърифлаб бердилар.

Верификация (лот. «верус» - ҳақиқий ва «фасио» - бажараман) тамойили нуқтаи назаридан ҳиссий тажриба далиллари билан тасдиқланувчи илмий қоидаларгина ҳақиқий ҳисобланади. Бошқача айтганда, тажрибада синалиши мумкин бўлган мулоҳазаларгина аҳамият касб этади.

Шундан сўнг **постпозитивизм** (яъни кейинги позитивизм) вакили К. Поппер **фальсификациялаш методини** илгари сурди. Бунга кўра, инсон баъзи назарий билимларнинг хақиқатлигини эмас, хато эканлигини исботлаши керак. Охир-оқибатда неопозитивизм вакиллари фалсафа билимларнинг хақиқийлигини мантиқий — лингвистик усул орқали исботлаши ва системалаштириши керак, деган хулосага келдилар. XX асрнинг 60 - 70 йилларига келиб, неопозитивизмнинг мавқеи камайиб, асосий ўринга структурализм ва герменевтика чиқди.

Структурализм (асосий вакиллари Леви - Стросс ва Фуко) билишда структуравий усулнинг аҳамиятини мутлақлаштиради. Бу оқим тарафдорлари нарса ва ҳодисанинг структурасини билиш унинг объектив моҳиятини билиш демакдир, деб ҳисоблайдилар. Масалан Леви-Стросс мифологик тафаккурни таҳлил этиб, турли жойларда яшаган қадимги қабилалар ва халқлар яратган афсоналарнинг умумий структурага эга эканлигини исбот қилди. Унинг фикрича, бу афсоналарнинг асосий мазмуни бир-бирига тўла мувофиқ келади. Инсониятнинг илмий тафаккури ҳам бу таълимотга кўра шундай принципга, умумий мантиққа эга.

Герменевтика - қадимги юнон афсоналаридаги худоларнинг хоҳиш ва иродасини инсониятга тушунтириб бериш учун ерга юборилган элчиси - Гермес номи билан аталади. Демак, герменевтика - тушуниш, тушунтириш, таҳлил этиш ғояларига асосий диққатини қаратади.

XX асрнинг 30 - йилларига келиб **«экзистенциал фалсафа»** ривожланди. Экзистенция - том маънода мавжуд бўлмоқ демакдир. Экзестенциализм ниҳоятда хилма-хил йўналишдаги таълимотларни инсоннинг маънавий дунёси, инсон тақдири, эркинлиги ғоялари асосида умумлаштирди.

Экзистенциализм вакиллари асосан икки йўналишга бўлинадилар. Бири - дунёвий (Хайдегер, Сартр, Камю) ва иккинчиси диний (Ясперс, Марсель) бўлиб бундай бўлиниш нисбийдир.

Янги замон фалсафасининг яна бир оқими **прагматизм** АҚШда кенг тарқалган. Умуман олганда, «прагматизм» фойдали фаолиятга ундовчи, «фойдага» қандай қилиб эришиш йўллари ва усуллари ҳақида мулоҳаза юритувчи таълимотдир. Бунда «фойда» тушунчаси «тажриба», «ҳақиқат» тушунчалари билан айнанлаштирилади.

Прагматизм таълимотининг йирик намояндалари Ч. Пирс, У. Джемс, Ж. Дьюи ва бошқалардир. Уларнинг таълимотида оламнинг ўзгарувчанлиги ўз ифодасини топган. Улар

тажрибани турли тасодиф ва кутилмаган вазиятларни ўзида мужассамлаштирган, онгимиздан тезкор қарорларни қабул қилишни талаб этувчи ҳодисалар мажмуи сифатида таърифлайдилар.

XX асрга келиб жамият тарихий тараққиётига оид таълимотларни умумлаштириш натижасида ижтимоий тараққиётнинг плюралистик модели, «локал маданиятлар» ҳамда «цивилизацияларнинг хилма-хиллиги» концепциялари шаклланди. Бу ғоялар немис файласуфи ва социологи ***О. Шпенглер*** (1880-1936) ва инглиз тарихчиси ***А. Тойнби*** (1889-1975) таълимотларида ҳар томонлама асослаб беришга ҳаракат қилинди. О. Шпенглер ўзининг «Европанинг сўниши» номли асарида тарихни бир-биридан мустасно бўлган маданиятлар мажмуидан иборат, деб ҳисоблайди ҳамда мукаммал ривожланган 8 хил маданиятни кўрсатади. Булар: араб, ҳинд, вавилон, хитой, юнон-рим, византия-араб маданиятлари, майя ва русс-сибир маданиятларидир. Маданиятлар ўзига хос диний асосга эга бўлиб, уларнинг ҳар бири қатъий биологик маромга (ритмга) бўйсунади. Ва қуйидаги асосий даврларни босиб ўтади: туғилиш ва болалик, ёшлик ва камолот, қарилик ва сўниш. Бунинг асосида маданиятлар ривожининг икки босқичи мавжуд, деб кўрсатилади. **Биринчиси**: маданият равнақи (соф маданият) ва **иккинчиси**: унинг таназзули («цивилизация»).

Умуман, XX аср фалсафаси турли оқим ва ғоявий йўналишларда ривожланди, ижтимоий-иқтисодий, ғоявий-сиёсий, маданий ва илмий-техникавий ўзгаришлар фалсафий таълимотларда ўз инъикосини топди.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун назорат саволлари:

1. Антик юнон-рим фалсафаси ва унинг ривожланиш босқичларини тушунтиринг.
2. Ўрта аср Ғарб фалсафасининг характерли хусусиятлари қандай?
3. Европа уйғониш даври фалсафасининг аҳамияти нималарда деб ўйлайсиз?
4. Янги давр фалсафасининг ривожланишига асос бўлган омиллар нима?
5. XVI-XVII асрлар илмий инқилобининг хусусиятлари қандай?
6. Европа уйғониш даври фалсафасининг аҳамияти нималарда деб ўйлайсиз?
7. Янги давр фалсафасининг ўзига хос хусусиятлари нимада?
8. Европа маърифат даври ва фалсафасини қандай тушунасиз?
9. «Немис классик фалсафаси»ми ёки «Немис миллий фалсафаси»ми? Бу масалага сизнинг муносабатингиз қандай?
10. XX аср фалсафасидаги турли оқимлар ривожланишининг ғоявий манбаини қандай изоҳлайсиз?
11. XX аср фалсафасининг характерли хусусиятлари нималарда кўринади?
12. Позитивизм фалсафаси ва унинг кейинги кўринишларини тушунтиринг.
13. Экзистенциал фалсафанинг моҳияти нимадан иборат?
14. Неопозитивизмнинг асосий хусусиятлари қандай?
15. Структурализмнинг моҳияти нима?
16. Сциентизм ва антисциентизм нима?
17. Фалсафий герменевтикани қандай тушунасиз?
18. Психоаналитик оқим вакилларининг фалсафий қарашлари қандай?

4 - Мавзу: Борлиқ (Онтология) ва ривожланиш фалсафаси.

Маъруза режаси:

1. Борлиқни таърифлаш муаммоси. Табиий-илмий фанлар ва фалсафа тарихида “борлиқ” категориясининг ўрганилиши, борлиқ ва йўқлик диалектикаси. Борлиқ шаклларининг таснифи.
2. Табиатнинг онтологик мақоми. Биосфера ва Ноосфера ҳақидаги таълимотлар, коэволюцион ва инвайронментал назариялар.
3. Борлиқнинг ўзгармас асоси (субстанция ва субстрат) тушунчаларининг моҳияти. Борлиқ ибтидосини сифатий ва миқдорий жиҳатдан тушунтиришга оид

концепциялар: монизм, дуализм, плюрализм, материализм, идеализм.

4. Материя фалсафа ва табиатшуносликнинг категорияси сифатида, унинг ташкиллашув даражалари.
5. Борликда шаклланиш, ўзгариш, ривожланиш ва тараққиётнинг ўзаро алоқадорлиги. Ҳаракат, макон ва вақт тушунчалари. Ҳаракатнинг типлари ва шакллари. Ижтимоий макон ва ижтимоий вақт.
6. Қонун ва категория тушунчалари ва уларнинг турлари. Ривожланишнинг умумфалсафий қонунлари ва категориялари.

Мавзуга оид таянч тушунча ва атамалар:

Олам ва одам, борлиқ, йўқлик, онтология, объектив реаллик, субъектив реаллик, моддий борлиқ, маънавий борлиқ, индивидуаллашган маънавий борлиқ, объективлашган маънавий борлиқ, табиат борлиғи, инсон борлиғи, ижтимоий борлиқ, материя, ҳаракат, ривожланиш, макон, вақт, табиат, географик муҳит, ижтимоий ривожланиш, биосфера, ноосфера, ҳаёт, қонун, фалсафа қонунлари, категория.

1-савол баёни: Олам ва одам муносабатлари. Оламни фалсафий англаш фалсафанинг доимий долзарб муаммоси бўлиб келган. Фалсафа ўрганадиган қайси бир масалани олмайлик, у борлиқ муаммоси билан алоқадордир. Чунки, борлиқ муаммоси фалсафадаги ҳар қандай дунёқараш ва методологик муаммоларнинг асоси ҳисобланади. Оламни фалсафий тушунишнинг асосида “борлиқ”, “материя”, “онг” сингари бошланғич фалсафий категориялар таҳлили туради.

Сиз билан биз яшаётган шу дунё ўзининг барча мураккаблиги ва муаммолари, жозибадорлиги ва бутун гўзаллиги билан ягона оламни ташкил этади. Олам тушунчаси, энг аввало, одам ва унинг фаолияти кечадиган маконни акс эттиради. Агар одам бўлмаганида эди, бу олам хақидаги тасаввурлар ҳам бўлмас эди. Демак, олам одам билан мазмундордир. Олам уни ташкил этувчи нарсалар билан биргаликда намоён бўлади. Ҳеч нарсаси йўқ олам йўқликдир. У мавхум тушунча, яъни абстракциядир.

Қадимги даврлардан буён одам ўзини англагач, оламнинг таркибий қисми эканлигини тушуна бошлади. Дастлаб, унинг ҳаётини таъминловчи тирикчилик воситаларининг аҳамиятини тушуниб етди ва уларни эъзозлаш, авайлаб-асраш туйғуси шакллана бошлади. Шу туфайли, олам асосида ётувчи тўрт элементни: хавони, сувни, тупроқни ва оловни муқаддаслаштириш сингари ғоялар вужудга келди ҳамда олам тўғрисидаги содда космологик қарашлар пайдо бўлган.

Олам, энг аввало, тор маънода бу одам яшайдиган жой. Аслида одамзод ва ҳайвонот олами, ўсимлик ва хашаротлар дунёси, жисмоний, руҳий, маънавий олам ва бошқа шу сингари кўплаб тушунчалар бор. Улар дунёда мавжуд бўлган нарса ва ходисалар номи билан аталади. Масалан, одамнинг руҳий олами унинг билим, тажриба ва хаёлотини ўз ичига олувчи ўта кенг қамровли тушунчадир. Бунда биз олам одам яшайдиган жой, деган маънога қараганда янада кенгроқ мазмунга эга бўламиз.

Оламнинг намоён бўлиш шакллари хилма хилдир. Фақат моддий жисмларнигина ўзига қамраб олувчи оламни моддий олам дейишади. Айрим кишилар уни жисмоний, яъни физик олам деб аташади. Одамнинг маънавий, руҳий дунёсини қамраб олувчи оламни маънавий олам дейишади. Айнан шу пайтда биз билан биргаликда мавжуд бўлган олам *актуал* олам дейилади. Келажакда мавжуд бўлиш имконияти бор ва бўлиши мумкин бўлган олам *потенциал* олам дейилади. Масалан, сизнинг бугунги кундаги талабалигингиз актуал оламга мансуб бўлса, келажакда мутахассис бўлиб етишишингиз эса потенциал оламга мансубдир.

Оламнинг мавжудлиги шубхасиз бўлган ва барча эътироф этадиган қисми *реал* олам дейилади. Келажакда мавжуд бўлиши эхтимоли бўлган олам *виртуал* олам деб аталади (виртуал сўзи лотинча virtualis — эхтимолдаги деган маънони беради). Аниқ маълум бўлган

олам конкрет олам дейилади, хаёлдаги, тасаввурдаги, идеалдаги олам образи абстракт олам дейилади.

Фалсафа эвристик ва методологик ролни бажарар экан, айни вақтда ўзи ҳам табиатшуносликда олинган ишончли натижаларга муҳтож бўлади ва улардан янги назариялар тузиш учун асос сифатида фойдаланади. Шу сабабли биз борлиқнинг асосий шакллари ва фундаментал асосларини фалсафа нуқтаи назаридан ўрганар эканмиз, албатта ё ишончлилиги шубҳа уйғотмайдиган, ё борлиқни яхшироқ тушунтиргани учун қабул қилинадиган табиий-илмий маълумотларга таянамиз.

«Онтология» атамаси. Фалсафанинг кўплаб соҳалари ва турли йўналишлари бор. Улар орасида борлиқ тўғрисидаги фан "Онтология" муҳим ўрин эгаллайди. Фалсафанинг борлиқ ҳақидаги таълимотни изохлайдиган қисми — онтология деб аталади. Онтологиянинг предметини борлиқ ташкил этади. Унинг мазмуни борлиқ ва йўқлик, меъёр ва сифат, миқдор ва ўлчов, макон ва замон, ҳаракат ва ўзгариш каби тушунчалар орқали ёритилади.

«Онтология» атамаси борлиқ ҳақидаги таълимот маъносида илк бор Р.Гоклениус (1636 йил) ва И.Клауберг (1646 йил) томонидан илмий муомалага киритилган. Луғавий маънода у (юнонча "ontos" – борлиқ, мавжудлик ва "logos" – таълимот) деган мазмунни англатади. Ғарб файласуфи Х.Вольф тадқиқотлари бу атаманинг кенг тарқалишига асос яратди ва у фалсафанинг асосий мазмунини ташкил этувчи муҳим бўлимини ифодалай бошлади. Онтология фалсафада алоҳида ўрин эгаллайди. Икки ярим минг йиллик фаол фалсафий изланишлар натижасида фалсафий билим тизимида онтологиядан ташқари фалсафанинг муҳим фалсафий мазмун касб этадиган гносеология, аксиология, ижтимоий фалсафа, этика, эстетика, мантиқ каби таркибий қисмлари пайдо бўлди. Лекин уларнинг барчаси замирида онтология ётади. Ўз навбатида онтология ҳар қандай фалсафий дунёқарашнинг негизи ҳисобланади ва шу тариқа ўз таркибига кирмайдиган бошқа фалсафий муаммолар талқинини кўп жиҳатдан белгилайди.

Шу ўринда табиий бир савол туғилиши мумкин: дунёнинг умумий манзарасини яратишни физика ўз зиммасига олгани туфайли онтология ўз аҳамиятини йўқотгани йўқми? Ахир физика материя ва ҳаракатнинг энг умумий шаклларини ўрганади ва унинг фундаментал назариялари «бутун мавжудлик»ка татбиқ этилади. Дунёнинг замонавий физик назариялари мавжуд бўлган шароитда онтология анахронизм, эскирган фалсафий анъана «сарқити» ҳисобланмайдими?

Аммо онтология билан физика ўртасида жиддий фарқ мавжуд бўлиб, у бирон-бир физик назарияга онтологиянинг ўрнини босиш имконини бермайди.

Физиканинг умумийлиги шу билан белгиланадики, у ўрганувчи материя ва ҳаракат шакллари қолган барча, янада мураккаброқ - кимёвий, биологик, ижтимоий шакллар учун асос бўлиб хизмат қилади. Физика «бутун мавжудлик»ни (борлиқнинг бизга маълум бўлган шакллари доирасида) қамраб олади ва ўзи аниқлаган қонунларни бутун дунёга татбиқ этади. Аммо у борлиқ нофизик шаклларининг ўзига хос хусусиятларини ўрганмайди. Онтология эса борлиқнинг ҳар қандай соҳаси объектлари, шу жумладан биологик ва ижтимоий объектларнинг ўзига хос хусусиятлари ўртасида умумий жиҳатларни аниқлашга ҳаракат қилади. Физика доирасида аниқланувчи умумий хоссалар – бу физик хоссалардир. Онтология эса умумий жиҳатларни объектларнинг физик хоссаларида ҳам, нофизик (кимёвий, биологик, ижтимоий) хоссаларида ҳам излайди. Шу боис онтологиянинг янгидан-янги йўналишлари ва кўринишлари шаклланади (формал онтология, ген онтологияси ва тиббиёт онтологияси, янги амалий онтология, ноклассик онтология, дин онтологияси ва б.).

"Борлиқ тушунчаси", унинг мавжудлик шакллари. Борлиқ масаласи инсон дунёни оқилона англаш йўлидаги илк уринишларидаёқ дуч келган барча масалаларнинг негизи ҳисобланади. Муайян нарсалар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги масаласи инсон фалсафий мулоҳаза юрита бошлагани заҳотиёқ унинг диққат марказидан ўрин олди. Мифологиянинг бош вазифаси – «борлиқни ким яратгани» ҳақидаги масалани фалсафа «борлиқнинг нималиги, у қаердан пайдо бўлгани ва қаерга йўқолиши»ни оқилона тушунтириш билан алмаштиргани

тасодифий эмас. Бундай тушунтиришга уриниш жараёнида файласуфлар барча замонларда қуйидаги саволларга жавоб топиш зарурияти билан тўқнаш келганлар:

- фалсафий категория сифатидаги «борлиқ» нима?
- бу атама нимага нисбатан татбиқ этилиши мумкин?
- унга қандай фалсафий маъно юкланади?

Бу саволларга кенг жавоб бериш фалсафа тарихига ҳам, мазкур тушунчанинг этимологиясига ҳам мурожаат этишни назарда тутади. Мазкур дастур бўйича таълим олувчилар тарихий-фалсафий курс билан таниш бўлишлари лозимлигини ҳисобга олиб, бу ерда фақат фалсафий тафаккур тарихига қисқача тўхталамиз ва мазкур муаммони англаб етиш жараёнидаги муҳим босқичларнигина қайд этамиз.

Фалсафа тарихида борлиқ муаммоси. «Борлиқ» категорияси фалсафа пайдо бўлиши билан шаклланган ва изчил назарий қизиқиш предметига айланган бўлсада, дунё ҳақида одамлар анча олдинроқ фикр юрита бошлаганлар ва бу тасаввурлар кўп сонли афсоналар ва мифларда бизгача етиб келган.

Борлиқ муаммосини фалсафий англаб етишга илк уринишлар милоддан аввалги биринчи минг йилликда вужудга келган қадимги ҳинд ва қадимги хитой фалсафаларидаёқ кузатилади. Хусусан, қадимги Ҳиндистон мутафаккирлари борлиқ сирининг тагига етишга ҳаракат қилар эканлар, қуёш тунда қаерга кетади, юлдузлар кундузи қаёққа йўқолади каби саволларга жавоб топишга уринганлар ва бу тасаввурларни инсониятга маълум бўлган энг қадимги китоб – Ригведаларда акс эттирганлар. Бутун борлиқнинг негизини табиий асослар – тупроқ, олов, ҳаво, сув, ёруғлик, макон, вақт ташкил этиши таъкидланган. Қадимги Хитой фалсафаси аввало ижтимоий муаммоларга қараб мўлжал олгани боис, унда инсон борлиғига, шунингдек ижтимоий борлиққа кўпроқ эътибор берилган. Айни вақтда, табиатнинг биринчи асослари ҳам эътибордан четда қолмаган. Бу қизиқиш, хусусан, нарсалар ва ҳодисаларнинг бутун ранг-баранглигини белгиловчи беш стихия (сув, ер, дарахт, темир, олов) ҳақидаги таълимотда ўз аксини топган.

Худоларнинг келиб чиқиши, уларнинг ҳаёти, ишлари, ўзаро кураши ҳақида ҳикоя қиладиган ва шу тариқа қадимги одамларнинг дунёнинг вужудга келиши ва эволюцияси ҳақидаги тасаввурларини акс эттирган космогоник мифлар Суқротга қадар аввало табиат фалсафаси сифатида юзага келган ва ривожланган юнон фалсафасининг биринчи манбаи бўлиб хизмат қилди. Илк юнон файласуфлари ўз асарларини одатда «Табиат ҳақида» деб номлаганлари, уларнинг ўзлари эса натуралистлар, «физиклар» деб аталиши бу фикрни тасдиқлайди.

Шарқ донишмандлари каби, антик юнон мутафаккирларини ҳам борлиқнинг манбалари қизиқтирган. Қадимги юнон фалсафаси вужудга келган пайтдан бошлаб улар бутун борлиқнинг биринчи сабабини мавжуд воқеликнинг ўзидан излаганлар, уни дам сув (Фалес) ёки ҳаво (Анаксимен) деб, дам ҳамма нарсани бошқарадиган боқий ва чексиз асос – «апейрон»(Анаксимандр) деб тавсифлаганлар. Шунга ўхшаш фикрларни Ксенофан (мил. ав. 580-490 йиллар) ҳам илгари суради. У ҳамма нарса ер ва сувдан вужудга келади ва ривожланади, ҳатто «биз ҳам ер ва сувдан пайдо бўлганмиз», деб ҳисоблайди.

Ўша даврнинг бош фалсафий масаласи – «ҳамма нарса нима?» деган саволга жавоб берар экан, Пифагор (мил. ав. 580-500 йиллар) «ҳамма нарса сондир», деган хулосага келади. У Ернинг шарсимонлиги ҳақидаги ғояни биринчи бўлиб илгари сурди. Кейинчалик бу ғояни Парменид (мил. ав. 540-480-йиллар) қўллаб-қувватлади ва унга ёзма таъриф берди. Парменид файласуфлар орасида биринчи бўлиб борлиқни категория сифатида тавсифлади ва уни махсус фалсафий таҳлил предметига айлантирди. У ҳақиқий борлиқ моҳиятининг ўзгармаслиги ҳақидаги ғояни илгари сурди. Парменид фикрича, борлиқ пайдо бўлмаган ва у йўқ ҳам бўлмайди, чунки ундан бошқа ҳеч нарса йўқ ва бўлиши мумкин ҳам эмас. Борлиқ ягона (узлуксиз), ҳаракатсиз ва баркамолдир. У ўз чегараларига эга бўлиб, «улкан мутлақо юмалоқ Шарга» ўхшайди.

Шундай қилиб, қадимги юнон фалсафасининг Суқротга қадар бўлган даврида онтология

сезиларли даражада ривожланади: ўша давр атоқли файласуфларининг деярли барчаси борлиқ муаммосини бевосита ёки билвосита ўрганади, уни, одатда, боқий ва баркамол космос, «ягона табиат», яъни моддий-ҳиссий дунё билан тенглаштиради. Демокрит ва Левкипп атомларни муайян модда сифатида тавсифлаб, уларни «бўшлиқ» - йўқликка зид ўлароқ, «тўла» ёки «қаттиқ» борлиқ билан тенглаштирган. Шу даврда борлиқни тушунишга нисбатан диалектик ёндашув илк бор намоён бўлади. У бутун дунё муттасил ҳаракат ва ўзгариш жараёнини бошдан кечиради деб ҳисоблаган ва шу муносабат билан «айни бир нарса мавжуд ва номавжуддир» дея қайд этган Гераклит (мил. ав. 544-483 йиллар) таълимотида айниқса бўртиб кўринади.

Борлиқ тушунчасини Платон (мил. ав. 427-347 йиллар) сезиларли даражада кенгайтирди. У нафақат моддий, балки идеал нарсалар ҳам борлиққа эга эканлигини фалсафа тарихида биринчи бўлиб кўрсатиб берди. Платон «ҳақиқий борлиқ» - «объектив мавжуд ғоялар дунёси»ни фарқлади ва уни «ҳиссий борлиқ»қа қарама-қарши қўйди. Бунда у инсон онгида мустақил мавжуд бўлган тушунчалар борлиғини ҳам кўрсатиб ўтди ва шу тариқа илк бор «борлиқ» тушунчасига амалда мавжуд бўлган барча нарсаларни киритди.

Марказий Осиёнинг энг қадимий китоби “Авесто”китобида, борлиқ ҳаракатдаги дунё, бутун жонли ва жонсиз нарсаларнинг уйғунлигидаги мавжудлик деб ифодаланади.

Ўрта асрлар Европа фалсафасида «ҳақиқий борлиқ - «Худонинг борлиғи» ва «ҳақиқий бўлмаган», яъни Худо яратган борлиқ фарқланади.

Шарқнинг буюк мутафаккирлари Форобий, Ибн Сино ва бошқалар борлиқ муаммосини ҳал қилишда “вужуди вожиб” ва “вужуди мумкин”нинг ўзаро нисбатига мурожаат қилади. Улар фикрича “вужуди вожиб” барча мавжуд ёки пайдо бўлиши мумкин бўлган нарсаларнинг биринчи сабаби. У мутлоқ борлиқ ва донишмандлик ифодаси. “Вужуди мумкин” эса доимо ўзгаришда, зиддиятли муносабатларда бўлиб, унда барча нарсалар оддийдан мураккабга, тартибсизликдан тартиблиликка қараб ҳаракат қилади. “Вужуди вожиб“ яратган энг буюк воқеликдан бири инсон ақлидир.

XVII-XVIII асрларнинг материалист файласуфлари борлиқ тушунчасини физик борлиқ билан боғлайди. Бу файласуфларнинг натуралистик қарашлари механиканинг фаол ривожланиши билан белгиланган ва уларнинг табиат ҳақидаги табиий-илмий тасаввурларини акс эттирган. Бундан борлиқни «натураллаштириш» ғояси келиб чиққан. Мазкур талқин француз материалист файласуфлари (Гольбах, Гельвеций, Ламетри) дунёқарашида айниқса бўртиб кўринади.

Янги давр, сўнгра немис классик фалсафаси даври «субстанция» (дунёни тушуниш замирида ётувчи, нисбатан барқарор ва мустақил ҳолда мавжуд моҳият), «мутлақ «Мен»нинг эркин, соф фаолияти» (Фихте), «объектив ривожланувчи ғоя» (Гегель) каби фалсафий категорияларни қайд этиб, борлиқ муаммолари талқинига янада теранроқ мазмун бахш этди.

XX аср борлиқни тушунишни тарихийлик, инсоннинг мавжудлиги, қадриятлар ва тил билан боғлаб, унинг талқинини ўта кенгайтирди. Борлиқ ҳақидаги ўта кенг, фалсафий тасаввурлар дунёнинг яхлит табиий-илмий манзарасини яратишга ҳаракат қилаётган ҳозирги замон фанининг хулосалари ва қоидаларига асосланиши лозим. Аммо айрим фанлардан иборат фан ўз ҳолича борлиқнинг умумий талқинини бермайди, зеро бу вазифа аввало фалсафий даражада ҳал қилинади. Фалсафанинг бу муҳим роли, унинг мураккаб ҳодисалар, шу жумладан борлиқни билиш борасидаги имкониятлари ҳақида В.И.Вернадский шундай деган эди: «Мен билимнинг ривожланишида фалсафанинг аҳамиятига аксарият натуралистларга қараганда бошқачароқ ёндашаман ва у бунда улкан, самарали аҳамият касб этади, деб ҳисоблайман. Менимча, фалсафа ва фан айни бир жараённинг томонлари – муқаррар ва ажралмас томонлардир. Улар фақат бизнинг ақлимизда ажралади. Агар улардан бири тўхтаб қолса, бошқасининг жонли ўсиши барҳам топган бўлар эди... Фалсафа доим фан куртакларини ўстиради, баъзан ҳатто фаннинг ривожланиш соҳаларини белгилайди.»[1].

[1] Вернадский В.И. Философские мысли натуралиста. – М.: 1988. –С. 412.

Файласуфлар қадим замонлардан буён «борлиқ» ва «йўқлик» хақида бахс юритишган. Улар борлиқнинг вужудга келиши, мохияти, хусусиятлари ва шакллари хақида кўплаб асарлар ёзишган. Хўш, борлиқ нима? Бу савол бир қарашда жуда оддий кўрингани билан унга шу чоққача барча кишиларни бирдай қаноатлантирадиган жавоб топилгани йўқ. Бу холат борлиққа турлича нуқтаи назарлардан қарашларнинг мавжудлиги билан изохланади. Масалан, айрим файласуфлар борлиқни моддийлик, моддий жисмлар билан боғлаб тушунтиришади. Уларнинг нуқтаи назарларича, борлиқ – объектив реалликнигина қамраб олувчи тушунчадир. У холда фикр, инсон тафаккури, ўй-хаёлларимиз борлиқ тушунчасидан четда қолар эканда, деган саволга улар, бундай тушунчалар объектив реалликнинг хосиласидир, деб жавоб беришади.

Дунё манзарасида борлиқ ва йўқлик диалектикаси. Борлиқни ҳар қандай воқелик эга бўладиган умумий, универсал ва бетакрор мавжудлик қобилияти, деб тавсифлаш мумкин. Келтирилган фикр амалда мавжуд нарсагина борлиққа эга бўлиши мумкин, деган хулоса чиқариш имконини беради. «Йўқлик» ҳар қандай тилда амалда мавжуд бўлмаган нарса билан тенглаштирилади ва бошқача тушунилиши мумкин ҳам эмас. Бошқача айтганда, йўқлик борлиқни инкор этади ва нарса, жисм, ҳодиса, онг... (яъни амалда мавжуд бўлиши мумкин бўлган нарсалар) ўзлигини йўқотган ҳолда «йўқлик» атамаси айни шу маънода ишлатилади ва улар ҳақида улар «йўқликка чекинди», мавжуд эмас, дейилади.

Лекин соф фалсафий маънода бу фикрни тўғри деб бўлмайди. Борлиқ ва йўқлик ўртасида диалектик ўзаро алоқа мавжуд. Биринчидан, дунё ҳақидаги ҳозирги тасаввурларга кўра, биз яшаётган Олам бўшлиқдан бино бўлган. Шу маънода бўшлиқ материянинг алоҳида ҳолати ҳисобланади. Бўшлиқ физик борлиқнинг энг бой типи, ўзига хос потенциал борлиқ сифатида намоён бўлади, зеро унда мумкин бўлган барча зарралар ва ҳолатлар мавжуд, бироқ айни вақтда унда актуал тарзда ҳеч нарса йўқ.

Яна шуни ҳам эътиборга олиш лозимки, физиклар (Д.А.Ландау, ва бошқалар) нуқтаи назаридан биз яшаётган Олам ҳам дунёда ягона эмас, чунки у ривожланишнинг турли цикларини бошдан кечираётган турли Оламларнинг чексиз сонидан ташкил топади. Шу маънода борлиқ ва йўқликнинг ўзаро алоқаси ҳам нисбий хусусият касб этади.

Иккинчидан, амалда мавжуд бўлган нарсанинг объектив борлиғи йўқликка чекинади, лекин, шунга қарамай у ҳақда гапирилаётган, яъни у муайян нарса сифатида фикрланаётган бўлса, бу нарса онгда мавжуд бўлади ва ўзининг «иккинчи» борлиғини сақлайди, айни ҳолда у дастлабки объектнинг нусхаси, идеал образ бўлиб қолади.

Шундай қилиб, **борлиқ фалсафий категория сифатида дунёни унинг бутун ранг-баранглиги ва турли-туман намоён бўлиш шакллари билан яхлит акс эттириш имконини беради. Борлиқ – оламдаги барча моддий ва идеал, объектив ва субъектив тарздаги мавжуд нарса ва ҳодисаларни ифодаловчи фалсафий категориядир.** Бунда нарсалар, предметлар, ҳодисалар ўз хусусиятлари, хоссалари билан жамулжам ҳолда акс этади. Дунёни ва унинг таркибий қисми бўлмиш инсонни билиш йўлидаги бу муҳим қадам билан дунёнинг табиати ва моҳияти, унинг ранг-баранглиги, турли даражалари, кўрсаткичлари, шакллари, хусусиятлари ва ҳоказолар ҳақидаги мулоҳазаларнинг асосий координаталар системаси белгиланади. Бунинг учун моҳият, ҳодиса, субстанция, материя, онг, макон, вақт, қонун каби янги фалсафий категориялар муомалага киритилади.

Борлиқ категориясининг фалсафий моҳияти қуйидаги жиҳатлари билан тавсифланади:

1.Борлиқнинг доимий ва абадий мавжудлиги, ундаги нарсалар ва ҳодисалар эса ўткинчилиги;

2. Борлиқнинг ягоналиги, бирлиги, бир бутунлигидир;

3. Борлиқнинг доимий ўзгариш ва ривожланишдалиги;

4. Борлиқ моддийлик ва маънавийликнинг бирлигидир.

Борлиқ ягона бир бутунлик сифатида ўзининг мавжудлик шаклларига кўра хилма-хилдир. Ҳозирги фалсафий адабиётларда борлиқ шаклларини бир-биридан фарқ қилувчи ва айни вақтда бир-бири билан ўзаро алоқадорликда бўлган қуйидаги соҳаларга ажратилган:

1.Инсондан, унинг онгидан ташқарида объектив реаллик сифатида мавжуд бўлган буюмлар, ҳодисалар, жараёнлардан иборат реал моддий борлиқ;

2.Инсон, унинг руҳияти ва онги билан боғлиқ субъектив реаллик сифатида мавжуд бўлган ҳис-туйғулар, фикрлар, ғоялар, қарашлар, билимлар тарзидаги идеал маънавий борлиқ.

Шу билан бирга, уларнинг ҳар бири ўз навбатида яна бир қанча шаклларга бўлинади. Моддий борлиқнинг қуйидаги конкрет шаклларини ажратиш мумкин: табиат борлиғи, инсон борлиғи, ижтимоий борлиқ ёки жамият моддий борлиғи. Маънавий борлиқ эса инсон онги билан боғлиқ барча маънавий ҳодисалар: ҳис-туйғулар, фикрлар, ғоялар, қарашлар, ижтимоий онг шакллари, инсон ва жамиятнинг бир бутун маънавий ҳаётидир. Шу жиҳатдан маънавий борлиқнинг қуйидаги икки кўриниши фарқ қилинади: 1.Индивидуаллашган маънавий борлиқ; 2. Объективлашган маънавий борлиқ.

Маънавийликнинг бу икки кўриниши ўзига хос хусусиятларга эга. Индивидуаллашган маънавий борлиқнинг ташувчиси – бу индивид онги ва руҳиятидир. Конкрет кишининг ҳис-туйғулари, ички руҳий кечинмалари, орзу-истаклари, хотираси, таассуротлари, фикрлари, ҳаёллари, қарашлари, ғоялари, индивидуал онгости ва онгсизлик жараёнлари – булар барчаси индивидуаллашган маънавий борлиқнинг элементларидир. Уларни асосан психология фани ўрганади ва бу хусусда ҳали ўрганилмаган мавзулар талайгина.

Объективлашган маънавий борлиқ – бу индивид онгида пайдо бўлган ғоялар, қарашлар, фикрлар ундан ташқарига чиқиб объективлашуви, реаллашуви, моддийлашувидир, яъни улар индивидуал онгдан ташқарида, объектив тарзда мавжуд бўлади. Объективлашган маънавийлик табиий ва сунъий тиллар материалларида, ижтимоий онг ва унинг шаклларида, масалан, муайян илмий, адабиёт ва санъат асарларида, маданият обидаларида ифодаланган ғоялар, қарашлар, назария ва таълимот шаклларида тарихий тараққиёт давомида ривожланиб, такомиллашиб боради ва асрлар оша инсониятга хизмат қилиб, сақланиб туради. Объективлашган маънавийликнинг яққол ифодаси – бу тил(нутқ)дир, чунки тил – реаллашган онгдир. Тилда онг маҳсули – фикр моддийлашади. Инсоният яратган барча моддий ва маънавий маданият ёдгорликлари, китоблар, формулалар, лойиҳалар, моделлар, ранглар, куйлар, ноталар, рақслар – барча-барчаси маънавийликнинг объективлашган кўринишидир.

Шундай қилиб, борлиқнинг умумий манзарасини яратиш заминидан нотирик табиат ўрин оладиган ўзига хос пирамида ҳосил бўлади. Яъни *борлиқнинг шакллари нотирик табиат, тирик табиат, ижтимоий борлиқ ва инсон борлиғи* кабилардир Борлиқнинг бу умумий шакллари ўзига хос хусусиятга, ўзининг бетакрор моҳиятига эгадир.

1) *табиат борлиғи.* У муфассаллаштирилади ва ўз навбатида ,бирламчи табиат борлиғи (яъни инсон ва унинг фаолиятидан қатъи назар мавжуд бўлган нарсалар ва жараёнлар борлиғи) ва иккиламчи (ёки одамлар томонидан яратилган нарсалар ва жараёнлар борлиғи)га бўлинади. Бирламчи табиат нотирик табиат нарсалари ва жараёнларининг борлиғи – бу бутун табиий ва сунъий дунё, шунингдек табиатнинг барча ҳолатлари ва ҳодисалари (юлдузлар, сайёралар, ер, сув, ҳаво, бинолар, машиналар, акс садо, камалак, кўзгудаги акс ва ш.к.)дир.

Бирламчи табиат борлиғи икки даражани ўз ичига олади.

Биринчи даража жонли руҳсиз жисмлардан, яъни кўпайиш қобилиятига эга бўлган, атроф муҳит билан моддалар ва энергия алмашинувини амалга оширадиган, лекин онгга эга бўлмаган барча нарсалар, яъни сайёрамиз ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини ўз ичига олган бутун биосферадан иборат.

Иккинчи даража – бу инсон ва инсон онгининг борлиғи бўлиб, бу: иккиламчи табиат инсон яратган ёки ўзгартирган табиатдир.Табиат макон ва вақтда чексиз ҳамда абадийдир. Иккинчи ёки инсон томонидан яратилган табиат биринчи табиатга боғлиқ. Бир томондан, иккинчи табиатда биринчи табиат материали, бошқача айтганда объектив, бирламчи борлиқ мужассамлашган, бошқа томондан эса – унда инсоннинг меҳнати, иродаси ва билимлари, унинг қалби ўз ифодасини топган. Иккинчи табиат – бу меҳнат қуроллари ва шароитлари, алоқа воситалари, инсон руҳининг эҳтиёжлари, лўнда қилиб айтганда, маърифатли борлиқ, моддий ва маънавий маданиятни белгиловчи барча нарсалар ва жараёнлардир;

2) *инсон борлиғи.* Бунда таҳлилга қулайлик яратиш учун инсоннинг табиатнинг бир қисми сифатида жисмоний мавжудлигини ва алоҳида инсон борлиғини фарқлаш ўринли бўлади.

Инсон табиатнинг бир қисми ҳисобланади ва шу маънода унинг қонунларига бўйсунади. Тананинг мавжудлиги инсон ўлимга маҳкум эканлигини белгилайди. Инсон борлиқ ва йўқлик диалектикаси билан боғланади ва барча табиат жисмлари каби вужудга келиш, шаклланиш ва ҳалок бўлиш ҳолатларидан ўтади. Барча табиат жисмлари каби, инсон танасига ҳам модда ва энергиянинг сақланиш қонунлари ўз таъсирини кўрсатади, яъни унинг таркибий қисмлари табиатнинг бошқа ҳолатларига ўтади. Инсон танаси мавжуд бўлиши учун уни муттасил қувватлаш (овқатланиш, совуқдан ва бошқа хавф-хатарлардан сақлаш) талаб этилади. Фикрлаш учун инсон танасининг тириклигини таъминлаш зарур. Бундан ҳаётни сақлаш, инсоннинг ўз-ўзини сақлаши ва инсониятнинг яшовчанлигини таъминлаш зарурияти келиб чиқади, бу озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, турар жой, соф атроф муҳитга эга бўлиш эҳтиёжида ўз ифодасини топади;

3) *маънавий борлиқ.* У индивидуаллашган маънавий борлиқ ва объектив (ноиндивидуал) маънавий борлиқ сифатида мавжуд. Индивидуаллашган маънавий борлиқ - бу инсоннинг ички дунёси. У онглилик ва онгсизликни қамраб олади. Бундай ёндашувга кўра (дарвоқе, у бирдан-бир ёндашув эмас), руҳ – индивидуал онг билан айний тушунча, тор маънода эса у тафаккурдир. Онг – инсон бош миясининг дунёнинг борлиғини изчил акс эттириш, уни образлар ва тушунчаларга айлантириш қобилияти. У таассуротлар, сезгилар, кечинмалар, фикрлар, шунингдек ғоялар, эътиқодлар, қадриятлар, мўлжаллар, андозаларнинг кўринмас жараёни сифатида мавжуд. Шаклан бу жараён тартибсиз, лекин шу билан бир вақтда унда муайян тартиб, барқарорлик, структура, муайян даражада интизом ва ирода мавжуд.

Инсон онги айни вақтда унинг ўз-ўзини англаши, яъни ўз танаси, фикрлари ва туйғуларини, ўзининг бошқа одамларга бўлган муносабатини ва ўзининг жамиятдаги ўрнини англаб етиши, яъни ўзини ўзи билишдир. Ўзликни англаш – бу онгимизнинг ўзига хос марказидир.

Индивидуал онг ўзининг ўлимга маҳкумлиги билан тавсифланади, лекин унинг айрим қисмлари ноиндивидуал маънавий шакл-шамойил касб этади, шунингдек бошқа кишилар мулкига айланади. Хатти-ҳаракатларда инсон онгининг фрагментлари моддийлашади, уларга қараб одамларнинг ниятлари, мўлжаллари, мақсадлари, ғоялари ҳақида хулоса чиқарилади. Ноиндивидуал маънавий борлиқнинг ўзига хос хусусияти шундаки, унинг элементлари сақланади, такомиллашади ва ижтимоий макон ва вақтда эркин ҳаракатланади;

4) *ижтимоий борлиқ.* У айрим инсоннинг жамиятдаги борлиғи ва жамиятнинг ўз борлиғига бўлинади. Ҳар бир инсон бошқа одамлар билан муттасил алоқа қилади, турли ижтимоий гуруҳлар: оила, ишлаб чиқариш жамоаси, миллатнинг аъзоси ҳисобланади. Шундай қилиб, у бошқа индивидлар билан яқин алоқа қилиб яшайди. Одамларнинг барча фаолияти мазкур социумга хос бўлган ижтимоий муносабатлар, чунончи: сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, ахлоқий ва бошқа муносабатлар доирасида амалга оширилади.

Инсон тараққиётининг илк босқичларида, одам табиатдан эндигина ажралиб чиққан кезларда жуда ночор ҳаёт кечирган, у табиат кучларига қарам бўлган, табиатнинг тайёр маҳсулотларини истеъмол қилиб кун кечирган. Кейинчалик меҳнат туфайли, меҳнат қуроллари ясаш, моддий ва маънавий бойликларни яратиш асосида кишилик жамияти пайдо бўлади ва ривожланади.

Фаробийнинг фикрича, «Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади... Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Шунинг учун инсон шахслари кўпайдилар ва ернинг аҳоли яшайдиган қисмига ўрнашадилар ва натижада инсон жамоаси вужудга келди». *(Абу Наср Форобий, Фозил одамлар шахри . – Т., 1993,186-бет).*

Хуллас, «борлиқ» категорияси ўта умумий фалсафий абстракция бўлиб, у турли-туман табиат ҳодисалари ва жараёнларини, одамлар жамоалари ва айрим кишиларни, ижтимоий институтларни, инсон онгининг даражалари, шакллари ва ҳолатларини мавжудлик белгисига кўра бирлаштиради. Гарчи бу ҳодисалар ва жараёнлар борлиқнинг турли соҳаларига тааллуқли бўлса-да, уларнинг барчасини умумий асос бирлаштиради. Аммо чексиз даражада ранг-баранг дунёнинг ягоналиги тўғрисида сўз юритиш мумкинми? Бу саволга «ҳа» деб жавоб бериш орқали биз бутун борлиқнинг умумий асоси ҳақида тасаввур ҳосил қиламиз. Бу ҳақда қуйида сўз юритилади.

2-савол баёни: Табиатнинг онтологик мақоми. «Табиат» тушунчаси энг муҳим ва кенг қўлланиладиган фалсафий категориялардан биридир. Бу атама бир неча талқинга эга бўлиб, фалсафада кўпинча у кенг, тор ва махсус маънода ишлатилади. Мазкур маъноларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга.

Табиат тушунчасининг кенг маъноси борлиқни, бутун дунёни барча ранг-баранг шакллари билан жамулжам ҳолда акс эттиради. Бу маънода «табиат» атамаси борлиққа нисбатан татбиқ этилади ва «материя» категориясидан ҳам кенгроқ фалсафий категория сифатида амал қилади, зеро у моддий ва маънавий асосларнинг бирлигидан иборат муайян яхлитлик сифатидаги инсониятни ҳам ўз ичига олган Коинотнинг бутун моддий-энергетик ва ахборот дунёсини қамраб олади. Айни шу маънода «табиат» тушунчаси фалсафанинг борлиқ муаммолари ўрганиладиган соҳаси, яъни онтологияда кенг қўлланилади. Мазкур атама кўрсатилган маънода фалсафада кўпроқ XIX асргача ишлатилган.

Табиат тушунчасининг тор маъноси XIX асрда ҳаётнинг пайдо бўлиши ва Ердаги эволюция жараёнлари муаммоларини тушунишга нисбатан янгича ёндашувлар юзага келиши, шунингдек Инсон дунёда ўз ўрнини англаб етиши билан шакллана бошлади. Шу маънода *«табиат» атамаси муайян ҳажмгача торайиб, объектив борлиқнинг биосфера (Ж.Ламарк 1802 йилда биосфера атамасини муомалага киритган), яъни «ҳаёт соҳаси» деб номлаган қисмигина англата бошлади*. **Биосфера жонсиз табиатнинг аввалги ривожланиш маҳсули бўлиб, Ернинг ҳаёт кечаётган нозик қатламини ташкил этади.** У атмосфера, гидросфера ва литосферанинг юқори қисмини қамраб олади.

Шу маънода, табиат инсонни қуршаган муҳитни, яъни борлиқнинг биосферадан биологик тур сифатида ўрин олган инсоннинг мавжудлик шароитлари мажмуи сифатида амал қиладиган қисмини англата бошлади. Шу сабабли «табиат» атамасининг мазкур маъноси ижтимоий фалсафада айниқса кўп ишлатилади ва одамлар яшайдиган табиий муҳитни ҳам, инсон қўллари билан яратилган (ўзгартирилган) сунъий муҳитни ҳам қамраб олади. Бошқача айтганда, айни ҳолда ўзаро боғлиқлик ва бирликда инсон яшайдиган маконни ташкил этадиган «бирламчи» ва «иккиламли» табиат назарда тутилади.

«Табиат» тушунчасининг махсус талқинида эса эътибор муҳокама предметининг илдизлари, фундаментал асосларини ёритишга қаратилади.

«Табиат» тушунчасининг юқорида зикр этилган учала маъноси ҳам ҳозирги фалсафий ва илмий адабиётларда кенг қўлланилади, аммо унинг иккинчи биосфера, атроф муҳит билан тенглаштириладиган маъноси сўнгги вақтда экология муаммоларига эътибор сезиларли даражада кучайгани муносабати билан айниқса кенг тарқалди. Айни шу сабабли ҳозирги вақтда «экология», «атроф муҳит» каби тушунчалар ҳам фаол ишлатилмоқдаки, бу ҳақда қуйида батафсилроқ сўз юритамиз.

Бутун тарих мобайнида одамлар ўзларининг атроф муҳитга таъсир кўрсатиш қобилиятларини тинимсиз ривожлантирдилар ва такомиллаштирдилар. Шу тариқа жамиятнинг табиат билан ўзаро муносабатлари ҳам ўзгариб борди. Бугунги кунда тарих, археология, география, этнография соҳасида ва бошқа фанларда мавжуд илмий маълумотлар табиатга антропоген таъсир инсониятнинг сон ва сифат жиҳатидан ўсишига мутаносиб равишда тинимсиз кучайиб боргани ва пировард натижада ижтимоий ривожланишнинг асосий босқичларини акс эттирганини тасдиқлайди. Бу босқичларнинг ҳар бирига атроф

муҳит билан инсон муносабатларининг ўзига хос шакллари ва унинг онгида табиатнинг ҳар хил инъикоси хосдир.

География муҳит тушунчаси. Табиий муҳит айрим кишилар ҳаётига таъсир кўрсатиши одатда кўпгина аниқ-равшан сабабларга кўра жиддий шубҳа уйғотмайди. Шунга қарамай, ижтимоий-тарихий жараён ёки моддий ишлаб чиқаришнинг ривожланиши тўғрисида сўз юритилган ҳолда улар табиий шароитга боғлиқ бўладими, агар боғлиқ бўлса, бу нимада акс этади, деган савол туғилади. Шу муносабат билан «географик муҳит» тушунчасининг таҳлили муҳим аҳамият касб этади. Бу тушунча фан ва фалсафада мазкур мавзуни муҳокама қилиш чоғида унга маъно жиҳатидан яқин бўлган «табиат», «табиий муҳит», «атроф борлиқ» каби атамалар билан бир қаторда фаол қўлланилади, аммо ўз мазмунида уларга боғланмайди.

Географик муҳит – бу Ер табиатининг инсон фаолияти доирасига жалб қилинган ва жамият мавжудлиги ва ривожланишининг зарурий омили ҳисобланадиган қисмидир. Айни ҳолда турли параметрлар: *ҳудуд, иқлим, ресурслар, ландшафт, жой рельефи ва шу кабиларнинг ижтимоий ривожланиш суръатлари ва хусусиятига таъсири тўғрисида* сўз юритилади.

Ижтимоий ривожланиш ва географик муҳитнинг ўзаро таъсири. Аксарият олимлар фикрига кўра, *географик муҳит жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий тузилишини белгиловчи асосий омил ҳисобланмаса-да, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш суръатини жадаллаштириб ёки пасайтириб, тарихий жараёнга таъсир кўрсатиши мумкин.* Шуни таъкидлаш лозимки, XX асрга қадар одамларнинг иқтисодий ва илмий-техникавий салоҳияти юксалгани сари уларнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаёти географик муҳит ва табиатнинг стихияли кучларига камроқ боғлиқ бўлиб борган.

XX аср вазиятни бутунлай ўзгартирди: у нафақат кўрсатилган қонуниятни бузди, балки уни тескари буриб юборди; яъни инсоният умумбашарий ҳодисага айлангач, унинг иқтисодий ўсиши географик муҳитнинг табиий чегараларига келиб тақалди. Бу муҳит ўз майдони ва ресурслари жиҳатидан одамлар ишлаб чиқариш фаолиятининг тобора ўсиб бораётган ҳозирги миқёси учун ҳаддан ташқари кичкина бўлиб қолди. Олимларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, охирги уч ўн йилликнинг ўзида жаҳонда инсоният ўзининг олдинги бутун тарихи мобайнида истеъмол қилган миқдорда хом ашё ишлатилган. Иқтисодий ўсишнинг мавжуд суръатлари сақланган тақдирда, яқин ўн йилликларда саноат ишлаб чиқариши яна икки-уч баравар кўпайиши мумкин бўлиб, бу жуда кўп миқдорда қўшимча табиий ресурсларни талаб қилади.

Шундай қилиб, бугунги кунда географик муҳитнинг ўзгаришида етакчи рол инсонга ўтди, бироқ айни вақтда у юқорида зикр этилган табиий тўсиқларга дуч келиб, XX аср бошида қўлга киритилган географик муҳитга нисбатан ўз мустақиллигини йўқотди. Жамият ривожланишида географик муҳитнинг ролини асослашга бўлган қизиқиш асрлар мобайнида сақланиб қолаётгани ва вақти-вақти билан кучайиб туриши, айни шу ҳол билан изоҳланади.

Географик мактаблар. Бу соҳада тўпланган ғоялар мажмуи турли даврларда анча машҳур бўлган «географик детерминизм», «ижтимоий детерминизм» ва «геосиёсат» концепцияларини ўз ичига олган географик мактабни ташкил этади.

\Инсон фаолияти табиий муҳитга тўла боғлиқ деган ғояни исботлашга ҳаракат қилувчи қарашлар механистик ***географик детерминизм****дир*. Бу оқимнинг асосчиси ва атоқли намояндаси француз маърифатчи файласуфи Ш.Л.Монтескье (1689-1755)дир. «Қонунлар руҳи» деб номланган асарида у ўз концепциясини атрофлича баён этди. Бу таълимотга мувофиқ одамлар ҳаёти, уларнинг ахлоқи, қонунлари, одатлари ва ҳатто сиёсий тузуми улар яшайдиган географик муҳит ва иқлим шароитидан келиб чиқади. У табиат одамларни туғилгандан тенг қилиб яратишини тан олиб, сўнг уларни географик детерминизм нуқтаи назаридан фарқлайди.

Инглиз иқтисодчиси Т.Р.Мальтус (1766-1834) бундай ғояларни ривожлантириб, ижтимоий ривожланишнинг яна бир табиий омили бўлган демографик масалага эътибор қаратди ва кенг тарқалган концепцияни илгари сурди. Бу концепцияга мувофиқ аҳоли сонини

унинг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланганлик даражасига қараб тартибга солувчи «табиий қонун» пайдо бўлди. *Мазкур қонунга биноан сайёрамиздаги одамлар сони геометрик прогрессия бўйича кўпайиб боради, тирикчилик воситалари эса фақат арифметик прогрессия бўйича ўсади, бу эса муқаррар тарзда аҳоли ҳаддан ташқари кўпайиб кетишига олиб келади ва ижтимоий тангликларга сабаб бўлиши мумкин.* Мальтус ижтимоий ривожланиш табиатнинг абадий қонунлари ҳукмига қатъий бўйсунишини қайд этади.

Мальтус ғояларининг издошлари ўз ўтмишдошининг ўта совуқ хулосаларидан халос бўлиб, унинг таълимотини XX аср бошида юз берган «демографик портлаш» тўлқинида вужудга келган неомальтусчилик кўринишида давом эттирдилар.

Ижтимоий детерминизм *ижтимоий ривожланиш даражаси ва йўналиши биринчи навбатда моддий ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражаси билан белгиланишидир.* Шу нуқтаи назардан табиат одамлар тарихига аралашади, чунки ишлаб чиқариш жараёнида инсон нафақат уни, балки ўзини ҳам ўзгартиради. Пировардида инсоннинг моҳиятини ташкил этадиган ижтимоий муносабатлар мажмуи ўзгаради. Бундан одамлар айрим фазилатларининг шаклланиши ҳам, жамиятнинг ривожланиши ҳам аввало географик муҳитга эмас, балки моддий ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлади ва одамлар ишлаб чиқариш фаолиятининг тарихан ўзгарувчи хусусиятини таҳлил қилиш чоғидагина муайян табиий шароитлар у ёки бу ижтимоий жараёнларга қандай таъсир кўрсатиши ҳақида гапириш мумкин, деган хулосага келинади. Айни ҳолда табиат ва жамиятнинг ўзаро алоқасида фаол томон сифатида доим инсон амал қилади. Табиий муҳит хусусиятини ижтимоий муҳит хусусияти эмас, балки аксинча, ижтимоий муҳит хусусиятини табиий муҳит хусусияти белгилайди.

Шу маънода одамлар табиат билан ўз моддалар алмашинувини тартибга соладилар, уни ўз умумий назорати остига оладилар ва шу тариқа табиатнинг кўр-кўрона кучлари уларнинг устидан ҳукмронлик ўрнатишига тўсқинлик қиладилар.

Геосиёсат. Юқорида келтирилган нуқтаи назарлардаги қарама-қаршиликни географик детерминизмнинг атоқли намояндаси Г.Т.Бокль (1821-1862) «Англия цивилизацияси тарихи» деб номланган асарида ўзига хос иқлим ва табиатга эга бўлган мустамлака халқларининг қолоқлигини тушунтиради ва ижтимоий тенгсизликнинг табиийлиги ҳақида хулоса чиқаради. Кейинчалик Боклнинг бу ғоялари географик мактабдаги янги йўналиш – *геосиёсат*ни яратди. *Демак, геосиёсат ижтимоий тенгсизликнинг табиийлиги* ғоясидир. Мазкур йўналишнинг асосий ғояларини Германияда Ф.Ратцел ва К.Хаусхофер, Буюк Британияда Г.Маккиндер, АҚШда А.Т.Мэхэн ва Н.Спикмен, Швецияда Р.Челлен илгари сурди. «Геосиёсат» атамасини 1916 йилда биринчи бўлиб ишлатган Р.Челлен ўзининг «Давлат ҳаёт шакли сифатида» деб номланган асарида Ф.Ратцелнинг социал-дарвинистик ғояларини ривожлантирди. *Бу ғояларга мувофиқ табиий шароит жаҳон тарихида давлатлар ривожланишининг энг муҳим омили ҳисобланади, давлатнинг ўзи эса географик муҳитнинг турли омиллари аҳолига кўрсатган таъсир натижасида шаклланган биологик организм сифатида қаралади***.** Бундан Челлен у ёки бу давлатнинг ҳаёт макони учун кураши ҳар қандай жонли организм қонуни – яшаш учун кураш табиий қонунидан ўзга нарса эмас, деган хулосага келади. Унинг фикрича, тор маконга эга бўлган «яшовчан давлатлар» қатъий сиёсий императивга амал қилиб, ўз ҳудудини истилочилик, мустамлакаларни қўлга киритиш йўли билан кенгайтиришга ҳаракат қилишининг замирида айни шу қонун ётади. Бошқача айтганда, урушлар, Челлен фикрига кўра, нафақат муқаррар, балки зарурдир.

Шу кўринишда геосиёсат ирқлар назарияси билан бир қаторда немис миллатчиларининг расмий сиёсати негизини ташкил этди ва Иккинчи жаҳон урушига тайёргарлик, «ҳаёт макони»ни қўлга киритиш ва босиб олинган ҳудудларда яшовчи халқларнинг оммавий қирғинини асослади. Нацистик геосиёсатнинг таниқли намояндаси Карл Хаусхофер 1924 йилдан «Геосиёсий журнал» нашр этиб, бу геосиёсатнинг асосий ғояларини ривожлантирди, *Гитлер*нинг «Майн кампф» асарини яратишга кучли таъсир кўрсатди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин *фашистик геосиёсат унинг ҳаёт макони ва ирқий устунлик ғоялари билан жиноий таълимотлар қаторига киритилди.*

Географик детерминизм ғоялари бошқача шаклларда бугунги кунда ҳам, хусусан, «илғор индустриал Шимол» ва «қолоқ аграр Жануб» ўртасида, яъни иқтисодий ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасида мавжуд улкан тафовутни тушунтириш (ва оқлаш) учун фаол қўлланилмоқда.

XX асрда табиат воқелиги: экологик танглик. Сўнгги юз йил ичида одамларнинг табиат билан ўзаро муносабатларида ҳайратомуз ўзгаришлар юз берди. Бир томондан, миқдор ва сифат ўзгаришларининг ўзаро алоқадорлиги қонуни амал қилиб, инсон фаолиятининг асрлар мобайнида зимдан йиғилиб келган салбий оқибатлари жамулжам ҳолда янгича сифат касб этди. Бу илгари яшовчанлик қобилиятига эга бўлган кўпгина ҳудудлар яйдоқ саҳрога айланишида, атмосфера, сув ҳавзалари ва шу кабиларнинг ҳалокатга элтадиган тарзда ифлосланишида намоён бўлди. Хусусан, ҳозирги вақтда бутун қуруқлик юзасининг 40% дан кўпроғини саҳролар эгаллаган. Стратосферанинг озон пардасидаги тешиклар, оқава сувлар ташланадиган «ариқлар»га айланиб қолган кичик ва катта дарёлар ҳам бир лаҳзада пайдо бўлгани йўқ.

Айни вақтда, сайёра тобора кўпайиб бораётган одамларга ҳаддан ташқари тор, «кичкина» бўлиб қолди. Бугунги кунда қуруқлик, сув ёки фазонинг инсон таъсиридан холи бўлган бирорта ҳам қисми қолгани йўқ. *Табиатга салбий антропоген таъсир даражаси ортида табиий муҳит таназзули орқага қайтариб бўлмайдиган хусусият касб этадиган чегарага етмоқда.* Бундай ҳолат *экологик танглик* сифатида тавсифланади. Унинг моҳияти шундан иборатки, табиий системалар ҳаддан ташқари зўриқиши, атроф муҳит (сув, ҳаво, тупроқ) ифлосланишининг муайян меъёрлари мисли кўрилмаган даражада бузилиши натижасида табиий жараёнларда мувозанатнинг бузилиши юз беради. Пировардида экологик тизимлар доирасида ўзаро алоқалар ва «жамият-табиат» системасининг кўпгина параметрлари издан чиқади.

Экологиянинг келиб чиқиши. «*Экология*» атамаси этимологик жиҳатдан юнонча *oikos* – уй, бошпана ва *logos* – таълимот сўзларидан келиб чиққан бўлиб, кенг маънода яшаш муҳитига эга бўлган жонли организм (ёки жонли организмлар, мавжудотлар) ташкил этган ҳар қандай системани англатади. Бу атамани немис биологи *Э.Геккель* 1869 йилда биологиянинг вазифаси жонли организмларнинг атроф муҳит билан ўзаро алоқасини ўрганишдан иборат бўлган бўлимларидан бирини белгилаш учун илмий муомалага киритган. Экология масалалари узоқ вақт мобайнида фақат табиий фанлар, аввало биология доирасида ўрганилди. Сўнгра, жамиятнинг табиат билан муносабатларида иқтисодий, ижтимоий ва ҳатто сиёсий жиҳатлар аниқланишига қараб, экология ижтимоий фанларнинг ҳам предметига айланди. Илк ижтимоий ва фалсафий тадқиқотларнинг ўзиёқ жамият ва табиатнинг ўзаро алоқаси муаммолари – бу аввало жамиятнинг, унинг ижтимоий-иқтисодий тузилишининг, шаклланган қадриятлар тизими ҳамда атроф муҳит ва инсоннинг ундаги ўрни ҳақидаги тасаввурларнинг муаммолари эканлигини тасдиқлади.

Бугунги кунда «**ижтимоий экология**» деб номланган илмий тадқиқотлар соҳаси вужудга келди, «экология» атамаси эса биология фанлари доирасидан анча четга чиқиб, жуда тез ва кенг тарқалди. Ижтимоий экология илмий ва фалсафий билимлар соҳаси сифатида яқиндагина – XX аср 60-йилларининг охиридан 80-йилларнинг ўрталаригача бўлган даврда вужудга келган.

Экологик муаммолар кескинлашувига қараб улар янада фаолроқ ўрганила бошланди. Ижтимоий экологиядан ташқари, илмий билимнинг бошқа, бутунлай янги соҳалари, чунончи: инсон экологияси, глобал экология, шаҳар экологияси юзага келди. Айрим кишилар ва жамиятнинг атроф муҳит билан ўзаро алоқаси жабҳасида экологик муаммолар кўп жиҳатдан фалсафий маъно касб этди, чунки у инсон борлиғининг фундаментал асосларига дахлдордир, Ердаги ҳаётнинг бетакрорлиги ва унинг биологик ранг-баранглигини сақлаш зарурлиги ҳақидаги масалани янгидан қўйди.

Бундай экологик муаммоларни фалсафий англаб етиш ўзига хос хусусият касб этади. Зеро, фалсафа табиат ва жамиятнинг ўзаро муносабатларида юзага келувчи айрим

муаммоларни ҳал қилмайди ва уларни бартараф этиш юзасидан муайян тавсиялар бермайди. Бу махсус фанларнинг вазифасидир. *Фалсафанинг роли эса – муайян натижаларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш, юз бераётган жараёнлар динамикаси ва тенденцияларини аниқлаш, табиий ўзаро алоқалар, тарихий боғлиқликларни аниқлаш* ва шу кабиларга мувофиқ фалсафий хулосалар чиқаришдан иборат, унда муҳим тушунчалар аниқланади, асосий тамойиллар белгиланади, бу нафақат билиш мақсадлари, экологик таълим ишига хизмат қилади, балки табиатни муҳофаза қилиш борасида муайян вазифаларни ҳал қилувчи айрим фанлар учун методологик таянч ҳисобланади.

Ҳозирги жамият ва табиатнинг ўзаро алоқасида юз берган ўзгаришлар моҳияти, шунингдек бундай ўзаро алоқанинг истиқболларини таниқли рус олими *В.И.Вернадский* (1863-1945) XX асрнинг 30-40-йилларида илмий жиҳатдан анча теран ёритиб берди. У инсоннинг табиатни ўзгартирувчи фаолияти таъсирида биосферада дунё миқёсида юз берган сифат ўзгаришларига биринчилардан бўлиб эътиборни қаратди ва мазкур фаолликнинг мисли кўрилмаган миқёси ва шаклларини таҳлил қилиб, ҳозирги босқичда *инсоният қудратли геологик куч*га айланади, деган хулосага келди[1].

Вернадский жамиятга жонли ва жонсиз табиатнинг бирлиги сифатида, инсон фаол субъект сифатида ҳукмронлик қилувчи яхлит система сифатида ёндашиб, жамият ва табиатнинг ўзаро алоқасида инсон фаолияти таъсирида юз берган сифат ўзгаришларини илмий асослашга ҳаракат қилди. Жамият ва табиатнинг ўзаро алоқасида инсоннинг оқилона фаолияти энг муҳим омилга айланадиган ҳолатга эришишни у ***«ноосфера»*** (юнон. *noos* – ақл, идрок ва *sphaira* – соҳа), яъни *ақл-идрок соҳаси* деб номлади. Шундан бери ***ноосфера*** *инсоннинг ҳар қандай ўзгартирувчи фаолияти табиий ва ижтимоий жараёнларни илмий тушунишга асосланадиган ва табиат ривожланишининг умумий қонунлари билан мувофиқлаштириладиган материя мавжудлиги барча шакллари бирлашувининг олий босқичи* сифатида тушунилади. Бошқача айтганда, бу «жамият-табиат» системаси тадрижий ривожланишининг олий босқичи, ҳали мавжуд бўлмаган, лекин шакллана бошлаган ва агар инсоният бўҳронлар юз беришини хоҳламаса ва келажакда муносиб ҳаёт кечиришни истаса, албатта мавжуд бўлиши керак бўлган босқичдир.

«Ноосфера» атамаси илк бор XX асрнинг 20-йилларидан француз олимлар *Э.Леруа* ва *П.Тейяр де Шарден* томонидан ишлатила бошлади. Улар ноосферага идеал тузилма, сайёранинг биосферадан ташқаридаги алоҳида «тафаккур пардаси» сифатида қарадилар. В.И.Вернадский «ноосфера» тушунчасига бутунлай бошқача маъно юклади. Мазкур атамани 30-йилларнинг бошларида қабул қилиб, *у ноосферага биосферани ва умуман табиатни ўзгартиришга қаратилган инсон фаолияти натижаси сифатида ёндашди*.

Аксарият тадқиқотчилар фикрига кўра, бундай босқичга эришиш жамият ва табиат бир йўналишда – ўзаро алоқасини оптималлаштириш йўлида тадрижий ривожланишни тақозо этади. Муштарак ривожланишга табиат ва жамият ***коэволюцияси*** деб аталади ва ноосферага эришиш унинг тадрижий якуни ҳисобланади.

3-савол баёни: Борлиқни шаклларга ажратишда унинг асосида, моҳиятида нималар ётишига эътибор қаратиш лозим. Фалсафа тарихида ўзининг мавжудлиги учун ўзидан бошқа ҳеч нарсага муҳтож бўлмаган шундай биринчи асосни ифодалаш учун *«субстанция»* (лот. substantia – моҳият, асос) категорияси қўлланилади. ***Субстанция - муайян нарсалар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар хилма-хиллигининг ички бирлигида намоён бўлувчи асос, моҳият демакдир.***

Субстанция дейилганда фалсафада дастлабки пайтларда борлиқ, табиат, жамият, инсон ва дунёдаги барча нарса ва ҳодисаларнинг асосида ётувчи моддий ёки руҳий моҳият англанган. Илк фалсафий йўналишларнинг вакиллари барча нарсалар асосини ташкил этувчи моддани биринчи асос сифатида тушунганлар. Одатда, бундай асос сифатида ўша даврда умумий эътироф этилган биринчи стихиялар: ер, сув, ҳаво, олов ёки фикрий конструкциялар,

[1] Қаранг: Вернадский В.И. Химическое строение бисферы Земли и её окружения. – М.: 1965. – С.328.

«биринчи ғиштлар» - апейрон, атомлар қаралган. Ўрта аср Шарқ фалсафаси намояндалари ал-Киндий, Закариё Розий, Форобий, Ибн Сино, Ибн Рушд асарларида субстанция деб ҳамма нарсанинг моддий ёки маънавий асоси, моҳияти тушунилган. Субстанцияга қарама-қарши тушунча «*акциденция*» деб аталган. Акциденция (лот. *accidentia* - ўткинчи, тасодифий) нарса ва ҳодисаларнинг ўткинчи сифатларини ифодалайди. Форобийнинг ёзишича, «оламда субстанция ва акциденция ҳамда уларни яратувчи марҳаматли ижодкордан бошқа ҳеч нарса йўқдир»[12]; «Акциденцияни сезгилар оқрали ҳис этиш мумкин, субстанцияни эса фақат ақл англаб етади»[13]; «Масалан, олма - субстанция бўлса, унинг қизиллиги эса акциденциядир»[14].

Кейинчалик субстанция категорияси ўзгармас, нисбатан барқарор ва ҳеч нарса билан боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд ўта кенг асосга айланди. Инсон идрок этадиган дунёнинг бутун ранг-баранглиги ва ўзгарувчанлиги субстанция билан боғлана бошлади. Бундай асослар сифатида фалсафада асосан материя, Худо, онг, ғоя, эфир ва шу кабилар амал қилган. Нидерланд файласуфи Бенедикт Спиноза (1632-1677) буни «causa sui» – «ўз-ўзининг сабабчиси» иборасида жуда тўғри ифодалаган. Субстанция деганда у ўз ҳолича мавжуд бўлган ва ўзи орқали зоҳир бўлган, яъни ўзининг мавжудлиги учун бошқа нарсага муҳтож бўлмаган нарсани тушунган. Бунда бир томондан, субстанция материя сифатида тушунилади, бошқа томондан – у ўзининг барча шакллари сабаби ва «субъекти» сифатида амал қилади. Бу Б.Спинозани субстанцияни бир вақтнинг ўзида ҳам табиат, ҳам Худо сифатида таърифлагани ва бу икки тушунчани тенглаштиргани унинг пантеизмидан далолатдир. Б.Спиноза илгари сурган субстанцияни табиийлаштириш ғоясини Гольбах изчил ривожлантирди. У барча субстанцияли нарсаларни табиатга ва фақат табиатга боғлади. «Табиат ҳамма нарсанинг сабабчисидир; у абадий мавжуддир; табиат ўз-ўзининг сабабчисидир...». «Табиат қандайдир буюм эмас; у доим ўз ҳолича мавжуд бўлган; ҳамма нарса унинг бағрида вужудга келади; у барча нарсалар билан таъминланган улкан устахонадир...»[15]. Шу маънода табиат ҳам, субстанция ҳам сиртдан ҳеч қандай турткига муҳтож эмас.

Субстанция ғоясидан турли фалсафий таълимотлар дунёнинг бирлиги ва унинг келиб чиқиши ҳақидаги масалага ўзлари қандай жавоб беришига қараб ҳар хил фойдаланадилар.

Монизм. *Дунёнинг нарсалар ва ҳодисалар ранг-баранглиги бир субстанциядан иборат деган таълимот «монизм» (юнон. monos – битта, ягона) деб аталади.* Дунёнинг келиб чиқиши ва моҳияти ҳақидаги ҳозирги илмий тасаввурлар, шунингдек биринчи асос муаммосига нисбатан фалсафа тарихидаги энг салмоқли ёндашувлар кураши нуқтаи назаридан субстанция табиатини тушунишга нисбатан анча кенг тарқалган икки ёндашув – материалистик ва идеалистик монизмни қайд этиш лозим.

Материалистик монизм деб тавсифланадиган биринчи ёндашув дунё ягона ва узвий, у азалдан моддий ва дунёнинг бирлиги замирида айни шу моддийлик ётади, деб ҳисоблайди. Бу концепцияларда руҳ, онг ва идеалликдан эмас, балки моддийликдан келтириб чиқарилади. Бундай ёндашувларнинг ўта ривожланган кўринишларига биз Фалес, Гераклит, Спиноза, ва унинг издошлари асарларида дуч келамиз.

Идеалистик монизм эса, аксинча, материяни ҳар қандай борлиқнинг боқий мавжудлиги, йўқ бўлмаслиги ва биринчи асосига эга бўлган қандайдир идеал нарсанинг маҳсули деб ҳисоблайди. Бунда объектив-идеалистик монизмни (масалан, Платонда – бу ўлмас ғоялар, ўрта аср фалсафасида – Худо, Гегелда – яратилмайдиган ва ўз-ўзидан ривожланадиган «мутлақ ғоя») ва субъектив-идеалистик монизмни фарқлаш мумкин.

Дуализм. *Биринчи асос сифатида иккита субстанция олинган фалсафий ёндашув дуализм (лот. dualis – икки ёқлама) деб аталади.* Немис файласуфи Х.Вольф XVIII аср бошида «дуализм» атамасини фалсафий муомалага киритган.

---

[12] Форобий. Рисолалар. Т.:Фан, 1975. 50-б.
[13] Ўша асар. 50-б.
[14] Ўша асар. 54-б.
[15] Гольбах.// Всемирная энциклопедия. –М.: Современный литератор, 2001. –С. 246.

Икки асос, айтайлик, муҳаббат ва нафрат, яхшилик ва ёмонлик, эркинлик ва заруриятнинг тенг ҳуқуқлилиги ғояси илгари сурилган ҳар қандай фалсафий назария дуалистик назария сифатида амал қилган.

Рене Декарт фалсафа тарихидан дуализмнинг ёрқин вакили сифатида ўрин олди. Р.Декартнинг радикал механицизми уни материянинг бутунлай руҳсизлиги ҳақидаги ёндашувга олиб келди. Р.Декарт назарида, моддий жисмоний субстанция ўз атрибути сифатида узунлик, кенглик ва чуқурлик кўламигагина эга. У мутлақ бўшлиқни истисно этади, ҳаракатланиш, яъни жисмоний зарраларни бўлиш, жойдан-жойга кўчириш ва ўзгартириш қобилиятига эга.

Маънавий ҳаёт файласуф назарида моддий ҳаётдан алоҳида, ўзининг билиш ва фикрлаш фаолияти, интеллектуал интуиция ва дедукция каби ўзига хос кўринишларида намоён бўлди. У руҳий субстанциянинг бутунлай жисмсизлигини эътироф этди.

Француз материалист файласуфи Ж.Ламетри (1709-1751) ўзининг «Руҳнинг табиий тарихи» деб номланган асарида дуализмни инкор қилади. У ўзида тажриба ўтказган – безгак касаллигига чалингач, унинг кечишини кузатган, пировардида, инсоннинг руҳий ҳолати унинг жисмоний вужудига боғлиқ, деган хулосага келган. Ж.Ламетри монистик-материализмни ҳимоя қилиб, чексиз такомиллашувчи ягона моддий субстанция мавжуд, деган ғояни илгари сурган.

Икки субстанция – маънавий ва моддий субстанцияларни фарқлаш, бу мантиқий нуқтаи назардан нотўғри ва рационал маънода жуда кўп қийинчиликларга сабаб бўлиши мумкин. Фикрлаш ва кўламга икки субстанция тарзида, яъни бир-бирига боғлиқ бўлмаган мустақил асослар сифатида ёндашилганида, «руҳ» ва «тана» ўз ҳаракатларида қандай уйғунлашиши, умуман, «тана» қандай қилиб фикрлаш қобилиятини касб этиши мумкинлигини тушуниш қийин. Моҳият-эътиборига кўра, субстанция бутун мавжудот асоси, ҳамма нарсани ўз ичига олувчи ва ўзини намоён қилиш учун ҳеч нарсага муҳтож бўлмаган ягона биринчи асос сифатида намоён бўлган

Плюрализм. *Дунёнинг негизида иккита эмас, балки ундан кўпроқ моҳият борлигини тан олувчи таълимот плюрализмдир.* «Плюрализм» (лот. – кўплик, кўп хиллик, кўп сонлик) атамасини ҳам Х.Вольф 1712 йилда таклиф қилган. Бу тушунча онтологияда айниқса, жиддий қийинчиликлар туғдирган. Чунки айни шу таълимотда борлиқнинг кўп сонли мустақил ва ўзаро боғланмайдиган асосларини илгари суриш лозим эди.

Лейбницнинг «монадологияси», яъни монадалар ҳақидаги таълимоти плюрализмнинг классик кўриниши ҳисобланади. Ушбу таълимотга кўра, дунё сон-саноқсиз руҳий субстанциялардан ташкил топади. Аммо, плюралистик ёндашувнинг бундан олдинроқ илгари сурилган кўринишлари ҳам мавжуд. Масалан, Эмпедокл яратган дунёнинг тўрт асоси ҳақидаги таълимот плюралистик онтологиянинг турларидан бири сифатида амал қилади.

Оламнинг тузилишини тушуниш яна бир тушунча *«субстрат»* категорияси билан ҳам боғлангандир. **Субстрат борлиқнинг энг қуйи ва асосий қатлами сифатида тушунилади.** ***Субстрат*** (лот. *substratun* - асос, тўшама, негиз) ***нарса ва ҳодисаларнинг умумий моддий асоси; нисбатан оддий ва сифат жиҳатдан элементар бўлган моддий ёки ғоявий тузилмалар мажмуаси.*** Айрим фалсафий концепцияларда субстрат деб дунёни ташкил этувчи мутлақ элементар ва бўлинмас асослар тушунилган. Масалан, қадимги Ҳинд фалсафасида оламнинг асосида тўртта бўлинмас унсур - сув, ҳаво, тупроқ ва олов ётади деб таълим берилади. Бундай қараш Марказий Осиёда яратилган «Авесто» да ҳам учрайди. Қадимги юнон фалсафасида Левкипп, Демокрит, Эпикур, Лукреций фикрича, дунё атомлар ва бўшлиқдан ташкил топган, Анаксимандр - апейрондан, Афлотун - ғоя, руҳдан, Фалес - сувдан, Гераклит - оловдан иборат деб таълим берган. Форобийнинг ёзишича, қадимги юнон файласуфлари ҳар қандай нарса қандайдир бир субстратдан ташкил топганлигини уқтириш билан бир қаторда, унинг абсолют ва ўзгармаслигини таъкидлашган. Ҳозирги талқинда, муайян физик жараёнларнинг субстрати сифатида элементар зарралар ва фундаментал (кучли, кучсиз, электромагнит ва гравитацион) ўзаро таъсирлар амал қилади. Турли моддаларнинг

ҳосил бўлиш ва ўзгариш жараёнларида ўзининг барқарор ҳолатини сақлаб қолувчи атомлар кимёвий жараёнларнинг субстрати сифатида намоён бўлади. Элементар «ҳаёт бирликлари» сифатида амал қилувчи нуклеин кислоталар (ДНК ва РНК) ва оқсил моддаларининг молекулалари биологик жараёнлар субстрати бўлиб хизмат қилади. Барча ижтимоий ўзгаришлар замирида мақсадга мувофиқ фаолияти мавжуд бўлган инсон ижтимоий ҳаёт субстрати ҳисобланади.

Хуллас, ҳар қандай объектнинг нималардан ташкил топганлиги, системанинг асосида шу системани ташкил этувчи асосни ахтариш - субстратни ахтаришдир. Масалан, РНК, ДНК ва оқсиллар биологик организмлар учун субстрат бўлса, ЭҲМларнинг асосида ахборотлар алмашуви жараёни субстрат бўлиб келади. Борлиқнинг асосида ётувчи бирламчи моҳиятни ахтариш - *субстанциал ёндашув* бўлса, ҳар қандай системанинг, умуман борлиқнинг нималардан бунёд қилинганлигини, таркиб топганлигини, ташкил топганлигини, «қурилганлигини» ахтариш *субстрат ёндашувдир.*

4-савол баёни: Фалсафа тарихида объектив дунёнинг бутун ранг-баранглиги қандай катта асосга боғланганига назар ташлайдиган бўлсак, табиатан ҳар хил бўлган ва бир-бирига мутлақо боғланмайдиган икки шундай асос: ***материя*** ва ***онг***га дуч келамиз. Кўрсатилган асослар ҳам, уларнинг ўзаро алоқаси масаласи ҳам доимо қизғин баҳсларга сабаб бўлган, моддий (табиий) ва идеал (маънавий) нарсалар ва ҳодисаларнинг ўзаро нисбати муаммоси эса деярли ҳар бир таълимотда бевосита ёки билвосита илгари сурилади.

Материя категорияси. «*Материя» атамаси лотинча «materia» сўзидан келиб чиққан бўлиб, модда деган маънони англатади*. «Материя» тушунчасини асосий фалсафий категория сифатида илк бор Платон ишлатган. Борлиқнинг моддий кўринишларини фалсафада **материя** категорияси ифода этади. Моддий борлиқ доимий ҳаракатда бўлган материянинг турли шаклдаги кўринишларидир. Материя фалсафанинг фундаментал категорияларидан бири бўлиб, у моддий оламдаги барча нарсаларга хос бўлган умумий хусусият – уларнинг мавжудлиги объектив реалликдан иборат эканлигини ифодалайдиган фалсафий категориядир. Материя тушунчасининг фалсафий мазмуни: биринчидан, нарсаларнинг бизнинг онгимиз, хоҳишимизга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд эканлиги, иккинчидан, улар бизнинг сезги ва билимларимиз манбаъи эканлигини билдиради. Материя тушунчасининг табиий-илмий маъноси – унинг тузилиши, битмас-туганмаслиги, хусусиятларининг хилма-хиллигини билдиради ва улар табиат хақидаги физика, химия, биология каби алоҳида фанлар томонидан ўрганилади.

Материя моддий объектларни бирлаштирувчи тушунча. Хусусан олинганда материянинг ўзи йўқ, балки дунёда материянинг айрим предмет ёки бирор конкрет буюм шаклидаги кўринишлари учрайди. Материя эса материянинг ҳамма конкрет кўринишларига хос бўлган барча универсал хусусиятларини акс эттирувчи умумий тушунчадир. Материя онг-дан мустақил равишда ва унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлади. ***Материянинг фалсафий тушунчаси барча нарсалар воқелиги, моддий воқеликни ўзига қамраб олувчи, ялпи умумийлик (универсаллик) белгиларига эгалик қилувчи, бутун объектив реалликни ифодаловчи категориядир.***

Материянинг ташкил топиш даражалари. Материянинг чексизлигини ҳозирги замон табиатшунослиги ҳам тасдиқлайди. Материя ташкил топишининг нотирик, тирик ва ижтимоий материя даражаларини фарқлайди. Улар борлиқнинг асосий шакллари билан мос келади. Бунда турли даражалар бир-бири билан узвий боғлиқдир. Айни вақтда уларнинг таркибида муайян иерархия ва соддароқ шакллардан (жонсиз материядан) мураккаброқ шакллар (жонли ва ижтимоий материя) сари юксалиш кузатиладики, бугунги кунда уларнинг мавжудлиги фақат сайёрамизга нисбатан ўзининг илмий тасдиғини топган. Жонсиз табиатнинг тузилиши ва ранг-баранглиги ҳақидаги тасаввурлар эса, микро-, макро- ва мегадунёларни қамраб олиб, тинимсиз кенгайиб ва теранлашиб бормоқда.

Ҳозирги замон фанларининг хулосаларига кўра, атрофимиздаги ҳар қандай жисм молекулалардан ташкил топган, молекулалар эса атомлардан тузилган. Атомлар мураккаб

тузилган ядро ва электрон қобиқлардан иборат. Атомнинг электрон қаватлари бир-биридан ва атом ядросидан муайян узоқликда жойлашган бўлади. Энг содда атом ҳисобланувчи водород атомининг ядроси битта протондан, мураккаброқ атомларнинг ядроси эса протон ва нейтронлардан ташкил топади, протон ва нейтронлар кварклар ва уларни туташтириб турувчи глюонлар (глюон-ёпиштирувчи деган маънони беради) дан ташкил топгандир. Протон ва нейтрон нуклонлар (лот. nucleus — ядро, ўзак) ҳисобланади, нуклонлар ва хиперон (юн. hiper-устида, юқоридан ташқари) лар барионлар (юн. barys-оғир) дейилади. Булар оғир заррачалар сифатида кучли ўзаро таъсирлар майдонида бўлиб, адронлар (юн. adros-кучли) группасига мансуб.

Органик ва анорганик моддалар молекула тузилиши билан бир-биридан фарқ қилади. Жонли организмлар органик моддалардан ташкил топган бўлади. Жонли организмларнинг таркиби асосида хужайралар ва хужайра системалари ётади. Ер шари атрофини қуршаб турувчи биосферани бир бутун жонли система деб олиш мумкин. Микроорганизмлар, ўсимлик дунёси, ҳайвонот дунёси ва инсоннинг ўзаро алоқадорликлари бу биосферанинг мавжудлигини таъминлаб туради.

Маълумки, Ер шари ва ўз атрофида ҳаракатланувчи Ой билан бирга йилда бир марта Қуёш атрофини айланиб чиқади. Бу система ҳам биосферага ўз таъсирини ўтказади. Ер юзида минтақаларнинг фарқ қилиши, фаслларнинг алмашинуви ана шу система ҳаракати билан боғлангандир. Қуёш ва унинг атрофида ҳаракатланувчи сайёралар, уларнинг йўлдошлари, астероидлар, метеоритлар, кометалар ва кичик планеталар биргаликда Қуёш системасини ташкил этади. Қуёшдан энг узоқда жойлашган планета Плутон унинг атрофини 247 ярим йилда бир марта тўлиқ айланиб чиқади, яъни Ер йили — 365,25 кунга тенг бўлса, — Плутон йили 247та Ер йилига тенгдир.

Қуёш системаси миллионлаб юлдузларни ўз ичига олувчи Галактика (Сомон йўли) таркибига киради. Унинг диаметри 94,6 млн. ёруқлик йилига тенг. Ундан кейинги система галактикалар тўпи бўлиб, унинг диаметри 1 мегапарсекка тенг, у 30 тагача галактикани ўз ичига олади (1 парсек (3,26 ё. й). Кейинги система – галактикаларнинг маҳаллий тўпи, унга 2 та гипергалектика ва 27 та митти галактикалар киради. Мажмуада 500 тагача галактика бўлади, унинг диаметри -5 мегапарсек. Галактикалар мажмуаси галактикаларнинг ўта мажмуасига бирлашади, унинг диаметри 40 мегапарсек бўлиб, ўзида 10 мингдан зиёд галактикани бирлаштиради. Ўта йирик мажмуалар коинотнинг бошқа структуравий бирликларига киради. Коинотнинг радиуси эса 15 — 20 млрд. ё.й. тенгдир.

Бу системаларни фалсафий жиҳатдан умумлаштириб, борлиқнинг моддий кўринишларини турли хил структура даражаларига ажратиш мумкин.

Сифатий жиҳатдан материя икки хил шаклда, кўринишда учрайди: ***моддасимон*** ва ***номодда*** кўринишида. Материянинг моддасимон кўринишдаги шакллари иккига, *модда* ва *антимодда*га ажралади. Булар бир-бири билан чамбарчас боқланган бўлиб, улар тўқнашганда кескин сифатий ўзгариш рўй беради, яъни модданинг моддавий кўриниши номоддавий кўринишга айланади. Материянинг номоддавий кўриниши ҳам икки хил шаклда учрайди: *майдон* ва *нурланиш*. Муайян майдондаги нурланишлар физик вакуумда (физик вакуум физик жисмлардан холи бўлган жой) моддий заррачаларнинг хосил бўлишига имкон беради. Хуллас, булар ҳам бир-бири билан чамбарчас боқлангандир. Материянинг биз юқорида қайд этган кўринишларидан бошқача кўринишдаги турлари ҳам бўлиши мумкин. Уларнинг табиати хали фанга маълум эмас. Агар биз борлиқнинг моддий кўринишларини тузилиши жиҳатидан туркумлаштирсак, борлиқнинг структура даржалари хақидаги хулоса хосил бўлади.

Борлиқнинг структуравий тузилишини унинг сифатий ривожланиши нуқтаи назаридан олиб қарасак, моддий олам, яъни материя бу холда ҳам учта даражага ажралади. Унинг ***ташкилий структура даражаларини:*** *анорганик дунё* (нотирик табиат), *органик дунё* (тирик табиат) ва *ижтимоий дунё* (жамият) га ажратилади. Улар бир-биридан хилма-хиллиги, уюшганлиги, нисбий мустақиллиги ва фаоллиги билан фарқ қилади.

Анорганик дунё ёки нотирик табиатда физикавий ва химиявий алоқадорликлар хукмронлик қилади, шу туфайли нотирик табиатдаги қонуниятлар шу табиат фанлари доирасида чекланган бўлиб, тирик дунёга нисбатан пассив ва ташкилий уюшганлиги паст даражада бўлади.

Тирик табиатда яъни органик дунёда эса биологик алоқадорликлар ҳам қатнашганлиги сабабли унинг уюшганлик даражаси юқорироқ, фаолроқ ва мураккаброқ тузилган бўлади.

Ижтимоий дунё даражасида эса, юқорида айтилган алоқадорликлардан ташқари, жамиятга хос бўлган ижтимоий алоқадорликлар ҳам иштирок этади. Бундай дунёнинг тузилиши ниҳоятда мураккаб бўлиб, борлиқ бу даражада ўзининг ўта уюшганлигини, нисбий мустақиллигини ва юқори даражада фаоллигини намойиш қилади. Бу дунёнинг структуравий элементи бўлган ҳар бир инсон жамиятга хос бўлган барча алоқадорликларни ўзида акс эттиради ва ижтимоий муносабатларда, алоқадорликларда онгли равишда, мақсадга биноан, муайян мўлжалларни олдиндан белгилаган холда ҳаракат қилади.

Демак, табиат доимий ўзгаришда ва ҳаракатда, бир холатдан иккинчи холатга ўтишда, ривожланишда ва тараққиётда. Сиз ва бизнинг умримиз эса, ана шу чексизликнинг бир лахзаси, жисмимиз ва жонимиз ҳам азалий ва абадий ўзгаришлар жараёнидаги оламнинг мўжизасидир. Бу оламда айнан сиз ва бизнинг дунёга келганимиз ҳам Яратганнинг ана шундай мўжизаси ва биз эса мана шу ёруғ оламда ўтганларнинг келажакдаги авлодлар билан боғланишида бир халқамиз холос. Ва айнан ана шундай бўлганлиги учун ҳам табиат, жамият, ривожланиш ва тараққиёт қаршисида доимий қарздормиз. Бу қарздорлик дунёга бизгача келганлар ва кетганлар, келадиганлар ва келмайдиганлар, кела олганлар ва кела олмаганлар руҳи қаршисидаги чуқур масъулият хиссидир.

Материянинг ***миқёсли-структура***, яъни миқёс жиҳатидан тузилиш даражалари. Улар:- *микродунё, макродунё ва мегадунё*лардир.

- *микродунё* – атомлар ва элементар зарралар дунёси. Масштаб ўлчови, миқёси жиҳатидан микродунё атом масштабидан кичик дунё ҳисобланиб, унга атом структурасидан тортиб элементар заррачалар, атом ядроси, кварклар, кернлар ва бошқа кичик структуралар киради. Бу дунёнинг яхлитлигини ва турғунлигини кучли ва кучсиз ядровий ўзаро таъсирлар сақлаб туради.

- *макродунё* – молекуляр тузилишдан тортиб то Ер шарининг яхлитлигини таъминлашгача бўлган миқёсли тузилиш макродунё бўлиб (унга молекулаларнинг кристаллашган комплекслари, организмлар, организмларнинг ҳамжамиятлари ҳам киради), бу яхлитликни электромагнит ўзаро таъсирлар таъминлайди.

- *мегадунё* – коинот дунёси (сайёралар, юлдузлар комплекслари, галактикалар, мегагалактикалар). Қуёш ва унинг атрофида ҳаракатланувчи Ер, Ой, Марс ва бошқа сайёралар Коинотнинг бир бутун яхлитлигидан иборат мегадунё бўлиб, бу яхлитликни граватацион ўзаро таъсирлар сақлаб туради.

Инсон томонидан ном қўйилган дунёлар хеч қачон бир-биридан ажралиб, алохида холда мавжуд бўлмаган. Улар ҳам бир-бири билан узвий алоқадорликларда бўлади ва уларнинг бири иккинчисидан келиб чиқади. Одатда, камроқ алоқадорликларга эга бўлган система унга нисбатан кўпроқ алоқадорликларга эга бўлган системага қараганда мураккаброқ ва ташкилий жиҳатдан уюшганроқ бўлади. Бу ерда ҳам ана шу қоида амал қилади.

Анорганик дунёда ***инъикос***нинг энг содда ва қуйи шакли — *механик инъикос* фаолият кўрсатса, органик дунёда унга нисбатан мураккаброқ кўринишдаги *биологик инъикос* намоён бўлади. Бундай инъикоснинг ўзига хос бўлган томони танловчанлик, сесканувчанлик ва яшаш учун ҳаракат қилишдир, жамиятда эса, инъикоснинг энг олий шакли *социал инъикос* фаолият кўрсатади. Бу инъикос ўзида инъикоснинг бошқа шаклларини ҳам қамраб олган бўлади. *Онгли ва юқори доирада уюшган фаол инъикос*, алоқадорлик, хатти-ҳаракатлар ижтимоий дунёга хосдир.

Борлиқ шаклий структура даржаларининг балки биз хали билмайдиган янада мураккаброқ турлари ҳам бордир, лекин улар хали бизнинг тушунчаларимиз доирасига

сиғмайди. Хуллас, борлиқнинг ташкилий структура даражалари бир-биридан алоқадорликларининг сони ва сифати жиҳатидан, энергия ва информация алмашиш хусусияти билан, фаоллиги ва уюшганлиги даражаси билан фарқ қилади.

5-савол баёни: Борлиқнинг атрибутлари. Борлиқнинг мавжудлиги қандай намоён бўлади? Бу масалада борлиқнинг ажралмас хусусиятлари фалсафада атрибут тушунчаси билан ифодаланади. ***Атрибут*** (лот.atributhum –ато этмоқ) ҳар қандай нарсанинг айнан ўша нарса эканлигини ифодаловчи хусусиятларини акс эттиради. ***Муайян жисмнинг айнан шу жисм эканлигини белгиловчи хусусиятлари унинг атрибутлари дейилади.*** Борлиқнинг ҳам бир қанча атрибутлари мавжуддир. Улар: ҳаракат, макон, вақт, инъикос, онг ва бошқалар. Борлиқ ўзининг хоссалари, хусусиятлари орқали намоён бўлади. Энди борлиқнинг атрибутлари, яъни ажралмас туб хусусиятлари хақида тўхталиб ўтайлик.

Ҳаракат – борлиқнинг асосий мавжудлик шарти. Борлиқнинг атрибутлари ичида унинг асосий мавжудлик усулини ифода этувчи хусусияти ҳаракат ҳисобланади. Чунки борлиқ ҳаракатсиз ўзининг структуравий яхлитлигини сақлай олмайди. Шу сабабли ***ҳаракат борлиқнинг асосий мавжудлик усулидир.*** Ҳозирги замон фалсафасида «ҳаракат» тушунчаси «кенг» маънода умуман ҳар қандай ўзгариш ҳақидаги тасаввур сифатида талқин қилинади. Ҳаракатни умуман ўзгариш сифатида тушуниш ҳаракат турларининг бутун ранг-баранглигини унинг муайян бир турига боғлаш тўғри эмаслиги ҳақида огоҳлантиради ва ҳаракат шаклларининг умумий хусусияти ва бир-бирига айланиш қобилиятига ишора қилади. «Умуман ўзгариш» деганда, бизнинг улар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларимиздан қатъий назар, объектив мавжуд бўлган барча ўзгаришлар, турли жараёнлар назарда тутилади.

Ўзгаришларнинг умумий хусусияти. Бизни қуршаган дунёнинг энг муҳим хусусияти – Коинотда ва унинг барча таркибий қисмларида юз берадиган тинимсиз ўзгаришлардир.

Табиатнинг ўзгарувчанлиги фалсафа пайдо бўлишидан анча олдин яхши маълум бўлган, фалсафа вужудга келгач эса, масалаларнинг мазкур доираси алоҳида ўрганиш предметига айланди ва вақт ўтиши билан унинг негизида фалсафий билимларнинг махсус бўлими – *диалектика* юзага келди. Унинг (яхлит таълимот сифатидаги) илдизлари қадимги юнон фалсафасига, хусусан «Ҳамма нарса оқиб, ўзгариб туради», «Айни бир дарёга икки марта тушиб бўлмайди» каби машҳур иборалар муаллифи Гераклит ижодига бориб тақалади. Шундан бери объектив борлиқнинг турли-туман миқдор ва сифат ўзгаришларини ифодалаш учун «ҳаракат» ва «ривожланиш» категориялари қўлланилади.

Буни моддий борлиқ мисолида қараб чиқайлик. Фараз қилинг, қаршимизда бирор жисм турибди. Агар ҳаракат бўлмаганида эди, ёруқлик нурлари шу жисмга урилиб бизга қайтмаган бўлар эди, яъни биз уни кўрмаган бўлар эдик. Шунингдек, бу жисмнинг яхлитлигини сақлаб турган молекулалар, атомлар, элементар заррачалар ўртасидаги ўзаро таъсирлар ҳам бўлмасди. Натижада бу жисмнинг структуравий бирлигига путур етган бўлар эди. Теварак-атрофимиздаги предметлар ва ходисалар ҳаракат туфайли ўзининг муайян тартибини ва бирлигини сақлаб туради, шу туфайли, ўсиш, улғайиш, равнақ топиш, ривожланиш мавжуддир.

Ҳаракат, бир томондан, моддий жисмлар ўртасидаги ва уларни ташкил этувчи элементлар ўртасидаги алоқадорликларнинг натижаси, бошқа томондан эса, улардаги ўзгаришлар сифатида содир бўлади. Шу нуқтаи назардан ҳам фалсафанинг ***ҳаракат - бу умуман ҳар қандай ўзгаришдир,*** дейилган таърифи жуда ўринлидир. Ҳаракатнинг манбаи хақида гап кетганда, ана шу ўзгаришларнинг асосида ётувчи ўзаро таъсирлар ва улар орасидаги муносабатлар назарда тутилади.

Демак, ҳар қандай ҳаракатнинг манбаи шу системадаги ички ўзаро таъсирлар экан, ҳар қандай жисмнинг мавжудлигини, энг аввало, унинг ички алоқадорликлари таъминлайди.

Фалсафада ҳаракат нафақат турли жисмларнинг маконда механик силжиши сифатида, балки табиий жараёнлар ва ҳодисалар ҳолатларининг ҳар қандай ўзгариши сифатида ҳам тушунилади. Кенгайиб бораётган Метагалактика ҳам, ўзаро таъсирга киришаётган элементар зарралар ҳам, кўпаяётган, моддалар алмашинувини амалга ошираётган тирик ҳужайралар ҳам,

ижтимоий жараёнлар ва ҳоказолар, шу жумладан фикрлаш фаолияти жараёнлари ҳам ҳаракатда бўлади.

Агар биз бирон-бир табиий объект ёки ҳодисани уларнинг табиий ҳолатида англаб етмоқчи бўлсак, «ҳаракат» тушунчасини четлаб ўтишимиз мумкин эмас. Бир қарашда, оддий онг нуқтаи назаридан бу нотўғри, зеро, Альп тоғлари ёки Миср эҳромларини кузатар эканмиз, биз улар абадий ҳаракатсизлик ҳолатида эканлигининг гувоҳи бўламиз. Аммо бу ҳаракатсизлик нисбийдир. Умуман олганда, бутун Коинот улкан айланма ҳаракат ҳолатида бўлиб, бу ерда бизнинг сайёрамиз Қуёш атрофида, у билан бирга – бизнинг галактикамиз маркази атрофида, у билан бирга эса – галакатик система маркази атрофида айланадиган кичик бир заррадир.

Ҳаракатсизлик ҳолатидаги нарсалар структураси ҳам тинимсиз ўзгариш жараёнини бошдан кечиради, чунки узлуксиз ҳаракатда бўлган элементар зарралардан ташкил топади. Температура ўзгаришлари, кимёвий таркиб ўзгаришлари ва шу кабилар бундай ҳаракатнинг ташқи кўринишлари ҳисобланади. Шундай қилиб, ҳаракат абадий ва йўқ бўлмас, борликдан ажралмас ва мутлақдир. Ҳаракатсизлик эса нисбий бўлиб, ўткинчи хусусиятга эга. *Мутлақ ҳаракатсизлик, абадий мувозанат ва сокинлик ҳеч қаерда йўқ. Ҳар қандай ҳаракатсизлик, мувозанат нисбийдир, чунки улар ҳаракатнинг муайян ҳолатлари ҳисобланади*.

Ҳаракатнинг турлари хақидаги мулохаза, асосан, ўзгаришларнинг хусусиятига асосланган. Ўзгаришлар оддий фазовий силжишдан тортиб, мураккаб ижтимоий ўзгаришларгача такомиллашиб борган. Шу туфайли ҳаракатга фақатгина фазовий силжиш, деб қарамаслик лозим. Бундай қараш оламдаги барча жараёнларга механик ҳаракат нуқтаи назаридан ёндашишни вужудга келтиради. Аслида оламда ўзгаришнинг хилма-хил кўринишлари мавжуд бўлиб, улар бир-биридан сифатий фарқ қилади.

Механик, химиявий, биологик, физик ўзгаришлар билан ижтимоий ўзгаришларни асло таққослаб бўлмайди. Тўғри, бу ўзгаришлар учун умумий бўлган фазовий силжишлар ҳаракат шаклларининг ҳаммасида ҳам, у ёки бу кўринишда намоён бўлиши мумкин. Лекин ҳамма ўзгаришни ҳам, фақатгина фазовий силжишдан иборат, деб бўлмайди. Масалан, Ернинг Қуёш атрофидаги, Ойнинг Ер атрофидаги ҳаракатини фазовий силжишнинг яққол кўриниши дейишимиз мумкин. Лекин Ер бағрида рўй бераётган мураккаб геологик жараёнларни, Ер сиртидаги биосферанинг яшаш усулини биргина механик силжиш билан изохлаб бўлмайди. Ҳаракатнинг шакли қанчалик мураккаб бўлса, у билан боғлиқ бўлган ўзгаришлар ҳам шу қадар мураккаб бўлади. Материянинг ташкилий структура даражаси қанчалик юқори даражада бўлса, унда фазовий силжиш ҳам шу қадар кам сезилади.

Ҳаракат типлари. Фанда объектив борлиқ нарсалари ва ҳодисалари *ҳаракатининг икки асосий типи: прогресс ва регресс* фарқланади. Уларнинг бири материя, энергия, ахборотнинг маконда силжиши билан боғлиқ бўлиб, ҳаракатланувчи нарсалар ўз муҳим хоссаларини ўзгартирмаслиги, яъни ўз сифатини йўқотмаслиги билан тавсифланади. Булар миқдор ўзгаришлари, макондаги кўчишлар ёки ўрин алмашувидир. Бунга юриб кетаётган одам, қоронғи осмон фонида прожектор нурининг ҳаракати ва ҳатто хаёлда айрим объектлардан бошқа объектларга ўтиш мисол бўлиши мумкин. Сўнгги зикр этилган ҳолда фикрнинг муайян (масалан, формал мантиқ нуқтаи назардан тўғри ёки нотўғри) йўналишдаги ҳаракати тўғрисида сўз юритилади.

Аммо ҳаракатнинг қайд этилган типи дунёда юз бераётган ўзгаришларнинг бутун ранг-баранглигини қамраб олмайди. Аксарият ҳолларда улар нарсаларнинг ички структурасидаги қайта қуриш билан бирга кечадики, бу дастлабки нарса сифатларининг ўзгариши ва у бутунлай бошқа нарсага айланишига сабаб бўлади.

Орқага қайтмаслик ва муайян йўналишга эгалик хос бўлган мазкур ҳаракат типи ***ривожланиш*** *деб аталади. Бунда нарса ёки ҳодиса структурасининг мураккаблашуви, улар ташкил топиш даражасининг юксалиши юз бериши мумкин бўлиб, бу одатда тараққиёт (прогресс) сифатида тавсифланади.*

Агар ҳаракат тескари йўналишда – баркамолроқ ва ривожланганроқ шакллардан унча ривожланмаган шаклларга, юксалишдан тубанликка, мураккабдан оддийга қараб юз бераётган бўлса, бу ҳолда регресс тўғрисида сўз юритиш одат тусини олган.

Ривожланиш. Ўзгаришларнинг шундай бир шакли борки, уни фалсафада ривожланиш деб аталади. ***Ривожланиш бу — муайян системанинг муайян вақт ва макондаги яхлит, комплекс, орқага қайтмайдиган, илгариланма йўналишга эга бўлган, миқдорий ва сифатий ўзгаришидир.***

Шу жиҳатдан ҳаракатнинг икки хил тури бир-биридан фарқ қилинади. Ҳаракатнинг биринчи тури жисмда унинг сифати ва турғунлигини сақлаган холда рўй берадиган ички ўзгаришларни ўз ичига олади. Яъни ҳар қандай жисмда бетўхтов ички ўзгаришлар рўй бериб туради, лекин бу ўзгаришлар шу жисмнинг ташқи сифатига жиддий таъсир кўрсатмайди.

Атрофимизни қуршаб турган ҳар бир жисм молекулалардан, молекулалар эса атомлар ва элементар заррачалардан ташкил топган экан, бу жисмларнинг молекуляр ва атом тузилиш даражасида ҳам бетўхтов ўзгаришлар рўй бериб туради. Шунингдек, ҳар бир жисм ўзининг атрофидаги бошқа жисмларнинг ва улардан тарқалаётган нурланишларнинг таъсирига ҳам учраб туради. Бундай ташқи таъсирларни ўзида инъикос эттириш жараёнида рўй берадиган ўзгаришлар ҳам бу жисмнинг сифатий ўзгариб кетишига олиб келмаслиги, унинг турғунлиги ва асосий сифати сақланиб қолиши мумкинлиги хақида хулоса чиқариш мумкин.

Биз юқорида қайд этган ички ва ташқи таъсирлар оқибатида рўй берувчи ўзгаришлар аста-секин тўпланиб, кейинчалик жисмда кескин сифатий ўзгаришнинг вужудга келишига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Мана шундай ўзгариш, яъни жисмнинг сифатини ўзгартирувчи ҳаракат иккинчи турдаги ҳаракатга киради ва у ривожланиш деб аталади.

Ривожланиш жараёни ҳам икки турда бўлади. Биринчи турдаги ривожланиш бўйича, жисмда ҳар қандай сифатий ўзгариш рўй беришига қарамасдан, уни ташкил этган материянинг сифатий тузилиш даражаси ўзгармасдан қолаверади.

Масалан, нотирик табиатга мансуб бўлган қуёшдаги равожланишни олиб қарайлик. Олимларнинг тахминларига кўра, хозир сиртида 6 минг, ичида эса бир неча млн. даражали ҳароратга эга бўлган Қуёш бориб-бориб совийди ва қизил гигантга айланади, яъни Қуёшнинг марказидаги термоядро энергияси сўнгач, ички зичлиги пасаяди ва марказдаги тортишиш қуввати сусаяди. Оқибатда Қуёш шиша бошлайди ва Ер орбитасини ҳам ўз ичига олган улкан қизил юлдуз вужудга келади, у аста-секин совиб, қизил жарликка, сўнгра эса «қора жарликка», кейин бўлса нейтрон юлдузга айланади. Бундай ўзгаришлар натижасида борлиқнинг ташкилий структура даражаси ўзгармайди, яъни жонсиз табиат шаклидаги даражаси сақланади.

Жонли табиатнинг вужудга келиши, ўсимликлар ва ҳайвонот оламининг пайдо бўлиши, одамнинг шаклланиши, жамиятнинг вужудга келиши сингари сифатий ўзгаришлар эса, ривожланишнинг иккинчи турига киради.

Фалсафа фанида ***ҳаракат***нинг бир-биридан сифатий фарқ қилувчи бир қанча бошқа ***шакллари*** ҳам ўрганилади.

Материалист бўлган файласуфлар ҳаракат шаклларини туркумлаганида, қуйидаги мулохазаларга таяниб иш юритадилар:

1) ҳаракат шакллари бир-бирлари билан сифат жиҳатидан фарқ қилиб, уларнинг ҳар бири материянинг ташкилий тузилиши даражаларининг муайян босқичида намоён бўлади;

2) материянинг ҳаракат шакллари бир-бири билан генетик жиҳатидан, келиб чиқиши жахатдан кетма-кет боғланган, яъни ҳаракатнинг мураккаброқ шакллари унинг нисбатан соддароқ шаклларидан келиб чиққандир;

3) ҳаракатнинг юқори шакллари таркибидаги қуйи шакллари унинг юқори шаклларига ҳам мансубдир, аммо ҳаракатнинг юқори шакли ўзидан қуйи шаклдаги ҳаракатга мансуб эмасдир. Шу мулохазаларга таянган холда, ҳаракатнинг бешта шаклини ажратиб олиш мумкин. Улар — *механик, физик, химиявий, биологик ва ижтимоий ҳаракат*лардир.

Ҳаракат шаклларини турлаш бўйича қуйидаги табиий-илмий концепция ҳам диққатга сазовордир. Мазкур концепция бўйича ҳаракат шакллари қуйидагича турланади: физик ҳаракат (элементар заррачалар, майдон ва атомларнинг ҳаракати), химиявий ҳаракат (атомлар ва молекулаларнинг ҳаракати) ва бунда ҳаракатнинг ривожланиши икки йўналишга ажралади, 1) ҳаракат ривожланишининг юқори йўналишида биологик ҳаракат шаклланади; 2) ҳаракат ривожланишининг қуйи йўналишида эса геологик ҳаракат шаклланади, биологик ҳаракатнинг тараққиёти ижтимоий ҳаракатга олиб боради.

Яна бир бошқа концепцияда эса ҳаракат борлиқнинг ташкилий тузилиш даражаларига мос равишда турланган. Бу концепцияда ҳаракат шакллари учта синфга ажратилади: нотирик табиатда — элементар заррачалар ва майдон ҳаракати, тирик табиатда – ҳаётнинг намоён бўлиши, жамиятда – одамнинг фаолияти.

Ижтимоий ҳаракат бизга маълум бўлган ҳаракат шакллари ичида энг мураккаби бўлиб, унда инсоннинг онгли фаолияти, инсон тафаккури, ижтимоий гуруҳларнинг фаолияти, ўзаро муносабатлари, жамият миқёсидаги ижтимоий фикр биргаликда ҳаракатга келади. Бу ҳаракатни чизиқли, батартиб ҳаракатлар билан мутлақо таққослаб бўлмайди. Унинг келажагини башорат қилиш ҳам ўта мураккабдир.

Фалсафада макон ва вақт диалектикаси. ***Макон ва вақт*** **-** борлиқнинг умумий яшаш шакллари бўлиб, макон дунёни ташкил этувчи объектлар ва уларнинг таркибий нуқталарининг ўзаро жойлашиш тартиби, кўлами ва миқёсини ифода этади, вақт эса дунёда содир бўлувчи ҳодиса ва жараёнларнинг рўй бериш кетма-кетлиги тартиби ва давомийлигини ифодалайди. Макон ва вақтнинг табиати ва моҳияти ҳақида қадимдан файласуфлар хилма-хил нуқтаи назарларни илгари суриб келишади. Уларни умумлаштириб, икки йирик концепцияга ажратиш мумкин. Бу концепциялар *субстанционал* ва *реляцион* концепциялар деб аталади.

*Субстанционал концепция*да макон ва вақтнинг абсолют жиҳатлари, реляцион концепцияда эса уларнинг нисбий жиҳатлари абсолютлаштирилади. Субстанциал концепция тарафдорлари *(Демокрит, Афлотун, Эроншаҳри, Закариё ар Розий, Беруний, Патриций, Кампанелла, Гассенди, Ньютон, Эйлер, Мопертюи ва бошқалар)* фикрича, макон - материя ва моддий алоқадорликлардан ташқарида, уларга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган мустақил субстанциядир; макон - моддий объектлар учун жойлашиш макони, у абсолютдир. Вақт эса борлиққа, макон ва ҳаракатга жиддий таъсир кўрсатади; вақт муносабатлари абсолютдир, яъни вақт ҳамма ҳисоб системаларида бир хилда ўтади. Макон ва вақтни улар мустақил субстанция деб ҳисоблаганликлари туфайли бундай ёндашув *субстанционал концепция* деб фанга кирган.

Реляцион концепция вакиллари*(Арасту, Августин, ал-Киндий, Ибн Сино, Носири Хисров, Фахриддин Розий, Насриддин Тусий, Декарт, Лейбниц, Толанд, Бошкович, Юм, Фихте, Кант, Хегел)*нинг фикрича, макон - моддий дунёнинг таркибий тузилиши тартибининг намоён бўлиши, жисмларнинг ўзаро жойлашиш ўринлари ва моддий нарсаларнинг мавжудлиги тартибини ифодалайди. Макон - жузъий ҳолда ҳам, умумий ҳолда ҳам моддий дунёнинг ҳолатига боғлиқдир; материя маконнинг мавжудлиги учун асосий воситадир; макон - нисбийдир. Вақт эса материянинг атрибути (ажралмас хусусияти), у материядан ташқарида мавжуд бўлиши мумкин эмас, вақт муносабатлари нисбийдир, вақтнинг давомийлиги моддий объектларнинг ўзаро алоқадорлигига, ҳисоб системасига боғлиқдир.

Макон ва вақтнинг барча ҳисоб системаларда ва материянинг барча структура даражаларида бир хилда намоён бўлувчи хусусиятлари энг умумий хусусиятлар дейилади. Бундай хусусиятларга макон ва вақтнинг объективлиги, моддийлиги, чексизлиги, материянинг атрибути сифатидаги абсолютлиги, ҳаракат ва материяга нисбатан намоён бўлувчи нисбийлиги, яъни турли ҳисоб системаларида турлича қийматларга эгалиги киради.

Булардан ташқари, макон ва вақтнинг турли ҳисоб системаларда турлича намоён бўладиган, миқдорий катталиклар билан, яъни муайян ўлчаш асбоблари, соат ёки линейкалар ёрдамида ўлчаш мумкин бўлган, ташқи алоқадорликларда кўзга ташланадиган, ўзгарувчан ва нисбий характердаги хусусиятлари борки, уларни миқдорий ёки метрик хусусиятлар, деб

аташади. Бунга маконнинг гомогенлик (биржинслик), изотропик (ва анизотропик) хусусиятлари киради. Вақтнинг метрик хусусиятлари: давомийлик, биржинслик, анизотропик. Бу хусусиятлар материянинг турли ташкилий-структура ва миқёсли-структура даражаларида турлича намоён бўлади. Улар макон ва вақт билан боғлиқ бўлган моддий алоқадорликларнинг миқдорий белгиларини ифодалайди. Метрик хусусиятларнинг ўзгариши материя сифатининг ўзгаришига жиддий таъсир қилмайди.

Макон ва вақтнинг яна шундай хусусиятлари ҳам борки, улар барча ҳисоб системаларида, материянинг барча структура даражаларида, микродунёда ҳам жамиятда ҳам бир хилда сақланади. Улар макон ва вақтнинг туб сифатий жиҳатларини ифодаловчи фундаментал хусусиятлар ҳисобланади. Бундай хусусиятларни топологик хусусиятлар дейишади. Топологик хусусиятлар моддий алоқадорликларнинг ички, туб сифатий жиҳатларини ифодалайди. Топологик хусусиятларнинг ўзгариши билан моддий объектларнинг тузилишида туб сифатий ўзгаришлар содир бўлади. Қуйидаги хусусиятлар маконнинг топологик хусусиятлари ҳисобланади: узлуксизлик ва узлуклилик, ўлчамлилик, боғланганлик, компактлик, тартибланганлик, чегарасизлик. Вақтнинг топологик хусусиятларига эса узлуксизлик, орқага кайтмаслик, бир ўлчовлик, чизиқли тартибланганлик ва боғланганлик киради.

Макон ва вақт материя структурасидаги ўзаро алоқадорликлар мажмуасини акс эттирар экан, бу алоқадорликларнинг турли хил шакллари, турли хил шаклдаги ҳаракат ва унга боғлиқ бўлган макон-вақт шаклларининг вужудга келишига сабабчи бўлади. Биз юқорида фақат физик макон ва физик вақт ҳақида тўхталдик. Ҳозирги замонда борлиқнинг турли ташкилий структура даражаларига алоқадор бўлган физик, химиявий, геологик, биологик, физиологик, ижтимоий (социологик), психологик макон ва вақт ҳақидаги концепциялар ҳам яратилмоқда. Бундай концепцияларда оламнинг тузилиши жиҳатдан хилма-хиллиги ва бирлиги, кўп қирралилиги ва чексизлиги, мураккаблиги ва ниҳоясизлиги асосланмоқда. XIX аср охири ва XX асрнинг бошларида назарий физика, топология, чизиқли алгебра, квант физикаси, қора туйнуклар физикаси, релятивистик космология фанларининг ривожланиши макон ва вақт ҳақидаги тасаввурларни жиддий ўзгартирди. Айниқса, концептуал макон (вақт)ни информацион технология воситаларида моделлаштириш йўллари осонлашгач, макон ва вақтнинг турли-туман моделларини тадқиқ этиш имкониятига кенг йўл очилди. Бу тадқиқотлар оламдаги ягона, энг умумий, универсал ва фундаментал алоқадорлик - бу макон-вақт алоқадорлигидир, деб хулоса чиқаришга тўлиқ асос берди.

Олам ҳақидаги илмий билимларнинг ривожланиши билан реал макон ва вақт ҳақидаги тасаввурлар ҳам, концептуал моделлар ҳам ривожланиб, такомиллашиб боради.

Лобачевский макон ва вақтнинг Эвклид геометрияси тавсифламаган хоссалари мавжуд, деган тахминни илгари сурди. Бу тахмин абсолют макон концепциясини инкор этади, чунки макон фақат геометрик тавсифланиши лозим эди. Асосий ғоялари А.Ейнштейн томонидан 1905 йилда таърифланган *хусусий нисбийлик назариясида макон ва вақтнинг геометрик хоссалари уларда гравитацион массаларнинг тақсимланишига боғлиқ эканлиги аниқланди. Унга кўра оғир объектлар яқинида макон ва вақтнинг геометрик хоссалари эвклид геометрияси тамойилларидан узоқлаша бошлайди, вақтнинг ўтиш суръати эса сусаяди. А.Ейнштейн (1916 йилда) ўзининг умумий нисбийлик назарияси билан нафақат макон ва вақтнинг субстанционал концепциясига, балки макон ва вақт моҳиятининг субъективистик априористик талқинларига ҳам қақшатқич зарба берди. У макон ва вақт хоссалари моддий тизимлар ҳаракати ва ўзаро таъсирига боғлиқ эканлигини кўрсатиб берди.* А.Ейнштейн ўз назариясининг моҳиятини тушунтирар экан, шундай деб қайд этди: «Илгари қандайдир мўжиза юз бериб, барча моддий нарсалар бирдан йўқ бўлиб қолса, макон ва вақт қолади, деб ҳисоблашган. Нисбийлик назариясига кўра эса, бу ҳолда нарсалар билан бирга макон ва вақт ҳам йўқ бўлиб кетган бўлади»[16]. Яъни, Эйнштейннинг нисбийлик назариясига мувофиқ макон

[16] Эйнштейн А. Физика в жизни моего поколения. - М.: 1963.- с.53

ва вақт ўз ҳолича ҳам, бир-биридан ажралган ҳолда ҳам мавжуд бўлмайди, балки материя билан шу даражада узвий боғлиқ бўладики, пировардида ҳеч қандай мустақилликка эга бўлмайди ва ягона ранг-баранг яхлитликнинг атрибутлари сифатида амал қилади. Ягона макон ва вақт континуумини ташкил этар экан, улар моддий жисмлар ҳаракатининг тезлигига ҳам боғлиқ: жисм ҳаракатининг нисбий тезлиги ошганида унинг кўлам кўрсаткичлари қисқаради, унинг вақти эса ўз оқимини секинлаштиради. Эйнштейн назарияси Риман, Лобачевский, Гаусс ва Пуанкаренинг илғор ғояларига қўшилган ҳолда, макон ва вақтнинг гравитация билан узвий алоқасини ҳам асослаб берди.

Ҳозирги замон табиатшунослиги ва фалсафий хулосалар нуқтаи назаридан объектив борлиқ макон, вақт, ҳаракат ҳамда модда ва майдон турлари ўзаро таъсирининг узвий боғланишидан иборат. Ҳозирги олимлар ягона, объектив макон ва вақт континууми тўғрисида сўз юритишни маъқул кўрадилар. Макон ва вақт моддий жисмлар мавжудлигининг ўзаро боғланган шакллари сифатида тушунилади. *Макон – материя борлиғининг кўламлилик, таркибийлик каби хоссалари ва унинг ўзаро таъсирларини ифодаловчи шакли. Вақт – материя борлиғининг барча объектлар мавжудлигининг давомийлигини ва кейинги ҳолат ўзгаришларини тавсифловчи шакли.*

Шундай қилиб, *нисбийлик назариясида макон, вақт ва ҳаракат материя мавжудлигининг атрибутлари, асосий шакллари сифатида қаралади ва у билан узвий боғлиқ бўлган ҳолда, материя каби, мустақил ҳолда мавжуд бўла олмайди. Муттасил ҳаракатда бўлган дунё эса муқаррар тарзда фақат макон ва вақтда мавжуд деб қаралади.*

6-савол баёни: Борлиқни фалсафий тушуниш оламни ташкил этган нарса ва ҳодисаларнинг, унинг турли соҳа ва томонларининг ўзаро алоқадорлиги, ўзгариш ва ривожланиш жараёнларини билишни ҳам тақозо этади. Ҳар қандай фан сингари, фалсафа фанининг ҳам куч-қудрати манбаи, унинг амалиётдаги ўрни ва истиқболи – унинг назарий бойлигидадир. Воқеликнинг ялпи умумий алоқадорлиги ва ривожланиш қонунларини, уларнинг инсон онгида акс этиш йўлларини ўрганишга қаратилган фалсафа фани – яхлит илмий билимлар тизимини ташкил этиб, муайян фундаментал қоидаларнинг (тамойилларнинг) йиғиндисига асосланади. Бу қоидалар фалсафа фанининг назарий асосини ташкил этувчи ***диалектика назарияси ва диалектик тафаккур методида*** ўз ифодасини топади.

Ҳаракат, ривожланиш, умумий алоқадорлик тўғрисидаги фалсафий қарашлар ҳам фалсафа фани билан бирга пайдо бўлган. Бу муаммолар таҳлили фалсафада “диалектика” тушунчаси орқали ифодаланади ва бу тушунча фалсафа тарихида турли мазмунда қўлланилиб келинган. «Диалектика» (юнон. диалектике – суҳбат қуриш санъати) сўзининг «диалог» (юнон. диалогос – икки ёки бир нечта суҳбатдошлар сўзлашуви) сўзи билан умумий жиҳатлари бисёр. Дастлаб диалектика баҳслашиш, мунозара қилиш санъати сифатида тушунилган, бунда фикрлар, қарашлар қарама-қаршилиги воситасида ҳақиқатнинг тагига етиш мақсадида муаммони ўзаро манфаатдор муҳокама қилишга қаратилган мунозара назарда тутилган. Диалектик – бу савол бериш ва жавоб қайтаришга уста одам, деб ҳисобланган. Диалектика сўзи юнон тилида «суҳбатлашув санъати», «баҳслашув санъати» деган маънони билдиради. Турли нуқтаи-назарларни изоҳлаш, ўз фикри тўғрилигини исботлаш маҳорати *Суқрот* ва *Афлотун*да яққол намоён бўлган. Уларнинг таъкидлашича, ҳақиқатнинг қандайдир янги нарса, яъни баҳснинг бошланишида бўлмаган, лекин муҳокама жараёнида пайдо бўлган нарса сифатида туғилишига мулоқот ёрдам беради. Абу Наср Форобийнинг ёзишича, диалектика, яъни “ал-жадал” атамаси қадимги юнон файласуфлари Суқрот ва Афлотун томонидан қўлланилган бўлиб, маъноси баҳс, суҳбат, мунозара санъати, мунозара юритиш орқали баҳслашувчининг фикридаги зиддиятларни фош этиб ҳақиқатга эришиш демакдир. “Инсон,- деб ёзади Форобий,- ҳақиқатга ёки фалсафага фақат диалектик баҳс орқали эришиши мумкин” (*Аль-Фараби. Историко-философские трактаты.- Алма-Ата: «Наука», 1985, 405 с.).*

Умуман олганда, фалсафа тарихида диалектиканинг турли хил тарихий шаклларини кўрсатиш мумкин. Буларга:

а) Стихияли диалектика. Бу антик давр фалсафасига хосдир.

б) Идеалистик диалектика. Масалан, Гегель диалектикаси.

в) Материалистик диалектика. Бу марксизм диалектикаси.

г) Классик ва ноклассик диалектика.

д) Объектив ва субъектив диалектика ва бошқалар киради.

Ҳар қандай концепциянинг мазмунини ёритишда унинг тамойилларини таҳлил қилиш айниқса муҳим аҳамият касб этади. Диалектика ҳам бундан мустасно эмас. Тамойиллар нима?

Фалсафий маънода «тамойил»(принцип) тушунчаси фундаментал қоида, биринчи асосни, бирон-бир концепция ёки назариянинг энг муҳим асосини англатади. Фалсафий назария сифатидаги диалектикага тамойиллар яхлит тус беради, унинг қонунлари ва категорияларини изчил тизимга солади. Диалектиканинг ҳозирги концепцияларида умумий алоқадорлик ва ривожланиш, тарихийлик, сабабийлик, детерминизм, тизимлилик каби тамойиллар муҳим рол ўйнайди.

Диалектика атамаси ўтмишда асосан уч маънода ишлатилиб келинган: *биринчидан,* баҳс, суҳбат, мунозара санъати орқали ҳақиқатга эришиш йўли сифатида; *иккинчидан,* фалсафий фикрлаш қонун-қоидаларини ўзида мужассамлаштирган тафаккур шакли сифатида; *учинчидан,* фалсафа ва бошқа фанлардаги илмий билиш жараёнида қўлланиладиган илмий-тадқиқот усули сифатида.

Ҳозирги вақтда диалектика назарияси оламни фалсафий англаш мантиқи, илмий билиш методологияси сифатида ривожланиб келмоқда. Диалектика борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг ялпи ўзаро алоқадорлиги ва ривожланиши қонунлари ҳақидаги таълимот бўлиши билан бирга билиш назарияси, тафаккурлаш шакллари ва қонуниятлари ҳақидаги фан, фалсафий тафаккур методи ва методологияси ҳамдир.

Шундай қилиб, **диалектика –** ривожланиш фалсафаси ва оламни билишнинг фалсафий методологиясидир. Диалектика ўз моҳияти жиҳатдан ялпи ўзаро алоқадорлик, боғланиш, муносабат, ўзгариш, ривожланиш тўғрисидаги таълимот сифатида табиат, жамият, инсон ва унинг тафаккурига хос энг умумий алоқадорлик ва боғланишларни, ўзгариш ва ривожланишнинг энг умумий қонунларини тўғри очиб бериш асосида кишиларга дунёни ўзлаштириш ва ўзгартириш йўлларини кўрсатувчи методологик қурол бўлиб хизмат қилади.

Диалектика – бу дунёни шундай тушунишки ва уни онгли равишда ўрганишнинг шундай усулики, бунда турли ҳодисалар, уларнинг турли-туман алоқалари, қарама-қарши кучларнинг ўзаро таъсири, ўзгариш ва ривожланиш жараёни билан бирликда қараб чиқилади.

Диалектикада ҳаракат чуқурроқ тушунилади. Бундаги «ўзгариш» тушунчаси ҳажм жиҳатдан «ҳаракат» тушунчасига киради. Чунки ҳар қандай ўзгариш ҳаракатдир, лекин ҳар қандай ҳаракат ўзгариш эмасдир. Ўзгариш нарса ва ҳодисаларнинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга, бир кўринишдан бошқа кўринишга ўтишидир. Масалан, янги буюмнинг эскириши ва шулар каби. Бироқ «ўзгариш» ўз ичига «ривожланишни» олади, гарчи ҳар қандай ўзгариш ривожланиш бўлмаса ҳам.

Ривожланиш эса бу - прогресс[17] томон ўзгаришдир. Ривожланиш, аслида шундай ўзгаришки, бунда муайян йуналишдаги янги ҳолат эски ҳолатнинг, юқори босқич қуйи босқичнинг ўрнини олиб, эски нарса ва ҳодисалар йўқолиб, улар ўрнини янги нарса ва ҳодисалар олади. Ўзгариш эса ривожланишдан шу билан фарқ қиладики, у ўз ичига регресс[18]ларни ҳам олади.

Ривожланиш — бу прогрессдан иборат ўзгариш бўлиб, кенг маънода қуйидан юқорига, оддийдан мураккабга қараб илгарилаб борувчи ҳаракатдир. Ривожланиш шундай ўзгаришки,

[17] Прогресс (лотинчи progress сузидан олинган бўлиб, янгининг ривожи, олдинга томон ҳаракат, ривожланишда қуйи босқичдан юқори босқичга ўтиш. дегани) — илгарилаб борадиган тараққиёт.

[18] Регресс (лотинча regress — сўзидан олинган бўлиб, орқага томон ҳаракат, қайтиш дегани) — салбий томон ўзгариш, ортта қайтиш, юқоридан қуйи томон бориш.

у нарса ва ҳодисаларнинг қуйи босқичи ўрнини юқорироқ босқич олишидир. Ривожланиш бошқа жиҳатдан нарса ва ҳодисаларнинг миқдор ва сифат жиҳатдан тубдан ўзгариб, бошқа нарса ва ҳодисаларга айланишидир. Ривожланиш, умуман олганда, тўғри чизиқ бўйлаб ҳаракат эмас, уни бундай тушуниш хатодир. Бундай тушунишни табиат ривожланиши ҳам, жамият тарихи ҳам рад этади. Ҳар қандай реал ривожланиш спиралсимон ҳолда, унинг ҳар бир янги ўрами олдингисига қараганда кенгроқ бойроқ, мазмунлироқ, юқорироқ, асосда эгри-бугри йўллар билан содир бўлади.

Фан ва ижтимоий-тарихий амалиёт шуни кўрсатадики, табиат, жамият, инсон ва инсон тафаккурига хос бўлган асосий умумий хусусиятлардан бири — бу уларда прогресс томон ривожланишнинг, яъни тараққиётнинг мавжудлигидир.

Ноорганик табиатда ривожланиш моддий объектларнинг, улардаги ўзаро алоқадорлик ва ҳаракат турларининг тобора мураккаблашиб бориши тарзида намоён бўлади.

Органик табиатда эса ривожланиш тирик организмларнинг ташқи муҳитга мослашуви асосида, улардаги табиий ва сунъий танланиш жараёнида эски, содда турларнинг ўрнига янги, мураккаброқ турларнинг пайдо бўлиб, уларнинг такомиллашиб боришида ифодаланади.

Инсоннинг ривожланиши дейилганда эса, одамнинг тобора ижтимоийлаша бориб, меҳнат, тил, онг ва аҳлоқнинг таъсири туфайли ижтимоий зот — инсонга айлана бориши, ниҳоят, ибтидоий жамоа тузуми кишисидан то ҳозирги давр кишисигача босиб ўтилган босқичлар тушунилади.

Прогресс томон ривожланиш, айниқса, жамият ҳаётида яққол кўзга ташланади. Жамиятдаги ривожланиш бир қуйи ижтимоий-иқтисодий босқичдан унга нисбатан прогрессивроқ, юқорироқ ижтимоий-иқтисодий босқичларга ўтиб бориш асосида рўй беради.

Инсон тафаккури жараёнига хос ривожланиш эса, бу инсон билишининг билмасликдан билишга томон, тўла бўлмаган билимлардан тўлароқ билимларга томон, оддий билишдан илмий билишга томон юксалиб боришидир.

Биз кўриб ўтган соҳаларнинг ҳар бирида прогресс томон ривожланиш ўзига хос шаклларда юз беради. Шу билан бирга, уларнинг ҳаммасига хос ривожланишнинг умумий томонлари ҳам бўлиб, улар бирликда бир бутун дунёнинг умумий ривожланиш манзарасини ифодалайди.

Шуни айтиш керакки, ривожланишнинг турли томонлари, босқичлари, унинг конкрет хусусиятлари турли конкрет фанлар томонидан ўрганилиб, уларнинг ҳар бири ўзининг соҳасига оид алоҳида ривожланиш назарияларини ишлаб чиқади ва мукаммаллаштириб боради. Масалан, ҳозирги замон космологияси коинот, айрим галактикалар, турлича космик объектларнинг келиб чиқиши каби назарияларни ишлаб чиқмоқда. Эволюцион биология эса тирик организмларнинг ривожланиши, уларда содда турлардан мураккаб турларнинг қандай келиб чиқиши ҳақида ўз назарияларига эга. Тарих фанида эса кишилик жамиятининг ривожланиш қонуниятлари ҳақида турли назариялар мавжуд; тилшунослик фани бўлса турли тилларнинг ривожланиш қонуниятлари ҳақидаги назарияларни ишлаб чиққандир. Булар ривожланишнинг турли конкрет махсус соҳаларига оид назариялардир.

Ривожланишнинг турли махсус фанлар соҳаларига оид бундай назарияларининг умумий жиҳатлари диалектиканинг тараққиёт назариясида ифодаланади. ***Диалектиканинг тараққиёт назарияси эса бир бутун борлиқнинг ҳаракати, ўзгариши ва ривожланиш қонунлари ва принципларини ўз ичига олган умумфалсафий таълимотдир.*** Тараққиётнинг бу умумфалсафий назариясининг вужудга келиши ва шаклланиши ҳам ўз тарихига эга.

Ривожланиш жараёнига хос тартиблилик ва тиртибсизликдан тартибланиш жараёнлари фалсафада ***қонун*** тушунчаси орқали ифодаланади. Оламда нарса ва ҳодисаларнинг ўзгариши ва ривожланиши уларнинг ўзаро алоқадорлиги ва боғланишлари асосида содир бўлади. Ривожланиш ва ўзаро алоқадорлик қонунларда намоён бўлади.

Энг умумий шаклда ***қонун*** – оламдаги турли хил нарсалар ва ҳодисалар, воқеа ва жараёнлар ўртасидаги тартиблашган муносабатлар, ўзаро алоқалар демакдир. Лекин қонун барча муносабатларни ифодалайди, деган хулоса чиқармаслик керак.

Олам ривожланишининг, табиат ва жамиятнинг ҳар қандай қонуни учта муҳим томони билан характерланади: 1) Қонун объектив асосга эга бўлиб у оламдаги турли хил нарса ва ҳодисалар, воқеа ва жараёнлар ўртасидаги муҳим, зарурий, умумий ва нисбий барқарор (доимий) алоқадорликларни ифодалайди; 2) Қонун хусусий характерга эга бўлиб воқеалар ривожланишининг қатъий натижасини, муайян йўналишини белгилаб беради; 3) Қонун маълум бир шарт-шароитларда намоён бўлади, нарса ва ҳодисаларнинг мавжудлиги ҳамда ривожланиши учун мажбурий, зарурий ҳисобланади.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда қонунга қуйидагича таъриф бериш мумкин: **Қонун –** муайян шарт-шароитда воқеалар ривожланишининг характери ва йўналишини белгилайдиган, маълум бир қатъий натижани тақозо этадиган объектив дунёдаги нарса ва ҳодисаларнинг муҳим, зарурий, умумий, нисбий барқарор муносабатлари, ўзаро алоқадорликларидир.

Мавжуд воқеликнинг қонунлари ниҳоятда хилма-хилдир. Табиат қонунлари, жамият ривожланиши қонунлари ва маънавий олам (хусусан тафаккур) қонунлари объектив жараёнларни акс эттиришига қараб бир-биридан фарқ филади. Табиат қонунларини табиатшунослик фанлари, жамият қонунларини жамиятшунослик фанлари, маънавий олам ривожланиши қонунларини маънавиятшунослик фанлари ўрганади.

Қонуннинг учта тури мавжуд:

Воқелик қонунлари *бизнинг онгимиздан, биз уларни билиш-билмаслигимиздан қатъий назар мавжуд ва амал қилади.*

Фан қонунлари *одамлар томонидан англаб етилган воқелик қонунларининг онгимиздаги инъикоси.* Ҳар бир фан воқеликнинг муайян соҳасини ўз предмети сифатида ўрганар экан, мазкур соҳада амал қилувчи қонунларни аниқлайди.

Шунингдек, амал қилиш, ҳаракатланиш доирасига кўра қонунлар хусусий, умумий ва энг умумий қонунларга бўлинади. ***Диалектиканинг ривожланиш назарияси бир бутун борлиқнинг ўзгариши ва ривожланишининг энг умумий қонунлари ва тамойилларини қамраб олган умумфалсафий таълимотдир.*** Диалектикада борлиқ ривожланишининг қуйидаги энг умумий қонунлари ўрганилади: 1). Диалектик зиддиятлилик (қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши) қонуни; 2). Миқдор ва сифат ўзгаришларининг ўзаро ўтиш қонуни; 3). Инкорни инкор қонуни (Ривожланишда ворисийлик ва давомлилик қонуни).

Фалсафа қонунлари *табиат ва жамиятда инсоннинг онгига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган бири иккинчисини тақозо қилувчи қонунлардир.*

Қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши (диалектик зиддиятлилик) қонуни фалсафа қонунлари ичида марказий ўринни эгаллаб, бу қонунга мувофиқ оламда ҳар бир нарса ва ҳодиса бир-бири билан узвий алоқада бўлган ва бири иккинчисини истисно ва тақозо этувчи қарама-қарши томон ва кучларга эга бўлиб, улар ўртасидаги зиддият натижасида ривожланиш, эскининг емирилиши ва янгининг пайдо бўлиши юз беради.

Қонуннинг муҳим жиҳатларини аниқлаш учун унинг асосий категорияларини кўриб чиқиш керак. Таҳлилни қарама-қаршилик тушунчасидан бошлаймиз.

Қарама-қаршилик – нарсалар ва ҳодисалардаги бир-бирини тақозо қилувчи ва бир-бирини истисно этувчи томонлар, хоссалар, тенденсиялар, жараёнларни акс эттирувчи фалсафий категория (ассимиляция – диссимиляция, ўзгарувчанлик – турғунлик, ишлаб чиқариш – истеъмол қилиш, яхшилик – ёмонлик ва ш.к.).

Қарама-қаршиликлар ўртасида икки хил муносабат мавжуд: ягоналик муносабати ва қарши ҳаракатга доир муносабат. (қонуннинг классик таърифида «кураш» атамаси ишлатиладики, у қонуннинг моҳиятини соддалаштиради, чунки мазкур атама кўпроқ жамиятга тегишлидир.)

Биринчидан, қарама-қаршиликлар бирлиги – бу уларнинг узвийлиги. Ҳар бир қарама-қаршилик бошқа бир қарама-қаршиликнинг мавжудлик шарти ҳисобланади. Улар алоҳида-алоҳида мавжуд бўлиши мумкин эмас (агар қарама-қаршиликлардан бири йўқ бўлса, уларнинг иккинчиси ҳам йўқ бўлади). *Иккинчидан, қарама-қаршиликлар бирлиги улар бир-бирини тақозо этган ва бир-бирига ўтган ҳолдагина муайян мазмун касб этади.*

Қарама-қаршиликлар бирлиги нарсанинг барқарорлигини акс эттиради ва нисбий, ўткинчи ҳисобланади. Қарама-қаршиликларнинг кураши мутлақ хусусият касб этади, у ҳеч қачон тўхтамайди.

Зиддиятлар – *нарса ёки ҳодиса қарама-қарши томонларининг бир-бирини истисно этиш ва бир-бирига ўтиш муносабатларидир*. Зиддиятлар борлиқнинг барча ҳодисалари ва жараёнларига хос бўлиб, ўзгариш ва ривожланишнинг манбаи, ҳаракатлантирувчи кучи сифатида амал қилади. Айни шу сабабли зиддият диалектик зиддиятлилик қонунининг моҳиятини ёритиб берувчи бош категория ҳисобланади. Зиддият – бу қарама-қаршиликлар муносабатигина эмас, балки уларнинг тарқалиш жараёни ҳамдир.

Зиддиятларнинг турлари. Зиддиятларнинг бутун ранг-баранглиги турли асосларга кўра таснифланади. Хусусан, *1) намоён бўлиш шаклига кўра – ички ва ташқи зиддиятлар;*

2) ривожланишдаги ролига кўра – асосий ва иккинчи даражали зиддиятлар;

3) вужудга келиш хусусиятига кўра – зарурий ва тасодифий зиддиятлар;

4) жамиятдаги типига кўра – антагонистик ва ноантагонистик зиддиятлар фарқланади.

Диалектика тизимида бу қонуннинг марказий ўрни нима билан белгиланади? Биринчидан, бу қонун ҳар қандай ҳаракат ва ривожланиш манбаини ёритади, яъни ривожланиш назариясининг энг муҳим саволларига жавоб беради. Иккинчидан, бу қонун диалектиканинг қолган барча қонунлари ва категорияларининг асоси ҳисобланади. Кўрсатилган қонунлар ва категорияларнинг ҳар бирида биз бирлик ва кураш муносабати билан боғлиқ бўлган қарама-қаршиликларга дуч келамиз. Учинчидан, диалектик зиддиятлилик қонуни ягонани тафаккурда иккилантириш ва унинг қарама-қаршиликларини уларнинг таҳлилини синтез билан бирлаштириш орқали ўрганишни талаб қилиб, билиш диалектик методининг бош мазмунини белгилайди.

Ривожланиш манбаини ёритувчи диалектик зиддиятлилик қонунидан фарқли ўлароқ, миқдор ва сифат ўзгаришларининг бир-бирига ўтиши қонуни ривожланиш жараёнининг механизмини ёритади, у қай тарзда ва қандай шаклларда амалга оширилишини кўрсатади.

Миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши қонуни. Тараққиётнинг диалектик концепцияси моҳиятини ёки ривожланиш жараёнининг содир бўлишини, нарса ва ҳодисаларнинг бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиши механизмини англаш лозим. Бундай мураккаб жараённи миқдор ва сифат ўзгаришларининг ўзаро ўтиш қонуни акс эттиради. Бу қонуннинг моҳияти шундаки, нарса ва ҳодисалардаги сезиларли бўлмаган, узлуксиз, тадрижий ва доимий тарздаги миқдорий ўзгаришлар аста-секин тўплана бориб, тараққиётнинг маълум бир босқичида меъёрни бузади ва туб сифатий ўзгаришларига олиб келади. Бу қонуннинг моҳияти миқдор, сифат, меъёр, узлуксизлик, сакраш каби тушунчалар мазмуни асосида англаб олинади.

Миқдор ва сифат ўзгаришларининг ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги қоида умумий аҳамият касб этади. У атроф борлиқнинг барча нарсалари ва ҳодисаларига нисбатан ўринли, яъни диалектика қонуни кучига эга. У қуйидагича таърифланади: м*иқдор ва сифат ўзгаришларининг бир-бирига ўтиши қонуни нарсанинг миқдор ва сифат томонларининг шундай бир ўзаро алоқасини акс эттирадики, унинг таъсирида миқдор ўзгаришлари меъёр чегарасидан четга чиқиб, албатта туб сифат ўзгаришларига сабаб бўлади, бу сифат ўзгаришлари эса, ўз навбатида, янги миқдор кўрсаткичларига олиб келади.* Бу қонунга мувофиқ ривожланиш бир-биридан фарқ қиладиган, лекин ўзаро боғланган икки босқич – узлуксизлик ва узлуклиликнинг бирлиги сифатида юз беради. Ривожланишда узлуксизлик – бу жуда суст, кўзга кўринмас миқдор ўзгаришлари босқичи. Ривожланишда узлуклилик сакраш деб аталади.

Сакраш-*бу бир сифатнинг бошқа сифатга айланиш вақти, шакли, усули, миқдор ўзгаришларининг узлуксизлиги, босқичма-босқичлигидаги узилишдир.* Масалан, сакраш-бу ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши, ҳайвонлар дунёсидан инсоннинг ажралиб чиқиши, бир ижтимоий тузум ўрнига бошқа ижтимоий тузум келиши, буюк илмий ва техникавий кашфиётлардир.

Сакрашларнинг шакллари ранг-баранг бўлиб, ривожланаётган ҳодисанинг табиати, шунингдек унда сифат ўзгаришлари юз бераётган конкрет шароит билан белгиланади. Сакрашлар:

1*) ўзгаришнинг давомлилигига кўра (жадал, суст);*

2) ўзгариш шаклига кўра (бир карра, кўп карра);

3) ўзгаришнинг чуқурлик даражасига кўра (қисман, тўлиқ);

4) ўзгаришнинг йўналишига кўра (прогрессив, регрессив, йўналишсиз) фарқ қилади.

Сакрашларни таҳлил қилиш чоғида «эволюция», «инқилоб», «ислоҳот» каби атамалар айниқса муҳим аҳамият касб этади.

Инкорни-инкор қонуни **-** ривожланишнинг умумий тенденциясини, унинг йўналишини акс эттиради**.**. Тараққиётдаги ворислик ва давомлилик инкорни инкор этиш йўли билан амалга ошиб боради. Бу муаммони ўрганишни инкор тушунчаси нимани ифодалашини аниқлаб олишдан бошлаш лозим.

Борлиқнинг ҳамма соҳасида доимо эски, умри тугаётган нарса ва ҳодисаларнинг барҳам топиши ва янги нарса ва ҳодисаларнинг вужудга келиш жараёни содир бўлиб туради. Бундаги эскининг янги билан алмашиниши **инкор** деб аталади.

«Инкор» ва «инкорни-инкор» категориялари диалектикага Гегел томонидан киритилган бўлиб, айни шу мутафаккирнинг саъй-ҳаракатлари билан улар умумий фалсафий категориялар мақомини олган. Инкор ва инкорни-инкор категорияларидан Гегел ривожланишнинг ўзига хос хусусиятларини ёритиш воситаси сифатида фойдаланган.

Инкорни-инкор қонуни – бу шундай бир қонунки, унга мувофиқ ривожланиш жараёни янгининг эскини диалектик инкор этиш чексиз занжиридан иборат бўлади, бунда ривожланиш аввалги босқичларининг барча муҳим жиҳатлари янгида сақланади ва умуман бу жараён юксалиб борувчи йўналишга эга бўлади. Айни вақтда ривожланиш жараёнида унинг олий босқичларида аввалги босқичларнинг айрим жиҳатлари ва томонлари сифат жиҳатидан янгича асосда такрорланади ва айни ҳол тўғри чизиқ, туташ доира бўйлаб эмас, балки спиралга яқинлашувчи эгри чизиқ бўйлаб юксалишни белгилайди. Ҳаракатнинг спиралсимонлиги ривожланишнинг цикллигини акс эттиради.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда эски ва эскираётган нарсаларни инкор этиш ва уларнинг ўрнига янгиларини қуриш, яратиш учун кураш давом этмоқда. Жамиятда юз бераётган бозор иқтисодиёти туғдираётган ўзгаришларни ҳар бир киши тўғри тушуниб олиши лозим. Республикани сифат жиҳатидан ўзгартириш, уни юксак тараққий этган мамлакатлар қаторига киритиш учун ҳозирги даврда ҳар бир кишидан кўпроқ куч-ғайрат сарфлашни, ўз фаолиятига баҳо беришда холис, принципиал бўлишни, омилкорлик ва фидокорликни талаб қилади. Янги Ўзбекистонни барпо этиш учун фақат иқтисодий ўзгаришлар қилиш етарли эмас, шу билан бирга, сиёсий, маданий ва маънавий ўзгаришлар ҳам қилиш, фаол ижтимоий сиёсат олиб бориш, инсон тўғрисида ғамхўрлик, унинг ҳаётий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳам зарур.

Маълумки, нарса ва ҳодисаларнинг умумий ўзаро алоқадорлиги ва ривожланиши “Буюмлар мантиқини”, яъни объектив диалектикани ташкил қилади. Бу объектив диалектика инсон тафаккур мантиқида, яъни субъектив диалектикада маълум бир илмий тушунчалар, категориялар кўринишида акс этади. Категория нима? Бу саволга жавоб бериш учун биз қандай фикрлашимиз ва ўз фикрларимизни бошқа одамларга қандай етказишимизни кўриб чиқамиз. Биз тушунчалар, мулоҳазалар ва мушоҳадалар кўринишида фикрлаймиз. Фикрлаш жараёнининг асосий материали тушунчалар бўлиб, предметларнинг умумий ва муҳим белгилари улар орқали фикрланади. Тушунчалар ёрдамида биз воқеа ва ҳодисалар маъносини англаймиз, уларнинг ўзимиз учун аҳамиятини аниқлаймиз. Тушунча ва тушуниш ўзакдош сўзлардир, шу сабабли бизнинг дунёни тушунишимиз, дунёга онгли муносабатимиз инсон ихтиёрида мавжуд бўлган тушунчалар аппарати билан белгиланади. Биз ўз фикрларимизни сўзлар ёрдамида ифодалаймиз. *Сўз – фикр ва дунё ўртасидаги воситачи*. У фикрлаш омили, фикрни ифодалаш, уни бошқаларга етказиш воситаси ҳисобланади. Сўз бойлигимиз қанча катта бўлса, бизнинг дунёни англаш борасидаги имкониятларимиз шунча кенг бўлади.

Объектив борлиқни аниқроқ ва теранроқ акс эттириш учун инсон фикрлаш мантиқий воситаларининг муайян мажмуини, тушунчаларнинг муайян доирасини яратади. *Тушунча – бу шундай бир фикрки, унда нарсанинг такрорланувчи хоссалари, алоқалари ва томонлари акс этади. Тилда тушунча сўз билан ифодаланади*.

Фан ва фалсафанинг ривожланиши алоҳида мақомга эга бўлган ва билиш жараёнида махсус функцияларни бажарадиган тушунчалар шаклланишига олиб келди. Бу тушунчалар категориялар деб номланди.

Категория *(юнон. категориа – таъриф, мулоҳаза) – борлиқ ҳодисалари ва унда ҳукм сурувчи муносабатларнинг муҳим, типик мазмунини ўзида акс эттирадиган ўта кенг илмий тушунчадир*. Фалсафа тарихида категориялар масаласи Арасту томонидан батафсил ишлаб чиқилиб, “Метафизика”, “Категориялар” номли асарларида кўплаб категорияларнинг фалсафий аҳамиятини таърифлаб ва тавсифлаб берган.

Шундай қилиб, табиий тил тушунчалари фан ва фалсафа категориялари билан тинимсиз бойиб боради. Категорияларни таснифлаш, борлиқнинг турли шакллари ҳақидаги фалсафий тасаввурларга мувофиқ амалга оширилади. Одатда ***фан категориялари, хусусий-илмий категориялар ва фалсафа категориялари*** фарқланади.

Фалсафий категориялар – борлиқнинг умумий, муҳим томонлари, хоссалари, алоқалари ва муносабатлари ҳақида фикрлаш учун қўлланиладиган ўта кенг тушунчалар мажмуидир.

Фалсафа фани оламни фалсафий англаш ва диалектик тафаккурлаш жараёнида бир-бири билан узвий боғланган, бир-бирини тўлдирадиган, мазмунан бой ва хилма-хил категориялар яратади, уларнинг ёрдамида воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг энг умумий алоқадорлиги ва ривожланиши қонуниятларини ифодалайди. Фалсафа категорияларини мазкур фаннинг мазмун-моҳияти ва предметини эътиборга олган ҳолда асосан ***уч туркумга*** бўлиш мумкин: ***Биринчи туркумга*** – Борлиқ ва унинг мавжудлик шаклларини ифодалайдиган категориялар киради. ***Иккинчи туркумга*** – Борлиқнинг ялпи ўзаро алоқадорлиги ва ривожланиши қонуниятларини акс эттирадиган категориялар киради. ***Учинчи туркумга*** – Билиш жараёни ва унинг қонуниятларини ифодалайдиган категориялар киради.

Шунингдек, фалсафий категориялар тизимида шартли равишда уч муҳим гуруҳни ҳам фарқлаш мумкин:

1. *Фалсафий категорияларнинг биринчи ва энг муҳим гуруҳи – ҳар қандай фалсафий муаммоларни таҳлил қилишда қўлланиладиган умумий категориялар, яъни борлиқ категорияларидир* (фалсафий адабиётларда бу категорияларни диалектика категориялари деб номлаш одат тусини олган).

2. *Иккинчи гуруҳни фалсафанинг турли бўлимларига тегишли бўлган махсус категориялар ташкил этади*. Масалан, онтология, борлиқ, йўқлик, субстансия, дунёнинг бирлиги, материя, онг, макон, вақт, ҳаракат каби категориялар мазмунини аниқлайди ва муайян тарзда талқин қилади. Натурфалсафа, гносеология, антропология, праксиология, ижтимоий фалсафа, глобаллашув фалсафаси ҳам ўз категориялар аппаратига эгадир.

3. *Учинчи гуруҳни махсус фалсафий фанлар: мантиқ, ахлоқ (этика), эстетика категориялари ташкил этади.* Масалан, ахлоқ фанида фалсафий билимнинг айни шу соҳаси ва фалсафанинг ахлоқ билан турдош бўлимлари – антропология, ижтимоий фалсафа, аксиологияга хос бўлган категориялар тизими (яхшилик ва ёмонлик, шаън ва қадр-қиммат, ҳаёт маъноси, бахт ва бошқалар) вужудга келган. Тушунчалар, мулоҳазалар, мушоҳадалар, далиллаш ва ҳоказолар мантиқ категориялари ҳисобланади. Эстетикада гўзаллик ва хунуклик, фожеавийлик ва кулгилилик, улуғворлик ва тубанлик каби категориялар қўлланилади. Биз эса фалсафанинг умумий категорияларини кўриб чиқамиз.

Фалсафа категориялари муайян фанларнинг категорияларидан анча фарқ қилади. Бу фарқ шундан иборатки, диалектика категориялари объектив дунё ҳодисалари туркумларининг муҳим хоссалари ва алоқаларинигина эмас, балки барча моддий жараёнларга хос бўлган энг умумий хоссалар ва алоқаларни акс эттиради. Шундай қилиб, диалектика категориялари

объектив дунёни идеал акс эттиришнинг ўта кенг шакллари бўлиб, улар воқеликни билиш ва маънавий-амалий ўзгартиришнинг асосий тамойиллари бўлиб хизмат қилади.

Баъзи ҳолларда *умумий категориялар, яъни борлиқ категориялари* диалектика категориялари деб ҳам номланади. *Диалектика категорияларини икки турга ажратиш мумкин:* ***субстанционал категориялар*** *ва* ***муносабатдош категориялар.*** Субстанционал категориялар – бу бошқа категориялардан қатъий назар, алоҳида-алоҳида қўлланиладиган категориялар. Бундай категориялар қаторига «борлиқ», «материя», «ҳаракат», «ривожланиш», «макон», «вақт », «зиддият» ва ҳоказолар киради. Улар объектив воқеликнинг муайян умумий хоссаларини қайд этади, лекин бу категорияларнинг бошқа категориялар билан алоқалари ҳақида бевосита тасаввур ҳосил қилиш имконини бермайди.

Муносабатдош категориялар бири иккинчиси билан уйғун боғлиқ бўлиб, билиш жараёнида бири иккинчисини назарда тутади; уларнинг бири ҳақида тасаввур ҳосил қилганда бошқасини ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Бундай категориялар қаторига қуйидагилар киради: яккалик ва умумийлик; ҳодиса ва моҳият; шакл ва мазмун; қисм ва бутун; сабаб ва оқибат; тасодиф ва зарурият; имконият ва воқелик.

Борлиқ бепоён алоқадорликлар ва боғланишлар мажмуидир. Турли фанлар бу алоқадорликлар ва боғланишларни турли жиҳатдан ўрганади. Диалектика эса бир бутун борлиққа ва унинг турли кўринишларига хос бўлган энг умумий алоқадорликни ва боғланишларни ўрганади ва очиб беради. Диалектикада бундай алоқадорликларнинг уч тури мавжуд: 1) универсал, 2) структуравий, 3) детерминистик алоқадорликлар. Ушбу алоқадорликларни диалектиканинг муносабатдош категориялари акс эттиради. Бу жиҳати билан диалектика конкрет фанлардан фарқ қилади.

Яккалик, хусусийлик ва умумийлик. Яккалик, хусусийлик ва умумийлик борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг ҳар бирига хос алоҳида, маълум гуруҳига хос махсус ва ҳаммасига хос умумий томонлари, хусусиятлари ҳамда улар ўртасидаги боғаниш ва алоқадорликни ифодалайди.

Алоҳида нарса ва ҳодисагагина хос бўлиб, бу нарса ва ҳодисани бошқа нарса ва ҳодисадан фарқ қилувчи, такрорланмайдиган, индивидуал белги ва хусусиятлар бирлиги **яккалик** дейилади. Яккалик алоҳида нарса ва ҳодисаларни ҳам, улардаги алоҳида томон, белги ва хоссаларни ҳам акс эттиради.

Кўпчилик нарса ва ҳодисаларга (ёки уларнинг турларига ҳамда томонларига) хос бўлган ўзаро ўхшаш, бир хил, такрорланувчи белги ва хусусиятлар бирлигини акс эттирувчи тушунча **умумийлик** деб аталади.

Нарса ва ҳодисаларга хос махсус томонлар, хусусиятлар бирлиги **хусусийлик** категориясида ифодаланади. Хусусийлик категорияси нарса ва ҳодисалардаги алоҳидалик ва умумийлик каби томонлар ўртасидаги алоҳидаликка нисбатан умумий, умумийликка нисбатан алоҳида бўлган томонлар, белгилар, хусусиятлар ва алоқадорликларни ифодалайди.

Моҳият ва ҳодиса. **Моҳият** нарса ва ҳодисаларнинг ички, энг муҳим ўзаро боғланишлари, шу боғланишларнинг қонуний алоқадорликларини ифодалайди. **Ҳодиса** эса шу нарса ва жараёнларни ташкил этувчи томонлар, хусусиятлар ва боғланишларнинг намоён бўлиш шакли, моҳиятнинг ифодаланишидир.

Бутун ва қисм. **Бутун —** ўзаро диалектик алоқадорликда бўлган қисмлар, бўлаклар, томонлар, элементлар, компонентларнинг узвий бирлигидан иборат бўлган алоҳида нарса, ҳодиса, жараёндир. Масалан, бизни ўраб турган олам бир бутундир.

Қисм эса шу бутунни ташкил қилган, унинг таркибидаги маълум бўлак, компонент, элементдир. Масалан, бир бутун оламнинг бир қисми табиатдир.

Система, структура ва элемент. Борлиқдаги нарса ва ҳодисалар система, структура ва элемент алоқадорлигига ҳам эга бўлади. Чунки улар маълум системалар тарзида мавжуд бўлиб, ўз тузилиши ва таркибига кўра эса муайян структурага эга ҳамда қатор элементлардан ташкил топган бўлади.

Система — бу борлиқдаги ўзаро боғлиқ, муайян тартибдаги бир-бирига таъсир ва акс таъсир қилиб турувчи нарсалар, ҳодисалар ва жараёнларнинг қонуниятли бирлигидир.

Структура эса шу системани ташкил этган нарсалар, ҳодисалар ва жараёнларнинг тартиби, тузилиши, таркиби, жойлашиши ва ифодаланишидир. Структура ҳар бир нарса ёки ҳодисанинг, ҳар бир системанинг ажралмас туб хусусияти бўлиб, у муайян элементлардан ташкил топади.

Элемент система структурасини ташкил килган, нисбий мустақилликка эга бўлган тузилмадир. Ҳар бир система ўз структурасига кўра бир қанча ўзаро чамбарчас боғлиқ ва алоқадорликда бўлган элементлардан иборат бўлади.

Мазмун ва шакл. **Мазмун** — нарса ёки ҳодисани айнан шу нарса ёки ҳодиса сифатида ифодаловчи жараёнлар, муҳим элементлар ва ўзгаришларнинг мажмуидан иборат. **Шакл** — мазмуннинг мавжудлик усулини, унинг структурасини, яъни тузилишини ифодаловчи, нарса ва ҳодисаларнинг ички ва ташқи томонларининг бирлигидан иборат. Мазмунни ташкил этувчи хусусиятлар, зиддиятлар, элементлар шаклсиз ифодаланмаганидек, уларнинг мавжудлик усули, структураси, тузилиши ҳам мазмунсиз намоён бўла олмайди. Демак, мазмун ва шакл муайян бир нарса ёки ҳодисанинг бир-бири билан диалектик алоқадор бўлган икки томонидир.

Сабаб ва оқибат. Нарса ва ҳодисалар ўзларининг пайдо бўлишлари, шаклланиш ва ривожланишларида бир-бирлари билан алоқадорликда ва сабабий боғланишларда бўлишиб, уларнинг бири сабаб, иккинчиси шу сабаб туфайли келиб чиққан оқибат бўлади. Уларнинг ўзаро бундай алоқадорлиги сабабий боғланиш дейилади. Бу сабабий боғланишда бир нарса ёки ҳодиса иккинчи бир нарса ёки ҳодисани вужудга келтиради.

Бир ҳодисадан олдин келиб, уни вужудга келтирган ҳодиса ёки ҳодисалар гуруҳи **сабаб** деб аталади. Сабабнинг бевосита ёки бавосита таъсири билан юз берадиган ҳодиса **оқибат** дейилади.

Зарурият ва тасодиф. Нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятидан, уларнинг ички муҳим боғланишларидан муайян шароитда қатъий равишда келиб чиқадиган, келиб чиқиши муқаррар бўлган воқеа ёки ҳодиса **зарурият** деб аталади. Нарса ва ҳодисаларнинг моҳияти билан боғлиқ бўлмаган, ташқи таъсир ва иккинчи даражали омиллар билан боғлиқ, бўлган, айни шароитда юз бериши ҳам, юз бермаслиги ҳам мумкин бўлган ҳодиса ёки воқеа **тасодиф** дейилади.

Имконият ва воқелик. Имконият ва воқелик ўзгариш ва ривожланиш жараёнидаги нарса ва ҳодисаларнинг икки хил даврини, икки хил ҳолатини, бу даврларнинг ўзаро муносабатини ўзларида ифодаловчи категориялардир.

Воқелик — бу ҳозир реал мавжуд бўлган, яшаб турган нарса ва ҳодисалардир. Лекин бу ҳодисалар ривожланиш жараёнида бирданига ҳозирги ҳолатда бўлмай, балки дастлаб имконият ҳолатида бўлган бўлиб, улар ўзларининг маълум келиб чиқиш даврига, вақтига, тарихига эга. Воқелик ўзининг пайдо бўлиш давридан олдин имконият шаклида мавжуд бўлади.

Имконият — бу воқеликнинг куртак ҳолдаги кўринишидир, у юзага чиқмаган воқеликдир. Шу билан бирга, имконият воқеликни келтириб чиқарувчи, ривожланишнинг объектив ва субъектив шарт-шароитлари ҳам бўлиши мумкин. Имконият объектив қонуниятлардан келиб чиқади, улар томонидан яратилади.

Умуман, диалектикада юқоридаги универсал, структуравий ва детерминистик алоқадорликларни ифодалайдиган муносабатдош категориялар ўзаро бир-бирлари билангина эмас, балки бошқа барча категориялар билан ҳам чамбарчас боғлиқликда ўрганишни талаб қилади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Олам нима ва унда одамнинг ўрни қандай?

2.. Борлиқ ва йўқлик тушунчалари тўғрисида нималарни биласиз?

3. Борлиқнинг мураккаб тузилиши деганда нима тушунилади?

4. Оламнинг пайдо бўлиши ва эволюциясини қандай изоҳлайсиз?

5. Ер тарихи ва унда ҳаётнинг пайдо бўлиши ва эволяциясини асослайдиган қандай илмий назарияларни биласиз?

6. Субстанция ва субстрат тушунчаларини таърифланг.

7. Материя категориясининг фалсафий ва табиий-илмий маъносини тушунтиринг.

8. Ҳаракат тушунчаси ҳамда унинг асосий типлари ва шакллари тўғрисида сўзлаб беринг.

9. Макон ва вақт – борлиқнинг мавжудлик шакллари эканлиги қандай маъноларни англатади?

10. Табиат фалсафаси қандай номланади? Табиат тушунчасининг турли маъноларини қандай изоҳлайсиз?

11. Ижтимоий ривожланиш ва географик муҳитнинг ўзаро алоқадорлигини қандай тушунасиз?

12. Биосфера, ноосфера ва коэволюция тушунчаларини қандай таърифлайсиз?

13. Диалектика таълимотининг фалсафа фанидаги ўрни ва аҳамиятини қандай тушунасиз?

14. Қонун тушунчасини қандай таърифлайсиз?

15. Олам ривожланишининг умумфалсафий қонунларини таъкидланг ва қисқача моҳиятини таърифлаб беринг.

16. Фалсафа категорияларини таърифланг ва таснифлаб беринг.

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари (тест):

1. Фалсафанинг қайси соҳасида борлиқ ва йўқлик, мавжудлик ва номавжудлик муаммоларига доир масалалар ўрганилади?

А. Аксиологияда

Б. Гносеологияда

В. Онтологияда

Г. Ижтимоий фалсафада

2. Фалсафий категория сифатида дунёни унинг бутун ранг-баранглиги ва турли-туман намоён бўлиш шакллари билан яхлит акс эттирувчи тушунча нима?

А. Объектив воқелик.

Б. Материя.

В. Космос.

Г. Борлиқ.

3. Оламдаги нарса ва ҳодисалар ҳолатларининг ҳар қандай ўзгариши бу - ...

А. Ҳаракат

Б. Тараққиёт

В. Ривожланиш

Г. Ўзгариш

4. Борлиқни тушунишга нисбатан диалектик ёндошувни илк бор ким илгари сурди?

А. Фалес

Б. Гераклит

В. Анаксимандр

Г. Ксенофан

5. «Ҳамма нарса ер ва сувдан вужудга келади ва ривожланади, ҳатто «биз ҳам ер ва сувдан пайдо бўлганмиз»» кимнинг фикри?

А.Ксенофан

Б.Анаксимандр

В. Фалес

Г. Пифагор

6. Шарқ мутафаккирларидан ким борлиқ муаммосини ҳал қилишда «Вужуди вожиб» ва «Вужуди мумкин» нинг ўзаро нисбатига мурожаат қилади?

А. Ат – Термизий.

Б. Ал – Хоразмий.

В. Абу Наср Форобий.

Г. Абу Райхон Беруний.

7. Монизм таълимотига тўғри таъриф берилган қаторни кўрсатинг?
А. Дунёнинг бирлиги замирида ягона асос – моддийлик ётади деб ҳисобловчи таълимот.
Б. Дунёнинг нарсалар ва ҳодисалар ранг–баранглиги бир субстанциядан иборат деган таълимот.
В. Биринчи асос сифатида иккита субстанция олинган фалсафий ёндашув.
Г. Дунёнинг негизида иккита эмас ундан кўпроқ моҳият мавжуд деб ҳисобловчи таълимот.
8. Борлиқнинг атрибутлари: бу - ...
А. мавжудлиги, реаллиги;
Б. ҳаракат, макон, вақт;
В. инъикос, онг;
Г. ҳаракат, макон, вақт, инъикос, онг.
9. Материя нима?
А. Оламдаги барча объектив ва субъектив мавжуд нарсалар ва ҳодисалар.
Б. Объектив реалликни ифодаловчи фалсафий категория.
В. Борлиқни, бутун дунёни барча ранг-баранг шакллари билан жамулжам ҳолда акс эттирувчи тушунча.
Г. Муайян жисмнинг айнан шу жисм эканлигини булгиловчи хусусиятлари.
10. Макон ва вақт концепцияларининг тарихда шаклланган икки муҳим ва бир-биридан бутунлай фарқ қиладиган йўналишлари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?
А. Чизиқли ва ночизиқли.
Б. Рационал ва иррационал.
В. Чеклилик ва чексизлик.
Г. Субстанционал ва реляцион.
11. Макон ва вақтнинг турли ҳисоб системаларида турлича намоён бўладиган, миқдорий катталиклар билан ўлчанадиган, ташқи алоқадорликларда кўзга ташланадиган, ўзгарувчан ва нисбий хусусиятлари нима дейилади?
А. Макон ва авқтнинг метрик хусусиятлари.
Б. Макон ва вақтнинг топологик хусусиятлари.
В. Макон ва вақтнинг умумий хусусиятлари..
Г. Макон ва вақтнинг абсолют ва нисбий хусусиятлари.
12. Макон ва вақтнинг барча ҳисоб системаларида, материянинг барча структура даражаларида бир хилда сақланувчи, уларнинг туб сифатий жиҳатларини ифодаловчи фундаментал хусусиятлари нима дейилади?
А. Макон ва авқтнинг метрик хусусиятлари.
Б. Макон ва вақтнинг топологик хусусиятлари.
В. Макон ва вақтнинг умумий хусусиятлари..
Г. Макон ва вақтнинг абсолют ва нисбий хусусиятлари.
13. Табиатнинг жонли қисми (биосфера) қайси сфераларда мавжуд дея эътироф этилади?
А. Атмосфера, гидросферанинг ва литосферанинг юқори қисми
Б. Атмосфера, стратосфера ва литосферанинг юқори қисми
В. Гидросфера, биосфера ва литосфера
Г. Атмосфера, гидросфера, биосфера
14. Ижтимоий экология илмий ва фалсафий билимлар соҳаси сифатида нечанчи йилларда вужудга келди?
А. XX аср боши.
Б. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг.
В. XX аср 60-80-йиллари.
Г. XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида.
15. Қайси даврда табиатга иззат-икром кўрсатиш ғояси илгари сурилиб, табиат билан муросаи мадора қилиш ва унинг қонунларига мувофиқ яшаб, айни шундай ҳаётни энг муносиб ва мақбул деб эътироф этишган?
А. Антик даврда.
Б. Илк ўрта асрларда.
В. Уйғониш даврида.

Г. Ҳозирги даврда.

16. ДИАЛЕКТИКА ТЎҒРИСИДА ҚАЙСИ ЖАВОБ ЭНГ ТЎҒРИ?

А) Ҳаракат, ўзгариш, ривожланиш тўғрисидаги таълимот.
Б) Назарий ва амалий билиш, тадқиқотлар усули.
В) Ривожланиш қонунлари ва категориялари тизими.
Г) Дунё алоқадорлиги ва ривожланишининг умумий қонунлари ва категориялари тўғрисидаги таълимот.

17. Диалектикани "баҳс, мунозара санъати" деб ҳисоблаб, "Ҳақиқат мунозара, баҳслашув орқали қўлга киритилади" деган машҳур фикр қайси юнон мутафаккирига мансуб?

А) Афлотун (Платон)
Б) Арасту (Аристотель)
В) Суқрот (Сократ)
Г) Батломус (Птолемей

18. ДИАЛЕКТИК ҚОНУН ТАЪРИФИНИ АЙТИНГ.

А). дунёдаги нарса ва ҳодисаларнинг объектив муҳим, зарурий, умумий, нисбий барқарор алоқалари йиғиндиси.
Б). реал воқеаларнинг кетма-кет келиши.
В). объектив оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг умумий муносабатлари.
Г). объектив оламни билиш босқичи.

19. ДИАЛЕКТИК КАТЕГОРИЯ НИМА?

А). реал оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг умумий хоссаларини акс эттиради.
Б). воқелик ва билиш ҳодисаларининг белгиларини, муносабатларини ривожлантиради.
В). воқелик ва билиш ҳодисаларининг энг умумий ва муҳим хоссаларини, томонларини, муносабатларини акс эттирадиган тушунча.
Г). тафаккур оламига хос умумий белгилар.

20. Диалектик инкорга кўра ривожланишнинг спиралсимон характерига хос уч муҳим жиҳатлар қайсилар?

А). Тезис, антитезис ва синтез.
Б). Ривожланиш инкорни-инкорлар занжиридан иборат илгариланма жараён.
В). Эскининг емирилиши, янгининг пайдо бўлиши, ривожланиш шарти.
Г). Деструкция, кумуляция ва конструкция.

21. РИВОЖЛАНИШ ДЕГАНДА НИМАНИ ТУШУНАСИЗ?

А). Ривожланиш – табиат ва жамиятнинг сифатий ўзгариши.
Б). Ривожланиш – моддий ва идеал ҳодисаларнинг қайтарилмас, қонуний йўналтирилган ўзгаришидир.
В). Ривожланиш – фақат материянинг ўзгаришидир.
Г). Ривожланиш – бу нарсаларнинг қонуний, сифатий ўзгаришидир.

22. Тараққиётнинг сабабини қайси бир қонун очиб беради?

А).Тараққиётнинг сабабини диалектиканинг қонун ва категориялари очиб беради.
Б). Тараққиётнинг сабабини диалектик зиддиятлилик қонуни очиб беради.
В). Тараққиётнинг сабабини миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўзаро ҳтиш қонуни очиб беради.
Г). Тараққиётнинг сабабини инкорни инкор қонуни очиб беради.

23. Ривожланиш жараёнининг қандай қилиб ва қай тарзда содир бўлиш механизмини диалектиканинг қайси қонуни акс эттиради?

А) Қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни.
Б) Миқдор ўзгаришларидан сифат ўзгаришларига ўзаро ўтиш қонуни.
В) Инкорни инкор (тараққиётда ворисийлик ва давомлилик) қонуни.
Г) Диалектиканинг барча қонунлари.

24. Ривожланиш жараёнининг муайян йўналишини, қатъий натижасини, ўзгаришлар тенденциясини диалектиканинг қайси қонуни ифода этади?

А) Қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни.
Б) Миқдор ўзгаришларидан сифат ўзгаришларига ўзаро ўтиш қонуни.
В) Инкорни инкор (тараққиётда ворисийлик ва давомлилик) қонуни.
Г) Диалектиканинг барча қонунлари.

25. ЗАРУРИЙ ВОҚЕАНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ НИМАДА?

А). сабабий алоқадорликда.
Б). қонунийликда.
В). тушунчадаги кучларнинг таъсири, субъектив омилда.
Г). фаоллик, пешонага ёзилганликда.

26. ТАСОДИФ НИМА?

А). заруриятнинг намоён бўлишидир.
Б). сабабсиз вужудга келган воқеадир.
В). кутилмаганда содир бўладиган ҳодисадир.
Г). муқаррар содир бўладиган ҳодиса.

27. УМУМИЙЛИК ТУШУНЧАСИНИ ИФОДАЛАНГ.

А). умумийлик якка нарсалар ва ҳодисалардаги объектив мавжуд томонлар, хоссалар, белгилар ва улар ўртасидаги алоқа ва муносабатлар.
Б). умумийлик – яккаликка боғлиқ реал мавжуд нарса.

В). умумийлик яккалик билан узвий боғлиқ ва якка нарсаларнинг йиғиндисидан иборат.
Г). доимий такрорланадиган белгилар йиғиндиси.

28. САБАБ ТУШУНЧАСИНИ ТАЪРИФЛАНГ.

А). сабаб- бу шундай воқеаки, унинг асосида нимадир вужудга келади.
Б). сабаб – бу ўзига мувофиқ келадиган бирор натижа келтириб чиқаради.
В). сабаб – бу ҳодисанинг келиб чиқиши учун баҳонадир.
Г). сабаб – инсон зеҳнига хос хусусият.

29. БУТУН ТУШУНЧАСИНИ ИФОДАЛАБ БЕРИНГ.

А). жисмларнинг катталиги.
Б). бир неча нарсаларнинг қўшилиши ва йиғиндиси.
В). моддий дунёдаги умумий алоқалар ва хусусиятлар.
Г). ҳодисаларнинг яхлитлиги ва умумийлиги, ўзаро ички боғлиқлиги, ташқи кўриниши.

30. БЎЛАК НИМА?

А). нарсаларнинг алоҳида қисми.
Б). энг майда нарсалардир.
В). бирор нарса ва ҳодисаларнинг алоҳида қисми, ўзига хослиги, мустақиллиги, барқарорлиги, абадийлиги.
Г). алоҳида сифат ва миқдор аниқлигига эга бўлган нарса, ҳодиса.

31. ТИЗИМ ТУШУНЧАСИНИ ТУШУНТИРИНГ.

А). олам тартиби.
Б). элементларнинг тўплами бўлиб, ўзаро муносабат ва алоқада муайян яхлитлик ҳамда бирликни ташкил этади.
В). қисмларнинг ўзаро алоқадорлиги.
Г). нарсаларнинг қўшилиши ва бирлиги.

32. ТУЗИЛИШ НИМА?

А). тизим ташкил топишнинг тузилиши ва ички нормаси. Б). нарсаларнинг ёнма-ён туриши.
В). нарса ва ҳодисаларнинг бир жойда тўпланиши. Г). элементлар алоқадорлиги.

33. ТЎҒРИ ФИКРНИ АНИҚЛАНГ.

А). Элемент – бу материянинг дастлабки моддаси, бирламчи зарра. Б). Элемент – бу энг майда нарсалар.
В). Элемент – бу тизимнинг таркибий бир қисми. Г). Элемент – бу атом ва бошқа моддий унсурлар.

34. Фақат сабабий боғланишлар орқали дунёнинг фалсафий манзарасини ёритиб берувчи оқим нима деб номланади?

а) фатализм;
б) анархизм;
в) нигилизм;
г) детерминизм.

35. Диалектик инкорга кўра ривожланишнинг спиралсимон характерига хос уч муҳим жиҳатлар қайсилар?

А). Тезис, антитезис ва синтез.
Б). Ривожланиш инкорни-инкорлар занжиридан иборат илгариланма жараён.
В). Эскининг емирилиши, янгининг пайдо бўлиши, ривожланиш шарти.
Г). Деструкция, кумуляция ва конструкция.

36. Мазмун деб нимага айтилади?

а) предмет ёки ҳодисаларнинг айнан шу предмет ёки ҳодиса бўлиши учун зарур бўлган белгилар йиғиндисига;
б) предмет ёки ҳодисани ташкил этувчи барча белгилар йиғиндисига;
в) шаклни ифода этувчи белгиларнинг боғланишларига;
г) предмет ва ҳодисаларни намоён этувчи белгиларга.

37. Моҳият деб нимага айтилади?

а) ҳодисалар орқали юзага чиқувчи ички зарурий алоқадорликларга;
б) предмет ёки ҳодисани ташкил этувчи барча белгилар йиғиндисига;
в) предмет ёки ҳодисаларнинг айнан шу предмет ёки ҳодиса бўлиши учун зарур бўлган энг муҳим белгилар йиғиндисига;
г) ҳодисалар орқали ифода этилувчи мазмунга.

38. Меъёр категориясининг фалсафий мазмуни.

а)қарама-қарши сифатларни муайян мақсад йўналишида мувозанатлаштириш;
б) муайян сифатлар доирасидаги миқдорий ўзгаришлар чегараси;
в) муайян миқдор доирасидаги сифатий ўзгаришлар чегараси;
г) миқдорий ва сифатий ҳоссаларнинг ўзаро мутаносиблиги.

39. ДИАЛЕКТИКА НИМА?

А) Ўзгариш ва ривожланиш ҳақидаги таълимот.
Б) Баҳс, суҳбат, мунозара санъати маъносини билдиради.
В) Ўзаро алоқадорлик ва ривожланиш фалсафаси ҳамда оламни билишнинг фалсафий методи ва методологияси.

Г) Метафизика ва синергетикага муқобил таълимот.

5 – Мавзу: Билиш фалсафаси (Гносеология).

Маъруза режаси:

1. Билиш жараёнининг моҳияти ва асосий мезонлари. Билиш жараёнига оид ёндашувлар таснифи: оптимизи, скептицизм ва агностицизмнинг моҳияти..

2. Билиш – фаолият тури сифатида ва унинг ички мантиқий диалектикаси. Ҳиссий ва ақлий билиш даражалари. Сенсуализм ва рационализм.

3. Гносеологияда ҳақиқат масаласи. Ҳақиқат – билишнинг бош мақсади. Ҳақиқатнинг асосий шакллари. Амалиёт ҳақиқат мезони сифатида.

4. Билиш методологияси. Билишнинг эмпирик ва назарий методлари. Ижтимоий-гуманитар фанлар методлари.

Мавзуга оид таянч тушунча ва атамалар:

Билиш, гносеология, эмпиризм, рационализм, перцепция, аперцепция, гносеологик оптимизм, скептицизм, агностицизм, гносеологик релятивизм, билишда субъект ва объект, билиш – фаолият, билиш даражалари, ҳиссий билиш, рационаллик, тафаккур, тушунча, мулоҳаза, ақлий хулоса, эмпирик билим, илмий далил, верификация, фалсификация, кузатиш, эксперимент, назарий билим, илмий муаммо, гипотеза, назария, тамойиллар, қонунлар, категориялар, парадигма, интуиция, ижод, ҳақиқат, объектив ҳақиқат, мутлақ ҳақиқат, нисбий ҳақиқат, билиш ва амалиёт.

1-савол баёни: Инсоннинг ўзини қуршаган дунёга бўлган муносабатларидан бири билишдир. Инсон ўз ҳаёти давомида фақат ташқи дунёни, яъни табиат ва жамиятнигина билиб қолмасдан, балки ўзини, ўзининг руҳий-маънавий дунёсини ҳам билиб боради.

Инсоннинг дунёни билишини фалсафа ҳам, бошқа ҳамма аниқ фанлар ҳам ўрганади. Бунда аниқ фанлар дунёнинг турли аниқ томонларини, уларнинг қонуниятларини ва хусусиятларини ўрганади ва очиб беради.

Фалсафа эса, аниқ фанлардан фарқли равишда, инсон билишининг табиати ва моҳиятини нима ташкил қилади? Унинг энг муҳим қонуниятлари ва хусусиятлари нималардан иборат? деган саволларга жавоб қидириб ва жавоб бериб келди. Шу сабабли, фалсафада инсон билишининг фалсафий муаммолари билан шуғулланмаган бирорта ҳам фалсафий оқим, бирорта ҳам файласуф йўқ. Аксинча, ҳамма фалсафий оқимлар ва фалсафий йўналишлар бу соҳага оид ўз қарашларининг маълум тизимини ишлаб чиққанлар. Натижада, фалсафада инсон билишининг табиати ва моҳияти ҳақида турли хил таълимотлар, турли хил қарашлар ва назариялар келиб чиқди.

Воқеликни билишнинг фалсафий муаммолари: билишнинг моҳияти, шаклланиш ва ривожланиш қонуниятлари, хусусиятларини ўрганиш фалсафа тарихида муҳим ўрин эгаллаб келмоқда. Шу боис фалсафа фанининг билиш масалалари ва муаммолари билан шуғулланувчи махсус умумназарий соҳаси – **билиш назарияси**, яъни **гносеология** вужудга келди. ***(Гносеология*** *юнонча gnosis – билиш, билим ва logos – таълимот, фан сўзларидан келиб чиққан).*

Гносеология ёки билиш назарияси фалсафий билимлар бўлими бўлиб, унда:

- инсоннинг дунёни билиш имкониятлари;
- инсоннинг ўзликни англаш жараёни;
- билишнинг билмасликдан билим сари юксалиши, ривожланиши;

- билимларимиз табиати ва уларнинг мазкур билимларда акс этувчи объектив воқелик билан ўзаро нисбати каби масалалар ўрганилади.

Моддий воқеликнинг онгда акс этиши мураккаб диалектик жараён бўлиб, бу жараёнда онгнинг ўзи кўринмайди. Гносеологиянинг вазифаси онгни идрок этиш, унинг моддий нарса ва ҳодисалар дунёси билан ўзаро алоқаларини аниқлаш, уни ўз муҳокама ва тадқиқот объекти ва предметига айлантиришдан иборат.

Билиш назариясининг асосий масаласи – "Дунёни, ундаги буюм ва ҳодисаларни, уларнинг моҳиятини ҳаққоний билиш мумкинми?, қандай билиш мумкин?, билишнинг чегаралари борми?" каби саволларга жавоб берувчи **уч** асосий йўналишни фалсафада фарқлаш мумкин: ***гносеологик оптимизм, скептицизм ва агностицизм.*** Оптимистлар дунёни билиш мумкинлигини таъкидлайдилар, агностиклар эса буни рад этадилар. Скептиклар дунёни билиш мумкинлигини инкор этмайдилар, бироқ билимнинг ҳақиқийлигига шубҳа билдирадилар.Биз уларнинг баъзилари билан танишиб чиқамиз.

Бир гуруҳ файласуфлар инсондан, унинг онгидан ташқари дунё мавжуд эмас, дунё фақат бизнинг онгимизда, бизнинг сезги ва идрокларимиз йиғиндиси (комплекси ёки комбинациялари)дан иборат холос. Бинобарин, биз ўз сезги ва идрокларимизнигина била оламиз, дейишади.

Бошқа бир гуруҳ файласуфлар эса инсоннинг дунёни ва ўзини билишига шубҳа билан қарайдилар, инсон дунёни тўлиқ била олмайди, дейишиб, инсон билишини чеклайди ёки дунёни билишни бутунлай инкор қиладилар. Улардан ***скептицизм***[19] таълимоти вакиллари инсон билишининг нисбийлиги, унинг турли шароитлар ва вазиятлар билан боғлиқ эканлигини айтишиб ҳамма эътироф қилувчи, исбот талаб қилмайдиган инсон билимларининг бўлиши мумкинлигига шубҳаланадилар.

Скептицизм тарафдорлари икки қоидадан келиб чиққанлар. Биринчиси – фалсафада тизимни ташкил этувчи ягона асос йўқ, яъни у ўз ичида мантиқан зиддиятлидир. Иккинчиси – файласуфлар бир-бирига зид келадиган ва баб-баравар рад этилиши мумкин бўлган қоидаларни асослашлари сабабли фалсафа ҳақиқатни топа олмайди. Бинобарин, дунё ҳақида ишончли билимнинг бўлиши мумкин эмас.

Скептицизмнинг асосчиларидан бири *Пиррон* (эрамиздан олдинги тахминан 365-275 йиллар) хиссий идрокни ишончли деб ҳисоблаган (масалан, агар бирон нарса субъектга аччиқ ёки ширин туюлса, шу ҳақидаги фикр ҳақиқат бўлади), янглишув эса, унингча субъект бевосита ҳодисадан моҳиятни, объект асосини билишга ўтмоқчи бўлганда пайдо бўлади. Унинг фикрича, объект ҳақидаги ҳар қандай даъвога унинг мазмунига зид бўлган даъвони қарама-қарши қўйиш мумкин. Демак скептик узил-кесил ҳукмлардан тийилиб турмоғи лозим.

Синопалик *Диоген* ва *Секст Эмпирик* шунга ўхшаш ғояларни ёқлаб чиқдилар. Улар билиш фаолиятида, шунингдек кундалик ҳаётда ҳам субъект ўз соғлом фикрига таянмоғи керак деб ҳисоблаганлар. Ўрта асрлар даврида скептицизм ғоялари Ғарбда ҳам (*Пьер Абеляр*), Шарқда ҳам (*ал-Ғаззолий*) ривож топди. Масалан, Ал-Ғаззолий бундай деган: «Охиригача билишга ожизлик ҳам билишдир; кишиларга Уни билиш йўлини фақат Уни билишга ожизлик орқали яратиб берган Зотга шарафлар бўлсин»[1].

Янги замон фалсафасида скептицизм позициясини *Юм* изчилик билан ҳимоя қилиб чиқди. Юм ташқи дунёнинг реаллигини шубҳа остига олди. Фақат ўз сезгиларимизнинг реаллигига шубҳаланиш мумкин эмас, дейди шотландиялик бу мутафаккир. Сезги органларининг бу таассуротлари ё уларга ташқи дунё таъсири туфайлик ёки инсон ақлининг алоҳида энергияси туфайли келиб чиқиши мумкин. Бу ерда тажриба сезгиларимизнинг ҳақиқий манбаини аниқлашга ожиздир. Юм дунёни билиш мумкинлигини инкор этибгина

[19] Скептицизм - юнонча: skeptoma - ўзбекча: шубҳаланаман дегани

[1] Антология мировой философии. М, 1969. Ч.II. 748-б.

қолмасдан, балки, шу билан бирга, субъектнинг хиссий таассуротлари доирасидан ташқарида бирон-бир реал нарсанинг мавжудлиги тўғрисидаги масалани очиқ қолдирди.

Фалсафий таълимотлардан бири бўлган ***агностицизм***[20] вакиллари эса инсон дунёни била олмайди, билишга қодир эмас, деган ғояни илгари суради. Масалан, инглиз агностик файласуфи Д.Юм таълимотига кўра, билиш объекти, бизнинг билимларимизнинг манбаи объектив борлиқ эмас, балки субъектив сезги ва идрокларимиздир, биз ўз сезги ва идрокларимиз чегарасидан ташқарида нима борлигини била олмаймиз, дейилади.

Немис файласуфи И. Кант эса инсондан ва унинг онгидан ташқарида объектив борлиқнинг мавжудлигини эътироф қилган ҳолда, ундаги предмет ва ҳодисаларни «нарсалар биз учун» ва «нарсалар ўзида» га бўлади. Унинг қарашича, «нарсалар биз учун» ни инсон била олади, «нарсалар ўзида»ни эса инсон била олмайди. Кантнинг «нарсалар биз учун» бу инсонни қуршаб тўрган предметлар ва ҳодисалар, шу жумладан, табиат ҳам. «Нарсалар ўзида» эса булар: эркинлик, ўлмаслик, ғайритабиий кучлар, худо ва шу кабилардир. Уларни инсон ҳеч қачон тўлиқ била олмайди. Кант фикрича, биз биладиган нарса (феномен) ва ўз ҳолича мавжуд бўлган нарса (ноумен) мутлақо ҳар хилдир. Биз ҳодисалар оламини қанчалик англамайлик, бизнинг билимимиз ўзича мавжуд нарсалардан фарқ қилади. Бизнинг онгимиз, ҳиссиётимиз, тафаккуримизга боғлиқ бўлмаган нарсалар олами мавжуд ва у “нарсалар ўзида”дир. Билиш жараёни “нарсалар ўзида”нинг сезги аъзоларимизга бевосита таъсири остида ҳис-туйғунинг уйғонишидан бошланади. Ваҳоланки, ҳис-туйғулар, тушунча ва мулоҳазалар ўз ҳолича “нарсалар ўзида” ҳақида ҳаққоний назарий билим бўла олмайди. Кант ўз билиш назариясида эътиқодга ўрин қолдириш, уни мустаҳкамлаш учун ақлни танқид қилади ва чеклайди. У инсон ақлини назарий ва амалий ақлларга бўлади: амалий ақл, унингча, чекланган. Унинг қарашича, инсон тажриба ва амалиёт билан ҳар қандай билимга ҳам эга бўлавермайди. Инсон билишида инсоннинг тажрибасига боғлиқ бўлмаган априор (*лотинча aprior сўзидан олинган бўлиб ўзбекчага: тажрибадан олдин, азалдан дегани*) билимлар бўлади. Бу априор билимлар туғма билимлардир. Инсон ақли бу билимларга тажрибагача эга бўлган бўлади.

Кантнинг фикрича, фалсафий билимлар айни шундай априор билимлардан иборат. Кант илмий билимнинг ишончлилиги ва ҳақиқатлилиги унинг энг умумийлилиги ва зарурийлиги билан белгиланади, дейди. Хуллас, Кант ўз фалсафасида билиш назариясини биринчи бўлиб фалсафий муаммо сифатида атрофлича, ҳар томонлама қараб чиққан файласуфдир.

Агностицизм – бу шундай таълимотки, унга *кўра дунё ҳақида ҳақиқий, ишончли билимларга эришиб бўлмайди*. Агностицизм билишни фақат билувчи ақлнинг фаолияти деб билади.

Агностицизм ғояси XIX-XX аср фалсафасида ҳам ривожланди. Масалан, немис физиги ва физиологи *Г.Гельмгольцнинг* (1821-1894) «*символлар назарияси*» ёки «иероглифлар назарияси» ўз моҳиятига кўра агностик характерда эди. Гельмгольц қарашларининг мазмунига кўра, субъектнинг сезгилари реал предметнинг образи эмас, балки символлар, шартли белгилар, иероглифлардир. У хиссий образнинг уни келтириб чиқарган тимсол, «оригинал», реал нарса билан алоқасини, ўхшашлигини инкор этган.

XIX-XX асрлар чегарасида агностицизмнинг яна бир тури – конвенционализм шаклланди. *Конвенционализм (лотинча конвенцио – шартнома, келишув, битим) – бу фалсафий таълимот бўлиб, унга кўра илмий назариялар ва тушунчалар ташқи дунёнинг, унинг томонлари ва хоссаларининг реал тафсифи эмас, балки олимлар ўртасидаги келишув маҳсулидир.* Конвенционализмнинг энг йирик вакили француз математиги ва философи *Анри Пуанкаре*дир (1854-1912).

Гносеологик релятивизм эса борлиқ ҳодисалари ва воқеалари тўғрисидаги билимларнинг ўзгарувчанлиги, ўткинчилиги, ҳақиқатнинг нисбийлигини мутлоқлаштирувчи агностик ва скептик қарашларнинг йўналишларидан биридир.

[20] агностицизм - юнонча: «а» ва «gnosis» - ўзбекча: билишни инкор қиламан.

Умуман, инсоннинг борлиқни билиши масаласида изчил агностицизм скептицизм билан бирикиб кетиб, **нигилизмга** олиб келади.

Гносеологиянинг асосий муаммоларидан бири бўлган бизнинг барча билимларимиз тажрибада синалганми ёки йўқми? деган масалада фалсафада **икки** мухолиф анъана: билимларимизнинг тажрибада синалганини, тажрибага асосланган билимларгина ҳақиқий билим эканлигини қайд этувчи ***эмпиризм (****лот. empirius – ҳис, тажриба)* ва билим ва ғоялар фақат инсон ақлига, тафаккурига хос бўлиб, ақлда тафаккур ва мушоҳада юритиш жараёнидагина туғилишини таъкидлайдиган ***рационализм*** *(лот. ratsionalius – ақл, тафаккур)* таълимотлари тўқнашади.

Фалсафада идрок этиш – ***перцепция*** *(лот. "perception"- идрок этиш)* деб аталади. Перцепция – бу ўзини қуршаган дунёдаги нарсалар ва ҳодисаларни сезгилар орқали идрок қилишдир. Борлиқни ақл билан англаш, билиш, уларни ғоя ва билимларда ифодалаш эса ***аперцепция*** деб аталади. Инсон билиши перцепция чегараларини ҳам, тафаккуримиз доирасини ҳам, яъни эмпирик ва рационал жиҳатларни ҳам қамраб олади.

Илмий-техникавий тараққиёт ва информацион цивилизация даврида ҳозирги замон гносеологиясида шуни ҳисобга олмоқ муҳимки, билиш субъекти билан объект орасида кўпинча воситачи прибор, тадқиқот қурилмаси туради. Бу ўзига хос гносеологик вазиятни вужудга келтиради. Прибор объектни адекват, айнан акс эттириш жараёнига муайян узлуксиз ва тасодифий хатолар киритиши сабабли, тадқиқотчи уларга зарур корреляция қилмоғи лозим. Бироқ бу агностицизмнинг тантанасини билдирмайди, балки бизнинг билиш усулларимиз, методларимиз, восита ва шаклларимиз доимий такомиллаштирилиб туришга муҳтож эканлигини кўрсатади. *Бизни қуршаб турган дунёни билиш мумкин*, ***билиш*** *эса – субъектнинг ҳақиқатни англаш ва уни ўз амалий, яратувчилик, ўзгартирувчилик фаолиятида қўллаш мақсадида ташқи дунёни онгли равишда акс эттиришидир.*

Илм ва фан ютуқларига асосланган файласуфлар эса инсоннинг дунёни ва ўзини билишини доимо эътироф этиб келганлар. Файласуфларнинг бундай қарашлари ***гносеологик оптимизмдир.*** Хўш билиш нима?

Билиш – ***бу объектив, моддий оламнинг инсон онгида инъикос, акс этиш жараёнидир.*** Дунёнинг моддий ва объективлигини, объектив воқелик ривожланиши қонунларининг инсон онгида инъикос этишини эътироф қилиш гносеологик оптимизм билиш назариясининг асосидир. Бу қуйидагиларга асоланади:

- объектив олам бизнинг сезги ва ҳиссиётларимизга, тасаввур ва тушунчаларимизга боғлиқ бўлмаган ҳолда ва ундан ташқарида мавжуд. Объектив олам – инсон сезги ва тасаввурларининг, барча билимларининг манбаидир.

- инсон дунё ва унинг ривожланиш қонуниятларини билиши мумкин, у ўз сезги, тасаввур ва тушунчаларида ташқи объектив олам ҳодисаларининг моҳиятини инъикос эттиради, ғоявий образини гавдалантиради.

Билиш инсоннинг табиат, жамият ва ўзи тўғрисида билимлар ҳосил қилишга қаратилган ақлий, маънавий фаолият туридир. Инсон ўзини қуршаб турган атроф-муҳит тўғрисида билим ва тасаввурга эга бўлмай туриб амалий фаолиятнинг бирон-бир тури билан муваффақиятли шуғуллана олмайди. Билишнинг маҳсули, натижаси илм бўлиб, ҳар қандай касб-ҳунарни эгаллаш фақат илм орқали амалга ошади. Шунингдек, билиш инсонгагина хос маънавий эҳтиёж, ҳаётий заруриятдир. Инсон билиш фаолиятининг хилма-хил турлари мавжуд. Инсон билишининг *кундалик-одатий билиш, бадиий билиш, диний билиш, илмий-фалсафий билиш, ғойибона билиш, олдиндан билиш, интуитив билиш* каби кўринишларини фарқлаймиз. Инсон билишининг хилма-хил кўринишлари билимнинг ҳам турли шаклларини ҳосил қилади. **Билим –** ***бу ҳақиқатга мос келадиган ва асосланган ишончдир. Билим образлар ва белгилар***

шаклида мавжуд бўлади ва амалий фаолиятга асос бўлади. Билимнинг гносеологик талқини қуйидаги ***уч*** шартни тақозо этади: ҳақиқийлик, ишончлилик, асосланганлик.

Билим эса билишнинг натижасидир. Билимлар тизимининг муайян мезонлари мавжуд. Бирорта билим тизими муайян мезонларга жавоб берадиган бўлсагина ўша билимлар тизими илмий билим деб тан олинади.

Мифологик ва диний билимларга табиатдан ташқарида содир бўладиган ҳодисаларга ишонч-эътиқод хосдир. Бундай эътиқод фанда мавжуд эмас.

Илмийлик мезонлари асосан қуйидагиларда кўринади:

1) объективлик тамойили. Илмий билимлар табиий объектлар мазмунини у қандай бўлса шундайлигича очиб бериши билан боғлиқдир.

2) рационаллик, ақлий тарзда асосланганлик, исбот қилинганлик. Илмий билимларда бирор нарса ҳақида шунчаки хабар берилмайди, балки келтирилган фикрнинг маъноси, мазмунини тасдиқлайдиган зарур негиз, асослар ҳам келтирилади. Бу ерда етарли асос келтириш тамойили амал қилади.

3) Билимнинг объект моҳияти, унинг қонуниятларини қайта тиклашга қаратилганлиги.

4) Билимнинг ўзига хос ҳодиса сифатида уюштирилиши, унинг алоҳида тизимлилиги: бу ерда гап кундалик оддий билимларни шунчаки тартибга солиш тўғрисида эмас, балки чуқур англаб етилган тамойилларга кўра тартибга солиш ҳақида; назарий тизим ҳақида бормоқда.

5) Синаб кўриш, текшириб бориш: бу ерда гап илмий кузатув, амалиётда мантиқ орқали синаб кўриш тўғрисида боради. Илмий ҳақиқат амалда текширувдан ўтгач ва тасдиқини топгач ҳамма томонидан эътироф этилади.

Билиш жараёни ва унда олинадиган билимлар амалиёт ва билишнинг тарихий ривожланиши мобайнида табақаланади ва ўзининг ҳар хил шаклларида намоён бўлади. Билиш ва билимнинг бу шакллари, гарчи ўзаро боғлиқ бўлса-да, лекин бир-бирига ўхшамайди ва ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга.





Билиш дунёнинг объект ва субъектга бўлинишини назарда тутади. **Субъект –** бу билиш фаоллигининг манбаи. Субъект деганда, аввало, билиш қобилиятига эга бўлган индивид тушунилади. Шунингдек, субъект – бу микрогуруҳ, ижтимоий гуруҳ, синф, жамият ҳамдир, чунки билим ва донишмандликнинг олий яратувчиси – бутун инсониятдир.

Объект – бу субъектнинг билиш фаолияти қаратилган нарса, ҳодиса ва жараёнлардир. Билиш асбоби ҳам, бошқа индивид (инсонлар) ҳам, индивиднинг ўзи ҳам билиш объекти бўлиши мумкин. Объект тушунчасини объектив борлиқ билан айнанлаштирмаслик керак. Масалан, ҳайвонларнинг хўжайраларидаги хромосомалар цитология ва генетикада ўрганиш "объекти"га айланишидан олдин ҳам объектив мавжуд бўлган.

Шунингдек, ҳозирги замон гносеологиясида билиш ***объекти ва предметини*** ҳам фарқлаш лозим. ***Билиш объекти*** деганда бутун борлиқнинг ўрганилаётган амалда мавжуд бўлаклари тушунилади. ***Билиш предмети –*** ўрганилаётган объектнинг билишимиз диққат марказидан ўрин олган муайян жиҳатлари, хусусиятлари ва ривожланиш қонунларидир.

Шундай қилиб, инсоннинг билиши, аввало, ривожланиб борувчи, фаол жараёндир. Инсоннинг билиш қобилияти чекланмаган, лекин ҳар бир тарихий даврдаги билиш имкониятлари чекланган, холос. Иккинчидан, билиш жараёни ҳаракатининг ўз ички мантиқи (изчиллиги) шундаки, билиш оддий кузатишдан мавҳум тафаккурга, ҳодисани билишдан унинг моҳиятини англаб етишга юксалишдан иборат. Бу хусусда мавзумизнинг иккинчи саволида тўхталамиз.

2-савол баёни: ***Билиш жараёни*** билмасликдан билим сари ривожланишдан, юксалишдан иборат ***мураккаб диалектик жараёндир.*** Бу жараён ўзининг ички мантиқига эга бўлиб, у нисбий мустақилликка эгадир. Билиш жараёнининг ички мантиқини англаш тафаккурнинг ижодий фаоллигини, ҳаракат қилиш ва ривожланиш жараёнининг объектив дунёга нисбатан мураккаб муносабатини чуқур тушунишга имкон беради.

Мавжуд фалсафий адабиётларда билиш жараёни асосан икки босқичдан: а) воқеликнинг ҳиссий инъикоси ва б) воқеликнинг рационал (ақлий, мантиқий) инъикоси босқичларидан иборат деб таъкидланар эди. Кейинчалик, кишиларда воқеликни ҳиссий билиш босқичида ҳам ақлий, рационал жиҳатлар мавжудлиги таъкидланди. Шундан сўнг, билишнинг асосий босқичлари (ёки даражалари) эмпирик ва назарий билишдир, воқеликнинг ҳиссий ва ақлий инъикоси эса кишиларнинг билиш қобилиятлари бўлиб уларнинг асосида кишиларда эмпирик

ва назарий билиш ва билим шаклланади, деб эътироф этилди.(***Қаранг:*** *Алексеев П.В., Панин В.А. Теория познания и диалектика. – М.: Высш. шк., 1991, 132-168 стр.).*

Бизнингча, ушбу фикр билиш жараёнини тўғри тавсифлашига қарамасдан аниқлаштиришга муҳтождир, чунки билиш жараёнининг қуйи босқичи – ҳиссий билиш ва эмпирик билиш айнан бир хил эмас. Инсон билишининг кундалик билиш, бадиий билиш сингари кўринишлари ҳиссий билиш босқичига эга бўлса, эмпирик билиш фақат илмий билишга хосдир. Қолаверса, илмий билиш ҳам воқеликни ҳиссий инъикос этишга асосланади. Шу боис билиш жараёнининг ривожланиши ***ҳиссий билиш*** ва ***мавҳум тафаккур*** босқичларини ўз ичига олади. Илмий билишда эса мавҳум тафаккур эмпирик ва назарий билиш даражаларидан иборат.

Объектив оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг хосса ва хусусиятларини сезги аъзолари орқали сезиш ва идрок этиш натижасида олинган билимлар ***ҳиссий даражадаги билим***дир ва унинг ***асосий шакллари: сезги, идрок, хотира, ҳаёл ва тасаввур***дир.

Маълумки, ҳиссий инъикоснинг учта шакли мавжуд: сезги, идрок, тасаввур. Сезги предметнинг алоҳида хусусиятига мос кслади, идрок предметнинг бир бутун хусусиятлари системасига мос келади. Масалан, бирон бир мева таъмини сезиш ва бошқа томондан, унинг шаклини, ҳидини, рангини сезиш бир бутунликда идрок этишга олиб келади. Сезгилар идрокдан ташқарида мавжуд бўлиши мумкин, бироқ идрок сезгиларсиз бўлиши мумкин эмас. Идрокнинг гносеологик замини бўлган ва мустақил ҳолда намоён бўлишга қодир сезгилар барибир бир бутун идрокнинг бир бўлаги, қисми сифатида мавжуд бўлади. Шунинг учун идрок ташқи предметнинг образи бўлса, сезгиларга образлиликнинг у ёки бу даражаси хос бўлиши зарур. Тўлиқроқ образ, табиийки, идрокда бўлади, чунки идрок инсоннинг ташқи муҳитга фаол муносабатининг натижасидир. Амалий фаолиятда алоҳида сезгилар **муҳим** аҳамиятга эга. Бирон-бир иарса рангининг индивид томонидан уни ўзи билан ўзаро боғликлигини англаниши, масалан, боланинг дунёни ўрганишда қўлларининг муайян нарса сирти бўйлаб ҳаракатланиши натижасида шу нарса тузилишининг қандайлигини ҳис қилиши туфайли шаклланади. Бунда кўзнинг бевосита фаолияти бўлиб туюлган, бироқ энди субъектдан маълум масофада жойлашган нарса билан боғлиқ ҳолда идрок этилаётган рангни сезиш ҳолати содир бўлади. Объект структураси тўгрисида ахборот берувчи бошқа сезгилар ҳам ушбу ҳолда кўриш билан биргаликда фаолият юритади. Ўз характерига кўра идрок объектга нисбатан изоморф ҳолатини ифодалайди. Шундай қилиб, сезгилар ва идрок ташқи дунёни ҳиссий акс эттириш шаклларидир, уларнинг билиш имкониятлари турлича. Уларнинг қайд этилган барча томонлари ва хусусиятлари ҳиссий инъикоснинг учинчи шакли - тасаввурга ҳам тегишлидир, зеро тасаввур уларга асосланади.

Сезги – бу объектив дунёдаги нарса ва ҳодисаларнинг сезги органларимизга бевосита таъсирининг маҳсули бўлиб, уларнинг алоҳида, айрим хусусиятларининг оддий хиссий образларидир.

Сезги аъзоларига бевосита таъсир кўрсатувчи буюмлар, уларнинг хоссалари ва муносабатларини акс эттирувчи яхлит ҳиссий образни **идрок этиш** деб аталади. **Идрок** деганда турли сезги аъзолари маълумотлари асосида мияда буюм ва ҳодисанинг яхлит хиссий образининг ҳосил бўлиши тушунилади.

Сезиш ва идрок этиш инсон ташқи дунёга кундалик амалий таъсир кўрсатиши, меҳнати жараёнида, сезги аъзолари фаол ишлаши натижасида амалга ошади ва ривожланади. Бунда инсон ўзининг ҳар бир янги таассуротини мавжуд билимлар тизимига киритади. Сезиш ва идрок этиш жараёнлари ўзидан кейин мияда “из” қолдиради. Бу инсонга айни лаҳзада таъсир кўрсатмаётган нарсаларнинг образларини гавдалантириш қобилиятидан иборат. Бу образлар нарса ва ҳодисаларнинг аввалги таъсири натижасида хотирамизда қолган таассуротларнинг қайтадан эсга олиниши тбилан боғлиқ. **Хотира –** жоннинг кучи, сезги ва идрок маълумотларини қайд этиш ва сақлашдир. Ташқи таъсирларнинг идрок этилиши ва уларнинг хотирада сақланиши натижасида хотирада тасаввурлар уйғонади.

Тасаввур – ҳиссий даражадаги билимнинг юқори шакли бўлиб, илгари идрок этилган буюм ва ҳодисаларнинг хотирада қайта ҳосил қилинган ҳиссий образидир. Тасаввур – бу идрок этиш ва назарий тафаккур ўртасидаги боғловчи бўғиндир.

Ҳаёл – эса инсоннинг муҳим ҳоссаси бўлиб, тафаккур оқимида етишмаётган кўргазмалилик ўрнини тўлдиради. Ҳаёл кучи онгда мавжуд образларни нафақат қайта чақиради, балки уларни бир-бири билан боғлайди ва уларни умумий тасаввурлар даражасига кўтаради.

Тасаввур сифатидаги воқеликни ҳиссий инъикос эттиришнинг бу шакли бўлмаса, инсон бевосита вазиятнинг ўзига богланиб қолган бўларди. Ҳаётий тажриба жараёнида инсон тасаввур қила олиш қобилиятига кўра ўзининг ихтиёридаги ҳиссий материал ҳажмини оламни сезиш ва идрок этиш соҳаси, шунингдек, ижтимоий хиссий тажрибага асосланган ҳолда кенгайтириб боради. Тасаввурлар соҳасида амалиёт, инсоннинг фаолияти ва бу билан боғлиқ қадриятлар, кишиларнинг эҳтиёжи, мақсад-манфаатлари муҳим аҳамият касб этади.

Қисқа таъриф берилса, **тасаввур онгимизда нарса ва ҳодисаларнинг сезги аъзоларимизга бевосита таъсир этмаган ҳолда қайта ҳосил килинадиган ва сақланадиган ҳиссий образидир.** Бироз бошқачароқ таъриф ҳам бор: тасаввур илгари идрок қилинган нарса ёки ҳодисанинг такрорий образидир, хиссий акс эттиришнинг яққол ва образли кўринишдаги шаклидир.

Фикримиз якунида воқеликни ҳиссий акс эттиришнинг инсон билишини таъминлашдаги ўрни салмоқли эканлигини таъкидлашимиз лозим. Чунки:

- сезги аъзолари инсонни ташқи дунё билан боғлайдиган ягона омилдир;

- сезги аъзоларисиз инсон оддий англаш, билиш ва тафаккур қилишга қодир эмас;

-баъзи сезги аъзоларини йўқотиш билишни қийинлаштириб, мураккаблаштиради, лекин унинг имкониятларини тўса олмайди. Бу шундай изоҳланадики, бундай ҳолда бир сезги аъзоси ўрнига бошқасининг имкониятлари ортади, фаолият кўрсатаётган сезги аъзоларининг зоҳирий имкониятлари ишга тушади, индивид ўз диққат-эътиборини жамлай бошлайди ва бошқалар;

- ақл ва тафаккур (рационаллик) сезги аъзолари етказиб берган далил ва ахборотга асосланади;

- муайян жараён ёки фаолиятни бошқариш, аввало, сезги аъзолари томонидан олинган ахборот ёрдамида амалга оширилади;

- сезги аъзолари объектларни ҳар томонлама билиш учун зарур бўлгал дастлабки ахборотни билимни ривожлантириш учун беради ва бу ахборотсиз билишнинг бирон бир шакли юзага келмайди.

Шундай қилиб, ҳиссий даражадаги билим нарсаларнинг айрим ташқи томонлари, ҳодиса тўғрисида тасаввурга эга бўлишдир. Нарсаларнинг ички табиатини, ҳодисанинг моҳиятини, ривожланиш қонуниятларини ***мавҳум тафаккур*** орқали англаб олинади.

Кишиларда воқеликни абстракт - фикрий акс эттира оладиган қобилият асосида пайдо бўладиган ҳамда ривожланадигаи инъикоснинг дастлабки ва етакчи шакли **тушунча**дир. Билиш жараёнида тушунчанинг асосий вазифаларидан бири шуки, у маълум гурухдаги нарсаларни баъзан маълум, умумий, муҳим белгиларига кўра умумлашган ҳолда ажратиб акс эттиради. Унга қуйидагича таъриф бериш мумкин: **тушунча абстракт тафаккур шакли (ёки тури) сифатида баъзи нарсаларни умумлаштириш ва шу нарсалар учун умумий бўлган белгилар йиғиндисини фикран ажратиш натижасидир.**

Шундай қилиб, воқеликни чуқур акс эттириши, англаши ва йўналишига кўра тушунчаларни 4 гурухга бўлиш мумкин: 1) нарсалардаги умумийликни акс эттирувчи тушунчалар; 2) нарсалардаги муҳим белгиларни қамраб олган тушунчалар; 3) нарсаларнинг мазмун-моҳияти очилишига боғлиқ тушунчалар ва 4) гоя — тушунчалар.

Инсоннинг абстракт-фикрлаш қобилияти тушунчалар билан бирга воқеликни ақлий ўзлаштиришнинг бошқа шаклларини ҳам ўз ичига олади. Классик формал мантиқ фанига кўра, тафаккурнинг **муҳокама юритиш (ҳукм) ва хулоса чиқариш** шакллари ҳам борлиги маълум.

Ҳукмларни айтаётиб, биз тушунчалардан фойдаланамиз. Улар ҳукмларнинг элементлари ҳисобланади.

Нарсаларнинг моҳиятини билиш асосида улар тўғрисидаги тушунчалар пайдо бўлади, ягона ҳукмга бирлашиши мумкин бўлган якка ҳукм ёки хукмлар мажмуаси шаклланади. Нарсаларни англашда эришилган бу ҳукм ҳам тушунча ўрнида қабул қилинади. Билимлар чуқурлашиб бориши билан уларни умумлаштириш асослари ҳам ўзгаради. Бир тушунчалардан бошқасига, янада чуқурроқ ва аниқроқ тушунчаларга ўтишниинг моҳияти ана шунда. Психология курсида ҳукмга бироз бошқачароқ таъриф берилишини таъкидлаш керак: «Ҳукм борлиқнинг нарсалари ва ҳодисалари ўртасидаги ёки уларнинг хоссалари ва белгилари ўртасидаги алоқаларни акс эттиришдир».

Тушунчалар ва ҳукмлар асосида хулоса шаклланади. Биз тафаккурнинг мантиқий шаклига хос тушунчалар, ҳукмлар, хулоса чиқаришларни махсус қараб чиқмаймиз. Булар мантиқ фанининг тегишли бўлимларида етарлича ёритилади. Аклий билим шакллари тўғрисида айтилган фикрларга қўшимча қилиб таъкидлаш мумкинки, агар илмий билишни олсак, ундаги нисбатан муҳимроқ шаклларга гипотезалар ва назариялар киради. Бу шакллар ёрдамида субъект мураккаб даражада ташкил топган моддий тизимларнинг чуқур моҳиятига кириб боришга қодирдир. Шундай қилиб, абстракт тафаккурни воқеликни ҳиссий акс эттиришдан фарқланувчи қуйидаги жиҳатларини санаб ўтиш мумкин:

1) нарсалардаги умумийликни акс эттира олиш; ҳиссий акс эттиришда алоҳида нарсалардаги умумий ва якка белгилар ажратилмайди, балки ягона образ ҳолида намоён бўлади;

2) нарсалардаги муҳимликни акс эттира олиш; ҳиссий акс эттиришда муҳим номухимдан ажратилмайди;

3) нарса ва воқеаларнинг моҳиятини билнш асосида ғоя шаклидаги тушунчаларни ярата олиш;

4) воқеликни бевосита билишда ҳиссий акс эттириш орқали ҳам, турли асбоб-ускуналардан фойдаланиш ёрдамида ҳам, ҳукм ва хулоса чиқариш воситасида ҳам умумий натижага эришиш.

Ушбу барча ҳолатлар инсоннинг абстракцияларни ҳосил қилиш қобилиятининг намоён бўлишидир. Бу қобилият номи хам ана шундан келиб чиққан ва у «абстракт фикрлаш», деб аталади.

Жонли мушоҳада баъзи адабиётларда «эмпирик», «жонли мушоҳада» ва «ҳиссийлик» тушунчалари айнанлаштирилади. Ҳиссийлик, биз кўрганимиздек, инсоннинг билиш қобилиятларидан биридир ва ўз навбатида, рационалликдан ажралган ҳиссийлик ҳам йўқ.

Жонли мушоҳададан объектларнинг ички моҳиятига томон абстракт тафаккурнинг мураккаб йўли бошланади. Бу муайян моҳиятнинг бир томонини билишдан бошқасига томон, уни узуқ-юлуқ тасвирлашдан бир бутун ифодалашга, саёз моҳиятдан чуқурроқ моҳиятга томон борадиган йўлдир. Бу энди жонсиз ҳиссий конкретлик эмас, балки реал абстракциялардир. Унинг томонлари фақат охирги босқичда тафаккур ёрдамида ягона бир бутунликка, аниқ фикрий холатга бирлашади.

Воқеликни абстракт-фикрий билиш масаласида унинг икки шаклга бўлинишига дуч келиш мумкин: мулоҳазавий ва аклий шакллар. Бунга мувофиқ равишда инсон қобилиятлари **мулоҳаза ва ақлга** бўлинади. Бундай бўлиниш маълум асосга эга ва у билан биз антик фалсафадаёқ дуч келганмиз. Бу масалага немис мумтоз фалсафасида ҳам катта аҳамият берилган. Масалан, И. Кант фикрича, “Бизнинг барча билимимиз ҳиссиётдан (сезгилардан) бошланади, кейин мулоҳаза юритишга ўтиб, ақл билан тугайди. Бундан юқорида биз учун мушоҳада далилларини ўрганиш ва уни олий тафаккурга тўплаш учун бошқа ҳеч нарса қолмайди”.

Сенсуализм билан рационализм ўртасидаги мунозара бутун фалсафа тарихи давомида мавжуд бўлиб келди. Эпикур, Локк, Гобсс, Беркли ва бошқалар сснсуализм тарафдорлари

бўлишган. Улар билишнинг биринчи асосий шакли — ҳиссий шакл деб ҳисоблаганлар, билишнинг мазмунини сезги аъзолари ёрдамида олинадиган маълумотлардан иборат килиб қўйганлар. Сенсуализмнинг асосий қоидаси: «Билимда сезгилардан бошқа ҳеч нарса йўқдир». Рационализм тарафдорлари, аксинча, абстракт тафаккурни инсоннинг хиссий қобилиятларидан ажратиб, ҳиссий инъикос натижаларини мукаммал эмас, эҳтимол, ҳақиқий бўлмаган билим сифатида, абстракт тафаккур натижаларини эса умумий ва зарурий, мантиқ қонунларига қатьий риоя қилинганда ҳақиқий билим деб ҳисоблаганлар.

Замонавий гносеология билишни таҳлил қилганида «индивид-табиат» муносабати билан чегараланиб қолмайди, балки «индивид-жамият-табиат»дан иборат мураккаброқ тизимни ўз объекти қилиб олади. Шу нуқтаи назардан олганда, гносеологик ёндашув инсоннинг билиш қобилиятларини агностик тушуниш билан келиша олмайди.

Эмпирик билим мавжуд нарсанинг бевосита эмас, балки билвосита инъикоси бўлиши мумкин. Масалан, олим ўзи кўрмаётган тегишли объектнинг ҳолати ҳақида унга ахборот бераётган асбоб кўрсаткичи ёки электрокардиограмманинг электр чизиғини кўради. Бошқача айтганда, билишнинг эмпирик даражаси ҳар хил асбоблардан фойдаланиш билан боғлиқ; у кузатиш, кузатилаётган нарса ёки ҳодисани тавсифлаш, баённомалар юритиш, ҳужжатлардан фойдаланишни назарда тутади, масалан, тарихчи архивлар ва бошқа манбалар билан ишлайди. Хуллас, бу оддий сезги даражасида билишга қараганда билишнинг юқорироқ даражасидир.

Эмпирик билимлар назарий билим негизини ташкил этувчи илмий далиллар мажмуидир. Эмпирик билим икки кузатиш ва эксперимент методлари ёрдамида шаклланади.

Кузатиш – *билиш объектининг муҳим хоссалари ва муносабатларини аниқлаш мақсадида атайлаб амалга ошириладиган изчил идрок этишдир*. Кузатиш мақсадини белгилаш, унинг усулларини аниқлаш, ўрганилаётган объект хулқ-атворини назорат қилишнинг режасини тузиш, асбоблардан фойдаланиш кабилар кузатишнинг муҳим хусусиятларидир. Кузатишларнинг натижалари бизга борлиқ ҳақида илмий далиллар кўринишида дастлабки ахборот беради.

Кузатиш бевосита ёки билвосита, масалан, микроскоп ёрдамида бўлиши мумкин. Ҳозирда электрон микроскоп ёрдамида молекулаларни визуал кузатиш мумкин. Кузатиш – бу фаолиятнинг муайян объектларга қаратилган, мақсадлар ва вазифаларни таърифлашни назарда тутадиган фаол шакли. Бирон-бир нарсани билишни хоҳлаган ҳар қандай одам ўз кўзларини кузатувчанликка ўргатиши лозим. Зеҳнли, ижодкор ва теран ақл нарса ва ҳодисаларнинг кўпчилик эътибор бермайдиган муҳим жиҳатларини кўриш ва сезиш қобилияти билан ажралиб туради. Бу қобилият фан ва санъатдаги новаторлик омилидир. Кузатиш махсус тайёргарликни талаб қилади. Кузатишларни тайёрлашда кузатиш вазифалари, у жавоб бериши лозим бўлган талабларни аниқлаш, кузатиш режаси ва усулларини олдиндан ишлаб чиқиш муҳим ўрин тутади. Кузатиш табиатнинг ўзида мавжуд нарсалар ва ҳодисаларни қайд этади. Бироқ инсон кузатувчи роли билан кифоялана олмайди. У экспериментлар ўтказиш орқали фаол синовчига айланади. Мияда тасаввур қилинган модель устида ўтказиладиган фикрий эксперимент билишнинг алоҳида шаклини ташкил этади. Унга хаёл ва тафаккурнинг узвий алоқаси хосдир.

Эксперимент – *бу шундай тадқиқот методики, унинг ёрдамида объект ё сунъий тарзда яратилади, ё тадқиқот мақсадларига мос келадиган маълум шарт-шароитларда ўрганилади. Экспериментда тадқиқотчи илмий тадқиқотни ўтказиш шарт-шароитларига фаол аралашади.* У жараённи исталган босқичда тўхтатиши мумкин бўлиб, бу объектни янада муфассалроқ ўрганиш имконини беради.

Эксперимент ўрганилаётган ҳодисани сунъий тарзда гавдалантириш ва назарий ёки эмпирик билим натижаларини амалда синаш имконини беради. Эксперимент доим, айниқса ҳозирги замон фанида баъзан жуда мураккаб техника воситалари, яъни асбоблардан фойдаланиш билан боғлиқ. Асбоб – бу инсоннинг сезги аъзолари билиши мумкин бўлмаган ҳодисалар ва хоссалар ҳақида ахборот олиш учун мўлжалланган, керакли хоссаларга эга

бўлган мослама ёки мосламалар тизимидир. Асбоблар бизнинг сезги аъзоларимизни кучайтириши, объект хоссаларининг фаоллик даражасини ўлчаши ёки уларда ўрганилаётган объект қолдирган изларни аниқлаши мумкин.

Тадқиқот мақсадларига кўра ўрганиш эксперименти, янги нарса ёки ҳодисани кашф этиш ҳамда янги хоссаларни аниқловчи ва уларни намойиш этувчи текширув эксперименти; (гипотезаларнинг тўғрилигини аниқлаш), объектлар ёки уларнинг хоссаларини аниқлашга қаратилган сифат эксперименти ва ўрганилаётган объектнинг хоссаларини ўлчаш билан боғлиқ миқдор эксперименти фарқланади.

Ўрганиш объектига кўра табиий ва ижтимоий эксперимент, амалга ошириш усулларига кўра эса – табиий ва сунъий, моделли ва бевосита, амалий ва тафаккур воситасида амалга ошириладиган экспериментлар фарқланади. Шунингдек илмий ва ишлаб чиқариш эксперименти ҳам мавжуд. Ишлаб чиқариш эксперименти саноат ва дала шароитидаги экспериментларни ўз ичига олади. Моделли эксперимент алоҳида аҳамиятга эга. Физик ва математик моделлаштириш фарқланади. Физик модель ўрганилаётган объектнинг номаълум хоссаларини аниқлаш учун унинг маълум хоссаларини гавдалантиришни назарда тутади (самолётлар, космик кемалар ёки нейронларнинг моделлари ва ш.к.). Математик модель ҳар хил объектларнинг умумий, функционал боғлиқлигини тавсифловчи формал (математик) ўхшашлиги асосида тузиладики, бу ҳам амалда мавжуд объектларнинг номаълум хоссаларини аниқлаш имконини беради.

Кузатиш ва эксперимент ўтказиш жараёнининг натижаси *тавсифлаш* ёки *баён этиш* йўли билан ифодаланади. У умумий қабул қилинган атамалар ёрдамида тузилган графиклар, расмлар, фото ва кинотасвирлар илова қилинган, математик, кимёвий формулалар киритилган ҳисобот кўринишида ифодаланиши ҳам мумкин.

Билиш эмпирик методларининг муҳим унсури – *таққослаш, яъни ўрганилаётган объектларнинг кузатиш ёки экспериментда аниқланаётган хоссалари ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни аниқлашдир. Ўлчаш* – таққослашнинг айрим кўриниши. Кузатиш ва эксперимент натижалари ўлчаш йўли билан ифодаланган тақдирдагина илмий аҳамиятга эга бўлади. *Ўлчаш – объект хоссаларининг ривожланиш даражасини тавсифловчи катталикни аниқлаш жараёни*. У ўлчаш бирлиги сифатида қабул қилинган бошқа катталик билан таққослаш шаклида амалга оширилади.

Илмий далил. Илмий далил эмпирик билишнинг натижаси ҳисобланади. *Далил* (ёки далиллар)ни аниқлаш илмий тадқиқотнинг зарур шартидир. *Далил – билимининг тасдиқланган бойлигига айланган моддий ёки маънавий дунё ҳодисаси, бирон-бир ҳодиса, хосса ёки муносабатни қайд этишдир*. А.Эйнштейн сўзлари билан айтганда, фан далиллардан бошланиши ва бошланиш билан тугалланиш ўртасида қандай назарий тузилмалар бўлишидан, тузилишидан қатъи назар, далиллар билан якунланиши лозим. Далил тушунчаси ҳар хил маъно-мазмунга эга. «далил» атамасининг кўп сонли таърифлари орасида қуйидагиларни қайд этиш мумкин.

Биринчидан, борлиқ ҳодисаси, асос қилиб олиш мумкин бўлган воқеа, ҳодиса, ҳолат сифатидаги далил. Бу инсон томонидан англанган ёки англанмаганлигидан қатъи назар мавжуд бўлган ҳаёт далилларидир.

Иккинчидан, «далил» тушунчаси борлиқнинг англаб етилган воқеалари ва ҳодисаларини белгилаш учун қўлланилади. Далиллар мураккаб тузилишга эга. Улар борлиқ ҳақидаги ахборот, далил талқини, уни олиш ва тавсифлаш усулини ўз ичига олади.

Илмий далил назарий тизимга киради ва икки муҳим хосса: ишончлилик ва бир вариантлиликка эга бўлади. Илмий далилнинг ишончлилиги шундай намоён бўладики, уни тадқиқотчилар томонидан турли даврларда ўтказиладиган янги экспериментлар ёрдамида олиш ва ифодалаш мумкин. Илмий далилнинг бир вариантлилиги шундан иборатки, у ўзининг ишончлилигини талқинларининг ранг-баранглигидан қатъи назар сақлаб қолади. Фан далиллари умумлаштирилиши натижасида улар назария учун асос бўлиб хизмат қилади. Далилларни умумлаштиришнинг оддий шакллари – уларни таҳлил, синтез қилиш, типларга

ажратиш, бирламчи тушунтириш схемаларидан фойдаланиш ва ҳоказолар асосида амалга ошириладиган тизимга солиш ва таснифлашдир. Маълумки, жуда кўп илмий кашфиётлар олимларнинг далилларни тизимга солиш ва таснифлаш борасидаги фидокорона меҳнати натижасида юзага келган (масалан, Ч.Дарвин яратган турларнинг табиий танланиш йўли билан пайдо бўлиши назарияси, Д.И.Менделеевнинг кимёвий элементлар даврий системаси). Далиллар уларни талқин қилувчи назария, уларни таснифлаш методи мавжуд бўлган, улар бошқа далилларга боғлаб англаб етилган ҳолдагина илмий аҳамият касб этади. Фақат ўзаро боғланган ва яхлит кўринишда далиллар назарий умумлаштириш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Назарий билим ва унинг шакллари. Илмий далиллар назарияга нисбатан ҳам икки хил вазифани бажаради: мавжуд назарияга нисбатан илмий далил ё уни мустаҳкамлайди (верификация қилади), ё у билан тўқнашади ва унинг асоссизлигини кўрсатади (фальсификация қилади). Бироқ, бошқа томондан, назария эмпирик тадқиқот даражасида олинган илмий далиллар йиғиндисини шунчаки умумлаштиришгина эмас. Унинг ўзи янги илмий далиллар олиш манбаига айланади.

Шундай қилиб, эмпирик ва назарий билим яхлит ҳодиса – илмий билим икки томонининг бирлиги ҳисобланади. Бу томонларнинг муайян илмий билиш жараёнидаги ўзаро алоқаси ва ҳаракати, уларнинг ўзаро нисбати назарий билимга хос бўлган шаклларнинг изчил қатори юзага келишини белгилаб беради. Назарий тадқиқот ва унинг методлари асосида шаклланадиган *назарий билимнинг асосий шакллари:* илмий муаммо, гипотеза, назария, тамойиллар, қонунлар, категориялар, парадигмалардир.

Илмий муаммо. Ҳар қандай илмий билиш муаммодан бошланади. Умуман олганда, инсон билимининг ривожланиш жараёнини айрим муаммоларни қўйишдан уларни ечишга ўтиш, сўнгра янги муаммоларни қўйиш сифатида тавсифлаш мумкин. *Муаммо* – билишнинг ривожланиш жараёнида объектив тарзда юзага келадиган, ечимини топиш муҳим амалий ёки назарий аҳамиятга эга бўлган масала ёки масалалар мажмуидир. Шунингдек муаммо, ҳал қилишни талаб этувчи назарий ёки амалий масала; фанда – бирон-бир ҳодисалар, объектлар, жараёнларни тушунтиришда қарама-қарши ёндашувлар кўринишида амал қилувчи ва уни ечиш учун мувофиқ назарияни талаб этувчи зиддиятли ҳолатдир.

Муаммо тўғри қўйилган деб ҳисобланиши учун:

1) ўрганилаётган муаммонинг таркибига киритиш мумкин бўлган муайян илмий билим (маълумотлар, назария, методика) мавжуд бўлиши;

2) муаммо шаклан тўғри тузилган бўлиши;

3) муаммо ўринли бўлиши, яъни унинг асослари сохта бўлмаслиги;

4) муаммо муайян даражада чегараланган бўлиши;

5) ечимнинг мавжудлик шарти ва унинг ягоналиги кўрсатилган бўлиши;

6) мақбул ечим белгилари ҳамда ечимнинг мақбуллигини текшириш усуллари ҳақидаги шартлар қабул қилиниши лозим.

Шундай қилиб, пировард натижада барча илмий муаммолар ҳам ўз ечимини топавермайди: айрим муаммолар улар қўйилганидан кейин узоқ вақт мобайнида ечилмай қолаверади (масалан, Фрем теоремаси бир неча юз йиллар мобайнида ечилмай келган), айрим муаммолар ўз ечимини топмайди (масалан, айлана квадратураси, бурчак трисекцияси ва кубнинг иккиланмаси ҳақидаги масалалар), баъзи бир муаммолар эса олимларнинг алмашаётган авлодлари диққат марказидан бутунлай йўқолади.

Муаммоли вазият ва унинг аҳамияти. Мавжуд фаолият стратегиялари ва ўтмиш тажрибаси инсонга юзага келган қийинчиликни бартараф этиш имконини бермайдиган, мутлақо янги стратегияни яратиш талаб этиладиган вазият одатда муаммоли вазият деб аталади. Муаммоли вазият аниқланган далилларни мавжуд билим доирасида тушунтириш мумкин эмаслигини ифодаловчи вазиятдир. Илмий кашфиёт сари йўл муаммоли вазиятни аниқлашдан бошланади, уни таърифлашдан ўтади ва бу вазиятнинг ечимини топиш билан якунланади.

Гипотеза – янги далилларнинг моҳиятини тушунтирувчи қонун мавжудлиги ҳақидаги асосли тахминдир. Гипотеза олимлар томонидан илмий муаммонинг қўйилишига сабаб бўлган илмий далилларни тахминий тушунтириш мақсадида илгари сурилади. Гипотеза текшириладиган бўлиши лозим, у эмпирик текшириш имконини берувчи оқибатларга олиб келади. Агар бундай текширишнинг иложи бўлмаса, гипотеза илмий жиҳатдан асоссиз ҳисобланади.

Гипотеза қай даражада асосли бўлмасин, у назарияга айланмайди. Шу сабабли илмий билишнинг навбатдаги босқичи – гипотезанинг ҳақиқийлигини асослаш серқирра жараён бўлиб, мазкур гипотезадан келиб чиқадиган оқибатларнинг мумкин қадар кўпроғи ўз тасдиғини топиши лозимлигини назарда тутади. Шу мақсадда кузатиш ва экспериментлар ўтказилади, олинган янги далиллар гипотезадан келиб чиқадиган оқибатлар билан таққосланади. Эмпирик даражада қанча кўп оқибатлар ўз тасдиғини топган бўлса, уларнинг бошқа гипотезадан келиб чиқиш эҳтимоли шунча кам бўлади. Гипотезанинг энг ишонарли тасдиғи – эмпирик тадқиқот жараёнида гипотезада башорат қилинган оқибатларни тасдиқловчи янги илмий далилларнинг аниқланишидир. Шундай қилиб, ҳар томонлама текширилган ва амалда ўз тасдиғини топган гипотеза назарияга айланади.

Назария – ҳодисаларнинг муайян туркуми, бу туркумдаги ҳодисаларнинг моҳияти ва уларга нисбатан амал қиладиган борлиқ қонунлари ҳақидаги билимларнинг мантиқий асосланган ва амалиёт синовидан ўтган тизимидир. Назария таркибига унинг асослари сифатида мавжуд бўлган ва юзага келишини белгилаган барча элементлар киради. Дастлабки назарий негиз, яъни жамулжам ҳолда тадқиқот объекти ҳақида умумий тасаввурни, объектнинг идеал моделини ташкил этувчи кўп сонли тамойиллар, аксиомалар, қонунлар назариянинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Назарий модель айни вақтда асосий назарий тамойиллар тизимига таянувчи келгуси тадқиқотлар дастури ҳамдир.

Назария тушунтириш, башорат қилиш, амалда синаш ва синтез қилиш каби муҳим функцияларни бажаради. Назария илмий далиллар тизимини тартибга солади, уларни ўз таркибига киритади ва ўзини ташкил этувчи қонунлар ва тамойиллардан оқибатлар сифатида янги далилларни яратади. Пухта ишлаб чиқилган назария фанга маълум бўлмаган ҳодисалар ва хоссаларни башорат қилиш имкониятига эга бўлади. Назария одамлар амалий фаолиятининг негизи бўлиб хизмат қилади, уларга табиий ва ижтимоий ҳодисалар дунёсида йўл кўрсатади.

Назарияда илмий ғоялар, яъни унда акс эттирилган объектлар туркуми доирасида амал қилувчи фундаментал қонуниятлар ҳақидаги билимлар марказий ўринни эгаллайди. Илмий ғоя мазкур назарияни ташкил этувчи қонунлар, тамойиллар ва тушунчаларни мантиқан изчил яхлит тизимга бирлаштиради. Ўз шаклланиш жараёнида назария мавжуд тамойиллар, категориялар ва қонунлар тизимига таянади ва янги тамойиллар, категориялар ва қонунларни кашф этади.

Тамойиллар деганда, асосий назарий билим, илмий далилларни тушунтиришда дастуриламал бўлиб хизмат қилувчи раҳбар ғоялар тушунилади. Тамойиллар сифатида, жумладан, исботлаб бўлмайдиган ва исбот талаб қилмайдиган аксиомалар, постулатлар амал қилиши мумкин.

Категориялар – борлиқнинг энг муҳим томонлари, хоссалари ва муносабатларини акс эттирувчи умумий тушунчалардир. Фан категорияларига ҳам шундай таъриф бериш мумкин. Бироқ, умумий хусусиятга эга бўлган фалсафий категориялардан фарқли ўлароқ, фан категориялари бутун борлиқнинг эмас, балки борлиқнинг муайян парчаси хоссаларини акс эттиради.

Фан қонунлари ҳодисалар ўртасидаги зарур, муҳим, барқарор, такрорланувчи муносабатларни ёритади. Бу ҳодисаларнинг амал қилиши ва ривожланиши қонунлари бўлиши мумкин. Табиат, жамият ва инсон тафаккури қонунларини билиш – фаннинг муҳим вазифаси. У ўрганилаётган ҳодисаларнинг тушунчалар ва категорияларда қайд этиладиган умумий ва муҳим томонларини ёритишдан уларнинг барқарор, такрорланувчи, муҳим ва зарур

алоқаларини аниқлашга қадар бўлган йўлни босиб ўтади. Фан қонунлари ва категориялари тизими унинг парадигмасини ташкил этади.

Парадигма – фан тарихининг муайян даврида унинг ривожланишини белгиловчи барқарор тамойиллар, умумий меъёрлар, қонунлар, назариялар ва методлар мажмуи. У бутун илмий ҳамжамият томонидан фаннинг мазкур даражасида юзага келувчи вазифаларни қўйиш ва ечиш усулларини белгилайдиган андоза сифатида тан олинади. Парадигма тадқиқотчилик фаолияти, илмий экспериментларнинг натижаларини талқин қилишга йўл кўрсатади, янги далиллар ва назарияларнинг башорат қилинишини таъминлайди. У ўзига мос келмайдиган концепцияларни инкор этади ва тадқиқотчилик вазифаларини ечиш учун андоза бўлиб хизмат қилади. Парадигма тушунчаси билиш назариясига америкалик файласуф Т.Кун томонидан киритилган.

Интуиция ва ижод. Янги билимни эгаллашда мантиқий тафаккур, унинг тушунчаси, қонунлари, тушунчаларнинг шаклланиш усуллари ва йўллари катта аҳамиятга эга. Лекин билиш фаолияти тажрибаси шундан далолат берадики, кўп ҳолларда илмий муаммоларни ҳал қилишда оддий мантиқнинг имкониятлари камлик қилади. Янги ахборотнинг ҳосил бўлиш жараёнини тафаккурни индуктив ва дедуктив тушунишга тенглаштириб бўлмайди. Бу жараёнда билишга янги куч, имкон ва ҳаракат йўналиши берувчи интуиция муҳим ўрин эгаллайди.

Инсоннинг бундай қобилияти борлигини кўплаб олимлар эътироф этишади. Масалан, Луи де Бройль таъкидлайдики, "интуиция бизга қандайдир **ички** англашни тўсатдан очиб, мураккаб, ҳеч қандай умумийликка эга булмаган реалликнинг сермаънолигини аниқлашга ёрдам беради. Улар органик равишда инсон ақлига хос бўлган имкониятлар бўлиб, фаннинг пайдо бўлишида муҳим роль ўйиаган ва бугунги кунда ҳам шундай роль ўйнамокда». Ана шу туфайли илмий ютуқларга эришилмокда. Мана шунинг учун инсон ақли, пировард натижада, инсонга нисбатан яхшироқ ҳисоблаётган ва таснифлаётган, бироқ тасаввур ҳам, башорат ҳам қилишга қодир бўлмаган барча машиналар устидан ҳукмронлик ўрнатишга қодир.

Интуицияни экспериментал ўрганиш мумкин ва уни эксперимент ёрдамида ўрганишга бағишланган ишлар орасида Ж. Олтон, К. Факуаруи асарларини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Интуициянинг умумийлиги ва кенг тарқалганлигини олиб борилган кўплаб кузатишлар тасдиқлаши мумкин. Кутилмагаи вазиятларда, ахборотлар чекланган шароитда тез қарор қабул қилиш зарур бўлганда, ўз қарорини «олдиндан сезгандай», айнан шундай қилиш лозимдек, қабул қиладиган ҳолатлар инсон хаётида кўп учрайди.

Инсоният тарихида олимлар, конструктор ва рассомлар ўз соҳасида «илҳом келиб қолгани» туфайли ёки «тўсатдан эсга тушиб қолиш» оқибатида янги кашфиётларга эришилганлиги билан боғлиқ мисоллар кўплаб учрайди.

Америкалик математик Леонардо Юджин Диксон ажойиб бир ҳодисани бевосита кузатган: мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайдиган онаси ва онасининг синглиси геометриядан бир вазифани ечиш учун бир кечани бедор ўтказишган. Тунда онасининг тушига масала кирган, у масалани баланд ва аниқ овоз билан еча бошлаган. Унинг синглиси эса буни эшитиб қолиб, дарров ёзиб ола бошлаган. Эртасига эрталаб холасининг қўлида масаланинг Диксоннинг онасига номаълум бўлган ечими турган. Бу мисол «математик туш» деб аталувчи англанмаган ҳодиса билан бирга инсон руҳиятининг онгсизлик даражасида содир бўладиган ҳодисани изоҳлайди.

Шундай қилиб, инсоннинг интуитив қобилиятига:

1) масаланинг кутилмаган ечими,

2) уни ечишнинг англанмаган йўллари ва усуллари ҳамда

3) муайян масалада ҳақиқатга эришишнинг бевоситалиги хосдир.

Бу белгилар интуицияни унга яқин турган психик ва мантиқий жараёнлардан ажратиб туради.

Умуман олганда, билишда интуициянинг ўрнини ортиқча баҳолаш ҳам, инкор этиш ҳам керак эмас. Мантиқийлик ва интуитивлик билишнинг махсус ва бир-бирини тўлдирувчи воситаларидир, уларни бир бутунликда, умумий ижодий жараённинг бир-бири билан боглиқ томонлари сифатида тушуниш ва талқин қилиш лозим.

3-савол баёни: Ҳар бир тарихий даврда инсон ўзининг амалий фаолияти натижасида объектив оламни тўлиқ ва аниқ акс эттирувчи билимларга эга бўлиб боради. Билим эса объектив реалликка мос келадими ёки йўқми? Бу масаланинг ҳал қилинишида фалсафада ҳақиқат тўғрисидаги таълимот ўз ифодасини топади. Бу таълимот эса ўз-ўзидан ҳақиқат нима? Деган масалани ҳал қилишни талаб қилади. Фалсафий фикр тарихида ҳақиқатни турлича талқин қилиш мавжуд бўлиб, уларнинг баъзиларини мисол келтирамиз: "Ҳақиқат – бу билимларнинг воқеликка мослиги"; "Ҳақиқат – бу тажрибавий асосланиш"; "Ҳақиқат – бу билимларнинг ўзаро келишув хусусияти"; "Ҳақиқат – бу билимларнинг фойдалилиги, уларнинг эффекимвлиги"; "Ҳақиқат – бу Аллоҳни англашдир" ва бошқалар.

Ҳақиқат – билиш назариясининг бош категорияси. У борлиқнинг билишдаги идеал ифодаси, чунки ҳақиқат онгдан, билаётган субъектдан ташқарида ва ундан қатъий назар мавжуддир. Ҳақиқат – билимларнинг объектив борлиққа мувофиқ бўлган мазмуни. У билиш жараёни, билиш инъикосининг натижасидир. Ҳақиқат илмий назарияда мужассамлашган англаб етилган тасдиқловчи мулоҳазалар кўринишида ўз ифодасини топади. Ҳар қандай илмий назария ривожлантирилиши, баъзан бошқа, янада ҳақиқийроқ назария билан алмаштирилиши лозим. Шу маънода ҳақиқат – билиш ривожланишининг якуни ва айни вақтда омилидир.

Ҳақиқат масаласини илмий асосда ҳал қилишнинг ягона йўли инсон билимлари билан объектив оламдаги реал нарса ва ҳодисалар, уларнинг сифат ва хусусиятлари ўртасидаги муносабатни ёритишдир. Шундай экан, ***Ҳақиқат деб объектив воқеликка мос келувчи, моддий ва маънавий оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг реал ҳолатдаги мазмунини, сифат ва хусусиятларини тўғри акс эттирувчи ҳамда амалиётда синалган, ўз тасдиғини топган инсон билимларига айтилади.***

Фалсафа тарихида ҳақиқат (билимларнинг ҳақиқийлиги) муаммоси қадимги даврлардаёқ таърифланган. "Авесто"да ҳақиқат олий шарофатдир дейилади. Дарҳақиқат инсоният доимо ҳақиқатга интилган. Зеро ҳақиқат адолатга, шарофатга элтадиган буюк қудрат. Аристотель фикрича ҳақиқат – мулоҳазалар ва амалдаги ҳолат ўртасидаги мувофиқликдир.

Платон ҳақиқатни ғоялар дунёсига мос келувчи ғайритабиий мустақил идеал моҳият сифатида тушунган, инсон билими жоннинг шу ғоялар дунёси билан муштараклиги даражасидагина ҳақиқийдир, деб ҳисоблаган.

Фома Аквинский ҳақиқат ёлғон нарсаларда эмас, балки ақлда мавжуд бўлади, ҳар бир нарса ўзи боғлиқ бўлган ақлга муносабати даражасидагина ҳақиқий деб номланиши мумкин, деб қайд этган.

Беруний фикрича ҳақиқат билимнинг воқеликка мувофиқлигидир. Форобий фикрича ҳақиқатни билиш ақлнинг камолотига боғлиқ. Бу ақл инсон қалбидадир, унинг камолотига эса фаол ақлга қўшилиш орқали эришилади. Шунингдек Форобий ва унинг издошлари фикрича, ҳақиқат бир нечта бўлиши мумкин эмас, ҳақиқат битта, шу боис фалсафа ҳам бир нечта бўлиши мумкин эмас. Форобий ҳақиқатнинг ўзгармаслигига ишонган ва фалсафани ҳақиқатнинг бирдан бир ифодаси деб ҳисоблаган.[1] Нақшбандий ҳақиқат бу Аллоҳни англашдир деб ҳисоблаган. Ҳақиқат сўфийлар талқинида шариат доирасидан четга чиқувчи ички мазмунни англатади. Илк сўфийлар шариат ва ҳақиқат ўртасида жарлик юзага келишига йўл қўймасликка ҳаракат қилганлар. Кейинги сўфийлар, масалан, Абу Бакр аз Закок ҳақиқат ҳақидаги фан шариат сари йўлни ойдинлаштиради деб ҳисоблайди.

Ҳақиқатни объектив-идеалистик тушунишнинг ўзига хос хусусияти унга дунёнинг онгда акс этиш жараёнига боғламасдан қараш ва уни инсоннинг объект ҳақидаги билими хоссаси сифатида эмас, балки эмпирик борлиққа қўшимча тарзда объективлашган қандайдир вақтдан ташқаридаги ғоянинг хоссалари сифатида талқин қилишда намоён бўлади.

[1] Қаранг.С.М. Ҳотамий Ислом тафаккури тарихидан. –Т.: Минҳож, 2003.-Б.126

Ҳақиқатни субъектив идеалистик тушуниш эса инсон билимининг хоссалари ва таркиби билан боғланади, бироқ мазкур билим унда ташқи, мустақил дунёнинг акс этишига боғланмайди, чунки бундай дунёнинг мавжудлиги инкор этилади. Ҳақиқат «тафаккурнинг тежамкорлиги» сифатида (Мах), фойдали натижаларга эришиш имконини берувчи жараён, тафаккуримиз образидаги қулайлик сифатида (Жеймс), инсон тажрибасининг мафкуравий таърифни ташкил этувчи шакли сифатида (Богданов) талқин қилинади.

Ҳозирги замон билиш назариясида ҳақиқий билим ва унинг шакллари ҳақида турли фикрлар мавжуд.

Объектив ҳақиқат – ***билимларимизнинг инсон ва инсониятга боғлиқ бўлмаган мазмуни.*** Бизнинг билимларимизда доим ё муайян одамга, ё муайян ижтимоий гуруҳга боғлиқ бўлган унсур мавжуд бўлади. Бинобарин, ўз билимларимизда субъектив унсурларга боғлиқ бўлмаган ва шу сабабли объектив ҳисобланадиган мазмунни қайд этишимиз лозим. Объектив ҳақиқат ривожланиб, икки шакл: нисбий ва мутлақ ҳақиқат шаклларида амал қилади.

Мутлақ ҳақиқат – ***предметни келажакда тўлдирилиши ёки унга аниқлик киритилиши мумкин бўлмаган тарзда тўла, мукаммал билишдир.*** Олам замон ва маконда чексизлиги туфайли бундай билимга амалда эришиш мумкин эмас. Ҳақиқат тушунчасини мутлақ ҳақиқат тушунчаси билан тенглаштириб, биз унга эришиб бўлмаслиги, демак, умуман билиш мумкин эмаслиги ҳақида гапирамиз. Бироқ фаннинг ҳақиқий тарихи бунинг тескарисидан далолат беради: фан ривожланади, чунки у нисбий ва мутлақ билимнинг бирлиги сифатида тушуниладиган ҳақиқатни билишга қодир. Бошқача айтганда, объектив ҳақиқат тўла ва мукаммал кўринишдаги мутлақ ҳақиқатдир. Айрим ҳолларда, агар ҳақиқат вақт ўтиши билан ўзгармаса, яъни вақт шарт-шароитларига боғлиқ бўлмаса, у *боқий ҳақиқат* деб аталади.

Нисбий ҳақиқат – ***борлиқни асосан тўғри акс эттирса-да, образ объектга унча мос эмаслиги билан ажралиб турадиган билим.*** Нисбий ҳақиқат тўғри, бироқ нотўлиқ, тахминий, вақт ва жойнинг маълум тарихий шарт-шароитлари билан чекланган ҳақиқатдир.

Нисбий ва мутлақ ҳақиқат бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Нисбий ҳақиқатлар билиш тараққиёти жараёнида ривожланиб, ўз чегараси бўлган мутлақ ҳақиқатга яқинлашади.

Бироқ билишнинг тарихий ривожланиш жараёни нафақат нисбий ҳақиқатларнинг мутлақ ҳақиқатга айланиш жараёни, балки айрим мутлақ ҳақиқатларнинг юзага келиш жараёни ҳамдир. Бу фикрни физикада атом ва унинг тузилиши ҳақидаги тасаввурларнинг ривожланиши мисолида кўришмумкин. Юз йил муқаддам физиклар ва химиклар атомлар амалда мавжуд ва ажралмас шарчалар кўринишида, деб тахмин қилар эдилар. Бу тасаввур замирида мутлақ ҳақиқат унсурлари мавжуд эди. Бундан: «Кимёвий элементларнинг атомлари амалда мавжуд», деган хулоса келиб чиқади. Физика ва кимёнинг кейинги ривожланиши мутлақ ҳақиқатнинг бу элементини бекор қилмади. Бироқ бу тасаввурларда хатолар мавжудлиги (таранглик, ажралмаслик ва ҳ.к.) аниқланди.

XIX аср охирида электронлар кашф этилиши натижасида атом тузилишининг янги манзараси яратилди. Томсон мусбат зарралар ва манфий зарядли электронлардан ташкил топган атом моделини яратди. Атомнинг бу нисбатан ҳақиқий манзарасида мутлақ ҳақиқатнинг янги унсурлари пайдо бўлди: Дарҳақиқат атом мусбат зарядли зарралардан иборат.

Атом ҳақидаги тасаввур ривожланишининг учинчи босқичи Резерфорд-Бор модели билан боғлиқ. Бу моделда атом ядро ва унинг атрофида айланувчи электронлардан ташкил топади. Умуман олганда, аввалги моделлардан аниқроқ бўлган бу моделда мутлақ ҳақиқат унсурлари мавжуд. Ҳозирги вақтда атом тузилиши ҳақидаги тасаввурлар замирида квант механикаси ва атом ядросини ўрганиш натижалари ётади. Ҳозирда электронларнинг атом ядроси атрофидаги ҳаракатини зичлиги нотекис бўлган булут ҳаракатига ўхшатиш мумкинлиги, чунки электронлар корпускуляр ва тўлқин хоссаларига эга эканлиги, ядро эса протонлар ва нейтронлардан иборат система ҳисобланиши ва ҳоказолар маълум. Ҳозирги замон физикасида атом манзараси Бор назариясидагига қараганда тўлиқроқ ва аниқроқ, унда

мутлақ ҳақиқат унсурлари кўпроқ. Бироқ атомнинг ҳозирги манзараси келажакда ўзгариши, унга аниқлик киритилиши, унда янги ҳақиқат ва хатолар аниқланиши шубҳасиз. Ҳақиқатда нисбий ва мутлақ жиҳатлар узвий, ўзаро боғланган: бир томондан, нисбий ҳақиқатда доим мутлақ ҳақиқат унсурлари мавжуд бўлса, бошқа томондан, инсон билимларининг ривожланиши жараёнида нисбий ҳақиқатлардан мутлақ ҳақиқат юзага келади.

Нисбий ва мутлақ ҳақиқат диалектикаси бизнинг билимимиз атрофимиздаги оламни ҳар томонлама ва аниқ қамраб олишга интилиб, қарама-қаршиликларни ечиб, объектив борлиқни янада теранроқ ва мукаммалроқ акс эттиришини кўрсатади.

Ҳақиқатнинг **корреспондент, когерент ва прагматик концепциялари** мавжуд. Уларнинг ҳар бири фанда ривожланиш жараёнида катта қийинчиликларга дуч келади.

Ҳақиқатнинг **корреспондент концепцияси** *назариянинг тажрибада олинган маълумотларга мувофиқ бўлишини талаб қилади*. Бу талаб фанда қабул қилинади, у таклиф қилинаётган - гипотеза фан соҳасига тааллуқли ёки тааллуқли эмаслигини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

Когерент (назарий) концепция *экспериментга мувофиқ бўлиши, унга зид келмаслиги, унинг натижаларини башорат қилиш имконини бериши лозим*.

Ҳақиқатнинг прагматик *концепциясида* амалиёт мезони кўпинча тўғридан-тўғри эксперимент тушунчаси билан боғланади. Бироқ илмий амалиёт фақат экспериментдан иборат эмас, у фан қўлланиладиган бутун майдонни, унинг инсон учун ҳаётий аҳамиятини қамраб олади. Шуни ҳисобга олганда, инсоннинг бутун ҳаёти, унинг фандан амалда фойдаланиладиган барча жабҳалари фаннинг ҳақиқийлигини синаш майдонига айланган, десак, муболаға бўлмайди.

Исботлаш ва рад этиш. Фаннинг у ёки бу қоидасининг ҳақиқийлиги ёки сохталиги, аниқ-равшан кўриниб турмайди. Фақат энг содда мулоҳазалар ўзининг ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун сезги идрокидангина фойдаланишни талаб қилади: кўрсатиш мумкин бўлган нарсани исботлашнинг ҳожати йўқ.

Фаннинг аксарият қоидалари сезги аъзолари орқали билиш даражасида ва бошқа ҳақиқатлардан алоҳида эмас, балки мантиқий тафаккур даражасида, бошқа ҳақиқатларга боғланган ҳолда, яъни исботлаш йўли билан ҳақиқий деб қабул қилинади. Исботлаш – илмий тафаккурнинг муҳим воситаси.

Ҳар қандай исботда тезис, исботлаш учун асослар (далиллар) ва исботлаш усули мавжуд. Ҳақиқийлиги ёки сохталиги исботлаш йўли билан аниқланаётган қоида тезис деб аталади. Тезиснинг сохталигини аниқлаш рад этиш деб аталади. Исботлашда фойдаланилаётган ва исботланаётган тезиснинг ҳақиқийлигини кўрсатаётган барча қоидалар асослар ёки далиллар деб аталади. Асослар ва далиллар ишончли далиллар ҳақидаги қоидалар, таърифлар, аксиомалар ва илгари исботланган қоидалардан ташкил топади.

Билиш натижаларини баҳолаш. Эришилган натижани баҳолаш – билишнинг зарур унсуридир. Баҳолаш йўли билан инсон олинган билимнинг ҳақиқийлиги ёки сохталиги, ундан амалий фаолиятда фойдаланиш мумкин ёки мумкин эмаслигини аниқланади. У олинган билим кейинги билиш жараёнида иштирок этиши ёки иштирок этмаслигини белгилайди, унинг инсонга ва шахснинг маънавий фаолиятига таъсир ўтказиш имкониятларини аниқлайди. Шу сабабли баҳолаш учун асос сифатида нафақат гносеологик, балки амалий, мафкуравий ва ахлоқий мезонлар амал қилади.

Олим ўз фаолиятида нафақат ўзининг методлари ва илмий натижаларини баҳолайди, балки уларга илмий жамоатчилик, ҳокимият, дин намояндаларининг муносабатига қараб мўлжал олади. Умуман олганда, ҳар қандай билиш ҳақиқатни излашдир. Бу инсон ақлининг азалий вазифасидир. Билимларимизнинг ҳақиқийлиги муаммоси билиш фаолиятининг ҳар қандай турларида муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли билимнинг ҳақиқийлиги унинг муҳим асоси ҳисобланади. Ҳақиқат – билишнинг мутлақ қадрияти.

Амалиёт. Билишнинг негизини амалиёт ташкил этади. Бу инсоннинг бутун билиш жараёни сезгилардан бошлаб илмий мавҳумликларга қадар ижтимоий-амалий фаолият

асосида ривожланиши, унинг эҳтиёжлари ва муваффақиятлари билан белгиланиши ва йўлга солинишини англатади.

Амалиёт мазмуни ва шаклларига кўра, моддий неъматлар яратиш; ижтимоий-сиёсий фаолият; илмий-амалий фаолият каби турлардан иборат.

Шунингдек амалиёт одамлар ижтимоий-тарихий фаолиятининг ранг-баранг шаклларини қамраб олади.

Ижтимоий амалиёт эҳтиёжлари доим билиш ривожланишининг негизи ва ҳаракатлантирувчи кучи сифатида амал қилади. Ер майдонларини ўлчаш, вақтни ҳисоблаш, савдода ҳисоб-китобларни амалга ошириш зарурати математик билимларнинг ривожланишига йўл очди. Бинолар, ариқлар, тўғонлар, кемалар, машиналар ва ҳоказоларни қуриш эҳтиёжлари механиканинг ривожланишига олиб келди.

Инсон тафаккури доимо олдинги авлодлардан олинган билимлар мажмуи ва фаннинг олдинги ривожланиш жараёнида қўйилган муаммолар билан иш кўради. Фан бу муаммоларни ечиб, амалиётдан ўзиши ва унга онгли равишда йўл кўрсатиши мумкин ва лозим.

Амалиёт – ***одамларнинг тарихан шаклланган эҳтиёжларини қондириш учун у ёки бу объектни ўзгартириш мақсадида унга таъсир кўрсатиш фаолиятидир.*** Билишга нисбатан амалиёт уч хил вазифани бажаради. Биринчидан, у билишнинг манбаи, ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади, билишга умумлаштириш ва назарий ўрганиш учун зарурий материал беради. Шу тариқа амалиёт билишни озиқлантиради, у реал ҳаётдан узоқлашишга йўл қўймайди. Иккинчидан, амалиёт билимларни татбиқ этиш соҳасидир. Шу маънода у билишнинг мақсадидир. Учинчидан, амалиёт билиш натижаларининг ҳақиқийлигини текшириш мезони. Билишнинг амалиёт синовидан ўтган натижаларигина амалда объектив аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, амалиёт – барча босқичларда билишнинг шаклланиш ва ривожланиш негизи, билим манбаи, билиш жараёни натижаларининг ҳақиқийлиги мезондир. Тажриба тушунчаси ҳар хил маънога эга: тажриба (эмпирия) мавҳум фикр юритишга қарши қўйилади ва шу маънода у кузатиш ва экспериментни тушуниш ҳисобланади. Ҳаёт тажрибаси, машина ҳайдаш, маърузалар ўқиш ва шу кабилар маъносидаги билим ва кўникмалар даражаси ҳам тажриба деб аталади.

Ўз-ўзидан равшанки, инсон борлиқни ёлғиз ўзи тушуниб етмайди: ҳақиқатни билиш тажрибага асосланади, деганда, илдизлари ўтмишга, асрларнинг йиғма ва жамланиб борадиган тажрибасига бориб тақалувчи ворисий ахборот назарда тутилади. Индивидуал тажриба, агар у мавжуд бўлган тақдирда ҳам, ҳақиқатни англаш учун мутлақо етарли бўлмайди.

Амалиёт фалсафаси. Инсон – фаол мавжудот. Юнонча «практикос» сўзи фаол, амал деган маънони англатади. Шунингдек амалиёт инсоннинг фаолиятидир.

Инсон фаолияти сифатида амал қиладиган ҳамма нарса амалиётдир. Тил, маданият ва унинг кўп сонли таркибий қисмлари амалиёт турларидир. Кўпинча амалиёт деганда моддий амалиёт, яъни воситаси ва маҳсули сифатида предметли моддий дунё амал қиладиган фаолият тушунилади. Бироқ моддий амалиёт ҳам амалиёт турларидан бири, холос.

Антик жамиятда жисмоний меҳнатни бажариш қуллар вазифаси ҳисобланган. Ҳатто санъатга ҳам паст назар билан қаралган. Доно одамнинг мушоҳада қилиши фаолиятнинг энг олий шакли сифатида тан олинган. Борлиққа нисбатан бундай ёндашув амалиёт муаммосини инсон ақли соҳасига кўчирган. Амалиёт ҳақидаги таълимот (праксиология) ахлоқ, яхши хулқ ҳақидаги таълимот сифатида амал қилади. Ахлоқни ўрганиш антик фалсафага ҳам, қадимги ҳинд фалсафасига ҳам хос. Амалиётни ахлоқий тушуниш анъанаси бутун жаҳон фалсафаси орқали ўтади. Қадимги манбалардан бири “Авесто”да амалиёт инсон моддий ва маънавий ҳаётини яхшилашга интилишида намоён бўлади. Жумладан, меҳнат қилиб, бойлик яратиб, ташландиқ жойларга ишлов бериб, суғориб обод қилган сут, гўшт, дон етиштириб, фаровонликни таъминлаган деҳқонлар, чорвадорлар, боғбонлар овчилар, ҳунармандлар

улуғланган. Асарда “Кимки ҳам чап қўли ва ҳам ўнг қўли билан ерга ишлов берса, у ерга фойда келтиради” деб таъкидланади.

Шундай қилиб, амалиёт турли фалсафий йўналишларда ҳар хил талқин қилинади. Амалиёт категорияси кенг ва тор маънода ё инсоннинг ҳар қандай фаолияти, ё унинг фақат моддий фаолияти сифатида тушунилади.

Амалиётнинг таркибий қисмлари 1) мақсад; 2) мақсадга мувофиқ фаолият; 3) амалиёт воситалари; 4) амалий ҳаракат объекти; 5) ҳаракат натижаси кабилар.

Амалиёт шаклларига келсак, улар инсон фаолиятининг таркибига мувофиқ анча кўп. Масалан, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий ҳаёт амалиёти, санъат ва фан амалиёти, тил амалиёти ва ҳоказолар бор. Фалсафа амалиётга категориялар, яъни амалиётнинг барча шаклларига хос бўлган умумий жиҳатлар нуқтаи назаридан ёндашади.

Фалсафада амалиёт деганда инсон эҳтиёжларини қондириш мақсадида ўзини қуршаган дунёни ёки унинг айрим қисмларини ўзгартиришга қаратилган фаолият тушунилади. Амалиётнинг асосий шакли меҳнат бўлиб, уни амалга ошириш жараёнида инсон табиат билан тўқнашади. Шунингдек, бошқарув амалиёти, сиёсий, ижтимоий амалиёт ва амалиётнинг бошқа шакллари фарқланади. Хўш, амалиётнинг билиш билан алоқаси қандай?

Биринчидан, амалиёт билишнинг сарчашмаси, негизи, уни ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади. Амалиётнинг муайян эҳтиёжлари инсониятнинг билишга бўлган эҳтиёжлари ва вазифалари, умуман фаолият тури сифатидаги билишнинг ўзи юзага келишига сабаб бўлган. Масалан, Қадимги Мисрда зироатчилик геометрия ва математика пайдо бўлишини рағбатлантирган, кемачилик ва савдо иши эса астрономия ва бошқа фанларнинг ривожланишига туртки берган. Амалиёт жамият учун муҳим аҳамиятга эга бўлган янги муаммолар (масалан, коинотни ўзлаштириш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва б.)га дуч келиб, билишнинг янги тармоқлари ривожланишини рағбатлантиради. Масалан, XX асрда космик тиббиёт, кристаллография, генетика ва бошқа фанлар вужудга келди.

Иккинчидан, амалиёт ўзининг муҳим эҳтиёжлари билан бирга билишнинг мақсади ҳамдир. Инсон билимлари улардан ўз кундалик турмушда фойдаланиш учун мўлжаллангандир. Бироқ улар буюмлар ва товарлар, меҳнат қуроллари яратиладиган саноатда биринчи даражали аҳамиятга эга. Масалан, Д.И.Менделеев жадвали ва унда ифодаланган маълумотларсиз ҳозирги кимё саноатини тасаввур қилиш мумкин эмас. Кундалик ҳаётдан мустаҳкам ўрин олган телевидение ва радио физика ва бошқа фанларда эришилган ютуқлар маҳсулидир. Агар билимларга амалиётда ҳожат бўлмаса, улар ўз ижтимоий аҳамиятини йўқотиши мумкин. Бинобарин, амалиёт билимлар изчил қўлланиладиган улкан соҳадир.

Учинчидан, амалиёт инсон билимлари ва тасаввурларининг ҳақиқийлиги мезони (кўрсаткичи)дир. У илмий гипотезалар ва назарияларнинг (масалан, Қуёш системасининг бошқа сайёраларида ҳаёт борлиги ҳақидаги фаразнинг) аниқлигини текширишнинг муҳим усули ҳисобланади. Бироқ бунда мазкур мезон ўзининг номукаммаллиги туфайли универсал (умумий) эмаслигини эътиборга олиш лозим. Зотан, дунё ҳақидаги ғоялар ва тахминларнинг барчасини ҳам амалда синаш мумкин эмас. Шу сабабли фан билимларнинг ҳақиқийлигини асослаш учун, масалан, мантиқий исботлаш каби усуллардан фойдаланади.

Шундай қилиб, амалиёт ҳар қандай билиш жараёнининг негизи, таянч нуқтаси ва тадрижий якуни ҳисобланади.

4-савол баёни: *Метод* (юнон. metods — усул) кенг маънода йўл, ижодий фаолиятнинг ҳар қандай шакли каби маъноларни англатади. Методология тушунчаси икки асосий мазмунга эга — фаолиятда қўлланиладиган маълум усуллар тизими (фанда, сиёсатда, санъатда ва ҳ.к.); тизим ҳақидаги таълимот ёки метод назарияси.

Фан методологияси унинг структураси, тараққиёти, илмий тадқиқот воситалари ва усуллари, унинг натижаларини асослаш йўллари, билимни тажрибага татбиқ қилиш

механизмлари ва шаклларини ўрганади. Шунингдек, методология методлар йигиндиси ва фаолият тури ҳақидаги таълимотдир.

Метод у ёки бу шаклда маълум қоида, тартиб, усул, ҳаракат ва билим мезонларининг йиғиндиси ҳамдир. У тамойиллар, талаблар тизими бўлиб, субъектни аниқ вазифани бажаришга, фаолиятнинг шу соҳасида маълум натижаларга эришиш сари йўналтиради. У ҳақиқатни излашда вақт, кучни тежайди, мақсадга энг яқин ва осон йўл билан етишишга ёрдам беради.

Метод *методика*да конкретлашади. Методика далилий материалларни йиғиш ва саралаш воситаси, аниқ фаолият туридир. У методологик тамойиллардан фарқ қилсада, уларга асосланади.

Илмий билиш жараёнида турли методлардан фойдаланилади. Умумий даражасига кўра, улар кенг ёки тор кўламда қўлланилади. Ҳар қандай фан ўз предметини ўрганишда у ёки бу объектнинг моҳиятидан келиб чиқувчи турли хусусий методлардан фойдаланади. Масалан, ижтимоий жараёнларни ўрганиш методи оламнинг ижтимоий шакли, унинг қонуниятлари, моҳиятининг хусусиятлари билан белгиланади.

Турли конкрет вазифаларни ҳал қилишнинг зарурий шартларидан бири универсал хусусиятга эга бўлган умумий фалсафий методларга мурожаат қилишдир. Бу методлар ҳақиқатни англашда умумий йўлни кўрсатади. Мазкур методларга фалсафанинг қонун ва категориялари, кузатиш ва тажриба, таққослаш, анализ, синтез, индукция, дедукция ва ҳ.к.лар тааллуқли. Агар махсус методлар объектнинг қонуниятларини ўрганишнинг хусусий усуллари сифатида намоён бўлса, фалсафий методлар шу объектларда намоён бўладиган, алоҳида хусусиятлардаги ҳаракат, тараққиётнинг энг умумий қонуниятларини ўрганади. Айнан шу ўринда тажриба ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ҳар бир метод объектнинг алоҳида томонини билишга имконият яратади. Методлар умумийлик даражаси ва амал қилиш доирасига кўра бир неча гуруҳга бўлинади. Улар қуйидагилар:

Фалсафа методлари. Энг қадимги кенг тарқалган методлардан бири диалектика бўлса, иккинчиси метафизикадир. Бироқ фалсафа методлари булар билан чекланмайди. Бугунги кунда унинг софистика, эклектика, аналитик (ҳозирги замон аналитик фалсафаси), интуитив, феноменологик, синергетик, герменевтик (тушуниш) ва бошқа турлари ҳам мавжуд.

Фан методлари умумилмий, хусусий илмий ва фанлараро тадқиқот методларидан иборат. **Умумилмий тадқиқот методлари.** Улар фалсафа билан махсус фанларнинг фундаментал назарий-методологик қоидалари ўртасида ўзига хос «оралиқ методология» бўлиб хизмат қилади. Умумилмий тушунчалар қаторига кўпинча «ахборот», «модель», «тузилма», «функция», «тизим», «элемент», «оқилоналик», «эҳтимоллик» сингари тушунчалар киритилади.

Биринчидан, бир қанча хусусий фанлар ҳамда фалсафий категорияларнинг алоҳида хосса, белги ва тушунчалари умумилмий тушунчаларнинг мазмунига «сингдириб» юборилганлиги, иккинчидан, (фалсафий категориялардан фарқли ўлароқ) математик назария ва символик мантиқ воситалари билан уларни формаллаштириш, уларга аниқлик киритиш мумкинлиги умумилмий тушунчаларнинг ўзига хос жиҳатларидир. Умумилмий методлар қаторига тизимли ва структуравий-функционал, кибернетик, эҳтимолий ёндашувлар, моделлаштириш, формализация ҳамда бошқалар киради.

Хусусий илмий методлар – материя ҳаракатининг асосий шаклига мос бўлган муайян фанда қўлланиладиган билиш усуллари, тамойиллари, тадқиқот усуллари ва тартиб-таомиллари мажмуи. Механика, физика, кимё, биология ва ижтимоий-гуманитар фанларнинг методлари шулар жумласидандир.

Фан методлари – маълум фан тармоғига кирувчи ёки фанлар туташган жойда вужудга келган муайян фан соҳасида қўлланиладиган усуллар тизими. Ҳар бир фундаментал фан, моҳият-эътибори билан, ўз предметига ва ўзига хос тадқиқот усулларига эга бўлган соҳалар мажмуидир.

Фанлараро тадқиқот методлари – асосан фан соҳалари туташган жойда амал қиладиган (методологиянинг турли даражаси элементларини бирлаштириш натижасида юзага келган) бир қанча синтетик ва интегратив усуллар мажмуи. Мазкур методлар комплекс илмий дастурларни амалга оширишда кенг қўлланилади.

Ижтимоий-гуманитар фанлар методлари. Ижтимоий-гуманитар фанларда кузатиш натижалари кўп жиҳатдан кузатувчининг шахсига, унинг ҳаётий қарашларига ва бошқа субъектив омилларга боғлиқ бўлади. Мазкур фанларда оддий (одатдаги) кузатиш (фактлар ва ҳодисалар четдан туриб қайд этилади) ва иштирокчиликка асосланган (ичдан туриб) кузатиш (бунда тадқиқотчи маълум ижтимоий муҳитга қўшилади, унга мослашади ва ҳодисаларни «ичдан» таҳлил қилади) фарқланади. Психологияда кузатишнинг ўз-ўзини кузатиш (интроспекция) ва эмпатия (бошқа одамларнинг руҳий кечинмаларига кириб бориш, уларнинг ички дунёси – сезгилари, фикрлари, хоҳиш-истакларини тушунишга интилиш ва ҳ.к.) фарқланади.

Этнометодология ичдан туриб кузатишнинг турларидан бири бўлиб, у ижтимоий ҳодиса ва воқеаларни тавсифлаш ҳамда кузатиш натижаларини уларни тушуниш ғоялари билан тўлдиришни назарда тутади. Мазкур ёндашув ҳозирда этнография, ижтимоий антропология, социология ва культурологияда тобора кенг қўлланилмоқда.

Ижтимоий экспериментлар тобора ривожланмоқда, улар ижтимоий ташкил этиш ва жамиятни бошқаришни оқилоналаштиришнинг янги шаклларини амалга татбиқ этишга кўмаклашмоқда. Ижтимоий эксперимент объекти одамларнинг маълум гуруҳи экспериментнинг бевосита иштирокчиларидан бири бўлиб, уларнинг манфаатлари билан ҳисоблашишга тўғри келади, тадқиқотчи эса ўзи ўрганаётган вазиятга бевосита қўшилади.

Ижтимоий-гуманитар фанларда фалсафий ва умумилмий воситалар, метод ва амаллардан ташқари, мазкур фанларнинг предмети билан боғлиқ махсус воситалар, метод ва амаллардан ҳам фойдаланилади. Уларнинг жумласига қуйидагилар киради:

Идеографик метод–алоҳида тарихий фактлар ва ҳодисаларнинг ўзига хос хусусиятларини тавсифлаш.

Диалог («савол-жавоб методи»).

Тушуниш ва оқилона (интенционал) тушунтириш (бу ҳақда ушбу бобнинг кейинги параграфида батафсил сўз юритилади).

Ҳужжатларни таҳлил қилиш–сон ва сифат жиҳатидан таҳлил қилиш (контент-анализ).

Сўровлар ўтказиш–«юзма-юз» сўров (интервью) ёки сиртдан (сўровнома ёрдамида, почта, телефон орқали ва ш.к.) сыров ўтказиш. Оммавий ва махсус сўровлар фарқланади. Махсус сўровларда профессионал экспертлар ахборот олишнинг бош манбаи ҳисобланади.

Проектив методлар (психологияга хос)–инсоннинг продуктив фаолияти натижаларига қараб, унинг шахсий хусусиятларини билвосита ўрганиш усули.

Тестлаш (психология ва педагогикада)–стандартлаштирилган топшириқлар бўлиб, уларни бажариш натижалари айрим шахсий хусусиятлар (билим, кўникма, хотира, зеҳн ва ш.к.)ни ўлчаш имконини беради. Тестларнинг икки асосий гуруҳи фарқланади–интеллект тестлари (машҳур Қ коэффициенти) ва эришилган (касбда, спортда ва ҳ.к.) натижалар тестлари. Тестлар билан ишлашда ахлоқий жиҳат муҳим аҳамият касб этади. Зотан, лаёқатсиз ёки ғирром тадқиқотчининг қўлида тестлар жиддий зарар келтириши мумкин.

Социометрия методи–ижтимоий ҳодисаларни ўрганишда математика воситаларидан фойдаланиш. Ундан кўпинча «кичик гуруҳлар»ни ва улардаги шахслараро муносабатларни ўрганишда фойдаланилади.

Ўйин методлари – бошқарув қарорларини ишлаб чиқишда қўлланилади. Имитацион ўйинлар (ишбилармонлик ўйинлари) ва очиқ ўйинлар (айниқса, ностандарт) вазиятларни таҳлил қилишда фарқланади. Ўйин методлари орасида психодрама ва социодрама алоҳида ўрин тутади. Уларда иштирокчилар тегишинча индивидуал ва группавий вазиятларни кўриб чиқадилар.

Ҳозирги замон методологияси. «Куматоид», «case studies», «абдукция» тушунчалари анъанавий методологик тушунчалар руҳида тарбияланган одамга эриш туюлиши мумкин. Бундай тушунчалар қаторига ҳозирда анча машҳур бўлган бифуркация, «флуктуация», «диссипация», «аттрактор» тушунчаларини, шунингдек, «куматоид» (юнонча–тўлқин) деган инновацион тушунчани киритиш мумкин.

Куматоид - сузаётган объектни англатади ва объектларнинг тизимли хусусиятини акс эттиради.

«Case studies», яъни вазиятли тадқиқотлар ўтказиш ҳозирги замон методологиясидаги муҳим янгиликдир. Мазкур тадқиқотларни ўтказишда фанлараро тадқиқотлар ўтказиш методологиясига таянилади, аммо индивидуал субъектларни, маҳаллий, группавий дунёқарашлар ва вазиятларни ўрганиш назарда тутилади. «Case studies» атамаси прецедентнинг, яъни кузатиш остида бўлган ва тушунтиришнинг мавжуд қонунлари доирасига сиғмайдиган индивидуаллаштирилган объектнинг мавжудлигини акс эттиради.

«Абдукция» фикр юритиш орқали эмпирик фактлардан уларни тушунтирувчи гипотезага юксалишни назарда тутади. Бундай фикр юритиш турмушда ва амалиётда кўп учрайди. Ҳар бир инсон тушунтириш йўлларини излашда беихтиёр абдукцияга мурожаат этади. Масалан, врач касаллик аломатларига қараб, унинг сабабини, детектив эса жиноят изларига қараб жиноятчини қидиради. Худди шунингдек, олим ҳам содир бўлаётган ҳодисани тушунтиришда абдукция методидан фойдаланади. Мазкур атама индукция ва дедукция сингари машҳур, кенг эътироф этилган бўлмаса ҳам, у янги ҳамда самарали методологик стратегияни ишлаб чиқишда муҳим рол ўйнайди.

Шундай қилиб, методология маълум бир, ҳатто, «энг муҳим метод»га ҳам боғлиқ бўлмайди. «Олим ҳеч қачон фақат битта таълимотга таяниб қолмаслиги, ҳеч қачон ўз тафаккур методларини фақат битта фалсафа билан чеклаб қўймаслиги керак»[21]. Методология алоҳида методларнинг оддий йиғиндиси, уларнинг «механик бирлиги» ҳам эмас. Методология – турли даражадаги усул ва тамойилларнинг фаолият соҳалари, йўналишлари, эвристик имкониятлар, мазмунлар, тузилмалар ва ҳоказоларнинг мураккаб, яхлит ҳамда мувофиқлаштирилган тизими.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун назорат саволлари:

1. Билиш муаммоларини ўрганадиган фалсафий фан нима?
2. Билишнинг моҳияти нимадан иборат?
3. Фалсафий билимнинг бошқа билим шаклларидан фарқи қандай?
4. Илмий билишининг ўзига хос хусусиятларини айтинг?
5. Ижтимоий-гуманитар билимнинг ўзига хос хусусияти нимада намоён бўлади?
6. Билишнинг асосий босқичлари ва даражаларини қандай тушунасиз?
7. Ҳиссий даражадаги билим ва унинг шакллари қайсилар?
8. Тафаккурнинг асосий шаклларига нималар киради?
9. Эмпирик билим ва унинг шаклларини, эмпирик тадқиқот усулларини айтиб беринг.
10. Назарий билим ва унинг шакллари қайсилар?
11. Интуиция нима ва унинг билишдаги роли қандай?
14. Ҳақиқат нима? Фалсафада ҳақиқатнинг қандай концепциялари мавжуд?
15. Мутлақ ва нисбий ҳақиқатнинг ўзаро нисбати ҳақида гапириб беринг.
16. Ҳақиқатнинг қандай мезонлари бор?
17. Ёлғон, дезинформация, янглишиш нима?
18. Амалиёт тушунчасини қандай таърифлайсиз?
19. Билиш ва амалиётнинг ўзаро нисбати қандай?

[21] Гейзенберг В. Физика и философия. Часть и целое.–М., 1989. -С. 85.

20. Амалиётнинг таркибий қисмларига нималар киради?
21. Метод ва метология тушунчаларини қандай тушунасиз?
22. Билиш методларини қандай таснифлайсиз?

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари (тест):

1. Билишнинг эмпирик даражаси методлари қайсилар?

А). тажриба, практика, кузатиш, эксперимент, идеаллаштириш.
Б). кузатиш, ўлчаш, таққослаш, эксперимент, тавсифлаш.
В). ўлчаш, амалиёт, таққослаш, аналогия, формаллаштириш.
Г). кузатиш, эксперимент, солиштириш, мавҳумлаштириш.

2. Билишнинг назарий даражаси методларини кўрсатинг.

А). абстракция, индукция ва дедукция, аналогия, идеаллаштириш, моделлаштириш, системали ёндошиш, мавҳумлик ва аниқлик, тарихийлик ва мантиқийлик кабилар.
Б). мавҳумлик ва аниқлик, аналогия, моделлаштириш, анкета ва сўровнома, классификация, баённома кабилар.
В). индукция ва дедукция, идеаллаштириш, абстракция, эксперимент ва тажриба кабилар.
Г). классификация, кузатиш, тажриба, мавҳумлаштириш, баённома кабилар.

3. Ҳақиқат тушунчасига қайси жавобда тўғри таъриф берилган?

А). Ҳақиқат – бу билимларнинг самарадорлиги, фойдалилигидир.
Б). Ҳақиқат – бу билимларнинг зиддиятсизлиги, воқелик инъикосининг натижаси.
В). Ҳақиқат – бу билимларнинг объектив борлиққа мувофиқ бўлган ва амалиётда синалган мазмуни, билиш ривожланишининг якуни ва омили.
Г). Ҳақиқат – билиш назариясининг бош категорияси, олам ҳақидаги билимлар мазмуни.

4. Билимларнинг инсон иродаси ва фаолиятига боғлиқ бўлмаган мазмуни ҳақиқатнинг қандай тури хусусиятини белгилайди?

А). Мутлақ ҳақиқат. В). Субъектив ҳақиқат.
Б). Нисбий ҳақиқат. Г). Объектив ҳақиқат.

5. Предметни келажакда тўлдирилиши ёки унга аниқлик киритилиши мумкин бўлмаган тарзда тўла, мукаммал билиш бу - ...

А). Мутлақ ҳақиқат. В). Субъектив ҳақиқат.
Б). Нисбий ҳақиқат. Г). Объектив ҳақиқат.

6. Қуйидагилардан қайси бири тушуниш ва тушунтириш масалаларини ўрганувчи фалсафий таълимот саналади?

А). Синергетика. В). Феноменология.
Б). Софистика. Г). Герменевтика.

7. Фалсафада гносеология нимани ўрганади?

А. Бизнинг муайян нарсалар ҳақидаги билимларимиз ва (ёки) эътиқодларимизнинг ишончлилик даражасини ўрганади.
Б. Билиш жараёнининг умумий, фалсафий моҳияти ва муаммоларини ўрганади.
В. Тафаккурнинг умумий қонуниятларини ўрганади.
Г. Билим ва эътиқодимизнинг ишончлилик даражасини ўрганади.

8. Эмпиризм вакиллари тўғри кўрсатилган жавобни белгиланг?

А. Кант, Гегел, Шеллинг.
Б. Вольтер, Руссо, Дидро.
В. Бэкон, Локк, Гоббс, Юм, Фейербах.
Г. Гадамер, Хабермас, Деррида.

9. Ўзини қуршаган дунёдаги нарсалар ва ҳодисаларни сезгилар орқали идрок этиш нима дейилади?

А. Перцепция. Б. Аперцепция.
В. Тафаккур. Г. Мулоҳаза.

10. Позитивизм вакиллари тўғри кўрсатилган жавобни топинг?

А. Кант, Гегел, Рассел.
Б. Пирс, Конт, Моррис.
В. Вригт, Гуссерль, Хайдеггер.
Г. М.Шлик, Р.Карнап, А.Ж.Айэр.

11. «Мен бунинг нималигини билмайман, бироқ билишга умид қиламан», дейдиган инсоннинг психологик хусусияти қандай бўлади?

А. Гностик. Б. Агностик.
В. Оптимист. Г. Пессимист.

12. Амалиёт мазмуни ва шаклларига кўра қандай турларга бўлинади?

А. Илмий тадқиқот, кашфиёт ва янгиликлар яратиш, халқ хўжалигини ривожлантириш
Б. Моддий неъматлар яратиш, ишлаб чиқариш, сиёсий жараёнларда иштирок этиш ва б.
В. Моддий неъматлар яратиш, ижтимоий-сиёсий фаолият, илмий-амалий фаолият ва б.
Г. Ижтимоий-сиёсий фаолият, маънавий-маърифий фаолият ва ишлаб чиқаришда иштирок этиш

13. Одамларнинг тарихан шаклланган эҳтиёжларини қондириш учун у ёки бу объектни ўзгартириш мақсадидага таъсир кўрсатиш фаолияти, бу - ...

А. Билим. Б. Амалиёт.
В. Тажриба. Г. Гипотеза.

14. Билишга нисбатан амалиёт неча хил вазифани бажаради?

А. Икки. Б. Уч.
В. Тўрт. Г. Чексиз.

15. Амалиётнинг таркибий қисмлари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А. Мақсадга мувофиқ фаолият, амалиёт воситалари, амалий ҳаракат субъекти кабилар.
Б. Мақсад, мақсадга мувофиқ фаолият, амалиёт воситалари, амалий ҳаракат субъекти ва объекти.
В. Мақсад; мақсадга мувофиқ фаолият; амалиёт воситалари; амалий ҳаракат объекти ва субъекти, ҳаракат натижаси.
Г. Мақсад; мақсадга мувофиқ фаолият; амалиёт воситалари; амалий ҳаракат объекти; ҳаракат натижаси.

16. Амалиёт назариясида фаолият нимада (қайси босқичда) тўхтайди?

А. Мақсадда. Б. Мақсадли фаолиятда.
В. Маҳсулотда. Г. Фаолият тўхтамайди.

17. Фалсафанинг билиш муаммолари кўриб чиқиладиган бўлими нима деб номланади?

А). Социология. Б). Гносеология.
В). Герменевтика. Г). Феноменология.

18. Ҳиссий билишнинг шаклларини айтиб беринг.

А). сезги ва идрок.
Б). сезги, идрок, тасаввур, тушунча.
В). тасаввур ва хотира.
Г). сезги, идрок, тасаввур.

19. Сезги аъзолари орқали олинган билим қандай билим ҳисобланади?

А). Ҳиссий. Б). Ақлий.
В). Трансцендентал. Г). Иррационал.

20. Қачонлардир инсоннинг сезги аъзоларига таъсир кўрсатган ва кейинчалик мияда сақланиб қолган алоқалар бўйича гавдаланадиган нарсаларнинг образлари бу - ...

А). Идрок. Б). Хаёл.
В). Тасаввур. Г). Хотира.

21. Билиш жараёнини, инсон онггини ўтмиш ва келажак билан боғловчи, эгалланган билимларни сақловчи ҳодиса нима дейилади?

А). Идрок. Б). Хаёл.
В). Тасаввур. Г). Хотира.

6- мавзу: МАНТИҚ.

Маъруза режаси:

1. Mantiq tafakkur shakllari va qonunlarini o'rganuvchi fan sohasi sifatida. Mantiqiy tafakkur evolyutsiyasi: formal, dialektik va noklassik mantiq.
2. Formal mantiqning predmeti va tuzilishi.
3. Tafakkurning mantiqiy shakllari va qonunlari, ularning mazmuni va to'g'ri fikr yuritishdagi ahamiyati.

Таянч тушунча ва иборалар: «мантиқ», «логика», тафаккур, тафаккурнинг мантиқий таркиби, билиш, ҳиссий билиш, ақлий билиш, формал мантиқ, математик мантиқ, диалектик мантиқ, ноклассик мантиқ, тафаккур ва тил, тафаккур қонунлари, тафаккур шакллари, тушунча, ҳукм, хулоса.

Мавзуда кўриб чиқиладиган муаммолар: мантиқ фанининг объекти ва предмети, тафаккурнинг мантиқий таркиби, билиш босқичлари, мантиқнинг бошқа фанлар билан алоқаси, формал мантиқнинг асосий қонунлари, тафаккурнинг асосий мантиқий шакллари ва улар орасида тушунчанинг ўрни.

1 –савол баёни: «Мантиқ» арабча сўз бўлиб, унинг халқаро муқобили логикадир. **Логика** грекча logos сўзидан олинган бўлиб, фикр, сўз, ақл, тушунча, фан, қонун маъноларини ифодалайди. Арабча мантиқ атамаси ҳам шу маъноларга эга.

Мантиқ ёки логика термини **икки маънода** ишлатилади:

1. Нарса ва ҳодисаларнинг муайян тартиби, боғланиши, изчиллиги, улар тараққиёт қонунларининг ўзаро боғланиши (объектив мантиқ ёки нарсалар, ташқи дунё мантиғи) ҳамда тафаккур ёрдами билан вужудга келадиган фикрлар, тушунчалар ўртасидаги ўзаро алоқа, боғланиш ва изчиллик (субъектив мантиқ ёки фикрлар мантиғи) маъноларида. Тафаккур ташқи оламнинг инсон онгидаги инъикоси бўлганлиги сабабли объектив ва субъектив мантиқ узвий алоқадорликни, бирликни ташкил этади.

2. Тўғри фикрлаш, тафаккур қилиш қонунлари, қоидалари, шакллари, усуллари ва методларини ўрганадиган фан маъносида.

Мантиқнинг фан сифатидаги асосий **вазифаси** ҳақиқий билимларга эришиш шарт-шароитларини ўрганиш, фикрлаш жараёни тузилишини таҳлил қилиш, тўғри муҳокама юритишнинг мантиқий қоида ва методларини ишлаб чиқишдир.

Мантиқнинг илмий-тадқиқот **объекти** бўлиб билиш усули сифатидаги ***инсон тафаккури*** ҳисобланади. Унинг **предмети**ни эса инсонни ўраб турган ташқи оламни билиб олишга ёрдам берадиган ***тафаккур қонунлари, қоидалари, шакллари, усуллари*** ташкил этади. Мантиқ Фалсафа фани билиш назариясининг таркибий қисми сифатида билиш жараёнининг мантиқий таркибида тафаккурнинг ўрни ва ролини тадқиқ қилар экан, тўғри тафаккурлаш маданиятини шакллантиришга хизмат қилади.

Фикрларимиз тузилиши, қурилишини аниқлаш жараёни **формаллаштириш**дир. Формаллаштириш жараёни тафаккур шакллари ва қоидаларини турли рамзий, шартли формулалар, схемалар ва белгилар орқали ифодалашдир. У тафаккурнинг шакли билан биргаликда унинг мазмунини ҳам ҳисобга олишни тақозо қилади. Шу боис мантиқ фанининг энг қадимги ва долзарб соҳаси формал мантиқ фанидир. Бу фанга антик даврда юнон мутафаккири Аристотель асос солган. Мантиқ илмининг алоҳида фан сифатида шаклланиши Арастунинг номи билан боғлиқдир. У биринчи бўлиб мантиқ ўрганадиган масалалар доирасини аниқлаб беради. Арастуннинг «Категориялар», «Талқин ҳақида», «Биринчи Аналитика», «Иккинчи Аналитика», «Софистик раддиялар ҳақида», «Топика» номли асарлари бевосита мантиқ масалаларига бағишланган. Унинг «Риторика», «Поэтика» асарлари ҳам мантиқий таълимотининг муҳим таркибий қисмлари ҳисобланади. «Метафизика», «Рух ҳақида» асарларда эса мантиқ масалалари маълум даражада баён қилинган.

Арасту мантиқни «маълум билимлардан номаълум билимларни аниқловчи», «чин фикрни хато фикрдан ажратувчи» фан сифатида таърифлйди. Мантиқнинг вазифаси чин фикрни, хақиқатни аниқлашдир, деб таъкидлайди.

Мутафаккир хақиқатнинг мавжудлигини, объектив ҳарактерини эътироф этган холда, «билимларимизнинг вақеаликка мос келиши – хақиқатдир», деб кўрсатади. У ҳақиқатни аниқлашда айният, нозидлик ва учинчиси истисно қонунларига амал қилиш зарурлигини таъкидлайди.

Формал мантиқ - фикрлашнинг тузилиши ва унинг қонунлари ҳақидаги фандир. Формал мантиқ фикрлашнинг ривожланишини, унинг такомиллашиш жараёнини ўрганишни ўзидан соқит қилади. У фикрлашнинг мантиқий тузилишини, шаклини ўрганади. Инсоннинг фикрлаш шакли, тузилиши турли қонунларга асосланади ва уларни келтириб ҳам чиқаради. Мантиқий шаклларни символлар ёрдамида ифода этиш мумкин. Масалан, «Ҳамма зиёлилар ақлий меҳнат билан шуғулланадилар», «Ҳамма капалаклар ҳашаротдир» деган фикрларнинг мазмуни турлича бўлсада, уларнинг тузилиши, шакли бир хилдир. Шунинг учун уларни «Ҳамма S – P дир» ёки «Ҳамма а – в дир», деб ифодалаш мумкин.Формал мантиқ ва классик мантиқ тушунчалари синоним тушунчалар бўлиб,унда мулохазалар икки қийматли, яъни чин ёки хато бўлади.

Фалсафий адабиётларда диалектик мантиқ билан формал мантиқ мавжудлиги таъкидланади. Буларнинг биринчиси тафаккур шаклларини уларнинг ривожланишида олиб қараса, иккинчиси уларни шаклланган фикрлар сифатида ўрганади. Шунингдек, диалектик мантиқ тафаккурни унинг мазмуни ва шакли бирлигида олиб ўрганса, формал мантиқ фикрнинг шаклини унинг конкрет мазмунидан четлашган ҳамда нисбатан мустақил ҳолда олиб тадқиқ этади. Шунинг учун **диалектик мантиқ** фикрларимизнинг тараққиёти, ривожланишини, формал мантиқ эса нисбий турғунлигини акс эттиради. Диалектика фикрлашнинг формал мантиқ қонун – қоидаларига амал қилишни тақазо этади. Диалектик мантиқ асосларининг яратилишида немис файласуфи Гегелнинг хизматлари беқиёсдир. Диалектика ҳам, формал мантиқ ҳам ҳамма вақт фалсафа таркибида ривожланиб келган. Формал мантиқ ва диалектик мантиқ бир – бирига муқобил методларга асосланади. Улар мустақил таълимот ҳисобланади. Диалектик мантиқ фалсафий метод сифатида, фалсафанинг муҳим таркибий қисми сифатида мавжуд бўлса, формал мантиқ мустақил фан сифатида шаклланган таълимотдир.

Математик мантиқ – фикрлаш жараёнини турли символлар ёрдамида, математик усул асосида ўрганади. Бу таълимот мантиқ фанининг ривожланишидаги янги босқич ҳисобланади. Аммо математик мантиқнинг математиканинг ўзидан ҳам, мантиқ илмидан ҳам фарқли томонлари бор. Шунинг учун математиканинг барча томонларини бу мантиқ қонунлари билан изоҳлаб бўлмайди. Шунингдек, мантиқий қонун ва шаклларининг ҳаммасини ҳам математик усул билан ҳал қилиб бўлмайди. Шунга қарамасдан математик усул мантиқ фанига сингиб бормоқда, унинг ажралмас қисми бўлиб такомиллашмоқда.

Ҳозирги замон мантиқ илмини символларсиз, математик мавҳумийликсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун мантиқ илми мутахассислари математик мантиқ асослари билан таниш бўлишлари зарур.

Мантиқ жараёнини турли символлар билан ифодалашга интилиш Арасту асарларидаёқ кўзга ташланади. XVI – XVII асрларга келиб, механика ва математика фани ривожланиши билан математик методни мантиққа тадбиқ этиш имконияти кенгая борди. Немис файласуфи Лейбниц ҳар хил масалаларни ечишга имкон берувчи мантиқий математик метод яратишга интилиб, мантиқни математиклаштиришга асос солди. Ҳозирги вақтда математик мантиқ методлари фан ва техникада, кибернетикада таржимон машиналарда ва бошқа кўп ҳалқ хўжалиги соҳаларида қўлланилмоқда.

3-савол баёни: Билиш воқеликнинг, шу жумладан, онг ҳодисаларининг инсон миясида субъектив, идеал образлар шаклида акс этишидан иборат. Билиш жараёнининг асосини ва охирги мақсадини амалиёт ташкил этади. Барча ҳолларда билиш инсоннинг ҳаётий фаолияти билан у ёки бу даражада боғлиқ бўлган, унинг маълум бир эҳтиёжини қондириши мумкин бўлган нарсаларни тушуниб етишга бўйсундирилган бўлади. Билиш жараёнини амалга оширар экан, кишилар ўз олдиларига маълум бир мақсадни қўядилар. Улар ўрганилиши лозим бўлган предметлар доираси, тадқиқот йўналиши, шакллари ва методларини белгилаб беради. Билиш мураккаб, зиддиятли, турли хил даражаларда ва шаклларда амалга ошадиган жараёндир. **Билиш** деб объектив оламнинг инсон онгида акс этиш жараёнига айтилади. Инсон билиши **икки шаклда** содир бўлади: Унинг дастлабки босқичини **ҳиссий билиш** – инсоннинг сезги органлари ёрдамида билиши ташкил этади. Бу босқичда предмет ва ҳодисаларнинг ташқи хусусиятлари ва муносабатлари, яъни уларнинг ташқи томонида бевосита намоён бўладиган ва шунинг учун ҳам инсон бевосита сеза оладиган белгилари ҳақида маълумотлар олинади. Ҳиссий даражадаги билимнинг асосий шакллари: ***сезги, идрок ва тасаввур***дир.

Предмет ва ҳодисаларнинг моҳиятини тушунишга тафаккур ёрдамида эришилади. Тафаккур билишнинг юқори - рационал (лотинча ratio – ақл) билиш босқичи бўлиб, унда предмет ва ҳодисаларнинг умумий, муҳим хусусиятлари аниқланади, улар ўртасидаги ички, зарурий алоқалар, яъни қонуний боғланишлар акс эттирилади. **Ақлий (назарий, мантиқий билиш ёки абстракт тафаккур)** буюм ва ҳодисаларнинг ички сабаб ва қонуниятларини, моҳияти ва мазмунини ақл, тафаккур ёрдамида билиб олишдир. У билишнинг олий босқичидир. **Тафаккур** дунёни, буюм ва ҳодисаларни умумлаштирилган, мавҳум, бавосита тимсоллар, тушунчалар, ҳукмлар, хулосалар, назариялар ва билимлар орқали акс эттиради.

Тафаккур уч хил мантиқий шаклда: тушунча, ҳукм (мулоҳаза) ва хулоса чиқариш шаклларида содир бўлади.

Ҳиссий ва ақлий билиш ўзаро узвий бирликни ташкил этади. Шунинг учун уларни доимо ўзаро алоқада, боғлиқликда олиб қараш ва ўрганиш зарур. Уларни бир-биридан ажратиб ташлаш, бир-бирига қарама-қарши қилиб қўйиш ҳолатлари ҳам бўлганки, бундай ҳолатлар сенсуализм ва рационализм каби нотўғри, бирёқлама оқимларни вужудга келтирган.

Тафаккурнинг мантиқий таркибини икки томон ташкил этади: 1) мазмуни ва 2) мантиқий шакли

Тафаккурнинг мазмуни деб унда акс этган буюм ва ҳодисалар тўғрисидаги билимларга айтилади.

Тафаккурнинг мантиқий шакли деб фикрларимизнинг ички мунтазамлиги, муайян боғланиши ва изчиллигига айтилади.

Фикрнинг тузилиши деб унинг ички кўриниши, уни ташкил этадиган қисмларнинг ўзаро алоқаси усулига айтилади.

Тафаккурнинг мантиқий шакли ва мазмуни узвий бирликни ташкил қилади. Фикрнинг тўғрилиги, ҳаққонийлиги унинг мантиқий шаклининг тўғрилигига ва аксинчага боғлиқдир. Масалан:

Ҳар қандай металл элементдир.

Темир металлдир.

Демак, темир элементдир.

Бунда фикрнинг мазмуни чин, унинг мантиқий шакли эса тўғри қурилган, бир-бирига ўзаро мосдир. Аммо баъзан фикрнинг мантиқий шакли изчил, тўғри қурилган бўлса ҳам, унинг мазмуни ёлғон, хато бўлади. Масалан:

Барча одамлар яхши одамлардир.

Безори одамдир.

Демак, безори яхши одамдир.

Бунда фикрнинг мантиқий шакли тўғри, изчил, мунтазам қурилган бўлса ҳам, аммо унинг мазмуни хатодир. Чунки унда «Барча одамлар яхши одамлардир», деган умумий асос хато бўлганлиги сабабли «Безори яхши одамдир», деган ёлғон хулоса чиқади.

Демак, тафаккурнинг мантиқий шакли ва мазмуни ҳар доим ҳам бир-бирига мос келавермайди. Улар ўртасида зиддият, номувофиқлик ҳам мавжуддир.

Мантиқ тафаккурнинг мантиқий шакллари, йўллари, усулларини ўрганиш билан биргаликда тўғри айтилган фикрларнинг барчаси учун бир хил умумий қонунларни ишлаб чиқади.

Тўғри тафаккур деб мантиқ қонун-қоидалари талабларига мос ҳолда қурилган, воқеликни ҳаққоний акс эттирадиган фикрлар, билимларга айтилади.

Тафаккур тўғри бўлиши учун унинг мазмуни ҳаққоний, чин бўлишидан ташқари, мантиқий шакли ҳам мантиқ қонун-қоидаларига мос ҳолда тўғри тузилган, изчил бўлиши керак.

Тўғри тафаккурнинг асосий белгилари ва талаблари қуйидагилардир: фикрнинг аниқ, қатъий маънога эга бўлиши, изчил ва зиддиятсиз қурилиши, асослилиги. Бу талаблар мантиқ қонунларида ўз ифодасини топади. Шунинг учун мантиқ қонунлари тўғри тафаккурнинг асосий талаблари (принциплари) бўлиб ҳисобланади.

Мантиқ қонунлари деб тафаккурнинг барча шаклларида амал қиладиган умумий, муҳим, барқарор, зарурий алоқа ва боғланишлар, талаблар ифодасига айтилади.

Мантиқ қонунлари объектив характерга эга. Улар кишиларнинг хоҳиш-иродаси, шахсий истагига боғлиқ эмас. Кишлар бу қонунларни ўзгартира олмайдилар. Улар бу қонунларга итоат этишга мажбур ва бурчлидирлар.

Мантиқ қонунлари оламни билиш ва ўзгартиришда улкан назарий ҳамда методологик аҳамият касб этади.

Мантиқ қонунлари тўрттадир:

1. Айният қонуни.
2. Нозидлик қонуни.
3. Учинчисини истисно қонуни.
4. Етарли асос қонуни.

Бу қонунлардан учтасини (биринчи, иккинчи ва учинчисини) ўз даврида Аристотель кашф этиб, фанга киритган эди. Тўртинчи, яъни етарли асос қонунини Г. В. Лейбниц асослаб берган эди.

Айният қонунига биноан, ҳар бир тушунча, ҳукм ва хулоса конкрет, муайян, барқарор мазмунга эга бўлиб, улар турли ўринлар ва шароитларда бир неча бор такрорланса ҳам, ўзининг асл маъносини йўқотмасдан, ўз-ўзига тенг, айнан бўлиб қолади. Формаль мантиқнинг бу қонуни тушунча ва фикрларни бир-бири билан алмаштириб ва қориштириб юбормасликни, уларнинг ҳар бирини ўз ўрнида, ўз маъносида ишлатишни тақозо этади. Акс ҳолда тушунча ёки фикр ўзгариши, чалғиши, аралашиб кетиши, мулоҳазалар тарқоқлиги, сочилиб кетиши, масаладан чекиниш ва уни нотўғри қўйиш каби хатолар содир бўлади. Буларнинг барчасига сабаб фикр муайянлиги ёки қатъийлигининг бузилишидир.

Айният қонунининг формуласи қуйидагича: А-А. Масалан: Тўғри тафаккур қилиш, фикр юритиш қонунлари, қоидалари, шакллари, усуллари ва воситалари тўғрисидаги фан

мантиқдир (А). Мантиқ тўғри тафаккур қилиш, фикр юритиш қонунлари, қоидалари, шакллари, усуллари ва воситалари тўғрисидаги фандир (А).

Нозидлик қонунига биноан, айни бир буюм ёки ҳодиса тўғрисида айтилган икки қарама-қарши (контрар) фикр, ҳукмлар айни бир вақтда ва айни бир нисбатда бирданига чин бўлиши мумкин эмас. Чунки улар ўртасида зиддият бор. Доим улардан бири чин, иккинчиси ёлғондир.

Ушбу қонун формаль мантиқнинг фикр зиддиятсиз бўлиши лозимлиги тўғрисидаги талабини ифодалайди. Фикрнинг зиддиятсиз бўлиши унинг муайянлиги, аниқлиги, барқарорлиги ва изчиллигини таъминлайдиган зарурий шартдир. Масалан: Помир тоғи баланд (А). Помир тоғи баланд эмас (Ā). Бу мулоҳазалардан биринчиси чин, иккинчиси ёлғондир. Уларнинг иккаласи ҳам бир вақтда чин ёки ёлғон бўлолмайди. Формуласи: А-Ā.

Учинчисини истисно қонунига биноан, айни бир буюм ёки ҳодиса тўғрисида айтилган бир-бирига қарама-қарши бўлган икки фикр, ҳукмлардан бири ҳамиша чин бўлиб, иккинчиси ёлғондир, уларнинг иккаласининг ҳам бир вақтда ва айни бир муносабатда чин бўлиши мумкин эмас. Демак, бу қонун икки қарама-қарши фикр, ҳукмлардан бири чин, иккинчиси эса ёлғон эканлигини танлаб олишни тақозо қилиб, учинчи – ўртанчи, оралиқ йўл, имкониятни истисно қилади. Бошқача айтганда, учинчисининг бўлиши мумкин эмас ёки учинчиси йўқ, берилмаган. Масалан: Узоқдан кўринган одам ё эркак, ё аёлдир. Аниқ жавобингни айт: севасанми, севмайсанми? Бу мулоҳазалар берилган икки ҳолатдан фақат биттасини танлаб олишни тақозо этади, учинчи йўл, ҳолат эса бўлиши мумкин эмас. Формуласи: А ё В, ё В эмас.

Учинчисини истисно қонуни нозидлик қонунини янада ривожлантиради. Агар нозидлик қонуни қарама-қарши (контрар) ҳукмларга нисбатан амал қилса, учинчисини истисно қонуни эса зид (контрадиктор) ҳукмларга нисбатан амал қилади. Шунингдек, нозидлик қонуни ҳақиқатни аниқлашнинг икки қарама-қарши йўлини тан олиб, улардан бири чин, иккинчиси ёлғон эканлигини таъкидлайди. Учинчисини истисно қонуни фикрга жиддий аниқлик киритиб, учинчи, оралиқ, ўртанча йўлнинг бўлиши мумкин эмаслигини қайд қилади. Мантиқнинг бу қонуни ҳам тўғри, изчил, хатосиз тафаккур қилиш учун катта аҳамиятга эгадир.

Етарли асос қонунига биноан, ҳар қандай чин, ҳаққоний фикр, ҳукм, билим асосланган, исботланган, далилланган бўлиши, бунинг учун эса улар етарли, тўлиқ асослар, далиллар, фикрлар, аргументларга эга бўлиши лозим. Демак, мулоҳазалар ҳаққонийлигини асослаш, исботлашнинг ягона воситаси далиллар, асослар, фактлар ва аргументлардир. Асосланганлик эса тўғри тафаккурнинг муҳим талабидир. Зотан, асосланган, исботланган фикр тўғри фикрдир. Асосланмаган, исботланмаган фикр ёлғон, ноилмий фикр, хурофот, бидъат, бўҳтондир.

Етарли асос учун олинган далиллар, фактлар миқдори ўрганилаётган объектнинг табиати ва характерига боғлиқдир. Улар ҳаддан ташқари кўп ҳам ёки, аксинча, кам ҳам бўлмаслиги керак. Энг муҳими, улар тўғри, ҳақиқий, объектив, ишонарли бўлиши лозим. Асослар ўртасида сабаб-оқибат боғланишлари мавжуд бўлиши керак. Формуласи: Агар В бўлса, унда унинг А асоси ҳам бор.

Мантиқ қонунлари ўзаро узвий алоқадорликда мавжуд бўлади.

Тафаккур тил билан узвий боғланган, тил фикримизнинг бевосита мавжуд бўлишини таъминлайдиган ва кишилар ўртасида алоқа ўрнатишга хизмат қиладиган ахборот белгилари тизимидан иборат. Тилни ўрганиш мантиқ фанининг муҳим вазифаларидан бирини ташкил этади. Маълумки, тафаккур оламни мавҳумлаштириб ва умумлаштириб акс эттирадиган идеал ҳодисадир. Мавҳум нарсаларни, умумийликни фақат тил ёрдамидагина қайд қилиш мумкин.

Тил ва тафаккурнинг бирлиги нутқда ўз ифодасини топади. Нутқ оғзаки ва ёзма ҳолда мавжуд бўлиб, унда фикримиз моддий шаклга, яъни ҳиссий идрок этиладиган шаклга киради ва шу тариқа у энди бир шахсга эмас, балки жамиятга тегишли бўлиб қолади.

Тил кишиларнинг ижтимоий меҳнат фаолияти негизида вужудга келган ва ривожлана

борган. Ана шунинг учун ҳам у чуқур ижтимоий мазмунга эга ҳамда маданиятимиз ва тарихимизнинг муҳим бир қисмини ташкил этади.

Тил ёрдамида билимлар ҳосил қилинади, тўпланади ва бир авлоддан бошқа авлодга етказиб берилади. Шу тариқа у таълим ва тарбия ишларини амалга оширишга, маданиятимизни тараққий эттиришга ёрдам беради.

Белги билиш жараёнида бошқа бир предметнинг вакили вазифасини бажарувчи ҳамда у ҳақида маълум бир хабарлар бериш, уни сақлаш, қайта ишлаш ва узатишга имконият яратувчи моддий предметдир. Ҳар қандай белги ҳам тил белгиси бўла олмайди. Тил белгиси символ–рамзлар шаклида мавжуд бўлиб, ўзи ифода қиладиган предметлар билан тузилишига кўра ҳеч қандай ўхшашликка эга эмас. Мантиқ ўз эътиборини ана шундай тил белгиларини ўрганишга қаратади.

Белгиларнинг билишдаги вазифасини ўрганишга Арасту, Лейбниц каби мутафаккирлар катта эътибор берганлар. Белгилар ҳақидаги таълимотни тараққий эттириш XIX асрда актуал масалага айланган. Мана шу даврда америкалик файласуф **Чарльз Пирс** (1839–1914 й.й.) белгилар ҳақидаги фан – семиотикага асос солган. Бу фан тил белгисини уч хил йўналиш бўйича таҳлил қилади. Биринчисини **семантика** ташкил қилиб, у белги билан у ифода қилаётган объект ўртасидаги муносабатни ўрганади. Иккинчиси **прагматика** бўлиб, у кишиларнинг белгиларга муносабатини ҳамда белгилар ёрдамида кишилар ўртасида вужудга келадиган муносабатларни ўрганади. Учинчиси, **синтаксис** дейилиб, у белгилар ўртасидаги муносабатларни (тилни қуриш қоидаларини) ўрганади. Мантиқ фанини кўпроқ тил белгиларининг семантикаси қизиқтиради.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун назорат саволлари:

1. Мантиқ фанининг ўрганиш объекти ва предмети нима?
2. Мантиқий тафаккур эволюциясини тушунтиринг.
3. Билиш ва унинг босқичларини баён этинг
4. Тафаккурнинг мантиқий таркибини қайси томонлар ташкил этади?
5. Тўғри тафаккур белгилари ва талабларини тушунтириб беринг.
6. Формаль мантиқнинг қандай қонунлари бор?

7-мавзу: Тафаккур шакллари: тушунча, ҳукм ва хулоса.

Маъруза режаси:

1. Тушунча – тафаккурнинг мантиқий шакли. Тушунча турлари, тушунчалар ўртасидаги муносабатлар ва тушунчалар устидаги мантиқий амаллар.

2. Ҳукм тафаккур шакли сифатида. Ҳукмнинг таркиби, хусусиятлари ва турлари.

3. Хулоса чиқаришнинг умумий мантиқий тавсифи. Хулоса чиқаришнинг тузилиши ва турлари..

Таянч тушунча ва иборалар: тафаккур шакллари, тушунча, ҳукм, хулоса. ҳукнинг таркиби, субъект, предикат, боғловчи, мантиқий квадрат, савол, норма (меъёр), хулоса, дедуктив хулоса чиқариш, силлогизм, энтимема, полисиллогизм, эпихейрема, сорит, индуктив хулоса чиқариш, традуктив хулоса чиқариш, аналогия, аргументлаш (далиллаш), мантиқий исбот, раддия, паралогизм, софизм, парадокс, баҳс, муаммо, фараз, назария.

1–савол баёни: Объектив олам, унинг моҳияти ва ривожланиш қонуниятларини билиш, англаш тафаккурнинг асосий мантиқий шакллари: ***тушунча, ҳукм (мулоҳаза) ва хулоса чиқариш*** орқали амалга ошади ва улар теран фикрлашимизнинг асосидир.

Объектив борлиқ, ундаги буюм ва ҳодисалар инсон онгида тушунчалар ёрдамида, улар орқали акс этади, билиб олинади. Тушунча тафаккурнинг энг дастлабки, содда шакли, реал борлиқнинг инсон онгидаги ғоявий тимсолидир.

Тушунча деб буюм ва ҳодисаларнинг энг умумий, муҳим, зарурий белгиларини инсон онгида акс эттирувчи тафаккур шаклига айтилади.

Буюмнинг асл, туб хусусиятларини ифода этувчи белги **буюмнинг муҳим белгиси** ҳисобланади. Онгимизда акс этган нарса ва ҳодисалар белгиси **тушунча белгиси** дейилади. Масалан, «одам» тушунчасининг муҳим белгиси ақлли, онгли, фикрлаш, сўзлаш ва меҳнат қилиш фаолиятига эга бўлган мавжудот эканлигидир. Тушунча тилда сўз ва сўз бирликлари орқали ифодаланади.

Тушунчанинг мантиқий таркибини унинг мазмуни ва ҳажми ташкил этади.

Тушунчанинг мазмуни деб унда акс этган буюм ва ҳодисалар муҳим белгиларининг мажмуидан иборат бўлган билимларга айтилади. **Тушунчанинг ҳажми** деб унда акс этган буюм ва ҳодисалар доираси ва кўлами тўғрисидаги билимга айтилади. Масалан, «одам» тушунчасининг ҳажмини ўтмишда яшаган, ҳозир яшаётган ва келажакда ҳам яшаши мумкин бўлган барча кишилар ташкил этади.

Мантиқда **тушунчанинг мазмуни ва ҳажми ўртасидаги тескари нисбат қонуни** мавжуддир. Бу қонунга биноан, тушунчанинг мазмуни қанча кенг бўлса, унинг ҳажми шунча тор бўлади ва аксинча, тушунчанинг мазмуни қанча тор бўлса, яъни белгилари кам, умумий бўлса, унинг ҳажми шунча кенг бўлади. Бу қонун тушунчада ўзаро жинс-тур муносабатида кўринади. Масалан, «адабиёт» ва «XX аср ўзбек адабиёти» тушунчаларининг ҳажмлари турличадир. Чунончи, «адабиёт» тушунчасининг ҳажми кенг, мазмуни эса тордир. «XX аср ўзбек адабиёти» тушунчасининг ҳажми тор бўлса ҳам, мазмуни кенгдир.

Тушунчалар бир қанча белгиларига биноан ҳар хил **турларга** бўлинади:

1. Мазмунига биноан тушунчалар қуйидаги турларга бўлинади: конкрет ва абстракт, нисбатдош ва нисбатсиз, ижобий ва салбий тушунчалар, категориялар.

Конкрет тушунчалар буюм ва ҳодисалардаги асл, туб белгиларни яхлит ҳолда акс эттиради. Масалан: тўлқин, адабиётшунос, об-ҳаво, Ўзбекистон.

Абстракт (мавҳум) тушунчалар буюм ва ҳодисалардаги айрим белгиларни акс эттиради. Масалан: қизиллик, ширинлик, аълочи, гўзал.

Нисбатдош тушунчалар жуфт тушунчалар ўртасидаги муайян алоқадорликни ифодалайди. Масалан: ўқитувчи ва ўқувчи, ошпаз ва хўранда, сотувчи ва харидор. Улар бир-бирисиз мавжуд бўла олмайди.

Нисбатсиз тушунчалар ўзаро алоқадорлик, ўхшашлик ва умумий белгиларга эга бўлмаган тушунчаларни ифодалайди. Масалан: севги, машина, ўғит, ҳақиқат, тупроқ. Улар бир-бирисиз ҳам мавжуд бўлади.

Ижобий (мусбат) тушунчалар буюм ва ҳодисада маълум бир белги мавжудлигини акс эттиради. Масалан: мазмунли, серҳосил, шохдор, гапдон, чаққон, гўзал, тез ҳаракат.

Салбий (манфий) тушунчалар буюм ва ҳодисада бирор белги мавжуд эмаслигини ифодалайди. Масалан: беғам, ноаниқ, таъмсиз.

Категория деб илмий мазмунга, қимматга эга бўлган фан тушунчаларига айтилади. Ҳар бир фаннинг ўз категориялари мавжуддир.

2. Ҳажмига кўра тушунчалар жинс ва тур тушунчаларга бўлинади.

Ҳажм жиҳатидан кенг бўлган тушунчалар **жинс тушунчалар** дейилади.

Ҳажм жиҳатидан тор бўлган тушунчалар **тур тушунчалар** дейилади. Масалан: «шаҳар» тушунчаси «Термиз» тушунчасидан кенг бўлганлиги учун жинс тушунчадир, «Термиз» эса тур тушунчадир.

3. Ҳажм тафовутига кўра тушунчалар якка, умумий ва тўпланма тушунчаларга бўлинади.

Якка тушунчалар бир буюм ёки ҳодисага хос белгиларни ифодалайди. Масалан: Тошкент, Гулнора, биринчи космонавт Ю. Гагарин.

Умумий тушунчалар бир жинсдан бўлган кўп буюм ва ҳодисаларни ифодалайди. Масалан: юлдуз, китоб, мактаб, ҳосил.

Тўпланма тушунчалар бир жинсдан бўлган буюм ва ҳодисалар тўпламини яхлит ҳолда ифодалайди. Масалан: ўрмон (дарахтлар ўсадиган ер), кутубхона (китоблар тўпланган жой), дон (буғдой арпа, шоли).

Тушунчалар ўртасида турли **муносабатлар** мавжуддир:

1.Сиғишадиган (таққосланадиган) муносабатлар – ўзаро муҳим, умумий ва ўхшаш белгиларга эга бўлган тушунчалар ўртасида бўлади. Масалан: тарих, адабиётшунослик, тилшунослик, математика – фаннинг турли тармоқлари, Нодира, Раъно – дугоналар.

Сиғишадиган тушунчалар ўртасидаги муносабатлар **уч турга** бўлинади:

а) **айният муносабати** – мазмун жиҳатидан бир-биридан фарқ қилмайдиган, аммо бир хил буюм ва ҳодисаларни ифода қилувчи тушунчалар ўртасида бўлади. Масалан:

Биринчи жаҳон уруши – А.

1914 йилда бошланган империалистик уруш – В.

Бу тушунчаларнинг ҳажмлари бир-бирига тенг: А – В (1-сурат).



1-сурат

б) **бўйсуниш муносабати**. Бунда торроқ тушунча ўзидан кенгроқ тушунча ҳажмига киради. Бунда жинс (А) ва тур (В) тушунчалар ўртасидаги муносабат амал қилади. Масалан: дарахт ва тут, фан ва тилшунослик, мева ва олма (2-сурат).



2-сурат

в) **ҳажмларнинг қисман мослик муносабати**да икки ёки ундан ортиқ тушунчалар ҳажм жиҳатидан бир-бирига қисман мос келади. Масалан: талаба (А) , аълочи (В), шоир (С), талаба (А), шахматчи (В) (3-сурат).



3-сурат

2. **Сиғишмайдиган (таққосланмайдиган) муносабатлар** – тушунчаларда муҳим ва умумий белгилар бўлмаслигини кўрсатади. Булар **уч турга** бўлинади:

а) **биргаликда бўйсуниш муносабати** – айни бир жинс тушунчага бир неча тур тушунча бўйсуниши натижасида вужудга келади ва турдош тушунчалар ўртасида мавжуд

бўлади. Масалан: дунё қитъалари (Е) ва Европа (А), Осиё (В), Африка (С), Америка (Д) ва ҳ. к. (4-сурат).



4-сурат

б) **қарама-қаршилик (контрар) муносабати** – мазмун жиҳатидан бир-бирига қарама-қарши, аммо иккаласи ҳам айни бир жинс тушунча ҳажмига кирадиган икки тушунча ўртасида мавжуд бўлади. Масалан: «оқ» ва «қора» тушунчалари ўртасида қарама-қаршилик муносабати мавжуд бўлиб, булар учун умумий жинс тушунча «ранг» тушунчасидир (5-сурат).



5-сурат

в) **зидлик (контрадиктор) муносабати** – икки тушунча ўртасида мавжуд бўлиб, улардан бири иккинчисини инкор этади, аммо инкор қилувчи тушунчанинг маъноси номаълум бўлиб қолади. Масалан: қора ранг (А) ва қора эмас ранг (А эмас) тушунчалари (6-сурат).



6-сурат

Тушунчалар устида турли **мантиқий амаллар** мавжуддир: тушунчани таърифлаш, бўлиш, умумлаштириш, чегаралаш, синфлар устида мантиқий амаллар.

Таърифлаш (ёки **дефиниция**) тушунчанинг мазмунини очиб берадиган мантиқий амалдир. Таъриф аниқланувчи ва аниқловчи қисмлардан ташкил топади. Аниқланувчи қисмни мазмуни очиб берилиши лозим бўлган тушунча, аниқловчи қисмни эса, аниқланувчи тушунчанинг мазмунини очиб берувчи тушунчалар ташкил этади. Масалан, «мантиқ тўғри тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганувчи фалсафий фандир» деган таърифда «Мантиқ» аниқланувчи қисмни, қолганлари эса аниқловчи қисмни ҳосил қилади. Таърифлаш билишда қуйидаги асосий вазифаларни ҳал қилишда ёрдам беради: 1) тушунчада акс этувчи предметнинг муҳим белгиларини кўрсатади; 2) тушунчани ифода қилувчи сўзнинг (терминнинг) маъносини очиб беради; 3) термин ҳосил қилишга имкон беради. Юқоридаги вазифалардан қайси бирининг ҳал қилинишига қараб ***номинал ва реал таъриф***лар фарқ қилинади. Аниқ реал таърифнинг иккита асосий тури мавжуд: 1) яқин жинси ва тур белгисини кўрсатиш орқали таърифлаш; 2) генетик таъриф.

Таърифлаш қоидалари: а) Таъриф тенг ҳажмли бўлиши керак; б) Таъриф аниқ бўлиши керак; в) Таъриф айлана шаклида бўлиб қолмаслиги керак. Тавтология ҳам шу қоиданинг бузилиши натижасида содир бўлади. Бунда аниқланувчи тушунчадан унинг мазмунини очиш

учун фойдаланилган бўлади. Масалан, «Тамагир тамагирлик қилувчи кишидир», десак, тавтологияга йўл қўйган бўламиз; г) Таъриф иложи борича инкор шаклида бўлмаслиги керак.

Тушунчанинг ҳажмини унда акс этган предметларни айрим гуруҳларга (айрим предметларга) ажратиш йўли билан аниқлашга **тушунчани бўлиш** дейилади. Бўлиш амалини бўлинувчи тушунча (ҳажми аниқланиши лозим бўлган тушунча), бўлиш асоси (предметнинг тушунчада фикр қилинадиган бирорта умумий белгиси) ва бўлиш аъзолари (бўлиш натижасида ҳосил қилинадиган тур тушунчалар) ташкил этади. Масалан, «инсон»ларни (бўлинувчи тушунча) жинсига кўра, (бўлиш асоси) эркак ва аёллар (бўлиш аъзолари)га ажратиш йўли билан унинг ҳажми аниқланади. Бўлинувчи тушунча – жинс тушунча, бўлиш аъзолари – тур тушунчалар бўлиб, улар ўзаро бирга бўйсуниш муносабатидадирлар.

Таснифлаш (туркумлаш, классификация) тушунчаларни бўлишнинг алоҳида туридир. Таснифлаш предметларни маълум бир турларга (кичик синфларга ёки айрим предметларга) ажратишдан иборат бўлиб, бунда ҳар бир тур бошқаларига нисбатан ўзининг аниқ ва қатъий ўрнига эга. Таснифлаш натижалари ҳар хил жадваллар, тузилмалар, графиклар, кодекслар ва шу кабиларда ўз аксини топади.

Тушунчани чегаралаш ҳажми кенг тушунчадан ҳажми тор тушунчага (жинс тушунчадан тур тушунчага) фикран ўтишдан иборат. Масалан, «механик ҳаракат» тушунчасидан «айланма ҳаракат» тушунчасига ўтсак, унинг ҳажмини чегаралаган бўламиз. Чегаралашда берилган тушунча – «механик ҳаракат» жинс тушунча, деб қабул қилиниб, унинг мазмунига тур тушунча ҳосил қилувчи белгилар қўшилади. Натижада унга нисбатан тур ҳисобланган янги тушунча – «айланма ҳаракат» тушунчаси ҳосил бўлади.

Тушунчани чегаралаш амалининг тузилмаси қуйидагича:

А – Ҳаракат.
В – Механик ҳаракат.
С – Айланма ҳаракат.
Д – Ернинг ўз ўқи атрофида айланиши.



Тушунчани умумлаштириш ҳажми тор тушунчадан ҳажми кенг тушунчага (тур тушунчадан жинс тушунчага) фикран ўтишдан иборат. Бунда берилган тушунча тур тушунча деб қабул қилиниб, унинг мазмунидан тур ҳосил қилувчи белгилар чиқариб ташланади. Натижада мазмун жиҳатидан унга нисбатан торроқ, лекин ҳажмига кўра кенгроқ бўлган жинс тушунча ҳосил бўлади. Масалан, «айланма ҳаракат» тушунчаси мазмунидан фақат унгагина хос бўлган тур белгиларни чиқариб ташласак, «механик ҳаракат» тушунчасини ҳосил қиламиз. Умумлаштириш амалининг чегараси энг умумий тушунча, яъни категориядир. Чунки категориялар учун жинс бўлган тушунча йўқ.

Тушунчани умумлаштириш амалининг тузилмаси қуйидагича:

А – Ернинг ўз ўқи атрофида айланиши.
В – Айланма ҳаракат.
С – Механик ҳаракат.
Д – Ҳаракат.



2-савол баёни: Тафаккурнинг иккинчи мантиқий [illegible]ир.

Ҳукм – предметга маълум бир белгининг (хосса[illegible]ги ёки хос эмаслигини ифодаловчи тафаккур шаклидир.

Ҳукмнинг асосий вазифаси предмет билан унинг [illegible]лар ўртасидаги муносабатларни кўрсатишдир. Ана шунинг учун ҳам у доимо [illegible] ёки инкор шаклдаги фикрдан иборат бўлади. Фикр юритиш жараёнида биз предмет ва ҳодисаларнинг ташқи хусусиятлари билан бирга уларнинг ички, зарурий боғланишларини, муносабатларини билиб борамиз. Предмет ва ҳодисаларнинг хусусиятларини кетма-кет ўрганиб, улар ҳақида ҳукмлар

ҳосил қиламиз. Билимларимиз турлича бўлгани учун уларни ифодалайдиган ҳукмлар ҳам ҳар хил бўлади. Баъзи ҳукмларда аниқ, текширилган билимлар ифодаланса, бошқаларида белгининг предметга хослиги тахмин қилинади, яъни ноаниқ билимлар ифодаланади. Ҳукмлар нисбатан тугал фикрдир. Унда конкрет предмет билан унинг конкрет белгиси ҳақида билим ифода қилинган бўлади.

Ҳукмлар воқеликка мос келиш даражасига кўра чин, хато ва ноаниқ (эҳтимол, тахминий) бўлади. Объектив воқеликка мос келган, уни тўғри ифодалаган ҳукмлар чин, мос келмаганлари хато бўлади. Айни вақтда чинлигини ҳам, хатолигини ҳам аниқлаб бўлмайдиган ҳукмлар – ноаниқ ҳукмлардир.

Ҳукм тафаккурнинг тушунчадан кейинги иккинчи мантиқий шаклидир. Ҳар бир ҳукм тушунчалар орқали ҳосил бўлади.

Ҳукмнинг **мантиқий таркиби**ни уч қисм ташкил этади:

1. Субъект. 2. Предикат. 3. Боғловчи.

Субъект (лот. subjectum – мантиқий эга) деб ҳукмда фикр юритилаётган буюм ёки ҳодиса тўғрисидаги фикрга айтилади. Субъект лотинча subjectum сўзининг бош ҳарфи S билан белгиланади.

Предикат деб буюм ва ҳодисадаги белги, хусусият ва алоқа тўғрисидаги фикрга айтилади. У лотинча praedicatum (мантиқий кесим) сўзининг бош ҳарфи P билан белгиланади.

Боғловчи субъект билан предикатни бир-бири билан боғлаб туришга хизмат қилади. Боғловчи оғзаки нутқда сукут (пауза), интонация, ёзма нутқда эса -дир, эмас қўшимчалари, баъзан эса тире (–) орқали ифодаланади. Масалан: «тарих фандир» деган ҳукмда тарих – субъект, фан – предикат, - дир эса боғловчидир. Формуласи: S-P дир. Инкор шаклида S-P эмас бўлади. Масалан: Аҳмедов аълочи эмас.

Ҳукмнинг субъекти ва предикати унинг т**ерминлари** дейилади. Ҳар қандай содда ва якка ҳукмда иккита термин (субъект ва предикат) мавжуддир. Боғловчи термин таркибига кирмайди.

Ҳукм ва гап ўзаро узвий боғлиқдир. Ҳар бир ҳукм гап ва гаплар орқали ифодаланади, ҳар бир гапда маълум маъно бўлади. Гапсиз ҳукм бўлмайди.

. **Ҳукмнинг турлари** бир қанча белгилари бўйича тасниф қилинади:

1. Мазмунига кўра ҳукмлар икки турга бўлинади: а) чин ва б) ёлғон.

Чин ҳукм деб буюм ва ҳодисаларни тўғри, ҳаққоний акс эттирадиган ҳукмларга айтилади. Масалан: Ер шари аҳолисининг кўпчилиги Шарқда яшайди. Доиранинг тўлиқ сирти 360 ^{0} га тенг ва ҳ.к.

Ёлғон ҳукм деб воқеликни бузиб, нотўғри акс эттирадиган ҳукмларга айтилади. Масалан, ёлғончи яхши одамдир, деган ҳукм ёлғондир.

2. Ҳажмига кўра: а) содда, б) мураккаб ҳукмлар

Содда (оддий) ҳукм деб таркибида биттадан субъект ва предикати бўлган ҳукмларга айтилади.

Мураккаб ҳукм деб таркибида бир неча субъект ва предикати бўлган ҳукмларга айтилади.

3. Боғловчининг мазмуни (сафати)га кўра ҳукмлар тасдиқ ва инкор ҳукмларга бўлинади.

Тасдиқ ҳукм деб буюм ва ҳодисада бирор белги мавжудлигини ифодаловчи ҳукмга айтилади. Масалан: Алишер Навоий буюк ўзбек мутафаккири ва шоиридир. S-P дир.

Инкор ҳукм буюм ва ҳодисада бирор белги мавжуд эмаслигини ифодалайди. Масалан: Бизнинг университетимизда ўқув майдони етарли эмас. S-P эмас.

4. Субъектнинг ҳажми (миқдори)га кўра ҳукмлар учга бўлинади: якка, жузъий ва умумий.

Якка ҳукмда алоҳида, айрим буюм ва ҳодисага хос белги тасдиқ ёки инкор шаклида ифодаланади. Масалан: Ғафур Ғулом «Кўкан» поэмасининг муаллифидир. S-P дир. Ғайрат интизомли талаба эмас. S-P эмас.

Жузъий ҳукмда буюм ва ҳодисалар синфининг маълум қисмига хос белгилар ифодаланади. Масалан: Талабаларнинг баъзилари аълочилардир. Баъзи S-P дир. Баъзи ҳайвонлар сут эмизувчилар эмас. Баъзи S-P эмас.

Умумий ҳукмда бир гуруҳ буюм ва ҳодисаларга тааллуқли бўлган белги тасдиқ ёки инкор шаклларида ифодаланади. Масалан: Ўзбекистоннинг барча фуқаролари билим олиш ҳуқуқига эгадир.

Барча S-P дир. Барча талабалар ҳам имтиҳондан яхши ва аъло баҳолар олавермайдилар. Барча S-P эмас. Ҳеч бир эзгу ниятли киши урушни истамайди. Ҳеч бир барча S-P эмас.

5. Сон ва сифат жиҳатидан биргаликда ҳукмлар тўртга бўлинади: умумий тасдиқ, жузъий тасдиқ, умумий инкор ва жузъий инкор ҳукмлар.

Умумий тасдиқ ҳукм сон жиҳатидан умумий, сифат жиҳатидан тасдиқийдир. У лотинча AFFIRMO – тасдиқ сўзининг биринчи унли ҳарфи А билан белгиланади. Масалан: Барча аълочилар талабаларнинг илғор қисмидир. Барча S-P дир. Бунда субъект бўлинган (кенг маънода олинган), предикат эса бўлинмаган (1-сурат).



1-сурат

Жузъий тасдиқ ҳукм сон жиҳатидан жузъий, сифат жиҳатидан тасдиқийдир.У лотинча AFFIRMO сўзининг иккинчи унли ҳарфи I билан белгиланади. Масалан: Баъзи талабалар ёш шоирлардир. Баъзи S-P дир. Бунда субъект ҳам, предикат ҳам бўлинмаган (2-сурат).



2-сурат

Умумий инкор ҳукми сон жиҳатидан умумий, сифат жиҳатидан инкорийдир. У лотинча NEGO – инкор этаман сўзининг биринчи унли ҳарфи Е билан белгиланади. Масалан: Ҳеч бир ҳодиса сабабсиз юзага келмайди. Ҳеч бир S-P эмас. Унда субъект ҳам предикат ҳам бўлинган (3-сурат).



3-сурат

Жузъий инкор ҳукми сон жихатидан жузъий, сифат жиҳатидан инкорийдир. У лотинча NEGO сўзининг иккинчи унли ҳарфи О билан белгиланади. Масалан: Курсимизнинг баъзи талабалари аълочи эмас. Баъзи S-P эмас. Бунда субъект бўлинмаган, предикат эса бўлинган (4-сурат).



4-сурат

Демак, мулоҳазаларнинг тўғри ёки нотўғрилигини аниқлашда ва баъзи бошқа ҳолатларда оддий ҳукмларнинг миқдор ва сифати бўйича бирлашган классификацияси (асосий турлари)дан фойдаланилади. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Умумий тасдиқ ҳукмлар. Улар бир вақтнинг ўзида ҳам умумий, ҳам тасдиқ бўлган фикрни ифодалайди. Масалан, «Ҳамма талабалар мантиқ илмини ўрганадилар». Бу ҳукмлар лотин алифбосидаги А ҳарфи билан белгиланади ва «Ҳамма S–Рдир» формуласи орқали ифодаланади.

2. Умумий инкор ҳукмлар бир вақтнинг ўзида ҳам умумий, ҳам инкор бўлган фикрни ифодалайди. Масалан, «Ҳеч бир ишбилармон режасиз иш юритмайди». Бу ҳукм «Ҳеч бир S–Р эмас» формуласи орқали ифодаланади ва лотинча Е ҳарфи билан белгиланади.

3. Жузъий тасдиқ ҳукмлар бир вақтнинг ўзида ҳам жузъий, ҳам тасдиқ бўлган фикрни ифодалайди. Масалан, «Баъзи талабалар масъулиятли». У лотинча I ҳарфи билан белгиланади ва «Баъзи S–Рдир» формуласи орқали ифодаланади.

4. Жузъий инкор ҳукм бир вақтнинг ўзида ҳам жузъий, ҳам инкор бўлган фикрни ифодалайди. Масалан, «Баъзи талабалар спорт билан шуғулланмайдилар». Унинг формуласи «Баъзи S–Р эмас» бўлиб, лотинча О ҳарфи билан белгиланади.

6. **Предикатнинг мазмунига кўра** ҳукмлар учга бўлинади: мавжудлик, хусусият ва муносабат ҳукмлари.

Мавжулик ҳукми воқеликда бирор буюм ёки ҳодиса борлиги ёки йўқлигини ифодалайди. Масалан: Термиз шаҳрида ҳайвонот боғи мавжуддир. S-P дир. Ойда ҳаёт мавжуд эмас. S-P эмас.

Хусусият ҳукми бирор буюм ёки ҳодисага муайян хосса, хусусият тааллуқли ёки тааллуқли эмаслигини акс эттиради. Масалан: Рубоий тўртликдир. S-P дир. Бизнинг факультетимиз биноси чиройли эмас. S-P эмас.

Муносабат ҳукми буюм ва ҳодисага бирор алоқа, муносабат хос эканлиги ёки хос эмаслигини акс эттиради. Муносабатлар **турлича** бўлади:

а) **маконий (фазовий) муносабат.** Ўзбекистон ва Тожикистон республикалари қўшни мамлакатлардир.

б) **замоний (вақтий) муносабат.** Алишер Навоий Абдураҳмон Жомийнинг замондошидир.

в**) тенгланиш муносабати.** Нодира ва Сайёра тенгдошлардир.

г) **жинс муносабати**. Шоира ва Зулфия қизлардир.

д) **кетма-кетлик муносабати.** Баҳордан кейин ёз келади.

Муносабат математик (символик) мантиқда қуйидагича белгиланади: ARB. Бунда А ва В турли буюм ва ҳодисалар, R эса улар ўртасидаги муносабатдир.

7. **Модаллик бўйича ҳукмлар** иккига бўлинади: объектив модаллик ва мантиқий модаллик бўйича ҳукмлар. Бунда ҳукм предикатидаги белгининг фикримиз буюмида тасдиқ ёки инкор шаклидаги боғланиши асос бўлади.

Объектив модаллигига, яъни инсон онгидан ташқарида мавжуд бўлган буюмларнинг объектив эҳтимолий, воқеий ва зарурий боғланишларини акс эттиришига қараб, ҳукмлар учга бўлинади:

а) эҳтимолий ҳукмлар.

б) воқеий ҳукмлар.

в) зарурий ҳукмлар.

Эҳтимолий ҳукмлар буюм ва ҳодисалар ва уларнинг белгилари ўртасидаги боғланишни тахминий равишда тасдиқ ёки инкор этиш орқали акс эттиради. Масалан: Марсда, эҳтимол, ҳаёт мавжуддир. S, эҳтимол, Р дир. Эҳтимол, эртага ёмғир ёғмас. Эҳтимол, S-P эмас.

Воқеий ҳукмлар буюм ва ҳодисага бирор белги мансублиги ёки мансуб эмаслигини акс эттиради. Масалан: Ўзбек тилида олти келишик мавжуддир. S-P дир. Трагедия комедия эмас. S-P эмас.

Зарурий ҳукмлар буюм ва ҳодисалар билан улар белгилари орасидаги боғланиш муқаррар эканлигини кўрсатади. Мен, шубҳасиз, университетни битираман. S, шубҳасиз , Р дир.

Мантиқий модаллигига кўра ҳукмлар иккига бўлинади. Бунда фикрнинг исботланувчанлик даражаси асос қилиб олинади:

а) проблематик (муаммовий) ҳукмлар.

б) ишончли ҳукмлар.

Проблематик ҳукмлар буюм-ҳодисалар ва улар орасидаги белгини акс эттиради. Бунда ҳали хулоса тажрибада тўлиқ текширилмаган ва ҳодисанинг натижаси ҳам тўлиқ текширилмаган бўлади. Масалан: Карим, эҳтимол, касаллик натижасида дарсга келмагандир. S, эҳтимол, P эмас. Бу шеърни, балки, Муқимий ёзгандир. S, балки, P дир.

Ишончли ҳукмлар буюм ва ҳодисаларга маълум белги хослиги ёки хос эмаслигини ифодалайди. Масалан: Адабиёт санъат туридир. S-P дир. Зарафшон дарёси Каспий денгизига қуйилган эмас. S-P эмас.

Юқорида кўриб ўтилган ҳукмлар содда (оддий) ҳукмлардир. Содда ҳукмлардан ташқари яна мураккаб ҳукмлар ҳам мавжуддир.

Мураккаб ҳукмлар содда ҳукмларнинг турли боғловчилар ёрдамида қўшилишидан ҳосил бўлади.

Мантиқий муносабатларига кўра мураккаб ҳукмлар **уч хил** бўлади:

1. Қўшувчи ҳукмлар.
2. Шартли ҳукмлар.
3. Айирувчи ҳукмлар.

Қўшувчи ҳукмлар икки ёки ундан ортиқ содда ҳукмларнинг «ва», «ҳам», «ҳамда» боғловчилари ёрдамида қўшилувидан ҳосил бўлади. Улар конъюнктив ҳукмлар деб номланади ва математик (символик) мантиқда конъюнкция белгиси ^ билан ифодаланади. A^B, Масалан: Баҳор келди ва табиат кўм-кўк либосга бурканди. S-P ва S_1-P_1 дир. Очкўзнинг қорни тўймас, қорни тўйса ҳам, кўзи тўймас. S-P эмас, S-P бўлса ҳам, S-P_1 эмас.

Шартли ҳукмлар субъект билан предикат орасидаги алоқадорликни бирор шартга кўра муқаррар қилишга қаратилган бўлади. Масалан: Агар печка ёқилса, уй иссиқ бўлади. Агар S-P бўлса, унда S_1-P_1 дир. Шартли ҳукмлар импликатив ҳукмлар деб номланади ва импликация белгиси → билан белгиланади: A→ B.

Айирувчи ҳукмлар бир неча буюм ва ҳодисаларнинг белгиларидан маълум бирининг предикатга тааллуқлигини кўрсатади. У дизъюнктив ҳукмлар деб номланади ва дизъюнция белгиси V билан белгиланади. AVB. Масалан: талаба имтиҳонда ё аъло, ё яхши, ё қониқарли, ё қониқарсиз баҳо олади. S-ё P, ё P_1, ё P_2, ё P_3 дир.

Ҳукмлар ўртасидаги муносабатлар мантиқий квадрат орқали ифодаланади. Ҳукмлар ўртасидаги муносабатларнинг шаклий ифодаси «мантиқий квадрат» деб аталади. Мантиқий квадрат орқали «ҳукм»лар ўртасидаги чинлик муносабатлари аниқланади. Мантиқий квадратнинг диагонал ва вертикал чизиқлари бурчакларида сон ва сифат жиҳатидан қўшилган тўрт хил ҳукмларнинг символик белгилари (AEIO) қўйилган. Бунда ҳукмларнинг тўрт хил муносабатлари кўринади (5-сурат):



5-сурат

1. Қарама-қаршилик муносабати. Умумий тасдиқ (А) ва умумий инкор (Е) ҳукмлар ўртасида содир бўлади. Бу муносабат қоидасига биноан, агар бир ҳукм чин бўлса, унга қарши бўлган ҳукм ёлғон бўлади. Икки қарама-қарши ҳукмлар (АЕ ва ІО) бир вақтда чин бўлаолмайди. Аммо улар бир вақда ёлғон бўла олади. Масалан: Барча аълочи талабалар илғорлардир. А-чин. Ҳеч бир талаба шахмат ўйинини билмайди. Е-ёлғон.

2. Қуйи қарама-қаршилик муносабати жузъий тасдиқ(І) ва жузъий инкор (О) ҳукмлар ўртасида бўлади. Бунда ҳукмлар бир вақтда чин бўлиши, аммо бир вақтда ёлғон бўлмаслиги мумкин. Масалан: Баъзи ёзувчилар драматурглардир. І-чин . Баъзи ёзувчилар драматурглар эмас. О-чин.

3. Зидлик муносабати – умумий тасдиқ (А) билан жузъий инкор (О) ва умимий инкор (Е) билан жузъий тасдиқ (І) ҳукмлар ўртасида бўлади. Бунда ҳукмлар бир вақтда чин ва ёлғон бўла олмайди, ҳамма вақт бири чин, иккинчиси ёлғон бўлади. Бунда бир-бирига зид бўлган ҳукмлар ўртасида чин ҳукмлар бўлишига йўл қўйилмайди. Масалан: Барча илмий қонунлар объектив характерга эга. А-чин. Баъзи илмий қонунлар объектив характерга эга эмас. О-ёлғон. Бу ҳукмлар орасида учинчи ҳукмнинг бўлиши мумкин эмас. Масалан: Ҳеч бир фан органик материяни ўрганиш билан шуғулланмайди. І-чин.

4. Бўйсуниш муносабати умумий тасдиқ (А) ва жузъий тасдиқ (І), умумий инкор (Е) ва жузъий инкор (О) ҳукмлар ўртасида бўлади. Умумий ҳукмлар итоат эттирувчи ва жузъий ҳукмлар итоат этувчи бўлади. Умумий ҳукмларнинг чинлиги жузъий ҳукмларнинг чинлигига олиб боради. Масалан: Барча кишилар жамиятда бир-бирларини ҳурмат қилишлари лозим. А-чин. Айрим кишилар ҳам жамиятда бир-бирларини ҳурмат қилишлари лозим. І-чин. Ҳеч бир киши меҳнатдан бош тортмаслиги лозим. Е-чин. Айрим кишилар ҳам меҳнатдан бош тортмаслиги лозим. О-чин.

Шундай қилиб, мантиқий квадрат қоидаларига биноан, бир зид ҳукмнинг чин ёки ёлғонлигидан иккинчи ҳукмнинг чин ёки ёлғонлиги келиб чиқади. Мантиқий квадрат турли мунозарали вазиятларда мулоҳазалар чин ёки ёлғонлиги, ҳақиқатни аниқлашнинг қулай воситаси ҳисобланади.

3-савол баёни: Оламни билиш жараёнида инсон янгидан-янги билимларга эга бўла боради. Бу жараён тушунчалар, ҳукмлар ва хулосалар орқали содир бўлади.

Хулоса чиқариш тафаккурнинг шундай шаклидирки, унда бир ёки бир неча ҳукмлардан янги ҳукм, билим ҳосил қилинади.

Хулосанинг **мантиқий таркиби**ни уч қисм ташкил этади:

1**. Асослар** (дастлабки билим) – янги билим ёки ҳукм чиқариш учун зарур бўлган дастлабки билимлар.

2. **Хулосалаш** – асослардан янги билимни мантиқий равишда келтириб чиқариш.

3. **Натижа** – асослардан хулосалашга мантиқий ўтиш. Масалан:

1. Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари билим олиш ҳуқуқига эга.
2. Аҳмедов – Ўзбекистон Республикасининг фуқароси.
3. Демак, Аҳмедов билим олиш ҳуқуқига эга.

Бу хулосада 2 асос ва хулоса (натижа) мавжуддир, яъни у уч ҳукмдан иборат. 1-2-ҳукмлар асослар, 3-ҳукм эса натижа, шу натижанинг асослардан мантиқий равишда келиб чиқиш жараёни хулосалашдир.

Мантиқий келиб чиқиш деб асослардан хулосани келтириб чиқариш жараёнига айтилади. Мантиқий келиб чиқиш асослар ва хулоса ўртасида мазмун жиҳатидан боғланиш, ўзаро алоқа бўлишини талаб қилади. Акс ҳолда хулоса чиқариб бўлмайди.

Хулоса чиқаришнинг бир қанча **турлари** мавжуддир:



1. Асослар сонига кўра хулоса чиқариш икки турга бўлинади: бевосита ва бавосита (воситали) хулоса чиқариш.

Бевосита хулоса чиқариш деб фақат бир асосдан тўғридан-тўғри хулоса чиқаришга айтилади.

Бевосита хулоса чиқариш **тўрт усулда** содир бўлади: 1) айлантириш, 2) алмаштириш, 3) предикатга қарама-қарши қўйиш, 4) мантиқий квадрат бўйича.

Айлантиришда асос сифатида олинган тасдиқ ҳукм инкор ҳукмга ва аксинча айлантирилади. Бунда ҳукмнинг маъноси ўзгармайди, фақат унинг сифати ўзгаради. Масалан: Барча математиклар масалалар ечишни яхши билишлари лозим. Демак, масалалар ечишни яхши билмайдиганлар математиклар эмас. Яхши ишланган ғўза серҳосил бўлмай қолмайди. Демак, яхши ишланган ғўза серҳосил бўлади.

Алмаштиришда асос сифатида олинган ҳукмнинг субъекти ва предикати ўринлари алмаштирилади. Масалан: Адабиётшунослик бадиий адабиёт қонунлари тўғрисидаги фандир. Демак, бадиий адабиёт қонунлари тўғрисидаги фан адабиётшуносликдир.

Предикатга қарама-қарши қуйишда субъект билан предикат бир-бирига қарама-қарши қўйилади. Масалан: Барча врачлар олий тиббий маълумотга эгадирлар. Демак, олий тиббий маълумотга эга бўлмаган ҳеч бир киши врач эмас.

Мантиқий квадрат бўйича хулоса чиқариш A, E, I, O қатъий ҳукмлар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда содир бўлади («Ҳукм» мавзусига қаранг).

Бавосита хулоса чиқариш икки ёки ундан ортиқ асослар орқали содир бўлади. Масалан:

Барча фанлар олам ва унинг қонунларини ўрганади.

Физика фандир.

Демак, физика олам ва унинг қонунларини ўрганади.

2.Асослар ва хулосанинг характерига, яъни фикрнинг ҳаракат йўналишига кўра хулоса чиқариш уч турга бўлинади: дедуктив, индуктив ва традуктив (аналогия) хулоса чиқаришлар.

Дедуктив хулоса чиқариш (лот. deductio – келтириб чиқариш) деб умумий ҳукм, билимлардан хусусий ҳукм, билимларга ўтиш орқали хулоса чиқаришга айтилади. Масалан:

Барча фанлар ўз тадқиқот объектларига эга.

Тарих – фан.

Демак, тарих ўз тадқиқот объектига эга.

Дедуктив хулоса чиқариш асослари характери жиҳатидан оддий (содда ёки қатъий) ҳамда мураккаб ҳукмлардан иборат бўлиши мумкин.

Дедуктив хулоса чиқаришнинг энг оддий шакли қатъий (категорик) силлогизмдир.

Силлогизм (грекча syllogismos – санаб чиқиш) деб дедуктив хулоса чиқаришнинг шундай шаклига айтиладики, унда умумий термин билан боғланган икки қатъий (содда) ҳукмлардан ёки асослардан учинчи ҳукм –хулоса чиқарилади.

Силлогизмда умумий ҳукмдан жузъий ҳукмга қараб хулоса чиқарилади.

Силлогизмнинг асослари чин бўлса, хулосаси ҳам доим чин бўлади. Агар асослардан бири эҳтимолий бўлса, хулоса ҳам эҳтимолий бўлади. Масалан:

Барча шоирлар шеър ёзишади.

Каримов, эҳтимол, шоирдир.

Демак, Каримов, эҳтимол, шеър ёзади.

Силлогизм аксиомаси. Силлогизм таркибини чин ҳукмлар, билимлар ташкил қиладики, улар аксиоматик характерга эга, яъни исботланган, далилланган, қўшимча исботни талаб этмайдиган билимлар бўлади. Шу сабабли силлогизмнинг хулосаси ҳам исбот талаб қилмайдиган ҳаққоний билимдан иборатдир.

Силлогизмнинг мантиқий таркибини уч ҳукм ташкил этади. Улардан иккитаси асослар, учинчиси эса хулоса бўлиб ҳисобланади. Асослар билан хулоса таркибига кирадиган тушунчлар **силлогизмнинг терминлари** дейилади. Силлогизмда уч термин мавжуддир: 1. **Катта термин** –хулосанинг предикати – Р. 2. **Кичик термин** – хулосанинг субъекти – S. 3. **Ўрта термин** – катта ва кичик терминларни боғлаб туради. У лотинча MEDIUM (ўрта, воситачи) сўзининг бош ҳарфи М билан белгиланади. Ўрта термин хулоса таркибига кирмайди.

Терминларни ўз ичига олишларига қараб асослар ҳам катта ёки кичик бўлади. Катта терминни ўз ичига олган асос **катта асос**, кичик терминни ўз ичига олган асос **кичик асос** дейилади. Катта асос хулосанинг предикатини (Р) ўз ичига олади. Кичик термин хулосанинг субъектини (S) ўз ичига олади: Масалан:

Роман (М) прозаик асардир (Р).

«Қуллар» (S) романдир (М)

Демак, «Қуллар» (S) прозаик асардир (Р).

Бунда 1-асос катта асос, 2-асос кичик асосдир. Шунга мувофиқ силлогизмнинг умумий формуласи қуйидагича бўлади:

M-P		S-M	
S-M	ёки	M-P	P-M-S
S-P		S-P	

Индуктив хулоса чиқариш (лот. inductio – йўналтириш) деб жузъий билим, фикрлардан умумий билим, фикрларга ўтиш орқали хулоса чиқаришга айтилади. Индуктив хулоса чиқариш асосида тажрибада олинган якка, жузъий билимлар ётади ва уларни умумлаштириш орқали умумий хулоса чиқарилади. Схемаси:

S_1 Р га эга.

S_2 Р га эга.

.....

S_N Р га эга.

$S_1. S_2 ... S_N$ К га тааллуқли.

Демак, К нинг ҳар бир қисми Р га эга.

Эмпирик тадқиқотнинг тўлиқлиги ва тугаллиги нуқтаи назаридан индуктив хулоса чиқаришнинг **икки тури** мавжуддир: 1. Тўлиқ индукция, 2. Тўлиқсиз индукция

Тўлиқ индукция шундай хулоса чиқаришдирки, унда маълум синфга тааллуқли ҳодисалардаги белги ва хусусиятларнинг такрорланишидан бу белги ва хусусиятлар барча синфга хослиги тўғрисида хулоса чиқарилади.

Тўлиқ индукция ёпиқ, чекланган гуруҳдаги кам сонли ҳодисаларни текширишда қўлланилади. Бунда хулоса якунланган, натижа тўлиқ бўлади. Масалан: Қуёш системасидаги планеталар миқдори, учбурчакларнинг хиллари, дунёдаги давлатлар сони, маълум территориядаги саноат корхоналари миқдори ва ҳоказо. Масалан:

Россия Федерацияси ўз конституциясига эга.

Белоруссия ўз конституциясига эга.

Украина ўз конституциясига эга.

Ўзбекистон Республикаси ўз конституциясига эга.

Россия Федерацияси, Белоруссия, Украина ва Ўзбекистон Республикаси мустақил давлатлардир.

Демак, барча мустақил давлатлар ўз конституцияларига эгадир.

Тўлиқсиз индукция миқдор жиҳатидан кўпроқ, ҳажм жиҳатидан кенгроқ бўлган ҳодисаларни текширишга татбиқ этилади. Бунда хулоса тўлиқ якунланмаган бўлади.

Тўлиқсиз индукцияда синфга оид айрим ҳодисалар ва уларнинг хосса- хусусиятларини ўрганиб, улар қолган бошқа ҳодисаларга ҳам ҳосдир, деган умумий хулоса чиқарилади.

Тўлиқсиз индукция кўпинча танлаб олиш методи орқали содир бўлади.

Танлаб олиш усули жиҳатидан тўлиқсиз индукция икки турга бўлинади: а) оддий санаш индукцияси (энумератив индукция ёки оммавий индукция), б) истисно қилиш йўли билан ҳосил қилинган (элиминатив) ёки илмий индукция.

Оммавий индукция бир-бирига ўхшаш ҳодиса қайта-қайта такрорланса, у ҳамма вақт шу тарзда ҳосил бўлади, деган хулосага асосланади. Масалан: баъзан кун ботгандан сўнг осмонда қизил шафақ ҳосил бўлади. Бундан эртага шамол эсиши мумкинлиги тахмин қилинади.

Илмий индукция жараёнида кузатилган факт ва ҳодисалар чуқур, ҳар томонлама текширилади, таҳлил қилинади. Тасодифий, иккинчи даражали, номуҳим, нозарурий белгилар, алоқалар ташланиб, зарурий, энг муҳим, барқарор белгилар, алоқалар эътиборга олинади. Воқеа-ҳодисаларнинг ички сабабиятлари, қонуниятлари, моҳияти очилади. Шу орқали илмий назариялар вужудга келади.

Аналогия (қиёс) буюм ва ҳодисаларнинг ўхшашлиги ва тафовутини билиш учун қўлланиладиган усул бўлиб, унда жузъий билимдан жузъий билимга қараб хулоса чиқарилади. Аналогия **традуктив** (лот. traductio – жойлаштириш) хулоса чиқаришдир.

Аналогия йўли билан буюмларнинг ўхшаш белгиларига асосланиб, эҳтимолий хулоса чиқарилади. Масалан: Ер ва Марс планеталари бир-бирларига ўхшаш хусусиятларга эга. Чунончи, баҳор ва ёз ойларида бу планеталарнинг устки қисми кўм-кўк рангга, кузда сариқ, қишда эса оқ рангга эга бўлади. Бу ўхшашликдан хулоса чиқариб, эҳтимол, Марсда ҳам Ердагидек органик ҳаёт мавжуддир, деган фикрга келамиз.

Ўхшатиладиган ёки қиёсланадиган объектлар характерига кўра **икки хил** аналогияни фарқлайдилар: а) нарсалар аналогияси ва б) муносабатлар аналогияси.

Нарсалар аналогияси икки якка буюм ва ҳодисани солиштириб хулоса чиқариш усулидир. Масалан: нур ва товуш ўзаро ўхшаш бўлган тўлқинли табиатга эга.

Муносабатлар аналогияси бир жуфт буюм ва ҳодисаларнинг ўхшаш муносабатларига асосланиб хулоса чиқаришдир. Масалан, ота ва ўғил, бобо ва невара, устоз ва шогирд ўрталаридаги муносабатлар.

Аналогиянинг яна қуйидаги **турлари** мавжуддир:

а) **оддий (содда) аналогия** – буюм ва ҳодисаларнинг ўхшаш белги ва хусусиятларидан уларга хос умумий белги ва хусусиятлар тўғрисида хулоса чиқариш. Масалан, темир ва бериллий деярли бир хил физик хоссаларга эга.

б) **кенг тарқалган аналогия** – ҳодисалар ўхшашлигидан уларни вужудга келтирган сабаблар, сабаблар ўхшашлигидан эса уларга хос ўхшашликлар ҳаракати тўғрисида хулоса чиқариш.

в) **қатъий аналогия** – икки буюмнинг бир умумий белги бўйича ўхшашлгидан бошқа белги бўйича ўхшашлиги тўғрисида хулоса чиқариш.

г) **қатъий бўлмаган аналогия –** бир белгидан бошқа белгилар тўғрисида хулоса чиқариш

Аналогия фан ва техникада моделлаштиришнинг мантиқий асоси бўлиб хизмат қилади

4-савол баёни: Фан билимларнинг муайян системасидан иборатдир. Билимлар ўртасидаги алоқадорлик, изчиллик ва тартибни, уларнинг чин ёки ёлғонлигини бевосита кўриб бўлмайди. Агар бунинг иложи бўлса, унда ҳеч қандай далил ва исботга ҳожат қолмас эди. Ҳолбуки, кўпгина илмий билимларни аниқлаш далиллаш ёки исбот қилишни тақозо этади.

Илмий билимларнинг фақат бир қисми исбот талаб қилмайди. Бу аксиомалардир. Чунки улар тажрибада аллақачон текширилиб тасдиқлангандир. Қолган аксарият кўпчилик билимлар эса исбот ва далилга муҳтождир. Шунинг учун далиллаш ва исбот билимлар чинлиги, ҳаққонийлиги ва тўғрилигини аниқлашнинг муҳим шартидир. Асоссиз фикр ғайриилмий фикрдир.

Шундай қилиб, объектив воқеликдаги нарса ва ҳодисалар тўғрисидаги билимларимиз исбот ва етарли асосга таянмоғи лозим. Исбот хулоса чиқариш орқали амалга оширилади. Масалан, сувнинг эластик жисм эканлиги тўғрисидаги фикрнинг чинлигини аниқлаш учун уни қуйидагича исбот қиламиз:

Сув суюқликдир.

Суюқ жисмларнинг барчаси эластикдир.

Демак, суюқликдан иборат бўлган сув ҳам эластикдир.

Бу мисолдан равшанки, бирор фикрнинг исботи учун бошқа маълум, исботланган, аниқ факт ва далиллар, фикрлар асос қилиб олинади. Бу **аргументлаш (далиллаш ёки исботлаш)дир**.

Далиллаш (аргументлаш) - бу лот. argymentatio – далил, аргумент келтириш бўлиб, қайсидир ҳукмнинг ҳақиқатлигини бошқа ҳақиқий ва у билан боғлиқ ҳукмлар ёрдамида асослашдан иборат мантиқий операциядир. Аргументлаш таркибида ***тезис*** – мулоҳаза ёки мулоҳазалар тизими ҳамда ***далил ёки аргумент*** – тезисни асослаш учун келтирилган фикр-мулоҳазалар бўлади.

“Далиллаш” атамаси процессуал ҳуқуқда икки маънода ишлатилади: жиноят ёки фуқаролик ишининг муҳим жиҳатлари ҳақидаги ахборотнинг ташувчилари бўладиган фактик ҳолатларни ифодалаш учун (масалан, айбланувчининг жабрланувчи номига билдирган дўқ-пўписаси; жиноят содир этилган жойда қолдирилган излар ва шу кабилар); ишга тегишли бўлган фактик ҳолатлар ҳақидаги ахборот манбаларини ифодалаш учун (масалан, гувоҳларнинг кўрсатмалари, ёзма ҳужжатлар ва шу кабилар).

Далилланганлик талаби судда ишларнинг кўриб чиқилишидаги билимга ҳам қўйилади; агар жиноят ёки фуқаролик иши бўйича суд қарори судда ишнинг кўриб чиқилиши жараёнида объектив ва ҳар томонлама асосланган бўлса, унда бундай қарор адолатли ҳисобланади. Далил далиллаш жараёнининг турларидан биридир.

Мантиқий услублар билан бир қаторда ишонтирувчи таъсир кўрсатадиган нутқий, эмоционал-психологик ва бошқа номантиқий услублар ва усуллар қўлланиладиган қандайдир ҳукмларни асослайдиган операция далиллаш дейилади. “Далиллаш” тушунчаси “далил” тушунчасига нисбатан анча кенг (жинсли) тушунчадир.

Исбот – бирор фикрнинг тўғрилигини амалий тажрибада илгари чинлиги тасдиқланган бошқа бир тўғри фикр воситаси билан асослаб бериш. Исбот **икки хил** бўлади: 1) моддий (ашёвий) ва 2) мантиқий исбот.

Моддий исбот буюм ва ҳодисаларнинг табиий хосса-хусусиятлари асосида иш кўради. У кўпинча табиий ва техникавий тадқиқотларда, суд-медицина экспертизасида ишлатилади.

Мантиқий исбот фикрлар, ҳукмлар ва хулосалар орқали тафаккур қонунлари, қоидалари ёрдамида исбот қилишдир. У исботнинг олий туридир. Чунки ашёвий (моддий)

исбот натижаларини тафаккурда умумлаштириш, мантиқий таҳлил қилиш ишлари ҳам мантиқий исботни талаб қилади ва у орқали амалга оширилади.

Мантиқий исбот бирор фикр ёки билимнинг чинлигини бошқа ҳукмлар, фикрлар ва билимлар ёрдамида асослаб беришдир.

Далиллаш тузилмаси

Далиллаш учта ўзаро бир-бири билан боғланган элементларни: тезис, далиллар, демонстрация (ошкор қилишлик)ни ўз ичига олади.

Тезис - бу ҳақиқатлиги исботланиши лозим бўлган ҳукмдир. Тезис далиллашда бош тузилмавий элемент бўлади ва "Нима асосланаяпти?", деган саволга жавоб беради.

Далиллар ёки асослар - бу тезисни асослашда қўлланиладиган бошланғич назарий ёки фактик қоидалардир. Улар далиллашнинг асоси ёки мантиқий пойдевори ролини бажаради ва "Тезис нима билан, нима ёрдамида асосланаяпти?" деган саволга жавоб беради.

Демак, **исботнинг мантиқий таркиби**ни қуйидаги уч қисм ташкил қилади: исбот тезиси, исбот асоси (аргумент) ва исбот усули (демонстрация).

1. Исбот тезиси деб чинлиги ёки ёлғонлиги аниқланиши лозим бўлган ҳукм ёки билимга айтилади.

2. Исбот асоси ёки аргумент деб чинлиги аллақачон тажрибада аниқланган ва тезисни тасдиқлаш учун етарли тарзда олинган ҳукм ва билимларга айтилади. Исбот асоси ёки аргумент вазифасини турли тажрибавий факт-далиллар, назарий фикрлар, назариялар, аксиомалар, теоремалар, гипотезалар ва ҳ.к. бажаради.

3. Исбот усули ёки демонстрация деб асослардан тезисни мантиқий равишда келтириб чиқариш жараёни ва исбот қилиш усулига айтилади.

Мантиқий исботнинг **икки тури** мавжуд: 1) тўғридан-тўғри, 2) четдан исбот этиш.

1. Тўғридан-тўғри исбот деб тезис чинлигининг бевосита асослардан келиб чиқишига айтилади. Унинг **турлари** дедуктив, индуктив ва традуктив исботлардир.

Дедуктив исбот ҳамиша силлогизм шаклида бўлади. Унда аргументлар силлогизмнинг асослари, тезислар эса силлогизмнинг хулосаси бўлиб хизмат қилади. Исботда эса тезис асослардан келиб чиқади. Масалан:

Одилов ҳақиқатгўйдир.

Чунки у ёлғон гапирмайди.

Ушбу исботда «Одилов ҳақиқатгўйдир» – тезис, «Чунки у ёлғон гапирмайди» аргументдир.

Силлогизм шаклида ушбу фикр қуйидагича бўлади:

Хақиқатгўйлик доим ҳақиқатни айтишни тақозо қилади.

Одилов ёлғон гапирмайди.

Демак, Одилов ҳақиқатгўйдир.

Индуктив исбот ёрдамида аргументларда мавжуд бўлган хусусий ҳолатлардан тезисда мавжуд бўлган умумий фикр келтирилиб чиқарилади. Масалан: Тезис: Сибирнинг барча катта дарёлари жанубдан шимолга қараб оқади. Аргументлар:

1. Кама дарёси жанубдан шимолга қараб оқади.
2. Лена дарёси жанубдан шимолга қараб оқади.
3. Енисей дарёси жанубдан шимолга қараб оқади.
4. Обь дарёси жанубдан шимолга қараб оқади.
5. Иртиш дарёси жанубдан шимолга қараб оқади.

Кама, Лена, Енисей, Обь ва Иртиш дарёлари Сибирнинг катта дарёларидир.

Демак, Сибирнинг барча катта дарёлари жанубдан шимолга қараб оқади.

Традуктив исботда ҳукмларнинг ўзаро тенглиги ва айнанлигига қараб, жузъий асослардан жузъий хулоса чиқарилади. У аналогия йўли билан содир бўлади. Традуктив исбот тўлиқ бўлмаган, эҳтимолий ҳарактердаги билимларга асосланади. Масалан, Марсда ҳам Ердагидек органик ҳаёт мавжудлиги тўғрисидаги эҳтимолий фикр традуктив исбот орқали ҳосил қилинган.

Демак, тўғридан-тўғри исботда тезиснинг чинлиги бевосита аргументдан келтириб чиқарилади, тезисга зид келадиган қўшимча далиллар келтирилмайди.

2. Четдан исбот этиш деб тезиснинг чинлигини унга қарама-қарши бўлган бошқа тезис (антитезис)ни келтириш ва зид қўйиш орқали далиллашга айтилади.

Исботнинг бу тури мантиқнинг учинчисини истисно қонунига асосланади. Бу қонунга биноан, бир вақтда ё тезис, ёки антитезис чин бўлиши мумкин эмас. Агар антитезиснинг хатолиги аниқланса, унда тезис чин бўлади ва аксинча.

Мантиқий исботни амалга ошириш муайян **қоидалар**га амал қилишни тақозо этади. Бу қоидалар уч гуруҳга бўлинади:

1. Тезисга тааллуқли қоидалар:

1. Тезис аниқ ва равшан ҳукмлардан иборат бўлмоғи лозим. Акс ҳолда тезисни исбот қилиб бўлмайди. Бу қоидани бузиш тезисдан қочиш (четга чиқиш ёки тезисни йўқотиб қўйиш) хатосига олиб келади.

2. Тезис исботнинг бошидан охиригача асл маъносида ишлатилиши лозим. Акс ҳолда тезисдан қочиш, фикр чалғиши ва ноизчиллиги хатолари содир бўлади.

2. Аргументларга тааллуқли қоидалар:

3. Ҳар қандай исбот ва раддияда асослар ёки далиллар шак-шубҳасиз чин ҳукмлар, билимлардан иборат бўлмоғи лозим. Ёлғон, хато ҳукмлар, фикрлар орқали ҳеч қандай фикрни исбот этиш ёки рад қилиш мумкин эмас.

4. Далиллар тезисни асослаш учун етарли бўлиши керак. Далиллар етарли бўлмаса, тезисни тўлиғича асослаб бўлмайди. Далиллар ҳаддан ташқари кўп, ортиқча бўлса ҳам тезисни асослаш иши қийинлашади. Бу ерда ҳам ўзига яраша меъёр, чегара, «оралиқ, олтин ҳалқа» бўлиши керак.

3. Демонстрацияга тааллуқли қоидалар:

5. Асосли фикр изчил, мантиқий тузилган ва ишончли бўлиши, асослардан қонуний суратда келиб чиқадиган бўлиши лозим. Акс ҳолда зўрма-зўраки, сунъий ва хато хулоса чиқариш, асослашда сакраш каби хатолар содир бўлади.

Раддия деб бирор тезиснинг нотўғрилигини ёки асоссизлигини исботлайдиган мантиқий усулга айтилади.

Тезисни қуйидаги беш усул орқали рад этиш мумкин:

1. Оппонент (мухолиф) ўртача ташлаган тезисни рад этиш учун факт ва далиллар келтириш.

2. Мухолиф ўз тезисига асос қилиб олган далилларни тадқиқ қилиш.

3. Рад қилинувчи исбот тезисининг чинлиги тезисни тасдиқлаш учун келтирилган далиллардан келиб чиқмаслигини исбот этиш.

4. Рад қилинувчи тезисга зид бўлган янги тезисни мустақил равишда исбот этиш.

5. Рад қилинувчи тезиснинг ўзининг нотўғрилигини исбот қилиш.

Исбот ва раддия қоидалари турли мунозара ва муҳокамаларда кенг қўлланилади.

Мунозара (дискуссия) деб баҳсли масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал этиш учун зарур бўлган усулга айтилади. Мунозара исбот ва раддия, фикр-мулоҳаза юритишнинг мантиқий қонун-қоидаларига асосланади. Шунингдек, мунозарани олиб бориш ва унда амал қилиниши лозим бўлган ахлоқий қоидалар (этик нормалар) ҳам мавжуддир.

Баҳс юритиш санъати (эристика) ўзига хос қонун-қоидаларга амал қилишни талаб этади.

Буларга асосан қуйидагилар киради:

– заруриятсиз баҳслашмаслик;

– мавзусиз баҳс юритмаслик ва баҳс давомида мавзудан четга чиқмаслик ёки мавзуни ўзгартирмаслик;

– баҳс мавзуси юзасидан ўзаро зид ёки қарама-қарши фикрлар бўлмаса, баҳсни тўхтатиш;

– мавзуни яхши биладиган, ақлли одамлар билангина баҳслашиш;

– баҳс юритишда мантиқий қонун-қоидаларга амал қилиш, ўзининг ва мухолифининг фикрларидан хулоса чиқара олиш, мантиқий зиддиятларни аниқлаш ва бартараф этиш, асослар тўғри бўлса, исботлашнинг ҳам тўғрилигини эътироф этиш ва ҳ.к.;

– бир баҳс доирасида баҳслашиш усулларини аралаштириб юбормаслик.

Аргументлашнинг мантиқий асосларини билиш ва баҳс юритиш қоидаларига амал қилиш тафаккур маданиятини юқори даражага кўтариш имконини беради.

Билишнинг мақсади қайд қилинган ҳодисаларнинг моҳиятини тушунтиришдан иборат. Буни ҳамма вақт ҳам мавжуд тасаввурлар, принциплар ёрдамида амалга ошириб бўлмайди. Билиш жараёнида маълум бир зиддиятлар, биринчи навбатда, мавжуд билимларимизнинг эришган даражаси билан янги билиш вазифаларини ҳал қилиш зарурияти ўртасида зиддият келиб чиқади, ***муаммоли вазият*** пайдо бўлади. Бундай зиддиятлар, айниқса, кундалик ҳаётимизда мураккаб вазифаларни ҳал қилишда, фанда эса туб бурилишлар даврида яққол намоён бўлади. Масалан, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида вужудга келадиган жуда кўп масалалар уларни ечишга янгича ёндашишни тақозо этади. Муаммоли вазият, масалан, табиатшуносликда XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида радиоактивлик ҳодисасининг қайд қилиниши, электроннинг кашф этилиши, нурланишнинг квант хусусиятга эгалигининг асосланиши ва шу каби кашфиётлар натижасида вужудга келган. Унинг моҳиятини табиатшуносликнинг, биринчи навбатда, физиканинг мавжуд қонунлари ва принципларининг янги қайд қилинган ҳодисаларни тушунтириш учун етарли эмаслигида, деб билмоқ зарур.

Шуни ҳам айтиш керакки, илмий билишда муаммоли вазиятни фан тараққиётининг ички эҳтиёжлари ҳам келтириб чиқариши мумкин. Масалан, ҳозирги пайтда фанда синергетика ғоялари ва методларини тушунтириш, математикада аксиоматиканинг имкониятлари ва қўлланиш соҳаларини аниқлаш билан боғлиқ бўлган вазифаларни ҳал қилиш зарурияти янги вазиятни яратади.

Демак, ***муаммоли вазият*** мавжуд илмий тасаввурлар билан қайд қилинган янги фактлар ўртасидаги зиддиятнинг пайдо бўлиши ёки ана шу илмий тасаввурларнинг ўзининг етарли даражада тизимга солинмаганлиги, яхлит бир таълимот сифатида асосланмаганлиги натижасидир.

Мана шундан келиб чиқиб, муаммоли вазият билиш тараққиётининг турли босқичлари ва бўғинларида олам ҳамда уни билиш ҳақидаги мавжуд тасаввурларни, билиш методи ва воситаларини ўзгартиришнинг объектив заруриятидан иборат, дейиш мумкин

Муаммо деб ўрганилиши ва ҳал қилиниши зарур бўлган назарий ёки амалий масалага айтилади.

Муаммо ҳар бир илмий назария ва фаразий фикр учун асос бўлиб хизмат қилади.

Фараз (гипотеза) деб ҳали исбот қилинмаган, тахминий, эҳтимолий фикрга айтилади.

Фараз аналогия ёки қиёс орқали амалга оширилади.

Фараз тафаккур шаклларидан бири бўлиб, тушунчалар, муҳокамалар ва хулоса чиқариш системасидан иборатдир. Фараз орқали оламдаги воқеа ва ҳодисаларнинг хусусиятлари, қонуният ва сабаблари билиб олинади. Шунинг учун у билишда катта аҳамиятга эга.

Тадқиқотчи текширилаётган ҳодисаларнинг ўхшашлигини бундан олдин қонунлари муқаррар бўлган ҳодисалар билан аниқлаб, тахминий, эҳтимолий фикрни баён қиладики, бунда муайян алоқадорлик қонуни мавжуд бўлади. Бундай фаразий фикрни чиқариш учун тадқиқотчи тўпланган илмий билимларнинг барчасини аниқлашга ҳаракат қилади. Масалан, атом тузилиши тўғрисидаги назария Қуёш системаси сайёраларига қиёс қилиб ишлаб чиқилган эди.

Фанда маълум бўлган барча назариялар аввал бошда фаразлар тарзида илгари сурилган, кейинчалик тажрибада тасдиқланиб, назария шаклини олган. Масалан, Дарвин таълимоти, Менделеевнинг химиявий элементлар даврий системаси шулар жумласидандир.

Тадқиқ этилаётган объекти нуқтаи назаридан **фаразлар** икки хил бўлади: 1) умумий ва 2) хусусий фаразлар

Умумий фараз деб маълум жинсдаги воқеа-ҳодисаларнинг хусусиятлари, қонуният ва сабаблари тўғрисидаги эҳтимолий фикрларга айтилади.

Умумий фараз миқдор жиҳатидан кўп, ҳажм ва кўлами кенг, катта, жинс ҳодисаларни текширишда қўлланилади. Масалан, атом тўғрисидаги фаразий фикр, Дарвин томонидан турларнинг табиий танланиш асосида вужудга келганлиги тўғрисида илгари сурган ғояси, Коперникнинг гелиоцентрик фарази, Ньютоннинг бутун олам тортилиши тўғрисидаги фикри, Кантнинг Ер шарининг шарсимон газдан вужудга келганлиги тўғрисидаги фарази ва бошқалар шулар жумласидандир. Улардан кўпи ҳозирги кунда исботланиб, назарияларга айланди.

Хусусий фараз деб конкрет, айрим, якка факт ва ҳодисаларга, уларнинг хосса-хусусиятларига тааллуқли эҳтимолий фикрларга айтилади.

Хусусий фараз тор, чекланган доирадаги буюм-ҳодисаларга татбиқ этилади.

Умумий ва хусусий фаразларни илгари суриш ва асослаш жараёни ишчи фараз орқали амалга оширилади.

Ишчи фараз деб тадқиқотнинг дастлабки босқичида илгари суриладиган ва кейинчалик текширилиши лозим бўлган эҳтимолий фикрга айтилади. Фаразлар тажрибада тасдиқлангач, илмий назарияга айланади.

Назария деб тажрибада, ижтимоий-тарихий практикада, ишлаб чиқариш ва илмий тадқиқотда вужудга келадиган билимларни умумлаштириш, системага солиш жараёни ва натижасига айтилади.

Назария инсоннинг маънавий фаолияти, объектив борлиқнинг инсон онгидаги маънавий-ғоявий акси сифатида унинг моддий ишлаб чиқариш фаолиятига нисбатан иккиламчидир. У оламни билиш ва ўзгартиришнинг муҳим воситасидир.

Назария маълум бир предмет соҳасига оид тушунчалар, қонунлар, гипотезалар, ғояларни системага солиб, у ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қиладиган, янги фундаментал умумлашмалар яратишга олиб келадиган, шу соҳадаги ҳодисаларни тушунтириш, олдиндан кўриш имконини берадиган ишончли билимдан иборат.

Илмий назария қуйидаги таркибий қисмлардан ташкил топади: 1) эмпирик асос: назарияга алоқадор фактлар, уларга мантиқий ишлов бериш натижалари; 2) бошланғич назарий асос: назариянинг асосий тушунчалари, постулатлари (аксиомалари), фундаментал қонунлар (принциплар); 3) назариянинг мантиқий аппарати: тушунчаларни ҳосил қилиш ва таърифлаш қоидалари, хулоса чиқариш (исботлаш) қоидалари; 4) олинган натижалар (хулосалар).

Назариянинг турлари: Илмий назариянинг жуда кўп турлари мавжуд. Уларни турли хил асосларга кўра таснифлаш (туркумлаш) мумкин. Хусусан, қурилиш методига кўра назарияларни тўрт турга ажратиш мумкин: 1) тажриба билан иш кўрадиган фанларнинг мазмундор назариялари; 2) гипотетик-дедуктив (ёки ярим аксиоматик) назариялар; 3) аксиоматик назариялар; 4) формаллашган назариялар.

«Мазмундор» назарияларда маълум бир соҳага оид фактлар тизимга солинади, умумлаштирилади ва тушунтирилади. Улар асосан тажриба натижалари, эмпирик материалларга таянади, уларни таҳлил қилади, тартибга солади ва умумлаштиради. Ана шунинг учун ҳам уларни «тажрибага таянувчи назариялар», деб аташади. «Мазмундор» деб аталишига сабаб, уларни математика ва мантиқдаги формаллашган назариялардан фарқ қилишдир. Мазмундор назарияларни соф эмпирик назариялар деб бўлмайди. Улар фақат эмпирик материалларгагина эмас, балки назарий қонунларга ҳам таянади. Масалан, мазмундор, деб ҳисобланадиган Ч. Дарвиннинг эволюция назарияси, И.П. Павловнинг олий

асаб фаолиятининг шартли рефлекторлик назарияси ва шу кабилар чуқур назарий ғояларга суянади, улар ёрдамида тўпланган материалларни рационал усул билан англайди, қайта ишлайди ва тушунтиради.

Гипотетик-дедуктив назариялар табиатшуносликда учрайди. У турли хил мантиқий кучга эга гипотезалар тизимидан иборат бўлиб, унда мантиқан кучлиларидан мантиқан кучсизроқлари дедукция қилинади. Гипотетик-дедуктив тизимни гипотезалар занжири (иерархияси) тарзида олиб қараш мумкин. Бунда эмпирик асосдан узоқлашган сари гипотезанинг кучи ортиб боради, чунки ҳар бир келтирилиб чиқарилган гипотеза ўзидан аввалги гипотезаларда мавжуд бўлган билимларни синтез қилиш натижаси сифатида гавдаланади.

Гипотетик-дедуктив назарияларнинг ўзига хос жиҳатларидан бири ундаги гипотезаларнинг даражалари бўйича қатъий изчил жойлашишидир. Гипотезанинг даражаси қанчалик юқори бўлса, хулосаларни мантиқий йўл билан келтириб чиқаришда унинг иштироки шунчалик кўп бўлади.

Назариянинг гипотетик-дедуктив модели эмпирик материалларни ишлашда кўп қулайликларга эга бўлиши билан бир қаторда айрим камчиликлардан ҳам холи эмас. Хусусан, бошланғич гипотезалар қандай танлаб олиниши керак, деган саволга ҳалигача аниқ, қатъий ҳолдаги жавоб йўқ.

Аксиоматик тизимларда назария элементларининг катта қисми кичкина бошланғич асосдан – асосий аксиомалардан дедуктив йўл билан келтирилиб чиқарилади. **Аксиоматик назариялар** асосан математикада қурилади.

Аксиоматик метод биринчи марта Евклид томонидан элементар геометрияни қуришда муваффақиятли ишлатилган. Мазкур геометриянинг асосий аксиоматик тушунчалари «нуқта», «тўғри чизиқ», «текислик» бўлиб, улар идеал фазовий объектлар сифатида олиб қаралган; геометриянинг ўзи эса физикавий фазонинг хусусиятларини ўрганувчи таълимот сифатида талқин қилинган. Евклид геометриясининг қолган барча тушунчалари улар ёрдамида ҳосил қилинган.

Қуйидаги мисолга мурожаат қилайлик: «Текисликдаги битта нуқтадан баравар узоқликда ётадиган нуқталар тўпламига айлана дейилади», унда «айлана» тушунчаси «нуқта ва текислик» тушунчалари ёрдамида ҳосил қилинган, яъни улардан дедукция қилинган.

Математиканинг тараққиёти давомида аксиоматик метод такомиллашиб борган, уни қўллаш мумкин бўлган соҳалар доираси кенгайган. Хусусан, аста-секин Евклид аксиомаларининг фақат геометрик объектларнигина эмас, балки бошқа математик ва ҳатто, физик объектларни ҳам тасвирлаш учун яроқли эканлиги маълум бўлди. Масалан, нуқтани ҳақиқий сонларнинг учтасининг тўплами – тўғри чизиқ ва текисликни, чизиқли тенгламаларни билдиради, деб қабул қилинганда, мазкур ногеометрик объектлар хоссаларининг Евклид геометрияси аксиомалари талабларига жавоб бериши аниқланган.

Шуни айтиш керакки, аксиоматикага бундай абстракт тарзда ёндашишга маълум бир даражада Н.И. Лобачевский, Б. Риман ва бошқалар ноевклид геометрияларининг яратилиши яхши имконият яратди.

Ҳозирги замон математикасида абстракт аксиоматик тизимлар кенг қўлланилади. Бундай тизимларнинг муҳим хусусиятлари уларнинг ёпиқ тизимдан иборат бўлиши, яъни миқдор жиҳатидан чекланган аксиомалар, тушунчалар, принциплардан ташкил топиши, улар қаторига ихтиёрий равишда, асоссиз янги аксиомалар, тушунчаларни қўшиб бўлмаслик; тизимларнинг мантиқан зиддиятсиз ва маълум бир даражада тўла бўлиши ва шу кабилардан иборат. Ана шунинг учун ҳам улар узоқ вақт давомида ўзининг барқарорлигини сақлайди, янги билим олишнинг ишончли воситаси бўлиб қолади.

Аксиоматика табиатшуносликда ҳам қўлланилади. Тажриба билан боғлиқ бўлганлиги ва шунинг учун ҳам зарурий равишда эмпирик талқинга муҳтож эканлиги сабабли табиатшуносликнинг фақат ўзагини ташкил этадиган тушунчаларнигина аксиомалаштириш мумкин.

Абстракт математик структуралар фақат аксиоматик тизимлардагина эмас, балки формаллашган назарий тизимларда ҳам тасвирланиши ва тушунтирилиши мумкин.

Формаллашган назариялар мантиқда кенг қўлланилади. Бунга мисол қилиб мулоҳазалар мантиғи, предикатлар мантиғини кўрсатиш мумкин. Шунингдек, у математикада ҳам учрайди.

Назариянинг юқорида биз кўриб чиққан турлари ва бошқалари назарий билишнинг муҳим воситалари сифатида фанда ниҳоятда қадрланади. Улар тафаккурнинг структураси ва қонуниятларини яхши билиб олишга имкон беради

Мавзуни мустаҳкамлаш учун назорат саволлари:

1. Тушунчанинг моҳияти ва мантиқий таркибини тушунтириб беринг.
2. Тушунчанинг қандай турлари мавжуд?
3. Тушунчалар ўртасида қандай муносабатлар мавжуд?
4. Тушунча устидаги асосий мантиқий амаллар қайсилар?
5. Хукмнинг таърифи ва мантиқий таркибини тушунтириб беринг.
6. Ҳукмнинг қандай турлари мавжуд?
7. Ҳукмлар ўртасидаги муносабатлар қандай гуруҳларга бўлинади?
3. Хулоса чиқаришнинг моҳияти ва мантиқий таркибини тушунтириб беринг.
9. Хулоса чиқаришнинг қандай турлари мавжуд?
10. Дедуктив хулоса чиқариш нима?
11. Силлогизм нима ва унинг қандай турлари бор?
12. Индуктив хулоса чиқариш турлари қайсилар?
13. Аналогия (қиёс) нинг қандай турлаи бор?
14. Далиллаш деб нимага айтилади?
15. Исбот нима, унинг қандай турлари бор?
16. Раддиянинг қандай усуллари бор?
17. Мунозара нима?

Мавзуни мустаҳкамлаш учун тест саволномаси:

1. МАНТИҚ ФАНИНИНГ ЎРГАНИШ ОБЪЕКТИ.

А) Билиш; Б) Тўғри фикр юритиш;
В) Тафаккур; Г) Фан.

2. МАНТИҚНИНГ ПРЕДМЕТИ

А) Ҳиссий ва ақлий билиш;
Б) Тушунча, ҳукм, хулоса;
В) Тафаккур қонун-қоидалари;
Г) Тафаккур қонунлари, шакллари, усуллари ва методлари.

3. ТУШУНЧАЛАРНИНГ МАЗМУН ЖИҲАТИДАН ТУРЛАРИ.

А) Тур ва жинс;
Б) Якка, умумий ва тўпланма;
В) Конкрет, асбтракт, нисбатдош, нисбатсиз, манфий тушунчалар, категориялар;
Г) Сиғишадиган ва сиғишмайдиган.

4. ҲАЖМ ТАФОВУТИГА КЎРА ТУШУНЧАЛАРНИНГ ТУРЛАРИ.

А) Якка, конкрет, абстракт, тўпланма; Б) Якка, умумий ва тўпланма;
В) Якка, умумий, тўпланма, нисбатдош; Г) Конкрет, абстракт, нисбатсиз, мусбат;

5. ҲУКМНИНГ ТАЪРИФИ.

А) Буюм ва ҳодисалардаги белгини тасдиқ шаклида ифодалайди;
Б) Буюм ва ҳодисалардаги белгини инкор шаклида ифодалайди;
В) Буюм ва ҳодисалардаги белгини тасдиқ ёки инкор шаклида ифодалайди;
Г) Буюм ва ҳодисалардаги белгини чин ёки ёлғон шаклда ифодалайди;

6. ҲУКМНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ.

А) Субъект ва предикат; Б) Субъект, предикат ва боғловчи;

В) Субъект, предикат ва ўрта термин; Г) Субъект, предикат, эга;

7. Боғловчининг мазмун (сифат)и жиҳатидан ҳукмларнинг хиллари.

А) Тасдиқ, инкор ва жузъий; Б) Тасдиқ, инкор ва мавжудлик;

В) Тасдиқ, инкор ва хусусият; Г) Тасдиқ ва инкор;

8. Субъектнинг ҳажми (миқдори)га кўра ҳукмларнинг хиллари.

А) Якка, жузъий ва умумий; Б) Якка, эҳтимол ва муносабат;

В) Якка, жузъий ва эътиборлик; Г) Умумий муносабат ва якка;

9. Ҳукмларнинг ҳажм (сон) ва сифат (мазмун) жиҳатидан биргаликда бўлиниши.

А) Жузъий тасдиқ (I), умумий тасдиқ (A), жузъий инкор (0), умумий инкор (E);

Б) Жузъий инкор (0), умумий инкор (E), жузъий тасдиқ (I), умумий тасдиқ (A);

В) Умумий инкор (E) жузъий инкор (0), умумий тасдиқ (A), жузъий тасдиқ (I);

Г) Умумий тасдиқ (A), жузъий тасдиқ (I), умумий инкор (E), жузъий инкор (0).

10. ҲУКМЛАРНИНГ ПРЕДИКАТ МАЗМУНИГА КЎРА ТУРЛАРИ

А) Мавжудлик, хусусият ва муносабат; Б) Мавжудлик, хусусият ва қўшувчи;

В) Мавжудлик, эҳтимолий ва эътиборли; Г) Зарурий, воқеий, муносабат;

11. ҲУКМЛАРНИНГ ОБЪЕКТИВ МОДАЛЛИГИГА КЎРА ТУРЛАРИ.

А) Эҳтимолий, воқеий ва айирувчи; Б) Эҳтимолий, воқеий ва шартли;

В) Воқеий, муносабат ва қўшувчи; Г) Воқеий, зарурий, эҳтимолий.

12. МУРАККАБ ҲУКМЛАРНИНГ ТУРЛАРИ.

А) Қўшувчи, айирувчи, шартли, инкор; Б) Қўшувчи, шартли, ишончли;

В) Қўшувчи, шартли ва эўтимолий; Г) Қўшувчи, шартли ва айирувчи;

13. ХУЛОСА ЧИҚАРИШ НИМА?

А. Буюм ёки ҳодиса ҳақида эҳтимолий фикр;

Б. Объектив воқеликни билвосита билиш;

В. Бир ёки бир нечта ҳукмлардан объектив воқеликдаги нарса ва ҳодисалар ҳақида янги ҳукм, билимни вужудга келтириш учун хизмат қиладиган тафаккур шакли;

Г. Бир ёки бир нечта тушунчаларнинг ўзаро алоқадорлигидан объектив воқеликдаги нарса ва ҳодисалар ҳақида янги тушунчани баён қилувчи тафаккурнинг махсус шакли;

14. ХУЛОСА ЧИҚАРИШНИНГ ТУРЛАРИ.

А. Асослар сонига кўра, асослар ва хулосанинг умумийлигига кўра;

Б. Индуктив, дедуктив, традуктив;

В. Дедуктив, индуктив, традуктив, силлогизм;

Г. Бевосита ва бавосита;

15. АСОСЛАР СОНИГА КЎРА ХУЛОСА ЧИҚАРИШНИНГ ТУРЛАРИ.

А. Бевосита ва асос; Б. Бевосита ва хулоса;

В. Бевосита ва силлогизм; Г. Бевосита ва бавосита;

16. СИЛЛОГИЗМНИНГ ТАЪРИФИ.

А. Икки ёки ундан ортиқ асослардан янги хулоса чиқариш;

Б. Бир асосдан чиқарилган бевосита хулоса;

В. Умумийликдан жузъийликка қараб хулоса чиқариш;

Г. Индуктив хулоса;

17. АСОСЛАР ВА ХУЛОСАНИНГ УМУМИЙЛИГИГА КЎРА ХУЛОСА ЧИҚАРИШНИНГ ТУРЛАРИ.

А. Традуктив, индуктив, дедуктив; Б. Индуктив, традуктив, дедуктив;

В. Дедуктив, традуктив, индуктив; Г. Дедуктив, индуктив, традуктив.

18. ИНДУКТИВ ХУЛОСА ЧИҚАРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТИ.

А. Билимимиз умумийликдан якка ва хусусийликка қараб боради;

Б. Билимимиз дедуктивликдан хусусийликка қараб боради;

В. Билимимиз полисиллогизм шаклида ифодаланади;

Г. Билимимиз якка, хусусийликдан умумийликка қараб боради.

19. АНАЛОГИЯ НИМА?

А. Моделлаштириб, мантиқий равишда эҳтимол хулоса чиқариш;

Б. Чинлиги ёки хатолиги амалиётда синалган хулоса;

В. Икки буюм-ҳодисанинг бир неча белгиларининг ўхшашлигидан бошқа белгилари ҳам ўхшашлиги ҳақида хулоса чиқариш;

Г. Эҳтимол характеридаги хулоса.

20. ИСБОТ ТУРЛАРИ.

А) Моддий ва мантиқий; Б) Бевосита ва билвосита;
В) Содда ва мураккаб; Г) Мантиқий ва моддий;

21. МАНТИҚИЙ ИСБОТНИНГ ТАРКИБИ.

А. Исбот асоси, исбот қоидаси, исбот усули;
Б. Исбот қоидалари;
В. Индуктив, дедуктив, традуктив исботлар;
Г. Исбот тезиси, исбот асоси (аргумент), исбот усули (демонстрация).

8 – мавзу: Жамият фалсафаси.

Мавзу режаси :

1. Жамият тушунчасининг моҳияти ва унинг тараққиёт босқичлари. Жамият ҳаётининг иқтисодий, маънавий, ижтимоий ва сиёсий асослари, уларнингўзаро бирлиги ва алоқаси..
2. Жамият тараққиётида тарихнинг мазмуни, йўналишлари ва концепциялари. Тарих фалсафаси.
3. Цивилазация тушунчаси ва унинг типлари. Маданият ва цивилизация мутаносиблиги..
4. Дунё халқлари маданиятидаги умумийлик ва фарқлар.

Мавзуга оид таянч тушунча ва атамалар:

Ижтимоий фалсафа, жамият, иқтисодий тизим, ижтимоий ишлаб чиқариш, моддий ишлаб чиқариш, маънавий ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш кучлари, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, мулк ва мулкчилик, маънавий тизим, ижтимоий онг, ижтимоий психология, мафкура, ижтимоий тизим, ижтимоий жамоа ва гуруҳлар, этник гуруҳ, табақа, синф, ижтимоий институтлар, сиёсий тизим, давлат, партиялар, сиёсат ва сиёсий онг, фуқаролик жамияти, сиёсий эркинлик, демократия, фуқаролик уюшмалари, тарих, тарих фалсафаси, тарихни билишга монистик ва плюралистик, чизиқли ва циклик (даврий), формацион ва цивилизацион ёндашувлар, тарихий тараққиёт, зарурият ва эркинлик, цивилизация, цивилизация типлари, тарихни билишга монистик ва плюралистик, чизиқли ва циклик (даврий), формацион ва цивилизацион ёндашувлар, маданият, моддий ва маънавий маданият, маданият тараққиёти қонунлари, маданиятда миллийлик ва умуминсонийлик, “оммавий маданият”.

1-савол баёни: Оламнинг моддий бирлиги тамойилига кўра жамият борлиқнинг, объектив реалликнинг кўринишларидан бири, унинг кичик тизимидир. Jamiyatning vujudga kelishi haqida ajdodlarimiz hayotining arxeologlar topgan va odamlarning ko‘plab avlodlari bosib o‘tgan murakkab va fojialarga to’la tarixiy yo’ldan dalolat beradigan izlarga qarab xulosa chiqarish mumkin. Jamiyatning kelib chiqishini ilmiy tavsiflash borasidagi qarashlar mehnat va mehnat qurollari nazariyasi doirasida amalga oshirilgan. Bu nazariyaga ko‘ra mehnat, so‘ngra burro nutq inson jamiyatini yaratgan.

Ҳозирги замон антропология ва этнография фанлари нуқтаи-назаридан одам бундан тахминан 5 миллион йиллар муқаддам шу Ер деб аталган Қуёш системаси таркибидаги сайёра – Она табиат ҳаракати натижасида тирик мавжудотлар ичида бир тур сифатида вужудга келган. Одам мия тузилишининг ҳайвонларникидан сифат жиҳатидан фарқ қилиши ва онгли меҳнат туфайли аста-секин физиологик ва интеллектуал (ақлий) жиҳатдан такомиллашиб бориб, бундан қариийб 50-40 минг йиллар бурун Кроманьон типидаги одам жамият бўлиб яшашга ўтган. Одамзотнинг жамият бўлиб яшаши учун маънавий маданият керак эди. Ана шу

эҳтиёжлар сабабли илгариги одам типлари (австралопитек, питекантроп, синантроп, неандерталь)даги инстинктлар ўрнини аҳлоқ нормалари эгаллаб борди. Натижада дунёнинг турли минтақаларида вужудга келган одамлар жамоасида рухсат ва таъқиқ тизими шаклланди. Ибтидоий жамият одамлари мифологик дунёқараш асосида шаклланган. Дастлаб улар сеҳрли кучлар борлигига ишонганлар, улардан нажот тилаб яшаш тарзига ўтганлар. Диний дунёқарашнинг шаклланиши туфайли рухсат ва таъқиқлар ўрнига савоб ва гуноҳ ҳақидаги тушунчалар таркиб топди; одамзотнинг кейинги уч минг йиллик маънавий маданияти ана шу қарашлар доирасида такомиллашиб борди. Давлатнинг демократик шакллари юзага келгач, жамият маънавияти қонун устиворлиги руҳида шаклланиб борди.

Жамият муаммоси қадимги юнон файласуфлари Платон ва Аристотель таълимотида жамият, давлат масалалари муҳим ўрин тутади. Платон жамиятга тизим сифатида ёндошиб, унинг таркиби, давлат бошқаруви ҳақида қимматли фикрлар билдирган. Аристотель жамиятни ўрганувчи фанлар орасида сиёсатга алоҳида ўрин берган. Унинг фикрича, жамият сиёсий мавжудотлардан ташкил топган.

Жамият тўғрисидаги изчил илмий-фалсафий қарашларнинг ривожланишига Марказий Осиё мутафаккирлари, қомусий билим эгалари: Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино сингари улуғ мутафаккирлар салмоқли ҳисса қўшганлар. Уларнинг илғор қарашлари кўп асрлар давомида ижтимоий муносабатларни такомиллаштириш, комил инсон шахсини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди ва ҳозиргача ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда.

Абу Наср Форобий асарларида жамият муаммоси фалсафий таҳлил қилинган. У Платон ва Аристотель асарларига таяниб, жамиятнинг келиб чиқиши асосида табиий эҳтиёжларни қондириш ётади, деган назарияни илгари сурган. Табиий эҳтиёж кишиларни бирлашишга, жамоага уюшувига, ўзаро ёрдамга олиб келган. Ўзаро ёрдам туфайли эҳтиёжлар қондирилган. Кишилар ўртасидаги ўзаро ёрдам жамиятни келтириб чиқарган. Инсоният жамияти турли халқлардан ташкил топган бўлиб, улар ўзаро бир-бирларидан тиллари, урф-одатлари, малакалари, хусусиятлари билан фарқланадилар.

Бутун тарих мобайнида одамлар ўзларининг атроф муҳитга таъсир кўрсатиш қобилиятларини тинимсиз ривожлантирдилар ва такомиллаштирдилар. Шу тариқа жамиятнинг табиат билан ўзаро муносабатлари ҳам ўзгариб борди. Бугунги кунда тарих, археология, география, этнография соҳасида ва бошқа фанларда мавжуд илмий маълумотлар табиатга антропоген таъсир инсониятнинг сон ва сифат жиҳатидан ўсишига мутаносиб равишда тинимсиз кучайиб боргани ва пировард натижада ижтимоий ривожланишнинг асосий босқичларини акс эттирганини тасдиқлайди. Бу босқичларнинг ҳар бирига атроф муҳит билан инсон муносабатларининг ўзига хос шакллари ва унинг онгида табиатнинг ҳар хил инъикоси хосдир.

Жамият ҳаёти ва ривожланишининг энг умумий қонунлари тўғрисидаги фалсафий фан соҳаси **ижтимоий фалсафа**дир.

Жамият – кишилар уюшмасининг махсус шакли, кишилар ўртасида амал қиладиган жуда кўплаб муносабатлар йиғиндиси; табиатнинг бир қисми; ижтимоий борлиқ.

Кишилик жамиятини ўрганадиган фан соҳалари кўп. Жамиятнинг иқтисодий ҳаёти иқтисодиёт назарияси, унда кечадиган тарихий жараёнлар тарих, жамиятни бошқариш соҳаси «Давлат ва ҳуқуқ назарияси»нинг тадқиқот объекти бўлиб ҳисобланади. Ижтимоий фалсафа бошқа фанлардан фарқли ўлароқ жамиятни ўз-ўзини ташкилловчи ва бошқарувчи яхлит бир тизим сифатида ўрганади ва бу тизимга хос бўлган қонунларни очишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Фалсафа фанида жамиятни англашнинг асосий тамойиллари қуйидагилар:

- Жамият моддий оламнинг, хусусан табиатнинг ўзига хос бир қисми, табиат ва унинг қонунлари ижтимоий ҳаётнинг мавжудлигини таъмин этади, яъни табиат – жамият ҳаётининг зарур шарти, деб ўрганилади;
- Жамият – бир бутун, яхлит ижтимоий организм, яхлит тизим сифатида таҳлил қилинади;

- Жамият – уни ташкил этувчи кишилар фаолиятининг мажмуидир, жамият ҳаётининг барча томонлари ва уларнинг ривожланиши кишилар ўртасидаги муносабатлар билан тақозолангандир. Шунга кўра ижтимоий ҳаётнинг моҳиятини кишилар амалий фаолиятининг таҳлили асосида билиш мумкин.

Жамият тўғрисидаги социологик фикр тарихида унга турлича таърифлар берилган. Бу тушунчани қуйидагича таърифлаш мумкин: **Жамият –** мураккаб бир бутун ижтимоий организм (тизим) бўлиб, кишилар фаолияти жараёнида улар ўртасида амал қиладиган ахлоқий, диний, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, мафкуравий ва ҳоказо муносабатларнинг, тарихан таркиб топган оила, дин, давлат, ахлоқ, сиёсат, ҳуқуқ ва шу каби ижтимоий институтларнинг мажмуидир.***(Қаранг:*** *Фалсафа: қомусий луғат.- Т.: Шарқ, 2004, 124-бет).*

Жамиятлар очиқ жамият, ёпиқ жамият, ахборотлашган жамият, фуқаролик жамияти каби шакл ва кўринишларга эга. Очиқ ва ёпиқ жамият тушунчаларини ижтимоий фалсафага инглиз олими Карл Поппер (1902-1994) киритган. У ёпиқ жамиятни тоталитар сиёсий тузумнинг маҳсули сифатида таърифлайди. Очиқ жамиятда фуқаролар шахс ҳисобланади. Бундай жамиятда муайян қарорларни қабул қилишда фуқаролар қатнашадилар. Карл Поппер очиқ жамиятни бозор иқтисоди (бозор эркинлиги) билан боғлайди[1]. Ахборотлашган жамият тушунчаси америкалик файласуф, социолог Олвин Тоффлер (1928 йилда туғилган) томонидан муомалага киритилган, у постиндустриал жамиятни ахборотлашган жамият, деб атайди. Ахборотлашган жамият деганда информация, ижодиёт ва интеллектуал технологиянинг аҳамияти ортиб борган жамият назарда тутилади. Бу жамият компьютерлар, лазер техникаси, биотехнология, ген инженерияси, информатика, электроника, телевидеокоммуникация ривожи билан боғлиқ равишда мавжуд бўла олади. Бу жамиятда асосий эътибор машиналарни ўзгартиришга эмас, балки кишилар онги ва маданиятини ўзгартиришга қаратилади.

Ижтимоий фалсафа фани доирасида идеал жамиятга нисбатан «фуқаролик жамияти» тушунчаси қўлланади. Гарчи фуқаролик жамияти тушунчаси истеъмолга нисбатан кейин киритилган ҳисобланса-да, аслида у ҳақидаги фалсафий фикрлар қадимий даврлардан шаклланган. Аристотель «Сиёсат» асарида фуқаролик жамияти муаммосига диққатини қаратган ва уни «полис» сифатида ифодалаган. Абу Наср Форобий «Фозил одамлар шаҳри» асарида фуқаролик жамиятига хос хусусият – бошқарувнинг жамоатчилик асослари ҳақидаги ғояларни илгари сурган.

Жамият моҳиятини фалсафий идрок этиш, унинг келиб чиқиши, таркиби, инсоннинг жамиятдаги ўрни ва роли каби масалалар ижтимоий фалсафанинг предметидир. Ижтимоий фалсафада жамият яхлит ва умумтарихий ривожланишда бўлган жараён сифатида моҳиятан ўрганилади. Инсон борлиғи ва ижтимоий жараёнлар умумий алоқадорликда таҳлил этилади. Барча ёндашувлар ва муаммоларнинг диққат марказида инсон билан жамият ҳамда жамият билан шахс ўртасидаги мураккаб ва кўп қиррали муносабатлар ётади. Зеро, фалсафий мушоҳададан мақсад охир-оқибат инсон, жамият, борлиқнинг моҳиятини, ўзликни англашдир. Мураккаб тизимга эга бўлган ижтимоий фанларнинг хусусий йўналишлари ёки махсус тармоқларидан (тарих, социология, психология, антропология, этнография, иқтисодий назария ва ҳ.лардан) фарқли ўлароқ ижтимоий фалсафа ижтимоий ҳаётни яхлит ва бир бутун ҳодиса, тизим сифатида ўрганади.

Ижтимоий фалсафа жамият тузилиши ва тарихий ривожланишидаги умумийликни очиши, ижтимоий ҳаёт соҳаларининг ўрнини кўрсатиб бериши, инсон борлиғи ва унинг ижтимоий моҳиятини ёритиши, инсоният тарихининг моҳиятини тушунтириб бериши билан бошқа хусусий ижтимоий фанлар учун ўзига хос методологик асос вазифасини бажаради. Бу услубий вазифани бажариш ижтимоий фанларнинг фундаментал йўналишлари орқали амалга ошади. Ўз навбатида, ижтимоий фалсафанинг ўзи ҳам бу фундаментал ижтимоий фанлар тадқиқотларига таянади, уларнинг натижаларини умумлаштириш билан ўзини услубиёт сифатида такомиллаштириб боради.

[1] Фалсафа. Қомусий луғат.-Т., «Шарқ» , 2004 йил, 331-332-бетлар

Жамият ҳаёти тузилмасининг **4та асосий соҳалари**, яъни жамиятнинг муҳим кичик тизимлари: иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий кичик тизимлардир.

Иқтисодий кичик тизим. Моддий ишлаб чиқариш. Иқтисодий кичик тизим ишлаб чиқариш фаолияти ва кишиларнинг бу жараёндаги муносабатлари шаклларининг мажмуидир. Шу боис иқтисодиёт соҳаси моддий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилишни ўз ичига олади. Ҳар бир жамият ўз мавжудлиги ва ривожланиши учун зарур табиий бойликларга эга. Аммо ижтимоий бойлик инсон меҳнати билан яратилади.

Кенг иаънода, "иқтисодий соҳа" деганда барча ижтимоий ишлаб чиқариш жараёни тушунилади: ишлаб чиқариш усули, ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари бирлиги, иқтисодиётнинг ўзаро алоқадорлиги ва ўзаро таъсирлари мажмуидир. Иқтисодий тизим моддий ва маънавий ишлаб чиқаришни ҳамда моддий ва маънавий хизматлар кўрсатишни ўз ичига олади.

Маънавий кичик тизим. Одамларнинг маънавий фаолияти жамият мавжудлигининг зарурий шартидир. Одамлар онгли мавжудотлар бўлиб, улар ўз тафаккури билан ижтимоийликнинг барча кўринишларини англаб етади. Бу жараёнда олимлар, рассомлар, журналистлар, турли партиялар ва ҳаракатларнинг мафкурачилари ва шу кабиларнинг ихтисослашган касбий маънавий фаолияти муҳим рол ўйнайди. Уларнинг нисбатан мустақил касбий фаолияти ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларига хизмат кўрсатади.

Жамият маънавий кичик тизимининг вужудга келиши ранг-баранг ижтимоий ва шахсий маънавий эҳтиёжлар билан белгиланади. Уларнинг энг муҳимлари – маърифий, ахлоқий, эстетик, диний эҳтиёжлардир. Уларни қондириш ахборот ва коммуникация турли воситаларининг мавжудлигини назарда тутади. Ахборот ва коммуникация ҳам шахс ва жамиятнинг муҳим маънавий эҳтиёжларидан бири ҳисобланади. Маънавий мулоқотга бўлган эҳтиёж маънавий эҳтиёжлар орасида алоҳида ўрин эгаллайди. Жамиятда бу эҳтиёжларни қондирадиган маънавий ишлаб чиқаришнинг алоҳида тармоқлари ва институтлари аста-секин вужудга келади. Булар: фан, ахборот ва коммуникация, таълим-тарбия соҳаси, адабиёт ва санъат кабилар. Улар турли маънавий эҳтиёжларни қондиришни назарда тутади. Масалан, Фан, яъни илмий институтлар ва олимларнинг турли-туман бирлашмалари табиат, жамият ва инсонни ўрганиш билан шуғулланади ва шу тариқа одамлар фаолиятини илмий жиҳатдан таъминлайди.

Ижтимоий онг маънавий кичик тизимнинг бош бўғини ҳисобланади. У билимлар, ғоялар, қарашлар, фикрлар, дунёқарашга доир мўлжаллар, қадриятлар ва ҳоказоларнинг бутун ранг-баранглигида намоён бўлади. Онг ижтимоий ҳаётда ижтимоий онг ва индивидуал онг кўринишларида намоён бўлади. ***Ижтимоий онг*** - жамиятнинг объектив ижтимоий-иқтисодий муносабатларини, моддий ҳаёт шароитларини ўзида акс эттирувчи ва унинг таъсирида шаклланадиган, жамиятнинг умумий маънавий ҳаёт даражасини ифодаловчи ҳис, туйғу, одатлар ва ахлоқ, ғоялар ва қарашларнинг мажмуидан иборат. Ижтимоий онгнинг тузилиши қуйидаги икки даражаларни ўз ичига олади: кундалик онг ва назарий онг; ижтимоий психология (руҳият) ва мафкура.

Ижтимоий онг шакл ва мазмун жиҳатидан ранг-барангдир. Ижтимоий онгнинг илмий, диний, ахлоқий, эстетик, сиёсий, ҳуқуқий, фалсафий шакллари фарқланади. Улар ўзи акс эттирувчи ҳодисалар мазмуни, моддийлашув шакли ва ижтимоий функцияларига кўра фарқ қилади. Ижтимоий онг шакллари кўп даражали тузилмалар бўлиб, ўзига хос кўринишга эга бўлган оддий ва назарий даражаларни, ижтимоий психология ва мафкурани ўз ичига олади.

Ижтимоий кичик тизим. Ижтимоий ишлаб чиқаришда меҳнат тақсимоти ва ихтисослашиш муқаррар тарзда ижтимоий табақаланишга туртки беради, ўзига хос вазифаларнигина бажарадиган, жамиятда маълум мавқега эга бўлган ва ўз манфаатларини илгари сурадиган нисбатан мустақил ижтимоий бирликлар ва гуруҳлар вужудга келишига сабаб бўлади. Шуни таъкидлаш лозимки, ижтимоий табақаланиш ва одамлар ўртасидаги тенгсизлик жамиятнинг табиий ҳолатидир.

Ижтимоий тенгсизлик вужудга келиши ва жамиятнинг ривожланишида мулк институти алоҳида рол ўйнаган. Мазкур институт вужудга келиши билан одамларнинг мулкий тенгсизлик билан боғлиқ табақаланиши кучайган. Алоҳида касбий фаолият сифатида ақлий меҳнат билан шуғулланадиган кишилар пайдо бўлган. Мазкур жараёнлар меҳнат тақсимотини фаоллаштирган. Айрим гуруҳларнинг алоҳида ажралиб чиқишига, бошқаларининг турли ҳамжамиятларга бирлашишига туртки берган. Ҳар қандай жамиятнинг ижтимоий тузилиши мазкур жамият тарихининг маълум давридаги муайян-тарихий ижтимоий бирликлар ва гуруҳларнинг ўзаро муносабатлари, ҳамда мазкур муносабатларни тартибга солувчи махсус институтлар ва муассасалар мажмуи билан тавсифланади.

Ижтимоий бирликлар ва гуруҳлар ижтимоий тузилманинг муҳим элементи ҳисобланади. Улар кишиларнинг умумий ижтимоий белгилари мавжудлиги билан ажралиб турадиган бирлашмаларидир. Ижтимоий бирликлар ва гуруҳлар турли асосларга кўра таснифланади. Жумладан, катта ва кичик ижтимоий гуруҳлар фарқланади. Кичик гуруҳ аъзоларининг яқинлиги, алоқаларнинг мустаҳкамлиги, муносабатларнинг норасмийлиги, бевосита шахсий алоқалар ўрнатилгани, умумий қадриятлар ва хулқ-атвор қоидалари амал қилиши билан тавсифланади. Кичик гуруҳга корхона, муассасанинг меҳнат жамоаси, оила мисол бўлиши мумкин. *Жамоа* – умумий фаолият, манфаатлар ва хулқ-атвор қоидаларининг бирлиги белгисига кўра уюшган кичик ижтимоий гуруҳ (масалан, меҳнат, ўқув, ҳарбий, спорт коллективлари). *Оила* – жамиятнинг никоҳга ёки қон-қариндошликка асосланадиган муҳим институти. Оилавий муносабатлар насл қолдириш учун зарур шарт-шароитлар яратадиган ва болаларни тарбиялаш, уларга жамиятнинг маданий анъаналарини сингдиришга қулай замин ҳозирлайдиган шахслараро ўзаро алоқаларнинг норасмийлиги билан ажралиб туради. Оилавий муносабатлар қариндошлик алоқалари билангина чекланмайди: улар оила аъзоларининг бир-бири олдида ўзаро маънавий жавобгарлиги, биргаликдаги меҳнат ва турмуш-турмуш ҳамда улар билан боғлиқ бўлган ва ҳуқуқ билан тартибга солинадиган мулкий муносабатлар билан мустаҳкамланади. Катта ижтимоий гуруҳлар – тарихий ривожланиш жараёнида вужудга келадиган синфий, этник, ҳудудий, ижтимоий-сиёсий ва бошқа гуруҳлардир. Улар шахс ва жамият ҳаётида жуда муҳим рол ўйнайди.

Сиёсий кичик тизим. Ривожланган ижтимоий тизимга эга бўлган жамиятда ижтимоий, этник ва диний табақаланишнинг кучайиши муқаррардир. Жамият ижтимоий муносабатлар тизимидан иборат экан, ижтимоий муносабатларин тартибга солиш, бошқариш зарурияти доимо мавжуд бўлган. Бошқарув – ижтимоий ҳаётнинг муҳим шарти, унинг алоҳида соҳасидир. Жамият бошқаруви икки хил: 1. Жамиятнинг ўз-ўзидан бошқарилиши. Бу икки шаклда: А – стихияли, анъана, урф-одат ва ҳоказолар йўли билан; Б – онгли ўз-ўзини бошқариш, оилавий муносабатларда, маҳалла кабиларда намоён бўлади. 2. Жамиятнинг махсус бошқарилуви. Бунда махсус бошқарув тизими, унинг турли элементлари ва уларнинг вазифалари мавжуд бўлади ва бундай бошқарувда мажбур этишлик жиҳати мавжуддир. Мавжуд мавқеидаги туб ўзгаришлардан келиб чиқадиган қарама-қарши манфаатларни кўзловчи ижтимоий бирликлар ва гуруҳлар мавжудлиги уларнинг ўртасида сиёсий муносабатлар юзага келишига сабаб бўлади. Бу манфаатларни мувофиқлаштириш зарурияти махсус бошқарув тизими бўлган жамият сиёсий тизимининг шаклланиши, тузилиши ва функцияларини белгилайди.

Сиёсий тизим жамиятда сиёсий муносабатларни тартибга солувчи давлат ва сиёсий ташкилотлар, институтлар ва муассасалар мажмуидир. Сиёсий тизим мураккаб тузилишга эга. Жамиятда фуқароларга нисбатан қонунийлаштирилган мажбурлов чораларини қўллаш йўли билан ўзининг сиёсий муносабатларни тартибга солиш борасидаги функцияларини амалга оширувчи давлат сиёсий тизимнинг бош элементи ҳисобланади. Давлат жамиятнинг муҳим ижтимоий-сиёсий институти бўлиб, муайян ҳудудда унга олий ҳокимият ваколатлари берилади. Бу ваколатлардан давлат одамлар, уларнинг гуруҳлари ва бирлашмалари хулқ-атворини бошқариш учун фойдаланади. Давлатнинг асосий белгилари:

1. Жамиятдан ажратилган халқ ҳокимияти. Ҳокимият – бир субъект (ҳокимият бошлиғи)нинг ўз ҳукми остидаги фуқароларга буйруқлар бериш, уларнинг бажарилиши устидан назорат олиб бориш ва уларни бажаришдан бўйин товлаган шахсларга нисбатан санкциялар қўллаш имконияти;

2. Суверенитет, яъни ўз мамлакати ҳудудида олий ҳокимиятга тўлиқ эгалик қилиш ва ташқи сиёсатда мустақиллик;

3. Ҳокимият чиқарган қонунлар ва унинг ваколатлари амал қилинадиган ҳудуд;

4. Бутун аҳоли учун мажбурий саналган қонунлар ва нормалар қабул қилиш мутлақ ҳуқуқи;

5. Давлат хизмати ходимлари, қуролли кучлар, мажбурлов органлари ва ҳоказоларни таъминлаш учун аҳолидан солиқлар ундириш ҳуқуқи.

Давлатнинг бошқарув шакли (яъни ҳокимиятни ташкил этиш усули) ва давлат қурилиши шакллари мавжуд. Бошқарув шаклларига кўра ***монархия*** ва ***республика*** фарқланади. Монархия қуйидаги белгилар билан тавсифланади: биринчидан – ҳокимият бир шахсга қарашли бўлади; иккинчидан – давлат бошлиғига ҳокимият мерос бўлиб ўтади. Давлат бошлиғининг ваколатлари ҳеч қандай конституциявий нормалар билан чекланмайдиган мутлақ монархиялар ва монарх ваколатлари конституция билан чекланадиган конституциявий монархиялар фарқланади. Республиканинг асосий хусусияти шундан иборатки, унда ҳокимият манбаи халқ ҳисобланади, зеро давлатнинг олий органларини халқ сайлайди. Парламент, президентлик республикалари ва аралаш республикалар фарқланади.

Парламент республикаси ҳукуматни парламент кўпчилиги тамойилига кўра шакллантиришни назарда тутади: қайси партия парламентда кўпчиликни ташкил қилса, шу партия парламентга ҳисобдор бўлган ўз ҳукуматини шакллантиради.

Президентлик республикаси давлат бошлиғи ва ҳукумат бошлиғи вазифаларини президент бажариши билан тавсифланади.

Аралаш республика (ярим президентлик республикаси)да кучли президентлик ҳокимияти ҳукумат фаолияти устидан парламентнинг самарали назорати билан уйғунликда амал қилади.

Давлат қурилиши шаклига кўра ***унитар, федератив ва конфедератив*** давлатлар фарқланади. Маъмурий бирликлари ўз давлатчилигига эга бўлмаган ягона, сиёсий жиҳатдан бир жинсли давлат унитар давлат ҳисобланади. Федерация – сиёсий субъектлар (штатлар, ерлар, федерация субъектлари ва ш.к.), ўз конституциялари, қонунчилик, ижро ва суд органларига эга давлатлар уюшмаси. Уларнинг мустақиллиги марказ билан федерация таркибига кирувчи субъектлар ўртасида ваколатларнинг тақсимланиши билан белгиланган чегараларга мувофиқ чекланади. Давлатлараро бирлашманинг алоҳида шакли конфедерация бўлиб, у мустақил давлатлар муайян ўзаро мақсадларга эришиш учун тузган доимий уюшмадир.

Ҳозирги давлатларнинг аксарияти ўз фаолиятини конституцияга мувофиқ амалга оширади. ***Конституция*** – сиёсий, ижтимоий-иқтисодий тузум асосларини, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва бурчларини, асосий давлат органларини таркиб топтириш механизми ва уларнинг фаолият тамойилларини, сайлов тизими асослари ва ҳоказоларни мустаҳкамловчи давлатнинг асосий қонуни. Конституция бошқарув ва давлат қурилиши шаклини белгилайди.

Сиёсий тизим мамлакатнинг сиёсий ҳаётида иштирок этувчи турли-туман партиялар, ҳаракатлар, ташкилотлар, институтлар, диний муассасалар ва таъсир гуруҳлари мажмуини ҳам ўз ичига олади. Сиёсий ташкилотлар давлат тузилмаларининг шаклланишига таъсир кўрсатади, ўз фаолияти дастурларини белгилайди, ижтимоий бирликлар ва гуруҳларнинг манфаатларини тегишли шиорлар, ижтимоий лойиҳаларда ифода этади ва уларни амалга оширишда қонуний воситалар билан иштирок этади. Уларнинг фаолияти ўз гуруҳларининг ўзгаларнинг манфаатларига зид бўлган ёки уларни камситадиган манфаатларини рўёбга чиқариш зарурияти билан белгиланади. Шу сабабли партиялар ва ҳаракатлар ҳокимият

обрўсига таянади. Ҳокимиятнинг аралашуви зиддиятларни тартибга солиш, манфаатларни мувофиқлаштиришга кўмаклашади.

Жамиятнинг юқорида санаб ўтилган кичик тизимлари ўзига хос вазифаларни бажаради ва бир-бири билан алоқа қилади. Shu o‘rinda savol tug‘iladi: ulaming o‘rtasida belgilovchi va belgilanuvchi muayyan ierarxiya mavjudmi? Jamiyat - yaxlit tuzilma va har bir mamlakat betakror tarzda o‘ziga xos, o‘zining betakror tarixi va madaniyatiga ega. Bu tarqoq ijtimoiy kichik tizimlami muayyan birlikka birlashtiradigan omillar mavjudligini nazarda tutadi.

Markscha falsafa nuqtayi nazaridan moddiy ishlab chiqarish hamda ishlab chiqarish vositalariga nisbatan mulkdorlik shakllariga asoslanadigan ishlab chiqarish munosabatlari tizim tashkil etuvchi omil sifatida qaraladi. Hozirgi vaqtda G‘arbdagi texnokratik oqim faylasuflari jamiyatning rivojlanish darajasini tavsiflovchi asos sifatida texnikaning rolini mutlaqlashtiradi. Ҳозирги замон фалсафасида етакчилик қиладиган қарашга мувофиқ жамиятнинг яхлит тавсифи цивилизация ва маданият тушунчаларида берилади.

2-савол баёни: Жамиятни фалсафий таҳлил қилишда фалсафа, хусусан, ижтимоий фалсафа бир қанча хусусий тармоқларни ўз ичига олади. Улар орасида **тарих фалсафаси, фалсафий антропология (инсон фалсафаси)** каби йўналишлар муҳим ўринга эга.

Тарихий жараёнларнинг фалсафий таҳлили билан тарих фалсафаси ёки историософия шуғулланади. У мустақил фалсафий фан сифатида ўзининг предмети, категориялар аппарати ва метологик ёндашувларига эга. Илк бор “тарих фалсафаси” тушунчасини Вольтер қўллаган. Немис маърифатпарвари Иоганн Готфрид Гердер (1744-1803) ўзининг “Инсоният тарихи фалсафасига доир ғоялар” (1784) асарида ушбу фан асосларини яратди. Демак, ***тарих фалсафаси – бу фалсафанинг тарихий жараён мазмуни, унинг қонуниятлари ва асосий йўналишларини тушунтириш билан шуғулланувчи, шунингдек тарихий билиш методларини асословчи бўлимидир.***

Тарихий жараён мазмуни ва унинг йўналиши муаммоси тарих фалсафасининг муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади. Унинг моҳияти кишилик жамияти ўзгарадими, агар ўзгарса, бу ўзгариш қайси йўналишда юз беради ва мазкур ўзгаришларни қандай даврийлаштириш мумкин, деган саволларга жавоб топишдан иборат.

XIX асрнинг 40-йилларида жамият ва унинг ривожланиш тарихига материалистик қараш шаклланган бўлиб, унинг асосчилари К. Маркс ва Ф. Энгельс уни *тарихий материализм*, деб номлашган. Бунда тарихнинг ривожланишига табиий-тарихий, қонуний жараён сифатида қаралиб, унинг асосини объектив шароитлар, жамият моддий ҳаёти эҳтиёжлари ташкил этади, улар асосий синфларнинг манфаатларида ўз аксини топади ва антогонистик жамиятда синфий кураш орқали намоён бўлади. Гегел ва Маркс тарих фалсафасининг умумий хусусияти шундаки, улар тарихга инсон онги ва иродасидан тамомила мустақил мавжуд, фақат олға қараб ривожланувчи қонуний жараён сифатида қараганлар.

XX асрнинг иккинчи ярмидан тарих фалсафасининг анъанавий муаммолари муайян ижтимоий фанлар тасарруфига ўта бошлади. Шу муносабат билан *позитивизм* тарих фалсафасининг интиҳоси ва унинг социология билан алмашганини эълон қилди. Айни шу даврда Шпенглер, Тойнби, П. Сорокин ва бошқаларнинг ижодларида тарих ривожига даврий ёндошувнинг янги вариантлари ҳам пайдо бўла бошлади.

Тарих фалсафасининг ривожланиши жараёнида тарихий билишга бир қатор методологик ёндошувлар вужудга келди. Уларнинг ичида *монистик* ва *плюралистик; чизиқли* ва *даврий; формацион* ва *цивилизацион* концепциялар каби дихотомик қарашларни келтириш мумкин. *Монистик* ёндошув доирасига марксистик таълимот ва постиндустриал жамият назарияларини киритиш мумкин. *Марксистик* таълимот ижтимоий ривожланишнинг устивор омили, деб ишлаб чиқариш усулини тан олади ва шу тамойил асосида инсоният тарихи ривожини муқаррар, бирининг ўрнини бошқаси эгаллайдиган беш асосий формациялар (ибтидоий жамоа тузуми, қулдорлик, феодализм, капитализм ва коммунизм)га ажратади. Иккинчи таълимот – *постиндустриал жамият концепцияси* техникани инсоният тарихининг асосий омили, деб ҳисоблайди ва жамият тарихини бирининг ўрнини кейингиси эгаллайдиган

3 та босқичга бўлади. Булар: анъанавий (саноатлашгунгача), саноатлашган ва постсаноатлашган (информацион) жамиятлар.

Плюралистик ёндошув инсоният тарихининг бирлигини инкор этиб, ўзаро боғлиқ бўлмаган ёки кам боғлиқ бўлган кўплаб ўзаро тенг қадрли тарихий тузилмалар – цивилизацияларнинг мавжудлигини тан олади, шу асосда инсоният тарихи ривожланишининг ягона тараққиёт жараёни эканлигини инкор этади.

Чизиқли (ёки прогрессистик - тараққиётпарварлик) ёндошув намоёндалари тарихий тараққиёт ғоясини жаҳон тарихий ривожи динамикасининг асосини ташкил этувчи умумий қонун сифатида қабул қиладилар. Бунда муайян мезонларга биноан инсоннинг барча табиий имкониятлари рўёбга чиқадиган ҳамда барча эҳтиёжлари қондирилиши мумкин бўлган мукаммал жамиятга етишишнинг босқичлари ва даврлари белгиланади. Бундай мақсадлар сифатида социалистик, коммунистик ва бошқа утопиялар кўрсатилади.

Чизиқли ривожланиш концепциясига муқобил бўлган *даврий (циклик) парадигма* намоёндалари инсоният тарихининг ягона тарихий ёки абадий мақсадга қараб ривожланишни инкор этадилар. Уларнинг фикрича, тарих айланма шаклда ҳаракат қилиб, охир оқибат ўзининг бошланғич ҳолатига қайтади. Ушбу назариялар қаторига маданий-тарихий ёки цивилизацион ёндошув ҳам киради. Унга биноан, инсоният тарихи – ҳар бири ўзига хос шаклланиш, ривожланиш ва инқироз босқичларига эга бўлган, ўзаро кам алоқадор ёки умуман боғлиқ бўлмаган локал цивилизациялардан ташкил топади.

Ҳозирги даврга келиб, формацион ва цивилизацион ёндошувлар дихотомияси доирасидаги баҳс-мунозара кескин тус олмоқда. Айниқса, постсоциалистик маконда бир неча ўн йилликлар давомида ҳукмрон бўлиб келган формацион, марксистик ёндошувнинг қийинчиликлар билан бартараф этилиши ёркин намоён бўлмоқда.

Формацион назария К.Маркс номи, у ишлаб чиққан жамият ҳақидаги таълимот билан боғлиқ. Умуман олганда, Маркс ўз давридаги глобал тасаввурларга, хусусан, Гегелнинг умумий қонуниятлар ҳамда ягона йўналишга эга бўлган жаҳон тарихи ҳақидаги ғояларга эргашган эди. Бу тасаввурлар тарихга материалистик ёндошув асосида қайта ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра инсоният тарихи *табиий*, ўз ички қонуниятларига эга бўлган, яъни кишилар онгига боғлиқ бўлмаган ҳолда содир бўладиган формацияларнинг алмашиниш жараёнидан иборат. *Формация* деганда қандайдир эмпирик жамият (инглиз, француз ёки бошқа) геополистик ҳамжамият (Шарқ, Ғарб) эмас, балки жамият ижтимоий тузилмасининг негизини ташкил этувчи умумият тушунилади. Яъни, формация – жамиятнинг муайян тарихий типидир. Ҳар бир формациянинг асосини ўзига хос ишлаб чиқариш усули ташкил этиб, унинг структурасида ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш қуроллари, уларнинг ривожланиш даражаси ва характери муҳим аҳамият касб этади. Улар ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳалари билан боғлиқ бўлиб, ишлаб чиқариш муносабатлари сиёсий, ҳуқуқий устқурмага, шунингдек, ижтимоий онгнинг бошқа шаклларига нисбатан асос, базис ролини ўйнайди.

Формацион таълимотга кўра, жамият қуйи шаклдан юқори шаклларга, ибтидоий жамоа тузумидан қулдорлик жамияти орқали феодализмга, ундан капитализмга ҳамда энг олий мақсад, инсониятнинг «олтин» асри коммунизмга қараб ҳаракат қилади. Бир формациядан иккинчисига ўтиш янги ишлаб чиқариш кучлари ва эскириб қолган ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасидаги зиддиятлар ҳамда ихтилофлар натижасида юзага келадиган ижтимоий инқилоб орқали содир бўлади. XIX асрнинг охири – XX аср ўрталарига келиб, формацион таълимот нафақат ижтимоий назария бўлибгина қолмай, балки кучли эътиқодга таянган *мафкуравий таълимот* даражасига кўтарилди. Социалистик тизим инқирозга юз тутгандан сўнг формацион таълимот танқиди айниқса постсоциалистик маконда янада кенгроқ ва кескинроқ тус олди. Ҳозирги замон тарихини, капитализм ривожи истиқболларини англашда, формацион таълимот хулосаларининг ҳақиқатга мос келмаслиги, «реал социализм» мамлакатларида амалга оширилган кенг қамровли социалистик тажрибанинг муваффақиятсиз интиҳоси макрсистча тарихий концепциянинг танқидида ҳал этувчи аргумент бўлди.

Формацион ёндошувдан фарқ қилиб, ***цивилизацион ёндошув*** ягона, яхлит тизимга туширилган таълимот сифатида шаклланган эмас. «*Цивилизация*» тушучаси (лот. civilize – фуқароларга, давлатга хос) илк бор XVIII асрда европалик маърифатпарварларнинг асарларида қўллана бошлади. У жиддий эволюцияга юз тутиб, ҳозирги пайтгача бир қанча маъноларда қўлланилади[22]. Дастлабки даврларда у табиат олами тузилишидан фарқли равишда *умуман инсоният*ни, унинг ижтимоий тузилишини *англатган* ва бирлик шаклда ишлатилган. Кейинчалик у *ёввойилик* ва *жоҳилликдан кейин келувчи* ижтимоий ривожланиш босқичини билдирган. Сўнгра у қадриявий хусусият касб этиб, маданият тушунчасига, айниқса, индивидуал ва ижтимоий хулқ-атвор нормативларига сингиб кетган *маънавий маданият*, яъни кишилар, халқларнинг менталлиги маъносига яқинлашиб қолди. Америкалик олимлар А.Кребер ва К.Клакхан 1952 йилда «маданият» терминининг 164 та таърифини эълон қилдилар ва кўп ҳолларда уни «цивилизация» термини билан бир қаторда қўлланилганлигини қайд этдилар[23]. «*Цивилизация*» ва «*маданият*» тушунчалари кўпинча синонимлар сифатида ишлатиб келинди.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан цивилизация тушунчасини бутун бир халқлар ва мамлакатларнинг ривожланган ҳолатига, «*олий даражадаги маданий тузилмалар*»га татбиқан, кўплик шаклида қўлланила бошланди. 1861 йилда Зальцбургда инсоният цивилизацион ривожининг ранг-барангли назариясини, тарихга *маданий-тарихий ёки цивилизацион ёндошув*ни шакллантира бошлаган маданий-тарихий мактаб пайдо бўлди. Н.Я. Данилевский (1822-1865), О.Шпенглер (1880-1936), А.Тойнби (1889-1975), П.А.Сорокин (1889-1968) ва бошқалар ушбу мактабнинг машҳур намоёндалари эди. Уларнинг ҳар бири «цивилизация» терминига ўз талқинларини берганлар: Данилевский – «маданий-тарихий типлар», Шпенглер – «Етук маданиятлар», Тойнби – «Локал цивилизациялар», Сорокин – «Маданий суперсистемалар» ғояларини илгари суришган. Уларнинг ичида энг оммавийлашгани «*локал цивилизациялар*» термини бўлди.

Шундай қилиб, *цивилизация* – тарихнинг маданий-тарихий концепцияси нуқтаи назаридан, - *социомаданий асосга кўра бир-биридан фарқ қилувчи мамлакат ва халқларнинг йирик ҳамда узоқ давом этадиган мустақил умумияти бўлиб, уларнинг ўзига хослиги табиий, охир-оқибат ҳаётнинг объектив шароитлари, шунингдек, ишлаб чиқариш усулига боғлиқ бўлади***.** Бу умумиятлар вужудга келиш, шаклланиш, инқироз ва барҳам топиш босқичларини босиб ўтдилар.

XX асрнинг охирларига келиб, айрим аналитиклар томонидан дунёнинг *икки ярим шарли* тузилиши ва тарихнинг *мегациклик* (мегадаврий) характери концепцияси илгари сурила бошлади[24]. Бу таълимотнинг заминида инсоният тарихини аввал бошданоқ Шарқ ва Ғарбга бўлинган социомаданий тизимлар тарзида талқин этиш ғояси ётади. Машҳур немис файласуфи *К.Ясперс* (1883-1969) ёзишича: «Дастлабки қутбланиш (Шарқ ва Ғарб) турли кўринишларда асрлар давомида ҳаётийлигини сақлаб келган… Юнонлар ва форслар, Рим империясининг Ғарбий ва Шарқийга бўлиниши, ғарбий ва шарқий христианлик, ғарб дунёси ва ислом, Европа ва Осиё – булар бирининг ўрнини бошқаси кетма-кет эгаллаган ушбу қарама-қаршиликнинг тимсолларидир…»[25].

Бу нуқтаи назарнинг тарафдорлари таъкидлашича, узоқ ўтмишдаёқ Шарқ ва Ғарб ўртасида муайян меҳнат тақсимоти вужудга келган. Улардан биринчиси – маънавий ташаббуслар билан чиққан бўлса (буюк жаҳон динларининг айнан Шарқда пайдо бўлганлиги ҳам бежиз эмас), иккинчиси – инновацион ғояларни илгари сурган. Инсониятни Шарқ ва Ғарбга ажратишни улар инсон миясини чап ва ўнг яримшарларига бўлиниши билан қиёслайдилар.

---

[22] Қаранг: История Востока. М., 1999. Т.1, 17-19-бетлар.
[23] A.Z.Kreber, Kluckhonc. Culture: A Critical Review of Concept and Deinitions. N.-Y. 1952. p.291.
[24] Қаранг: Философия истории. 29-32, 47-49-б.
[25] К.Ясперс. Смысл и назначение истории. М., 1991. 115-116-б.

Тарих фалсафасида ***тарихий тараққиёт ғояси*** ҳам муҳим ўрин эгаллайди. *Тараққиёт* ривожланиш жараёнининг қуйидан юксакка, норасо ҳолатдан баркамол ҳолатга ўтиш билан тавсифланувчи йўналишини англатади. Тараққиёт тушунчаси жамиятга татбиқан (бу ҳолда *ижтимоий тараққиётни* назарда тутилади) ва унинг айрим элементларига, жамиятнинг тузилиши ёки бошқа параметрларига татбиқан (бу ҳолда *фан-техника тараққиётини, маънавий соҳадаги, таълим, соғлиқни сақлаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги тараққиёт* назарда тутилади) сўз юритиш мумкин.

Тараққиёт *мезонларини* аниқлаш ижтимоий тараққиёт назариясининг баҳсли масаласи ҳисобланади. XVII аср мутафаккирлари инсон ақлини тараққиёт мезони деб ҳисоблаганлар. Кейинчалик ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиш даражаси шундай мезон сифатида эътироф этилган. Ҳозирги вақтда тараққиётнинг асосий мезонлари сифатида кўпинча ижтимоий-сиёсий, мафкуравий, гуманистик ва бошқа мезонлар қайд этилади. Бу мезонлар ёрдамида у ёки бу ижтимоий тизимлар, сиёсий режимлар, ижтимоий ҳаракатларнинг прогрессивлик даражасини аниқлаш мумкин.

Тарихий жараёнларнинг харакатлантирувчи кучлари. Инсоният тарихида тарихий жараёнларнинг харакатлантирувчи кучлари муаммоларининг моҳияти, нималарга боғлиқ? деган савол туғилади. Бошқа сўз билан айтганда, гап тарихий детерменизм, қандайдир тарихий ривожланишнинг ўзаро боғлиқлиги тўғрисида кетади. Файласуфларнинг кўпчилиги бундай ўзаро боғлиқлик мавжуд – жамият тарихига таъсир қилувчи маълум омиллар ва кучлар бор деб фараз қилдилар. Аммо, бу куч ва омилларни тушуниш ҳар хилдир.

Баъзи мутаффаккирлар жамият тарихий ривожланиши учун табиий омилларнинг аҳамиятини кўрсатдилар, масалан, француз тадқиқотчиси Монтеске ва Кузен бундай омил деб табиий климатик шароитларни ҳисоблайди, рус табиат тадқиқотчиси Мечников у ёки бу ҳудуднинг сув соҳасини (дарё, кўл, денгиз) инобатга олиш керак дейди. Немис файласуфи Гегел тарихнинг асосий кучини инсоният тарихи орқали ўз мақсадлари – эркинлик ва ўзини билишга эришиш, мутлақ руҳнинг ривожланишида деб билади. Бошқа немис файласуфи – Маркс, аксинча, маънавий омиллар аҳамиятини инкор қилиб, моддий омиллар – (моддий неъматлар ишлаб чиқариш усули, одамлар ўртасидаги ишлаб чиқариш муносабатлари, мулкка эгалик қилиш) нинг ҳал қилувчи ролини алоҳида таъкидлайди. XX аср Ғарб сциентлари инсоният тарихи тўғридан-тўғри фан ва техниканинг ривожланишига боғлиқ эканлигини кўрсатадилар.

Лекин тарихий детерминизм бўйича кўп қарашлар бўлишига қарамасдан, ҳозирги фалсафада кўп омилли тарихий детерминизм концепцияси мустаҳкамланмоқда. Унинг асосий ғояси шундаки, тарихнинг ривожланишига маънавий ва моддий каби ҳар хил омиллар таъсир қилади. Шу билан бирга маълум омилларнинг конкрет даврда, конкрет миллатлар тарихига таъсир жадаллиги ҳар хил бўлиши мумкин. Масалан, VII-IX асрларда Арабистон ярим ороли қабилаларининг тарихий ривожлоанишида янги дин – ислом муҳим рол ўйнади. Қадимги славянлар ҳаётида бу даврда диний омил бундай аҳамиятга эга бўлмади. География, моддий ва сиёсий омиллар оҳанг бердилар.

Умуман, кўп омилли концепциялар вариантларидан бирига биноан, тарихнинг харакатлантирувчи кучларини қуйидаги схемада кўрсатиш мумкин.



Табиий ва тарихий қонуниятлар	Буюк тарихий шахслар
Географик шароитлар	Ижтимоий гуруҳ ва синфлар
Космик таъсир	Халқ оммаси
Психокосмос таъсири	Тарих субъектлари
	Психокосмос таъсири

3-савол баёни: «Цивилизация»[26] тушунчаси, маданият тушунчасига ўхшаш катта аҳамиятга эга бўлган, кенг фойдаланадиган илмий тушунчадир. У Маърифат (XVIII аср) даврида илмий сўз бойлигига киритилган. Энг умумий маънода у ёввойиликка нисбатан инсон ва жамиятнинг ҳолатини англатади. Цивилизациялашган жамият нима? Бу эркинлик, адолат, ақл, қонунга асосланган жамият. Бу ерда моддий маданиятнинг ривожланиши ҳам муҳим рол ўйнайди. Шундай қилиб, одам анча тарихий пайтгача ёввойилик ҳолатида қолиб, маълум ҳолатга ўтгандан кейин цивилизация белгилари пайдо бўлди. Унга нима ёрдам қилди? Бунга файласуфларнинг фикрича меҳнат тақсимоти, синфлар ва товар-пул муносабатларининг вужудга келиши, давлатнинг пайдо бўлиши, маънавий маданиятнинг ривожланиши, ёзувнинг пайдо бўлиши, ибтидоий жамоада оилавий муносабатларнинг ўзгариши ва бошқалар.

Цивилизация (лот. civilis – фуқаролик, давлатга доир) атамаси ҳар хил маънода ишлатилади. Биринчидан – инсоният ривожланишида варварликдан кейин бошланган ва синфлар, давлат вужудга келиши, урбанизация ва ёзув пайдо бўлиши билан тавсифланадиган тарихий босқич. Мазкур талқинда «цивилизация» атамаси «жамият» тушунчаси билан қисман мос келади ва жамият ҳаётини ташкил этишнинг ижтимоий шаклини табиий вужудга келган уруғдошлик шаклларига қарама-қарши қўйишга хизмат қилади. Ҳозирги адабиётларда «цивилизация» атамаси ўзининг варварликка қарама-қарши сифатидаги дастлабки маъносини сақлаб қолмоқда.

Иккинчидан – барча маданиятлар яхлитлигининг тавсифи, уларнинг умуминсоний бирлиги сифатида («жаҳон цивилизацияси», «маърифатли ҳаёт тарзи» ва ш.к.) намоён бўлади.

Учинчидан – «моддий маданият» атамасининг синоними сифатида: қулай нарса, техника яратадиган қулайлик (турар жой, рўзғор техникаси, транспорт ва алоқа, хизматлар кўрсатиш ва ш.к.)ни ифодалайди.

Тўртинчидан – тарихий жараён бирлигининг тавсифи сифатида характерланади. Бу тушунча ижтимоий бойлик ривожланиши муносабати билан тарихнинг муайян босқичларига қиёсий баҳо бериш мезони бўлиб хизмат қилади. Айни ҳолда жамиятнинг ривожланиши «маърифатлилик», «цивилизация ривожланишининг қуйи босқичи», «цивилизациянинг умумий даражаси», «цивилизациянинг оралиқ босқичлари» тушунчалари билан тавсифланади. Аммо цивилизациянинг мазкур талқини ўзига тўқ эмас, чунки унинг ривожланиш даражаси ёки босқичини аниқлаш имконини берадиган мезон йўқ.

Жамиятнинг цивилизацион асослари цивилизациялар типологиясида айниқса бўртиб намоён бўлади. Бунда цивилизацияларнинг европача ва ноевропача типларини фарқлаш муҳим аҳамият касб этади. Бу фарқлар шу даражада каттаки, европача цивилизация қадриятлари узоқ вақт олий қадриятлар сифатида тавсифланган. Хўш, европача ва ноевропача цивилизациялар ўртасидаги фарқ нимада?

Цивилизацияларнинг типлари. Ноевропача цивилизациялар анча катта гуруҳни ташкил этади (А.Тойнби таснифига кўра, бундай цивилизациялар 21 та). Бу цивилизацияларнинг аксарияти бетакрор тарзда ўзига хос ва айни вақтда умумий типологик жиҳатларга эга. Булар европача цивилизациядан анча олдин вужудга келган анъанавий цивилизациялардир. Анъанавий жамият жуда суст ривожланади ва мавжуд ҳаёт тарзини асрлар ва ҳатто минг

[26] ***Цивилизация*** [*фр.civilization < лот.civilis – фуқарога хос,давлатга хос*] 1. Моддий ва маънавий маданиятнинг ижтимоий тараққиётида эришилган муайян босқич; маданий тараққиёт даражаси. 2. Маданият, тамаддун. 3.Маданиятнинг замон ва маконда чегараланган тарихий типи. 4. Инсониятнинг ёввойилик ва ваҳшийлик давридан кейинги ижтимоий тараққиёт босқичи.// Ўзбек тилининг изоҳли луғати.4-жилд. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти,2008. – Б.441.

йилликлар оша сақлашга қодир. Ноевропача цивилизацияларнинг хўжалик фаолияти қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик ишлаб чиқариши ва технологиясининг ҳукмронлигига асосланади.

Анъанавий цивилизациянинг маънавий соҳасида диний-мифологик тасаввурлар ҳукм суради, илмий билимларнинг дастлабки шакллари асосан мавжуд фаолият турлари учун рецептура вазифасини бажаради. Ноевропача цивилизациялар эволюцияси цикллилиги ва ўзига хос институтлар ва нормаларга эга бўлган давлат вақти-вақти билан дам кучайиб, дам заифлашиб туриши билан тавсифланади. Бундай жамият ҳалокати цивилизация типини ўзгартирмайди, у ижтимоий ворисийлик механизмлари ёрдамида авлоддан-авлодга ўтади.

Европача цивилизация ижтимоий ва маданий ривожланишнинг алоҳида типи бўлиб, у Европада тахминан XV-XVII асрларда шаклланган. Унинг ўтмишдошлари антик дунё маданиятлари ва Европа христианча анъанасидир. Уйғониш даврида бу икки анъана синтези техноген цивилизациянинг теран ўзига хослигини ва унинг техника ва технология жадал суръатларда ривожланишини, одамлар ўртасидаги ижтимоий алоқалар тубдан ўзгаришини таъминлаган маданиятини шакллантирди. Унинг замирида ҳуқуқий давлатнинг вужудга келиши, шахс ўз ташаббускорлиги, фаоллиги ва мустақиллиги билан олий қадрият сифатида ижтимоий ҳаёт марказидан ўрин олиши ётади. Одамлар ўртасида мулоқотнинг фаоллашуви ва самарали коммуникация воситалари пайдо бўлиши техноген цивилизациянинг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Маданиятда илмий оқилоналик алоҳида ўзига тўқ қадрият сифатида ҳукм суради. Инсон табиатни фаол ва оқилона тарзда ўзгартиришига имконият яратган қонунларнинг кашф этилиши фаннинг устунлигини тасдиқлайди. Унда янгилик ва унумдорлик, билувчи субъектнинг билими, эркинлиги ва мустақиллигини тинимсиз ошириш талаблари шаклланади.

Цивилизациянинг «европача» ва «ноевропача» типлари тушунчалари умумий, муҳим, жинс билдирувчи белгиларни қамраб олади. Мазкур типлар доирасида мавжуд турга оид фарқлар пировард натижада жаҳон тарихида европача цивилизациянинг бетакрорлигини эътироф этиш билан боғлиқ. Айрим мутахассислар фикрига кўра, у анъанавий жамият маданиятининг мутацияси натижасида вужудга келган ва инсоният тарихида унинг ўхшаши мавжуд эмас.

Шунга қарамай цивилизациялар типологияси европача ва ноевропача ривожланиш хусусиятлари билан чекланмайди, чунки инсоният тарихида озми-кўпми ўхшаш бўлган кўп сонли цивилизациялар мавжуд. Жумладан, маданий-тарихий бирлик белгисига кўра Ғарбий, Шарқий ва Жануби-Шарқий Европа мамлакатларини, шунингдек европача цивилизацияга мансуб бўлган, лекин ўз маданиятининг хусусиятига кўра фарқ қиладиган АҚШ ва Канадани фарқлаш мумкин.

Вужудга келиш ва ҳалок бўлиш даврига кўра ҳозирги замон цивилизациялари ва ўлик цивилизациялар (масалан, мексика, халдейлар ёки қадимги сомийлар цивилизацияси) фарқланади.

Цивилизациялар типологиясида маданий-диний бирлик белгиси айниқса муҳим аҳамият касб этади. А.Тойнби, С.Хантингтон ва бошқа олимлар таклиф қилган цивилизациялар таснифида диний омил муҳим рол ўйнайди. А.Тойнби таснифига кўра ҳозирги вақтда Ғарб-христиан, православ-христиан, ислом, ҳинд, Узоқ Шарқ цивилизациялари мавжуд.

О.Тоффлер, Д.Белл, К.Пекка ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражасини таснифлаш учун асос қилиб олиб, қуйидаги цивилизацияларни фарқлайдилар:

- илк цивилизация (архаик, анъанавий ёки ибтидоий жамоа);
- қишлоқ хўжалик-ҳунармандчилик цивилизацияси;
- индустриал (саноатлашган) цивилизация;
- ҳозирги постиндустриал ёки информацион цивилизация.

Шундай қилиб, ***цивилизация*** – тарихнинг, жамиятнинг сифатий ўзига хослигини, у ёки бу мамлакат доирасида амал қиладиган ишлаб чиқариш кучлари, инсон фаолияти, маданияти томонидан белгиланадиган умумий ижтимоий қонуниятларнинг спецификасини ифодалайди.

Буларнинг барчаси цивилизациянинг яхлит бир бутунлигини таъминлайди, бу сифатий хусусиятлар йўқолиши цивилизациянинг ҳалокатини англатади.

Демак, цивилизация тушунчаси муайян халқ, мамлакат, жамиятга ёки унинг ривожланишининг сифатий жиҳатдан фарқланувчи айрим бочқичларига нисбатан қўлланилгандагина аниқ илмий ва методологик мазмунга эга бўлади. Маданият эса цивилизациянинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Агар ишлаб чиқариш цивилизациянинг моддий асосини ташкил этса, маданият ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олиб цивилизациянинг қиёфасини, ўзига хос шаклланишини, мавжуд бўлиши ва ривожланишини белгилаб беради. Шу боис, цивилизация маданиятнинг конкрет намоён бўлишини, унинг реал мавжуд ҳаётини акс эттиради.

Шундай қилиб, жамиятнинг муҳим хусусиятлари ижтимоий ҳаётни ташкил этишнинг кенг кўламли шакли саналган цивилизацияга асосланади. Цивилизациялар вақтда ва маконда ўта барқарор бўлади, индивидлар ва ижтимоий гуруҳларнинг алоқаларини тартибга соладиган ва жамиятнинг моддий асосларини ҳам, маънавий асосларини ҳам белгилайдиган умумий нормаларга асосланади. Улар маданият ва ижтимоий муносабатларнинг умумий шаклларини яратиб, жамият ҳаётининг тизим ташкил этадиган муҳим асоси сифатида амал қилади. Цивилизация - авлодлар ворисийлигини таъминловчи тарихий тажриба манбаидир. Цивилизатсия ижтимоий ҳаётнинг барча омилларини: маданият ва маданиятсизликни, ютуқлар ва камчиликларни ўзида бирлаштиради. Маълумки, жамият ривожланишига қараб унинг нормалари эскириб боради. Улар мазкур социумнинг ўзгарган яшаш шароитлари билан тўқнашиб, унинг мавжудлигига тўғридан-тўғри таҳдид солади. Аммо муҳими шундаки, нормалар ўз ҳолича жамиятнинг сақланишини кафолатламайди, улар мазкур нормаларга амал қилишга, улардан ўз фаолиятида фойдаланишга, уларни ўзига хос тарзда талқин қилишга қодир бўлган одамларни шакллантиришни назарда тутади. Шу сабабли маданият цивилизациянинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Маданият –инсоният борлиғининг энг мураккаб ва кўп ўлчовли ҳодисалардан биридир. У кўп тармоқли структурага, кўп функцияларга, шакл ва ҳар хил турларга эга. «Маданият» атамаси арабча «мадина» сўзидан келиб чиққан бўлиб, «шаҳар» деган маънони англатади. Араблар кишилар ҳаётини икки турга ажратиб, бирини бадавий ёки саҳройи турмуш, иккинчисини маданий турмуш деб атаганлар. Тугаб бораётган Рим империясида, кейинчалик эса Ўрта асрларда ҳам маданият тушунчаси шаҳардаги турмуш тарзи ва цивилизация неъматлари билан боғланган. Марказий Осиёда маданият ахлоқ кўринишида шаклланган. Шу боис энг қадимги даврлардан ҳозирги кунгача ҳам юртимизда маънавий маданият, гўзалликка интилиш, санъатни қадрлаш кабилар устуворлик қилади. Уйғониш даврида маданият шахсий баркамоллик белгиси сифатида қаралган. Шу даврда маданиятни маънавий фаолиятнинг турли соҳалари: вужудга келаётган фан, ахлоқ, санъат, фалсафа, дин билан боғлаш одати пайдо бўлган. Маданият хулқ-атвор андозалари мажмуи сифатида, маънавий фаолият антик анъанасининг давоми сифатида эътироф этилган. Ушбу маънода маданият тушунчаси ижтимоий-илмий муомаладан ўрин олган XVIII асргача амал қилган.

Маърифат даври файласуфлари маданиятга инсон фаолиятининг алоҳида мустақил ва ўзига хос жабҳаси сифатида қарайдилар. Уларнинг талқинида жамият ва шахс ҳаётининг барча соҳаларида ақл, оқилоналик тамойилларининг қарор топиши маданиятнинг энг муҳим жиҳатидир. Ақлнинг вазифаси инсоният олдига умумий аҳамиятга эга бўлган мақсадларни қўйиш ва ижтимоий ўзгаришларни ўзига бўйсундиришдан иборат. Маърифат даврида маданият деб ҳисоблаш мумкин бўлган нарсаларни саралаш мезонлари яратилди. Маданий фаолият интеллектуал, ижодий, самарали, новаторлик руҳи билан суғорилган бўлиши, яъни нафақат яратиши, балки инсон имкониятлари соҳасини тинимсиз кенгайтириши лозим эди. Аммо маданиятнинг асл моҳияти, унинг ўзига хослиги инсон ақлининг мутлақ эркинлиги сифатидаги маънавий фаолият доираси билангина чекланарди.

Шундай қилиб, хулоса ўрнида маданиятни тушунтириш ва таъриф беришда бир нечта асосий ёндашув ва ғояларни қараб чиқамиз,

Биринчидан, *“Табиат” (ёввойи табиат)нинг “маданият” (инсоният жамият ёки табиатни яхшилаш) дан фарқи тўғрисидаги ғоя.* Бу ерда инсониятнинг фаол ижодий асоси ва унинг яратувчанлик фаолияти кўрсатилади. Бундай ёндашувда “жамият” ва “маданият” тушунчалари деярли бир бирига қўшилиб кетади.

Иккинчидан*, маданият жамият томонидан яратилган қадриятлар йиғиндиси тўғрисидаги ғоя.* Бу ерда ижтимоий ҳаётнинг қадриятлар (акциология) жиҳатига диққат қаратилади.

Бироқ, энг қамровлиси ***учинчи ёндашув*** бўлиб, унда маданият инсониятнинг барча *энг яхши ижодий ютуқларининг синтези* (ижтимоий жиҳат), шунингдек *одамга инсонийлик ўлчови* - унинг ақллилик ва жўшқинлиги ўлчови (шахсий жиҳат) сифатида қабул қилинади.

Маданиятнинг ҳозирги талқини мазкур тавсифларни ўз ичига олади. Маданият тушунчасининг мазмуни моддий ва маънавий қадриятлар, уларни яратиш, аждодлар тажрибасини ўзлаштириб, ундан янги қадриятлар яратиш учун фойдаланишга қодир бўлган инсонни шакллантириш усуллари тизимидан иборат.

Маданиятнинг ички тузилиши. Ҳар қандай маданиятнинг ички тузилиши унинг амал қилиш хусусиятлари билан белгиланади. Маданиятнинг борлиғи инсоният тажрибасини ўзида мужссамлаштирган алоҳида маданий предметлиликни яратувчи субъектнинг ўзига хос фаолияти билан таъминланади. Шундан келиб чиқиб маданиятнинг қуйидаги муҳим элементларини фарқлаш мумкин:

- маданият субъекти;
- инсон фаолияти;
- маданий предметлилик;
- маданиятнинг асосий функцияси – аждодлар маънавий тажрибасини сақлаш, авлоддан-авлодга ўтказиш ва ўзлаштиришни амалга ошириш билан боғлиқ одамлар ўртасидаги алоқалар.

Маданий предметлилик кенг тушунча бўлиб, у жамиятдаги билимлар, кўникмалар, меъёрлар ва қадриятларни гавдалантирувчи барча нарсаларни қамраб олади. У ***моддий маданият*** элементлари - моддий ишлаб чиқариш воситалари, маҳсуллари ва инфратузилмасини, рўзғор буюмлари ва шу кабиларни ўз ичига олади. Маданий предметлилик тил ва нутқда, ахлоқий хулқ-атвор ва санъат асарларида, ҳуқуқий ва сиёсий хулқ-атворда, илмий асарлар ва диний расм-русумларда мужассамлашган ***маънавий маданият***ни ҳам қамраб олади. Моддий ва маънавий маданият бир-бири билан узвий боғлиқ.

Маданиятнинг шакллари ва турлари. Маданиятни умумий тарзда икки асосий шаклга: маънавий ва моддийга ажратади. Бу бўлинишни шартли равишда қабул қилиш керак, чунки маънавий маданият ҳодисаси, одатда моддий маданиятнинг маълум шаклларида мавжуд. Масалан, муқаддас ёзувлар, ибодатхона деворларидаги расм, тошларда чизилган расм, манускрит (қўлёзма), китоб кўринишида мавжуд. Илмий ютуқлар маълум монографиялар, приборлар, аппаратлар, нарсалар ва қўшилмалар, карта, атласлар, қоғозда ёзилган формулалар ёки компютер хотираси каби шаклларида ҳам мавжуд.

Маънавий маданият шаклларига – маънавий таълимот, ахлоқ, мифология, дин, фалсафа, фан, хуқуқ, маориф, санъат ва бошқалар киради. *Моддий маданият шаклларига эса* китоблар, санъат ва ибодат предметлари, меъморлик, приборлар, машиналар, механизмлар, безак ва бошқалар дахл бўлади.

Инсон ва жамиятга нисбатан маданиятнинг икки тури – шахс маданияти ва ижтимоий маданият тушунчаси ишлатилади. Униси ҳам буниси ҳам маданиятнинг кўп жиҳатларини ўз ичига олади. Улардан энг муҳимлари: ахлоқий маданият, диний маданият, илмий – фалсафий маданият, сиёсий маданият, ҳуқуқий маданият, иқтисодий маданият, экологик маданият, эстетик маданият, турмуш маданияти, меҳнат маданияти, жисмоний маданят, овқатланиш маданияти.

Маданиятнинг ана шу жиҳатлари асосида инсон ва жамиятнинг маънавий, ижтимоий – сиёсий ва бошқа ривожланиш даражасини аниқ баҳолаш мумкин.

Маданият функциялари. Ижтимоий ҳодиса сифатида маданият кўп сонли функцияларни бажаради ва жамият ривожланишида муҳим рол ўйнайди. Маданиятнинг асосий функцияларига:

- маърифий, яъни билиш (эвристик) функцияси. Инсон руҳининг ҳар хил ижодий ютуқларида ***объектив воқеликни акс эттириш.*** Маданият инсон дунёсини ўзлаштиришнинг алоҳида услуби бўлиб, унда унинг ҳар хил шакллари (дин, фалсафа, фан, ҳуқуқ, санъат ва бошқалар) инсоният тажрибаларини тизимлаштириш ва дунёни тушунишнинг (рационал, сезги, иррационал, анъанавий) воситалари ҳисобланади.

- ахборот (информатив) функцияси. *Янги авлодларни ижтимоийлаштириш ва тўпланган тарихий тажрибаларни етказиш.* Бошқача айтганда, маданият инсоният барча ютуқларининг тўпланган, сақланадиган жойи. У янги авлодларни аждодлар ютуқлари ва тажрибаси дунёсига киритади, уни қабул қилиш ва ўзлаштиришга имкон беради.

- коммуникатив (алоқа, муносабат, мулоқот ўрнатиш) функцияси;

- тартибга солиш (регулятив) функцияси. Илмий билимлар, ғоявий ва сиёсий фармойишлар, юридик қонунлар, ижтимоий тарз ва диний анъаналар, ахлоқ меъёрлари ёрдамида ***одамлар ҳаётини ташкил қилиш ва тартибга солиш.***

- баҳолаш (аксиологик) функцияси кабилар киради. *Инсон ва жамиятни такомиллаштириш.* Асрлар тажрибасини йиғиб, маданият, санъат ва маънавий ясамалик, билим ва амалиёт, ахлоқ ва ҳуқуқ ютуқларининг тарихий аҳамиятини кўриш ва баҳо беришда одамга имкон беради.

Маданият инсон фаолиятининг барча жабҳаларини қамраб олади, жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий кичик тизимларини бирлаштиради. Аммо маданий жараён чегараси цивилизация, унинг меъёрлари билан белгиланади. Маданият цивилизацияда чуқур илдиз отган бўлиб, у билан бир жон ва бир тан ҳисобланади. Маданият ва цивилизациянинг ўзаро алоқаси шу даражада кучлики, аксарият файласуфлар ва олимлар бу тушунчаларни айний деб ҳисоблайдилар.

Демак, ***маданият – инсоннинг фаолияти жараёни ва унинг оқибатида яратилган моддий ва маънавий қадриятлар бўлиб, шахсни шакллантириш ва камолотида муҳим омил бўлган ижтимоий ҳодисадир.***

4-савол баёни: Маданият кўпхиллиги ва маданиятлараро диалог (мулоқот). Фалсафий нуқтаи назардан қараганда инсоният тарихи бир бутундир. Шу билан бирга, тарихнинг турли босқич ва даврларида ҳар хил мамлакат ва халқлар маданиятининг фарқ қилишини инкор қилиб бўлмайди. Маданиятнинг кўп хиллиги ижтимоий-тарихий омил бўлиб, ягона тарих ва дунё цивилизацияси тўғрисида гап кетганда уни эътиборга олиш керак бўлади.

XX аср охирларида ижтимоий можароларда сиёсий фарқлар эмас, маданий фарқлар биринчи ўринга чиқди. Улар юзаки жойлашган бўлиб, муаммоларни тинчлик ёки зўравонлик йўли билан ечишга ҳамма вақт таъсир қилдилар. Улардан асосийси – индустриал ривожланган ва қолоқ мамлакатлар, халқлар ва мамлакатлар диний маданияти ўртасидаги фарқдир.

Ҳар хил маданиятларнинг тинч – тотув яшаши мумкинми? Бу саволга ҳозирча ягона жавоб йўқ. Бироқ, маълумки, ҳозирги дунёда бирон бир миллий маданиятнинг устунлик

қилиши мақсадга мувофиқ эмас. Ўзаро билиш, тушуниш, ҳурмат ривожланиши, қадриятлар ва ютуқларнинг ўзаро алмашиниш имкониятларининг очилиши учун маданиятларнинг кенг мулоқоти зарур. Юқори ривожланган ва иқтисодий қолоқ мамлакатлар ўртасида ижтимоий ҳамкорлик зарур. Чуқурлашиб бораётган сиёсий ва иқтисодий глобаллашув шароитида, унда ўзининг муносиб жойини эгаллайдиган миллий-тарихий маданиятлар прогрессив ютуқларининг ягона дунё ***интермаданий маконни*** шакллантириши жуда долзарб аҳамиятга эга бўлмоқда.

Юксак маданият ва «оммавий маданият». XX асрда "оммавий маданият" деб аталган янги ижтимоий ҳодиса пайдо бўлди. У бошқа – анъанавий, ҳақиқий ёки баъзи назариячилар айтганидек, "юксак маънавият"га қарама–қарши қўйилади. Юксак маънавият оммавий эмасми, деган савол пайдо бўлади. Объектив айтганда – йўқ. Инсоният тарихида одатда фақат саводли ва бой одамлар, диний элиталар, ҳарбийлар, сиёсий элита вакиллари юксак маданият мевaларидан фойдаланганлар. Масалан, Россия ёки Америкада аҳолининг асосий оммаси Нютон механикаси, Шекспир сонетлари, Уйғониш даврининг рассомлари, араб астрономияси, ҳинд файласуфларининг трактатлари, антик демократия тўғрисида озми-кам билармиди?

XX асрда бу вазият кескин ўзгара бошлади. Миллий озодлик ҳаракати, социализмнинг қарор топиши ва ғарб демократиясининг ривожланиши, кенг индустриялаштириш ва урбанизация, саводи етишмаганлиги туфайли "юксак маънавиятни" қабул қилишга қодир ва тайёр бўлмаган миллионлаб одамларни тарих саҳнасига чиқариб юбордилар. Уларга бошқа тушунарлироқ, етарлироқ ва ғоявий яқин маданият, аниқроғи – қандайдир алмаштирувчиси талаб қилинди. У ўзини узоқ куттирмади. Адабиёт, киноиндустрия, бадиий саънат, эстрада, ОАВ лари ўрта, кўп миллионли омма вакилларининг дунёқараши ва эстетик эҳтиёжларига мўлжалланган асарларни жадал яратиб, эшиттира бошлади. Шундай қилиб, юксак маданиятнинг соддалаштирилган, ҳажвий ўрнини босадиган – оммавий маданият пайдо бўлди.

Учинчи минг йиллик давлатлараро, шахслараро муносабатларнинг мураккаблашуви, бир томондан, жамият маънавий маданиятининг юксалиши ва иккинчи томондан унинг таназзулга юз тутиши билан бошланди. Дунё олимлари ва давлат раҳбарлари инсон камолоти омиллари ҳақида фикр юритар экан, албатта оммавий маданиятнинг салбий таъсирини эслаши одатга айланди. Масалан, XX аср охирида ЮНЕСКО комиссиясининг мажлисида "Оммавий маданият ва оммавий коммуникация икки аср оралиғидаги ҳодиса. Иқтисодий нуқтаи назардан оламнинг шаклланиши йирик саноат ривожланиши оқибатида маданият соҳасидаги ўзгаришларда намоён бўлди. Натижада йирик саноат ишлаб чиқариши пайдо бўлди ва ахборот ҳамда маданият алмушинуви суръатлари кучайди" деб алоҳида таъкидланган. АҚШнинг собиқ давлат котиби З.Бзежинскийнинг "Агар Рим дунёга ҳуқуқни, Англия парламент фаолиятини, Франция маданият ва республикача миллатчиликни берган бўлса, Америка илмий техникавий тараққиётни ва оммавий маданиятни берди" деган фикрида оммавий маданиятнинг ўчоғи Америка эканлигига ишорани кўриш мумкин. Аслида ҳам вазият шундайми? Биз кейинги йилларда қайта ва қайта қоралаётган "Оммавий маданият"нинг ўзи нима?

Оммавий маданият ўзининг соддалиги ва мураккаблиги билан аҳамиятлидир. Ҳозирги экран маданияти, компютер технологиялари ривожланган даврда оммавий маданиятнинг асл моҳиятини ижтимоий таҳлил қилиш, билиш ва тегишли хулоса чиқариш мақсадга мувофиқ.

Оммавий маданият тушунчаси XX асрнинг 30-йилларида пайдо бўлган ва 1944-йилда Д. Макдоналднинг "Оммавий маданият назарияси" номли асарида биринчи марта илмий изоҳланган. Юз йил давомида оммавий маданият ҳодисасига ижтимоий-сиёсий, психологик, эстетик, назарий ва мафкуравий нуқтаи назардан баҳо беришга ҳаракат қилинган. Баъзилар омма фойдаланишни мўлжаллаган бадиий маданиятни оммавий санъат, тижорат маданияти, онг индустрияси, бозор маданияти билан боғлаган.

Оммавий маданият бу нафақат фильм ва мусиқа, адабиёт ва тасвирий санъат ва

оммавий ахборот, балки турмуш тарзидир. Айниқса, XX асрда у кенг ривож топди. Ундан воз кечиш ёки қочиб қутулиш мумкин эмас. Компютер асрида оммавий маданият ўз ривожланишининг янги босқичига кўтарилди. Турмуш тарзи сифатидаги оммавий маданият ижтимоий маконни тўлиқ қамраб олади: бу бизнинг суҳбатлашиш маданиятимиз, шахслараро муносабатлар типи, эшитаётган қўшиқларимиз мазмуни, дам олиш маданиятимиз ва бошқа барча ҳаётимиз билан боғлиқ жараён. Оммавий маданият анъанавий турмуш тарзини тўлиқ ўзгартиради.

Оммавий маданият таъсирида ан'аналар ва уларга муносабат ўзгаради. Анъана бузилиши мумкин бўлмаган қонун ёки ҳаёт меъёрлари бўлиб, у объектлар орасида муайян масофани шакллантирган. Масалан, инсониятнинг табиатга, ерга, оилага муносабатлари ўзгариб борган. Анъаналарнинг бузилиши, муносабатлар меъёрининг бузилишига табиийликнинг камайиши ва сунъийликнинг ортишига олиб келади. Масалан, илгари қўшниларнинг муносабатларида табиийлик устувор бўлган бўлса, ҳозирги кунда у сохта мулозамат билан алмашмоқда.

Оммавий маданият ва омма учун маданият тушунчаларидаги фарқларни тушуниш муҳим аҳамиятга эга. Бу тушунчалардаги умумийлик тушунарлилик билан изоҳланади. Омма учун маданият совет давридаги халқ учун санъат ғояси билан ҳамоҳанг. Оммавий маданият эса товар-пул муносабатларининг таркибий қисмидир. У имиджни шакллантиради. Омма учун маданият ижтимоий психологик тарғиботнинг таркибий қисми. У оммавий ижтимоий муҳит талабларига жавоб сифатида амал қилади. (масалан, совет давридаги фабрикалардаги аёлларнинг униформаси). Ҳар икки ҳолатда ҳам умумий жамоа эътиборини жалб қилиш мақсади ётади.

Мутахассислар оммавий маданият ривожланишининг ижобий ва салбий томонларини қайд қилдилар. Ижобий томони шундаки, биринчи марта инсоният ютуқлари ҳар кимга тушунарли бўлди. Газеталар, журналлар, китоблар, музейлар, театрлар, радио ва телевидение, XX аср охирида интернет маданият дунёсига кириш учун энг кенг имкониятлар очилди.

Бироқ, оммавий маданият кўпинча ўзининг кўринишларида одамни руҳлантириш ва такомиллаштиришга кам ёрдам беради У бошқа қадриятлар ва идеалларни – кучлининг ҳуқуқи, пул ҳокимияти, пасткаш инстинктлар эркинлиги, техницизмни ўстиради. У зерикарли ҳаёти билан калтабинларга йўналтирилган бўлиб, оддий сюжетлар, образлар ва ғоялардан фойдаланади. У одамларга тайёр, андозали қарорлар тавсия қилади, лекин тушунишга, ўйлашга, баҳолашга, ахлоқий танлашга ўргатмайди. Файласуфлар, руҳшунослар, социологлар ва педагоглар шунга якдилки, маданиятнинг бундай ўрнини босадигани болалар, ўсмирлар, ҳатто катталарнинг онгига бузғунчи таъсир қилади.

Оммавий маданиятнинг оммавий таъсири билан одам ахлоқий бузила бошлайди. У муаммони ҳал қилишнинг зўрлик йўлидан бошқасини кўра олмайди. У пул билан ҳокимиятни дўстлик, шараф, ижод, муҳаббат ва бурчдан юқори баҳолайди. У ҳаётнинг асл маъносини унутиб, уни сезги лаззати билан алмаштиришга уринади.

Аксилмаданият XX асрнинг иккинчи ярмида шаклланди. Аксилмаданият тушунчаси XX асрнинг 60-йилларида америкалик социолог Т. Роззаку томонидан илмий муомалага киритилган. Аксилмаданият оммавий жараён бўлса-да, у том маънода оммавий маданият бўла олмайди. Аксилмаданият хиппи ва панклар фаолияти билан боғлиқ рок мусиқада ўз ифодасини топади. Аксилмаданият асосини мавжуд анъанавий воқеликка қаршилик ташкил этади. Аксилмаданиятнинг ватани Калифорниядир. Аксилмаданият “Мен бошқаларга, уларга қарши” асосий ғоясини ва ахлоқий позицияни ҳимоя қилади. Аксилмаданият шок ҳолатини устувор билади, у қанча кўп мавжуд ахлоқ нормалари чегарасини бузса, шунча ҳузурланади. XX асрнинг 70-йилларида рок-эстрадада ўз ифодасини топган аксилмаданият билан панклар ва металистлар ҳаракати бошланди. Бу ҳаракат вакилларининг қаршилиги мусиқада эмас, балки хулқ-атворда намоён бўлган. Турли рангларга буялган сочлари, ҳар хил тақинчоқлар билан аксилмаданият вакиллари одамларга ҳужум қилиши, уларни қўрқитиши ва бу билан ўзини қаноатлантириши мумкин бўлган. XX асрнинг охирида ёшларнинг рок маданиятида намоён бўлган аксил маданияти ўз кучини йўқотди.

Популяр (машҳур) маданият - омма томонидан қабул қилиниши муайян даврда кенг тарқалиши мумкин бўлган маданият. Бу маданият оммавий маданиятнинг таркибий қисми

сифатида амал қилади. Бироқ географик белгиларига кўра оммавий маданият популяр маданиятга нисбатан кенг тушунча. Санъат нуқтаи назаридан оммавий маданият тижорат мақсадларини кўзда тутади. XX асрнинг 70-йилларида "Маҳаллада дув дув гап", "Ёр-Ёр", "Учрашув" каби филмлар оммавий аудитория учун оммавий кино ҳисобланган. Бироқ у оммавий маданият бўла олмайди. XX асминг 90-йилларида С.Спилбергнинг "Юра даври парки" фильми ҳақиқий оммавий маданиятнинг намунасидир. Чунки филмнинг суръатга олиниш жараёнининг рекламаси, фильм қаҳрамонлари суръатлари туширилган майкалар, кепкалар, кружкалар значокларнинг сотилиши том маънода тижорат мақсадларига йўналган

Оммавий маданият фаол, у чегара билмайди, популяр маданият эса чегараланган. Масалан, XX асминг 80-йилларида Юлдуз Усмонованинг эстрадаси популяр маданият ҳисобланса, 90- йилларда соф оммавий маданият сифатида намоён бўлади. Бу Юлдуз Усмонованинг илгаригидан яхши қўшиқ айтганини ифодаламайди. Унинг ижоди оммавий ахборот воситаларида доимий ёритила бошлади, турмушга чиққани, ажралгани ва яна турмушга чиқиши, қизининг турмушга чиқиши ва ажралиши оммалашиб кетди ва бунда ахборот коммукация воситаларидан унумли фойдаланилди. Популяр маданият сиёсийлашмайди.

Жуда маълумки, агар жамият оммавий маданият соҳасини бошқа олижаноб қадриятлар ва идеаллар билан тўлдирмаса, жиноятчилик ва наркоманиядан тортиб, то ўзини ўзи ўлдириш ва руҳий касалликларгача бўлган салбий ижтимоий ҳодисаларнинг ўсишини прогноз қилиш мумкин. Асл маданиятни ҳимоя қилишга, оммавий онгга унинг таъсирини оширишга ўта зарурлик ҳис этилди. Кўп мутафаккирлар ахлоқий инқироз ва ижтимоий нуқсонлардан қутулиш воситаларини шунда кўрдилар.

Шахс маданияти. Ҳозирги ҳаётда биз "маданиятли одам" деган тушунчани тез-тез ишлатамиз. У нимани англатади? Маданиятли одам қандай бўлиши керак, у нимани билиши, қила билиши, ўзини қандай тутиши, одамларга қандай муносабатда бўлиши керак?

Маълумки, одамни "маданиятлаштириш"да маориф муҳим рол ўйнайди. Маълумотли одам – масъулиятли одам деган фикр бор. Балким шундай бўлиши керакдир. Бироқ амалда ҳамма вақтда ҳам шундай эмас. Ҳозирги маориф тизимининг фожеаси шундаки, у баъзан ёш одамга ахборот беради, касбий малакага ўргатади, лекин унинг умуммаданий имкониятини кам ривожлантиради. Унинг ҳар томонлама жўшқинлигига кам ёрдам беради Натижада ўзининг касбидан бошқани билмайдиган, қилаолмайдиган ёмон бўлмаган мутахассислар пайдо бўлади. Ўз ҳаёти маъноси ва унинг ахлоқий тамойилларини билмайди; қийинчиликка қарши туришни, жамиятда ўзини тутишни билмайди, ўзининг яқинлари ва табиат тўғрисида ғамхўрлик қилаолмайди.

Маданиятли одам – бу жўшқин, ҳар томонлама ривожланган шахс. Юқорида биз шахс маданиятларининг асосий жиҳатларини қайд қилдик. Кўрдикки у нафақат билимдан, балки одоб – ахлоқ қоидаларидан ҳам иборатдир. Унинг асосини ўз онги орқали сезилган, англаган шахсий дунёқарашнинг фундаментал блокида қайта ёритилган ахлоқий, фалсафий, ҳуқуқий тамойиллар ташкил қилади. Маданиятли одам – ахлоқий пок, ҳуқуқий, фалсафий фикрлайдиган ва эстетик нафис шахсдир.

Ҳозирги ҳаётда сиёсий, экологик ва касб-меҳнат маданияти катта аҳамиятга эга. Демократия шароитида сиёсий жараёнлар ва дастурлар моҳиятини тушуниш ўта муҳим, ахир маълум партияларга ёки сиёсий лидерларга овоз бериб, биз ўз келажагимизни бошқарамиз, ўз тақдиримизни танлаймиз. Фан-техника инқилоби ва саноат ишлаб чиқариши ривожланиши шароитида инсоннинг технологик қудрати олдида табиатнинг ҳимоясиз эканлигини англаш муҳим, шунинг учун ҳам табиат билан ўзаро фойдали ҳамкорликка интилиш керак. Одамнинг меҳнат фаолияти маданиятдан чеккада тура олмайди. *Меҳнат маданияти* ўз мажбуриятига жавобгарлик муносабатида бўлишни, юқори сифатга интилиш, касбий ахлоқ – одоб, маҳсулотини эстетик такомиллаштиришни талаб қилади.

Ҳозирги ҳаётда турмуш ва жисмоний маданият, овқатланиш маданияти муҳим аҳамиятга эга. Тўғри ташкил қилинган турмуш, машқлар ва соғлом овқатланиш ёрдамида организмнинг жисмоний тонусини ушлаб туриш, зарарли одатларни (ғазабланиш, бебошлик,

алкогол ва наркотикка қизиқиш, чекиш) тугатиш, нафақат одамнинг умумий маданий ривожланишига ёрдамлашади, балки унинг умрини узайтиради, ижодий имкониятларини, ишчанлигини оширади.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун назорат саволари:

1. Жамият деганда нимани тушунасиз?
2. Тарихга формацион ва цивилизацион ёндашувлар тўғрисида нималарни биласиз?
3. Тарих фалсафасида тарихий тараққиёт ғояси ва унинг мезонлари хусусида қандай қарашлар мавжуд?
4. Тарихда шахснинг ролини қандай тушунасиз?
5. Жамият ҳаётининг асосий соҳалари қайсилар?
6. Фуқаролик жамияти тушунчасини қандай тушунасиз?

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари (тест):

1. Жамият тушунчасига қайси таъриф тўғри берилган?====

Жамият -уни ташкил этувчи кишилар фаолиятининг мажмуидир.====

Кишилар фаолияти жараёнида улар ўртасида амал қиладиган ахлоқий, диний, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, мафкуравий муносабатларнинг, тарихан таркиб топгпн оила, дин, давлат, ахлоқ, сиёсат, ҳуқуқ ва шу каби ижтимоий институтларнинг мажмуидир.====

Жамият-одамларни уюштиришнинг тарихий шаклларидир.====

Ижтимоий фалсафа-жамият ҳаёти ва ривожланишининг энг умумий қонунларини тўғрисидаги фан соҳасидир.====

2. Тарихий тараққиётга нисбатан қандай методологик ёндошув концепциялари мавжуд?====

Монистик ва плюралисик; чизиқли ва даврий; формацион ва цивилизацион.====

Иқтисодий, коммуникация воситалари, айирбошлаш ва истеъмол қилиш.====

Оила, давлат, жамоа, қишлоқ, шаҳар.====

Полис (Аристотель “Сиёсат” асарида),”Фозил одамлар шаҳри”(Абу Наср Форобий).++++

3. Тарихий тараққиётга монистик ёндошув концепциясига қайси тамойиллар киради?====

Ибтидоий жамоа тузуми, қулдорлик, феодализм, каптиализм, коммунизм.====

Анъанавий (саноатлашгунча), саноатлашган, постсаноатлашган (информацион).====

Марксистик ва постиндустриал жамият назариялари.====

Цивилизацияли(лат.(civilize-фуқароларга ёки давлатга хос) ёндошув.====

4. Тарихга плюралистик ёндошув моҳияти қайси бандда тўғри берилган?====

Чизиқли(прогрессистик ёки тараққиётпарварлик)ёндошув тарихий тараққиёт ғоясини жаҳон тарихий ривожи динамикасининг асосини ташкил этувчи умумий қонун сифатида қабул қилади.====

Даврий(циклик) ёндошув тарих айланма шаклда ҳаракат қилиб охир оқибат ўзининг бошланғич ҳолатига қайтади.====

Цивилизацион ёндошув (18-аср европалик маърифатпарварлар)яхлит тизимга туширилган таълимот эмас.====

Инсоният тарихининг бирлигини инкор этиб, цивилизациялар мавжудлигини тан олади, аммо ривожланишнинг ягона тараққиёт жараён эканлигини инкор қилади.====

5. Ижтимоий барқарорлик нима?====

Жамият ҳаётининг осойишталиги, тинч-тотувлик ва уни мустаҳкамлаш учун шарт-шароитнинг мавжудлиги.====

Жамиятдаги ижтимоий бирликлар (миллатлар, турли ижтимоий гуруҳлар ва қатламлар), сиёсий партиялар ва бошқа кучлар ўртасидаги ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик вазияти.====

Давлат, сиёсий партиялар, жамоатчилик ташкилотлари ва фуқаролар ўртасидаги ижтимоий келишув ҳолатининг мавжудлиги.====

Юқоридаги вазиятларнинг барчаси.====

6. Жамият ҳақидаги қайси бир фикрни тўғри деб ҳисоблайсиз?====
Жамият объектив мавжуд бўлиб, ўзининг ривожланиш қонунларига эга бўлган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар мажмуидир.====
Жамият кишиларнинг жамоавий йиғиндиси.====
Жамият – табиатнинг "бир қисмидир".====
Жамият ақл ва амалиёт орқали вужудга келувчи маънавий ҳодиса.====

7. Жамиятнинг муҳим кичик тизимларини кўрсатинг?====
Оилавий, моддий, сиёсий====
Ҳарбий, маҳаллий, иқтисодий====
Оила, маҳалла, давлат, халқаро ҳамжамият====
Иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ма'навий====
8. Ҳамма соҳада устунлик ва ўз ҳукмини ўтказиш, барчани ўз ҳукмига бўйсундиришни англатувчи тушунча нима?====
Волюнтаризм.====
Гегемонизм.====
Гедонизм.====
Геноцид.====
9. Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида эркинлик устувор бўлишини, жамиятнинг эволюсион ривожланиш йўлини эътироф этувчи ва асословчи назария, амалиёт, ижтимоий-сиёсий ва мафкуравий оқим қандай номланади?====
Ижтимоий шартнома назарияси.====
Конституционализм.====
Либерализм.====
Плюралистик демократия назарияси.====
10. Жамият тўғрисидаги умумназарий фалсафий фан қайси?====
Социология.====
Фалсафий антропология.====
Ижтимоий фалсафа.====
Тарих фалсафаси.====
11. Цивилизация нима?====
у муайян тарихий тараққиётда жамият моддий ва маънавий ҳаёти ривожланишининг етуклик даражаси.====
у урбанизациялашган (шаҳарлашган) жамият.====
у тўла эркинлик жамиятидир.====
у инсон ўзгартирувчилик фаолиятининг натижаси.====
12. Фалсафа тарихида ўзининг ижтимоий-сиёсий қарашлари орқали давлат ҳокимиятининг бўлиниш тамойилини (қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари) биринчи бўлиб кимлар асослаган?====
Ф.Бэкон ва Т.Гоббс====
Ж.Локк ва Ш. Монтескье====
Р.Декарт ва Б. Спиноза====
Б. Спиноза ва Г. Лейбниц.====
13. Давлат нима?====
Давлат – жамият сиёсий тизимининг одамлар, гуруҳлар, синфлар, ташкилотларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини, ўзаро муносабатларини ташкил этувчи, йўналтирувчи ва назорат қилувчи асосий институти.====
Давлат – ҳокимиятнинг бош институти, ҳокимият давлат орқали ўз сиёсатини амалга оширади.====
Давлат – бутун мамлакат миқёсидаги ҳокимиятнинг махсус бошқарув аппаратига таянадиган, барча учун қонунлар чиқарадиган ва суверенитетга эга бўлган сиёсий ташкилоти.====

Барча жавоблар тўғри.====
14. Ҳозирги вақтда давлат бошқарув шаклига кўра қандай турларга бўлинади?====
Мутлақ монархия ва парламентар (чекланган) монархия.====
Президентлик ва парламентар республика.====
Монархия ва республика.====
Федератив ва конфедератив.====
16. Сиёсат нима?====
5иёсат бу дунёқарашнинг умумлашган ифодасидир.====
Сиёсат бу синфлар, миллатлар, давлатлар ўртасидаги муносабатлар мажмуи.====
Сиёсат – бу давлат тузилиши.====
Сиёсат бу жамият ҳолати ҳақидаги баҳоларнинг мажмуасидир.====

9-мавзу: Инсон фалсафаси (Фалсафий антропология)

Маъруза режаси:

1. Фалсафа тарихида инсон моҳиятига қарашларнинг таснифи. Инсон, индивид, шахс тушунчаларининг ўзаро алоқадорлиги.
2. Онгнинг моҳияти, тузилиши ва функциялари..
3. Инсоннинг биоижтимоий, психологик моҳияти. Фалсафий антропологиянинг инсон ҳақидаги таълимот сифатидаги моҳияти.
4. Инсон фаолиятининг таркиби. Инсон фаолиятини тартибга солишнинг аҳамияти. Инсон – жамият – давлат тамойилининг фалсафий мазмуни.

Таянч тушунча ва атамалар: инсон борлиғи, фалсафий антропология, онг ва билиш, онгнинг табиати, онгнинг структураси ва функциялари, индивидуал онг, ижтимоий онг, онг ва тил, иррационализм, онгсизлик, ҳаётнинг мазмуни, ҳаётни тарк этиш, суицид, парасуицид, эвтаназия, эсхаталогия, инсоннинг вазифаси.

1-савол баёни: Инсон кўплаб фанлар ўрганадиган предметдир. Биология уни Homo sapiens тури сифатида қарайди. Педагогика учун у тарбия объекти, социология учун - турли муносабатлар субъекти, культурология учун - маданиятнинг объекти ва субъекти, иқтисодий назария учун - асосий ишлаб чиқариш кучи ва ҳоказо.

Табиий фанлар орасида анъанавий (биология, антропология, медицина ва бошқалар) билан бир қаторда нисбатан янги фанлар (олий нерв тизими фаолияти физиологияси, соматология, сексология ва ҳоказо) пайдо бўлди. Ижтимоий билим соҳасида ҳам «эски» фанлар (психология, социология, тилшунослик, этика) қаторида «янги» фанлар (аксиология, герменевтика) кабилар фаолият кўрсатишади.

XX асрда илмий билимнинг шиддатли ривожи, параллел тарзда борувчи фанларнинг фаол дифференциацияси ва интеграцияси табиий-илмий ва ижтимоий фанлар чегарасида бир қатор янги фанларнинг: биоэтика ва тиббиёт этикаси, социобиология, психофизиология ва бошқаларнинг юзага келишига сабаб бўлди. Бу ҳол фалсафанинг инсон муаммоларини кўриб чиқишдаги методологик роли ҳақидаги масалани янада долзарб этиб қўяди.

Биз юқорида айтиб ўтганимиздек, инсон кўп фанлар томонидан предмет сифатида қаралади, шу сабабли бизнинг олдимизда муҳим бир вазифа – инсон муаммосининг айнан фалсафий аспектларини очиб бериш туради.

Инсон муаммосининг фалсафага оид масалалари деб қуйидагиларни ҳисоблаш мумкин: а) инсон моҳияти; б) инсонда ижтимоийлик ва биологик (табиийлик)нинг нисбати; в) шахснинг эркинлиги; г) инсоннинг мавжуд бўлиши (борлиғи) ва моҳиятининг диалектикаси; д) инсон ҳаётининг мақсад ва маъноси.

Аслида фалсафа инсон муаммосини ўрганар экан, у энг аввало, инсонни борлиқнинг ўзига хос бир шакли сифатида олиб, уни энг мураккаб борлиқ сифатида, унинг ўзига хос энг

муҳим томонлари, хусусиятларини, уни борлиқнинг бошқа шакллари ва кўринишлари билан ўзаро боғланишларини, алоқадорлик томонларини ҳамда улардан туб фарқларини қараб чиқиши лозим. Шу сабабли файласуфлар қадимдан бошлаб инсоннинг ўзига хос муҳим, бошқа барча тирик мавжудотлардан фарқ қилдирувчи хусусияти деб, унинг ақлини тушунганлар. Шу туфайли улар инсонни дастлаб ўз асарларида «ақлли мавжудот», «ақлли ҳайвон» деб таърифлаганлар. Кейинчалик жамиятнинг тараққиёти асосида улар инсонни «сиёсий ҳайвон», «ижодкор ҳайвон», «тарихнинг ижодкори», «гапирадиган, тилга ва нутққа эга ҳайвон», "дунёга диний муносабатда бўлувчи мавжудот», деб изоҳлай бошлаган. Маълум даврлардан кейин эса баъзи файласуфлар инсонни «маълум мақсадга йўналтирилган, хулқ-атворга эга бўлган мавжудот», деб тушунтира бошлайдилар.

Инсоннинг моҳияти муаммоси. «Инсон»[27] сўзи энг кўп тарқалган кундалик ва илмий тушунчалардан бири ҳисобланади. Бу сўзинг тагида қандай мазмун-моҳият яширинган? Маълумки, тирик мавжудотнинг маълум биологик тури бу «homo sapiens» – ақлли одамдир. Унинг асосий белги ва турлари қандай? У бўйи ўртача– 160-180 см бўлган, пастки икки оёғи билан тик юрадиган, озиқланиш усули аралаш (ҳайвон ва ўсимлик озуқланиш), кўпайиш усули – жинсий, мияси тўлиқ, юқори қўллари яхши ҳаракатланадиган, ўртача умр узунлиги – 65-85 ёш (XX асрда), ички органлари, нутқи ва ақли ривожланган мавжудотдир. Аммо бу белгилар, унинг табиий ва ижтимоий тирикчилиги билан боғлиқ ташқи кўриниши бўлиб, лекин унинг моҳиятини тушуниш имкониятини бермайди.

Фалсафа тарихида инсон тўғрисида жуда кўп қарашлар мавжуд бўлиб, улардан баъзи бир энг маълум ва характерлиларини умумлаштирилган ҳолда келтирамиз.

- Одам – коинотнинг қисми, кичик коинот (микрокосм) – қадимги ҳинд, хитой, юнон фалсафаси.
- Одам – бу абадий, мутлоқ руҳ (Атман) – қадимги ҳинд фалсафаси (йога, веданта).
- Одам – барча нарсанинг ўлчови – Қадимги юнон софистлари (Протагор ва бошқ).
- Одам – сиёсий ҳайвон – Аристотел.
- Одам – қиёфа ва худога ўхшаш – Ўрта аср насронийлик теологияси.
- Одам – фикрловчи мавжудот – Р.Декарт.
- Одам – жонлантирилган машина – Ж.Ламетри.
- Одам - икки дунёга тегишли мавжудот. Табиий зарурият дунёсига ва ахлоқий эркинлик дунёсига – И.Кант.
- Одам – тартибсизлик, зиддиятлар, қўрқиш, ақл ва жаҳл уруши. – Б.Паскал.
- Одам – ақлли ҳайвон – К.Линней.
- Одам – қурол ишлаб чиқарадиган ҳайвон – Б.Франклин.
- Одам – танловчи мавжудот – С.Керкегор.

Маълумки, одамга юқорида берилган таърифларнинг кўп қисми тор ва бир томонлама бўлиб, одам моҳияти томонларининг биттасини кўрсатади, холос.

Умуман инсоннинг моҳиятига берилган таърифларни тўртта асосий ёндашувга (бошқалари ҳам бор) ажратиш мумкин:

1. Биологизаторлик ёки натуралистик ёндашув. Бу ёндашув тарафдорларининг фикрича, инсоннинг моҳияти - бу унинг табиий асоси бўлмиш биологик жисмлар ва инсоннинг тириклигини таъминловчи ҳар хил органларнинг хусусиятларидан иборатдир. Бунда инсоннинг моҳиятини белгиловчи ижтимоий ва маънавий жиҳатлар қараб чиқилмасдан, фақат биологик жиҳатлар асос қилиб олинади. Бундай қарашларни ҳинд фалсафаси чорвак мактабининг, янги дунё Европа файласуфлари Ж.Ламетри (механицизм), Т.Гоббс (механицизм), Л.Фейербах ва бошқалар издошлари ёқлаб чиқдилар.

[27] ***Инсон*** [арабча - одам]1. Одамзод,башар.2.Ҳар бир якка шахс;одам.

2. Теологик ёндошув. Бу Ерда инсоннинг моҳияти «жон» масаласига боғлаб тушунтирилади. У биологик жисм - танага қарама қарши қўйилади ва инсон моҳиятнинг ижтимоий жиҳати бу ерда одатдагидай қараб чиқилмайди. Инсон руҳ (илоҳий асос), жон (илоҳий асоснинг акс эттирилиши, одамнинг «мен»лиги, унинг онги), жисми (табиий асос) уйғунлиги сифатида тушунилади.

3. Социологизаторлик ёндошув. Бу ерда инсон моҳияти ижтимоий муносабатлар йиғиндиси сифатида қаралади. Инсон моҳиятининг маънавий жиҳати ижтимоий жиҳатга ўхшатилади ва инсоннинг биологик табиатига боғлиқ ҳолда қўйилади. Инсон ижтимоий муносабатларга қўшилган ақлли биологик мавжудот сифатида тушунилади ва инсон моҳиятининг шаклланиши, ривожланиши бутунлай уларга боғлиқ бўлади, деб ҳисобланади. Бу нуқтаи назар немис файласуф-материалисти К.Маркс ва унинг кўп сонни издошларига тегишлидир.

Бу учта ёндошувда бошқалар зарарига, инсон моҳиятининг жиҳатларидан бирига (биологик, маънавий ёки ижтимоий) ҳаддан ташқари эътибор қаратилганлигини кузатиш мумкин. Шундай экан, қайд қилинган ёндашувлар бир томонламадир. Ҳозирги кунда инсон моҳиятининг ҳар хил жиҳатларини бирлаштирадиган, социокосмик ёндашув энг қизиқарли бўлиб кўринмоқда.

4. Социокосмик ёндашув. Бу ерда инсон моҳиятининг учта жиҳати – маънавий, ижтимоий, биологик томонлари бор деб тахмин қилинади. Маънавий ёки космик жиҳат инсоннинг маънавий моҳияти билан боғлиқ. Ижтимоий жиҳат маданий таъсир натижасида жамиятда шаклланган инсон шахсига боғлиқ. Биологик ёки моддий жиҳат инсоннинг биологик жисми ва табиий (туғма, сезги) интилишларига боғлиқ.

Фалсафа инсон борлиғини оламнинг таркибий қисми сифатида ўрганади. Инсон — ўзида биологик, ижтимоий ва психик хусусиятларни мужассамлаштирган онгли мавжудот. Инсон шундай мураккаб ва кўп қиррали мавжудотки, унинг моҳияти яхлит бир бутунлик сифатида инсон, шахс, индивид, индивидуаллик тушунчалари орқали ифодаланади. Бу тушунчалар бир-бирига яқин ва маънодош бўлса ҳам, бир-биридан фарқланади.

Инсон тўғрисидаги турли ёндашувлардан келиб чиқиб унга қуйидагича таъриф бериш мумкин: ***Инсон – ижтимоий-тарихий жараённинг, моддий ва маънавий маданият тараққиётининг субъекти бўлиб, ҳаётнинг бошқа соҳалари билан генетик боғланган, аммо ўзининг меҳнат қуроллари яратиш ва ишлаб чиқариш қобилияти, тил ва онгга эгалиги туфайли ажралиб турадиган биоижтимоий мавжудотдир.***

«Шахс» тушунчаси инсон ўз ҳаракатлари ва ҳиссиётларининг масъул субъекти сифатида амал қилиши мумкинлигини, у ўзи идрок этаётган нарсаларни англаши ва ўз ташаббусларининг аҳамиятини тушунишини англатади. Ҳозирги замон фалсафасининг йўналишларидан бири – персонализм шахсда кишилик тараққиётининг энг муҳим ютуғини ва унинг асосий маъносини кўради. Шахс дунёни ўзлаштирувчи ўзига хос бетакрор субъективликдир. У бутун вужуди билан баркамолликка интилади ва ҳар томонлама уйғун шахслар жамиятида яшашга ҳақлидир.

Фалсафий маънода ***шахс – деганда ўзининг ижтимоий шарт-шароитига боғлиқ бўлган ва индивидуал тарзда намоён бўладиган интеллектуал, эмоционал ва иродавий сифатларига эга бўлган, ўз ҳатти-ҳаракати ва фаолиятини англай ва бошқара оладиган конкрет инсон, алоҳида ижтимоий индивид тушунилади.*** Шахсни фалсафий тушуниш инсон моҳиятини ижтимоий муносабатлар мажмуи деб таърифлашга асосланади. Бундан, биринчидан, шахс ижтимоий муносабатлар тизимидагина шаклланади, иккинчидан, шахсга хос сифатлар жамиятнинг тарихан мавжуд тузуми билан белгиланади, деган хулоса келиб чиқади.

Эркинлик ва зарурият фалсафий категориялар сифатида кишиларнинг фаолияти билан табиат ва жамиятнинг объектив қонунлари ўртасидаги ўзаро муносабатни ифодалайди. Бу категорияларнинг илмий изоҳи биринчи марта голландиялик мутафаккир Б.Спиноза томонидан таҳлил қилинган. Спиноза фикрича, эркинлик – англаб олинган заруриятдир. Зарурият эса табиат ва жамиятдаги объектив қонуниятлардир. Шунга кўра, *тарихий зарурият*

тушунчаси тарихий жараённинг ички объектив қонуниятини, жамиятга хос объектив реал табиий шарт-шароитларни, ижтимоий ва иқтисодий муносабатларни, моддий-техникавий воситаларни англатади. *Эркинлик* эса ана шу тарихий заруриятнинг кишилар, шахс томонидан англаб олиниши ва ўз фаолиятларининг мақсад ва йўналишини белгилаб олиш жараёнини англатади.

2-савол баёни: Аслида фалсафа инсон муаммосини ўрганар экан, у энг аввало, инсонни борлиқнинг ўзига хос бир шакли сифатида олиб, уни энг мураккаб борлиқ сифатида, унинг ўзига хос энг муҳим томонлари, хусусиятларини, уни борлиқнинг бошқа шакллари ва кўринишлари билан ўзаро боғланишларини, алоқадорлик томонларини ҳамда улардан туб фарқларини қараб чиқиши лозим. Шу сабабли файласуфлар қадимдан бошлаб инсоннинг ўзига хос муҳим, бошқа барча тирик мавжудотлардан фарқ қилдирувчи хусусияти деб, унинг ақлини тушунганлар. Шу туфайли улар инсонни дастлаб ўз асарларида «ақлли мавжудот», «ақлли ҳайвон» деб таърифлаганлар. Кейинчалик жамиятнинг тараққиёти асосида улар инсонни «сиёсий ҳайвон», «ижодкор ҳайвон», «тарихнинг ижодкори», «гапирадиган, тилга ва нутққа эга ҳайвон», "дунёга диний муносабатда бўлувчи мавжудот», деб изоҳлай бошлаган. Маълум даврлардан кейин эса баъзи файласуфлар инсонни «маълум мақсадга йўналтирилган, хулқ-атворга эга бўлган мавжудот», деб тушунтира бошлайдилар.

Кўпчилик мутафаккирлар инсон билан ҳайвонларни ажратиб турадиган муҳим фарқ бу - **инсоннинг онги**, инсонда онгнинг мавжудлиги, деб тушунтирадилар. Бундай ёндашув маълум даражада тўғри. Бироқ инсон билан ҳайвонлар ўртасидаги бу фарқ улардаги асосий ва муҳим фарқлардан фақат биттасидир, холос. Бунда бошқа муҳим фарқларни ҳам ҳисобга олиш зарур. Масалан, кўпчилик мутафаккирлар ва файласуфлар инсонни ҳайвонлардан фарқ қилдирувчи муҳим белги – бу инсонга хос **тил**, **нутқ тили,** деган фикрни ҳам билдиришган.

Онг – фалсафанинг субъектив реалликни ифодаловчи ғоят кенг категориясидир; одамнинг, унинг мияси ва психикасининг ташқи дунёни идеал акс эттиришидир; инсоннинг маънавий дунёсидир, ўзининг дунёда борлигини англаб етишидир; унинг ташқи дунёга муносабатидир.

Одам – фикр юритувчи, онгга эга мавжудотдир. Онг ёрдамида одам ташқи дунёда фаол ҳаракат қилади, уни билади, у билан субъект-объект муносабатда бўлади. Онг туфайли шахснинг маънавий дунёси, унинг эмоциялари, кечинмалари, ташвиш ва истаклари, орзу-умидлари, фантазиялари мавжуд. Худди шу онги туфайли инсон ҳайвонот дунёсидан фарқ қиладиган ақлли мавжудот сифатида мавжуддир. Инсоннинг барча ҳайвонлардан фарқлантирувчи хусусияти бўлган онг тўғрисида гапирар экан, ўрта осиёлик атоқли файласуф ал-Фаробий бундай деб ёзган эди: «Инсон ўзининг алоҳида хусусиятлари билан барча ҳайвонлардан фарқ қилади, чунки унда жон бор, ундан тана аъзолари воситасида таъсир этувчи кучлар пайдо бўлади, бундан ташқари, унда тана аъзоларининг воситасисиз таъсир этувчи куч ҳам бор; бу куч ақлдир»[28].

Фан ва фалсафада онг муаммоси – бу, пировардида, психологик, физиологик ва социал ҳолатларнинг ўзаро нисбати, муносабати масаласидир: агар инсон ақли материя эволюциясининг натижаси бўлса, фикр фикрловчи материянинг, инсон бош миясининг, мия катта ярим шарининг олий хоссасидир.

Инсон онги тил билан узвий боғлиқдир. Тил фикрнинг моддий кўринишидир, шаклидир. Одам фикрнинг мазмунини турли лисоний тизимлар: оғзаки нутқлар ва ёзма матнлар, ҳозирги замон информатикасининг сунъий тиллари ёки турли символлар, кодлар, шифрлар, формулалар ва ҳоказолар орқали билиб олади.

Онг феноменини фалсафий таҳлил қилишга *материализм, идеализм, дуализм, гилозоизм, пантеизм* каби фалсафий оқимларда турлича ёндашувлар мавжуд.

Материализм намояндаларининг кўпчилиги онгни *инъикоснинг алоҳида шакли* деб билади. Материалистик нуқтаи назардан инъикос ҳаракатланувчи, ривожланувчи, ўзгарувчи

[28] Фараби. Существо вопросов// Антология мировой философии. М., 1969. Т.1. Ч.2. 728-б.

материянинг атрибутларидан биридир, онг – ташқи дунёнинг инсон миясидаги инъикосининг олий шаклидир, жонли табиат эволюциясининг якунидир, бу – бугунгача маълум бўлган моддий тузилмалардан энг мураккабининг – инсон миясининг – қуршаб турган дунёни *идеал образлар* шаклида акс эттириш лаёқатидир.

Идеалистик фалсафа онгни, руҳий, *идеал ҳодисани,* моддийликка боғлиқ бўлмаган, ундан олдинги ва ҳатто уни туғдирадиган омил деб билади. *Объектив идеализм* вакилларининг фикрича, гўё номукаммал, иллюзор моддийликдан фарқли ўлароқ, *идеал нарса* ҳақиқий, абадий, мукаммал борлиқдир. Руҳ, ақл, идеал нарса материядан аввал бўлган ёки у билан бирга яшайди. Афлотуннинг «ғоялар дунёси», Хегелнинг «абсолют ғоя»си ана шундай. «Ғоялар дунёси», «абсолют идея» фаолдир; материя, табиат - пассив, турғундир. Аристотелнинг фикрича, фаол руҳ инерт, аморф, турғун, ўз мавжудлигига лоқайд материяни шакллантиради, руҳлантиради, унга тегишли тус беради, ички шакл, демак моҳият ва маъно ато этади.

Бошқа бир фалсафий йўналиш – *субъектив идеализм* тарафдорлари онг муаммосини бирмунча бошқача ҳал қиладилар. Уларнинг фикрича, субъектнинг иродаси, онги ва ақлига боғлиқ бўлмаган ҳолда объектив реаллик мавжуддир деган тезис тўғри эмас, аксинча, одам яшаб турган дунё фикрловчи субъектнинг сезгилари, тасаввурлари, кечинмалари, кайфиятлари, таъсуротлари комплексидир, йиғиндисидир. Субъектив идеализмнинг энг йирик намоёндалари – *Д.Беркли, И.Г.Фихте, Д.Юм*. Ҳозирги вақтда неопозитивизм, танқидий рационализм, эксистенциализмнинг айрим тарафдорлари мазкур оқимга яқинроқ позицияда турадилар.

Ҳозирги, постклассик фалсафанинг кўпдан-кўп оқимлари онгни таҳлил қилишга зўр эътибор бермоқдалар. Масалан, *З.Фрейд, К.Юнг, Э.Фромм* номлари билан боғлиқ бўлган *психоанализ фалсафаси* онгсизни, унинг субъектнинг маънавий борлиғидаги ролини, шахснинг онги ва хулқ-атворига таъсирини ўрганишга катта эътибор беради.

*Инсон онгининг келиб чиқиши*ни тушуниб олиш калити, бу – унинг биологик тузилиши (энг аввало, миянинг ғоят мураккаб тузилиши ва функцияси) ҳамда шаклланаётган одамнинг табиатни ва ўзини ўзгартириб борган фаолиятидир. Инсоннинг амалий фаолияти моҳиятини тушунмай туриб онгнинг келиб чиқишини тушуниш мумкин эмас. Ҳайвондаги инъикос шакллари билан одамдаги инъикос шакллари ўртасидаги туб фарқнинг сабаби улар фаолиятининг характеридадир. Ҳайвонларнинг инстинктив-биологик, адаптацион-мослашувчанлик фаолияти одамнинг меҳнатидан қанчалик фарқ қилса ҳайвонларнинг психик фаолияти ҳам одамнинг онгидан шунчалик фарқ қилади.

Фикрлаш фаолияти асосида пайдо бўлган ва шаклланган *инсон онги* ўз шакли бўйича *индивидуал*, лекин моҳияти бўйича *ижтимоий*, социал ҳодисадир. Инсон онгининг физиологик асоси миядир. Лекин бу ерда мия ўз-ўзича фикрламаслигини, балки мия ёрдамида одам фикрлашини тушуниб олиш муҳимдир. Онгнинг пайдо бўлишида асосий ижтимоий ролни *меҳнат* ўйнайди, чунки меҳнат одамни шахс сифатида шакллантиради, унинг ижодий потенциали, имконияти ва қизиқишларини, қуршаб турган дунёни тушунишга, унинг таркибида ўз ўрнини танлашга, уни ўз мақсад ва вазифаларига бўйсиндиришга, инсон учун фойдали қилишга интилишларини ривожлантиради.

Онг пайдо бўлишининг яна бир энг муҳим омили *тилдир*. Тил одамларнинг ижтимоий тажрибаларини ифодалаб беради, инсониятнинг тарихий тараққиётида тафаккурнинг узлуксизлигини таъминлайди. Инсон фикри, ғоялари, тасаввурлари сўзларда ифодаланади, шаклланади, шунинг учун тил, бу – фикрни, онгни ифодалашнинг универсал воситасидир, кишиларнинг алоқа қилиш, ахборот алмашиш воситасидир.

Меҳнат ва тил – онг ривожининг асосий ижтимоий омилларидир, аммо бирдан-бир омили эмас. Инсон ҳаётининг, демак тафаккурининг ҳам ижтимоий асоси кўпгина бошқа компонентларни, масалан, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, ташкилий, гносеологик ва ҳоказо компонентларни ўз ичига олади.

Инсон онги бошқа кишилар онгининг, бутун социум ижтимоий онгининг, ижтимоий гуруҳлар (миллий, диний, касбий, ёш бўйича ва ҳоказо гуруҳлар) онгининг, маданият, фан, мафкура, оммавий ахборот воситалари ва коммуникациянинг таъсири остида бўлади ва улар билан фаол ўзаро таъсирда бўлади. Худди шулар орқали одам ўзининг кундалик ҳаётида шахсга, ижтимоий мавжудотга, инсоний маданият соҳибига айланади.

Шахснинг асосий тузилмавий элементи ***руҳият (психика)***дир. Онгнинг ўзи эса психиканинг олий кўринишидир, чунки олий ҳайвонларда материя тузилишининг биологик даражасида вужудга келган психиканинг ўзи мураккаб тузилишга эгадир ва тадрижий эволюция натижасида борлиқ тузилишининг сифат жиҳатидан бошқача, ижтимоий даражасида онгни келтириб чиқаради.

Одамнинг психикаси шахснинг психик тузилишини, унинг характерини, темпераментини, қобилиятларини, қадрият мўлжалларини, ўзини-ўзи таҳлил қилиш ва баҳолашини, индивидуал фикрлаш услуби ва турмуш тарзини белгилаб беради. Инсон психикаси *онгни* ҳам, инсон ички дунёсининг онг назоратидан ташқарида бўлган қатламини, яъни *онгсизлик ва онгостини* ҳам ўз ичига олади.

Онгга, *бир бутун боғланган тизим сифатида*, унинг сезги, идрок, эмоция, ирода, фикр ва хотира каби ажралмас элементлари киради. Бир бутунлик онгнинг тизимий сифати бўлиб, онг феномени моҳиятининг ўзига хослиги унинг таркибий қисмларининг ҳар қандайига нисбатан мутлақо зарурлигини билдиради.

Хотира. Онг тизимида хотира тажрибанинг интеграл йиғувчиси ва ифодачиси бўлиб хизмат қилади. Хотира - кишининг ёки кишилик жамиятининг ўзининг ёки ўзганинг ўтган замондаги фаолиятини ҳозирги замонда сақлаб қолиш ва тиклаш лаёқатидир. Хотира шундай бир йўналтирувчики, у туфайли субъект вақтда ҳам, маконда ҳам муваффақиятли йўналиш олади, бу эса унинг фаолият режалари, схемалари ва дастурларини тузишида ифодаланади. Хотиранинг бошқа бир функцияси – ўтмишдаги воқеликни тафаккурий қайта тиклашдир. Хотира инсонга тарихий ўтмишни ва истиқболни кўришга, келажакни олдиндан кўришга имкон беради.

Тафаккур. Тафаккурнинг ўзи эмас, балки одам фикрлайди. Одамнинг тафаккури ҳамиша ғоят шахсий ва индивидуалдир ва субъектнинг қуршаб турган дунёдаги объектив алоқалар ва муносабатларни муайян мақсадни кўзлаб, умумий ва воситали тарзда билишини, субъектнинг ижодий, бунёдкорлик фаолиятини, содир бўлаётган ҳодисалар ва воқеаларни акс эттиришдан олдин прогноз қилишни, янги ғоялар, қарашлар, фаразлар ва назариялар яратишни ўз ичига олади. Тафаккур одамнинг дунёқарашини, унинг дунёни ҳис қилиши ва идрок этишини, одамнинг ўз борлиғига, ўз қилмишларига, орзу-умидларига ўзи берган баҳони доимо кенгайтириб боради. Одамнинг тафаккури мураккаб ва фаол жараёндир, у абстрактлаштириш ва умумлаштириш, анализ, синтез, таққослаш, ўхшатишни, ўзининг мураккаблиги, характери ва мазмуни жиҳатидан ғоят хилма-хил бўлган вазифаларни оқилона ўртага қўйиш ва ҳал этишни ўз ичига олади. Фикрловчи одам мантиқий натижа ва хулосалар чиқаришга, ҳаётий тажрибага, меҳнат ва касб малакаси ва маҳоратига эга бўла олади, у бирон-бир масала бўйича ўз нуқтаи назарини исботлашга, далиллар билан асослаб беришга ва ҳимоя қилишга лаёқатли бўлади.

Онгдан ташқари, одамнинг хатти-ҳаракатига, унинг бутун руҳий оламига ғайришуурий жиҳатлар, онгсизлик ва онгости катта таъсир қилади. Шу икки компонент - онг ва онгости (онгсизлик) - бир-бирига кучли таъсир ўтказади, улар ажралмасдир ва, ифодали қилиб айтганда, қаттиқ ўзаро назорат ва таъсир остида бўлади. *Онгсизлик* – инсон ақлий соҳасидан ташқарида, онг томонидан назоратга олинмайдиган турли руҳий ҳодиса ва ҳолатлар мажмуидир. *Онгости (онгсизлик)* соҳаси руҳий борлиқнинг туш, гипноз ҳолати, англаб олинмаган истак, субъектнинг ҳаётидаги нохуш воқеа арафасида олдиндан ҳис қилинган қўрқув каби шаклларини қамраб олади. Онгсизлик соҳасига инсоннинг биологик мавжудот сифатидан ҳоли бўлмаган инстинктлари киради. Инстинктлар инсонда *онгости* истак-майллари, туйғулари, ҳоҳиш импульсларини пайдо қилади, кейин улар онг соҳасига айланади.

Автоматизм деб аталадиган ҳодиса ва интуиция онг ёрдамида туғилиши, кейин эса онгсизлик соҳасига ўтиши мумкин. Автоматизм инсоннинг мураккаб ҳаракатлари бўлиб, дастлаб онг назорати остида содир бўлади, узоқ машқ қилишлар, кўплаб такрорлашлар оқибатида назоратдан чиқади ва онгсизликка айланади. Масалан, мусиқа асбобларини чалиш, сузиш, велосипед ёки автомобиль ҳайдаш, баъзи оддий меҳнат қилиш усуллари ва ҳоказо. Бундай автоматизмлар ҳаётимизга чуқур кириб борган. Онгсизлик тизимида одамнинг муайян вазиятда маълум фаолликка интилиши, тайёрлиги муҳим ўрин тутади.

Шу маънода, онгсизлик инсон ҳатти-ҳаракатларини бошқариши ҳам, онгга муайян тарзда таьсир кўрсатиши ҳам мумкин экан. Онгостини фалсафий ва психик анализ қилишга *Зигмунд Фрейд, Карл Юнг, Эрих Фромм* катта эътибор бердилар.

Хулоса қилиб айтганда, онгсизлик ва онглилик инсон ягона руҳий фаолиятининг нисбатан мустақил бўлган икки томонидир. Онгсизликда инсон фаолиятини кучайтириш, айниқса, субъект ижодий фаолиятининг бой имкониятлари бор. Онг онгсизликни вужудга келтириб, инсон ҳатти-ҳаракатларининг умумий стратегиясини назорат қилиб боришга қодир. Гарчи инсон ҳатти-ҳаракатлари, хусусан, унинг социал ҳатти-ҳаракати онг билан белгиланса-да, англанган ҳатти-ҳаракат фақат ахлоқий, хулқ-атвор актлари билангина чегараланиб қолмайди, унда онгсизликка ҳам, албатта, ўрин қолади

Онгнинг асосий, муҳим функцияларидан бири *одамнинг ўз-ўзини англашидир*, яъни ўз борлиғини рефлексив тарзда англашидир. Агар онг инсонни ўраб турган дунёни англашга йўналтирилган бўлса, ўз-ўзини англашда эса субъект ўзини объект сифатида қабул қилади. Бунда таҳлил объекти бўлиб шахсий тасаввур ва фикрлар, хис-туйғулар, кечинма ҳамда қизиқишлар, мақсадлар, ҳатти-ҳаракат, жамоа, оила ва жамиятдаги аҳвол кабилар ҳисобланади. Ўз-ўзини англаш фақат ўзни билиш эмас, балки ўзига нисбатан муайян муносабат ҳамдир. Файласуфлар орасида биринчилардан бўлиб Суқрот инсон борлиғи уни ўраб турган дунёни англаш билан параллел равишда ўз-ўзини англаш, ўзининг руҳий дунёсини англаш жараёнисиз кемтик бўлиб қолишини пайқаб етган эди. Инсон ўзини субъект сифатида ажратиб, ўз билишини ўзига қаратиши, ўз талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб иш юритиши, фаолият ва ишларини назорат қила олиши ҳамда бошқариши, ўз-ўзига ўз фаолиятининг бориши ва натижаси ҳақида ҳисоб бериши, хуллас, ўзи билишнинг ҳам субъекти, ҳам объекти бўлган жараённи фалсафада *ўз-ўзини англаш* дейилади.

Ўз-ўзини англашнинг энг муҳим кўриниши бу маълум ижтимоий гуруҳ, жамоа, халқ, миллатнинг ўз-ўзини англашидир. Маълум миллатнинг ўз-ўзини англаши – *миллий ўзликни англаш* дейилади. Миллий ўз-ўзини англаш – миллий жараёнларнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида миллий маданият ва маданий мерос, миллий қадриятлар билан боғлиқ ҳолда ўта мураккаб ва зиддиятли алоқадорликда вужудга келади. Бунда миллий манфаатлар миллий ўз-ўзини англашнинг асосий манбаини ташкил қилади. Миллий маданий қадриятларни ўзлаштириш ва эгаллаш, уларни қайта идрок қилиш ва яратиш миллий ўзликни англаш ривожланишининг асосий шарт-шароитларидир. Шу билан бирга, миллий ўз-ўзини англаш ўз ўрнида миллий маданият, маънавият ва манфаатлар янада ривожланишини таъминловчи асосий омилдир. Хусусан, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ҳозирги шароитида миллий ўз-ўзини англаш мамлакатимиз ижтимоий ва маънавий тараққиётининг муҳим омилига айланиб бормоқда.

3-савол баёни: Фалсафий қизиқишлари марказида табиат ва инсон моҳияти тўғрисидаги масала турувчи фан ***«Фалсафий антропология»*** деб аталади. Юнонча sophia – донишмандлик, anthropos – инсон ва logos – таълимот сўзларидан келиб чиққан «фалсафий антропология» атамаси этимологик жиҳатдан инсон ҳақидаги фалсафий таълимотни англатади. ***Фалсафий антропология*** инсоннинг алоҳида борлиқ манбаи сифатида келиб чиқиши, тадрижий ривожланиши ва мавжудлигининг ўзига хос хусусиятлари, инсон ҳаётининг мазмуни, одам зотининг жамиятдаги ўрни, ижтимоий алоқалари, шахс камолоти, маънавиятига доир фалсафий қарашларни акс эттиради. Фалсафий билимнинг таркибий

қисми сифатида фалсафий антропология ижтимоий фалсафа, ахлоқ, социология ва психология билан узвий боғлиқ бўлиб, улар билан биргаликда инсон ҳақидаги фанлар мажмуини ташкил этади.

Ҳозирги замон Ғарб фалсафасининг йўналиши сифатидаги фалсафий антропология XX асрнинг 20-йилларида дастлаб немис файласуфи ва социологи М.Шелер (1874-1928) асарларида ишлаб чиқилган ва германиялик файласуф Х.Плеснер (1892-1985), немис мутафаккури А.Гелен (1904-1976) асарларида ривожлантирилган.

Инсоннинг биоижтимоий моҳияти. Фалсафий антропология ечадиган муҳим муаммолар орасида инсон биологик ва ижтимоий моҳиятининг ўзаро нисбати тўғрисидаги масала алоҳида ўрин эгаллайди. Инсон жонли табиатнинг бир қисми, шунингдек биологик эволюция маҳсули эканлиги ҳозирги замон табиатшунослиги фанида нафақат олимлар ва мутахассислар, балки маърифатли одамларнинг кенг доираси учун ҳам аниқ-равшан ва деярли шак-шубҳасиз далилга айланди. Ҳар бир инсон ўз биологик хусусиятлари: генетик коди, вазни, бўйи, мижози, териси ва сочининг ранги, яшаш муддати ва шу кабиларга кўра бетакрордир. Бироқ айни вақтда инсон ижтимоий мавжудот эканлиги, унинг ўзига хослиги ва бетакрорлиги одамзотнинг ижтимоий табиати, у камол топган, таълим-тарбия олган, маданий ва ахлоқий қадриятлар ва мўлжалларни ўзлаштирган ижтимоий муҳит билан белгиланиши ҳам шак-шубҳасиздир. Айни шу сабабли инсон индивиди нафақат биологик, балки ижтимоий мавжудот сифатида ҳам ўзига хос хусусият касб этади. Бошқача айтганда, инсоннинг камол топиши жамиятда ва фақат жамиятда юз беради. Ҳозирги замон фалсафаси ва фани инсонни ўрганишда унинг яхлит ижтимоий-биологик мавжудот сифатидаги талқинидан келиб чиқади.

4-савол баёни: Праксиология (юнон. *praktikos* – фаол) – фалсафанинг инсон фаолиятини ўрганишга бағишланган бўлимларидан бири. *Фаолият тушунчаси инсон борлиғининг табиати ва моҳиятини, унинг шахсий имкониятлари, ижтимоий алоқалари ва муносабатларини, инсон маънавий дунёси ва моддий амалиёт жабҳасини теранроқ тушуниш имконини беради*. Моддий ва маънавий неъматлар ишлаб чиқариш, сиёсат ва бошқарув, мулоқот ва билиш, бадиий ижод ва фалсафий мулоҳаза юритиш, тарбия ва ўзини ўзи тарбиялаш – буларнинг барчаси фаолиятни инсоннинг дунёга ва ўз-ўзига бўлган муносабатининг универсал шакли, шахс ва жамиятнинг ранг-баранг эҳтиёжларини қондириш усули сифатида тавсифлайди.

*Фалсафа*да фаолият инсонга хос бўлган ва ташқи дунёни оқилона ўзгартиришга қаратилган фаолликнинг алоҳида шакли сифатида тавсифланади. *Ижтимоий фалсафа*да фаолият ижтимоий жараёнларни амалга ошириш, инсоннинг ўз имкониятларини рўёбга чиқариш, ўзини қуршаган дунё билан алоқага киришиш усули сифатида қаралади (*Фалсафа қомусий луғат.Назаров Қ. Таҳрири остида. – Т.: Шарқ, 2004, 186-бет.*). Инсоният соҳасини айнан меҳнат, фаолият турлари тизими белгилайди. ***Фаолиятнинг тузилиши.*** Фаолиятнинг умумий тузилиши *эҳтиёжлар* билан белгиланади Инсоннинг эҳтиёжлари унинг фаоллик манбаи ҳисобланади. Ҳаёт эҳтиёжлари (инсоннинг жонли мавжудот сифатидаги эҳтиёжлари), ижтимоий эҳтиёжлар (ижтимоий ривожланиш эҳтиёжлари, шунингдек шахснинг жамиятга мослашув эҳтиёжлари) ва маънавий (маърифий, диний, ахлоқий, эстетик ва ш.к.) эҳтиёжлар фарқланади. Эҳтиёжларнинг ранг-баранглиги инсон фаолияти турларининг ранг-баранглигини белгилайди. Фаолият турларини таснифлаш замирида ётувчи энг муҳим омил у қаратилган ва фаолият *мотивини* ташкил этадиган предметлар фарқидир. Фаолият мотивсиз бўлмайди, «мотивлаштирилмаган» фаолият субъектив пинҳона мотивга эга бўлади.

Фаолият ҳаракатлардан ташкил топади. Ҳаракат алоҳида мақсадга, яъни эришилиши лозим бўлган натижа ҳақидаги тасаввурга бўйсунадиган жараён сифатида тавсифланади. Мақсад инсон онгида эҳтиёж ва мотив билан фаолият объектив ҳолатларининг нисбатлашуви жараёнида юзага келади. Ўз навбатида, ҳолатлар мақсадга эришиш йўлларини белгилайди. Булар фаолият шартлари билан белгиланадиган амаллар ҳисобланади. *Шундай қилиб, умуман фаолият мотив билан, ҳаракат – мақсадлар билан, амаллар – шартлар билан белгиланади.*

Фаолиятнинг атрибутлари. Инсон фаолияти ўта ранг-барангдир. Фаолият атрибутлари (хоссалари) фаолиятни мотивлаштириш ва амалга ошириш механизмларини тавсифлайди. Фаолият атрибутлари орасида аввало *субъектлилик ва моддийлик* қайд этилади.

Субъектлилик ва моддийлик. Фаолиятнинг субъектлилиги шу билан изоҳланадики, у шахснинг ўтмишдаги тажрибаси, унинг эҳтиёжлари ва мўлжаллари, мотивлари ва мақсадлари, эмоциялари ва иродасини тавсифловчи хусусиятлари, билиш қобилиятлари ва ҳоказолар билан белгиланади. Фаолиятнинг моддийлиги инсондан ташқарида жойлашган ва унинг қўли билан ўзгартириладиган табиат ва жамият кучларига қаратилганини англатади. Аммо инсоннинг ўзи, унинг ўз-ўзини камол топтириши, ўз-ўзини тарбиялаши ва шахс ўз олдига қўядиган мақсадларга эришишга қаратилган тегишли ҳаракатлар ҳам ўзгартириш фаолиятининг предмети бўлиши мумкин.

Онглилик ва мақсадга мувофиқлик. Инсон фаолияти оқилона, онгли ва мақсадга мувофиқ бўлади. *«Оқилоналик – инсон фаолиятининг барча турларига амалда хос бўлган жиҳат», деб қайд этади Э.Кассирер.* Оқилоналик инсоннинг ўз фаолияти мақсадларини ақлга мувофиқ тарзда белгилаш ва уларни эркин ва онгли бошқариш қобилиятини англатади. *Онглилик ва мақсадга мувофиқлик* – инсон фаолиятини ҳайвонлар фаоллигидан фарқлаш имконини берувчи муҳим хоссалардир.

Инсон фаолиятини тартибга солишнинг аҳамияти. Фаолиятнинг ижтимоий ва шахсий аҳамияти уни тартибга солиш, индивид, жамоа ва умуман жамият фаолиятини бошқариш муаммосини кун тартибига қўяди. Инсон фаолиятини бошқарувчи механизмларни шартли равишда икки туркумга: *ички ва ташқи*га ажратиш мумкин. Фаолиятни тартибга солишнинг *ички* механизмларини биз унинг асосий атрибутларини ўрганиш жараёнида кўриб чиқдик. Бу мақсадни белгилаш, мотивация, шахснинг феъл-атворини тавсифловчи хусусиятлар – унинг мижози, характери, иродаси, хуллас, мақсадлар ва уларга эришиш воситаларини танлашни, шунингдек фаолият услубини белгилайдиган шахснинг барча хусусиятларидир.

Фаолиятни тартибга солишнинг умумий *механизмлари* қаторига инсоннинг дунёга ва ўз-ўзига бўлган муносабатлари тизимини тўла қамраб оладиган ва маданият алгоритми бўлиб хизмат қиладиган ранг-баранг ижтимоий қадриятлар ва меъёрларни киритиш лозим. Хулқ-атвор, одатлар ва анъаналарнинг ижтимоий-маданий меъёрлари, қоидаларининг мавжудлиги ва ривожланиши инсон фаолиятини тартибга солиш омили ҳисобланади. Меъёрлар муайян шароитда одамлар ўзини қандай тутиши лозимлигини белгилайди ва инсон фаолиятида бевосита иштирок этиб, ижтимоий ва табиий шароитларга шахснинг мослашувини таъминлайди, ижтимоий жараённинг узлуксизлигини таъминловчи механизм ҳисобланади. Мазмуни, ижтимоий мустаҳкамлаш усуллари ва ижтимоий функцияларига кўра меъёрлар ҳар хил бўлади.

Инсон фаолиятини тартибга солишни таъминловчи ижтимоий меъёрлар тизимида *ҳуқуқ нормалари* ва *ахлоқ меъёрлари* алоҳида ўрин эгаллайди. *Ҳуқуқ* - давлат томонидан белгиланган ва унинг мажбурлов кучига таянадиган хулқ-атвор умумий нормаларининг мажмуи. *Ахлоқ* эса жамоатчилик фикри, яъни қилмишни маъқуллаш ёки қоралаш билан мустаҳкамланадиган хулқ-атвор қоидалари мажмуидир.

Ҳаётнинг мазмуни ва инсоннинг вазифаси. Инсон ҳаётнинг тезоқарлигини ёдда тутиши, унинг шомини кузатиши, одамзот ҳаётининг бебаҳолиги ҳақида ўйлаши, ўлим ҳақ эканлигини унутмаслиги лозимлиги ҳақидаги фикрларга биз фалсафа фани шаклланиш жараёнининг илк босқичидаёқ, Ғарб фалсафий анъанасида ҳам, Шарқ фалсафасида ҳам дуч келишимиз мумкин. Шундан бери ўтган икки ярим минг йилдан кўпроқ вақт мобайнида бу борада деярли ҳеч қандай ўзгариш юз бергани йўқ, зеро, аввалгидек, одамзотнинг ҳаёт йўли туғилиш ва ўлиш саналари билан чегараланади. Шунингдек, биринчи сана доим муайян, аниқ бўлса, иккинчи сана инсон умрининг охирги сонияларигача мавҳум бўлиб қолади. Шу маънода *С.Шерозийнинг* «Инсон нимадан бошланади?», деган саволга ҳеч иккиланмасдан:

«Инсон марҳумга мотам тутишдан бошланади», деб жавоб беради[29]. Дунёга келдиму, бозорга бордим, кафанни олдиму, мозорга бордим[30].

Айни шу сабабли ҳаётнинг мазмуни муаммоси ҳар бир инсон қаршисида эртами-кечми кўндаланг бўлади ва у ўзига аниқ ва узил-кесил жавоб топиш мумкин бўлмаган саволларни беради. «Бу дунёда нима учун яшаяпман?», деб сўрайди ўзидан инсон ва агар бу саволга ўзи жавоб бермаса, ўз ҳаётига муайян мазмун бахш этмаса, бу ишни унинг ўрнига ҳеч ким ва ҳеч қачон бажармаслигини вақт ўтиши билан англай бошлайди. Абадият қаршисида, ўлим қаршисида ҳар ким охир-оқибатда ўзи билан ўзи танҳо қолади. Аслида, мазкур муаммо фалсафий антропологияда ҳам инсон борлиғи таҳлилидаги бош муаммолардан бири ҳисобланади.

Ҳаётни тарк этиш босқичлари. Биологик мавжудот сифатида ҳар бир инсон ўлимга маҳкумдир. Буни қадимги мутафаккирлар ҳам яхши тушунган. Хусусан, ўз мухолифларидан бирининг: «Ўттиз тиран сени ўлимга ҳукм этди», деган гапига Суқрот: «Уларни эса ўлимга табиат ҳукм этган», деб жавоб берган. Аммо одамзот ижтимоий мавжудот сифатида ҳам ўлимга маҳкумдир.

Ҳозирги замон фанида ўлиш жараёнининг тўрт босқичи фарқланади. Бу босқичларга организмда юз берадиган ва унинг қаришини тавсифлайдиган орқага қайтариб бўлмайдиган биологик ўзгаришлар сабаб бўлади.

Амалда *инсоннинг ҳаётни тарк этиши* у одамлардан ўзини олиб қочиб, жамиятдан узоқлашиши билан тавсифланадиган **ижтимоий ўлим** юз берганида бошланади. Сурункали гиёҳванд моддаларини истеъмол қилиш, кашандалик, ичкиликбозлик, ўз ҳаётидан доимий норозилик ижтимоий ўлимни билдиради. Сўнгра **руҳий** ўлим юз беради, бунда инсон ҳаёт тугагани ва ўлимнинг муқаррар эканлигини ва ўз ҳаёти давомида ҳеч нарсага эриша олмаганини англайди. **Мия ўлиши** билан бош мия фаолияти бутунлай тўхтайди, организмнинг турли функцияларини бошқариш барҳам топади. Бу жараён **физиологик ўлим** билан якунланади. Бунда инсоннинг уни тирик организм сифатида тавсифловчи барча функциялари узил-кесил тўхтайди.

Хулосалар. Муайян инсон ўз ҳаёти сўнишининг юқорида санаб ўтилган босқичларини англамаслиги ҳам мумкин (аксарият ҳолларда шундай бўлади), аммо у ўз ҳаёт йўлидан илгарилар экан, бу дунёда нима учун яшаяпман, деган саволга ўз ҳаракатлари, қилмишлари билан жавоб беради. Агар инсон уларни ҳали тўла англаб етмаган бўлса, мазкур вазифани ечиш ўз ҳаёт йўлини эндигина танлаётган одам учун ҳам, умрининг шомида ортга назар ташлаб, ўз ҳаётини сарҳисоб қилаётган одам учун ҳам тенг даражада мушкул иш бўлиб қолади. Бу дунёда ўз ҳаётини одамларга, эзгулик, ҳақиқат ва адолатга хизмат қилишга бағишлашдан иборат. Шу тариқа инсон ўз ишлари, ғоялари ва қилмишлари билан келгуси авлодлар хотирасида қолиш имкониятини қўлга киритади.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун назорат саволари:

1. Инсон борлиғининг ўзига хос хусусиятлари ва моҳияти қандай?
2. Шахс, индивид деганда нималарни тушунасиз?
3. Фалсафий антропология фанининг маъноси ва вазифалари нималардан иборат?
4. Инсоннинг биоижтимоий моҳиятини таърифлаб беринг.
5. Эркинлик ва зарурият категорияларининг моҳиятини қандай изоҳлайсиз?
6. Фаолият тушунчасини қандай таърифлайсиз? Фаолиятнинг тузилиши ва атрибутларини тушунтиринг.
7. Инсон фаолиятини тартибга солиш механизмларига нималар киради?

[29] Қаранг: Саъдий Шерозий. Рубоийлар. –Т.: Шарқ, 1995. –Б.26
[30] Саъдий Шерозий. Рубоийлар. – Т.: Шарқ, 1995. –Б. 26

16-мавзу: Қадриятлар фалсафаси (Аксиология).

Маъруза режаси:

1. Қадрият тушунчасининг мазмуни ва унинг умумий тавсифи.

2. Қадриятларнинг турлари (умуминсоний, миллий, шахсий қадриятлар).

3. Оиланинг қадриятга доир жиҳатлари. Гендер тенглигини таъминлашда инсон меҳнати қадрланишининг аҳамияти. Оила – таълим – маҳалла тизими.

3. Қадриятларни баҳолаш ва қадриявий мўлжал.

Таянч тушунча ва атамалар: қадрият, аксиология, қадриятлар типлари, қадриявий ёндашув, миллий қадриятлар.

1-савол баёни: Қадриятлар назарияси фалсафий билимларнинг илмий тизими сифатида XIX асрнинг иккинчи ярмида *Вильгельм Виндельбанд, Рудольф Лотце, Герман Коген, Генрих Риккерт* каби немис файласуфларининг асарларида шакллана бошлади. XX асрнинг бошида француз файласуфи *П.Лапи* қадриятлар назариясини ифодалаш учун «аксиология» (юнон. *axios* - қадрият, logos – фан, таълимот) атамасини муомалага киритди. Кейинчалик аксиология муаммолари феноменология, герменевтика, экзистенциализм ва бошқа фалсафий йўналишларнинг вакиллари томонидан тадқиқ этилди.

Аксиология – фалсафанинг қадриятларни ўрганиш билан шуғулланувчи алоҳида бўлими (юнон. *axios* - қадриятлар, logos – билим: қадриятлар ҳақидаги фан). Қадриятлар улкан фалсафий аҳамиятга эга. Қадриятлар тушунчаси инсоннинг дунёга бўлган муносабатининг алоҳида жиҳатини намоён этади. Улар инсон фаолияти, жамият ва маданиятнинг ўзига хос хусусиятларини янада теранроқ англаб етиш имконини беради. Қадриятлар инсон ва жамият ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди, чунки инсоннинг ҳаёт тарзини, унинг ҳайвонот дунёсидан ажралиш даражасини айнан қадриятлар тавсифлайди.

Ҳозирги замон фалсафий ва социологик адабиётларида ҳам қадриятларнинг табиати ва моҳиятини тушунишга нисбатан ягона ёндашув мавжуд эмас. Айрим тадқиқотчилар қадриятга инсоннинг маълум бир эҳтиёжини қондиришга ёки унга муайян фойда келтиришга қодир бўлган предмет сифатида; айримлар – идеал, меъёр сифатида; яна бир гуруҳ олимлар – бирон-бир нарсанинг инсон ёки ижтимоий гуруҳ учун аҳамияти сифатида ёндашадилар. Зикр этилган ёндашувларнинг ҳар бири мавжуд бўлиш ҳуқуқига эга, чунки уларнинг барчаси қадриятларнинг муайян жиҳатини акс эттиради; уларга бир-бирини истисно этувчи ёндашувлар сифатида эмас, балки бир-бирини тўлдирувчи ёндашувлар сифатида қараш керак. Мазкур ёндашувлар синтези *ҳозирги замон қадриятлар умумий назариясини* ташкил этади.

Қадрият – бу борлиқ ранг-баранг элементларининг объектив аҳамияти бўлиб, уларнинг мазмуни жамият субъектларининг эҳтиёжлари ва манфаатлари билан белгиланади. Фалсафий маънода «... қадрият нарса ва буюмларнинг қимматига нисбатан қўлланилмасдан, балки инсон учун бирор аҳамиятга эга бўлган воқеликнинг шакллари, ҳолатлари, нарсалар, воқеалар, ҳодисалар, жараёнлар, ҳолатлар, сифатлар, талаб, тартиблар ва бошқаларнинг қадрини, ижтимоий аҳамиятини ифодадаш учун ишлатиладиган фалсафий категориядир»[31]. Шу билан бирга кўп қадриятлар жамиятдан ташқари ўз аҳамиятини тез

[31] Назаров Қ.Н. Фалсафа асослари. – Т.:.”Ўзбекистон миллий файласуфлар жамияти”, 2012.– Б.755.

йўқотади. Масалан, пул ва тилло безаклар одамсиз оролда керак эмас. Ундан ҳеч қандай амалий фойда йўқ. Шунга кўра кўп қадриятлар фақат инсоният жамиятида туғилади ва яшайди.

Қадриятларнинг асосий ижтимоий функцияси нимада? У шундаки, одам ва жамиятга ҳаёти ва фаолиятида аниқ йўналишлар беради Нимага интилиш кераклиги, уни қандай қилиш лозимлигини кўрсатади. Бошқача айтганда, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган мақсадларга эришиш воситаларини аниқлайди. Маълумки бундай ҳолатда қадриятлар одамлар ижтимоий ҳаётининг тартибга солувчиси сифатида юзага чиқади. Жамият қандай бўлса, унинг қадриятлари ҳам шундай бўлади. Қадриятлар қандай бўлса, унинг тартибга солувчиси ҳам шундай бўлади. Масалан, қонунга итоат қилувчи, ҳуқуқий жамиятда олий ижтимоий қадриятлардан бири конун бўлиб, у орқали барча ижтимоий ҳаёт тартибга солинади. Ўзбошимча ва қонунсиз жамиятда объектив қадрият ва тартибга солувчи, муқаррар равишда куч ишлатиш ҳисобланади. Бунда қонун, ҳуқуқ, ахлоқий қадрият ҳокимият томонидан сиқиб чикарилади. Ким кучли бўлса у тўғри, барча қолганлар, гарчанд ҳақиқат улар томонда бўлса ҳам, зўровонлар олдида жуда ҳимоясиз бўлиб қоладилар.

Қандайдир ҳодисанинг жамият учун қадрлилиги нимада? Бу одамларнинг эхтиёжлари ва манфаатларининг ривожланиш даражасида. Радиактив уран ва компютернинг ёввойи учун қадрлилиги катта эмас. У ундан қандай амалий фойда олишни билмайди. Бу ерда маълумки, у ёки бу нарсанинг аҳамияти ва қадрлилиги туғрисидаги қарашларга одамнинг етуклик даражаси таъсир қилади.

Одамларнинг эҳтиёжлари ва манфаатлари мураккаброқ, чунки улар нафақат объектив, субъектив сабаблар билан ҳам боғлиқ бўлади. Уй-жой ва озиқ-овқатга, кийим-кечакка бўлган эҳтиёж хар бир жамиятда объектив равишда мавжуд. Шу билан бирга моддий бойлик қадрияти ҳар хил жамиятда бир ҳил эмас. Қаердадир пул ва олтин моддий бойликнинг эквиваленти сифатида ижтимоий қадриятлар даражасида биринчи ўринни эгаллайди. Қаердадир уларга камтарона ўрин берилади.

2-савол баёни: ***Қадриятларнинг турлари.*** Шахс ва жамият эҳтиёжлари ва манфаатларининг ранг-баранглиги қадриятларнинг мураккаб тизимида ўз аксини топади. Бу қадриятлар турли асосларга кўра таснифланади. Мавжудлик шаклига кўра **моддий ва идеал (маънавий) қадриятлар** фарқланади. Ижтимоий ҳаётнинг асосий соҳаларига мувофиқ одатда қадриятларнинг уч гуруҳи фарқланади: **моддий-иқтисодий қадриятлар, ижтимоий-сиёсий қадриятлар ва маънавий қадриятлар.**

Моддий қадриятлар – бу қадрият аҳамиятига молик бўлган табиий объектлар ва предметлар, яъни меҳнат воситалари ва бевосита истеъмол буюмларидир. Табиий қадриятлар қаторига табиий бойликларда мужассамлашган табиий неъматлар киради. Моддий қадриятлар жумласига инсон меҳнати натижасида яратилган моддий дунё предметлари, шунингдек ўтмиш маданий мероси предметлари киради.

Ижтимоий-сиёсий қадриятлар – бу ижтимоий ва сиёсий ҳодисалар, воқеалар, сиёсий актлар ва ҳаракатларнинг қадрият сифатидаги аҳамиятидир. Ижтимоий-сиёсий қадриятлар қаторига, одатда, сиёсий ва ижтимоий ҳаракатларда мужассамлашган ижтимоий имтиёзлар, шунингдек жамиятнинг равнақ топиши, халқлар ўртасида тинчлик ва ҳамкорликнинг мустаҳкамланишига кўмаклашувчи тарихий воқеаларнинг прогрессив аҳамияти киради.

Маънавий қадриятлар – бу ижтимоий онг ҳодисаларининг тегишли шаклларда намоён бўлган меъёрий-нисбий томони. Фан, ахлоқ, санъат, фалсафа, ҳуқуқ қадриятларини маънавий қадриятлар деб ҳисоблаш одат тусини олган. Маънавий қадриятлар қаторига бахт-саодат, яхшилик ва ёмонлик, гўзаллик ва хунуклик, адолат ва адолатсизлик, ҳуқуқийлик ва ноҳуқуқийлик, тарихнинг мазмуни ва инсоннинг вазифаси ва ҳоказолар ҳақидаги меъёрий тасаввурлар кўринишида ифодаланган ижтимоий идеаллар, мўлжаллар ва баҳолар, меъёрлар ва тақиқлар, ҳаракат принциплари киради. Моддий қадриятлар инсон эҳтиёжлари ва манфаатлари объектлари сифатида амал қилса, маънавий қадриятлар икки хил функцияни

бажаради: улар қадриятларнинг мустақил соҳаси ва моддий қадриятларни баҳолаш асоси, мезонидир.

Қадриятларни таснифлашнинг иккинчи асоси – субъектларга кўра индивидуал шахсий (субъектив-шахсий), группавий (миллий,синфий), умуминсоний қадриятлар фарқланади.

Индивидуал ёки шахсга доир қадрият – бу нарса, ҳодиса, ғоянинг муайян инсон учун қадрият сифатидаги аҳамияти. Ҳар қандай қадрият ўз моҳиятига кўра индивидуалдир, зеро нарса, ҳодиса, ғояни фақат инсонгина баҳолашга қодир. Шахсий қадриятлар таълим ва тарбия, индивид ҳаёт тажрибасини тўплаши жараёнида шаклланади Шахсий қадриятлар индивиднинг эҳтиёжлари ва манфаатлари таъсирида вужудга келади. Улар кишиларнинг майллари, дидлари, одатлари, билим даражаси ва бошқа индивидуал хусусиятлари билан белгиланади.

Группавий қадриятлар тўғрисида сўз юритар эканмиз, биз бу билан мазкур нарса, ҳодисани бир индивид эмас, балки уларнинг муайян мажмуи ижобий баҳолашига урғу берамиз. Группавий қадриятлар – бу нарсалар, ҳодисалар, ғояларнинг одамлар муайян бирлиги (синф, миллат, меҳнат жамоаси ва ш.к.) учун қадрият сифатидаги аҳамиятидир. Группавий қадриятлар муайян жамоага кирувчи индивидларни ягона манфаатлар, қадриятлар ва мўлжаллар билан бирлаштириб, мазкур жамоанинг ҳаёт фаолиятида улкан аҳамият касб этади.

Умуминсоний қадриятлар – бу нарсалар, ҳодисалар, ғояларнинг жаҳон ҳамжамияти учун қадрият сифатидаги аҳамиятидир. Умуминсоний қадриятлар қаторига, биринчидан, жаҳон ҳамжамияти аҳолисининг аксарияти амал қиладиган ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий тамойиллар киради. Иккинчидан, умуминсоний қадриятлар жумласига умуминсоний идеаллар, умумхалқ мақсадлари ва уларга эришишнинг асосий воситалари (ижтимоий адолат, инсоннинг ҳаъни ва қадр-қиммати, фуқаролик бурчи ва ш.к.) киради. Шунингдек, умуминсоний қадриятлар қаторига табиий бойликлар ҳамда ўз моҳияти ва аҳамиятига кўра оламшумул хусусият касб этувчи қадриятлар: тинчликни сақлаш, қуролсизланиш, халқаро иқтисодий тартиб муаммолари ҳам киради. Умуминсоний қадриятлар – жамият ва маданиятнинг ривожланиши маҳсули.

Шахсий, группавий ва умуминсоний қадриятлар бир-бири билан ижтимоий нуқтаи назардан узвий боғлиқ. Фалсафа учун қуйидаги саволлар айниқса муҳим аҳамият касб этади: шахсий ва ижтимоий қадриятларнинг ўзаро нисбати қандай, қайси қадриятлар устунроқ - ижтимоий қадриятларми ёки шахсий қадриятларми, шахсий қадриятлар ижтимоий қадриятлар таъсирида шаклланадими ёки, аксинча, ижтимоий қадриятлар индивидларнинг эҳтиёжлари ва манфаатлари мувофиқлаштирилиши натижасида вужудга келадими?

Жамият ва инсон ҳаётидаги қадриятларнинг учта даражасини ажратиш мумкин:

1. Инсон ва жамият учун иккинчи даражали аҳамиятга эга бўлган қадриятлар. Бу шундай қадриятларки, уларсиз жамият ва инсоннинг нормал фаолияти издан чиқмайди. Масалан, автомобил моддий қадрият, лекин у бўлмаса ҳам инсон ўз ҳаётини тўғри ташкил этиши мумкин, икки қаватли ҳовли эгаси бўлиш ёки бўлмаслик.

2. Кундалик ҳаёт ва эҳтиёжлар билан боғлиқ бўлган қадриятлар. Булар инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш, жамиятнинг нормал фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлаш учун зарур бўлган қадриятлардир.

3. Олий қадриятлар - ўз аҳамиятига кўра энг юксак даражада турувчи, одамларнинг фундаментал муносабатлари ва эҳтиёжларини акс эттирувчи қадриятлардир. Олий қадриятларсиз нафақат инсон шахс сифатида камол топа олмайди, балки жамият ҳам нормал ҳаёт кечира олмайди. Олий қадриятларнинг мавжудлиги доимо индивиднинг шахсий ҳаёти чегарасидан четга чиқиш билан боғлиқ. Улар индивидни унинг ўзидан юксак бўлган, унинг ҳаётини белгилайдиган, унинг тақдири узвий боғлиқ бўлган нарсалар билан ошно этади. Айни шу сабабли олий қадриятлар одатда умуминсоний хусусият касб этади.

Олий қадриятлар гуруҳида ҳаёт (ҳаёт қадриятлари), соғлиқ ва эркинлик алоҳида фарқланади.

Инсони умри энг олий қадриятлар қаторига киради, зеро, ҳаётсиз инсон бўлмайди ва қадриятлар ҳам бўлиши мумкин эмас. Индивид учун ҳаёт бошқа бирон-бир нарсага боғлиқ бўлмаган ҳолда энг юксак қадрият, неъмат сифатида амал қилади. Ўз навбатида, ҳаётнинг қиммати бошқа барча қадриятлар учун ўзига хос замин ва чўққи ҳисобланади. Ҳаётнинг қиммати қандай тушунилишига қараб одамлар ўртасидаги муносабатлар ва жамиятнинг

инсонга бўлган муносабати ҳам шаклланади.

Моддий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий қадриятларнинг бир қисми олий қадриятлар қаторига киради. Булар аввало: тинчлик, инсоният ҳаёти; адолат, эркинлик, одамларнинг ҳуқуқлари ва бурчлари, дўстлик ва меҳрибонлик ҳақидаги тасаввурлар; қариндошлик алоқалари; фаолият қадриятлари (меҳнат, ижод, бунёдкорлик, ҳақиқатни англаб етиш); ўз-ўзини асраш қадриятлари (ҳаёт, соғлиқ); ўз шахсиятини намоён этиш, ўз қобилиятларини рўёбга чиқариш қадриятлари; шахсий фазилатларни танлашни тавсифловчи қадриятлар (ҳалоллик, довюраклик, садоқат, адолат, яхшилик) ва ҳ.к.

Инсон соғлиғи - табиий, мутлақ ва боқий олий қадриятдир. Инсоннинг барча эҳтиёжларини қондириш даражаси унинг соғлиғи қай даражада эканлиги билан белгиланади. Соғлиққа бўлган эҳтиёж ялпи хусусият касб этади, у айрим индивидларга ҳам, бутун жамиятга ҳам хос. Шу сабабли индивидуал (шахсий) соғлиқ ва жамият соғлиғи ёки аҳоли саломатлиги фарқланади.

Эркинлик инсон учун олий қадриятдир. Бу категориянинг фалсафий талқини қуйидагича: эркинлик - бу инсоннинг объектив заруриятни билишга таянган ҳолда ўз манфаатлари ва мақсадларига мувофиқ иш кўриш қобилиятидир.

Эркинлик доим ва ҳамма жойда энг буюк қадрият ҳисобланади. Бошқа ҳолларда бўлганидек, эркинлик уни инсон англаган тақдирдагина қадриятга айланади.

Шундай қилиб, қадриятлар тушунчаси шахснинг маънавий дунёси билан узвий боғлиқ. **Ақл-идрок, оқилоналик, билимлар** инсоннинг мақсадга мувофиқ фаолиятини белгиловчи онгнинг энг муҳим элементлари ҳисобланса, улар негизида шаклланувчи маънавият ўз ҳаёт йўлини, ўз фаолиятининг мақсадлари ва мазмуни ҳамда уларга эришиш воситаларини танлаш тўғрисидаги масалани у ёки бу тарзда ечаётган инсон ҳаётининг мазмуни билан боғлиқ бўлган қадриятлар қаторига киради.

3-савол баёни: Оилани фуқаролик жамиятининг, давлатнинг энг муҳим ҳужайраси дейишади. Чунки ҳар бир жамият аъзосининг, бўлажак фуқуронинг тарбияси оиладан бошланади. Оиланинг қадриятга доир жиҳатлари бисёр. Оила қадриятга доир уч жиҳатни: ўзининг бевосита кўриниши бўлмиш никоҳни; оилавий мулк ва анжомлар ҳамда улар ҳақидаги ғамхўрликни; болалар тарбиясини ўз ичига олади.

Аввало, **никоҳ** хақида тўхталиб ўтайлик. Қонунга биноан никоҳ тузиш шартларида энг муҳимлари – никоҳга кирувчиларнинг ўзаро розилиги ва уларнинг никоҳ ёшига етганликлари. Бизда йигитлар учун – 18, қизлар учун ҳам – 18 никоҳ ёшлари қилиб белгиланган. Бу – масаланинг ҳуқуқий томони. Унинг иккинчи – ахлоқий томони ҳам борки, у севги билан боғлиқ. Никоҳ тузишдан аввал икки ёш орасида гоҳ очиқ севги – мунтазам учрашувлар, аҳду паймонлар қилиш ёки орқаворотдан бир-бирини ёқтириши ҳоллари бўлиши мумкин. Ҳар иккала ҳолда ҳам розилик ўзгармас шарт ҳисобланади.

Баъзан, қадимда Шарқ халқларида, шу жумладан ўзбекларда қизнинг ёки йигитнинг розилигисиз тўй қилиб юбора беришган, ота-оналар келишса – бас, деган фикрларни учратади киши. Айниқса, бундай гаплар шўролар даврида тинимсиз такрорланар эди. Ваҳоланки, бундай ҳол кам бўлган, уни мусулмончилик инкор этади. Ривоят қилишларича, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом уйларига совчи келганида, қизлари Фотимадан доимо розилик сўраганлар ва рад жавоби олганлар. Фақат Ҳазрат Али совчи қўйганларида, Биби Фотима розилик берганлар. Демак, фарзанднинг розилигини олиш бизга пайғамбаримиздан қолган суннат.

Ҳозирги кунда ҳам кўпгина ёшларимиз совчи орқали турмуш қурадилар. Одатда совчи келиб кетгач, йигит билан қиз учраштирилади, иккаласи бир-бирини маъқул кўрсагина, фотиҳа қилиниб, тўй тараддуди кўрилади. Жуда кўп ҳолларда бундай ёшлар ўртасида кейинчалик ҳақиқий муҳаббат шаклланади. Абдулла Қодирий «ўтган кунлар» романида тасвирлаган Отабек билан Кумуш ўртасидаги севгини бунинг мумтоз намунаси деса бўлади. Очиғини айтиш керакки, муҳаббатнинг ҳам ўз даражаси бор: Лайли билан Мажнуннинг муҳаббати ҳамма севишганларга ҳам насиб этавермайди. Бундай романтик-сурурий севги реал ҳаётда камдан-кам учрайди. Бунинг устига, оилавий муҳаббат маълум маънода салобатли, кўпроқ яширин тарзда намоён бўлади.

Никоҳ ўз моҳиятига кўра ахлоқий ҳодиса. Унда эҳтиросларахлоққа бўйсундирилади. Оддий бирга яшашда эса табиий эҳтиёжни қондириш биринчи ўринда туради, никоҳда у иккинчи даражали мавқе эгалайди.

Оиланинг асоси бўлмиш никоҳ - эзгу мақсадга йўналтирилган, зиммасига зурриёт қолдиришдек юксак масъулият юкланган севги, севишнинг ижтимоийлашган кўриниши. Бироқ севги-муҳаббат фақат эркинликда намоён бўлади. Шу жиҳатни назарда тутадиган бўлсак, никоҳни, маълум маънода, анъаналар, урф-одатлар ва эътиқодларга мослаштирилган севгининг яшаш шарти дейиш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, никоҳ заруриятга айланган эркинликдир.

Оиланинг яна бир жиҳати – унинг **ўз мулкига эгалиги**. Агар никоҳ оиланинг ботиний кўриниши бўлса, оилавий мулкни унинг ташқи кўриниши дейиш мумкин. Оиланинг мавжуд бўлиши учун ишлаб топиладиган маблағ ҳам зарур. Оила учун топиладиган ана шу маблағ, шубҳасиз ахлоқий табиатга эга: оила бошлиғи оила аъзоларини ҳалол едириб-ичириши, кийдириши лозим. Оилани эркак киши бошқаради. У нафақат «топиб келади», балки оилавий мулкка хўжайинчилик қилиш, уни тақсимлаш ҳуқуқига ҳам эга.

Оилада **бола**нинг аҳамияти ниҳоятда катта. Ота болада ўз жуфти ҳалолини, она эса севимли эрини кўради: болада эр хотиннинг муҳаббати предметлашади, жонланади. Бола – оилани тутиб турувчи жонли муҳаббат. Болалар оилада умумий оилавий мулк ҳисобига еб-ичадилар, тарбия оладилар.

Оилада болалар интизомли бўлиб ўсмоқлари, ота-онага бўйсинишлари лозим. Лекин бу интизом қулликка ўргатиш эмас, балки болаларига хос эрка-тантиқлик, ўзбошимчалик сингари салбий хусусиятларни йўқотишига хизмат қилиши керак. Ота-онага бўйсунишдан бош тортишга йўл қўйиш боланинг келажакда қўпол бадхулқ нокамтарин бўлиб етишувига олиб келади. Шу боис оила илк ахлоқий тарбия ўчоғи сифатида ҳам катта аҳамиятга эга.

Оила бузилиши ҳам мумкин. Бунинг турли сабаблари бор. Бири – оилани ахлоқий нуқтаи назардан бузилиши. Бунда болалар балоғатга етгач, эркин шахс сифатида янги оилага асос бўлишлари – ўғил болаларнинг уйлантирилиши, қизларнинг эрга берилиши назарда тутилади.Уйлантирилган фарзандларга ҳам, эрга берилган қизларга ҳам янги оила қуриш ва уни моддий жиҳатдан дастлабки пайтларда муҳтожликдан сақлаб туриш учун етарли бўлган уй-рўзғор ашёлари ажратилади. Шунингдек, оиланинг табиий бузилиши ҳам мавжуд. Унда ота-онанинг, ёки отанинг вафоти туфайли оила мулкининг мерос бўлиб бир ёки бир неча фарзандга ўтиши муносабати билан оила бузилиши мумкин.

Бундан ташқари, никоҳ бекор қилиниши муносабати билан оила бузилади. Аслида никоҳ ҳам диний, ҳам дунёвий нуқтаи назардан бузилмаслиги керак. Лекин ўртада хиёнат содир бўлиши ёки яна бошқа бир хил сабаблар туфайли никоҳни фақат ахлоқий обрўга эга, қонун билан тан олинган идоралар, масалан суд, ва ваколатли руҳоний бекор қилиши мумкин, зеро у, айтганимиздек, ахлоқий ҳодиса. Ҳар бир жамият мана шу сўнгги турдаги оила бузилишига қарши курашади. Бундай оила бузилиши қанча камайса, у ўша жамият ахлоқий такомиллашиб бораётганини англатади.

Оилавий муҳит. Оиланинг мустаҳкамлиги оила аъзоларининг ахлоқий тарбиясига боғлиқ. Халқимизда бежиз “Соғлом турмуш тарзи мустахкам оиланинг гаровидир” деб айтилмаган. Соғлом турмуш тарзи деганда биз нафақат оиладаги эр ва хотиннинг бир – бирига бўлган муносабати балки, улардаги ахлоқий фазилатлар, имонлилик, поклик, ҳалоллик, ростгўйлик, ширинсўзлик, каби ахлоқий меъёрларга амал қилган холда урф – одатларга асосланган, замонавий оилани тушунамиз.

Оила ташвиши кўпроқ аёл зиммасига тушади.Халқимизда бежиз «Инсонлар ҳамма вақт аёллар истагани каби бўладилар, агарда буюк ва фазилатли одамларга эҳтиёжингиз бўлса, аёлларга буюклик ва фазилат ўргатинг». – деб айтишмаган.

Дархақиқат, оилада фарзандлар онадан кўпроқ тарбия оладилар. Онада бўлган ахлоқий фазилатлар: камтарлик, андиша, ҳаё - ибо, тартиб-интизом, сабр-қаноат кабилар

фарзандларига ҳам ўтади. Бу эса шарқ хотин-қизларига хос юксак ахлоқ фазилатларида кўринади. Жумладан, Саъди Шерозий ҳам:

Хотин бўлса қобилу-ақли расо,
Эрни шох этар, гар бўлса гадо, -

дея аёлларимизни кўкка кўтарганлар. Аёлнинг маънавий юксалишига шахсий ҳаётининг таъсири каттадир. Оилада аёлнинг ранги-рўйига қараб, эрининг кимлигини, эрининг юриш-туришига қараб унинг хотини ҳақида батафсил фикр айтиш мумкин. Аёл гўзаллиги деганимизда даставвал ундаги ташқи қиёфасининг гўзаллиги кўз олдимизга келади. Ҳусн ҳам аёл кишининг бойлигидир. Лекин ахлоқий маънавият билан безалган ҳусн соҳибасигина ҳақиқий гўзалдир... Халқимизда: «Гўзаллик ила мадх этилувчи хотин гўзал эмас, балки тарбияли хотин гўзалдир» дейилади.

Маънавиятсиз моддий фаровонликка ҳам, умумтараққиётга ҳам эришиб бўлмайди. Маънавий қашшоқлик миллий таназзулга олиб боради. Харом аёлдан ҳалол фарзанд дунёга келмайди. Умуман, нопок аёлни она дея шарафлаб бўлмайди. “Қуш уясида кўрганини қилади”, “Онасини кўриб, қизини ол”деган мақоллар бекорга айтилмаган.

Оиланинг мустаҳкамлиги ва тотувлиги кўп жиҳатдан аёлларга боғлиқ дедик. Аммо бу фикр, оилада эркакларнинг масъулияти кам экан, деган ҳулосага олиб келмаслиги керак. Ж.Маздани айтганидек «Эркак ва аёл – бамисоли икки майин товушки, инсон қалбидаги торлар уларсиз ҳақиқий ва тўлақонли оҳанг беролмайди.» Дарҳақиқат, эркаксиз оила бу бахтикемтик, яримта оила демак, “эркак-оиланинг устуни» деб бекорга айтилмаган.Оилада азалдан эркаклар рўзғорнинг энг оғир юмушларини ўз зиммаларига олиб келганлар. Ота – боболаримиз ҳам оила тинчлиги аввало эркакка боғлиқ, деб билганлар.

Халқимиз ўзининг кўп минг йиллик тарихи жараёнида оила ҳусусида миллий–мафкуравий тарбияни шакллантирган. Оилада отанинг шахсий ибрати, онанинг меҳри орқали турмуш захматларини енгишда, фарзандларини тарбияли бўлишида мустаҳкам таянч бўла олишган. Оилада эркак кишининг кейинги вазифаси хотин ва оила аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг номусларини сақлашдир.

Таъбир жоизки оила бахти, фарзандларнинг тарбияли етук инсон бўлиб етишида ота–онанинг саъй ҳаракати, тарбия маҳоратига боғлиқ. Истиқлол ота–оналар зиммасига буюк келажак қурувчиларини тарбиялаш, заминимиз учун фидойи фарзандларни етиштириш масъулиятини юклайди.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун назорат саволлари:

1. Қадрият тушунчасини қандай таърифлайсиз?
2. Аксиология нима?
3. Қадриятларнинг турларини фарқлаб беринг.

Иккинчи модул:

АХЛОҚ ВА НАФОСАТ ФАЛСАФАСИ. КОРРУПЦИЯ – ҲОЗИРГИ ЗАМОННИНГ ГЛОБАЛ МУАММОСИ.

11 – Мавзу: Ахлоқ фалсафаси (Этика).

Маъруза режаси:

1. Этиканинг моҳияти ва аҳамияти. Этиканинг фан сифатидаги асосий соҳалари.

2. Ахлоқнинг моҳияти, таркиби ва функциялари.
3. Этикадаги қадриятлар ва категориялар.
4. Ахлоқий маданият. Замонавий ахлоқий тарбиянинг муаммолари.

Таянч тушунча ва иборалар:

«Этика», «ахлоқ», “одоб”, “хулқ”, этиканинг объекти, этиканинг предмети, этиканинг турли аспектлари (соҳалари), касбий (профессионал) этика, ахлоқ ва маънавият, этика категориялари, ахлоқий қадриятлар, евгеника, биоэтика, ахлоқий тамойиллар, ахлоқий меъёрлар, ахлоқий маданият, этикет, касбий одоб.

1-савол баёни: ***«Этика»*** сўзи юнонча ethos – одоб, урф-одат маъносини англатади. Бу атама махсус фан номи сифатида илк бор Аристотель (эр. авв. 384-322 й.й.) томонидан фанга киритилган эди, кейинчалик уни қатъий маънода стоиклар ишлатган эдилар.

Ахлоқшунослик бир неча минг йиллик тарихга эга бўлган қадимий фан. У бизда “Илми равиш”, “Илми ахлоқ”, “Ахлоқ илми”, “Одобнома” сингари номлар билан атаб келинган. Оврўпода эса «Этика» номи билан машҳур, биз ҳам яқин-яқингача шу атамани қўллар эдик. Уни биринчи бўлиб юнон файласуфи Арасту муомалага киритган. Арасту фанларни тасниф қиларкан, уларни уч гуруҳга бўлади: назарий, амалий ва ижодий. Биринчи гуруҳга у фалсафа, математика ва физикани; иккинчи гуруҳга – этика ва сиёсатни; учинчи гуруҳга эса – санъат, ҳунармандчилик ва амалий фанларни киритади. Шундай қилиб, қадимги юнонлар ахлоқ ҳақидаги таълимотни фан даражасига кўтарганлар ва «Этика» (ethika) деб атаганлар.

Бироқ, бизда миллий-минтақавий ахлоқий қадриятларимизнинг, дастлабки ахлоқий ғояларнинг вужудга келиши қадимги юнонлар яшаган даврдан ўнлаб асрлар аввал рўй берган. Аждодларимизнинг энг кўҳна эътиқодий-ахлоқий китоби - «Авесто» бунинг ёрқин далилидир. Шу сабабли эндиликда бу фанни ҳам илмий-тарихий, ҳам замонавий-ҳаётий талаблар нуқтаи назаридан «Ахлоқ фалсафаси» деб аташни мақсадга мувофиқ деб билдик.

Ахлоқшунослик қадимда физика ва метафизика билан биргаликда фалсафанинг узвий (учинчи) қисми ҳисобланар эди. Кейинчалик (Арастудан сўнг) алоҳида фалсафий йўналишдаги фан мақомини олди. Бу фикрни қуйидагича кенгайтириброқ талқин этиш мумкин. Маълумки, фалсафанинг фанлар подшоси сифатидаги вазифаси барча табиий ва ижтимоий илмлар эришган ютуқлардан умумий хулосалар чиқариб, инсониятни хақиқатга олиб боришдир. Шундан келиб чиққан ҳолда, фалсафанинг тадқиқот объектини тафаккур деб белгилаш мақсадга мувофиқ. Ахлоқшунослик ахлоқий тафаккур тараққиётини тадқиқ этади ва амалиётда инсонни эзгулик орқали ҳақиқатга олиб боришга хизмат қилади. Шу боис уни ахлоқ фалсафаси ёхуд эзгулик фалсафаси деб аташ мумкин.

Ҳозир у фалсафий фан сифатида уч йўналишда иш олиб боради, яъни ахлоқий тафаккур тараққиётини тадқиқ этар экан, у ахлоқни: 1) баён қилади; 2) тушунтиради; 3) ўргатади. Шунга кўра, у ***тажрибавий-баёний, фалсафий-назарий ва расмона-меъёрий*** табиатга эга. Қадимгилар уни амалий фалсафа деб атаганлар. Зеро соф назарий ахлоқшуносликнинг бўлиши мумкин эмас. У инсоният ўз тажрибаси орқали эришган донишмандлик намуналарини ҳикматлар, нақллар, матал-мақоллар тарзида баён этади, кишиларни ахлоқий қонун-қоидаларга ўргатади, уларга ахлоқнинг моҳиятини тушунтиради ва фалсафий хулосалар чиқаради. Яъни, ахлоқшунослик фанида Афлотун, Арасту, Эпикур, Цицерон, Сенека, Августин, Форобий, Ибн Сино, Ғаззолий, Спиноза, Кант, Ҳегел, Шопэнҳауэр, Фойербах, Киркегаард, Нитцше, Вл. Соловьёв, Лосский сингари буюк файласуфлар яратган ахлоқ назариясига доир таълимотлар билан биргаликда «Патанжали», «Қобуснома», Саъдийнинг «Гулистон», Жомийнинг «Баҳористон», Навоийнинг « Маҳбуб ул - қулуб», Монтеннинг «Тажрибанома», Ларошфуконинг «Ҳикматлар», Гулханийнинг «Зарбулмасал» каби амалий ахлоққа бағишланган асарлар ҳам ўз мустаҳкам ўрнига эга. Ахлоқшуносликнинг бошқа фалсафий фанлардан фарқи ҳам, ўзига хослиги ҳам ундаги назария билан амалиётнинг омухталигидадир.

Демак, «этика», «ахлоқ» «хулқ-атвор» тушунчалари бир-бирига яқин, лекин айни бир хил тушунчалар эмас. Этика ахлоқ ва хулқ-атвор тўғрисидаги фандир, ахлоқ-одоб, хулқ-атвор эса у ўрганадиган ижтимоий ҳодисалардир.

Этика фанининг ўрганиш **объекти** ахлоқдир. Ахлоқ – ижтимоий онгнинг махсус шакли, жамият маънавий ҳаётининг муҳим соҳаси.

Этиканинг **предмети** ахлоқ вужудга келиши ва тараққиётининг умумий қонуниятлари, унинг моҳияти, таркиби, тамойиллари ва меъёрларидир.

Этика ахлоқ вужудга келиши ва тараққиётининг умумий қонуниятларини ўрганганлиги сабабли **фалсафий фан** бўлиб ҳисобланади. Уни қадимдан «амалий фалсафа» деб атаб келганлар. Чунки фалсафанинг онтология, гносеология, социология, эстетика, мантиқ каби бошқа соҳаларидан фарқли равишда этика одамларнинг ўзларини турли шароитларда қандай тутишлари, қандай қилиб ахлоқий бўлиб бориши қонун-қоидаларини ўргатади, уларнинг ахлоқий муносабатларини шакллантиради.

Этика ахлоқ ҳақидаги бир бутун илмий назария бўлиб, у ўз предметини ижтимоий муносабатлар билан чамбарчас алоқадорликда тадқиқ этади, фақат ахлоқнинг пайдо бўлиши ва тарихий тараққиёти қонуниятларини, функцияларини аниқлаш билангина чекланиб қолмай, балки айни пайтда ахлоқнинг ижтимоий моҳиятини, кишиларнинг юриш-туришини ахлоқан тартибга солиш қонунларини ва у орқали ижтимоий жараёнларни ўрганиш билан шуғулланади.

Этика қадим замонлардан бошлаб фалсафанинг таркибий қисми, ҳаттоки унинг ядроси ҳисобланарди. Философлар дунёқараш муаммолари (Бизни ўраб олган оламнинг ўзи нима? Одамнинг шу оламдаги ўрни қандай, одам дунёни била олиши мумкинми, билишнинг йўллари қандай ва ҳ.к.)га жавоб бериш жараёнида жамиятда одам қандай яшамоғи ва фаолияти қандай бўлмоғи керак, унинг ижтимоий бурчи, вазифаси нимадан иборат, инсоний турмуш кечиришнинг нормалари қандай бўлиши керак ва бошқа шу каби саволларга ҳам жавоб топишга, яъни инсон борлиғининг энг муҳим масалаларини ҳал қилишга уринганлар.

Хулоса қилиб айтганда, этикани фақатгина турли хил этика назариялари эмас, балки реал ҳаракатдаги, жонли ахлоқ қизиқтиради, бошқача айтганда, уни биринчи навбатда ўз предметининг объектив диалектикаси қизиқтиради.

Этика фани ахлоқни турли томонлардан, нуқтаи назарлардан ўрганади. Бу унинг турли аспектлари (соҳалари)ни ҳосил қилади:

Ахлоқнинг умумий назарияси – ахлоқнинг табиати, моҳияти, ўзига хос хусусиятлари, таркиби, ахлоқ, ривожланиши, унинг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти каби методологик, умумий-назарий масалаларини ўрганади.

Тарихий этика - ахлоқ ва ахлоқий назарияларнинг тарихан вужудга келиши, тараққиёти қонунларини ўрганади.

Этик аксиология – ахлоқий қадриятлар, яхшилик ва ёмонлик масалаларини тадқиқ этади.

Ахлоқ генеалогияси – ахлоқнинг вужудга келиши масалаларини ўрганади.

Ахлоқ социологияси – ахлоқнинг бошқа ижтимоий ҳодисалар, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари билан ўзаро алоқаларини тадқиқ этади (ахлоқ ва иқтисод, ахлоқ ва сиёсат, ахлоқ ва фан, ахлоқ ва дин, ахлоқ ва маданият, ахлоқ ва санъат ва ҳ.к.).

Профессионал этика – ахлоқнинг турли касблар доирасида ўзига хос амал қилиш хусусиятлари, нормаларини ўрганади (педагогик этика, актёр этикаси, врач этикаси, ҳарбий этика ва ҳ.к.).

Норматив этика – жамиятда ва кишилар ўзаро фаолиятларида амалда бўлган ахлоқ нормалари ва меъёрларини ўрганади.

Деонтология (юнонча deon – бурчлилик, зарурийлик, logos – фан, таълимот) – этиканинг бурч ва бурчлилик, ахлоқий зарурийлик масалаларини ўрганувчи соҳаси.

Дескриптив этика – муайян жамият ахлоқини конкрет-социологик ва тарихий таҳлил қилувчи этика соҳаси.

Ахлоқий тарбия назарияси – инсонни ахлоқий тарбиялаш қонунлари, принциплари, методлари ва воситаларини ўрганади.

Бу аспектлар этика фани таркибида узвий бирликни ташкил этади. Шунингдек, улар ҳозирги даврда этиканинг нисбатан мустақил, алоҳида соҳалари сифатида ҳам ривожланиб бормоқда.

Ахлоқнинг моҳияти, таркиби, вужудга келиши ва тарихий тараққиётининг қонунларини ўрганишда этика, фалсафа, тарих, психология, педагогика, иқтисодиёт ва бошқа фанлар билан узвий алоқада бўлади. Чунки бу фанларнинг барчаси ахлоқ масалаларини у ёки бу томондан ўрганади.

Аммо этика бошқа фанлардан фарқли равишда ахлоқнинг моҳияти, таркиби, функциялари, тарихий типлари, принциплари ва нормаларини, улар вужудга келиши ва тараққиётининг умумий қонуниятларини махсус, батафсил ўрганиш билан ажралиб туради. Бунда у бошқа фанлар маълумотлари ва фактларига таянган ҳолда иш кўради. Бошқа фанлар эса этика ишлаб чиққан умумназарий, методологик принциплар, қонун-қоидалар, методларга асосланган ҳолда иш кўради.

Ахлоқнинг илмий назарияси бўлган этика ҳозирги замон шароитида реал ахлоқий муносабатлар моҳиятини тадқиқ этиш ва тушунтиришни, ижтимоий тараққиёт мазмунига киритадиган барча ижобийликни очиб беришни ўз олдига асосий вазифа қилиб қўяди.

Этика реал ахлоқий муносабатларни тадқиқ этиш билан бирга шу асосда ахлоқий муносабатларнинг қандай бўлиши лозимлигини, яъни лузумийликни ифодалаб беради, ахлоқни ҳаётда қарор топтирадиган объектив қонуниятларни текширади. Этика инсониятнинг ахлоқий тажрибасини умумлаштириб, ҳаёт кун тартибига қўйган янги принциплар, нормалар, хулқ қоидаларини назарий асослашга, уларни барча кишиларнинг бойлигига айлантиришга ҳаракат қилади, бу эса жамиятни бошқаришдаги методларни такомиллаштиришга ёрдам беради.

Яна бир муҳим муаммо, бу - **биологик ахлоқ.** Мазкур ҳодиса сўнгги бир неча ўн йиллик ичида соф табобат муаммосидан ахлоқий муаммога айланди: эндиликда, бировнинг муайян аъзосини бошқа беморга жарроҳлик операцияси йўли билан ўтказиш орқали киши ҳаётини сақлаб қолиш ахлоқий нуқтаи назардан қандай баҳоланади, деган савол кун тартибида долзарб бўлиб турибди.

Биологик ахлоқ деганда, одатда, бизда ҳам, жаҳон ахлоқшунослигида ҳам асосан тиббий ахлоқ, табобат муаммоларига доир ахлоқий ёндашувлар тушунилади, холос. Бу унчалик тўғри эмас. Бизнингча, биологик ахлоқ муаммолари икки йўналишдан иборат: бири - инсонларнинг кичик биологик олам сифатидаги катта биологик оламга бўлган муносабатлари билан боғлиқ «ташқи», иккинчиси - инсонларнинг «ўз-ўзига ва ўзаро муносабатларидаги тиббиёт билан боғлиқ ички» ахлоқий масалалар.

Биз одатда «экологик ахлоқ фалсафаси» деганимизда айнан биринчи ҳодисани назарда тутамиз. Икки биологик оламнинг муносабатларини, яъни экологик ахлоқий муаммоларни биологик ахлоқ доирасида ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги пайтда экологик ахлоқнинг инсоният учун нақадар муҳимлигини ҳамма билади, лекин ўз билганидан қолмайди – муаммонинг мураккаблиги шунда. Биз юқорида ноосфера, тафаккур борасидаги мулоҳазаларимизда экологик буҳронларнинг баъзи кўринишларига тўхталиб ўтдик. Бироқ, яна ундан ташқари сўнгги пайтларда жаҳон бўйлаб синтетик жисмлар ишлаб чиқаришнинг кенг йўлга қўйилганлиги, ҳайвонот ва айниқса ўсимликларнинг габрид усулида янги турларининг вужудга келтирилиши сингари ҳодисалар ҳам экологик аҳамиятга эга. Хўш, улар табиат билан сингишиб, уйғунлашиб кета оладими, табиат уларни ўзиники қила биладими? Бунга ҳозир жавоб топиш қийин, эҳтимол кашфиётларимизнинг оқибатлари, юқорида айтиб ўтганимиз - муайян тафаккур билан инсон орасидаги «масофанинг узоқлашиб» бориши натижасида аён бўлар?...

Биологик ахлоқнинг иккинчи йўналиши тиббиёт илми ва амалиётининг тобора тараққий топиб бориши билан боғлиқ. Бизнингча, тотли ўлим - ***эвтаназия*** ҳам биотиббий ахлоқнинг

глобал муаммоларидан. Худонинг ихтиёридан ташқари ўлимни ихтиёр қилган киши диний нуқтаи назардан кечирилмайди. Чунки сабрли, бардошли бўлиш, бу дунё изтиробларини тоқат билан бошдан кечириш инсоннинг вазифаси. Лекин ахлоқий жиҳатдан олиб қараганда масала қандай баҳоланади? Дейлик, муайян инсон, бемор ўз кунларининг саноқли эканини, лекин бу кунлар саноқсиз азоблар ичида ўтишини билади. Шу боис у ўзининг ана шу ҳолатини жуда яхши биладиган бошқа бир одам - шифокордан азобларига чек қўйишни сўрайди. Унинг илтимоси ва шу илтимосни бажариш учун шифокор томонидан қилинган хатти-ҳаракатларни қандай, баҳолаш мумкин? Бу хатти - ҳаракатларни инсонийлик ва инсонпарварликнинг кўриниши сифатида қабул қилиш тўғрими? Умуман, эвтаназия ахлоқийликми, ахлоқсизликми? Бу муаммо ҳам умумжаҳоний миқёсда ўз ечимини кутмоқда.

Чунки табобат борасидаги сўнгги тадқиқотлар инсон ўлими бир лаҳзада рўй бермаслигини, юрак уриши ва нафас олиш тўхтаганда ҳам, мия ўлмаса инсонни ўлди дейиш мумкин эмаслигини исботлаб берди. Дастлаб мия қобиғи, ундан кейин мия танаси ҳалок бўлади. Шундан кейингина инсонни ўлган деб ҳисоблаш мумкин. Зеро, ҳозирги кунда токи мия ўлмас экан, кўпгина ички аъзоларнинг янги табобат техникаси воситасида ишлашда давом этишини таъминлаш ва шу орқали анча муддатгача инсонда тирикликнинг минимал даражасини сақлаб туриш мумкин. Демак, юрак ёки буйракнинг кўчириб ўтказилиши ҳали ўлмаган одамнинг минимал тирикликка бўлган ҳуқуқини поймол қилишдир. Бунинг устига, америкалик нейрохирург Пол Пирсон ўз тажрибаларига асосланиб, юрак кўчириб ўтказилганда руҳ ҳам кўчиб ўтади, деган фикрни билдиради. Чунончи, 19 яшар қизнинг юраги 40 яшар эркакка ўтказилганида, йигитнинг феъл-атворида жуда катта ўзгаришлар рўй берган. Ёки 20 яшар қизнинг юраги ва ўпкаси 3 6 яшар аёлга ўтказилганда ҳам шунга ўхшаш ўзгаришлар юзага келган: аёлнинг кулишигача ўзгариб кетган. Ахлоқий нуқтаи назардан буни қандай изоҳлаш мумкин?

Биологик ахлоқ фалсафасининг анчадан буён кўпчиликка маълум муаммоси, бу – ***аборт.*** Маълумки, тўртинчи ҳафтанинг охирида ҳомилада дастлабки юрак уриши пайдо бўлади. Саккизинчи ҳафтанинг охирида эса мия танасининг электрофизиологик фаоллигини кузатиш мумкин. Демак, ҳар қандай аборт, халқ таъбири билан айтганда, жонлини жонсиз қилиш, тирик организмни тирикликка бўлган ҳуқуқдан маҳрум этишдир. Хўш, абортни ахлоқсизлик тарзида баҳолаш керакми ё йўқми? Ёки АҚШ олимлари томонидан «инсон зотини яхшилашга» қаратилган тадқиқотларни олиб кўрайлик. Уларда «яхшиланган» - соғлом, кучли интеллект эгаси бўлган одамлар ҳужайрасини аёл организмидаги энди ривожланишга киришган нисбатан «оддий одам» ҳужайраси ўрнига кўчириб ўтказиш тажрибаларини олиб бориш мўлжалланган. Улар амалда татбиқ этилса, аста-секинлик билан инсоният ирсият жамғармасининг (генофондининг) бир ёқлама ўзгаришига олиб келиши шубҳасиз. Румо папаси буни инсон зотига, инсоний табиатга аралашув, уни зўрлик йўли билан ўзгартириш, нафақат катта гуноҳ, балки ўта ахлоқсизлик деб атади. Хўш, бундай тажрибаларни қандай баҳолаш керак? Бу саволларга ҳам Ахлоқ фалсафаси жавоб топмоғи лозим.

2-савол баёни: Этика ахлоқнинг келиб чиқиши ва моҳиятини, кишининг жамиятдаги ахлоқий муносабатларини ўрганади. «Ахлоқ« сўзи арабчадан олинган бўлиб, инсоннинг муомала ва руҳий хусусиятлари мажмуини, феълини, табиатини англатадиган «хулқ» сўзининг кўплик шаклидир. «Ахлоқ« ибораси икки хил маънога эга: умумий тушунча сифатида у фаннинг тадқиқот объектини англатса, муайян тушунча сифатида инсон феъл-атвори ва хатти-ҳаракатининг энг қамровли қисмини билдиради. Ахлоқни умумий тушунча сифатида олиб, уни доира шаклида акс эттирадиган бўлсак, доиранинг энг кичик қисмини одоб, ундан каттароқ қисмини - хулқ, энг қамровли қисмини ахлоқ эгаллайди.

Одоб – инсон ҳақида ёқимли таассурот уйғотадиган, лекин жамоа, жамият ва инсоният ҳаётида у қадар муҳим аҳамиятга эга бўлмайдиган, миллий урф-одатларга асосланган чиройли хатти-ҳаракатларни ўз ичига олади.

Хулқ – оила, жамоа, маҳалла-кўй миқёсида аҳамиятли бўлган, аммо жамият ва инсоният ҳаётига сезиларли таъсир кўрсатмайдиган ёқимли инсоний хатти-ҳаракатларнинг мажмуи.

Ахлоқ эса – жамият, замон, инсоният тарихи учун намуна бўла оладиган ижобий хатти-ҳаракатлар йиғиндисидир.

Ахлоқ деб жамиятда кишилар ўз хулқ-атворларида, муносабатларида амал қиладиган принциплар, нормалар ва қоидалар мажмуига айтилади.

Ахлоқ – ижтимоий ҳодиса, ижтимоий онг, жамият устқурмаси, маънавий маданиятининг махсус шакли. У доимо ижтимоий борлиқ, ижтимоий-тарихий шарт-шароитлар, ижтимоий муносабатлар билан белгиланади. Шу билан бирга, ахлоқ ўз ривожланишида нисбий мустақиллик характерига ҳам эга бўлади.

Ахлоқнинг **таркибини** қуйидаги қисмлар ташкил этади:

1. **Ахлоқий онг** - вожиблик (лузумийлик), эзгулик, адолат ҳақидаги ғоялар, тасаввурлар, қарашлар, назриялар мажмуи.

Ахлоқий онг ижтимоий борлиқни, ахлоқий муносабатларни акс эттиради.

Ахлоқий онгнинг таркибини қуйидаги шакллари ташкил этади: ахлоқий нормалар, ахлоқий анъаналар, хулқлар, ахлоқий одатлар, ахлоқий маросимлар, ахлоқий ҳис-туйғулар, ахлоқий эътиқодлар, ахлоқий сифатлар, ахлоқий қарашлар, ахлоқий идеаллар, ахлоқий ҳукмлар.

2. **Ахлоқий муносабатлар** – ахлоқий норма ва принциплар асосида кишилар ўртасида амал қиладиган алоқалар.

3. **Ахлоқий практика (амалиёт)** – ахлоқ нормаларининг ҳаётда бевосита амалга оширилиши, бажарилиши.

Ахлоқнинг жамиятда, инсон ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти унинг функцияларида ўз ифодасини топади:

Регулятив функция – энг асосий функция бўлиб, жамият аъзолари хулқ-атворларини мослаштириш, бошқаришдан иборат.

Баҳолаш функцияси – ахлоқ нормалари ва этика категориялари орқали хулқ-атворлар тўғрисида ҳукм чиқариш (яхши-ёмон, ахлоқли-ахлоқсиз, адолатли-адолатсиз, виждонли-виждонсиз ва ҳ.к.).

Билиш функцияси – ахлоқ ижтимоий онг шакли сифатида ижтимоий ҳодисалар, муносабатлар, кишилар хулқ-атворларини билиб олишнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Тарбиявий функция – ахлоқ инсон хулқ-атворлари, иродаси ва дунёқарашини шакллантириш учун хизмат қилади.

Ахлоқнинг моҳияти ва вужудга келиши тўғрисида турли **назариялар** мавжуддир.

Диний-теологик назария (Платон, Ф.Аквинский, Августин, неотомизм) вакиллари ахлоқни ғайритабиий ғоя, илоҳий руҳ, худо билан боғлаб қўяди, уни худо яратган дейди.

Субъектив идеалистик назария (Кант, Мах, Юм, неопозитивизм) ахлоқни шахс онги, ақл-иродаси маҳсули деб қараб, унинг объектив асослари ва ижтимоий моҳиятини инкор этади.

Биологик назария (Ч.Дарвин, Ш.Летурно, К.Каутский) ахлоқнинг ижтимоий моҳияти ва объектив асосларини инкор этиб, унинг олий ривожланган ҳайвонлар инстинктидан иборат қилиб қўяди.

Ахлоқнинг моҳияти ва тараққиёт қонунларини илмий-материалистик этика тўғри тушунтириб бера олади. Бу таълимотга кўра, ахлоқ ижтимоий ҳаётда, жамиятда, инсоний муносабатлар доирасида вужудга келган ва мавжуд бўлади. У ижтимоий-тарихий практика, меҳнат, ижтимоий муносабатлар тақозоси остида вужудга келган ва тараққий этиб берган. Турли жамиятларда ахлоқнинг турли **тарихий шакллари** мавжуд бўлган. Ахлоқ тараққиётининг бу тарихий шакллари турли ижтимоий-тарихий даврлар, конкрет жамиятлар ҳаёти, улардаги ижтимоий гуруҳлар, синфларга хос манфаатлар, муносабатларни ифодалаган, улар учун хизмат қилган. Шунингдек, ахлоқ нормалари ва принциплари барча жамиятлар, ижтимоий гуруҳлар, умуман инсоният учун қадрли, қимматли бўлган умуминсоний қадриятлар, ғояларни ҳам ўз ичига олиб, ривожлантириб келган. Шу асосда **ахлоқий**

прогресс содир бўлган. Унинг объектив мезони бўлиб шахснинг ахлоқий етуклиги, унинг эркин, онгли ва ижтимоий фаол ҳатти-ҳаракатлари ҳисобланади. Жамиятнинг умумий тараққиёти билан боғлиқ ҳолда ахлоқий прогресс ҳам мураккаблашиб, бойиб боради.

Ахлоқ фалсафасининг ҳозирги кунда умумжаҳоний глобал муаммоларни ҳал қилишдек муҳим вазифаси ҳам борки, у ҳақда алоҳида тўхталмасликнинг иложи йўқ. Бу муаммолардан бири, энг муҳими, сайёрамизда ***этосфера - ахлоқий муҳит*** даврини яратиш билан боғлиқ.

3-савол баёни: Ҳар бир фан сингари этика ҳам ўз категориялар системасига эга. **Этика категориялари**да этиканинг назарий асосини ташкил этувчи ахлоқнинг энг муҳим томонлари ва элементлари умумлашган ҳолда ўз ифодасини топади. Этика категориялари ахлоқий муносабатларнинг объектив қонуниятларини, жамият ахлоқий ҳаётининг ҳамма томонлари ва ранг-баранглигини акс эттиради. Уларда кишилар ҳатти-ҳаракатлари, синфий-тарихий нуқтаи назардан маъқулланиши ёки қораланиши ўз аксини топган.

Этика категорияларининг кўпчилиги қутбий қарама-қарши характерга эга, чунончи, яхшилик ва ёмонлик, адолат ва адолатсизлик, бахт ва бахтсизлик, виждон ва виждонсизлик ва ҳоказо.

Ҳар бир категориянинг ўзига хос хусусиятлари бўлиб у шахс билан жамият ўртасидаги муносабатнинг маълум томонларини акс эттиради, илмий билишнинг турли поғоналарини ифодалайди.

Баъзи категориялар (яхшилик, ёмонлик, адолат, адолатсизлик, эзгулик) ахлоқ соҳасини нисбатан жуда кенг қамраб олади ва ўз мазмунига кўра бирмунча умумий ҳисобланади, бошқалари эса (бурч, виждон, шаън, қадр-қиммат, бахт) нисбатан тор категориялар бўлиб, ахлоқий муносабатларни шахснинг ички дунёси орқали бир мунча яққол акс эттиради.

Ўтмишдаги этика системалари, одатда, у ёки бу категориянинг устунлиги ва унга бошқаларининг асосига қурилган. Масалан, Платон, Аристотель, Форобий этикасида – яхшилик, Кантда – бурч, Гегелда – виждон, Беруний, Ибн Синода, Алишер Навоийда – адолат, Демокрит, Эпикур, Гельвеций, Фейербах этикасида – бахт белгиловчи категориялар ҳисобланган. Этика категориялари жамият ва ахлоқ тараққиёти жараёнида янгича белгилар касб этиб, ўзгариб ва ривожланиб боради.

Дарҳақиқат, «юрак ва ақл», «ҳиссиёт ва онг» баҳсида Ғарб, айниқса, бизнинг XX асрда, сўзсиз, биринчиликни ақлга, онгга беради. Юқоридаги каби фикрлар истисноли ҳоллардир. Шу боис ахлоқшунослик нуқтаи назаридан муҳаббат ҳақида гап кетса, уни ҳиссиёт, деб яна бунинг устига, таърифлаш қийин бўлган туйғу, деб атайдилар ва уни тушунча тарзида олиб қарашдан чўчийдилар. Ваҳоланки, муҳаббат айнан ахлоқий ҳиссиёт ва ахлоқшуносликнинг бош мезоний тушунчасидир.

Муҳаббат ўз объектига бағараз ва фидоийлик муносабатини ифодалайдиган ахлоқий-эстетик ҳиссиётдир. **Муҳаббат** бош мезоний тушунча сифатида деярли барча асосий тушунчаларда ва тамойилларда ўз «ҳисса»сига эга. На эзгуликни, на яхшиликни, на ватапарварликни, на инсонпарварликни муҳаббатсиз тасаввур этиб бўлмайди. ўтган маърузаларнинг баъзиларида биз бу тушунчанинг моҳияти, турлари ҳақидаги Аврелий Августин, Имом Ғаззолий, Эрих Фромм сингари мутафаккирлар фикрларини келтирган эдик. Қўшимча қилиб шуни айтиш мумкинки, у – инсонни ташқи ва тарнсценденталь олам билан боғловчи, уни ёлғизликдан олиб чиқадиган буюк куч. Муҳаббатнинг объекти доимо гўзаллик, манфаатсиз гўзаллик. У – Оллоҳми, Ватанми, ёрми – муҳаббат эгасига ундан-да гўзалроқ нарса йўқ. Айни пайтда бир объектни севган киши бошқа объектларни ҳам севмаслиги мумкин эмас. Дейлик, ёрга бўлган ҳақиқий муҳаббат Ватанга, инсониятга муҳаббатни инкор этмайди, аксинча, барқарор қилади. Зеро «ўз-ўзича», якка, «худбин» муҳаббатнинг бўлиши мумкин эмас. Инсон ўзи ўзгага айланганида, ўзгани ўзига айлантира олганида ҳақиқий муҳаббат эгаси ҳисобланади. Мана шу объект билан субъект орасидаги фарқнинг йўқолиши энг буюк, энг мукаммал лаззатдир. Буни мавлоно Фузулий ниҳоятда гўзал қилиб, бир байтда шундай ифодалайди:

Ишқдир ул, нашаъи комилким, андандир мудом.

Майда ташвири ҳарорат, найда таъсири садо.

Комил нашъа, комил лаззатга фақат комил инсонгина эриша олади. Демак, муҳаббат инсон ахлоқий хаётининг чўққиси, комиллик белгисидир. Шу боис ҳақиқий муҳаббат эгалари ёшлар томонидан доимо ахлоқий идеал тарзида қабул қилинади: Фарҳод ва Ширин, Ромео ва Жульетта, Отабек ва ҳ.

Шуни таъкидлаш лозимки, муҳаббат – олий туйғу, шу маънода у олий тушунча. Лекин уни тубан, қуйи нарса – ҳодисаларга нисбатан ҳам қўллаш ҳоллари учраб туради. Чунончи, Фромм сингари ғарблик мутафаккирлар, баъзи рус файласуфлари муҳаббат тушунчасини ўликка (некрофил), мол-дунёга, пулга нисбатан қўллайдилар. Уларга нисбатан «ўчлик», «ружу», «ҳирс» сингари тушунчаларни қўллаш маъқул эмасмикан?

Муҳаббат ҳам, ахлоқшуносликдаги кўпгина тушунчалардек, «жуфтлик» хусусиятига эга, унинг зидди – нафрат. Нафрат тушунчаси, албатта, муҳаббат сингари кенг қамровли эмас. У аксил муҳаббат тарзида намоён бўлган объектдан четлашиш, ундан бегоналашишни тақозо этади. Ҳазар, жирканч ҳисси нафратнинг кундалик турмушидаги тор, «майда» кўринишидир. Нафратнинг уларга нисбтан «йириклиги» унинг ижтимоий ҳодиса сифатида намоён бўлишидир. Айни пайтда, бу тушунча ғазабдан кескин фарқ қилади. У, ғазабга ўхшаб, ўз объектини йўқотишга интилмайди, ундан фақат юз буради. Кўринишдан, нафрат кишида ёқимсиз таассурот уйғотса-да, аслида у асосан иллат эмас, ахлоқий фазилат сифатида инсоннинг виждонлилигидан, ботиний жасоратидан далолатдир.

Нафратдан ташқари яна рашк тушунчаси борки, у –ижтимоий ҳодиса эмас, фақат жинсий муҳаббат билан ёнма-ён келади. Маълумки, муҳаббат эгаси ўз севгисини ва севгилисини қизғаниб, асраб қолишга ҳаракат қилади. Ана шу қизғаниш ҳисса меъёридан ошиб кетганда рашкка айланади. Рашк эса, уни қанчалик таъриф-тавсиф қилмайлик – меъёрнинг бузилиши, иллат.

Мезоний тушунчалар орасидаги яна бир жуфтлик – **эзгулик ва ёвузлик,** эзгулик ахлоқшуносликдаги энг асосий категориялардан. У инсон фаолиятининг асл моҳиятини англатади – Тангри иродасининг инсон қалбидаги тажассуми сифатида намоён бўлади. «Эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу аъмол» учлиги «Авесто» дан тортиб, барча муқаддас китобларда етакчи ўринни эгаллаши ҳам шундан. Эзгулик – инсон шахсининг комилликка, бахтга, жамитяни эса юксак тараққёитга етказувчи воситадир. У инсоннинг ахлоқий фаолияти туфайли муайянлашади, юзага чиқади. Уни синфийлик ёҳуд партиявийлик қобиғига ўраш мумкин эмас. Чунончи, «синфий душманни», яъни бирор бир шахсни ёки гуруҳни фақат бошқа синфга мансуб бўлгани учун жисман йўқотиш, қанчалик бўяб-бўжалмасин, эзгулик бўлолмайди. У том маънодаги ёвузликдир. Шу боис тоталитар тузумларда эзгуликни бундай талқин этишнинг ноилмийлиги, сохталиги ҳозирги кунда ҳаммага аён.

Эзгулик ва унинг зидди ёвузлик одатий, кундалик ҳаёт мезонлари билан ўлчанмайди, улар ҳам муҳаббат сингари қамровли ва ижтимоийлик хусусиятига эга. Эзгуликнинг ахлоқий идеал билан боғлиқлиги ҳам шундан. Шу туфайли у амалиётда қаҳрамонлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, жасурлик сингари тамойилларни ўз ичга олади.

Шуни ҳам айтиш керакки, муҳаббат ва нафрат жуфтлик тушунчасида нафрат муҳаббатни инкор этмай, аксинча, унинг барқарорлигидан далолат берса, эзгулик ва ёвузлик жуфтлигида ҳар икки тушунча бир-бирини тамомила инкор этади. На фақат инкор этади, балки улар орасида ҳаёт-мамот кураши кетади ва бу кураш абадий кураш сифатида, оламни ҳаракатга келтирувчи куч тарзида номоён бўлади. Эзугулик ва ёвузликнинг яна бир ўзига хос томони шундаки, бу жуфтлик тушунча инсон фаолиятини баҳолаш хусусиятига эга. Уни одам боласининг улуғлиги ва тубанлигини ўлчайдиган муқаддас торозуга ўхшатиш мумкин. Инсоннинг комиллиги, жамиятнинг такомилга эришган-эришмагани шу мезон билан ўлчанади. Чунончи, Сталиннинг ёвуз инсон, собиқ шўролар иттифоқини эса жамият сифатида «ёвузлик салтанати» деган ном билан аталиб келгани ҳеч кимга сир эмас.

Эзгулик ва ёвузлик ҳақида гап борганида, **яхшилик ва ёмонлик** нима, бу икки жуфтлик мазмунан бир эмасми, деган савол туғилади. Бу табиий. Чунки ҳозиргача бизга маълум ўзбек

тилидаги барча ахлоқшуносликка доир адабиётларда эзгулик ва ёвузлик мезоний тушунчалар сирасига киритилмаган, у бор-йўғи яхшилик ва ёмонликнинг синоними тарзида тақдим этиб келинган. Тўғри, яхшилик тушунчасининг кўгина унсурлари эзгуликдан, эзгуликнинг баъзи унсурлари яхшиликдан жой олишини инкор қилиш мумкин эмас. Уларнинг зиддида ҳам шундай «сингишиб кетиш» мавжуд. Лекин бундай далилллар асло мазкур икки жуфтликни айнанлаштиришга асос бўла олмайди. Улар орасида қатъий фарқ мавжуд: эзгулик, юқорида айтганимиздек, ижтимоийлик хусусиятига эга, яхшилик эса ундай эмас. У асосан шахснинг одобига, ҳулқига боғлиқ бўлган ижобий ҳодиса. Зеро унда, мардлик, очиққўнгиллилик, ҳалоллик сингари ахлоқий меъёрлар тажассум топади. Бироқ у қаҳрамонлик, жасорат, ватанпарварлик каби тамойиллар даражасига кўтарила олмайди. Мисол тариқасида буюк шоиримиз Алишер Навоийнинг фаолиятини олайлик. У сурункасига ижодий меҳнатга умрини бағишлади, халқи учун, халқлар учун «Хазойин ул-маоний»дек, «Ҳамса»дек буюк асарлар яратди. Бу эзгулик – абадий, зеро Навоий асарлари миллионлаб одамларга юзлаб йиллар мобайнида завқ-шавқ улашиб, уларни комилликка чорлаб келмоқда. Айни пайтда, у кўплаб яхшиликлар қилди – муҳтож одамларга қарз берди, берган қарзидан кечиб юборди в.ҳ. Унинг бу яхшиликлари, ажойиб ижобий ҳодиса бўлгани ҳолда, ўткинчилик хусусиятига эга, шунингдек, қаҳрамонлик ҳам, буюк жасорат ҳам, ватанпарварлик ҳам эмас. Демак, яхшиликни йирик ижтимоий ҳодиса – эзгулик билан айнанлаштириш тўғри эмас.

Яхшилик ва ёмонлик ахлоқий онгнинг бир мунча умумий тушунчаларига мансуб бўлиб, ахлоқлилик билан ахлоқсизликнинг фарқи ва қарама-қаршилигини яхлит бир шаклда ифода этади. Кишилар бу категориялар ёрдамида теварак-атрофда содир бўлаётган ҳамма ҳодисаларни баҳолайдилар. Айнан ниманинг (инсоннинг ҳатти-ҳаракати, ахлоқий сифати, кишиларнинг, синфларнинг алоқа ва ўзаро муносабат шакллари, жамиятнинг умумий аҳволи) баҳоланаётганлигига қараб, бу категориялар янада конкретроқ тушунчалар (принципи, норма, ахлоқий сифат) шаклига киради.

Этикавий системалар шаклланмасдан анча аввал, жуда қадимий кишилар ҳам яхшилик ва ёмонлик ҳақида ўз тасаввурларига эга бўлганлар. Ибтидоий одамлардаги биринчи ва зарурий сифатлар мардлик, кучлилик ва жасурлик бўлганлигини эслайлик. Кейинчалик, жамиятнинг синфларга ажралиши билан мард ва жасур бўлиш, яъни фазилатли бўлиш ҳуқуқига имтиёзли синфларгина эга бўлади. Ёмонлик категорияси яхшилик ва эзгуликнинг қутбий зидди сифатида сақланиб келмоқда.

Этика фани яхшилик ва ёмонликни ахлоқий онг тушунчалари сифатида назарий таҳлил қилишга, уларнинг мазмун-моҳиятини, табиати ва келиб чиқишини тушунтиришга киришади.

Кўпчилик қадимги идеалист философлар, яхшилик ва ёмонликни конкрет шахсга ҳеч бир алоқаси бўлмаган мутлоқ ғоялар сифатида қараганлар. Масалан, И.Кант яхшилик ва ёмонликнинг асосида ҳар қандай ҳаракатдан олдин ҳосил бўладиган ва шунинг учун ҳам ўзи ҳаракатда бўлолмайдиган «эркин ирода» туради, деб тушунтиради. Худонинг хоҳиши инсондаги «эркин ирода»ни белгилайди ва ҳаракатга келтиради, деб ҳисоблайди.

Яхшилик ҳамиша тарихан конкретдир ва ўзининг зидди ёмонликсиз мавжуд бўлмайди. Улар доимо бир-бирига ўтиб, айланиб туради, бир-бирини тақозо этади.

Ёмонлик тарихда нисбатан ижобий роль ўйнайди. Ижтимоий зулм, зўрлик, ёвузликка қарши эзгуликнинг, адолатнинг кураши тарихий тараққиётга, инсон камолотига имкон беради. Ёмонлик маъносидаги кўпгина бахтсизликлар (бевақт ўлим, фожиали ҳолат юз бериши, рад қилинган севги, касаллик, оиладаги кўнгилсизликлар, хафагарчилик, изтироб, омадсизлик, хатолар ва ҳ.к.) барча даврларда сақланиб қолади.

Ёмонлик ҳамиша ҳам очиқча кўринавермайди. У баъзан яхшилик ниқоби остида ҳам рўй беради.

Шундай қилиб, яхшилик инсониятнинг олға қараб ривожланишига, меҳнаткашларни ҳимоя қилишга имкон берадиган ва уларнинг ижодий кучларининг бемалол ривожланиши ҳамда қўлланилишига имкон туғдирадиган жами ижобий-ахлоқий нарсаларни ифодаловчи энг умумий тушунчадир. Ёмонлик эса ахлоқий идеаллар, нормаларга зид келадиган, уларга

тўсқинлик қиладиган ҳодисалар, хатти-ҳаракатлар муносабатларни ифодалайди. Хуллас, муайян ижтимоий чекланганлигига қарамай, яхшилик ва ёмонлик ҳам анча қамровли мезоний тушунчалардан.

Ахлоқшуносликнинг яна бир қамровли мезоний тушунчаси - **адолат.** Унинг эзгулик ва ёвузлик ҳамда яхшилик ва ёмонликдан асосий фарқи шундаки, адолатнинг ўзи бирор бир қадриятни англатмайди, лекин қадриятлар орасидаги нисбатни белгилайди, уларни баҳолаш мақомига эга. Шу боис унда жамиятни тартибга солувчилик хусусияти бор; унда ҳам ахлоқий, ҳам ҳуқуқий талаблар мужассамлашган. Уни маълум маънода миқдор ўлчовчи ҳам дейиш мумкин: у талаб билан тақдирлашни ўлчаб турадиган тарозудир. Адолат бор жойда ижитмоий жабрга, бебошликка йўл йўқ. Адолатнинг мезонийлик хусусияти, айниқса, ҳуқуқда дарҳол кўзга ташланади. ҳуқуқ вазирлигининг ҳатто адлия вазирлиги деб аталиши, жиноятга яраша жазони белгиловчи, ҳукм чиқарувчи идораларнинг халқ суди, одил суд деган номлар билан юритилиши бунинг далилилдир. Лекин адолатни фақат ҳуққуий тушунча сифатида талқин этиш тўғри эмас. У, юқорида айтганимиздек, кенг қамровли ахлоқий тушунча. У на фақат фуқоролар орасидаги муносабатларни, балки давлат билан халқ, жамият билан шахс ўртасидаги алоқалар мезонини ҳам ўз ичига олади. Халқ орасида минг йиллар мобайнида одил подшо идеалининг яшаб келгани бежиз эмас.

Адолат – тенгликнинг ҳаққоний ва тақдирлашнинг зарурий ўлчовидир. Адолатсизлик адолатнинг бузилиши, одамларнинг жамият ҳаётида ўйнайдиган роли билан уларнинг ижтимоий аҳволи, қилмиш билан қидирмиш (жиноят билан жазо, кишининг қадр-қиммати билан унинг тақдирланиши, ҳуқуқ билан мажбурият) ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг мос келмаслигидир.

Адолат тушунчаси кишиларнинг ўзаро муносабатларини шунчаки қамраб олавермасдан, шахс ва ижтимоий бирликнинг реал иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий ҳолатини қайд қилади.

Адолат кишиларнинг жамиятда ахлоқий ўзаро муносабатларининг регулятори сифатидаги ўзига хос хусусияти шундаки, у тақдирлаш ва талаб қилишнинг миқдорий ўлчови бўлиб, асосан баҳо категорияси ҳисобланади. Бошқа этика категорияларидан фарқли ўлароқ адолат ижтимоий онгнинг икки шакли: ҳуқуқ билан ахлоқни боғловчи муҳим тушунчадир.

Шунинг учун этика ва ҳуқуққа оид таълимотлар тарихида адолат мутлоқ ҳуқуқий категория деб қаралганлиги (Спиноза, Гоббс, Гегель) бежиз эмас. Лекин адолат категорияси ўзининг ижтимоий-ҳуқуқий томонидан қатъий назар, энг аввало этика категорияси бўлиб қолади, чунки халқ оммаси томонидан ижтимоий ва ахлоқий зулмга қарши курашда ҳосил бўлган элементар умуминсоний талаблар: ҳаёт ва шахсий даҳлсизлик, қариликда муҳофазаланиш, инсон қадр-қимматини сақлаш ҳуқуқ ва бошқалар биринчи навбатда адолат категориясида ўз аксини топади.

Адолат категорияси иқтисодий, сиёсий, ахлоқий-маънавий, ҳуқуқий омиллар, ҳодисаларни баҳолашда намоён бўлувчи объективлик, холислик, ҳаққоният, инсонпарварлик сингари аломатларни зарурий равишда тақозо этади. Муайян ахлоқ системасида қабул қилинган кишининг ахлоқий бурч ва мажбуриятлари тушунчасига мос келадиган хатти-ҳаракатлар адолатли ҳисобланади.

Деярли бир ярим аср мойбайнида адолатсизликни миллий камситишни, миллий ифтихор ҳиссининг оёқ ости қилинишини, бегона ироданинг зўрлаб қабул қилдириш каби ҳолатларни бошдан кечирган халқимиз, эндликда, мустақилликка эришиб, адолатли фуқоролик жамияти тузишга киришди. Адолат бугунги кунда бизнинг мустақил, келажаги буюк давлатимизнинг моҳиятини англатувчи тушунчага айланиб бормоқда.

Ахлоқшуносликнинг ниҳоятда таъсир доираси кенг тушунчаларидан бири **виждон**дир. Виждон – Зигмунд Фройд таъбири билан айтганда, аъло мен, мен устидан назорат ўрнатиб, уни бошқариб турувчи иккинчи, юқори даражадаги мен. Агар уят ҳисси инсоннинг ташқи, жамиятга боғлиқлигидан келиб чиқса, виждон унинг ички ўз-ўзига боғликлигини намоён этади. Бу ички боғлиқлик ташқи боғликликка нисбатан теран ва доимийдир: уят маълум бир вақт ичида одамнинг ўз ножўя ҳаракати туфайли юзага келган ўнғайсизлиги бўлса, виждон

азоби, бу оддий ўнғайсизлик эмас, балки қалбдаги, одамдаги одамийликка эътиқоднинг фарёди, талаби, уни қондирмас экансиз, ҳеч қачон азоб тўхтамайди. Уят билан виждонни, шу боис, денгиздаги муз тоғига – айсберггa ўхшатиш мумкин: юзага уят тарзида чиқиб турган қисми теранликдаги қисмидан юз, балки минг баробар кичик.

Виждон ***инсоннинг ўз хулқини муайян жамият ахлоқ нормалари нуқтаи назаридан туриб ахлоқий баҳолаши ва назорат қилиши, ўз ҳатти-ҳаракатларини ва бу ҳатти-ҳаракатларга боғлиқ бўлган ҳис-туйғуларни, кечинмаларни ўзи таҳлил қилишидир.***

Виждоннинг табиати ҳақидаги масала азалдан мутафаккирларни қизиқтириб келади. Виждон нима, у ҳамиша ҳам мавжуд эдими, бу тушунча фақат инсонгагина хосми, ҳамма кишиларда ҳам виждон бир хилми, виждонни тарбиялаш лозимми, бу ҳодиса абадий яшайдими? Платондан бошлаб идеалистлар виждонни ғоялар дунёсига мансуб деб талқин қилдилар. Уларнинг фикрича, виждоннинг манбаи реал оламга боғлиқ бўлмаган абсолют руҳда, ғоялар дунёсидадир. Бошқа ахлоқий категориялар сингари виждон ҳам барча давр идеалистлари томонидан нимаси биландир “абадий”, “ўзгармас” деб эълон қилинди. Кант виждон ўз ҳолича вужудга келмаган сергаклантирувчи туғма руҳий кучдир, деб ҳисоблайди.

Виждон категориясига катта аҳамият берган Гегель Кантдан фарқли ўлароқ, уни объектив руҳнинг маҳсули деб тушунтирди. У биринчи марта виждонни муайян жамиятдаги мавжуд ахлоққа боғлиқ нуқтаи назаридан ўрганишга ҳаракат қилди, бунда у инсоннинг ҳақиқий ва формал виждонини бир-биридан фарқ қилади. Ҳақиқий виждон жамият ахлоқига мос келади ва унинг моҳиятини ўзида ифода этади, формал виждон эса ўта индувидуал бўлганлигидан жамият ахлоқига мос келмаслиги ва қарама-қарши келиши ҳам мумкин: фақат ҳақиқий виждонгина ахлоқийдир, дейди Гегель.

Қадимги замон материалист файласуфлари виждоннинг диний-идеалистик талқинига кескин равишда қарши чиқдилар. Масалан, Демокрит табиатни материалистик тушунишга асосланиб, виждон категориясида аллақандай кўринмас обрўли зотнинг «муқаддас руҳ эҳсони»нинг аҳамияти борлигини инкор этди, аксинча, унда инсоннинг бошқа кишилар билан муносабатда намоён бўлувчи ўз хусусиятини кўради. Тўғри, биз ҳам Демокритда «виждон» терминининг ўзини учратмаймиз, лекин у киши ўзининг олдида ўзи кечирадиган уят ҳисси ҳақида гапирганида айнан шу туйғу (виждон)ни кўзда тутади. «Уят иш қилган киши, аввало ўзидан ўзи уялиши керак», деган эди файласуф.

Инсоний маданият ўсиши билан виждон тушунчаси ривожланиб, бойиб боради. У ахлоқий ўз-ўзини назорат қилишдаги ҳиссий ва рационал элементларнинг бирлиги сифатида қандайдир ўз-ўзини жазоловчи куч бўлиб майдонга чиқади, «ичга қаратилган ўзига яраша бир ғазаб»га айланади. Қадимги римликларда «Sonscicntia mille testes» «виждон — бу мингта гувоҳдир» деган мақол бежиз ишлатилмаган. Виждон азоби инсон ҳаётида жиддий роль ўйнайди. Виждон қийноғи инсоннинг маънавий ҳаётига кириб келади, режаларни барбод қилади, баъзан эса унинг шахсий ҳаёт йўлини кескин буриб юборади. Жаҳон адабиётида виждон қийноғи туфайли зўрайган азоб-уқубатларни тасвирловчи мисоллар беҳат кўп.

Виждон бошқа категориялар, ахлоқий принциплар ва нормалар билан алоқадордир. Бундай алоқадорликка сабаб уларнинг ижтимоий табиатга эгалигидир. Виждон тушунчасиз яхшилик, адолат, бахт, инсонийлик ҳақида гапириб бўлмайди. Виждон инсоннинг фақат ўзига, ўз ҳатти-ҳаракатларига нисбатангина эмас, балки бошқа кишиларга, ижтимоий манфаатларга муносабатини ҳам ифода этади. Кимнингки манфаатлари халқ, Ватан манфаатлари билан чамбарчас боғлиқ бўлса, унда жамият олдидаги бурч ҳисси, уни бажариш учун ахлоқий масъулият ҳисси, яъни виждон ҳисси теран ривожланган бўлади. Киши қанчалик виждонли бўлса, у ижтимоий бурчни шунчалик чуқурроқ ва шунчалик фаолроқ бажаради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, виждон ахлоқий категория сифатида абадий мавжуд бўлади, чунки инсон ўз-ўзига баҳо бериш ва ўз-ўзини қоралаш қобилиятини ҳеч қачон йўқотмайди. «Виждон» ва «инсон» ижтимоий тушунчалар сифатида бир-биридан ажралмасдир.

Виждон ҳам бошқа баъзи ахлоқшунослик мезоний тушунчалари каби баҳолаш хусусиятига эга. Лекин бу баҳолаш ҳеч қачон объектга қаратилмайди, у субъектнинг хатти-ҳаракатларини баҳолайди, яъни унда субъект ўзи учун ички объект вазифасини ўтайди. Баъзан жамият талаблари билан виждон ўртасида ихтиллофлар чиқиши мумкин. Бунда виждон эмас, жамият талабларининг ўткинчилик хусусияти, маълум маънода эскирганлиги айбдордир. Зеро виждон кўзга кўринмас, лекин улкан ва мутлақ айбсиз ахлоқий ҳодисадир.

Кўпинча виждон тушунчаси ўрнида иймон иборасини учратиш мумкин. Иймон аслида диний тушунча. Лекин ҳаётда виждон тушунчасининг синоними тарзида ишлатилади. Масалан, кимнидир биров «иймонли одам» деганида, унинг мусулмонликка иймон келтирган-келтирмагани ҳақида ўйлаб ўтирмайди, бунинг устига, у одам мусулмон эмас, насроний бўлиши ҳам мумкин. Чунки гап бу ерда ўша одамнинг диндорлиги ҳақида эмас, балки виждонли, ҳалол, ростгўй эканлиги тўғрисида кетяпти. Шу маънода виждон билан иймонни эгизак тушунчалар дейиш мумкин.

Яна бир муҳим мезоний тушунча – **бурч.** Бурч, моҳиятан, жамият, давлат ва шахсларга нисбатан муайян индивиддаги муносабат, улар олдидаги мажбурият. У юқорида айтганимиздек, виждон, эътиқод масъулият каби тушунчалар билан мустаҳкам боғлиқ. Умуман, ҳаётда инсоннинг ҳар бир хатти-ҳаракати замирида бурч тушунчаси – бурчга садоқат ёки хиёнат ётади. Бурчнинг инсонлик бурчи, мусулмонлик бурчи, насронийлик бурчи, фарзандлик бурчи сингари кенг қамровли, барча даврлар учун умумий бўлган тушунчалари ҳам, журналистлик бурчи, шифокорлик бурчи, олимлик бурчи каби касбий одоб доирасидаги тушунчалари ҳам мавжуд. Бурч тушунчасининг ўзига хос жиҳатларидан яна бири – унинг вақт ва жамиятда муайянлашиш хусусияти. Чунончи, бир тузум ё жамиятда ижобий ҳисобланган бурч талаблари иккинчи бир тузум ёки жамият учун салбий маъно касб этиши мумкин. Собиқ шўролар фуқаросининг ўша даврдаги мавжуд тузум олдидаги бурчи ҳозирги кунда ўта салбий ҳодиса сифатида баҳоланиши бунга ёрқин мисол бўла олади.

Бурч – ***категорияси шахснинг жамиятга ёки кишиларга нисбатан бўлган ахлоқий мажбуриятини ифодалайди: бу объектив мавжуд жамият талабларини бажаришнинг ички маънавий зарурати, ижтимоий бахт-саодат эҳтиёжлари тақозо қиладиган муайян хулқ-одоб заруратидир.*** Бурчнинг манбаи, унинг замини ижтимоий манфаатдир.

Бурч категориясининг асосий хусусияти ижтимоий мажбуриятни англаш ҳисобланади. Диний ахлоқда бу худо олдидаги мажбурият, феодал-дворянлар ахлоқида – феодал олдидаги буржуа ахлоқида эса хусусий мулкни ҳимоя қилиш мажбуриятидир.

«Бурч – деб ёзган эди Кант, — сен юксак ва буюк сўзсан, сенда кишиларга манзур бўладиган бирон ёқимли нарса йўқ, сен тобеликни талаб қиласан, сенинг қаршингда барча иштиёқлар (гарчи улар сенга яширин қаршилик кўрсатсалар-да тон қолади, сенинг ўзингга муносиб манбанинг қаерда, сенинг асл келиб чиқиш илдизларинг қаерда?». Бурчнинг мазмунига келганда эса, - Кант унинг нимадан иборат эканлигини кўрсатмайди. Бурч нимадан иборат бўлса ҳам, кимларнинг манфаат ва мақсадларига хизмат қилса ҳам ўз бурчингни бажар. Кантнинг асосий этикавий ишлари шундан иборат.

Инсон яшаётган ижтимоий муҳит ва ҳаётий вазиятга, мажбуриятлар доирасига, мазкур мажбуриятларни бажарадиган кишилар бирликларига, инсоннинг ўзи қайси бирлик, қайси жамоага мансублигига қараб ахлоқий бурч ҳар хил шакл олади. Ватанга нисбатан мавжуд мажбуриятларни ватанпарварлик бурчи тушунчаси, давлатга нисбатан мажбуриятни — фуқаролик бурчи, миллатга нисбатан мажбуриятини — миллий, синфга нсбатан мажбуриятини — синфий, барча мамлакатлар меҳнаткашларига нисбатан мажбуриятини — интернационал (байналминал) бурч ва ҳоказо тушунчалари ифода этади. Бурч турлари ижтимоий ҳаётининг у ёки бу воқеаларида иштирок этиш билан алоқадор бўлган мажбуриятлар доирасига қараб ҳам фарқланади: революцион бурч, меҳнат бурчи, ҳарбий бурч (аскарлик бурчи). Киши фақат жамият олидадагина эмас, балки оилага нисбатан, ўртоқларга нисбатан, яқинларга нисбатан ҳам ахлоқий мажбуриятга эгадир, бундан эса оилавий бурч, ўртоқлик бурчи келиб чиқади. Бу ҳолларда ҳам бурчнинг мазмуни фақатгина чуқур шахсий

истаклар, манфаатлар билан эмас, балки оқибат натижада ижтимоий манфаатларга хизмат қиладиган нарсалар билан боғлиқдир. Бурч қандай кўринишда намоён бўлмасин, ҳамиша унинг ижтимоий манфаатлар билан кишининг жамият олдидаги бурчи билан алоқасини (баъзан биринчи қарашда узоқ туюладиган алоқасини) кузатиш мумкин.

Ҳарбийлашган ва ўта мафкуравийлашган, яъни ягона мафкура ҳукмронлик қилган жамиятларда эса бурч омма ҳамда шахс ҳаётида фожеий ҳодисага айланади. Ўта усталик билан йўлга қўйилган тарғибот натижасида бундай жамиятлар аъзолари оқни – қора, қорани – оқ деб қабул қиладилар. Буни умумбашарий миллий қадриятларни оёқ ости қилган бешафқат шўролар социализми ёки фашистларнинг миллий социализми яқол исботлаб берди. Юз минглаб, ҳатто миллионлаб одамлар алдандилар, кейинчалик, узоқ йиллар мобайнида виждон азобида яшадилар. Демак, жамият қуришда тоталитарчиликка йўл қўйилиши ўша жамият аъзоларини бурчни нотўғри тушунишга ва бунинг оқибатида ахлоқсизликка олиб келади.

Шуни ҳам айтиш керакки, баъзи ҳолларда бурч шахснинг кўпгина майл-истакларига қарши боради: уни ҳузур ҳаловатдан турмуш лаззатларидан маҳрум этади. Масалан, Фурқат мустамлакачилар мафкурасига хизмат қилганида, унинг ҳаёти роҳат фароғатда кечиши мумкин эди. Лекин у Ватан олдидаги, миллат олдидаги бурчни деб муҳожирликнинг оғир қисматига дучор бўлди: уни мустамлакачилар мамлакат ҳудудидан чиқариб юбориб, қайта киритмадилар. Фурқат ҳорижда вафот этди. Баъзан бурч туфайли одамлар ўз севгисидан, жондилидан севган кишисидан кечишга ҳам мажбур бўладилар. Хуллас, бурч ахлоқшунослик мезоний тушунчалари ичидаги энг «қаттиқ қўл», энг «шафқатсизи».

Мезоний тушунчалардан яна бири – **ор-номус.** Номус тушунчаси бир томондан, бурч билан боғлиқ бўлса, иккинчи жиҳатдан, қадр-қиммат тушунчасига алоқадир. Зеро номус моҳиятан шахснинг ўз қадр-қимматини англаб етиши, шу қадр-қимматнинг жамият томонидан тан олиниши ёки олинмаслига муносабати билан белгиланади. Гоҳо уни ор тушунчаси билан чалкаштириш, ҳоллари ҳам учраб туради. Лекин аслида, номусга нисбатан ор анча тор қамровдаги, нисбатан залворсиз тушунча. Чунончи, ориятли одам деганда, ўз сўзининг устидан чиқадиган, садақа тарзида қилинган муруввatлардан баланд турадиган шахс тушунилади. Беор одам эса – ўз шаънига айтилган гапларга парво қилмай, ишини бажариб кетаберадиган, айтилган-айтилмаган жойларга суқилиб кираверадиган сурбетнамо киши. Номуснинг эса тоши оғир – ижтимоийлик хусусиятига эга, кенг қамровли. Номус йўлида инсон ҳатто ўз ҳаётидан кечиши мумкин, одамлар ўз номуси, оила номуси, миллат номуси деб курашадилар. Бу ҳақда кўплаб бадиий асарлар яратилган. Меҳнат, спорт сингари соҳаларда жамоа номуси ҳам алоҳида аҳамиятга эга; шу ўринда номус обрў тушунчаси билан боғланиб кетади. Буларнинг ҳаммаси ўзини ҳурмат қилиш, ўзига нисбатан атрофдагиларнинг ҳурмат-иззатини йўқотмаслик учун ўз-ўзини назорат қилиш ҳиссидан келиб чиқади.

Ор-номус ва қадр-қиммат бошқа ахлоқий категориялар билан бир қаторда шахс билан жамият ўртасидаги муносабатларни тартибга солади, кишиларнинг хулқига таъсир кўрсатиш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Ор-номус ва қадр-қиммат шундай юксак фазилатлардирки, уларни эгаллаш учун ҳар бир инсон ҳаракат қилади, лекин киши ўзида фақат ижобий хусусиятларни онгли равишда ривожлантириши ва тарбиялашигина унга атрофдагиларнинг ҳурматини уйғотади. Ор-номус ва шахсий қадр-қиммат фақат ўз-ўзини ҳурмат қилиш, фахр, шуҳрат ҳисси сифатидагина эмас, балки хулқ характери сифатида, шахс хулқини жамоатчилик фикрининг маъқуллашида ва шу билан обрўни сақлаш ва қўллаб-қувватлашдаги эҳтиёж сифатида ҳам намоён бўлади. Қадр-қиммат ҳақиқий, яъни муносиб ва сохта, яъни номуносиб бўлиши мумкин.

Шаън, ор-номус ҳисси одамни умумий бахт-саодати ҳақида онгли равишда қайғуришга, шахсий манфаатларни онгли равишда давлат манфаатларига бўйсиндиришга ундайди. Шахснинг меҳнатсеварлигига қараб ахлоқий қадр-қиммати белгиланади, у ҳақда ахлоқий ҳукм юритилади. Жамият бахт саодати йўлида виждонан меҳнат қилиш ҳақиқий шахсий қадр-қимматни таъминлашнинг бевосита йўлидир. Шахсий ор-номус ва қадр-қиммат туйғуси

коллектив шаъни унинг фаолиятига берилган жамоатчилик баҳосидир. Коллектив шаънига завод маркаси, шаъни, корхона шаъни, полк шаъни бошқалар мисол бўлиши мумкин.

Инсонпарвар ҳуқуқий-демократик жамият инсоннинг ўзида юксак ривожланган қадр-қиммат ва ор-номус туйғусини, кишилар ўртасидаги маънавий-ахлоқий муносабатларни қарор топтиришга ундовчи ички маънавий асосни шакллантиришга ғамхўрлик қилади.

Биз юқорида кўриб ўтганларимиз – асосий мезоний тушунчаларнинг барчаси баҳолаш табиатига эга. Яна қатор муҳим ахлоқий тушунчалар борки, улар ўз ечимини талаб қилиши билан, яъни муаммолик хусусияти билан ажралиб туради. **Идеал, бахт, ҳаётнинг маъноси,** сингари тушунчалар шулар жумласидандир. Биз улар орасидаги энг қамровлиси бўлиши ахлоқий идеал тушунчасига нисбатан батафсилроқ тўхталиб ўтамиз. Бир қараганда, идеалда ҳам баҳолаш хусусияти мавжуддек туюлади. Лекин аслида у қиёслашга асосланади. Антиқа томони шундаки, идеалда номавжуд, хаёлдаги инсонга, воқелика реал, мавжуд, ҳаётдаги ходисалар қиёсланади, яъни бор нарса йўқ нарса билан ўлчанади. Зеро идеал ҳаётда мавжуд бўлиши мумкин эмас – бу ҳаммага аён гап. Бунинг устига, идеал ҳозирги замонда ҳам, келажакда ҳам бўлмайди, унинг мавжудлик шарти-ўтган замон. Лекин, шунга қарамай, инсон идеал сари интилади, ўз ҳаётини унга қиёслайди, унга тақлид қилади. У инсон ҳаётидаги энг олий ахлоқий талабки, унинг бажарилиши шахсни комилликка етказади. Алббата, ҳаётда бундай бўлмайди, лекин инсон ана шу комилликни ўзига намуна билиб, идеалга интилиб яшаши жараёнида нисбий комилликка эришади.

Дунёвий идеал билан, тўғрироғи, ижтимоий-ахлоқий идеал билан диний идеал, бир қараганда, ўхшашдек кўринса-да, аслида кескин фарқ қилади. Чунончи, мусулмонлар учун-Муҳаммад алайҳиссалом, насронийлар учун – ҳазрати Исо, яҳудо динидагилар учун – ҳазрати Мусо идеал ҳисобланади. Улар идеал сифатида ҳеч қачон ўзгармайди, боқий. Ижтимоий-ахлоқий идеаллар эса ўзгариши мумкин ва кўп ҳолларда ўзгариб туради. Масалан, шўролар даврида ўша тузум асосчиси Ленин – энг юксак ахлоқий идеал сифатида талқин этиларди ва кўпчилик томонидан шундай қабул қиланарди. Ҳозир эса «Куч-адолатда!» деган шиорни ҳаётининг маъноси деб билган буюк аждодимиз Амир Темур кўпчилик томонидан ижтимоий-ахлоқий идеал, адолатли давлат раҳбарининг идеал тимсоли тарзида қабул қилинади. Демак, муайян тузум талабларидан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий-ахлоқий идеаллар ўзгариши мумкин. Фаолияти ниқобланган ахлоқсизликдан иборат бўлган. Ленин, Сталин, Ҳитлер каби ижтимоий идеалларнинг умри узоқ бўлмаса-да, ҳар ҳолда идеал эдилар, алданган кўпчилик уларни намуна деб билдилар.

Бундай салбий ҳодисаларга кармай, идеал, умуман, инсонният жамиятида, шахс ҳаётида ижобий, ёруғ маёқ вазифасини ўтаб келмоқда, бундан кейин ҳам унинг асосий вазифаси шундай бўлиб қолажак. Чунки идеалда ҳар бир инсон ўз бахтининг ҳиссиётли ирфодасини кўради, ҳаётининг маъносини унга қараб интилишда деб билади.

Этика предмети ҳаётнинг маъноси муаммосини муҳим ахлоқий категория бўлган **бахт** категорияси билан боғлайди. Ҳаётнинг катта маъноси бўлмаса, ҳақиқий бахтнинг бўлиши мумкин эмас, деб ҳисоблайди. Кенг маънодаги бахт инсон ҳаётининг умумий баҳосидир. Шунинг учун бахт категорияси бошқа этикавий категориялардан фарқли равишда энг бой конкрет мазмун билан тўладир.

«Бахт» сўзи билан бизнинг онгимизда ўзаро муҳаббат, мустаҳкам оила, самимий дўстлик, билимдонлик, ўз мақсад ва манфаатларини амалга ошириш жараёнида ҳосил бўладиган ҳузур, турмуш тарзидан, ўз ҳатти-ҳаракатларидан, хулқидан, яъни кишининг ўз ахлоқий софлиги ва бенуқсонлиги учун жамият ва коллективнинг ҳурматга сазовор бўлишдан қониққанлиги, тинмай ўсиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларнинг таъминланиши гавдаланади. ***Бахт инсоннинг ўз ижодий кучларининг тўлиб-тошиб ётганлигидан, уларнинг ижтимоий ва шахсий мақсадда қўлланилишидан юксак даражада маънавий қониқиши ва бу туйғунинг англаб олинишидир.*** Бунинг тескариси эса бахтсизликдир.

Бахт категориясининг таҳлили унинг объектив ва субъектив томонлари очилмаса, тўлақонли бўлмайди. Бахтнинг объектив томони ахлоқий мақсад билан белгиланади, ана шу

мақсадга эришиш йўлида инсоннинг ҳаётий кучлари ривожланиб боради. Объектив томони ижтимоий томон билан айнан бир нарса эмас. Агар ижтимоий томон ижтимоий-сиёсий тузум билан белгиланса ва шахснинг у билан ўзаро муносабатини билдирса, бахтнинг объектив томони ахлоқий идеални белгилаб берадиган ижтимоий борлиқни ўз ичига олади. Бахтнинг объектив мазмуни бўлмаганда эди кишилар ҳеч қачон унга эришиш учун курашда ўз ҳаракатларини мувофиқлаштира олмас эдилар. Бахтнинг объектив томони унинг тўлақонлилигининг мезонидир. Бахтнинг субъектив ва индивидуал томонлари ҳам бир-бирига айнан ўхшаш эмас. Субъектив томон шундан иборатки,бахтнинг реал шарт-шароитлари кишиларнинг онгида ва ҳатти-ҳаракатларида акс этади, ҳар бир шахс учун унинг синфий аҳволи, ёши, жинси, шахсий майллари мақсад сари интилиши, иродавий, руҳий, маданий ва бошқа хусусиятларига қараб турлича, ўзига хос тарзда намоён бўлади.

Бахт категорияси бахт меҳнат ва курашдадир. Бурч, шаън, виждон каби бошқа этикавий категориялар билан чамбарчас боғлиқдир.

Ҳаётнинг маъноси муаммоси — бу инсон ҳаётий фаолиятининг умумий йўналиши тўғрисидаги, у ўз олдига қўядиган асосий вазифа тўғрисидаги масаладир. Ҳаёт бемаъни бўлмаслиги учун нима қилмоқ, қандай яшамоқ керак, деган саволга жавоб излаш ҳар бир кишининг диққат марказида бўлиб келган ва туради, ахир киши ниманидир ўзгартириш учун ва шу билан бирликда ўзини бундай ўзгартиришга қобил шахс сифатида қарор топтириш учун дунёга келган.

Этика тарихида инсон ҳаётининг маъноси ҳақидаги инсоний яшашнинг қувончлари ҳақидаги таълимотнинг яратувчиси Эпикур ҳисобланади. У ҳаётнинг маъносини донишмандликда кўради, донишмандлик кишини ақл идрок билан билиб олинган табиатга ва беҳуда хоҳишларни рад қилиб ҳосил бўладиган руҳий осойишталикка мувофиқ тарзда яшашга ўргатади, деб ҳисоблайди.

Ҳаётнинг маъноси – ҳаётнинг бутун бош йўлидирки, у конкрет мақсадларни белгилаб беради. Мақсад инсон онгида объектив дунёнинг, унинг ривожланиш тенденция ва қонуниятларининг инъикосидир. У объектив воқеликнинг инсон амалий фаолияти натижасида унинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондира олувчи бўлажак ҳолати образидан иборатдир. Инсон ўз олдига ўзи мақсад қўяди, лекин мақсадлар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, балки уларни инсоннинг турмуш шароитлари тақозо қилади.

Инсон нимага интилади ва у қандай йўлдан боради ёки бормоқчи, ана шуни билиш муҳим. Бошқача қилиб айтганда, мақсад ахлоқий ва ғайри ахлоқий бўлиши мумкин. Ғайри ахлоқий мақсадлар асло тўғри деб топилмайди ва уларнинг ўзлари ҳам ҳеч нарсани тўғри қилолмайди. Бу нарса инсоннинг у ёки бу мақсадга эришишига ёрдам берадиган воситаларга ҳам тааллуқлидир. Мақсад бутун жамият билан боғлиқ бўлган тақдирдагина шахсий турмушга мазмун беради, унга юксак маъно бағишлайди.

4-савол баёни: Асосий мезоний тушунчалар – категориялар сингари ахлоқий тамойиллар ҳам ахлоқий англаш шаклларидан ҳисобланади. Уларда ахлоқий талаб нисбатан умумий тарзда кўзга ташланади. **Ахлоқий тамойиллар *жамият томонидан шахсга қўйиладиган умумахлоқий талаблар тарзида намоён бўлиб, инсоннинг ахлоқий моҳиятини, унинг ҳаёти мазмунини, одамлар билан ўзаро алоқаларидаги асосий жиҳатларини белгилаб беради.*** Натижада тамойиллар, инсон хатти-ҳаракатининг умумий йўналишини кўрсатган ҳолда, кўпгина ахлоқий меъёрлар учун асос бўлиб хизмат қилади. Ахлоқнинг асосий тамойилларига инсонпарварлик, ватанпарварлик, миллатпарварлик, тинчликсеварлик кабилар киради.

Ахлоқий тамойилларнинг энг қадимий ва энг муҳимларидан бири – **инсонпарварлик.** У – инсоннинг юксак ижтимоий вазифасини белгилайдиган ва барқарор этадиган ғоялар, қарашлар ва эътиқодлар мажмуи, шахс эрки, кадр-қиммати, унинг бахтли бўлиш ҳуқуқини талаб этиш имконининг мавжудлигига енгилмас ишонч. Инсонпарварлик тамойилини, Оврўпо Уйғониш мутафаккирлари дастлаб илгари сурганлар, деган фикр мавжуд. Аслида, инсонпарварлик даставвал Шарқда ўртага ташланган, инсонийлик, инсонпарварлик деган

маънони билдирувчи «намлулу» сўзи бундан 3-4 минг йиллар аввалги қадимги Сомир мих хатларида учрайди.

Инсонпарварлик – умуминсоний қадриятлар сирасига киради. Уни шўролар давридаги синфийлик нуқтаи назаридан сохталаштириш пролетар диктатураси ва тоталитар социалистик тузум ҳамда улар ижодкорларининг инсонпарварлиги ҳақидаги афсоналар жуда қисқа умр кўрди. Социализм мафкурачиларининг бу борадаги сайъ-ҳаракатлари ўша даврлардаёқ ноилмийлиги, ёлғонга суғорилганлиги билан кишиларнинг ғашини келтирган эди. Бундай инсонпарварликни халқ қабул қилмайди. Чунки у айнан ўта мавҳум «халқ» тушунчасига қаратилган, ваҳоланки инсонпарварлик марказида муайян шахс турмоғи лозим. ҳар бир шахс инсоний ҳуқуқларини таъминлаш учун курашиш – мана, инсонпарварликнинг асосий вазифаси. Бу борада умумбашарий маънавий қадрятларни устувор деб билган бизнинг давлатимиз ҳам мамлакат ичкарисида, ҳам дунё миқёсида кўзга кўринарли ишлар қилмоқда.

Агар инсонпарварлик тамойили шахснинг барча инсоний ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоясида турса, яъни анча кенг қамровли ва умумий интилиш бўлса, **эркпарварлик** тамойили унинг маълум маънода муайянлашган бир қисми ҳисобланади. Эркпарварлик инсоннинг энг олий ҳуқуқи – эркин, озод яшаш ҳуқуқини ҳимоя қилиши билан муҳимдир. Зеро эрксиз инсон – асир, эрксиз миллат – қул, эрксиз мамлакат–мустамлака. Эркпарварлик, аввало, ўз миллати ўз Ватани эрки учун, қолверса, бошқа миллатлар ва ватанлар эрки учун курашни хаётининг мақсади қилиб қўйган инсонлар тамойилидир. Айни пайтда, бу тамойил кенг ижтимоий сиёсий маънода ҳам қўлланилади. Буни эркпарвар давлатлар фаолиятида кўриш мумкин.

Одатда, эркпарвар шахслар муайян даврнинг қаҳрамонларига айланадилар. Зеро улар ўзгалар эрки учун ўз эркини, ўз ҳаётини қурбон қилишдан ҳам чўчимайдилар. Дарҳақиқат, эркпарварлик тамойилини ҳаётининг маъноси деб билган инсонларнинг маънавий умри боқий, улар келажак авлодлар учун идеал бўлиб қоладилар.

Энг маълум ва машҳур тамойил, бу – **ватанпарварлик.** У инсоннинг ўз Ватанига муҳаббатини, уни асраб-авайлашга бўлган иштиёқини англатувчи ахлоқий тушунча. Уни кўпинча Ватан душманларига қарши маънавий-мафкуравий қурол сифатидагина талқин этадилар.

Аслида эса, бу тамойилнинг қамрови анча кенг – у инсонпарваликнинг нисбатан муайянлашган шакли. У, энг аввало, ўз ватандошлари эркини асраш учун кураш, инсон озодлиги йўлидан хатти-ҳаракатлардир. Ватан ҳимояси, бу – инсон ҳимояси, миллат ҳимояси. Лекин бу ҳимоя, юқорида айтганимиздек, фақат жанг майдонида эмас, балки барча соҳаларда намоён бўлади. ҳар бир соҳада Ватан эришган муваффақиятлардан қувонч, муваффақитсизликлардан қайғу ҳиссини туюш, Ватан билан ғурурланиш, унинг ҳар бир қарич ери, биносининг ҳар бир ғиштига, қадимий обидаларига, илм-фан ва санъатдаги ютуқларига меҳр билан қараш, уларни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш – булар ҳаммаси ватанпарварликдир. Ҳозирги пайтда ёшларимизда ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш, уларни Ватан маъносини теран англаб етишга ўргатиш, ватанпарварлик – юксак ахлоқий тамойил эканини тушунтириш фанизмнинг долзарб вазифаси ҳисобланади.

Яна бир муҳим ахлоқий тамойил, бу – **миллатпарварлик.** У маълум маънода, ватанпарварлик тамойилининг янада муайянлашган шакли. Зеро миллатни севиш кенг маънода Ватанни севиш дегани. Ватансиз миллатнинг бўлиши ёки расмона эркин ва бахтли яшаши мумкин эмас. Лекин миллатпарварликни миллатчилик билан қориштириб юбормаслик лозим. Миллатчилик ўз миллатини ажратиб олиб, унга буюклик мақомини беришга интилиш бўлса, миллатпарварлик, бошқаларни камситмаган ҳолда, ўз миллати равнақи учун курашиш, бу йўлда, лозим бўлса, ўз ҳаётини ҳам фидо қилиш демакдир. У инсонпарварлик билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Чунки ўз миллатини чин дилдан севмаган одам ҳеч қачон бошқа миллатларни сева олмайди.

Асл миллатпарвар – миллий ўзлигини англаб етган инсон. У ўз миллати билан фахрланади, ўз миллати билан бутун жаҳоннинг фахрланишини истайди. Чунончи, Навоий дўппи билан тўн кийган ўзбекни ҳар қандай шоҳ жамолидан афзал кўради:

Шоҳу тожу хилъатеким, мен томоша қилғали.

Ўзбаким бошида қалпоқ, эгнида шардоғи бас. Лекин Навоий шу фахрланиши, ғуруланиши баробарида ўзгаларга кибр билан қараган эмас, аксинча, ўзга тил вакили бўлмиш Жомийга бағоят ҳурмат-иззат кўрсатиб, унга, пирим, деб қўл берган. Асл миллатпарвар инсонларнинг умри миллатнинг умри каби мангудир. Миллат йўлида ўз жонини тиккан Мунаввар қори, Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон сингари минглаб фидоийларни ҳам ҳалқимиз ҳеч қачон унутмайди.

Шунингдек, **тинчликпарварлик, жўмардлик** сингари ахлоқий тамойиллар ҳам инсоният ҳаётида муҳим аҳамитяга эга. Чунончи, тинчликпарварлик урушнинг, қон тўкишнинг ҳар қандай кўринишини инкор этади. Баъзи улуғдавлатчилик ва буюкмиллатчилик руҳи ҳукмрон бўлган жамиятларда тинчликпарварлар қувғин қилинади, турмаларга ташланади. Лекин улар ўз тамойилларидан ҳеч қачон қайтмайдилар. Улар инсониятни барча баҳсли масалаларини тинч йўл билан ҳал қилишга чақирадилар, Ер юзида тинчлик ўрнатиш учун тинимсиз кураш олиб борадилар. Жўмардлик тамойили эса Шарқда қадимдан мавжуд. Оврўпода уни альтруизм номи билан Огюст Конт илимий муомалага киритган. У кишида ўз қавмдошига айчиниш ҳиссидан, унга бахт ва фаровонлик тилаш туйғусидан келиб чиқади, моҳиятан беминнат хайрияга асосланади. Бундан ташқари, бизнинг миллий ахлоқшунослигимизда ўзбекчилик, меҳмондўстлик каби тамойиллар мавжуд. Улар миллатимизнинг энг яхши анъаналарига садоқат туйғусидан келиб чиқади ва ўзбек кишисига хос бағри кенглик, дўстга, меҳмонга борини бағишлашдек фидойилик хусусиятларини ўзида мужассамлаштиради. Айни пайтда, бу тамойилларни суистеъмол қилиши ҳоллари ҳам ҳозирги пайтда тез-тез учраб туради. Шунга қарамай, ўзбекчилик ва меҳмондўстлик тамойиллари халқимизнинг ўзига хослигини таъкидлайди. Жаҳоннинг жуда кўп халқлари бу тамойиллар эгаси бўлмиш ўзбек миллатига доимо эҳтиром, ҳавас ва ҳайрат билан миннатдорчилик билдирадилар.

Инсон ҳаётида **ахлоқий меъёрлар** ҳам катта аҳамиятга эга. Улар тамойилларга нисбатан анча содда, умумлашмаган, тор қамровли. Уларни кундалик хаётимизда маълум ахлоқий тамойилларнинг амалга ошиш мурватлари ҳам дейиш мумкин, улар ахлоқий талабларнинг энг оддий шакли сифатида рўёбга чиқади. Ҳалоллик, ростгўйлик, хушмомалалик, боодоблик, камтарлик сингари меъёрлар айниқса, диққатга сазовар. Шуни ҳам айтиш керакки, ҳалолликни унинг дастлабки тор диний мазмунида-қайси таом ҳаром-у, қайсиниси ҳалол, деган маънода тушунмаслик лозим. У аллақачон умуминсоний маъно касб этган меъёрга айланган. *Ҳалоллик, ростгўйлик* виждон тушунчаси билан боғлиқ, инсоннинг ўзгага муносабати ўзига муносабатидек соф бўлишини талаб этувчи маъёрлардир.

Ростгўйлик. Ростгўйлик ёки тўғри сўзлилик инсоннинг ҳақиқатга интилиши билан боғлиқ ҳақиқат эса доимо синфийлик, партиявийлик-мафкуравийлик ва тарихийлик-даврийликдан юқори туради. Ҳақиқатнинг ифодавий шаклларидан бири ростгўйликдир. Демак, ростгўйлик - инсоннинг кейинчалик касб этган табақавийлик, - сўз онгига, руҳига сингдирган, ижтимоий-ҳаётий, даврий-тажрибавий хусусият эмас, балкининг моҳиятида берилган фазилат. М., яқинда тили чиққан ёш гўдакни олайлик. У нима десангиз ишонади, ўзи нимаики деса - рост гапиради («Алдагани бола яхши» деган мақолни эсланг). Гўдакнинг соддалигидан, ишонувчанлигидан, тўғрисини айтишидан биз-катталар куламиз; лекин ҳақиқат устидан, ростгўйлик устидан кулаётганимизни ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Гўдак каттариб, «ақли кириб» боргани сари атроф-муҳитда ёлғон мавжуд эканлигини, рост гапирса ё кулги бўлиши, ё жазо олиши мумкинлигини англаб етади ва аста-секин ёлғонга ўргана бошлайди, дастлабки маиший ёлғон ижтимоий босқичга кўтарилди. Энди хусусий ёки гуруҳий манфаатдорликни таъминловчи ёлғон атрофдаги воқеликнинг ҳамроҳига айланади. Инсоннинг бу йўлдан фақат юксак маънавийлик, биринчи галда ахлоқий тарбия қутқаради. Эзгулик, номус, ор, қадр-қиммат, инсонпарварлик, ҳалоллик, инсоф нима эканини тушуниб етган кишигина ростгўй бўла олади.

Ҳаёлилик. Бу меъёр хулқий гўзалликнинг асосий белгиларидан ҳисобланади. У, гарчанд, бир қарашда, уят ҳисси билан ўхшаш бўлса-да, аслида ўзини кўпроқ андиша ва ибога яқин фазилат тарзида намоён қилади, унда ахлоқий моҳият эстетик хусусият - нафосат билан уйғунлашиб кетади. Ҳаёдан одатда, инсон қизаради, бу қизариш, айниқса хотин-қизларда ички гўзалликнинг юзга тепчиб чиқишига сабаб бўлади ва алоҳида бир нафисликни, майинликни вужудга келтиради. Инсоннинг ўзи содир этган ёки бошқалар воситасида амалга оширилган ахлоқийликка зид хатти-ҳаракатлардан ноқулай вазиятга тушиши, ўнғайсизланиши, мулзам бўлиши уят ҳиссида ҳам мавжуд. Лекин бу ҳолатлар уятда ижтимоийлик касб этган бўлади, шу сабабли улар хатти-ҳаракат содир қилингандан сўнг ҳам давом этади ва кўп ҳолларда виждон азобига айланади. Ҳаётда эса мазкур ҳолатлар соф маънавий табиатга эга ва вақт доирасида чекланган бўлиб, улар хатти-ҳаракат содир этилаётган пайтдагина юзага чиқади.

Шарқ донишмандлари, хусусан, Абу Лайс ас-Самарқандий, Ғаззолий, Навоий каби алломалар, кейинроқ эса Авлоний, Фитрат сингари жадид мутафаккирлари, ҳаёни юксак ахлоқий қадрият сифатида олиб қараганлар, уни иккига - одамлар олдидаги ҳаёга ва Аллоҳ олдидаги ҳаёга ажратганлар ҳамда номуснинг бир кўриниши деб таърифлаганлар. Чунончи, «Ҳаё, - деб ёзади Абдулла Авлоний «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарида, – дилни равшан қиладурган бир нурдирки, инсон ҳар вақт шул маънавий нурнинг зиёсига муҳтождир… Иффатнинг пардаси, виждоннинг ниқоби ҳаёдир»[32].

Дарҳақиқат, ҳаёлилик кишининг маънавиятли, маърифатли, номусли, очиқ кўнгилли эканини англатади, унинг зидди беҳаёлик эса, аксинча, маънавиятсизлик, нопокликка мойиллик, қалбан қаттиқлик каби иллатлар билан характерланади.

Бугунги кунда ҳаёлилик алоҳида аҳамиятга эга. Турли цивилизацияларнинг ўзаро алоқалари, баъзан эса омухталашуви, урбанизация, модапарастлик сингари замонавий ҳодисалар ўзбек оиласидаги анъанавий ҳаёлиликка маълум маънода салбий таъсир кўрсатаётир, айниқса хотин-қизлар ва ёшларнинг ўзини тутишида, муомаласида, кийинишида бу таъсирни яққол сезиш мумкин. Шу сабабли оиладаги ва мактабдаги тарбияда ҳаёлилик хулқий гўзаллик, назокат; беҳаёлик эса хулқий хунуклик ва қўполлик эканини уқдириш шахс эркинлигининг доимо ўзгалар олдида масъулият билан боғлиқлигини изчил равишда тушунтириб бориш муҳим вазифалардан бири.

Инсофлилик. Афлотун ҳақида гап борганида, унинг адолатни давлатга хос фазилат, деган фикрини келтириб ўтган эдик. Дарҳақиқат, адолат моҳиятан давлатнинг фуқарога, жамиятнинг шахсга нисбатан муносабати тарзида намоён бўлади. Борди-ю, ўзаро адолатли муносабатлар ҳақида гап кетса, унда одатда юксак мартабадаги тарихий шахснинг қуйи мартабадаги шахсга муносабати назарда тутилади. Инсоф эса ана шу адолатнинг тор қамровли хусусий кўриниши сифатида намоён бўлади. У фуқаролар, жамият аъзолари орасидаги ўзаро муносабатлар меъёридир.

Инсофлилик ҳам ҳалоллик каби виждон тушунчаси билан боғлиқ, маълум маънода ҳалолликка ўхшаб кетади. Лекин бу юзаки таассурот. Чунки ҳалоллик ўз ҳақи ва ҳаққини, яъни моддий ва маънавий ҳуқуқини ўзгаларнинг ҳақи ва ҳаққига хиёнат қилмаган ҳолда ажратиб яшашни англатади. Инсофлилик эса ижобийликда ҳалолликдан ҳам бир қадам олға ташланган ҳолатдир: унда киши ўз ҳалол ҳақи ва ҳаққидан ўзганинг ҳисобига кечади; «ўзга»нинг шароити ўзиникидан ниҳоятда оғир ва ёмон эканини ҳисобга олиб, ўз қонуний ҳақи ва ҳаққини ёки уларнинг бир қисмини ихтиёрий равишда ўзгага беради, мурувват кўрсатади.

Хушфеъллилик, ширинсуханлилик, камтаринлик, босиқлик сингари ахлоқий хатти-ҳаракатлар меъёрийлик нуқтаи назаридан ғоят муҳим. Чунки ҳар бир жамият даражаси маълум маънода ундаги фуқаролар муомала маданиятининг юксаклиги билан ҳам белгиланади. Зеро, хушфеъл, ширинсухан инсон ўзининг ҳар бир муваффақиятсизлигига

[32] Авлоний А. Ўсон миллат. Т., Шарқ, 1993, 98-б.

фожиа сифатида қарамайди, алам ёки ғазаб билан ёмон кайфиятини бошқаларга ўтказишга интилмайди; атрофдаги ахлоқий муҳитни бузмайди. Натижада ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам кўтаринки кайфият, турли-туман омадсизликларнинг ўткинчилигини англатувчи ҳаётбахш бир умид бағишлайди. Жамият доимо ўшандай одамларни ҳурмат қилади ва улардан ўрнак олишга интилади. Хушфеъллилик, ширинсуханлилик қай даражададир кўпроқ ихтиёр билан, кишининг маълум бир инсоний табиатга интилиши билан боғлиқ бўлса, босиқлик, камтаринлик, камсуқумлик аксинча, кўпроқ ирода кучи натижасида юзага келади. Зотан инсоннинг ўз ғазабини боса билиши, норозилигини барвақт билдирмаслиги; сўзлагиси, бирор-бир гап билан ўзини кўрсатгиси келиб қолганда ўша истакни тўхтата олиши кучли иродани талаб қилади. Шу боис муомалада босиқ, камтарин, «етти ўлчаб бир кесиш» тамойили асосида иш кўрган шахслар оқил одамлар саналади ва улар жамиятда ҳам намунавийлик мақомига ноил бўладилар.

Айни пайтда баъзи бир одамлар гуруҳи учун меъёрга айланиб қолган иллатлар ҳам борки, улар ҳақида тўхталиб ўтмасликнинг иложи йўқ. Улар ичидан энг кенг ёйилган, маълум маънода юқумли маънавий касалликка айланиб бораётган иккитасини – худбинлик ва шухратпарастликни кўриб чиқайлик.

Худбинлик. У ўз индивидуал эҳтиёжларини ҳамма нарсадан юқори қўядиган ахлоқий сифат, иллатни англатувчи тушунча; бирор - бир инсоннинг моддий - маиший манфаатларининг бошқаларникидан устун қўйилишини билдирувчи манфаатпарастликдан ва ўз шахсини мутлақлаштиришига қаратилган шахсиятпарастликнинг баъзи унсурларидан иборат салбий хатти-ҳаракатлар мажмуъидир. У шарқона жўмардлик ахлоқий тамойили ва инсофлилик меёрининг акси: агар жўмардлик, кўриб ўтганимиздек, бирор шахс, жамоа ёки жамият бахти, фаровонлиги йўлида кишининг ҳатто ўзига энг зарур бўлган нарсалардан ҳам воз кечишига тайёр туришини англатса, худбинлик ўз манфаатлари йўлида, ҳеч кимни, ҳеч бир жамоани, ҳеч қандай жамиятни тан олмайдиган салбий меъёр эгасининг бўртиб кўзга ташланадиган хусусияти.

Шуҳратпарастлик. Шуҳратпарастлик - шон-шуҳрат кетидан қувадиган ва бу йўлда ҳар қандай ахлоқсизликдан қайтмайдиган инсонлар тоифасининг хусусияти. Шуҳратпараст одам ўз номининг доимо атрофдагилар ва жамият диққат марказида туришига машҳурликка, шов-шувга, мақтовга ички бир тийиқсиз эҳтиёж сезади. Бу эҳтиёж охир-оқибат уни жамиятнинг ахлоқий - ижтимоий талаблари билан ҳам, индивид сифатидаги ўз биологик ва маънавий-интелектуал имкониятлари билан ҳам мутлақо ҳисоблашмайдиган ижтимоий нафс бандасига айлантириб қўяди. Шуҳратпарастликнинг ахлоқий иллат сифатидаги хатарли томони шундаки, у равнақ топиб бориш хусусиятига эга: даставвал киши ўз «мен»ининг бошқа «мен»лардан кам бўлмаслигини талаб қилади, кейин аста-секин ўз «мен»ининг барча «мен»лардан баланд туришини хоҳлаб қолади ва нима қилиб бўлса ҳам шу хоҳишни амалга оширишга интилади. Натижада у мавжуд воқеликни, атрофдагиларнинг ўзига бўлган асл муносабатини реал баҳолай олмайди; қаерда уни «кўтар-кўтар» қилиб мақташса, ўша ерга ўзини уради, ҳаёт асл инсоний вазифасини бажаришдан чалғийди, тузатиб бўлмас хатоларга йўл қўяди. Шуҳратпарастликка ёрқин мисол, умумбашарий тимсол сифатида, одатда салкам 2,5 минг йилдан буён Ҳеростратнинг номи келтирилади: у абадий шуҳрат қозониш учун оламнинг етти муъжизасидан бири - Эфес шаҳридаги Артемида ибодатхонасига ўт қўйган. Унинг номи ҳозиргача таажжуб, ҳайрат, айни пайтда нафрат ва лаънат билан тилга олинади.

Шундай қилиб, қисқача бўлса-да, Ахлоқ фалсафасининг асосий тушунчаларини, ахлоқий тамойиллар ва меъёрлар нима эканини, уларнинг шахс ҳамда жамият ахлоқий ҳаётида нақадар муҳим ўрин тутишини кўриб чиқдик. Пировард натижада қуйидагича хулоса чиқариш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз: агар Ахлоқ фалсафасининг мезоний тушунчалари бир-бирига боғлиқ бўлса, ахлоқий тамойилларнинг боғлиқлиги янада мустаҳкамроқ - улар биридан иккинчисига ўтиб туриш хусусиятига эга; ахлоқий меъёрлар эса бир-бири билан шу даражада чамбарчаски, баъзан бирини иккинчисидан аниқ ажратиш қийин, зеро улар хулқ ва одоб доирасидаги ахлоқий амалиётлардир.

5-савол баёни: Давлат ва фуқаролик жамиятидаги ахлоқий юксаклик даражасини улар фуқаролари ахлоқий маданияти белгилайди. **Ахлоқий маданият *шахснинг жамият ахлоқий тажрибаларини эгаллаши ва бу тажрибалардан бошқа одамлар билан бўлган муносабатларида фойдаланиши, ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориши сингари жиҳатларни ўз ичига олади.*** Қисқаси, у шахс ахлоқий тараққиётининг белгиси ҳисобланади. Зеро ахлоқий маданият ахлоқий тафаккур маданиятининг қатор унсурларини ўз ичига олган тузилмадир. У шахснинг ўзгалар билан ўзаро муносабатларида намоён бўлади.

Ахлоқий маданиятнинг энг муҳим унсурларидан бири-***муомала одоби.*** У моҳиятан ўзаро ҳамкорликнинг шаклларидан бири. Инсон зоти бир-бири билан ҳамкорлик қилмасдан, ўзаро тажриба алмашмасдан, бир-бирига таъсир кўрсатмасдан расмона яшаши мумкин эмас. Муомала одам учун эҳтиёж, зарурат, соғлом киши усиз руҳан қийналади, кайфияти тушиб боради. Муомала одоби бошқа кишилар қадр-қимматини, иззатини жойига қўйишни, анъанавий ахлоқий меъёрий талабларни бажаришни тақазо этади. Шунинг баробарида, у инсондаги яхши жиҳатларни намоён этиши, кўзга кўрсатиши билан ҳам ажралиб туради. Унинг энг ёрқин, энг сермазмун ва энг ифодали намоён бўлиши сўз, нутқ воситасида рўй беради. Сўзлаш ва тинглай билиш, суҳбатлашиш маданияти муомаланинг муҳим жиҳатларини ташкил этади. Шу боис муомала одоби ўзини, энг аввало, ширинсуҳанлик, камсуқумлик, босиқлик, хушфеъллилик сингари ахлоқий меъёрларда намоён қилади.

Муомала одобининг яна бир «кўзгуси», бу - ***инсоний қараш, нигоҳ, сўзсиз - новербал ҳаракатлар.*** Маълумки, одамнинг қарашида, юз ифодасида, қўл ҳаракатларида унинг қай сабаблардандир тилга чиқмаган, сўзга айланмаган ҳиссиёти, талаблари ўз аксини топади. Чунончи, суҳбатдошининг гапини охиригача эшитмай, қўл силтаб кетиш - муомаладаги маданиятсизликни англатади. Баъзан қараб қўйишнинг ўзи сўздан ҳам кучлироқ таъсир кўрсатади. Дейлик, бир қурувчи уста ўз шогирдининг хатти-ҳаракатларидан норозилигини билдириш учун бош чайқаб, жилмайиб қўйиши мумкин. Иккинчи уста эса, бир лаҳза ўқрайиб қараш билан муносабатини ифодалайди. Биринчи уста юз ифодаси ва хатти-ҳаракати билан: «Оббо шоввоз-эй, сал шошилибсан-да, ҳа, майли, зарари йўқ, шунақаси ҳам бўлади», деган маънони англатса, иккинчи устанинг қарашидан: «Яна ишни расво қилибсан-ку, падарлаънат, қачон одам бўласан?!», деган сўзларни уқиш мумкин. Шубҳасиз, биринчи уста муомалада одобга риоя қилган бўлса, иккинчиси унинг акси - шогирдининг эмас, ўзининг одобсизлигини кўрсатмоқда.

Ахлоқий маданият яққол кўзга ташланадиган муносабатлар кўринишидан бири, бу – ***этикет.*** У кўпроқ инсоннинг ташқи маданиятини, ўзаро муносабатлардаги ўзни тутиш қонун-қоидаларининг бажарилишини бошқаради. Агар муомала одобида инсон ўз муносабатларига ижодий ёндошса, яъни бир ҳолатда бир неча муомала қилиш имконига эга бўлса, этикет муайян ҳолат учун фақат бир хил қоидалаштириб қўйилган хатти-ҳаракатни тақозо этади.

Этикетнинг қамрови кенг, у, маълум маънода, халқаро миқёсда қабул қилинган муомала қонун-қоидаларини ўз ичига олади. Масалан, сиёсий арбоб этикети, меҳмондорчилик этикети ва ҳ. к. Этикетга риоя қилишнинг мумтоз намунасини биз тез-тез телевизор экрани орқали кўриб турамиз. Президентимизга хорижий мамлакатлар элчиларининг ишонч ёрлиқларини топшириш маросимларини эсланг. Унда фақат бир хил ҳолат, ҳалқаро миқёсда ўрнатилган қоида ҳукмрон. Уни Президентнинг ҳам, элчиларнинг ҳам бузишга ҳаққи йўқ. Ёки жуда оддий, кичкина бир мисол: дастурхонда тановул пайти, пичоқни ўнг қўлда ушлаш замонавий меҳмондорчилик этикетининг қатъий қоидаларидан бири саналади – уни бузиш атрофдагиларда ҳайрат ва истеҳзо уйғотади. Шу боис этикетни одат тусига айлантирилган, қатъийлаштирилган муомала одоби дейиш ҳам мумкин. **Этикет – *такаллуфнинг майда-чуйда жиҳатларигача ишлаб чиқилган одоб қоидалари сифатида ижобий, кишининг кўзини қувонтирадиган муомала ҳодисаси.***

Ахлоқий маданият ***касбий одоб***да ҳам яққол кўзга ташланади. Чунки инсон вояга етиб, бир касбнинг бошини тутгач, ўз касби доирасида одамлар билан мунтазам муносабатда бўлади. Бу муносабат, бир томондан, ҳамкасабалар даврасида рўй берса, иккинчи жиҳатдан, у

касб талабига биноан учрашадиган турли тоифадаги одамлар билан юзага келади. Айни пайтда, касбий одоб ахлоқий маданиятнинг энг юксак шаклларидан бири, унинг жамият ахлоқий ҳаётидаги ўрни юксак. Шу боис касбий одобга бафуржароқ тўхталиш жоиз.

Ҳар бир жамиятда муайян гуруҳлар борки, эгаллаган касблари уларни бошқа жамиятдошларига нисбатан имтиёзли даражага олиб чиқади. Кўпчилик жамият аъзоларининг ҳаёт-мамотлари, соғлиги, маънавий соғломлиги, ҳуқуқий ҳимояси, илмий салоҳиятининг намоён бўлиши каби омиллар ўшандай имтиёзли касб эгаларининг ўз касбий бурч масъулиятини қай даражада ҳис этишларига, ҳалоллик ва виждон юзасидан иш кўришларига боғлиқлиги ҳаммага маълум. Чунончи, табобат ходимини, жарроҳни олайлик. Дейлик, у ҳар бир операция кунида бир неча кишини ҳаётга қайтаради; юзлаб одамлар унинг ёрдамига муҳтож, унга умид ва ишонч илинжи билан қарайдилар. Борди-ю, шахсий манфаат йўлида жарроҳ ўз беморига хиёнат қилса-чи, яъни, уни қасддан ҳалок этса-чи? Ким уни шундай қилмаслигини кафолатлайди? Ёки журналистни олайлик. У шахсий манфаати йўлида, касбининг камёблигидан фойдаланиб, бегуноҳ кишиларни маънавий азобга қўйиши, атайин жамият олдида шарманда қилиши ва шунинг ҳисобига ўзининг баъзи бир муаммоларини ҳал қилиб олиши мумкин эмасми? Мумкин. Зеро, то ҳақиқат юзага чиққунча, ноҳақ танқидга учраган шахснинг адои тамом бўлиши ҳеч гап эмас. Хўш, журналистнинг шундай қилмаслигини ким кафолатлайди? Шу боис бошқаларнинг қўлидан келмайдиган ишларни бажара оладиганлар фаолиятида ўзбошимчалик, манфаатпарастлик, худбинлик ва касбни суистеъмол қилиш сингари иллатларга йўл қўймаслик учун, шунингдек, улар ахлоқий даражасини юксак босқичда туришини таъминлаш мақсадида кўп ҳолларда ўзаро қоидалар мажмуи яратилган. Бу қоидалар мажмуи, одатда, қасамёд ёки меъёрлар кўринишини олган. Уни бузиш ўта одобсизлик ва ахлоқсизлик, ҳатто жамиятга хиёнат тарзида баҳоланади. Бундай қасамёдлар жуда узоқ тарихга эга. Мисол тариқасида ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган Қадимги Юнон ҳакими Гиппократ (милодгача V-IV асрлар) томонидан қисқа ва лўнда шаклда тузилган, табобат ходимлари касбий одоби, қонун-қодалари жамланган машҳур «Гиппократ қасами»ни келтириш мумкин.

Булардан ташқари, муаллимлик одоби, ҳуқуқ-тартибот ходимлари одоби, муҳандис одоби сингари бирқанча касбий одоб турлари борки, улар ҳам жамиятда ахлоқий муносабатлар силсиласида муҳим аҳамиятга эга. Шуни ҳам айтиш керакки, барча касбий одоб қонун-қоидаларининг таъсир доираси, миқёси бир хил эмас. Баъзи бир касбий одобнинг бузилиши оддий одобсизлик доирасидан чиқиб, ахлоқсизликка айланиб кетади. Масалан, раҳбарлик одобидаги баъзи нуқталарга тухталайлик. Раҳбар қуйи лавозимдагиларга менсимай, қўпол муносабатда бўлиши, ўзига ишониб топширилган ҳудуд ёки ташкилотдаги оддий одамлар арз-додига, орзу-истакларига тўраларча совуққон қараши одобсизликка кирса, унинг шахсий бойлик орттириши йўлида коррупция воситасида мамлакат, вилоят ёки ташкилот манфаатларини қурбон қилиши ахлоқсизлик, на фақат раҳбарлик касбига балки Ватанга ҳам хиёнат тарзида баҳоланиши мумкин. Баъзан касбий одобни касбий ахлоқ деб аталиши ҳам шундан.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун назорат саволлари:

1. Этика фанининг ўрганиш объекти ва предмети нима?
2. Замонавий этиканингасосий соҳаларини қандай тушунасиз?
3. Ахлоқнинг моҳияти, таркиби ва функцияларини қандай тушунасиз?
4. Этика категориялари деб нимага айтилади?
5. Ахлоқий тамойиллар деб нимага айтилади?
6. Ахлоқий меъёрлар нима?
7. Муомала одобининг инсон ҳаётидаги ўрни қандай намоён бўлади?
8. Этикет нима?
9. Касбий одоб шахс ва жамият ижтимоий ҳаётида қандай мавқе эгаллайди?

12 – Мавзу: Нафосат фалсафаси (Эстетика).

Маъруза режаси:

1. Дунёни эстетик идрок этишнинг моҳияти ва инсоннинг воқеликка эстетик муносабати.

2. Эстетикага замонавий ёндашувлар. Эстетика категориялари.

3. Эстетика ва санъат. Санъатнинг эстетик моҳияти, унинг турлари ва жанрлари.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:

Эстетика, ҳиссий идрок назарияси, гўзаллик фалсафаси, бадиий ижод, санъат фалсафаси, нафосат фалсафаси, эстетик онг, эстетик муносабат, эстетик фаолият, категория, гўзаллик, чиройлилик, ҳунуклик, улуғворлик, тубанлик, фожиавийлик, кулгулилик, кулгили ҳолат, ҳазил, мутойиба, киноя, истеҳзо, эстетик дид, дизайн, санъат, бадиий образ.

1– савол баёни: ***Эстетика*** ёхуд нафосатшунослик энг қадимги фанлардан бири. Унинг тарихи икки ярим-уч минг йиллик вақтни ўз ичига олади. Бироқ у ўзининг ҳозирги номини XYIII асрда олган. Унгача бу фаннинг асосий муаммоси бўлмиш гўзаллик ва санъат ҳақидаги мулоҳазалар ҳар хил санъат турларига бағишланган рисолаларда, фалсафа ҳамда илоҳиёт борасидаги асарларда ўз аксини топган эди. «Эстетика» атамасини биринчи бўлиб буюк немис файласуфи, Германиядаги Вольф мактабининг файласуфи Александр Готлиб Баумгартен (1714—1762) 1735 йилда ёзган “Поэтик асарга доир баъзи масалалар хусусида фалсафий мулоҳазалар” номли асарида илмий муомалага киритган. Бунда у бошқа бир улуғ олмон файласуфи Лайбниц (1646-1716) таълимотидан келиб чиққан ҳолда муносабат билдирган эди. Лайбниц инсон маънавий оламини уч соҳага – ақл, ихтиёр, ҳиссиётга бўлади ва уларнинг ҳар бирини алоҳида фалсафий жиҳатдан ўрганиш лозимлигини таъкидлайди. Баумгартенгача ақлни ўрганадиган фан–мантиқ, ихтиёрни ўрганувчи фан эса-ахлоқшунослик (этика) ни фалсафада кўпдан буён ўз ўрни бор эди. Бироқ ҳиссиётни ўрганадиган фан фалсафий мақомдаги ўз номига эга эмасди. Баумгартеннинг бу борадаги ҳизмати шундаки, у «ҳис қилиш», «сезиш», «ҳис этиладиган» сингари маъноларни англатувчи юнонча aisthetikos– «ойэстетикос» сўзидан «эстетика» (олмонча «estetik»- «эштетик») иборасини олиб, ана шу бўшлиқни тўлдирди.

Баумгартен *эстетикани ҳиссий идрок этиш назарияси* сифатида илгари сурди. Лекин, кўп ўтмай, у гоҳ *«гўзаллик фалсафаси»*, гоҳ *«санъат фалсафаси»* сифатида талқин этила бошланди. Эстетика фанининг энг буюк назариётчиларидан бири Гегель эса ўз маърузаларининг кириш қисмида ёзади: «Эстетика» деган ном муваффақиятсиз чиққани ва юзаки экани сабабли бошқа атама қўллашга уринишлар бўлди. Сўзнинг ўз-ўзича бизни қизиқтирмаслигини назарда тутиб, биз «эстетика» номини сақлаб қолишга тайёрмиз, бунинг устига, у одатий нутққа сингишиб кетган. Шунга қарамай, бизнинг фанимиз мазмунига жавоб берадиган ибора, бу–«санъат фалсафаси» ёки яна ҳам аниқроқ қилиб айтганда-«бадиий ижод фалсафаси».

Энди фанимизнинг моҳиятини англатадиган «санъат фалсафаси» ва «гўзаллик фалсафаси» ибораларига тўхталамиз. Эстетика тарихида биринчи ибора тарафдорлари кўпчиликни ташкил этади. Лекин, юқорида айтиб ўтганимиздек, санъат фанимизнинг ягона тадқиқот объекти эмас. Ҳозирги пайтда техника нафосатшунослиги ва унинг амалиётдаги соҳаси дизайн, атроф-муҳитни гўзаллаштириш, табиатдаги нафосат борасидаги муаммолар билан ҳам бизнинг фанимиз шуғулланади. Шу боис унинг қамровини санъатнинг ўзи билангина чегаралаб қўйишга ҳаққимиз йўқ. Зеро бугунги кунда инсон ўзини ўраб турган барча нарса-ҳодисаларнинг гўзал бўлишини, ҳар қадамда нафосатни ҳис этишни истайди: биз тақиб юрган соат, биз кийган кийим, биз ҳайдаётган машина, биз учадиган тайёра, биз яшаётган уй, биз меҳнат қиладиган ишхона, биз юргизаётган дастгоҳ, биз ёзаётган қалам, биз дам оладиган томошабоғлар–ҳаммасидан нафис бир руҳ уфуриб туриши лозим.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқсак, демак, «гўзаллик фалсафаси» деган ибора фанимизга кўпроқ мос келади. Негаки, фанимиз фақат санъатдаги гўзалликни эмас, балки

инсондаги, жамият ва табиатдаги гўзалликни ҳам ўрганади. Шунингдек, гўзалликдан бошқа улуғворлик, фожиавийлик, кулгилилик, мўъжизавийлик, уйғунлик, нозиклик сингари кўпдан-кўп тушунчалар мавжудки, уларни тадқиқ этиш ҳам эстетика фанининг зиммасида. Лекин, бу ўринда, шуни унутмаслик керакки, мазкур тушунчаларнинг ҳар бирида гўзаллик, бир томондан, унсур сифатида иштирок этса, иккинчи томондан, уларнинг ўзи гўзалликка нисбатан унсур вазифасини ўтайди. Ана шу хусусиятларнинг воқеликда намоён бўлишини биз ***нафосат*** деб атаймиз.

Гўзаллик, кўрганимиздек, *нафосатнинг бош, етакчи хусусияти ҳисобланади.* Шу боис у эстетиканинг асосий мезоний тушунчаларидан бири сифатида тадқиқ ва талқин этилади. Зеро гўзалликнинг иштирокисиз юқоридаги хусусиятларнинг бирортаси нафосатдорлик табиатига эга бўлолмайди. Масалан, улуғворликни олайлик. У асосан ҳажмга, миқдорга асосланади. Бухородаги Арслонхон минораси ёхуд Минораи Калон улуғворлиги билан кишини ҳайратга солади, унга тикилар экансиз, қалбингизни нафосат завқи қамраб олади. Лекин худди шундай баландликдаги кимёвий корхона мўрисидан завқланолмайсиз. Ёки ёнбағирдан туриб, тоққа тикилсангиз нафосат завқини туясиз, аммо худди шундай баландликдаги шаҳар четида ўсиб чиққан ахлат «тоғи»га қараб завқланмайсиз. Чунки Арслонхон минораси меъморлик санъати асари сифатида гўзаллик қонуниятлари асосида бунёд этилган; тоғ эса табиат яратган улуғвор гўзаллик. Завод мўрисида ҳам, ахлат «тоғ»ида ҳам ҳажм, миқдор бору, лекин бир нарса– гўзаллик етишмайди. Минора билан тоғдаги ҳажмни салобатга айлантирувчи унсур, бу– гўзаллик. Фожеавийлик хусусиятида ҳам гўзалликнинг иштирокини кўриш мумкин. Мисол сифатида Лев Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» романидаги Аустрлицда бўлиб ўтган рус ва француз қўшинлари тўқнашувидан сўнг, жанг майдонида ярадор бўлиб ётган княз Андрей Болконскийни эслайлик: бир қўлида байроқ дастасини ушлаганча кўм-кўк майсада мовий осмонга қараб ётган, оппоқ мундирли ботир йигит–байроқдор зобитнинг тепасига келган Наполеон уни ўлган деб ўйлаб, бу манзарадан ҳайратланиб: «Мана бу–гўзал ўлим!», дейди. Бу ўринда асар қаҳрамонининг ўлими- фожеавийлик, ўлимнинг қаҳрамонликка айланиши– улуғворлик; фожеавийлик билан улуғворлик хусусиятларининг омухталашуви натижасида эса гўзал манзара, қайғули ва улуғвор гўзаллик вужудга келган. Шунинг учун ҳам Наполеоннинг ҳайротомуз хитоби бежиз эмас. Демак, эстетиканинг асосий тадқиқот объекти–гўзаллик, бироқ, санъат ҳам ўз навбатида эстетиканинг гўзаллик каби кенг қамровли тадқиқот объекти ҳисобланади.

Эстетика-фалсафий фанлар таркибига кирувчи маҳсус соҳа. Фалсафани эса, ўзингизга маълумки, фанлар подшоси деб аташади. Дарҳақиқат, у фанлар подшоси сифатида барча табиий ва ижтимоий илмлар эришган ютуқларни ўз қамровига олиб, улардан умумий хулосалар чиқариб, шулар асосида инсониятни ҳақиқат томон етаклайди. Шу боис тафаккурни фалсафанинг тадқиқот объекти деб аташ мақсадга мувофиқ бўлади. *Эстетика-фалсафий фан сифатида, барча санъатшунослик фанлари эришган ютуқлардан умумий хулосалар чиқариб, шу хулосалар асосида инсонни гўзаллик орқали ҳақиқатга етиштиришга ҳизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури"да "таълимнинг ижтимоийлашуви – таълим олувчиларда эстетик бой дунёқарашни ҳосил қилиш ва ижодий фикрлашни шакллантириш" масаласи алоҳида қайд этилган.* Бундан ташқари эстетика ишлаб чиққан қонун-қоидалар барча санъатшунослик фанлари учун умумийлик хусусиятига эга. Масалан, услуб, ритм, композиция в. ҳ. борасидаги қонуниятлар барча санъат турларига тааллуқли. Ҳеч бир алоҳида санъат тури ҳақидаги фан бундай имтиёзга эга эмас. Масалан, адабиётшунослик ишлаб чиққан қофия назариясини мусиқа ёки меъморлик санъатига тадбиқ этиб бўлмайди.

Нафосат. Нафосат бир томондан, реал воқеликни, иккинчи томондан илмий тушунчани англатади. У реал воқелик сифатида инсон ҳаётининг барча соҳаларини нурлантириб турувчи қамровли маънавий ҳодиса, тушунча сифатида эса эстетика фанига оид юзлаб, эҳтимол, минглаб атамаларни ўз ичига олган энг йирик истилоҳ, европача таърифда *–метакатегория,* ***эстетика фанининг тадқиқот объекти.*** Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, нафосатнинг

«ҳудуди» ниҳоятда кенг, у объектив воқелик сифатида нарса-ҳодисаларнинг эстетик хусусиятларини англатса, субъектив воқелик тарзида инсоннинг ана шу эстетик хусусиятларини англаш ва идрок этиш борасидаги ботиний фаолиятидир.

Бироқ, бу нафосатнинг бир томони, уни шартли равишда *ташқи нафосат* ёки объектдаги нафосат дейишимиз мумкин. Нафосатнинг иккинчи томони ҳам борки, ўзини *ички нафосат* ёки субъектдаги нафосат тарзида намоён қилади. Ана шу иккинчи жиҳат эстетик жараённи вужудга келтиришлик хусусиятига эга бўлган фалсафий ҳодиса - ***воқеликни эстетик англаш*** билан белгиланади.

Эстетик англаш ва унинг тузилмаси

Эстетик англаш инсон руҳиятида ўзига хос, чуқур ижобий руҳий ўзгаришларни вужудга келтирадиган эстетик ҳолат.

Эстетик (нафосатли) онг – ***маънавий-руҳий ҳодисалар мажмуи бўлиб, улар ижтимоий ҳаёт заминида вужудга келадиган нафосатли ҳис, дид, фикр, орзу, қараш, назария тизимини англатади. Эстетик онг ижтимоий ҳаёт заминида унинг билан мутаносиб тарзда ўзгариб, ривожланиб, такомиллашиб боради.***

Эстетик эҳтиёж. Эстетик англаш ва шу асосдаги фаолият жараёнининг ибтидоси эстетик эҳтиёжга бориб тақалади. Эстетик эҳтиёж инсон ҳаётида рўй берадиган барча эстетик ҳодисаларнинг асоси сифатида ҳам табиий–биологик, ҳам ижтимоий–маънавий моҳиятга эга; «гўзал нафс», нафосатга ташналик, инсонда эстетик ҳиссиётни қўзғатиш хусусиятини сақлаб қолган ҳолда, кейинчалик унинг бутун умри мобайнида такомиллашиб боради эстетик муҳокама, эстетик баҳо, эстетик дид ва эстетик идеалнинг шаклланишига хизмат қилади.

Жамиятнинг эстетик онги мураккаб тизимли, ҳаракатчан, ўзаро узвий алоқадор қатор қисмлардан иборат бўлади.

Эстетик онгнинг турғун ва уйғун қисмлари – булар нафосатли ҳислар, туйҳулар, дид, орзулар (эстетик идеал), қарашлар ва назариялардир. Улар бир-бири билан алоқадор ҳолда ўзаро таъсирда бўлсада уларни алоҳида-алоҳида таҳлил этгандагина бу умумийлик моҳиятини англаб олиш осонроқ бўлади.

Эстетик ҳис-туйғулар. Ҳис-туйғулар умуман инсон онгининг ажралмас қисми бўлиб, нафосатли онг соҳасида алоҳида ўрин тутади. Улар нафосатли онгнинг асосий қатламини ташкил этиб, унинг пойдевори ҳисобланади, унинг барча жабҳаларини безайди ва бойитади.

Эстетик ҳиссиёт. Кўпинча адабиётларда эстетик ҳиссиёт «эстетик туйғу» сўзида, бирлик шаклида берилади. Гоҳ эстетик кечинманинг, гоҳ эстетик ҳаяжоннинг синоними тарзида талқин қилинади. Бизнингча, бу унчалик тўғри эмас. Чунки ҳаяжон ҳам, кечинма ҳам битта туйғудан эмас, туйғулар силсиласидан иборат бўлади, шу сабабдан уни кўпликда–ҳислар ёки ҳиссиёт шаклида қўллаш мақсадга мувофиқ.

Эстетик дид. Эстетик дид тушунчасининг ўзига хослиги шундаки, у бир томондан, идрок, фаҳм, фаросат каби илдизи ақлга бориб тақалса, иккинчидан, ўзининг эҳтирос, ҳис—ҳаяжон, субъектив бахолаш хусусияти билан улардан ажралиб туради

Эстетик онгнинг яна бир таркибий қисми *эстетик қарашлар ва назариялар* бўлиб, улар нафосатли онгнинг ғоявий соҳасини ташкил этади ва улар табиат, ҳаёт, санъат моҳияти ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ва ғоялар тизимини англатади.

Эстетик муносабат ***деб эстетик ҳодисаларни, қадриятларни идрок этиш, баҳолаш, яратиш жараёнида объект ва субъект ўртасида вужудга келадиган ҳиссий-маънавий, бегараз-самимий алоқаларига, таъсирларга айтилади. Эстетик муносабат эстетик онгнинг шаклланиш асосидир.***

Демак эстетик муносабатнинг объектив томонини эстетик хосса-хусусиятлар, сифатларга эга бўлган буюм ҳодисалар, қадриятлар ташкил этади. Буюмнинг эстетик хоссаси, қиммати эса унинг ижтимоий хоссасидир.

Эстетик муносабат инсоний, ижтимоий муносабатларнинг махсус тури бўлиб, унинг таркибини эстетик объект ва эстетик субъект ташкил этади. **Эстетик объект** инсон алоқа ва муносабатлар доирасига жалб этилган, бевосита идрок этиш предмети сифатида инсон ва

жамиятнинг беғараз самимий, маънаий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиладиган нарса, буюм, ҳодисалар, уларга хос эстетик хусусиятлар, сифатлар ва жараёнлардир. **Эстетик субъект** деб муайян ҳиссий ва ақлий тараққиёт даражасига эришган, эстетик қадриятларни идрок этиш, тушуниш, баҳолаш ва яратиш қобилиятига эга бўлган, конкрет ижтимоий муносабатлар доирасига тортилган шахсга унинг руҳий маънавий дунёсига, индивид ва жамият эстетик онгига, уларга хос субъектив хусусиятларга айтилади.

Эстетик фаолият – ***бу инсон ва жамиятнинг эстетик ҳодисалар, қадриятларни билиб олиш, баҳолаш ва ўзгартиришга, яратишга қаратилган ҳатти-ҳаракатлар мажмуидир.***

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда эстетика фанининг предметини қуйидагича таърифлаш мумкин: ***Эстетика фани предмети – бу инсоннинг воқеликка эстетик муносабати, эстетик фаолияти, эстетик онг ва санъатнинг энг умумий ривожланиш қонуниятларини ўрганишдир.*** Эстетика фани ўз мақсад ва вазифаларини уйғунлик, яхлитлик, ифодалилик ва мақсадга мувофиқлик тамойиллари орқали амалга оширади.

2-савол баёни: Техноген цивилизация - эстетик фаолият ва эстетик дидни шакллантиришнинг муҳим омилидир. Илмий-техникавий тараққиётни инсонийлаштириш ва гўзаллаштириш эстетик муаммолардан ҳисобланади. Воқеликка эстетик муносабатлар, миллий ва умумбашарий аҳамиятга эгадир. Эстетик қадриятлар эса – барқарорликни таъминловчи омил ҳисобланар экан,“дунёни гўзаллик қутқаради” шиори глобал аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. “Гўзал муҳитда яшаш олий неъмат” – эстетиканинг бош тамойилидир. Оламни эстетик англашда ахборот ва жамият ахборотлашувининг роли ортиб бормоқда. Ахборот эстетикасининг ўзига хос хусусиятлари ва унинг сиёсий, бадиий, ижтимоий, ахлоқий, маънавий жараёнлар билан боғлиқлигидадар. Реклама эстетик маълумот олиш воситаси бўлиб бормоқда. Уларнинг турлари ва шакллари ҳилма-хилдир. Реклама эстетикасида миллийлик ва умумбашарийлик намоён бўлиб боради.

Илгари ишлаб чиқаришда учрамаган **техника эстетикаси, дизайн** деган тушунчалар ҳаётимизга аллақачон кириб келган.

Ҳозирги замон саноат ишлаб чиқаришининг эстетик томонини ўрганадиган эстетика фанининг тармоғи - ***техника эстетикаси*** *дейилади.* Бу билан мутахассис рассомлар шуғулланади, уларнинг санъати **«дизайн»** деган ном билан юритилади. Кўриб ўтганимиз – табиат эстетикаси бизни ҳозир аввалгига қараганда олисдан ўраб турган биологик муҳитнинг ҳаётимизни гўзаллаштиришдаги, умуман, эстетиклаштиришдаги аҳамиятини тадқиқ этса, уни инсонни “табиийлаштириш” воситаси сифатида олиб қараса, техника эстетикаси, аксинча, бугунги кунда бизга энг яқин бўлган ноосферани – техникавий муҳитни мунтазам “инсонийлаштириб” бориш муаммоларини ўрганади.

Инсон доимий равишда равнақ топиб борадиган мавжудот, узоқ давом этган инсоний тараққиётнинг маҳсули, яъни тош асридаги ва ҳозирги одам, гарчанд иккаласи ҳам одам деб атасакда, бир-биридан фарқ қилади. Замонавий одам ақлан, ахлоқан нисбатан юксак даражага кўтарилган, жисмонан эса – гўзаллашган. Техникани ана шу гўзаллашган инсон яратган. Техника инсон ижодининг маҳсули сифатида инсон қанчалик нозик, қанчалик ақлли, қанчалик гўзал бўлса, шунга қараб ўзгариб боради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, сўнгги икки аср мобайнида, айниқса, XX-XXI асрда инсон тафаккури, унинг жисман ва ахлоқан тараққиётидан илгарилаб кетди. Ана шу равнақнинг суръати биз яратган техника воситаларини тезкорлик билан ўзгариб, қулайлашиб, гўзаллашиб боришини таъминлаб келмоқда. Бунда бадиий-техник ёки эстетик фаолият ҳисобланмиш дизайннинг роли катта.

«Дизайн» - ***бу ишлаб чиқаришда рассомлар томонидан бўлажак буюм лойиҳасининг яратилишини ҳам ўз ичига оладиган эстетик фаолиятнинг тури ҳамда ижод натижаси-эстетик сифатга эга бўлган тайёр саноат буюми. Техника эстетикаси дизайн назариясидир.*** Дизайн оммавий саноат ишлаб чиқариш ҳамда атроф претметлар муҳитини билишнинг гўзаллик ҳақидаги тасаврларимизга мос келтириш эҳтиёжи билан боғлиқ холда

вужудга келади. Предметлар тартибсизлигига барҳам бериш ва предметлар оламини тартибга келтириш техника эстетикаси ва дизайн назарияси амалиётининг вазифаси ана шундай.

Ишлаб чиқариш муҳитининг нафосатли жиҳатларини вужудга келтириш, унга «маънавий қадрият» мақомини бериш дизайн (техника нафосатшунослиги)га оид расм-чизмалар, моделлар, безаклар воситасида ҳам амалга оширилади.

Техника эстетикаси тушунчаларининг вужудга келиши тарихининг ўзи ҳам қизиқ. Қадимги вақтларда санъат алоҳида ишлаб чиқаришдан ажралган холда мавжуд эмас эди, балки у билан амалий жиҳатдан боқлиқ эди. Масалан, Қадимги Грецияда шаҳарлар қурилиши ҳам, ҳайкалтарошлик ҳам, астрономия билан шуғулланиш ҳам, табобат амалиёти ҳам, оддий буюмлар тайёрлаш ҳам биргина сўз «техне» билан санъат ва маҳорат кабилар бирлаштирилган.

Рассом-конструктор (дизайнер) - бу ишлаб чиқаришда фақат вазифа талабларига кўрагина эмас, балки гўзаллик талабларига кўра ҳам жавоб бера оладиган санъат буюмлари формасини лойиҳалайдиган мутахассисдир.

Рассом конструктор ўз касбига кўра, инженер конструкторлар ёки техникадан фарқ қилади, техник конструкция бўлими ва унинг вазифаси асосида ўзининг фойдаланганлиги билангина эмас, гузаллик билан ҳам ажралиб турадиган буюмларнинг ташқи шаклини тайёрлайди. Инженерлик ва конструкторлик ғояси рассомнинг идроки ва фантазияси саноат буюмининг ўзида ифодаланади.

Ҳар қандай техник шаклга дизайн томонидан қўйиладиган асосий талаб *фойдалилик, қулайлик ва гўзалликдир.*

Дизайнердан; биринчидан, конструкциянинг ишончлилиги, шаклнинг гўзаллиги ва равшанлигини таъминловчи предмет ечимлари, иккинчидан айрим предмедлар, деталлар ва элементлар ўзаро алоқасини таъминловчи ечимлар, учунчидан табиатни ҳам қўшганлиги мухитнинг бутун компонентлари синтезининг берадиган яхлид ечим талаб қилинади.

Дизайннинг уч бирлик - *фойда, қулайлик, гўзаллик*лардан келиб чиқувчи тамойиллари ана шулардан иборат.

Дизайнлар фақат яхши, чиройли буюмлар яратибгина қолмайди, шу билан бирга кераксиз, усти ялтироқ ва қийматсиз буюмлардан халос бўлишни тақозо этади. Саноат ишлаб чиқарадиган буюмлар хилма-хиллигини ҳар бир буюмнинг аниқ мақсадли бўлишини ўйлаш шунинг учун ҳам муҳимдир.

Предметлар дунёси ва техника эстетикасини тартибга сола туриб, дизайн айни вақтда кишиларнинг диди ва эҳтиёжи турли-туман эканлигини ҳам хисобга олади. Шунинг учун ҳам, дизайн соф индивидуал талаблар билан бошқа буюмлар ишлаб чиқаришда чегараланишга йўл қўймайди.

Дизайнернинг вазифаси бу шунчаки ташқи муҳит ташкил қилган яхши ва қулай буюмгина эмас, балки ижтимоий эҳтиёжларни қондиришдир.

Техника эстетикаси ишчига қуйидаги вазифаларни олиб келади. Аввало эстетик жихатдан яратилган, меҳнат ва ишлаб чиқариш шароити ишчи кучининг кайфияти, соғлиги ва меҳнат қобилиятига таъсир кўрсатади. У ишчининг жисмоний кучини тежайди ва асаб системасини асрайди, дидини тарбиялайди, меҳнат унумдорлигининг ўсишига таъсир қилади, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатли ва самарали тарзда вужудга келади.

Меҳнат эстетикаси техника эстетикаси каби атроф-муҳитни гўзаллаштириш тизими билан боғлиқ. Корхона ҳовлисидаги яшил олам, фаввора, дарахтлар, ҳайкалларнинг уйғунлиги ичкаридаги бинолар пештоқлари ва деворларида акс этган кўргазмали амалий санъат намуналари, бинолар ичининг юксак дид билан безатилиши – ҳаммаси инсон меҳнатини гўзаллаштиришга, меҳнат жараёнининг эстетик завқ билан амалга ошувини таъминлашга хизмат қилади.

Шундай қилиб, меҳнат эстетикаси меҳнат жараёнидаги нафосатни фақат саноат ишлаб чиқариши билан чегараламайди, дизайндан кенг фойдаланган ҳолда ўзини атроф-муҳитни

гўзаллаштириш тизимидаги асосий омиллардан бири сифатида намоён этади ва техника эстетикаси билан доимий ҳамкорликда иш олиб боради.

Спорт эстетикаси *спорт соҳасидаги эстетик қонуниятларни ўрганади, спортнинг эстетик мазмунини, унинг жамият маданиятидаги ўрнини, спорт билан санъатнинг ўзаро алоқадорлигини тадқиқ этади, инсон жисмоний камолотининг маънавий-эстетик жиҳатларини таҳлилдан ўтказади.*

Маълумки, спорт ва жисмоний тарбия деярли доимо ёнма-ён тилга олинса-да, улар бир-биридан жиддий фарқ қилади. Жисмоний тарбия асосан инсон саломатлигини таъминлашга қаратилган жамиятнинг турли ёшдаги барча табақалари ихтиёрий тарзда "ўзи учун" шуғулланадиган, оммавийлик табиатига эга машқлар ёки машқ мажмуларидан иборат. Спорт эса, унинг қайси соҳасида бўлмасин, мутахассис устозлар назорати остида махсус тайёргарлик кўрган одамларнинг, асосан ёшларнинг яккама-якка ёки жамоавий тарзда беллашувини ўз ичига олади. Жисмоний тарбия қай кўринишда бўлмасин, (индивидуалми, жамоавийми), беллашувни рад этади ва инсонга турли машқ шаклларидан хоҳлаганини танлаш имконини беради. Спортда эса мусобақа биринчи ўринда туради ва унда муайян машқлар мажбурий тарзда бажарилади. Лекин бу мажбурийлик спортнинг маълум бир тури доирасида спортчига эркин ҳаракат қилиш имконини беради, яъни спортда ижодий ёндашув тақиқланмайди, балки қўллаб-қувватланади. Масалан, бадиий гимнастика мусобақаларида ҳар бир спортчи ўзи танлаган машқни, ўзи танлаган куй жўрлигида бажаради, лекин спортнинг ушбу турига доир қонун-қоидалардан четга чиқолмайди. Шундай қилиб, жисмоний тарбияни спортга қўшиб юбориш ёки уларни айнанлаштириш мумкин эмас. Хуллас, спорт инсон танаси гўзаллигининг намойиши сифатида диққатга сазовор. Спортга қадимги юнонлар, бундан бир неча минг йиллар аввал ана шундай нуқтаи назардан ёндашганлар. Лекин, афсуски, кейинчалик мусобақа омили гўзалликни четга суриб, уни ғолиблик ва мағлублик билан баҳоланадиган эҳтиросни ўйинга, қиморнинг ўзига хос турига айлантириб қўйди (қадимги Румодаги гладиаторлар баҳси, кейинчалик от пойгасига пул тикишлар в.ҳ.).

Ҳозирги пайтда спорт жаҳон бўйлаб жуда кенг ёйилган маданий соҳа сифатида тан олинади. Айниқса, буни Ўзбекистон мисолида яққол кўриш мумкин. Бизда мустақиллик шарофати билан спортга миллий маданиятнинг узвий қисми сифатида қараш шаклланди, унинг ҳамма тури бўйича мусобақалар ўтказиш одат тусига кирди, ўзбек кураши эса умумбашарий спорт тури мақомини олди, махсус Жисмоний тарбия ва спорт ишлари вазирлиги ташкил этилди. Буларнинг деярли барчаси республикамиз Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси ва назорати остида амалга оширилди. Шу туфайли бугун Ўзбекистон спорт диёрига, инсон жисмоний гўзаллигини жаҳонга намойиш этаётган мамлакатлардан бирига айланди.

Санъат билан спортнинг ўхшаш томони шундаки, ҳар иккаласи ҳам бирор бир моддий эҳтиёжни қондирмайди, бевосита мақсад эмас, мақсадга мувофиқлик тарзида воқе бўлади, уларнинг асосий хусусияти, мавжудлигини оқлайдиган нарса, *бу – одамларга эстетик завқ бериш хусусияти.* Айни пайтда санъатда ҳам спортда ҳам ўйин ижтимоийлик касб этмаслиги мумкин эмас, спортчи санъаткор каби ғоявий-мафкуравий майлпарастлик табиатига эга. Санъаткор ватанпарварлик, миллатпарварлик ғояларини билвосита – бадиий асари орқали илгари сурса, спортчи ўз жисмоний хатти-ҳаракатлари билан мусобақаларда ватан байроғини кўтаришга, "миллатни уялтириб қўймасликка" интилади, яъни бевосита ва табиий равишда мафкуравийликни амалга оширади. Демак, санъат ҳам, спорт ҳам шунчаки завқ бериш ва ўз истеъдодидан завқланиш билангина чегараланиб қолмайдиган ижтимоий-маънавий ҳодисалардир.

Эстетика фани ҳам бошқа фанлар қатори, кишиларнинг амалий фаолияти эришган ютуқларини умумлаштириб ўзининг категориялар системасини ишлаб чиқди. ***Категория*** (юнон. Kategoria - кўрсатма, гувоҳлик, ифодаловчи) эстетикада асосий тушунчалар бўлиб, бу тушунчалар воқеликнинг эстетик хоссаларини, сифатларини, томонларини, муносабатларини

эстетик билиш моҳиятини ифодалайди. Эстетика категориялар системаси ҳам эстетика фанининг назарий равнақига мос равишда янгича тушунчалар билан доимо бойиб боради.

Эстетика категориялари - воқеликнинг эстетик белгиларини, алоқаларини томонларини, ўзига хос бўлган эстетик хусусият ва сифатларини акс эттирувчи умумлашган илмий тушунчалардан иборат. *Эстетиканинг гўзаллик, хунуклик, улуғворлик, тубанлик. трагиклик, комиклик, эстетиклик, бадиийлик, драматиклик, трагикомиклик, қаҳрамонлик категориялари мавжуд*. Бу категорияларни ўрганиш билан биз дунёнинг эстетик тараққиёти ва бу тараққиётнинг ўзига хос томонларини билиб борамиз.

Эстетика категориялари ўзаро бир-бири билан алоқададир. Улар бир-бирини тўлдиради ва ривожланишига кўмаклашади. Фалсафа категориялари объектив борлиқнинг энг умумий томонларини ўрганса, эстетика категориялари эса ўша борлиқнинг эстетик хусусиятларини очиб бериш учун хизмат қилади.

Эстетика категориялари ҳам кишилиларнинг кўп асрлар давомида орттирган тажрибасининг, уларнинг меҳнат фаолияти ва эстетик билиш жараёнининг натижалари мажмуини ташкил этади. Инсон амалий фаолият жараёнида дунёнинг предмет ва ҳодисаларига дуч келиб уларни била бориб, уларнинг муҳим томонларини номуҳим томонидан, гўзаликни хунукликдан, улуғворликни тубанликдан, трагикликни комикликдан ажрата борган, ажратиш натижаларини эса категорияларда ифода қилганлар.

Шундай қилиб эстетика категориялари оламни эстетик билиш босқичлари бўлиб инсонни эстетик тарбиялашда вазифаси улкандир. Бугунги кунда ***гўзаллик – улуғворлик – фожиавийлик – кулгилилик; эстетик идеал – эстетик дид – эстетик туйғу; санъат – бадиий образ – ижодкорлик*** кўринишдаги тизим эстетика фанининг категориялар таснифида кенгроқ қўлланилмоқда.

Гўзаллик - эстетиканинг марказий категорияси сифатида. Гўзалликнинг идрок этилиши, табиатда намоён бўлиши, санъатда акс этиши ҳамда унинг жамият ривожига таъсири ҳақида билдирилган фикрлар, илгари сурилган ғоялар, яратилган таълимотлар ўзининг салмоғи билан аҳамиятлидир. Инсон ва унинг руҳий–жисмоний, ахлоқий–эстетик фаолияти, табиат ва ундаги ҳодисалар, жамият ва унда рўй бераётган ижтимоий–маънавий, сиёсий–иқтисодий жараёнлар гўзалликка ёндошувнинг тарихан таркиб топган асосий обьектларидир. Шунинг учун ҳам одатда, гўзаллик икки омил асосида юзага келади. Булар: инсон тафаккури ва меҳнатининг маҳсули натижасида яратиладиган гўзаллик; инсон тафаккуридан ташқарида, инсонга боғлиқ бўлмаган холда юзага келадиган гўзаллик. Биринчисида *ақл, руҳ* ва *хиссиёт* устувор бўлса, иккинчисида *макон* ва *замон* салмоқли ўринни эгаллайди. ***Гўзаллик – ижтимоий-маънавий ҳодиса бўлиб, у воқеликдаги фавқулодда аҳамият касб этувчи ҳамда нарса ва ҳодисаларнинг шаклан ва мазмунан уйғунлиги асосида намоён бўлувчи, инсонда ёқимли туйғу, завқ ва кучли ҳайратни ҳосил қиладиган қадриятдир.***

Гўзалликнинг намоён бўлиши, шаклланиши ва хис этилишида муайян ***унсурлар*** мезоний вазифасини ўтайди. Булар - меъёр, мақсадга мувофиқлик, тартиблилик, уйғунлик, ҳамоханглик, мослик, яхлитлик, бирлик, мутаносиблик, тенглик ва ҳоказо. Мазкур тушунчалар нарса–ҳодисаларда бевосита ёки билвосита иштирок этиб, ундаги гўзалликни намоён эттиради.

Гўзаллик сифатлари туғёнийлик, мафтункорлик, фойдалилик, мўъжизавийлик сингари тушунчалар орқали изоҳланади. ***Гўзалликнинг хусусиятлари*** эса қулайлик, манфаатдорлик, ёқимлилик, чиройлилик тушунчалари билан белгиланади. Унсурлар, сифатлар ва хусусиятлар уйғун бўлган нарса–ҳодисаларгина чинакам гўзалликни акс эттириши мумкин. Зеро, чиройли нарсанинг сифати бизнинг манфаатимиз учун ҳамоханг бўлмаса ёки бизнинг мақсадларимизга мос келмаса у ҳар қанча мафтункор бўлмасин гўзаллик сифатида бахоланмайди.

Шу ўринда гўзаллик тушунчаси «чиройли», «кўркам», «нафис», «жозибадор», «мафтункор», «латофатли» каби тушунчаларга нисбатан кенгқамровли ва устувор эканлигини

алоҳида таъкидлаш жоиз. Айниқса, гўзаллик билан кундалик турмушимизда тез–тез тилга олинадиган «чиройлилик» тушунчаси орасида муайян тафовутлар мавжуд. *Чиройлилик* – нарсаларнинг ташқи кўринишини, ҳолатини, бажарилган иш ёки қилинган ҳаракатдаги ўзаро ҳамоҳангликни ифодаловчи тушунча.

*Инсон гўзаллиги***.** Инсондаги гўзаллик аксарият холларда унинг хулқи, одоби, ахлоқи ва фазилатлари билан белгилаб келинади. Аввал ҳам бугун ҳам инсон борлиқ – жамият – техника ўртасидаги муносабат масаласи кўплаб илмий соҳаларнинг тадқиқот объекти бўлиб келмоқда. Нафосат фалсафаси инсон гўзаллигининг моҳиятига доир муаммоларни тадқиқ этишни ўзининг муҳим вазифаси қилиб белгилайди. Эстетик тафаккур тарихида инсон гўзаллиги жисм (тана) ва руҳият масалалари билан изоҳланган. Бу борадаги фикр–мулоҳазаларнинг асосида инсоннинг ташқи кўриниши ҳамда ахлоқий фазилатларига бўлган муносабат масаласи ётади.

Бир сўз билан айтганда, *гўзаллик* – маънавий ва моддий хусусиятга эга бўлган, ижтимоий ҳаётда фавқулодда аҳамият касб этувчи ҳамда нарса–ҳодисаларнинг уйғунлиги, ҳамоҳанглиги, мутаносиблиги, мақсадга мувофиқлигига асосланган қадриятдир.

Гўзалликнинг зидди хунукликдир. *Хунуклик* – нуқсонли, чекланган, ёмон, бузуқ, ярамас, ғайриинсоний ҳодисалар ва муносабатларни ифодалаш ва салбий баҳолашнинг эстетик категориясидир.

Улуғворлик – ***инсоннинг нарса ҳодисларга эстетик ва ахлоқий мезонлар билан ёндашиши ва улардан юксак ҳайратланиш туйғусини ҳосил қилувчи эстетик ҳиссиёт мажмуидир. Улуғворликнинг кўлами гўзаллик кўлами каби чексиздир. Улуғворлик ўзида ҳажм, миқдор, кўлам ва буюкликни мужассам этади.***

Табиатдаги улуғворлик чексиз осмон, пурвиқор тоғлар, юксак чўққилар, мовий денгизлар, минг йиллик чинорлар, шунингдек, вулқон ва чақмоқ сингари табиат ҳодисаларида намоён бўлади. Улар узоқдан кишиларда ҳеч қандай ҳаяжонли таассурот қолдирмайди. Бироқ, уларга яқинлашганимиз сари руҳиятимизни ҳаяжон, жўшқинлик эгаллай бошлайди, уларни бутунлигича кўз билан қамраб ололмаслик даражсига етганда эса бу ҳаяжон янада ортади. Табиатдаги улуғворлик математик ва динамик хусусиятга эга. Математик хусусиятида хажм, динамик хусусиятида куч устувор аҳамиятга касб этади. Бироқ, иккала хусусият ҳам инсонда кучли ҳайрат ва ҳайратланиш туйғуларини пайдо қилади. Тоғлар инсонни юксак фикрлашга, буюк ғояларга ундайди: Эверестга Ўзбекистон байроғини тикиб қайтишган алпинистларимизнинг таассуротлари ниҳоятда ҳаяжонлидир.

Жамиятдаги улуғворлик умуминсоний қадриятлар, қаҳрамонлик, жасорат, халқпарварлик, бунёдкорлик тушунчалари билан уйғунлашади. Давлатда барқарорлик, жамиятда адолат устуворлиги, шахснинг эркин ва ҳурфикрлилик асосида фаолият олиб бориши ижтимоий тизимнинг улуғворлигини акс эттиради.

Санъатдаги улуғворлик ўзининг ҳар томонлама ижодий ифодасини топади; санъатнинг барча турлари учун улуғворлик асосий мезон бўлиб ҳизмат қилади. Бадиий адабиёт ва ифодали санъат турлари улуғворликни тасвирлашда хилма–хил воситалардан фойдаланиб ҳамда улуғворлик мавзусини бадиий ўзлаштириб, қаҳрамонлик эпосларини, лиро–эпик достонларни, қаҳрамонлик фожиаларини, мардонавор мусиқа асарларини (симфония, оратория)ни вужудга келтирди. Санъатдаги улуғворлик театр, кино, бадиий адабиёт фожиавийлик билан ёнма–ён туради: эстетиканинг бу икки мезоний тушунчаси ўртасида ўзига хос диалектик алоқадорлик мавжуд бўлиб, улар миллийлик ва умуминсонийлик хусусиятларига кўра фарқланадилар.

Меъморчиликдаги улуғворлик юксак аҳамият касб этади: Самарқанддаги Регистон майдони, Гўри Амир мақбараси, Имом Бухорий мажмуи, Бухородаги Миноpаи Калон, Хивадаги Калта Минор, Шаҳрисабздаги Бибихоним, Оқсарой, Тошкентдаги Европа ва Осиё меъморчилигининг янги анъаларини уйғунлаштирган Миллий Банк биноси, Олий Мажлис биноси, Темурийлар тарихи Давлат музейи, Мисрдаги эҳромлар, юнонларнинг Парфенони, римликларнинг Колизейи, ўрта аср готик бош черковлари шулар жумласидандир.

Улуғворликнинг зидди тубанликдир. *Тубанлик (пасткашлик, разиллик)* – жамият нуқтаи назаридан фавқулодда салбий аҳамият касб этадиган, инсон қалбида жирканч, нафратланиш туйғуларини уйғотадиган эстетик қийматдир. Шу боис, тубанлик-фавқулодда бузуқ, хавфли, номуносиб ҳатти-ҳаракатлап ва муносабатларни аниқлаш ва салбий баҳолаш учун хизмат қиладиган эстетик тушунчадир.

Трагиклик (фожиавийлик) – ***илғор, прогрессив ижтимоий кучларнинг реакцион, консерватив кучларга қарши аёвсиз, тарихан зарурий кураши натижасида вужудга келадиган ўлим, ҳалокатга олиб келадиган воқеа-ҳодисаларни ифдаловчи эстетика тушунчаси.***

Комиклик (кулгилилик) – ***эскириб, умрини ўтаб бўлган қолоқ, номуносиб ижтимоий ҳодисалар, ҳатти-ҳаракатлар ва муносабатларни ифодаловчи эстетика тушунчаси.***

Қаҳрамонлик – ***буюк ва ажралиб турувчи мардлик, матонат, довюраклик, фидокорлик каби ҳатти-ҳаракатларни ва муносабатларни ифодаловчи эстетик категория.***

3-савол баёни: Воқеликнинг санъатда акс эттирилиши ва санъат ривожланишининг умумий қонуниятларини ўрганиш ҳам эстетика предметидир. ***Санъат – бу эстетик фаолиятнинг ўзига хос тури, воқеликнинг бадиий образлар воситасида акс эттирилишидир.*** У кишини яшашга ўргатади, гўзалликка даъват этади, маънавий юксалтиради. Шу боис,"санъатсиз яшаш вахшийликдир" деб бежизга айтилмаган. **Бадиийлик –** эстетик ҳодисаларнинг санъатда акс этишини ифодаловчи эстетик категория. Бу тушунча, кенг маънода, санъатнинг воқеликни бадиий образлар воситасида акс эттиришини англатади. Бадиийликсиз образлилик, образли акс эттиришсиз бадиийлик мавжуд бўла олмайди. Тор маънода, санъат асарининг бадиий савиясини ифодалайди. ***Санъатниг асосий хусусиятларини қуйидаги икки жиҳатига кўра таснифлаш мумкин:***

1. Санъатнинг ички эстетик жиҳатларига хос хусусиятлари:

- *Мажозийлиги* – нарса-ҳодисалар ёки сўз-иборалар кўчма маъноларда, кўп маъноли тарзда вўлланилиши. Мажозийлик, кенг маънода, бадиий қиёфа яратиш, умумлаштириш, рамзийлик. Ўхшатиш, сифатлаш, жонлантириш, истиора, киноя сингари бадиий восита ва усулларни ўз ичига олади.

- *Демократиклиги* – Санъатнинг бу хусусияти эркинлик билан боғлиқ. Ижодкор фикр эркинлиги, сўз эркинлиги, ғоя эркинлиги, мавзу эркинлиги, услуб эркинлиги, ранг эркинлиги ва бошқа ижодий эркинликлар тизимига эга бўлсагина унинг асари санъат намунаси бўла олади. Фақат ижод эмас, бадиий асарни эстетик идрок этиш ҳам эркин бўлиши зарур.

2. Санъатнинг ташқи, яъни бошқа маънавий ҳодисалар ўртасидаги мавқеига хос хусусиятлари:

- *Ижтимоийлиги* – ҳар бир санъат асари ижтимоий ҳаётнинг долзарб муаммоларини, етакчи ғояларини, муайян мафкурани кўтариб чиқмаслиги мумкин эмас. Асар марказидаги бадиий қиёфа – асар қаҳрамони ижтимоийликсиз мавжуд бўла олмайди. Бу замонавийлик, мафкуравийлик, ҳозиржавоблик, долзарблик каби сифатлап билан боғлиқ.

- *Индивидуалаштириш хусусияти* – воқеликдаги макон ва замон учун умумий бўлган фазилатлар ёки иллатларни, гўзаллик ёки хунукликни, улуғворлик ёки тубанликни ва бошқа жиҳатларни муайян бир бадиий қиёфада, тасвирда, ифодада умумлаштириб гавдалантиради. Масалан, "Ўтган кунлар" романидаги Ўзбек ойим қиёфаси, қиз мажлис тасвири умумийликнинг индивидуалаштирилган, такрорланмас ифодаси.

- *Тарихийлик хусусияти* – ҳар бир санъат асари вақт нуқтаи назаридан замонавий ёки тарихийлигидан қатъий назар, у – тарих, бадиийлаштирилган тарихдир.

- *Миллийлик ва умуминсонийликнинг бирлиги хусусияти.*

Санъатнинг ривожланишига хос асосий тамойилларга қуйидагилар киради:

- Санъатнинг янгилик (оригиналлик) ёхуд ижодийлик тамойили;

- Ҳаққонийлик тамойили;

- Халқчиллик тамойили кабилар.

Санъатнинг жамиятдаги роли унинг асосий вазифаларида (функцияларида) намоён бўлади:

- Инсонийлаштириш;

- Фориғлантириш;

- Маънавий-эвристик;

- Ижтимоий алоқачилик (коммуникатив);

- Ҳузурбахшлик;

- Тарбиявийлик.

Санъатни эстетик идрок этиш санъат турларини таснифлашни ҳам тақозо этади. ***Санъат хил, тур ва жанрларга бўлиниб эстетик тадқиқ этилади.***

1. Санъат хиллари анъанавий тарзда учга бўлинади: ***эпос, лирика ва драма.*** Санъат ўзига хос яхлитликка эга, чунки унинг бу уч хилини қатъий чегаралаб ташлаш, ажратиш мумкин эмас. Улар муайян яхлитликнинг уч қисми сифатида ҳаракат қилади, бир-бири билан диалектик алоқада намоён бўлади. Эпосда лирика ва драма унсурлари, лирикада эпик ва драматик ҳолатларни, драмада лирикани кўп учратамиз.

2. Санъатнинг мавжудлик шартидан, яъни намоён бўлиш ҳолатидан келиб чиқиб, унинг ***маконий санъатлар*** (меъморчилик, ҳайкалтарошлик ва ҳ.), ***замоний санъатлар*** (бадиий адабиёт, мусиқа ва ҳ.), ***маконий-замоний санъатлар*** (театр, цирк, кино ва ҳ.) турларини таснифлаш мумкин.

3. Санъат тарихий ҳодиса экан, тарихийлик тамойили асосида санъат турларини қуйидаги уч туркумга бўлиб ўрганиш мумкин: ***архаик, анъанавий ва замонавий*** санъат турлари фарқланади.

Санъат турларининг ўзи ҳам муайян қисмларга бўлинади ва улар ***жанр*** деб аталади. Масалан, бадиий адабиёт жанрлари – шеър, қисса, достон, ҳикоя, роман кабилар.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Эстетика фанининг объекти, предмети, мақсади ва вазифаларини тушунтиринг.
2. Эстетика категорияларининг таснифини изохлаб беринг?
3. Нима учун гўзаллик эстетиканинг асосий мезоний тушунчаси ҳисобланади?
4. Табиат эстетикаси деганда нимани тушунасиз?
5. Экологик эстетиканинг замонавий муаммоларига нималар киради?
6. Техноген цивилизация тушунчасини қандай изоҳлайсиз?
7. Техноген цивилизациянинг ишлаб чиқариш эстетикаси ва фан тараққиётига таъсири қандай?
8. Техника эстетикаси деганда нимани тушунасиз?
9. Дизайн нима ва унинг эстетик хусусиятлари қандай?
10. Спорт эстетикаси ҳақидаги фикрларингиз қандай?
11. Санъат нима ва унинг ўзига хос хусусиятлари қандай?
12. Санъат турларини таснифлаб беринг.
13. Бадиий асарни эстетик идрок этишни қандай тушунасиз?

13 – Мавзу: Глобаллашув ва барқарор тараққиёт фалсафаси.

Маъруза режаси:

1. Глобаллашув, глобалистика ва барқарор тараққиёт тушунчаларининг моҳияти. Барқарор тараққиётни таъминлашда глобаллашувнинг ижобий ва салбий йўналишлари.
2. Глобал муаммолар XX аср маҳсули сифатида. Ҳозирги замоннинг глобал муаммолари таснифи, уларни ҳал қилиш йўллари.
3. Глобал муаммоларни ҳал қилишда халқаро кучларни бирлаштиришнинг аҳамияти.

Мавзуга оид таянч тушунча ва атамалар:

Глобаллашув, глобалистика, барқарор тараққиёт, глобал муаммолар, умумбашарий, минтақавий ва маҳаллий муаммолар, энергетика масалалари, озиқ-овқат муаммоси, экология; экологик таназзул; экосистема; демографик муаммо, демографик сиёсат,глобал жиноятчилик, пандемия, таълим-тарбия мукаммоси, таълим модели, ижтимоий башорат, прогнозлаштириш, кундалик башорат, интуитив башорат, илмий башорат, экстраполяция, тарихий аналогия, моделлаштириш, экспертиза усулида баҳолаш, келажакни прогнозлаштириш, норматив прогноз, аналитик прогноз, прогноз огоҳлантириш, футурология.

1-савол баёни: 2021 йил 19-январда Президент Шавкат Мирзиёев “Жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир” мавзусида маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш ва бу соҳада давлат ҳамда жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича видеоселектр йиғилиши ўтказган эди. Муҳтарам Президентимизнинг видеоселектрдаги маърузасидаги қўйидаги фикрларга эътиборларингизни қаратишни лозим топдим: “...бугун дунёда кескин кураш ва рақобат ҳукм сурмоқда, манфаатлар тўқнашуви кучаймоқда. **Глобаллашув жараёнлари инсоният учун беқиёс янги имкониятлар билан бирга кутилмаган муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда**. Миллий ўзлик ва маънавий қадриятларга қарши таҳдид ва хатарлар тобора ортмоқда. Фақат ўзини ўйлаш, меҳнатга, оилага енгил қараш, истеъмолчилик кайфияти турли йўллар билан одамлар, айниқса, ёшлар онгига устамонлик билан сингдириляпти”; “...Терроризм, экстремизм, трансмиллий ва кибер-жиноятчилик, одам савдоси, наркотрафик каби таҳдидлар хавфи ошиб бормоқда. Баъзи ҳудудларда атайин **беқарорлик юзага келтирилиб**, норозилик кайфияти авж олдирилмоқда”.

“Глобаллашув” (лот. globus – шар, Ер сайёраси) – XX асрнинг иккинчи ярми - XXI аср бошида жаҳон тараққиётида шаклланган янги умумсайёравий ҳодиса бўлиб, ҳозирги даврдаги халқаро тартиботлар, давлатлар ва кишилар ўртасида ўзаро алоқаларнинг кенгайиши ва мураккаблашиши, дунё миқёсида ахборот макони, капитал, товар ҳамда ишчи кучи бозоридаги интеграциялашув, атроф муҳитга техноген таъсирнинг кучайиши, оммавий маданият намуналарининг кенг тарқалиши, ахборот-мафкуравий ва диний-экстремистик хуружлар хавфининг ортиб боришини ифода этувчи тушунчадир.

“Глобаллашув” атамаси дастлаб америкалик олим Т. Левиттнинг 1983 йили “Гарвард бизнес ревью” журналида чоп этилган мақоласида тилга олинган эди (у йирик трансмиллий корпорациялар ишлаб чиқарадиган турли-туман маҳсулот бозорларининг бирлашув жараёнини глобаллашув, деб атаган). 1985 йилда эса таниқли америкалик олим Р.Робертсон “Globalization” иборасини илмий муомалага киритиб, бу тушунчани “одамлар онгида сайёрамизнинг торайиши ҳамда дунёнинг яхлит тарзда англаниши”ни акс эттириб, “дунёнинг бирлашуви ва кишилар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг кучайишини” ифода этадиган жараён сифатида талқин этади.

Яқинда Фалсафа фани бўйича чоп этилган дарсликда, (муаллифлари Ж.Яхшиликов ва Н.Муҳаммадиевлар) глобаллашув терминига қўйидагича таъриф беради. “***Глобаллашув фалсафий маънода – бу жаҳондаги мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маданий соҳада ўзаро яқинлашуви, янгича сифатий бирлашуви натижасида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларнинг тез суръатлар билан бир мамлакат доирасидан чиқиб, умумпланетар миқёсга эга бўлишидир”.***

Глобаллашув *жамият ҳаётининг турли жабҳаларида бутун Ер сайёраси учун ягона бўлган тузилмалар, алоқалар ва муносабатларнинг шаклланиши, универсаллашув жараёнидир. Шунингдек глобаллашув глобал маконнинг туташлиги, ягона жаҳон хўжалиги, умумий экологик ўзаро алоқадорлик, глобал коммуникациялар ва шу кабилар билан тавсифланади.*

Жаҳон ривожланишининг энг янги тенденцияларини англаб етиш борасидаги кўп сонли саъй-ҳаракатлар глобаллашув жараёнларининг моҳияти, тенденциялари ва сабабларини, улар таъсирида юзага келаётган глобал муаммоларни аниқлаш ва бу жараёнларнинг оқибатларини англаб етишга қаратилган фанлараро илмий тадқиқотлар соҳаси – **глобалистика** пайдо бўлишига олиб келди. Кенгроқ маънода «глобалистика» атамаси глобаллашувнинг турли жиҳатлари ва глобал муаммоларга оид илмий, фалсафий, маданий ва амалий тадқиқотларни, жумладан уларнинг олинган натижаларини, шунингдек уларни айрим давлатлар даражасида ҳам, халқаро миқёсда ҳам иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий жабҳаларда амалга жорий этиш борасидаги амалий фаолиятни ифодалаш учун қўлланилади. ***Глобалистика- глобаллашув жараёнларининг моҳиятини, тенденциялари ва сабабларини, бошқа глобал жараёнлар ва муаммоларни очиб беради, бу жараёнларнинг инсон ва биосфера учун ижобий ва салбий оқибатларини бартараф этиш йўлларини излайди.***

Глобалистика мустақил илмий йўналиш ва ижтимоий амалиёт жабҳаси сифатида 1960-йилларнинг охирларидан эътиборан шакллана бошлади, лекин унинг пайдо бўлиши учун объектив асослар анча олдин юзага келган эди.

Глобал жараёнларнинг шаклланиш тарихи. Ҳозирги глобаллашув жараёнларининг илк нишоналарига XV аср охирларидан бошлаб дуч келиш мумкин, XIX аср бошига келиб эса у амалда реал шакл-шамойил касб этди. Бу пировардида ягона географик, маълум даражада иқтисодий ва сиёсий жаҳон майдони шаклланишига олиб келган Буюк географик кашфиётлар юз берган давр эди.

Шундай қилиб, XV-XVI асрларда юз берган Буюк географик кашфиётлар жаҳон тарихининг ривожланиш жараёнида туб бурилиш ясади ва «Европа сиёсати кескин, мисли кўрилмаган даражада кенгайишига олиб келди. Дунё чегаралари муайян даражада кенгайди. Эндиликда Европа мамлакатлари ўртасидаги турли зиддиятларга мустамлакалар учун курашда рақобат ҳам қўшилди»*(Харенберг Б. Хроника человечества.- М.:Слово,2000, 387 стр.)*. Шу тариқа янги халқаро иқтисодий ва сиёсий муносабатларга, турли маданиятларнинг ўзаро таъсирига ва Ғарбий Европа денгиз давлатларининг ўзлари кашф этган ер куррасининг турли ҳудудларидаги экспансиясига асос солинди.

Фундаментал глобаллашув. Глобаллашувнинг навбатдаги босқичи дунё миқёсидаги алоқалар, тузилмалар ва муносабатлар юзага келиши билан боғлиқ. Мазкур жараёнлар натижасида дунё ўзининг деярли барча жиҳатларида яхлит бир бутун организм сифатида узил-кесил шаклланди. Фундаментал деб номланувчи бундай глобаллашувнинг илк аломатлари XIX асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлди, XX аср ўрталарига келиб эса у тўла даражада борлиққа айланди.

Серқирра глобаллашув. 1970-йиллардан глобаллашув ўз ривожланишининг янги босқичига кўтарилди ва серқирра тус олди. Дунё миқёсидаги таҳдидлар ва глобаллашув жараёнларини аҳолининг кенг қатламлари англаб етиши, шунингдек жаҳон ҳамжамияти ва унга мос келувчи қадриятларга муносабат, маданият, турмуш тарзининг шаклланиши мазкур босқичга хос хусусият ҳисобланади. Айни шу даврда ахборот-технология инқилобининг ривожланиши жадаллашди, миф, дин, фалсафа, фан, экология билан бир қаторда глобал онг ижтимоий онгнинг яна бир шакли сифатида пайдо бўлди.

Серқирра глобаллашув жаҳон бозорини сезиларли даражада ўзгартирди, жаҳон хўжалиги ўзига хос хусусиятларини намоён этиб, миллий хўжаликлардан кучлироқ ва муҳимроқ тус олишига имконият яратди. Қуйидагилар унинг муҳим хусусиятлари ҳисобланади:

а) «резонанс эффекти»нинг пайдо бўлиши. Бунда иқтисодий юксалишлар ёки тангликлар бир мамлакатдан у билан узвий боғлиқ бўлган бошқа мамлакатлар ва минтақаларга ўтади;

б) турли товарлар ва хизматлар жаҳон бозорларининг яратилиши;

в) кўрсатилган товарлар ва хизматларга жаҳон нархларининг шаклланиши, улар мазкур товарлар ва хизматлар миллий ишлаб чиқарувчиларининг сиёсатини кўп жиҳатдан белгилаши.

г) Иқтисодиётнинг интернационаллашуви ва пул ролининг унификациялашуви билан бир қаторда оммавий жамият ва унга мос келувчи оммавий маданиятнинг шаклланиши серқирра глобаллашувнинг ўзига хос хусусиятига ва муайян даражада унинг қонуний маҳсулига айланди.

Жаҳон ҳамжамияти янги минг йиллик чегарасидан ўтиб, ўз тарихий ривожланишининг бутунлай янги босқичига қадам қўйди. Бу босқич жаҳон ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий алоқаларининг тарқоқлиги ва парокандалигидан уларнинг бирлиги, яхлитлиги, ягоналиги ва глобаллигига ўтиш билан тавсифланади.

Глобаллашув жараёнининг ижобий томонлари қуйидагича:

- глобаллашув натижасида халқаро меҳнат тақсимоти ва ихтисослашув чуқурлашиб боради. Маълум бир давлат маълум бир соҳага ихтисослашиб боради. Бунда маблағ ва ресурслар самарали сарфланади;

- глобаллашув жараёнининг асосий устунликларидан бири, харажатларнинг қисқариши, нархларнинг пасайиши ва барқарор иқтисодий ўсишга олиб келувчи ишлаб чиқариш миқёсидаги тежам ҳисобланади;

-глобаллашувнинг ижобий жиҳатларидан яна бири эркин савдодан келадиган ютуқ барча мамлакатларни қаноатлантиради;

-глобаллашувда рақобатнинг кучайиши янги технологиялар яратилиши ва мамлакатлар ўртасида кенг тарқалишини таъминлайди. Ушбу шароитда хорижий тўғри инвестициялар суръатининг ошиши жаҳон савдосининг ўсишига олиб келади. Глобаллашувнинг яна бир афзаллиги хорижий давлатларнинг илғор илмий-техникавий, технологик ва малакали даражадаги қисқа муддатда ва нисбатан кам харажат талаб қиладиган янгиликларни амалиётга татбиқ этиш натижасида иқтисодий қулайликка эришишидир;

- глобаллашув жараёнида халқаро рақобат кучайиб, миллий бозордаги ички рақобатчиларга ташқи бозордаги кучли рақиблар ҳам қўшилади. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашув жараёнида энг аввало истеъмолчиларга қулай, бунда рақобат уларга нархларни пасайтириш ва танлаш имкониятини беради;

- глобаллашув илғор технологияларнинг тарқалиши ва глобал миқёсдаги ишлаб чиқаришнинг рационаллашуви натижасида меҳнат унумдорлиги ошишига олиб келиши, шунингдек жаҳон миқёсидаги инновацияларни амалиётга узлуксиз татбиқ этиши мумкин;

- глобаллашув давлатларга молиявий ресурсларнинг асосий қисми айланишини таъминлашга кенг имконият беради;

- глобаллашув жаҳон ҳамжамияти бирлашишининг турли соҳалардаги ҳаракатларни фаоллаштиришни талаб қилувчи инсоният учун умумий бўлган муаммолар, энг аввало экологик муаммоларни ҳал қилиш учун жиддий асос яратади. Умуман олганда, кўпчилик мутахассислар, глобаллашувнинг натижаси жаҳондаги мамлакатларда фаровонлик ошишига олиб келади, деб умид қиладилар.

Глобаллашув жараёнининг салбий томонлари қуйидагича: Глобаллашув шароитида марказлаштирувчи кучларнинг марказлашиши билан боғлиқ бўлган бузғунчилик таъсири юзага чиқиши мумкинки, бу мамлакат ичидаги анъанавий алоқаларнинг узилиши, ижтимоий муаммоларнинг кучайиши, мазкур жамият учун бегона бўлган салбий оқибатлар туфайли барча мамлакатларда юзага келадиган муамолар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- глобаллашувдан келадиган афзалликларнинг миллий иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари ўртасида бир хил тақсимланмаслиги;

- миллий иқтисодиётда саноатлашишнинг секинлашуви;

- айрим мамлакатларда иқтисодиётни назорат қилишни мустақил ҳукумат қўлидан бошқаларга, масалан кучлироқ давлатлар, транс миллий компаниялар ёки халқаро ташкилотлар қўлига ўтиш эҳтимоли;

- молиявий соҳанинг барқарорлашуви эҳтимоли, миллий иқтисодиётларнинг жаҳон миқёсида ўзаро боғлиқлиги натижасида ҳудудий ёки глобал нобарқарорлик эҳтимоли бир мамлакатдаги иқтисодий тебранишлар ва инқирозлар ҳудудий ҳамда глобал оқибатларга олиб келиши мумкин. Глобаллашувнинг салбий оқибатлари иқтисодиёти паст ривожланган мамлакатларга кўпроқ таъсир қилиши мумкин. Бу мамлакатларнинг кўпчилиги байналминаллашув жараёнида хомашё ва меҳнат сиғими маҳсулотлар (уларнинг баъзилари замонавий мураккаб техника учун эҳтиёт қисм ва бутловчи бўғинлар) етказиб берувчи сифатида иштирок этган ҳолда илғор мамлакатларга ҳар томонлама боғланиб қолади ва уларга нисбатан кам фойда кўради ҳамда бу фойда жаҳон бозорлари конъюнктурасига боғлиқ ҳолда барқарор бўлмайди. Глобаллашув бу мамлакатларнинг юқорида қайд этилган муаммоларидан ташқари қуйидаги муаммоларни ҳам келтириб чиқаради:

- ривожланган мамлакатлардан технология соҳасида орқада қолишнинг янада чуқурлашиши;

- аҳоли асосий қисмининг камбағаллашуви, аҳоли ўртасида турли касалликларнинг тарқалиши;

- ижтимоий-иқтисодий табақалашувнинг ўсиши;

- кам ривожланган мамлакатлар жаҳон хўжалиги барқарорлигига боғлиқлигининг янада кучайиши;

- миллийликка йўналтирилган иқтисодий сиёсатни амалга оширишда транс миллий компаниялар томонидан давлатнинг имкониятларини "чеклаб" қўйилиши

- ташқи қарз, энг аввало халқаро молия ташкилотлари олдидаги қарзнинг ортиши, бу эса истиқболдаги тараққиётга тўсқинлик қилади.

Юкорида қайд этиб ўтганимиздек, глобаллашув жараёнида иштирок этишдан саноати ривожланган мамлакатлар кўпроқ фойда олади. Зеро улар ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва барча диққат-эътиборни кўп даромадли бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлади. Айни пайтда саноати ривожланган мамлакатларда ҳам глобаллашув жараёнлари салбий таъсир этиши мумкин: ишсизлик, молия бозорларида беқарорлик кучаяди ва ҳоказолар.

Хулоса ва таклифлар. Глобаллашувнинг асосий муаммоларидан бири жаҳон миқёсида миллий иқтисодиётларнинг ўзаро боғлиқлиги туфайли глобал беқарорликнинг мумкинлиги ҳисобланади. Натижада маълум бир мамлакатда рўй берган иқтисодий ўзгаришлар ёки инқирозлар бутун минтақа ёки жаҳон миқёсида таъсирини ўтказиши мумкин. Бу ҳолат фақат назарий эмас, ҳаётий муаммодир. Буни 1997 йил ёзида Таиландда бошланиб, Жанубий-Шарқий Осиёга тарқалган ва ҳатто Жанубий Кореяга ҳам таъсирини ўтказган Осиё молиявий инқирози, 2008 йилда Америка Қўшма Штатларида ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланган жаҳон молиявий инқирози, ҳам тасдиқлайди. Бугунги кунда жаҳондаги мамлакатлар бўйлаб коронавирус пандемиясининг пайдо бўлиши, унинг таъсири, ижтимоий-иқтисодий оқибатлари тўхтовсиз тарзда кенг муҳокамага сабаб бўлмоқда. Пандемиянинг таъсири натижасида жаҳон иқтисодиётининг барча реал тармоқларида саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо, қурилиш, транспорт, туризм ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳаларида сезиларли даражада пасайиш ва ишсизлик кузатилмоқда. Халқаро экспертларнинг фикрича, пандемиянинг таъсири натижасида 2020 йилда жаҳон савдо айланмаси 30 фоизга камаяди, жаҳон иқтисодиётининг ўсиши 2,3 фоизга пасайиши башорат қилинмоқда. Глобаллашувнинг салбий жиҳатларини кўпинча келишмовчиликлар билан боғлашади. Бу келишмовчиликларни сиёсий характердаги келишувлар ёки янги ҳалқаро ташкилотлар тузиш асосида глобал ҳамкорликни ривожлантириш йўли билан ҳал қилиш мумкин. **Глобаллашув мамлакатларга нима беради - хавф-хатарми ёки янги имкониятлар?** Бу саволга амалда ягона жавоб қайтариш мумкин эмас. Чунки салбий ва ижобий оқибатлар нисбати доимий равишда ўзгариб туради. Албатта, жараён бошланиб кетган ҳоҳлаймизми, ҳоҳламаймизми уни тўхтатишнинг иложи йўқ. Жаҳонда ҳеч қайси давлат алоҳида, яккаланган ҳолда ривожланмайди. Мамлакатлар глобаллашув жараёнларига тўғри ёндашиб, янги шароитларга мослашишлари ва жаҳон иқтисодиётининг интеграциялашуви яратаётган имкониятлардан унумли фойдаланишлари лозим. Умуман олганда хулоса қилиб, шуни айтишимиз мумкинки, глобаллашув жараёни турли соҳа вакиллари ва жамият аъзолари олдида баҳс ва мунозараларга сабаб бўлмоқда ҳамда келажакда глобаллашувнинг ижобий ва салбий томонлари тўғрисида кўпгина фикрлар билдирилади.

XXI аср чегарасида юзага келган вазиятдан чиқиш йўлларини излаб топиш учун замонавий муаммоларни ҳал қилиш ва келгусида уларнинг олдини олишга йўналтирилган барқарор тараққиёт концепцияси ишлаб чиқилди. **"Барқарор тараққиёт**" атамаси инглиз тилидан (**Sustainable Development**) келиб чиққан бўлиб, уни турғун, қўллаб-қувватланаётган, авайланаётган, давомли, узлуксиз ривожланиш деб таржима қилиш мумкин. Адабиётда ушбу тушунчанинг юздан ортиқ ифодаларини учратиш мумкин. Унинг кўп ишлатиладиган ифодаси

1987 йилда эълон қилинган “Бизнинг умумий келажагимиз” мавзусидаги маърузада келтирилган. Унга кўра, ***“Барқарор тараққиёт” деганда — ҳозирги авлод ҳаётий эҳтиёжларини келгуси авлодлар эҳтиёжларини қондиришга зарар етказмасдан амалга ошириладиган ривожланиш тушунилади***. Агар инсониятнинг барча тарихий тамаддуни давомида бутун табиат ва унинг ресурслари чексиз ва битмас туганмасдек кўринган бўлса, саноат тараққиёти даври, яъни охирги икки аср бундай тасаввурнинг бутунлай хато эканлигини исботлаб бергани тобора аниқ равшан бўлиб бормоқда. Шундай қилиб, барқарор тараққиёт ғояси, ўз моҳиятига кўра, мана шундай — ҳам ҳозирги, ҳам келажак авлодга юқори ҳаёт тарзини таъминлаш, уларнинг яшаш муҳитини ҳимоя қилиш ва яхшилашни кўзда тутувчи иқтисодий тараққиёт билан ўзаро тил топишга қилинган ҳаракат ҳисобланади. Яъни бу шундай уйғунликдаги ривожланиш бўлиши лозимки, унда табиий бойликлар, инвестициялар, технологиялар баркамоллиги ва ижтимоий тузилманинг ўзгариши ҳам бугунги, ҳам эртанги кун эҳтиёжлари билан мос тушиши талаб этилади.

2-савол баёни: ***Глобал муаммоларнинг моҳияти***. Одамзод насли XX асрнинг иккинчи ярмида глобаллашув натижасида шундай муаммолар домига тортилдики, эндиликда уларнинг исканжасидан қутулиб кетиш ёки кетмаслик бугунги куннинг энг долзарб масаласига айланди. Агар XX асрнинг биринчи ярми охирларида инсоният қаршисида асосан битта умумбашарий муаммо — ядро ҳалокатининг олдини олиш кўндаланг бўлиб турган бўлса, энди вазият ўзгарди. Аҳоли табиий ўсишининг юқори даражаси сақланиб қолиши, фан-техника ютуқларидан тор манфаатлар йўлида фойдаланишга ружу қилиниши ва бир қатор минтақаларда мураккаб экологик вазиятнинг вужудга келиши масалани чигаллаштириб юборди.

Борлиқ, онг, ҳаётнинг мазмуни азалий фалсафий муаммоларига ва фалсафада муттасил муҳокама қилинадиган бошқа масалаларга ҳозирги давр шу тариқа илгари ҳеч қачон мавжуд бўлмаган, мутлақо ***янги мавзу – инсониятнинг ягона тақдири ва Ердаги ҳаётни сақлаш*** мавзусини қўшимча қилди.

«Ҳозирги даврнинг глобал муаммолари» тушунчаси 1960-йиллар охири – 1970-йилларнинг бошларида кенг тарқалди ва шундан бери илмий ва сиёсий муомала(лексикон) ҳамда оммавий онгдан мустаҳкам ўрин олди. Этимологик жиҳатдан «глобал» атамаси, «глобаллашув» атамаси каби, ер курраси билан боғлиқ. Айни шу сабабли бутун инсоният манфаатларига дахлдор муаммоларни ҳам, дунёнинг турли нуқталаридаги ҳар бир айрим инсонга тегишли бўлган, яъни умуминсоний хусусият касб этадиган муаммоларни ҳам «глобал» деб номлаш одат тусини олган. Улар жаҳон иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг муҳим объектив омили сифатида айрим мамлакатлар ва минтақаларнинг ривожланишига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Уларни ечиш аксарият давлатлар ва ташкилотларнинг куч-ғайратини халқаро даражада бирлаштиришни назарда тутади. Айни вақтда глобал муаммоларнинг ечилмай қолиши бутун инсоният келажаги учун ҳалокатли оқибатларга олиб келиши мумкин.

Глобал (умумбашарий) муаммолар – бу шундай муаммоларки, улар ўз кўлами, қамрови жиҳатидан хилма-хил ва бутун ер шарига, бутун инсониятнинг манфаатларига даҳл қилади, унинг келажагига хавф солади ҳамда улар бутун халқаро ҳамжамиятнинг иштироки билангина ҳал этилиши мумкин. Глобал муаммолар XX аср маҳсулидир ва уларнинг пайдо бўлиши инсон фаолияти билан боғлиқ. Глобал муаммолар пайдо бўлишининг сабаби инсон фаолияти билан бугунги табиатдаги ва жамиятдаги аҳвол ўртасидаги қарама-қаршиликнинг ўсиб боришидир. Глобал муаммолар у ёки бу даражада ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий нуқтаи-назардан илмий таҳлил этилган. Айни вақтда давримизнинг умумбашарий муаммоларининг фалсафий талқини ҳам илмий адабиётларда ўз ифодасини топмоқда ва бу

“глобал муаммолар фалсафаси” деб номланувчи фалсафий фан тармоғи вужудга келишига олиб келди.

3-савол баёни: Глобал муаммоларни фалсафий таҳлил қилишда даставвал уларнинг моҳияти, келиб чиқиш сабаблари, бартараф этиш йўлларининг умумметодологик жиҳатларини тадқиқ этишга эътибор берилмоқда. Бунинг учун фалсафанинг тарихийлик, мантиқийлик, тизимлилик каби тамойилларига таянилмоқда. Глобал муаммолар инсоният ривожланишининг натижаси ҳисобланса-да, ҳозирги замон шароитида юзага келган ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг ҳам оқибатидир. Глобал муаммоларни келиб чиқиши, чуқурлашиб бориши, кўлами ва ҳал этилишининг мураккаблиги жиҳатларига кўра **уч гуруҳга** ажратиш мумкин:

Биринчиси, жамият ички жараёнлари туғдирган, яъни мавжуд ижтимоий тузумнинг табиати, турли минтақа давлатларининг хилма-хил манфаатлари билан тақозо этилган муаммолар. Буларга:

- уруш ва тинчлик муаммоси;
- ижтимоий-иқтисодий қолоқлик муаммоси, яъни очлик қашшоқлик, саводсизлик, қолоқликни тугатиш учун ривожланган ва ривожланаётган (“учинчи дунё”) мамлакатлар ўртасидаги зиддият ва кескин фарқни бартараф этиш муаммоси;
- этикология муаммоси, яъни инсоният маънавий-ахлоқий софлигини таъминлаш, уни маънавий қашшоқликдан, маънавий таназзулдан асраш муаммоси кабилар киради.

Иккинчи гуруҳи, “инсон-жамият” тизими доирасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган муаммолар. Буларга:

- демографик муаммолар;
- тиббий муаммолар, яъни хавфли касалликларни (эпидемиялар, сил, безгак, СПИД, юрак, руҳий-асаб, рак кабиларни) тугатиш муаммоси;
- халқаро терроризм ва унинг турли кўринишларига қарши кураш муаммоси кабилар киради.

Учинчи гуруҳи, “жамият-табиат” тизими доирасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган муаммолар. Буларга:

- экология муаммоси (икки шаклда – табиий ҳодисалар ва инсон фаолияти туфайли юз берадиган экологик фалокатлар);
- табиий ресурслар, озиқ-овқат ва энергетика муаммолари;
- коинотни ва дунё океанини ўзлаштириш муаммолари кабилар киради.

Глобал муаммолар бир-биридан фарқланса-да, улар моҳияти, келиб чиқиш сабаблари, бартараф этиш йўллари, салбий оқибатлари жиҳатидан узвий алоқадордир. Глобал муаммоларга хос умумийлик, аввало, бутун инсониятнинг ҳаёти шарт-шароитлари, имкониятлари ва истиқболи масалаларидир. Иккинчи томондан, улар у ёки бу даражада ҳозирги даврнинг бош омили – фан-техника инқилоби билан алоқадордир, яъни унинг оқибатидир.

Ўз ҳусусиятларига кўра бутун инсоният ҳаёти ва фаровонлигига таъсир қиладиган ўткир дунё муаммолари глобал муаммоларга киради.

ХХ1 аср бошларида шундан муаммолардан энг муҳимлари қуйидагича:

Маънавий инқироз.

Оммавий касалликларнинг тарқалиши.

Оммавий қирғин қуроллари билан уруш ҳавфи.

Планета табиий ресурсларининг тугаб бориши.

Экологик инқирознинг чуқурлашиши.

Демографик муаммо.

Терроризмнинг ўсиши.

Планетада давлат ва минтақаларининг ижтимоий –иқтисодий жиҳатдан нотекис ривожланиши.

Иқлимнинг глобал ўзгариши.
Ер қобиғи системик фаоллигининг кучайиши.
Энди глобал муаммолардан баъзиларини батафсил қараб чиқамиз, уларни қандай тугатишни тушунишга ҳаракат қиламиз.

- Инсониятнинг маънавий ривожланиши ҳамма вақтда мураккаб ва зиддиятли бўлган. Шундай бўлса ҳам XX асрда – XX1 аср бошида маъанавий маданият, жамиятнинг ахлоқий негизлари шундай синовларга дуч келдики, бундай даврни тарихда топиш қийин. “Маънавий инқироз” тушунчасининг ҳозирги фалсафий ва илмий сўз бойлигига кириши тасодифий эмас.

Ҳозирги маънавий инқироз нималарда намоён бўлади? Шахснинг маънавий негизини қўпоришда ва бузғунчи ижтимоий ҳодисаларнинг ўсишида. Бундан ҳодисалар қаторига бизнинг кўп ҳозирги замондошларимизнинг аҳволий йўналиши ва ҳаёт маъносини йўқотиши, ичкиликбозлик ва нашавандлик, фоҳишабозлик ва жинсий чекинишлар, кўп одамларнинг фақат моддий бойиш ва сезги лаззатланишга интилиши, жиноятчилик ва зўравонликнинг ўсиши, оммавий ҳаяжон ва руҳий касалликлар, ижтимоий худбинлик ва чидамизлик ва бошқалар киради.

Инсоннинг ички дунёси ва унинг маънавий тамойилларига мурожаат қилмасдан, қонуний, политсия, табиий чоралар бу иллатларни тугатишда самарасиздир. Уларни нима мустаҳкамлайди ва ривожлантиради? Инсоният асл маънавий маданияти соҳасига кирувчи – маънавий таълимот, маориф, фалсафа, фан, юқори санъат. Маълумки, маънавий ниқироз муаммоси –бу жамиятнинг маънавий маданияти ва инсон дунёқараши муаммоси. Маънавий инқирозни тугатиш учун, мана шу йўналишларга барча ҳаркатларни йиғиш керак.

Оммавий касалликлар тарқалиши тўғрисида гапирганда, энг аввало кардиологик, онкологик, юқумли ва руҳий касалликлар назарда тутилади. Масалан, Ер юзида ҳар йилги кардиологик ва онкологик касалликлардан ўлганлар миллионлаб ҳисобланади. СПИД касаллиги тез тарқаяпти. Бунинг устига коронавирус пандемияси ҳам қўшилди. Жаҳонда 200 млн.дан ортиқ одам шу касалликка чалинган. Касалликлар сони ўсишининг сабаби жуда кўп – нотўғри турмуш тарзи ва овқатланиш, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, ҳаяжонлар ва кўпчилик одамларнинг ўз ички дунёси устидан назорат қилаолмаслиги, жинсий чекинишлар ва руҳий энергиянинг этишмовчилиги.

Мутахассислар фикрича, оммавий касалликлар муаммоси икки томонлама ечилиши керак.

Биринчидан, соғлом турмуш тарзини оммалаштириш, тўғри овқатланиш, жисмоний ва ақлий фаолликни мослаштириш, профилактика, жисмоний машқлар ва фарҳез овқатланиш ва бошқалар зарур.

Иккинчидан, тиббий терапиянинг янги усулларини, янги дорилар ва оммавий касалликларни даволашнинг янги технологияларини ишлаб чиқиш лозим.

XX асрда инсоният ***оммавий қирғин қуроллар***ни (ядро, химиявий, биологик) ишлаб чиқишни ўрганди. Илмий ақл бу соҳада кўзга кўринарли “ютуқлар”ни қўлга киритди. Ҳарбий химик реактивнинг бир томчиси бутун кўлни заҳарлашга этади. Битта сувости ядро ракета ташувчи бутун бир давлатни харобага айлантириши мумкин. XX1 аср бошларига келиб, НАТО блоки давлатлари, Россия, Хитой, Ҳиндистон ва бошқа давлатлар аслаҳа хонасида минглаб тонна химик ва биологик ҳарбий заҳарловчи модда, минглаб ядро ҳарбий каллакилар сақланиб, Ердаги барча тирик жонларни, Ер шаридаги барча шаҳарларни кўп марта яксон қилишга этади. Нимага одамларга бунча миқдордаги хонавайрон қилувчи қурол керак?

Оммавий қирғин қуроли билан уруш, ғолиблар ва мағлубларни тенглаштиришини олимлар андазалаштирди ва исботлади. Кучли радиация, атроф муҳитнинг ифлосланиши ёки “Ядро қиш” ҳамма – ғолиблар ва мағлубларни – бир хил шароит – ҳаёт билан ўлим орасига қўяди. Ҳозир оммавий қирғин қуроли йўқотилмас экан, планета милтиқ дори ертўласи бўлиб, барча инсониятга ўлим ҳавфини туғдиради. Планета барча мамлакатлари учун оммавий

қирғин қуролларни ишлаб чиқаришни аста-секин қисқартириш, кейин йўқотиш ва тўла ман қилиш зарур.

Инсоният ўтган асрда биринчи марта ўз планетасида табиий ресурслар – нефт, кўмир, руда – минерал хомашёлар, ичимлик сув захирасининг, ўрмон ва ҳосилдор ерларнинг, балиқлар ва бошқаларнинг тугаши ҳавфини англадилар. Ҳозирча бу муаммо энг долзарб эмас. Аммо агар хомашёдан шу суратда фойдаланиш давом этса, жамият XX1 асрдаёқ нефт захирасининг тўла тугаши билан тўқнашиб, химиёвий ишлаб чиқаришнинг кўп турлари ва бошқа саноат корхоналари, авто, авиа ва сув транспортларининг паралич бўлишига олиб келади.

Қандай йўл топиш мумкин? Олимлар чиқиндисиз ишлаб чиқариш технологияси, хомашёни иқтисод қилувчи ишлаб чиқаришни ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилишни, қуёш, шамол, сув, ядро энергиясидан фаол фойдаланиш, энергиянинг янги манбаларини излаш, ресурсларни истеъмол қилишни чегаралаш, қуёш тизими планетасининг ер ости бойликларига саноат ишлов беришни амалга оширишни таклиф қилади.

Экология муаммоси. Ҳозирги даврнинг ўткир муаммоларидан бири экологик инқироз. Кўплар у фақат атроф-муҳтининг ифлосланиши деб ўйлайди. Лекин бундай эмас. Фалсафий нуқтаи назардан экологик инқироз бу одам фаолиятининг табиатга салбий таъсири. Бундай фаолиятнинг оқибати нафақат саноат чиқиндилари билан ернинг, сувнинг ва ҳавонинг заҳарланишида, балки барқарор экологик тизимнинг ва планета азон қатламининг бузилишида ҳам намоён бўлмоқда. Масалан, ўрмонларнинг оммавий кесилиши кислород фоизини камайтириб, атмосферада углекислий газ миқдорини кўпайтирмоқда. Минтақа сув балансининг ўйламай бузилиши (тўғонлар қўрилиши ёки дарё оқимининг ўзгариши) саҳро ва ботқоқликнинг пайдо бўлишига, зарарли ҳашаротларнинг тарқалишига, ҳайвон ва ўсимликларнинг кўп турларининг ҳалок бўлишига олиб келмоқда.

Экологик муаммоларни ҳал қилиш бутун комплекс чораларни кўришни талаб қилади. Уларнинг орасида энг муҳими: атроф-муҳитга одамлар муносабатининг ўзгариши, ишлаб чиқаришда тозаловчи биноларнинг қурилиши, иссиқлик электростантсияларни алмаштириш, атмосферага углекислий газ ва фреонларнинг чиқишини қисқартириш, минтақаларда табиий-экологик балансни сақлаш ва бошқалар.

Маданиятли, маънавий камол топган инсон учун Она ватан табиатини мухофаза қилиш тўғрисида ғамхўрлик унинг хаёти ва фаолиятининг узвий қисмидир. Ҳақиқий маданиятли киши табиатнинг жамият тараққиётидаги роли ва ўрнини чуқур тушунади.

Кўпинча биз соф ҳавонинг қаердан келишини қанчалик ўйламайлик, барибир сезмаймиз. У ҳар дақиқада карбонад ангидрид билан заҳарланиб туради ва ҳар ҳолда тозалигича қолаверади. Биз химия дасрлигидан биламизки, хлорофилл ёруғликда ортиқча карбонат ангидридни ютади ва кислород чиқаради, бироқ кўпинча япроқларни юлиб ва новдаларни синдириб биз заҳарланишдан асрайдиган яшил ўсимликларни нобуд қиламиз. Табиатимизни тозалайдиган трубага эга эмасмиз, боғлар, парклар ва ўрмонларгина зарарли газлар билан тўлган шаҳарлар ҳавосини тозалашга қодир, холос. Тирик ўрмонзорлар ўзига хос шаҳарларнинг санитария чегараси, уларнинг шифохонасидир. Бир гектар ўрмон бир йилда 18 миллион кубометр ҳавони тозалайди, 70 тоннагача чангни фильтрлаши мумкинлиги ҳисоблаб чиқилган. Ўша яшил гектар бир соатда 200 киши қанча нафас олса, шунча миқдордаги карбонат ангидридни ютади. Дарахтлар ва бутазорлар ҳавони кислород билан бойитибгина қолмасдан, балки уни бардамлигимиз манбаи электр-ионлар билан ҳам тўйдиради.

Кейинги минг йиллар давомида инсон фаолияти натижасида ер шари юзаси, иқлими, ўсимлик, ҳайвонот дунёсининг таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганлиги бунга мисол бўла олади. Эътироф этиш керакки, инсоннинг истиқболни ўйламай қилган ҳатти-ҳаракатлари, кўр-кўрона қилмишлари туфайли табиат беҳад озор чекди, кўп нарсалардан абадий жудо бўлдик. Ҳар хил космик чанглар, иссиқлик, электр станциялари, автомобиллар сонининг тез ўсиб бориши, радиактив моддалар ва бошқалар таъсири остида барча жонли мавжудотнинг

ҳаёт манбаи бўлган ҳаво тоқат қилиб бўлмайдиган даражада ифлосланмоқда. Бундай даҳшатли ҳодисалар дунёнинг деярли ҳамма мамлакатларида тез-тез бўлиб туради. Атроф муҳитнинг радоактив ва кимёвий чиқиндилар билан булғаниши аҳолининг, чорва молларининг, паррандаларнинг, дарё ва кўллардаги, сув омборлари ва океанлардаги балиқ ва бошқа жониворларнинг кўплаб заҳарланишига сабаб бўлмоқда. Олимлар ҳаво, сув ва ер устининг заҳарланиши шу тариқа давом этадиган бўлса цивилизация халок бўлиши мумкин, дейишмоқда. Академик А.Е.Ферсманнинг фикрича, агар атмосфера таркибидаги корбанат ангидрид миқдори икки баробар кўпайса, бу нарса ер юзидаги хароратнинг 4 даража кўтарилишига олиб келади. Унинг ҳисобича, бу воқеа 500 йилдан кейин содир бўлиши мумкин.

Сув таъминотининг анъанваий манбалари ҳисобланган дарёлар, кўллар, шимолий қутб музликлари, денгизлар, сув омборлари ифлосланмоқда. Инсоннинг энг катта озиқ-овқат манбаи бўлган жаҳон океанлари ҳам ҳозирги вақтда инсон цивилизацияси қурбони бўлмоқда. Ҳар йили жаҳон океанига ўн миллион тоннагача миқдорда нефть ва нефть маҳсулотлари келиб тушмоқда.

Инсон ўзининг кўп асрлик хўжалик фаолиятида 72 ҳайвон турини бутунлай йўқ қилиб юборди, минтақамизда эса турон йўлбарси, йўл-йўлли сиртлон каби ҳайвонлар йўқ бўлиб кетди. Оққуйруқ, қорақулоқ, Устюрт қўйлари, Бухора буғуси, Оқтирноқли қўнғир айиқ кабилар эса йўқ бўлиш арафасида турибди. Амударёнинг ўзидагина 140 дан ортиқ балиқ тури бўлганига энди ишониш қийин. Ўрмонларга нисбатан ҳам кўр-кўрона муносабатда бўлиш туфайли Ер шарида 100 йил аввалги 7200 милллион гектар ўрмондан ҳозир 4100 миллион гектар ўрмон қолди. Расмий маълумотларга кўра, ҳар йили атмосферага 200 миллион тоннадан зиёд ис гази, қарийб 150 миллион тонна олтингугурт оксиди, 53 миллион тонна азот оксиди, 50 миллион тоннадан ортиқ ҳар хил углеводлар чиқарилмоқда. Жаҳон саноати ҳар йили табиатга 32 миллиард м.к. ифлосланган сув, 70 миллион тонна зарарли газлар ва 250 миллион чангни чиқариб ташламоқда. Ҳозирги пайтда дунё бўйича ҳар йили 500 минг инсон рак билан касалланган бўлса, унинг 60 фоизи атроф муҳитдаги ҳар хил канцероген моддаларнинг кўпайиши натижасида ҳосил бўлган.

Мамлакатимиздаги экологик вазият ҳам муҳим муаммолардан бири бўлиб турибди. Ҳозирги вақтда Осиё марказидаги энг катта сув ҳавзаси Орол денгизининг тақдири кўпчиликни ташвишга солмоқда.

Инсоният тарихи ҳалигача чорак аср давомида бир авлод кўз ўнгида хафзаси 6 миллион гектардан зиёд, чуқурлиги 69 метргача бўлган денгизнинг ер юзасидан ғойиб бўлиб кетганлигини билган эмас эди. Бугунги кунда Орол денгизи қарийб яримигача қуриб бўлди. Сув кетиб қолган жойларда икки миллион гектарга яқин қум ва туздан иборат саҳролар пайдо бўлди. Орол денгизи умумбашарий муаммо ҳамдир.

Демографик муаммоларнинг моҳияти планетанинг баъзи бир минтақалари ва мамлакатларида (Хитой, Ҳиндистон, Жанубий Америка) аҳолининг юқори суръатда кўпайишида. Европа, Шимолий Америка, Россияда туғилиш камайса ҳам Ер юзи аҳолисининг умумий миқдори тезлик билан ўсиб бормоқда. Бу нима билан ҳавф туғдиради? Баъзи бир таҳлилчилар Ер чекланган одамлар миқдорини боқишга қодир, деб фараз қилади. Масалан, 10 млрд дейди. Агар шундай ўсиш суръати сақланса, ҳар хил баҳолар бўйича 7 млрдлик цивилизатсия бир нечта ўн йилликда унга етиши мумкин.

Кўп мутахассислар, одамлар бир текис жойлаштирилса, саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарали ташкил қилинса, планета 50 млрд аҳолини боқиш мумкин, деб хисоблайди. Шу билан бу муаммо осон бўлиб қолмайди. Гап шундаки, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий инфраструктураси аҳоли ўсиш суратидан орқага қолмоқда. Бу икки жараён бир-бирига мослашиши керак. Шунинг учун Хитой, Ҳиндистон ва бошқа давлатлар аҳоли сонини камайтириш сиёсатини олиб бормоқда.

Халқаро кучларнинг бирлашуви. Ҳар бир глобал муаммо ўз хусусиятига эга бўлса, ўз ечим усулларига ҳам эгадир. Лекин шу маълумки, биронта глобал муаммо битта миллат ёки

давлатнинг ҳаракати билан ҳал бўлмайди. Шунинг учун ҳам, мамлакат ва халқларнинг кенг халқаро ҳамкорлиги ва уларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштириш керак. Бироқ, дунё муаммолари инсониятдан ягона планетар ҳамжамиятга сиёсий, иқтисодий ва маданий интеграциялашишни талаб қилмоқда. Инсоният цивилизацияси глобал муаммоларнинг қандай ҳал қилинишига боғлиқ.

Одамлар дунёқараши нафақат уларнинг дунё ҳақидаги билимларида, балки улар бу билимни қандай талқин қилиши, қандай хулосалар чиқариши ва қандай иш кўришида ҳам намоён бўлади. Шу сабабли глобал муаммоларни бутун дунё баҳамжиҳат ва зудлик билан ҳал қилиши лозимлиги тўғрисида сўз юритар эканмиз, инсоният назарияда муайян ютуқларга ва баъзи бир амалий натижаларга эришган ҳолда, дунё ривожланишининг салбий жараёнларини тўхтатишга ҳали муваффақ бўлмаганини эътибордан четда қолдиришимиз мумкин эмас. Халқаро кучларнинг лозим даражада бирлашуви, уларнинг мувофиқлаштирилган, изчил ва энг муҳими, самарали ҳаракатлари ҳам ҳали мавжуд эмас. Нега шундай бўляпти ва бунга нима халақит беряпти? Ҳозирги ранг-баранг ва зиддиятларга тўла дунёда келишилган ҳаракатларни амалга ошириш мумкинми? Агар мумкин бўлса, бунга қандай асосда эришиш мумкин? Булар бугунги кунда ижтимоий тафаккур, шу жумладан фалсафа ечишга ҳаракат қилаётган бош масалалардир.

Тарихий тажриба турли халқларнинг яқинлашуви уларнинг манфаатлари мос келган жойда айниқса яхшироқ юз беришини кўрсатади. Ўзаро манфаатдорлик турли қийинчиликларни тез бартараф этиш, савдо-сотиқни фаол ривожлантириш, иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларни мустаҳкамлашга кўмаклашади. Одатда бу йўлда енгишга тўғри келадиган энг катта қийинчиликлар эскича қарашлар, қотиб қолган фикрлаш услуби, анъаналар билан боғлиқ бўлади. Улар ўзгариш хусусиятига эга, лекин бу жуда узоқ, катта қийинчиликлар билан ва одатда ташқи ёки ички омиллар таъсирида юз беради. Масалан, ташқи омиллар қаторига экологик тангликнинг кучайиши, «демографик портлаш» оқибатлари, уруш хавфи ва нафақат одамларнинг турмуш тарзини сезиларли даражада ўзгартирган, балки уларнинг онгига ҳам ўз таъсирини кўрсатган бошқа глобал муаммолар киради. Ички омиллар инсон манфаати, унинг субъектив, шахсий асоси билан боғлиқ. У ёки бу муаммоларнинг кескинлик даражаси, ҳатто бунинг учун зарур шарт-шароит ва етарли асослар пайдо бўлган ҳолларда ҳам, нима учун пасаймаяпти, деган саволга жавоб топишда юқорида зикр этилган омиллар, айниқса манфаат омили албатта ҳисобга олиниши лозим.

Глобал муаммоларни ечишда фалсафанинг роли. Оғир ва мураккаб вазифаларни ечишда инсонга фан доим ёрдам берган. Бир пайтлар эришиб бўлмайдиган, инсон имкониятлари даражасидан ташқарида бўлиб туюлган нарсаларнинг аксариятига айнан фан ёрдамида эришилган. Айни шу сабабли глобал муаммолар хавф солаётгани ҳақидаги илк огоҳлантиришларнинг ўзиёқ одамларни фанга ўз эътиборини қаратишга, олимларни эса бу муаммоларни ечиш йўлларини излашга мажбур қилди.

Юзага келган вазиятнинг ўзига хослиги ва янгилиги шундан иборатки, ҳар қандай муайян муаммоларни айрим фан ёки бир неча фанлар мажмуи доирасида ўрганиш мумкин бўлса, инсон, жамият ва табиатни уларнинг кўп сонли ўзаро алоқалари ва ўзаро боғлиқликларида қамраб олувчи мураккаб тизимдан иборат глобал муаммоларни тадқиқ этишга айрим фанлар қодир эмас. Зеро ўз тадқиқоти объекти – у ёки бу айрим муаммони бошқа глобал муаммолар контекстида талқин қилишга муайян фанлар доираси торлик қилади. Шу сабабли у ёки бу фан қайси муайян вазифаларни ечишидан қатъий назар, улар билан боғлиқ жараёнлар ва ҳодисаларга, яъни бутун вазиятга, шу жумладан охир-оқибатда олинган натижаларга нисбатан фалсафий ёндашув доимо тадқиқотнинг зарурий шарти ҳисобланади.

Фалсафий тадқиқот муайян фанларнинг мазкур соҳадаги ютуқларига таяниб, масаланинг айрим жиҳатларини мавҳумлаштиради ва глобал муаммоларни улар бир-бирини қай даражада тақозо этиши нуқтаи назаридан ўрганади. Бошқача айтганда, фалсафий ёндашув глобал муаммоларни уларнинг ижтимоий аҳамияти ва ижтимоий белгиланганлиги нуқтаи назаридан яхлит ўрганишни назарда тутади. Бундай тадқиқот аввало глобал муаммоларнинг моҳиятини

аниқлашни назарда тутади, чунки уларнинг асл табиати ва генезисини аниқлаш бу муаммоларнинг илмий ва амалий ечимини топиш йўлларини кўп жиҳатдан белгилаб беради.

Глобал муаммоларни фалсафий англаб етишнинг ўзига хос хусусиятларини тавсифлар эканмиз, фалсафанинг асосий функцияларидан келиб чиқадиган ва билишнинг шу шаклигагина хос бўлган хусусиятларни қайд этиб ўтамиз.

Биринчидан, фалсафа, дунёқарашни шакллантирар экан, инсон фаолияти йўналишини кўп жиҳатдан белгилайдиган муайян мўлжаллар беради. Шу тариқа фалсафа ўзининг ***дунёқарашни шакллантириш ва аксиологик*** функцияларини бажаради.

Иккинчидан, турли фанлар доирасида ўрганиладиган мураккаб тизимлар ҳақида яхлит тасаввур мавжуд эмаслиги бу фанларнинг ўзаро ҳамкорлиги йўлида жиддий тўсиқ ҳисобланади. Шу маънода фалсафанинг мазкур фан доирасида юзага келадиган назарияларни умумлаштирувчи ***методологик*** функцияси айниқса муҳим аҳамият касб этади, чунки илмий билимнинг интеграциялашувига кўмаклашади.

Учинчидан, фалсафа ижтимоий ҳодисалар ва жараёнларни тарихий контекстда тушунтириш имконини беради. У жамият ва табиат ривожланишининг умумий қонунларини таърифлайди ва шу сабабли глобал муаммоларни ўрганишда уларни ижтимоий тараққиёт билан узвий боғлиқ бўлган қонуний ҳодиса сифатида тушунишга йўл кўрсатади. Шундай қилиб, глобал муаммоларнинг пайдо бўлиши тасодиф ёки инсониятни ҳалокатга олдиндан маҳкум этувчи тақдирнинг ҳукми сифатида эмас, балки қарама-қаршиликларга тўла инсоният тарихи объектив ривожланиш жараёнининг маҳсули сифатида қаралади.

Тўртинчидан, фалсафа глобал муаммолар ривожланишининг умумий тенденциясини, уларнинг ўзаро алоқаси ва бир-бирини тақозо этиш даражасини фалсафий нуқтаи назардан англаб етиш имконини беради.

Бешинчидан, фалсафа назарий фикрлаш маданиятини ривожлантириш учун имконият яратиш орқали маънавий - маданий функцияни бажаради. Турли халқларнинг фалсафа тарихини ўрганиш, уларнинг маданияти билан ҳам танишиш имконини беради. Муайян халқлар олдида турган муаммоларнинг бирортасини ҳам уларнинг маданиятига боғламасдан ечиш мумкин эмас.

Олтинчидан, глобал муаммоларга оид илмий ахборотнинг шиддат билан ўсиб бораётган оқимида янада аниқроқ мўлжал олиш имконияти табиий-тарихий жараённи яхлит кўриш ва уни талқин қилишга нисбатан диалектик ёндашув маҳсули ҳисобланади.

Еттинчидан, фалсафа инсон ҳаётининг мазмуни, ўлим ва умрбоқийлик масалаларини кун тартибига қўядики, бу инсониятга глобал муаммолар таҳдид солаётган шароитда айниқса муҳим аҳамият касб этади.

Ниҳоят, фалсафанинг яна бир муҳим *методологик функцияси* шундан иборатки, у инсониятнинг ҳозирги муҳим муаммолари билан бевосита боғлиқ бўлган ва башарият ривожланишининг объектив тенденцияларини тушуниш ва англаб етишда улкан рол ўйнайдиган «табиат», «жамият», «цивилизация», «ижтимоий тараққиёт», «фан-техника инқилоби» каби бошқа категорияларни ишлаб чиқади.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун назорат саволлари:

1. «Глобаллашув», «глобал муаммолар», «глобалистика» тушунчаларининг ўзаро нисбатига тавсиф беринг.
2. Технооптимизмнинг моҳияти нимадан иборат?
3. Технопессимистик фалсафий концепциялар қайси ғояларга асосланади?
4. Глобал муаммолар таснифи нима учун керак?
5. «Барқарор ривожланиш концепцияси»нинг мазмуни нимада?

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари (тест):

1. Глобаллашув атамаси биринчи марта муомалага киритган олимларни биласизми?====

А. Т.Левитт, 1983 йили ====

Б. globus-шар, global-умумбашарий====

В. Роланд Робертсон, 1985 йили====

Г. А ва В жавоблар тўғри.++++

2. Глобаллашув фалсафий маънода...====

А. Глобаллашув - муттасил давом этадиган тарихий жараёндир====

Б. бу жаҳондаги мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маданий соҳада ўзаро яқинлашуви, янгича сифатий бирлашуви натижасида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларнинг тез суръатлар билан бир мамлакат доирасидан чиқиб, умумпланетар миқёсга эга бўлишидир====

В. Глобаллашув- жаҳоннинг гемогенлашуви ва универсаллашуви жараёнидир====

Г. Глобаллашув – миллий чегараларнинг ювилиб кетиш жараёнидир.++++

3. Футурология қандай фан эканлиги қайси қаторда тўғри берилган?====

А. келажак ҳақидаги фан====

Б. табиат ҳақидаги фан====

В. билиш назарияси====

Г. билишни рад этувчи фан.++++

4. Ижтимоий барқарорлик нима?====

А. Жамият ҳаётининг осойишталиги, тинч-тотувлик ва уни мустаҳкамлаш учун шарт-шароитнинг мавжудлиги.====

Б. Жамиятдаги ижтимоий бирликлар (миллатлар, турли ижтимоий гуруҳлар ва қатламлар), сиёсий партиялар ва бошқа кучлар ўртасидаги ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик вазияти.====

В. Давлат, сиёсий партиялар, жамоатчилик ташкилотлари ва фуқаролар ўртасидаги ижтимоий келишув ҳолатининг мавжудлиги.====

Г. Юқоридаги вазиятларнинг барчаси.++++

5. Глобалистика мустақил илмий йўналиш ва ижтимоий амалиёт жабҳаси сифатида нечанчи йиллардан шакллана бошлади?====

А. 1950-йилларнинг охирларидан====

Б. 1960-йилларнинг охирларидан====

В. 1970-йилларнинг охирларидан====

Г. 1980-йилларнинг охирларидан++++

6. ГЛОБАЛЛАШУВ ТУШУНЧАСИНИ ҚАНДАЙ ИЗОҲЛАЙСИЗ?

А). Глобаллашув феномени – фалсафий ҳаётий тушунча сифатида ижтимоий-сиёсий, табиий-биологик муҳитнинг шаклланишини, миллий ва минтақавий муаммоларнинг жаҳон миқёсидаги муаммоларга айланиб боришини ифода этади.

Б). Глобаллашув – бу аввало ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви демакдир.

В). Глобаллашув – турли мамлакатлар иқтисодиёти, маданияти, маънавияти ва одамлари ўртасидаги боғланишнинг кучайишидир.

Г). Юқоридаги жавобларнинг барчаси тўғри.

7. Глобаллашувнинг вужудга келишига асос бўлган йирик сабабларни топинг?

А. Фан ва техника кашфиётлари

Б. Фалсафада янги таълимотларнинг вужудга келиши

В. Одам сонининг кескин ўсиши

Г. Ҳаётнинг барча соҳасидаги интеграциялашув

8. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг юзага келган ижтимоий-сиёсий ҳолат бугунги кунда глобал муаммоларни бартараф қилувчи қайси асосий ҳамкорликнинг вужудга келишига сабаб бўлди?

А. БМТ

Б. ЮНЕСКО

В. ЕҲҲТ
Г. МДҲ

9. Ҳозирги замонда жаҳон фуқароси деб ҳисобловчи одамларнинг пайдо бўлишига нима сабаб бўлди?

А. Ижтимоий-экологик глобаллашув
Б. Иқтисодий-сиёсий глобаллашув
В. Серқирра глобаллашув
Г. Фундаментал глобаллашув

10. ГЛОБАЛ СЎЗИНИНГ МАЪНОСИ НИМА?

А). Глобал сўзи лот. globus – шар, Ер сайёраси маъносини билдиради.
Б). Глобал сўзи франц. global – умумий, умумбашарий маъносини билдиради.
В). А ва Б жавоблар тўғри.
Г). Глобал ҳамма соҳада устунлик ва ўз ҳукмига бўйсундиришни англатувчи тушунча.

14-мавзу: Коррупцияга қарши курашнинг жаҳон тажрибаси.

Мавзу режаси:

1. Коррупция тушунчасининг мазмуни ва унинг тарихий илдизлари.
2. Ижтимоий ҳаётда коррупциянинг кўринишлари ва уларнинг зарарли оқибатлари. .
3. Халқаро коррупция ва унга қарши кураш.

Таянч тушунчалар: Коррупция, пора, пора олиш ва бериш, коррупционер, коррупция ҳақидаги парадигмалар, паст, ўрта, юқори даражадаги коррупция, сиёсий коррупция, ғоявий коррупция, иқтисодий коррупция, таълим соҳасидаги коррупция, ҳуқуқ-тартибот органларидаги коррупция, жамоат ташкилотларидаги коррупция, халқаро коррупция, потенциал коррупция, фирибгарлик.

1-савол баёни: Ҳозирги замон миллий ва халқаро ҳуқуқида тобора кўп қўлланилаётган атамалардан бири бу коррупциядир. Коррупция албатта бугун пайдо бўлган иллат эмас, у қадимдан буён мавжуд бўлиб келмокда. Қадимги юнон файласуфи Аристотел шундай деган:“Ҳар қандай давлат тизимида қонунлар ва бошқа фармойишлар орқали ишни шундай ташкил қилиш керак-ки, унда мансабдор шахсларни ноқонуний йўл билан бойишига йўл қўймаслик лозим”. Француз мутафаккири Шарл Монтескье эса бу борада “Асрлар тажрибасидан маълумки, ҳар қандай ҳокимият ваколатига эга бўлган шахс, уни суиистеъмол қилишга мойил бўлади ва у маълум бир мақсадга эришмагунча шу йўналишда юради” деган фикрларни билдирган.

Ғарбий Европа давлатларининг кейинги тарихида ҳам коррупциянинг турли кўринишлари ва коррупцион муносабатларнинг авж олиши нафақат тарихий манбаларда балки, ўша даврнинг илғор ёзувчи файласуфларининг асарларида ҳам ўз ифодасини топган. Хусусан, Шекспирнинг “Венециялик савдогар”, “Қонга қон, жонга жон” , Дантенинг “Дўзах”, “Тозаловчи” каби асарларида ҳам ёритилган. Данте коррупционерларни дўзахнинг энг қоронғи ва энг чуқур жойига ташлаш керак деган фикрни билдирган

Коррупциянинг келиб чиқиши тарихи ва ривожланиши масалаларини Никколо Макиавелли ўрганиб, уни йўталга қиёслаб шундай деган эди, “Коррупцияни ҳам йўталга ўхшаб олдин аниқлаш қийин, аммо даволаш осон, лекин бу касални ўтказиб юборсангиз уни аниқлаш осон, аммо даволаш қийин”. Мана шу сўзлардаги ҳақиқатни бугунги кунда дунё бўйича кенг тарқалган коррупция кўринишларига нисбатан ҳам қўллаш мумкин бўлади.

Коррупция тушунчасининг таърифи. Бугунги кунда мамлакатимизда жаҳон ҳамжамияти билан биргаликда коррупцияга қарши курашиш муаммосига жуда катта эътибор бурилмоқда. Чунки, коррупция ҳар қандай жамиятнинг барқарор ривожланишига тўсқинлик қилган ҳолда, халқ манфаатларини кўзлаб амалга оширилаётган ислоҳотларнинг боришига

ўзининг салбий таъсирини ўтказмоқда. Хўш, шундай экан коррупция нима, унинг генезиси, эволюцияси, хуллас, у салбий ҳодиса сифатида тарихий макон ва замоннинг қайси кесишган нуқталарида пайдо бўлган деган саволлар туғилади?

Маълумки "**Коррупция**" тушунчаси *лотин* тилидаги "***corruptio***" сўзидан олинган булиб, мазмуни "***бузиш, сотиб олиш***" маъносини беради ва унинг грамматик бир илдизли маъноси яна "коррозия" сузи, яъни "чириш" ёки "занглаш" деган мазмунни ҳам беради. Шундан келиб чикиб бу сўзнинг ижтимоий кўриниши ҳокимиятни бузиш, чиритиш оркали сотиб олиш" деган маънони беради.

Юридик энциклопедия муаллифларининг таъкидлашича, "*коррупция – мансабдор шахслар томонидан уларга берилган ҳуқуқлар ва ҳокимият имкониятларидан шахсий бойлик орттириш учун фойдаланишда ифодаланувчи сиёсат ёки давлат бошқаруви соҳасидаги жиноий фаолият*".

"Юридик атамалар қомусий луғати"да коррупция тушунчасига "*давлат функцияларини бажариш ваколатига эга бўлган (ёки уларга тенглаштирилган) шахсларнинг ноқонуний тарзда моддий ва бошқа бойликлар, имтиёзларни олишда ўз мақоми ва у билан боғлиқ имкониятлардан фойдаланиши, шунингдек, бу бойлик ва имтиёзларни жисмоний ёки юридик шахслар қонунга хилоф равишда эгаллашига имкон бериши*", деб таъриф берилган.

Яна бошқа адабиётларда эътироф этилишича, коррупция атамаси "*сиёсат ёки давлат бошқаруви соҳасидаги жиноий фаолият бўлиб, мансабдор шахслар ўзларига берилган ҳуқуқлар ва ҳокимият имкониятларидан шахсий бойиш мақсадида фойдаланишидан иборат*", деб тавсифланган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан 2003 йил 31 октябрда БМТнинг "Коррупцияга қарши кураш конвенцияси" имзоланган. Мазкур ҳужжат уни имзолаган давлатлардан пора олиш, бюджет маблағларини талон-тарож қилиш ва коррупция ортидан бойлик орттириш кабиларни жиноят деб белгилашни талаб этади.

Ушбу Конвенцияда коррупцияга шундай таъриф берилади: "*Коррупция — бу жамиятни турли йўллар билан исканжага оладиган даҳшатли иллатдир. У демократия ва ҳуқуқ устуворлиги асосларига путур етказади, инсон ҳуқуқлари бузилишига олиб келади, бозорлар фаолиятига тўсқинлик қилади, ҳаёт сифатини ёмонлаштиради ва одамлар хавфсизлигига таҳдид соладиган уюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа ҳодисалар илдиз отиб, гуллаши учун шароит яратиб беради. Ушбу зарарли ҳодиса катта ва кичик, бадавлат ва камбағал бўлишидан қатъий назар, барча мамлакатларда учрайди. Коррупция паст иқтисодий кўрсаткичларнинг асосий сабабларидан бири бўлиб, камбағаллик даражасини камайтириш ва ривожланишни таъминлаш учун энг катта тўсиқ ҳисобланади*".

"Коррупция" атамаси, одатда мансабдор шахс томонидан унга ишониб топширилган ваколатлар ва ҳуқуқларидан шахсий манфаатлар учун жамият томонидан ўрнатилган қонунлар ва ахлоқий тамойилларга зид бўлган ҳолда фойдаланишни англатувчи тушунча ҳисобланади. Булардан ташқари, коррупция мафиялашган давлатларга хос бўлган типик ҳолат, яъни мансабдор шахсларни сотиб олиш, уларнинг сотқинлик қилишини ҳам англатади.

Коррупциянинг характерли белгиси мансабдор шахснинг хатти-ҳаракатлари билан унинг иш бэрувчиси манфаатлари ўртасидаги зиддият ёки сайланган шахснинг хатти-ҳаракатлари билан жамият манфаатлари ўртасидаги зиддият ҳисобланади. Одатда, коррупсиянинг кўп турлари мансабдор шахс томонидан содир этилган фирибгарликдан иборат бўлиб, улар давлат органларига қарши жиноятлар тоифасига киради.

Ҳар қандай мансабдор шахс – амалдор, депутат, судя, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходими, маъмур ва бошқалар ўзларига тегишли бўлмаган ҳар қандай ресурсларни тарқатиш соҳасида коррупцияга дучор бўлиши мумкин. Коррупцияни рағбатлантирувчи асосий омил – бу ҳокимиятдан фойдаланиш билан боғлиқ ҳолда кўпроқ иқтисодий фойда олиш имкониятининг мавжудлиги бўлса, уларни тийиб турувчи омил эса қилмишининг ошкора бўлиб қолишидан ҳадиксираш ва жазо олишдан қўрқишидир.

Коррупциянинг тизимли хусусиятларидан бири коррупциялашган давлат ташкилотларида ишлайдиганлар мансабдорларнинг ўз лавозимини сақлаб қолиш учун қуйи поғонадагилардан мажбурий тарзда пора йиғиб олиши орқали олган порасини юқори поғонадаги мансабдорлар билан бўлишишида намоён бўлади. Бундай ҳолатнинг мавжудлиги

жамиятнинг иқтисодий ўсиши ва ривожланишига жиддий тўсқинлик қилади. Одамларни эса маънавий-мафкуравий таназзулга дучор этади.

Шунингдэк, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январъ, ЎРҚ-419-сонли "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонунида: ***"Коррупция — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш"***,– деган таъриф берилган. Бу деган сўз коррупция бу пул, қимматбаҳо буюмлар кўринишида имтиёзлар олиш учун мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш, пора бериш, пора олиш, ўз ваколатларини суиистеъмол қилиш, тижорат пора олиш ёки бошқа шахснинг ўз расмий мавқеидан жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларига хилоф равишда ноқонуний фойдаланишидир. Мулкий хусусиятга эга бўлган бошқа мулк ёки хизматлар, ўзи учун ёки учинчи шахслар учун бошқа мулкий ҳуқуқлар ёки бошқа шахслар томонидан ушбу шахсга ушбу имтиёзларни ноқонуний равишда бериш; шунингдэк, ушбу ҳаракатларни юридик шахс номидан ёки унинг манфаатлари учун амалга ошириш, демакдир.

Коррупцияни ахлоқий-маънавий жиҳатдан баҳолаш. Ҳар қандай ҳодиса одамлар томонидан ахлоқий-маънавий жиҳатдан баҳоланади. Шунга кўра коррупциянинг турли кўринишларига ҳам ҳар хил ахлоқий баҳо бэрилади. Бунда баъзи ҳаракатлар – жиноий; бошқалари эса – ахлоқсиз ҳисобланади. Охиргисига, қоида тариқасида, меритократия тамойилини бузадиган сиёсий йўналишга асосланган қариндошлик ва ҳомийлик киради.

Коррупциянинг энг хавфли шаклларидан яна бири – бу жиноий жавобгарлик деб таснифланади. Буларга, *биринчи навбатда*, ўзлаштириш (ўғирлик) ва пора киради. Ўзлаштириш - мансабдор шахсга топширилган ресурсларни шахсий мақсадлар учун сарфлаб юбориш бўлиб, унинг оддий ўғирликдан дастлаб одам ресурсларни бошлиқдан, мижоздан ва бошқалар қонуний равишда тасарруф этиш ҳуқуқи олганлиги билан фарқланади. Кўпгина ҳолларда, агар пора бериш товламачиликнинг натижаси бўлмаса, пора берувчи ушбу битимдан асосий фойда олади. Овозларни сотиб олиш ҳам жиноий жавобгарликка сабаб бўлади (гарчи баъзилар буни коррупция эмас, балки виждонли сайлов кампаниясининг бир тури деб ҳисоблашади).

Кўпинча ҳокимиятни зўрлик билан алмаштиришга чақирувларнинг сабаби ҳам коррупция билан боғланган бўлади. Бунда, кўпинча маълум бир сиёсий элитага эмас, балки умуман сиёсий тизимга қарши айбловлар қўйилади. Оскар Ариас Санчэс таъкидлаганидек, авторитар режимлар ҳокимиятни суиистеъмол қилишнинг катта қисмини жамоатчиликдан яширишга қодир, шунинг учун уларнинг коррупцияси тўғрисида хулоса бутун дунё учун ўта муҳим далиллар ва зарарли оқибатларни таҳлил қилиш асосида амалга оширилади. Аксинча, демократиядаги коррупция кўпинча катта зарар етказишдан олдин кенг реклама қилинади ва бостирилади. Бироқ, даврий можаролар фуқароларда уларнинг мамлакатда сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнига таъсир ўтказиш қобилиятига ва демократиядан кўнгли қолганига шубҳа уйғотишигача олиб келади[33].

Коррупциянинг зарарли оқибатлари. Томас Хоббэс ёзганидэк, коррупция " ҳар доим ва ҳар қандай васвасаларда барча қонунларга нисбатан нафратланиш келиб чиқадиган илдиздир". Юқори даражада коррупсияга учраган мутасаддиларда аксарият давлат ресурслари қасддан уларни талон-тарож қилиш энг осон бўлган ёки пора энг осон йўл билан йиғиладиган каналларга йўналтирилади. Сиёсат эса коррупсия устидан назорат қилиш механизмларини: матбуот эркинлиги, адлия тизимининг мустақиллиги, рақобатдош сиёсатчилар (мухолифатчилар) ва фуқароларнинг шахсий ҳуқуқларини янада бостиришга қаратилган бўлади. Қисқаси,сиёсат коррупсия учун хизмат қила бошлайди.

[33] Ариас Санчес, О. Предисловие // Основы борьбы с коррупцией (системы общегосударственной этики поведения) / Под ред. С. В. Максимова — М.: 1999

Шунингдэк, коррупсияга нисбатан бағрикенглик билан муносабатда бўлиш мумкин дэган нуқтаи назар мавжуд. Тарихий далилларга кўра, кўплаб мамлакатларнинг ривожланиш тарихида (Индонезия, Таиланд, Корея) иқтисодий ўсиш коррупсиянинг кўпайиши билан бирга бўлган даврларга тўғри келади. Бу даврда ҳатто коррупсиянинг кўпайиши ҳам иқтисодий ўсишга тўсқинлик қилмаган. Бошқа бир далилга кўра, пора бэриш фақат давлат ва маҳаллий тузилмалар фаолиятида бозор тамойилларини амалга ошириш ҳисобланади. Шундай қилиб, коррупсияга нисбатан бағрикенглик муносабати иқтисодий ўсишда ёки умуман бозор самарадорлигига таъсир қилмаса қабул қилинади. Ушбу нуқтаи назарни танқид қилувчиларнинг таъкидлашича, юқоридаги сабабларга кўра, коррупсия даражаси юқори бўлган мамлакатлар, ўсиш давридан кейин барқарорликни йўқотиши ва пасайиш спиралига тушиб қолиш хавфи бор.

Коррупциянинг генезиси ва эволюцияси. Кишилик тарихига назар ташласак, коррупциянинг салбий ижтимоий феномен сифатида жуда қадим замонларда пайдо бўлганлигига ишонч ҳосил қиламиз. Бу асосан уруғ ва қабилаларнинг пайдо бўлишидаги бошқарув тизимининг шаклланиши билан боғлиқ бўлиб, уруғ етакчиси ва қабила бошлиғининг ўрнатилган тартиб-қоидаларни ўз манфаатлари йўлида фойдаланиши, аниқроғи, уруғ ва қабилаларнинг озиқ-овқат, кийим-кечак ресурсларини ўзбошимчалик билан тақсимланиши натижасида пайдо бўлган, десак янгилишмаган бўламиз.

Кишилик тарихида судяларнинг сотқинлиги алоҳида ташвиш уйғотган, чунки улар пора эвазига сотилиб мулкларни ноқонуний равишда тақсимлаш ва низоларни қонунчилик доирасидан ташқарида ҳал қилишга берилиб кетганлар. Шунинг учун ҳам етакчи дин вакиллари судяларнинг порахўрлигини қоралаб: "... бошлиқ совға талаб қилади, судя эса пора олиш учун суд қилади, зодагонлар ўз қалбларининг ёмон истакларини қондириш учун ишни бузиб кўрсатадилар", "Совғаларни қабул қилманг, чунки совғалар кўзи очиқларни кўр қилади ва ҳақ-ҳуқуқларни издан чиқаради"[34],– деганлар.

XVIII аср охиридан бошлаб Ғарбда жамиятнинг коррупцияга бўлган муносабатида бурилиш бошланган. Бу даврда либэрал ислоҳотлар давлат ҳокимияти унга бўйсунадиган одамлар манфаати учун мавжуд, шунинг учун фуқаролар амалдорлар томонидан қонунларга қатъий риоя қилиш эвазига ҳукуматни қўллаб-қувватлайдилар дэган шиор остида амалга оширилди. Хусусан, 1787 йилда қабул қилинган АҚШ Конституциясига биноан, пора олиш АҚШ президентига нисбатан импичмент эълон қилиниши мумкин бўлган аниқ кўрсатилган иккита жиноятдан биридир. Жамият давлат аппарати ишининг сифатига тобора кўпроқ таъсир ўтказа бошлади. Сиёсий партиялар ва ҳукумат томонидан тартибга солиш кучайган сари, сиёсий элита ва йирик бизнеснинг тил бириктириши эпизодлари тобора кўпроқ ташвишга тушди. Шунга қарамай, Х1Х-ХХ асрларда ривожланган мамлакатларда коррупсия даражаси бошқаларига қараганда бирмунча пасайган[35].

Ривожланган мамлакатларда коррупция эволюциясининг янги босқичи XIX-XX асрларга тўғри келди. Бир томондан, давлат томонидан бошқарув ишларининг тартибга солиниш натижасида амалдорлар ҳокимиятининг яна бир кучайиши бошланди. Бошқа томондан, эса йирик хусусий бизнес пайдо бўлди. У рақобат курашида "давлатни сотиб олиш"га ўтишни бошлади. Энди айрим кичик давлат хизматчиларининг эпизодик пора олишига эмас, балки сиёсатчилар ва юқори мансабдор шахсларнинг фаолиятини капитал манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтиришга қаратилди. Бу ривожланган мамлакатларда (айниқса, иккинчи жаҳон урушидан кейин Ғарбий Европада) сиёсий партияларнинг аҳамияти ошгани сайин, йирик фирмалар ва трансмиллий корпорациялар сиёсатчиларга ўз

[34] Библия. Ветхий Завет. — М., 1994. — С. 352.

[35] Bardhan P. Corruption and development: a review of issues. — In: Political corruption: concepts and contexts / Ed. Heidenheimer A. J., Johnston M. 3rd ed. New Brunswick, NJ: Transaction, 2002. — ISBN 978-0-7658-0761-8 — P. 331. (англ.). Glaeser E. L., Goldin C. Corruption and reform: an introduction (англ.) // NBER Working Paper 10775. 2004.

манфаатларини лоббичилик қилгани учун сиёсатчининг ўзига эмас, балки партия ғазнасига шахсан пул ўтказишни бошладилар, натижада партиялар коррупцияси пайдо бўлди ва ривожланди.

XX асрнинг иккинчи ярмида коррупция тобора халқаро муаммога айлана бошлади. Хорижда корпорациялар томонидан юқори лавозимли амалдорларни пора бериш эвазига сотиб олиш оммавий тус олди. Глобаллашув жараёнларининг бориши бир мамлакатдаги коррупциянинг бошқа кўплаб давлатларнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатишини бошлаб берди. Бунга қарши кўпгина давлатлар биргаликда кураш олиб боришга киришдилар. «Финанциал Тимес» » газетаси 1995 йил 31 дэкабрдаги сонида 1995 йилни "коррупция йили" дэб эълон қилди. Коррупция тўғрисидаги билимларни тарғиб қилиш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) 9 декабръ кунини «Халқаро коррупцияга қарши кураш куни" деб эълон қилди.

Коррупциянинг яшовчанлик тенденциялари. XX1 асрга келиб коррупция салбий ижтимоий жараён сифатида тугатилмади. У мазкур воқеликка мослашган ҳолда яшовчанлик хусусиятини намоён қила бошлади. Мослашувчанликка асосланган яшовчанлик тенденциялари: *биринчидан*, кам ривожланган давлатларда очиқ коррупциянинг бошқарув тизимида ҳукумронлик қилиши; *иккинчидан,* энди ривожланиб келаётган давлатларда давлат ҳокимиятидаги фойда келтирадиган мансабларни пора бериш эвазига сотиб олиш; *учинчидан*, ривожланган давлатларда халққа ҳар хил имтиёзларни беришни ваъда қилиш ҳисобига сайловчиларни ўзларига оғдириб олиш, яъни сайловда ютиб чиқиш орқали давлат ҳокимиятини эгаллаб олишга урунишлари билан характерланади.

Бу иллатга қарши БМТ, Жаҳон Банки, Халқаро Тикланиш ва Тараққиёт Банки, Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки ва бошқа минтақавий ва ихтисослашган ташкилотлр томонидан тизимли равишда кураш олиб борилмоқда. Унинг ана шу мослашувчанлик асосида яшовчанлик хусусиятига ҳаёт ҳақида турли хил эътиқод ва қарашларга эга бўлган одамлар томонидан ахлоқий-маънавий жиҳатдан баҳо бэрилмоқда.

Коррупция сабаблари. Коррупсия сабаблари деб хусусий шахс, уюшган гуруҳларнинг давлат муассасаларида эгаллаган мавқеидан фойдаланган ҳолда давлат ва нодавлат ташкилотларининг, шунингдэк, халқаро шэрикчилик бирлашмаларининг мол-мулкини ноқонуний йўл билан ўзлаштириб олишлари натижасида келиб чиққан уюшган жиноий гуруҳларнинг фаолиятига айтилади. Бунга асосан жамиятнинг ҳаётини тартибга солиб турувчи ҳуқуқ ва ахлоқ нормаларида фундаменталъ зиддиятларнинг борлиги асосий сабаб бўлади.

Фундаментал қарама-қаршилик. Ҳар қандай товарни ишлаб чиқариш маълум ресурсларни истеъмол қилишни талаб қилади, бу эса ушбу товарлар учун кетган харажатлар истеъмолчиларидан олинган маблағлар билан қопланади. Ходимларнинг иш ҳақи - бу охир-оқибат истеъмолчи томонидан қопланадиган харажатлардан биридир, аммо уларнинг фаолияти бошлиқ ва иш бэрувчининг иродаси билан бэлгиланади. Бу шундай ҳолатга олиб келадики, истеъмолчи ходимдан керакли хизмат ёки маҳсулотни олади, лекин бу ходимнинг фаолиятига бэвосита таъсир эта олмайди. Муайян ҳолат солиқлар билан тўланадиган ва давлат хизматчилари томонидан таъминланадиган жамоат молидир. Мансабдор шахсларнинг иш ҳақи ҳақиқатан ҳам фуқаролар томонидан тўланишига қарамай, уларнинг иш бэрувчиси давлат бўлиб, уларга қонун билан турли шахсларнинг рақобатдош манфаатларига таъсир қиладиган қарорлар қабул қилиш ҳуқуқини бэради.

"Агар бирон бир ихтиёрий куч бўлмаса, коррупсия имконсиз бўлар эди"[36]. Бироқ, юқори ҳокимиятга эга бўлган шахс ёки гуруҳ ўзи бэлгилаган сиёсатни мустақил равишда амалга ошира олмайди. Шу мақсадда у маъмурларни тайинлайди, уларга керакли ваколатларни бэради, уларнинг ихтиёрида зарур ресурсларни ўтказади, улар учун ўзини тутиш қоидаларини

[36] Роуз-Аккерман, С. Коррупция и государство. Причины, следствия, реформы / Пер. с англ. О. А. Алякринского. — М.: Логос, 2003.

ўрнатади ва устидан назорат олиб боради. Бу ерда қуйидаги муаммо пайдо бўлади: **Қонуннинг консерватившлиги.** Амалда қўлланаётган йўриқномалар ташқи шароитда бўлаётган ҳодисаларга қараганда анча секин ўзгаради. Шунинг учун ҳам мутассадилар ўзларининг хоҳишларига кўра баъзи ҳаракатларни амалга ошириш учун жой қолдирадилар. Бусиз бошқарув тизими бутунлай эгилувчан бўлмай қолади, бэлгиланган қатъий меъёрларнинг ҳаёт ҳақиқатларга мос келмаслиги ишни бутунлай тўхтатиши мумкинлиги юзага келади. Бироқ, бу шуни англатадики, қонунда назарда тутилмаган вазиятда маъмур-мутассади энг қулай ижара ҳақи билан бошқаришни бошлаши мумкин. Дэмак,қонунларнинг консерватившлиги ҳам коррупсияга йўл очиб бэради.

Ҳамма нарсани қамраб оладиган назоратнинг мумкин эмаслиги. Маълумки,давлат бор экан, унинг назорат қилиш функсияси ҳам мавжуд бўлади. Баъзида назорат қилиш давлат учун жуда қимматга тушади. Ҳаддан ташқари назорат қилиш бошқариш сифатига ҳам зарар етказади ва ижодкор истеъдодларнинг пасайишига олиб келади. Бу дэган сўз бошқарув тамойилининг ўзида ҳам коррупсия эҳтимолининг мавжудлигини англатади.. Ушбу имконият объектив шароитда ривожланиб, потенсиал рента(фойда) олиш хавфдан устун туради. Бу муаммо бюрократик аппаратда бир неча бор такрорланмоқда. Бунга сабаб эса юқори даражадаги маъмурларнинг ўзлари бўйсунувчиларини тайинлашидир. Вакиллик дэмократиясига эга тизимларда эса энг юқори ҳокимият лавозимларини сиёсий элита эгаллайди ва кейинги сайловларда ҳокимиятни йўқотиб қўйиш хавфи мавжудлигидан ҳадиксирайди.

Юқори даражадаги коррупция сабаблари. Кўпчиллик мутахассисларнинг фикрича юқори даражадаги сабаби ғайриинсоний ҳатти-ҳаракатларнинг ички ва ташқи чэклаш механизмларини таъминловчи сиёсий институтларнинг номукаммаллигидадир. Бунга баъзи объектив ҳолатлар:

– икки хил маъноли ноаниқ қонунлар;
– аҳолининг қонунларни билмаслиги ёки тушунмаслиги;
– мансабдор шахсларнинг ўзбошимчалик билан бюрократик процедураларга тўсқинлик қилиш ёки тегишли тўловларни ошириб юбориши;
– мамлакатдаги сиёсий вазиятнинг бэқарорлиги;.
– давлат идоралари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг шаклланган механизмларининг этишмаслиги;
– бюрократик аппарат фаолияти асосидаги стандартлар ва принсипларнинг ҳукмрон элита сиёсатига боғлиқлиги;
– бюрократиянинг касбий лаёқацизлиги;
– қариндошлик ва сиёсий ҳомийлик; (бу коррупсияни назорат қилиш механизмларини заифлаштирадиган махфий келишувларни тузишга олиб келади);
– ижро этувчи ҳокимият тизимида бирликнинг йўқлиги, яъни бир хил фаолиятни турли ҳокимият органлари томонидан тартибга солиш;
– фуқароларнинг давлат устидан назоратдаги иштироки даражасининг пастлиги бошқалар ҳам ўзининг ҳиссасини қўшади.

Шундай қилиб, хусусий секторга нисбатан давлат секторида иш ҳақининг кўпайиши коррупсиянинг дарҳол пасайишига олиб келмайди. Бошқа томондан, бундай ҳолат бюрократлар малакаси даражасини босқичма-босқич оширишга ёрдам бэради ва узоқ муддатли истиқболда ижобий таъсир кўрсатади. Бунинг мисолини коррупсия даражаси энг паст бўлган мамлакатларда мансабдорларнинг иш ҳақи ишлаб чиқариш соҳасидаги иш ҳақига нисбатан 3-7 баравар юқори эканлигида кўриш мумкин.Энг мунозарали масалалардан бири бу давлатнинг монополист сифатида бозорларни томонидан тартибга солиниши,яъни бошқарилишидир. Эркин бозор тарафдорларининг таъкидлашича,давлат ролнинг пасайиши ва рақобатнинг кучайиши,коррупсиянинг пасайишига ёрдам бэради,чунки бу талаб

қилинадиган ихтиёрий куч миқдорини камайтиради ва ҳимоя тартибга солиш орқали бозор истунлигини олиш қобилияти ва шу сабабли ижара ҳақини олиш орқали имкониятини камайтиради. Дарҳақиқат, коррупсияси паст бўлган барча мамлакатлар нисбатан эркин иқтисодиёт билан ажралиб туради. Аксинча, мансабдор шахсларнинг монопол ҳокимияти ва нархларни бозор даражасидан паст даражада ушлаб туриши билан тавсифланган режали иқтисодиёт кам маҳсулот ва хизматларни олиш воситаси сифатида порахўрликни рағбатлантиради.[37]

2-савол баёни: Коррупсиянинг таснифлаш деб, унинг жамиятда эгаллаган ўрнига, хусусан фаолият мезонларига қараб бир неча турларга ажратишга айтилади. Шунга кўра коррупсияни кўплаб мезонларга кўра таснифлаш мумкин. Булар асосан қуйидагилардан иборат:

- ўзаро таъсир қилувчи субъектларнинг турлари бўйича (фуқаролар ва кичик ходимлар, фирмалар ва мансабдор шахслар, миллат ва сиёсий раҳбарият);
- фойда тури бўйича (фойда олиш ёки харажатларни камайтириш);
- йўналиши бўйича (ички ва ташқи);
- субъектларнинг ўзаро алоқа йўли;
- марказлаштирилганлик даражаси;
– башорат қилиниши мумкинлиги;
– изчиллиги ва бошқалар.

Коррупцияни ахлоқий-маънавий жиҳатдан баҳолаш. Ҳар қандай ҳодиса одамлар томонидан ахлоқий-маънавий жиҳатдан баҳоланади. Шунга кўра коррупциянинг турли кўринишларига ҳам ҳар хил ахлоқий баҳо бэрилади. Бунда баъзи ҳаракатлар – жиноий; бошқалари эса – ахлоқсиз ҳисобланади. Охиргисига, қоида тариқасида, меритократия тамойилини бузадиган сиёсий йўналишга асосланган қариндошлик ва ҳомийлик киради.

Коррупциянинг энг хавфли шаклларидан бири – бу жиноий жавобгарлик деб таснифланади. Буларга, *биринчи навбатда*, ўзлаштириш (ўғирлик) ва пора киради. Ўзлаштириш - мансабдор шахсга топширилган ресурсларни шахсий мақсадлар учун сарфлаб юбориш бўлиб, унинг оддий ўғирликдан дастлаб одам ресурсларни бошлиқдан, мижоздан ва бошқалар қонуний равишда тасарруф этиш ҳуқуқи олганлиги билан фарқланади. Кўпгина ҳолларда, агар пора бериш товламачиликнинг натижаси бўлмаса, пора берувчи ушбу битимдан асосий фойда олади. Овозларни сотиб олиш ҳам жиноий жавобгарликка сабаб бўлади (гарчи баъзилар буни коррупция эмас, балки виждонли сайлов кампаниясининг бир тури деб ҳисоблашади).

Кўпинча ҳокимиятни зўрлик билан алмаштиришга чақирувларнинг сабаби ҳам коррупция билан боғланган бўлади. Бунда, кўпинча маълум бир сиёсий элитага эмас, балки умуман сиёсий тизимга қарши айбловлар қўйилади. Оскар Ариас Санчэс таъкидлаганидек, авторитар режимлар ҳокимиятни суиистеъмол қилишнинг катта қисмини жамоатчиликдан яширишга қодир, шунинг учун уларнинг коррупцияси тўғрисида хулоса бутун дунё учун ўта муҳим далиллар ва зарарли оқибатларни таҳлил қилиш асосида амалга оширилади. Аксинча, демократиядаги коррупция кўпинча катта зарар етказишдан олдин кенг реклама қилинади ва бостирилади. Бироқ, даврий можаролар фуқароларда уларнинг мамлакатда сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнига таъсир ўтказиш қобилиятига ва демократиядан кўнгли қолганига шубҳа уйғотишигача олиб келади[38].

Бугунги кунда коррупсиянинг қуйидаги турлари мавжуд:

---

[37] Shleifer A., Vishny R. Pervasive shortages under socialism // RAND Journal of Economics. — 1992. — Vol. 23, No. 2 — P. 237

[38] Ариас Санчес, О. Предисловие // Основы борьбы с коррупцией (системы общегосударственной этики поведения) / Под ред. С. В. Максимова — М.: 1999

1. Кундалик турмушдаги коррупсия. Коррупсиянинг бу тури оддий фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг ўзаро таъсири натижасида юзага келади. Унда фуқароларнинг турли хил совғалари ва амалдорга ва унинг оила аъзоларига хизматлари киради. Ушбу тоифага қариндошлик (непотизм) киради.

2. Ишбилармонликдаги коррупсия. Коррупсиянинг бу тури ҳукумат ва бизнес ўзаро алоқада бўлганда юзага келади. Масалан, бизнес можаросида томонлар ўз фойдасига қарор чиқариш учун судянинг ёрдамига мурожаат қилишлари мумкин.

3. Юқори ҳокимиятдаги коррупсия. Коррупсиянинг бу турига дэмократик тизимдаги сиёсий раҳбарият ва олий судлар киради. Бу ҳокимиятда ўрнашиб олган виждонсиз кишилар гуруҳининг ўзларининг манфаатларини кўзлаб, сайловчилар манфаатларига зарар этказадиган даражада сиёсат олиб боришдир.

4. Коррупцион хизматлар бозори. Бу соҳада энг кенг тарқалган нарса - марказлаштирилмаган (ташқи) коррупсия бўлиб, бу мансабдор шахс ва алоҳида шахс ўртасида индивидуал равишда тузилган ўзаро фойдали келишув ҳисобланади. Шу билан бирга, бу келишувга биргаликдаги ташкилот аъзоларидан иборат бўлган ички коррупсияни ҳам қўшиб олишса, бу эса унга уюшган жиноятчилик тусини бэради.

Бихевиоризм[39] доктринасига кўра, инсон бирон бир жамоага кирар экан, у албатта ушбу жамоада қабул қилинган хулқ-атвор қоидаларини ҳам қабул қилади. Шунинг учун, бордию, агар идора ичидаги жамоанинг маданияти пора олиш ёки бэриш билан боғлиқ бўлса,яъни қониқиш муҳити, баъзан расмий масалалар билан шуғулланишда масъулияцизлик, ходимларнинг нотўғри хатти-ҳаракатларини муҳокама қилишда ошкораликнинг йўқлиги мавжуд бўлса,унда жамоага янги келганлар бу хатти-ҳаракатни одатдагидэк қабул қилишади ва келажакда унга риоя қилишади. Бироқ, бошқа тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, инсон ҳар доим бундай муҳитдан чиқиб кетиш учун асосий имкониятга эга бўлиб,унга микро-ҳамжамият томонидан жамоадаги бузилишларга қарши курашиш,бу курашни оммалаштириш, уларни ҳеч нарса бўлмагандэк эътиборсиз қолдириш, шахснинг ўзи томонидан бузилишларга йўл қўймаслик кабилар киради.

Амалдорлар орасида коррупциянинг тарқалиши, охир оқибатда унга бўйсунувчилар ҳам, раҳбарлар ҳам манфаатдор бўлишига олиб келади.

5. Хусусий шахснинг қизиқишлари. Ҳаётда ҳар бир шахснинг ўз қизиқишлари бўлади. Айниқса, кимдир оддий ишчи бўлишга, кимдир олим бўлишга, кимдир амалдор бўлиб халқнинг оғирини енгил қилишга, кимдир амалдор бўлиб шахсий бойлик орттиришга қизиқади. Буларнинг ичида энг ёмони давлат хизматчисининг товламачилик қилишидир.

Товламачилик ("ҳукумат рекети") – бу давлат амалдорлари томонидан ўзига бэрилган ваколатлар доирасида бошқа шахсларга лицензияларни, махсус рухсатномаларни ёки бошқа хизматларни бажаришга рухсатномани бэришни атайлаб пора эвазига бажаришидир. Шу билан бир қаторда, агар мансабдор шахс тўлаш керак бўлган тўловлар миқдорини (масалан, солиқлар ёки йиғимлар) баҳолаш ҳуқуқига эга бўлса, бу ҳам товламачилик, яъни пул талаб қилиш имкониятларини очиб бэради.

Давлат хизматчисининг товламачилик қилиши устидан ички ёки ташқи назорат органи орқали шикоят қилиш ҳуқуқи мавжуд. Қарор апелляция тартибининг қанчалик қимматга тушишига, шунингдэк, фуқаро давлат хизматчиси сифатида ўзининг қонуний ҳуқуқлари ва мажбуриятларини билишига боғлиқ.

*Ўзаро тил бириктириш***.** Бу товламачилик билан бир хил шароитда содир бўлади, лекин у иккала томон учун фойдали бўлиши ва давлатга зарар етказадиган битим тузишдан иборатлиги билан фарқ қилади. Масалан, божхона инспектори пора эвазига импорт

---

[39] ***Бихевиоризм – (инг. behaviour*** хулқ) — 19-а. нинг охири — 20-а. даги америка психологиясининг етакчи оқимларидан бири. Бихевиоризм таълимоти асосида одам ва ҳайвон хулқида ташқи муҳитдан бўладиган таъсир, қўзғатувчи (стимул)га жавобан юзага келадиган хатти ҳаракат ва унга тааллуқли нутқий ва ҳиссий жавобларнинг мажмуи ётади/

миқдорини камайтириши ва шу билан импорт қилувчи фирманинг божлар учун тўлаши керак бўлган миқдорни камайтириши мумкин. Битим расмий шахсни назорат қилиш учун масъул бўлган тузилмаларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

6. Коррупциянинг бойиб бориш соҳалари. Ҳар бир давлатнинг бюджети бўлиб, у асосан даромадлар ва харажатлар дэган қисмларни ўз ичига олади. Ана шу бюджетдаги давлат харажатлари бюрократия, айниқса юқори сиёсий элита учун коррупсияни бойитишнинг асосий соҳаларидан бири ҳисобланади. Булар жумласига *инвестиция лойиҳалари, давлат харидлари, бюджетдан ташқари маблағлар* киради.

Инвестиция лойиҳалари асосан юқори лавозимли шахсларнинг ўз ихтиёри билан қабул қилган қарорлари билан бэлгиланади. Йирик инвестиция лойиҳалари (хусусан, хорижий корпорациялар иштирокида) кўпинча монопол ҳуқуқларни танлов ғолибига топширишни ўз ичига олади. Ғолибликни қўлга киритиш учун расмийларга катта пора бэришни ваъда қилинади. Баъзи бир лойиҳалар маълум бир гуруҳлар лойиҳанинг ижрочиси сифатида тайинланганлардан ижара ҳақи ("ҳукумат ижараси" олишлари учун махсус яратилади.

Давлат харидлари, қоида тариқасида, бир нечта танлов орасидан объектив равишда энг яхши таклифни танлов асосида танлашни ўз ичига олади, лекин баъзида мансабдор шахс битимдан энг юқори "комиссия" ("тепки") ваъда қилган сотувчининг ғалабасини таъминлай олади. Бунинг учун тендэрда иштирок этиш чэкланган, унинг қоидалари тўлиқ эълон қилинмаган ва ҳоказо. Натижада, харидлар оширилган нархда амалга оширилади.

Бюджетдан ташқари маблағлар кўпинча қонуний мақсадлар учун яратилади (пенсия жамғармалари, йўл фондлари ва бошқалар) Аммо баъзи бир фондларда, масалан, ногиронларга ёрдам бэриш учун, уларнинг даромадлари реал харажатлардан сезиларли даражада ошиб кетиши мумкин, бу эса баъзи мансабдор шахсларнинг "профицит" га эришиш истагини рағбатлантиради. Аксинча, дэфицит бўлган тақдирда, амалдорлар кўпинча пулни ким олишини ўз хоҳишига кўра ҳал қилишади. Баъзи мамлакатларда чэт эл ёрдами орқали ёки табиий ресурсларни сотишдан олинган маблағлар бюджет маблағларига қараганда камроқ шаффоф ва кам назорат остида бўлган махсус фондларга йўналтирилади. Товарлар нархларининг бир неча дақиқали ўзгариши сабабли, операциянинг ҳақиқий миқдорини ва бундай маблағларга ажратмалар миқдорини аниқлаш осон эмас, бу пулнинг бир қисмини мансабдор шахсларнинг чўнтагига йўналтиришга имкон бэради.

Коррупция нуқтаи назаридан энг даромадли бошқа соҳаларга қуйидагилар киради:

– солиқ имтиёзлари;
– товарларни бозор нархларидан паст нархларда сотиш;
– ернинг қийматига таъсир кўрсатиши сабабли ерни раёнлаштириш;
– табиий бойликларни қазиб олиш;
–давлат активларини сотиш, айниқса давлат корхоналарини хусусийлаштириш;
– тижорат (хусусан, экспорт-импорт) фаолиятининг муайян турига монопол ҳокимият бэриш;
– яширин иқтисодиёт ва ноқонуний бизнес устидан назорат (товламачилик, таъқиб қилишдан ҳимоя қилиш, рақибларини йўқ қилиш ва бошқалар);
– ҳукуматдаги масъул лавозимларга тайинлаш.

Бунда шуни унутмаслик керакки, фуқароларнинг иқтисодий онгининг, ҳуқуқий тафаккурининг етарли даражада шаклланмаганлиги сабабли, уларнинг давлат бошқарувидаги маълумотларга эркин кириш имкониятининг йўқлиги (яъни унинг хиралаштирилганлиги) коррупсияга сабаб бўлади ва муқаррар равишда мамлакатни иқтисодий инқирозга олиб келади.

7. Суд тизимидаги коррупция. Мамлакатда мавжуд бўлган коррупсия шаклларининг биринчисини судялар бошчилигидаги суд тизимидаги коррупсия ташкил қилади.

7.1. Қонунчиликдаги "вилкалар". Кўпгина нормалар судяга айбнинг даражаси, ҳуқуқбузарликнинг оғирлиги ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олиш учун енгил ва оғир жазо турларидан бирини танлашга имкон бэради. Бундай ҳолда судя ҳуқуқбузарликни содир этган

фуқарога таъсир ўтказиш воситасига эга. Жазонинг юқори ва пастки чэгаралари ўртасидаги фарқ қанчалик катта бўлса, фуқаро шунчалик кўп пора бэришга тайёр бўлади.

7.2. Муқобил маъмурий жазо. Муқобил маъмурий жазо қўлланилишига оид қонун қоидалар мавжуд, масалан, жарима ёки ҳибсга олиш. Улар кўпгина "вилкалар" меъёрларидан нафақат кенг қамровли жазолар (ва, дэмак, ҳуқуқбузарга пора бэриш учун кучли туртки) билан, балки адолатни суд, ҳокимият эмас, балки ижро этувчи ҳокимият вакиллари амалга ошириши билан ажралиб туради. Кўпгина ҳуқуқшунослар ушбу турдаги санксияларни қўллаш фақат жиноий суд ишларини юритишда асосланади, дэб ҳисоблашади, аммо маъмурий жараёнда унчалик катта асосга эга эмас. Биринчидан, суд суд жараёнининг очиқлиги (ошкоралик), қарама-қаршилик, оғзаки ва долзарблик принсипларига асосланади. Маъмурий суд ишларида фуқаро кўп ҳолларда ҳокимият вакили билан ёлғиз қолади. Иккинчидан, маъмурий ҳуқуқбузарлик учун энг юқори жазо ҳам жиноятчи учун жиноят қонунчилигидаги каби оғир эмас, уни фарқлаш мантиқан тўғри келади

7.3. Ҳуқуқбузарликнинг таркибини қайта малакалаш. Қонундаги "Вилкалар" нинг яна бир тури - бу ҳуқуқбузарликнинг турли кодларда такрорланиши. Бу содир этилган ҳуқуқбузарликни енгилроқ тоифага (масалан, жиноятчиликдан маъмурий ёки фуқаролик даражасига) ёки аксинча, оғирроқ тоифага қайта малакалаш имкониятларини очиб бэради. Қонунчилик ҳужжатлари аниқ бўлмаганлиги сабабли жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларни фарқлаш қийин кечади ва бундай ҳолатларда судялар (ёки мансабдор шахслар) ўз ихтиёри билан қарор қабул қилишади, бу эса пора олиш ва товламачилик учун имкониятлар эшигини очиб бэради.

7.4. Фуқароларнинг пулини йўқотишлари. Баъзи қонун нормалари ҳуқуқ нормаларига бўйсуниши билан боғлиқ бўлган шахсга зарар этказса коррупсияга сабаб бўлиши мумкин. Бунда ҳатто жарима миқдори ва жиноят учун пора номинал даражада тенг бўлган тақдирда ҳам, жаримани тўлашда банкда тўловни амалга ошириш ва жаримани расмийлаштирган идорага тўловни тасдиқловчи ҳужжатларни (квитансиялар) тақдим этиш учун пул бўлмаган вақт сарфлари билан бирга олиб борилишини таъкидлаш жоиз. Қонун устуворлиги оқибатида етказилган зарарли зараралар ҳар хил ва фуқаролар учун ҳар хил даражада ёқимсиз ҳисобланади. Шуни ҳам эътиборга олиш керакки, ҳали барча фуқаролар ўз ҳуқуқларини судда ҳимоя қилишга тайёр эмаслар. Бу эса ўз навбатида коррупсиянинг яшовчанлигини таъминлашга хизмат қилади.

. Қисқача хулосалар

1. Коррупсия - мансабдор шахсларнинг ўзларига ишониб топширилган ҳуқуқлари ва ҳокимият ваколотидан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиши бўлиб,у ўз ичига порахўрлик,мансбни суиистеъмол қилиш ва бошқа ноқонуний ҳаракатларни ўз ичига олади.

2. Коррупсия яширин характерига эга бўлиб,яъни зимдан иш қилиш орқали катта бойликни қўлга киритишга ҳаракат қилади.

3. Коррупсия келишувчанлик характерига эга,унинг иштирокчилари ўзаро келишган ҳолда ҳаракат қиладилар.

4. Коррупсия мосланувчанлик хусусиятига эга.Чунки пора бэрувчи ҳам пора олувчи ҳам ўзро келишишиб олишган бўлади.

5. Коррупсиянинг асосий мақсади пора эвазига бойлик орттириш,тўплашдир.

6. Пора *(форсча – бўлак, лахтак, парча; ҳисса, улуш; йиртилган, кесилган)* бирор ишни ноқонуний тарзда битириб бергани учун мансабдор шахсга берилдиган ёки берилган нарса ёки пул.

Назорат саволлари:

1. Коррупция тушунчасини моҳиятини изоҳланг?
2. Коррупциянинг тарихий ўзакларини тушунтириб беринг?

3. Аҳоли ҳуқуқий саводхонлигининг пастлиги деганда нимани тушунчасиз?
4. Коррупцияга қарши курашда юқори натижаларга эришган мамлакатларни санаб беринг?
5. Коррупциянинг субъектларига кимлар киради?
6. Солиқ тизимида коррупция борлигига ишонасизми?
5. Қайси соҳаларни коррупциялашган дэб ўйлайсиз?
7. Коррупциянинг зарарли оқибатларини санаб бэринг?
8. Коррупциянинг ўсиб боришининг сабабларини биласизми?
9. Маъмурий коррупция дэганда нимани тушунасиз.?
10. "*Коррупсия – тараққиёт кушандаси*" дэган фикр ҳақида ўз мулоҳазаларингизни билдиринг?

Mavzuni mustahkamlash uchun nazorat test savollari:

"Korrupsiya" atamasining ma'nosi...====

davlat mulkini yuqori lavozimdagi amaldor shaxslar tomonidan o'zlashtirish, o'g'irlash====

«Korrupsiya» atamasi lotincha «corrumpere – corruptio» degan so'zdan olingan bo'lib, o'zbek tilida buzilish,aynish,tanazzul,sotib olish, sotib yuborish, degan ma'nolarni anglatadi====

o'zining manfaatlari yo'lida o'z lavozimini suiiste'mol qilish====

shaxsiy manfaatdorlik va jamiyat oldidagi burchining o'rtasidagi to'qnashuv++++

O'zbekiston Respublikasining "Korrupsiyaga qarshi kurashish to'g'risida" qonuni qachon qabul qilingan?====

2017 yil 3 yanvar====

1991 yil 14 iyun====

1998 yil 1 may====

2018 yil 30 iyun++++

Korrupsiya — shaxsning o'z mansab yoki xizmat mavqeidan shaxsiy manfaatlarini yoxud o'zga shaxslarning manfaatlarini ko'zlab moddiy yoki nomoddiy naf olish maqsadida qonunga xilof ravishda foydalanishi, xuddi shuningdek bunday nafni qonunga xilof ravishda taqdim etish",– degan ta'rif qaysi manbada berilgan?====

"Ekstremizm to'grisida"gi qonunda====

Quro'ni karimda====

Hadislarda====

"Korrupsiyaga qarshi kurashish to'g'risida" qonunda++++

Bixeviorizm termini …====

Korrupsion xizmatlar bozori====

Ishbilarmonlikdagi korrupsiya====

#ing. behaviour -xulq====

Nepotizm++++

2020 yil 29 iyunda O'zbekiston Respublikasining Prezidenti tomonidan imzolangan "O'zbekiston Respublikasida korrupsiyaga qarshi kurashish tizimini takomillashtirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi Farmoni bilan...====

Korrupsiyaga qarshi kurashish agentligi tashkil etildi====

O'zbekistonda korrupsiyaga qarshi kurashish taktikasi ishlab chiqildi====

O'zbekistonda korrupsiyaga qarshi kurashish strategiyasi ishlab chiqildi====

Barcha javoblar to'g'ri.++++

«Korrupsion chaqiriqlar darajasi», «Korrupsiya tahdidi» va «Korrupsiya haqida axborotning yetishmasligi» ko'rsatgichlari qaysi bandda to'g'ri berilgan?====

"yorqin(oq) rangli – korrupsiya darajasi eng kam bo'lgan davlatlar;====

to‘q sariq(kulrang) rangli – korrupsiya darajasi o‘rtacha bo‘lgan davlatlar;====
qizil rangli – korrupsiya darajasi yuqori bo‘lgan davlatlar;====
A,V,S javoblar to‘g‘ri.++++
Pora arab tilida…====
jo‘ja onasi og‘ziga biror narsa solishi uchun bo‘ynini – boshini cho‘zganiga aytiladi====
rishva====
Botil====
A va V javoblar to‘g‘ri++++
Korrupsiyaga oid huquqbuzarlik haqida xabar bergan yoki korrupsiyaga qarshi kurashishga boshqa tarzda ko‘maklashgan shaxslarni rag‘batlantirish tartibi to‘g‘risida NIZOM QACHON QABUL QILINDI?====
Vazirlar Mahkamasining 2020 yil 31 dekabrdagi 829-son qarori bilan====
Vazirlar Mahkamasining 2019 yil 31 dekabrdagi 129-son qarori bilan====
Rag‘batlantirish bir martalik pul mukofoti, tashakkurnoma yoki esdalik sovg‘a shaklida====
bazaviy hisoblash miqdorining uch baravari miqdoridan- bazaviy hisoblash miqdorining yuz baravarigacha.++++
Global korrupsiya hozirgi davr global muammolarining qaysi guruhiga mansub?====
“Inson – jamiyat” tizimidagi munosabatlarga doir global muammolarga.====
“Inson – tabiat” tizimidagi munosabatlarga oid global muammolarga.====
Jamiyat ichki jarayonlaridagi ziddiyatli munosabatlar keltirib chiqargan global muammolarga.====
Ijtimoiy-iqtisodiy qoloqlik bilan bog‘liq global muammolarga.++++
“Butunjahon korrupsiyaga qarshi kurashish kuni” qaysi xalqaro tashkilot tomonidan qaysi kun deb belgilangan?====
1787 yilda qabul qilingan AQSh Konstitutsiyasiga muvofiq 9 dekabr sanasi.====
2003 yil 31 oktabrdagi BMTning Korrupsiyaga qarshi konvensiyasida 9 dekabr sanasi.====
2003 yil 21 noyabrdagi BMT Bosh Assambleyasining rezolyusiyasiga muvofiq 9 dekabr sanasi.====
2003 yil 9 dekabrda BMT tomonidan tashkil etilgan konferensiyada imzolangan xalqaro konvensiyaga muvofiq 9 dekabr sanasi.++++
O‘zbekiston Respublikasining “Korrupsiyaga qarshi kurashish to‘g‘risida”gi Qonuni qabul qilingan sana qaysi?====
Oliy Majlis Qonunchilik palatasi tomonidan 2016 yil 24 noyabrda qabul qilingan.====
Oliy Majlis Senati tomonidan 2016 yil 13 dekabrda ma’qullangan.====
Prezident tomonidan 2017 yil 3 yanvarda imzolangan.№ O‘RQ – 419.====
Matbuotda 2017 yil 4 yanvarda e’lon qilingan.++++
“Korrupsiyaga qarshi kurashishning asosiy prinsiplari” O‘zbekiston Respublikasining qaysi qonunida nechanchi moddada belgilab berilgan?====
2020 yil 29 iyunda O‘zbekiston Respublikasining Prezidenti tomonidan imzolangan “O‘zbekiston Respublikasida korrupsiyaga qarshi kurashish tizimini takomillashtirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi Farmonida.====
2017 yil 3 yanvarda qabul qilingan O‘zbekiston Respublikasining “Korrupsiyaga qarshi kurashish to‘g‘risida”gi Qonunning 4-moddasida.====
2017 yil 3 yanvarda qabul qilingan O‘zbekiston Respublikasining “Korrupsiyaga qarshi kurashish to‘g‘risida”gi Qonunning 5-moddasida.====
2017 yil 3 yanvarda qabul qilingan O‘zbekiston Respublikasining “Korrupsiyaga qarshi kurashish to‘g‘risida”gi Qonunning 7-moddasida.++++

Korrupsiyaga qarshi kurashish bo‘yicha faoliyatni amalga oshiruvchi davlat organlari qaysilar?====
O‘zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi va Adliya vazirligi.====

O‘zbekiston Respublikasi Davlat xavfsilik xizmati va Ichki ishlar vazirligi.====
O‘zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi huzuridagi soliq, valyutaga oid jinoyatlarga va jinoiy daromadlarni legallashtirishga qarshi kurashish departamenti va qonun hujjatlariga muvofiq boshqa davlat organlari.====
Barcha javoblar to‘g‘ri.++++

15-Мавзу: ЎЗБЕКИСТОННИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ СИЁСАТИ.

Мавзу режаси:

1. Дунё ва Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашда тизимли ёндошувнинг зарурати**.**
2. Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари.
3. Коррупциянинг маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жиноят сифатидаги таҳлили ва уни бартараф этишда жамоатчилик назоратини кучайтиришнинг аҳамияти.

Таянч тушунчалар

Коррупция, парадигма, Сингапур тажрибаси, Швеция тажрибаси, коррупцияга қарши кураш стратегияси ва тактикаси, ҳалоллик вакцинаси, ахборот олишнинг очиқлиги

1-савол баёни: Кишилар жамият ҳаётида юз бераётган барча жараёнларни кузатар экан, уларга нисбатан хайрихоҳ ёки қарши, ёки бэфарқ муносабатда бўлаётганликларини кўришимиз мумкин. Шу нуқтаи назардан қараганда коррупцияга қарши кураш масаласида ҳам шундай муносабат мавжудлигини кузатиш мумкин. Бироқ, коррупциянинг жамият тараққиётининг кушандаси эканлигини англаган одамлар,бу иллатга қарши кураш бўйича бир қатор тактик усулларни қўллаш ва стратегик йўналишларини бэлгилаб олиш борасида илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган ишланмаларни фалсафий парадигмалар шаклида ишлаб чиққан ҳолда ҳаётга жорий қилишга ҳаракат қилмоқдалар. *Коррупцияга қарши кураш ҳақидаги фалсафий парадигма - бу коррупцияга қарши кураш ҳақидаги ғоялар, қарашлар ва тушунчаларнинг етакчи тизимини белгилаш учун ишлатиладиган дастлабки концептуал схемалар, муаммоларни қўйиш ва уларни ҳал қилиш моделлари, тадқиқот усуллари, уларни амалга оширишнинг тактикаси ва стратегияси ҳақидаги постулатлар ва стандартлар тизимига айтилади.* Бу борада яратилган фалсафий парадигмаларни;

а) тарихий макон ва замонда жойлашган ўрнига қараб – қадимги, ўрта аср, янги ва энг янги даврдаги;

б) жазоларни қўллаш усул ва воситаларига қараб – қилмишига яраша қонунларда белгиланган тартибда жазолаш;

в) субъектлари бўйича – индивидуал, жамоавий;

г) ахлоқий-маънавий таъсирига қараб – жамоа олдида уялтириш, тадбирларига қўшмай изза қилиш ва бошқа шу кабиларга ажратиш мумкин.

Бу парадигмаларни қуйидаги давлатлар мисолида кўриш мумкин:

Сингапурнинг коррупцияга қарши курашдаги фалсафий парадигмаси ва уни амалга ошириш стратегияси. Сингапур коррупцияга қарши кураш стратегияси ўзининг қатъийлиги ва изчиллиги билан ажралиб туради. Бу мамлакатдаги фалсафий парадигма "коррупцияни назорат қилиш мантиғи" га асосланиб: "коррупцияни йўқ қилишга уринишлар ҳам рағбатлантирувчи, ҳам шахсни коррупциявий ҳаракатларни содир этишга ундаш учун имконият яратадиган шароитларни минималлаштириш ёки йўқ қилиш истагига асосланган

бўлиши керак"[40],– деган ғояга асосланади. Бу парадигмада: *биринчидан*, мансабдор шахсларнинг ҳаракатларини тартибга солиш; *иккинчидан,* бюрократик процедураларни соддалаштириш; *учинчидан*, юксак ахлоқий-маънавий меъёрларга риоя қилиш устидан қатъий назоратни кучайтириш масаласи илгари сурилган эди.

1965 йилда мустақиллик даврида Сингапур коррупция даражаси юқори бўлган мамлакат эди. Ундан қутилиш учун қонунчилик кучайтирилди, суд ҳокимиятининг мустақиллиги оширилди (юқори иш ҳақи ва судяларнинг имтиёзли мақоми билан), пора бергани ёки коррупцияга қарши терговда қатнашишдан бош тортганлиги учун иқтисодий санкциялар жорий этилди ва божхона ходимлари ва бошқа давлат хизматларини тўлиқ ишдан бўшатишгача қаттиқ чоралар кўрилди. Бу иқтисодиётни тартибга солиш, мансабдор шахсларнинг иш ҳақини ошириш ва маъмурий кадрларни тайёрлаш билан бирлаштирилди. Коррупция ҳолатларини тергов қилувчи автоном Бюро тузилди ва у фуқароларнинг давлат хизматчилари устидан шикоятини ва улар томонидан етказилган зарарни ундириб берувчи марказга айлантирилди. Шу тариқа,айни пайтда Сингапур коррупция, иқтисодий эркинлик ва ривожланишнинг юқорилиги бўйича дунёда етакчи ҳисобланади.

Швециянинг коррупцияга қарши курашдаги фалсафий парадигмаси ва уни амалга ошириш стратегияси. XIX асрнинг ўрталарига қадар Швеция коррупция ривожланган мамлакат эди. Бундан қутилиш йўлини ўзида акс эттирувчи фалсафий парадигманинг ўзига хос хусусиятлари: *биринчидан*, меркантилизм ва унинг оқибатларини тугатиш; *иккинчидан*, барча поғонадаги мансабдорлар учун юксак даражадаги ахлоқий-маънавий нормаларни ишлаб чиқиш ва уларга амал қилишни таъминлаш; *учинчидан*, мустақил ва адолатли суд тизимини яратиш кабилар билан тавсифланади. Шунга кўра мамлакатни модернизация қилишда меркантилизмни йўқ қилиш бўйича чора-тадбирлар кўрилди. Ўшандан бери давлат томонидан тартибга солиш фирмаларга қараганда кўпроқ уй хўжаликларига қаратилди,бунда эътибор тақиқлаш ва рухсатномалар беришга эмас, балки имтиёзларни, солиқлар юкини камайтириш ва шу кабилар орқали беришга қаратилди. Ички давлат ҳужжатларидан фойдаланиш имконияти очилди, мустақил ва самарали судловга асосланган адолат тизими яратилди. Шу билан бирга, Швеция парламенти ва ҳукумати маъмурлар учун юқори ахлоқий меъёрларни ўрнатди ва уларни бажариш бошланди. Натижада, бир неча йил ўтгач, ҳалоллик амалдорлар(бюрократия) ўртасида ижтимоий нормага айланди. Бугунги кунда Швеция дунёдаги энг паст коррупция даражасига эга давлатлардан бири саналади.

Булардан ташқари бундай парадигмаларни амалга оширишни Гонгконг, Португалия, Малайзия, Эстония каби мамлакатлар мисолида ҳам келтириш мумкин.

Ҳозирги кундаги коррупцияга қарши кураш бўйича фалсафий парадигмалар: муаммо ва ечимлар. Бугунги кунга қадар педагогика, психология, фалсафа, бошқарув назариясида бирон бир шахснинг идеал даражадаги амалдор бўлишига кафолат берадиган маълум усуллар мавжуд эмас. Бироқ, коррупция даражаси жуда паст бўлган кўплаб мамлакатлар мавжуд. Бундан ташқари, давлатлар тарихида коррупцияни камайтиришга қаратилган ҳаракатлар муҳим ютуқларга олиб келганлиги ҳақида мисоллар ҳам бор. Масалан, Эстония, Сингапур, Гонконг, Португалия, Швеция шундай давлатлар қаторига киради. Бу эса, ўз навбатида коррупцияга қарши кураш бўйича муайян фалсафий парадигмаларга асосланган усулларининг мавжудлигини кўрсатади. Мантиқан фалсафий парадигмалар нуқтаи назаридан қаралса, агар давлат бўлмаса, коррупция ҳам бўлмайди. Давлатнинг кўплаб функциялари борки, уларни фуқаролар бажаришга мажбурдирлар. Шу сабабли уларни йўқ қилиш мумкин эмас. Масалан, барча солиқларни бекор қилиш орқали солиқ идораларида коррупцияга қарши курашиш мумкин эмас. Шунга қарамай, коррупция кенг тарқалган муҳитда, коррупция гирдобига ботган давлат органларини тарқатиб юбориш, ундан қутулишнинг энг самарали

[40]ВЦИОП — Сингапурская стратегия борьбы с коррупцией (недоступная ссылка). Дата обращения: 25 сентября 2006. Архивировано 29 апреля 2005 года.

радикал усулларидан бири бўлиб туюлади. Бироқ, барча амалдорлар очкўз, пораҳўр бўлмаслиги ҳам мумкин. Буни ҳам ҳисобга олишга тўғри келади.

Ҳозирги кунда коррупцияни камайтириш борасида учта фалсафий парадигмал ёндашув борлиги кўзга ташланади.

Биринчиси, коррупцияга алоқадор бўлганларни қилмишига яраша жиноий жавобгарликка тортиш учун янги қонунлар қабул қилиш ва уларнинг ижросини катъий тарзда амалга оширишни таъминлаш.

Иккинчиси, амалдорларнинг коррупция батқоғига ботиб кетмаслиги учун қоида ва қонунларни бузмасдан туриб, уларнинг даромадларини кўпайтиришга имкон берадиган иқтисодий механизмларни яратишни йўлга қўйиш.

Учинчиси, бозорлар ва рақобатнинг ролини ошириш орқали коррупциядан олинадиган даромадлар улушини камайтириш.

Мазкур фалсафий парадигмаларни амалга оширишнинг умумий илмий-амалий механизмлари жумласига қуйидагилар киради:

1. Ички назорат. Бунга давлат бошқарув аппаратида мавжуд бўлган ички механизмлар ва рағбатлантириш омиллари киради. Буларга мансабдор шахсларнинг ўз вазифаларини бажариши учун аниқ стандартларнинг ишлаб чиқилганлиги ва уни бажариш юзасидан ходим устидан қатъий назорат ўрнатилишни таъминлашнинг мавжудлиги киради. Назоратни таъминлаш учун кўпинча автоном ишлайдиган махсус бўлимлар ташкил қилинади. Масалан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари кўпинча ижро этувчи ҳокимият раҳбарига, шунингдэк бюрократик аппаратга бўйсунсада, аммо шу билан бирга сезиларли даражада ички назоратни амалга ошириш бўйича ўз ваколотларига эга бўлади. Шу туфайли коррупсияга қарши курашнинг фалсафий парадигмаларини амалга оширишнинг асосий усули бўлган ички назорат бугунги кунда асосий,салмоқли,самарадор ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда.

2. Ташқи бошқарув. Бунга ижро ҳокимиятидан юқори даражада мустақилликка эга бўлган механизмлар киради. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2003 йилда қабул қилинган “Коррупсияга қарши конвенсияси”да коррупсияга дахлдорлиги учун огоҳлантириш,коррупсияда иштироки учун жиноий таъқиб ва тергов ҳамда амалиёт операцияларини ишга солмаслик,жиноят йўли билан топилган маблағларни қайтариш мақсадида ҳатлаш,мусодара қилишга йўналтириш бўйича амал қиладиган механизмлар кўрсатиб ўтилган. Бундай механизмлар қаторига кирувчи мустақил суд тизимининг мавжудлиги ва унинг қонунни бузган бюрократни осонгина ва самарали суд қилиши,амалда коррупсиянинг потенсиал жозибадорлигини кескин пасайтиради. Шу билан бир қаторда сўз ва оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги бюрократик аппаратда коррупсия ҳолатларини назорат қилишнинг энг самарали воситаларидан бири ҳисобланади.

Ташқи назорат эркин бозор иқтисодиёти ва либэрал дэмократик давлатларга хосдир. Бу биринчи навбатда, бозорнинг нормал ишлашини таъминлаш учун аниқ қоидалар, механизмларни яратиш ва ишга тушуриш,иккинчи навбатда соғлом рақобат муҳитини таъминлайдиган самарали ҳуқуқий тизимини шакллантиришни талаб этилиши билан боғлиқлиги билан тавсифлаш мумкин. Либэрал дэмократия ўз мақсадларига эришиш учун сайлов тизимига, қонун устуворлигига, мустақил суд тизимига, ҳокимиятнинг тақсимланишига ва «чэклаш ва мувозанат»ни сақлаш тизимига таянади. Ушбу сиёсий институтларнинг барчаси бир вақтнинг ўзида коррупсия устидан ташқи назорат механизмлари бўлиб хизмат қилади.

Бироқ, либэрал дэмократиянинг барча қоидалари ҳам коррупсияга қарши курашиш учун бир хилда аҳамиятга эга эмас. Масалан, ҳокимиятнинг тақсимлаш принсипи. Ваколатларнинг тақсимланиши уларнинг горизонтал равишда бир-бирларини назорат қилишларини рағбатлантиради. Масалан, парламент дэмократиясида вакиллик ҳокимияти ҳукуматни ишдан бўшатиш ваколатига эга. Бошқа томондан, президэнтлик дэмократиясида ҳокимият тармоқлари янада функсионал равишда бўлинади. Шунга қарамай, президэнтлик республикаларида коррупсия одатда парламентдаги каби юқори, бу, эҳтимол, президэнтга

импичмент эълон қилиш процедурасининг оғирлиги билан боғлиқ. Бундан ташқари, ваколатларни ҳудудий даражага кўра тақсимлаш ва шу билан ижро этувчи ҳокимият ваколатларининг кўп қисмини маҳаллий ўзини ўзи бошқариш даражасига ўтказиш давлат органлари сонининг самарали қисқаришига олиб келади. Бу ҳукуматнинг ахборот шаффофлигини оширади ва коррупсияни камайтиради.

Шунга қарамай, максимал даражада марказсизлаштиришни таъминлайдиган давлатнинг федэрал тузилиши кўпинча бир хил фаолиятнинг турли қирраларини турли даражадаги мансабдор шахслар томонидан тартибга солинишига ва бинобарин, унитар давлатларга нисбатан кўпроқ коррупсияга олиб келади.

3. Сайлов тизими. Дэмократик мамлакатларда сайланган вакилларни коррупсия учун жазолашнинг асосий усули, уларни кейинги сайловларда ҳокимиятдан чэтлаштириш ҳисобланади. Бу шуни англатадики, сайловчининг ўзи танлаган кишиларнинг ҳалоллиги ва жавобгарлиги даражаси учун жавобгардир. Коррупсияга қарши қурол сифатида сайловларнинг юқори самарадорлигига қарамай, уларнинг таъсири жуда суст. Бир қатор муаллифларнинг таъкидлашича, сайлов жараёнидаги камчиликлар коррупсия доирасига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин. Агар сайловлар қонунбузарликсиз ўтказилган бўлса ҳам, уларнинг ўзи сайловчиларни у ёки бу номзодга мафкуравий сабабларга кўра овоз бэришни рағбатлантириши мумкин, бунда унинг шахсан ўзи, бўйсунувчилари ёки умуман ўз партияси коррупсиясини эътиборсиз қолдиради. Бу амалда тасдиқланган гипотеза ҳисобланади..

Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, мажоритар тизим энг катта индивидуал жавобгарликни таъминлайди ва бир нечта вакилларни ёки очиқ партиялар рўйхати билан сайланадиган сайловчилар номзодларнинг бэнуқсонлигига бўлган эътиборини сезиларли даражада оширади.

4. Умумий чора-тадбирлар. Коррупцияга қарши кураш бўйича ҳозирги кундаги фалсафий парадигмаларни амалга ошириш бўйича қўлланиладиган умумий чора-тадбирларга қуйидагиларни киритиш мумкин.

Коррупцион нормаларнинг конституцияга хилофлиги. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчларига чекловлар қўядиган ҳар қандай меъёрлар коррупцияга олиб келиши мумкин, фақат бундан конституциявий эркинликлар ва инсон ҳуқуқларини тавсифловчи нормалар мустаснодир. Конституция шахсларга эмас, балки давлат ҳокимиятига нисбатан чекловларни жорий қилади, бу ҳам қонуннинг ҳаддан ташқари оширилган талабларидан, ҳам давлат ҳокимияти органларига ўзбошимчалик ваколатлари берилишининг институционал кафолати ҳисобланади. Коррупция нормалари муқаррар равишда Конституцияда белгиланган инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузади. Коррупцияга қарши мустақил экспертиза доирасида коррупция нормаларини аниқлаш орқали, уларнинг фаолиятига чек қўйиш мумкин бўлади.

Фуқароларни ахборот билан таъминлаш. Коррупцияга қарши курашнинг мазкур умумий аҳамиятга эга бўлган парадигмал услуби фуқароларга уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари нимада, уни бузиш қандай ҳуқуқбузарликларга олиб келиши мумкинлиги, суд процедураси қандай ўтиши ва унда нималарни ҳисобга олинишини аниқ ва равшан тарзда қилиб тушунтириш мақсадида қонунларни таҳлил қилиш орқали тушунтиришни ўз ичига олади. Буларнинг барчасини билган, тушунган фуқаролар пора беришга ундаган мансабдор шахс билан юзма-юз келганда ўзларини янада ишончли тутишади.

Идоравий тизимларнинг очиқлиги. Идоралараро операцияларнинг ошкоралиги ва тегишли фуқаролик назорати идоралараро ҳужжатларни оммавий Интернетда нашр этиш ва очиқ муҳокама қилиш орқали амалга оширилиши мумкин, бу эса коррупциянинг пойдэворини жиддий равишда бузишга олиб келади. Бироқ, бундай механизмлар тижорат сирларини ҳимоя қилиш бўйича ўта қатъий қоидалар билан чекланган ёки улардан айрим бўлимларда фойдаланиш фуқароларнинг шахсий маълумотларини ва мудофаа бўлимлари ва

ташкилотларида махфий маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича қўшимча чоралар кўриш зарурати билан боғлиқ бўлади

Мансабдор шахсларнинг ижтимоий таъминоти. Биринчи даражали тиббий ёрдам, кўчмас мулк сотиб олиш учун фоизсиз кредитлар, катта миқдордаги пенсия - буларнинг барчаси давлат секторида иш ҳақининг ошиши билан баробардир. Мансабдор шахс коррупциявий ҳаракатларга тушиб қолса, бу унинг мансабидан айрилиб қолиш эҳтимолини оширади. Парадигмал мазмундаги тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ушбу чора коррупцияга дарҳол таъсир қилмайди, аммо вақт ўтиши билан бюрократия сифатини яхшилайди.

Умуман олганда, коррупцияга қарши курашишда бундай усуллардан тизимли равишда фойдаланиш, тизимли ёндашув ниҳоятда муҳимдир.

2-савол баёни:-Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашнинг зарурлиги**.** «Қизил империя» мақомини олган СССР парчаланиб кетгандан сўнг унинг ўрнида пайдо бўлган мустақил мамлакатларда ҳокимият учун собиқ коммунистлар, либэрал дэмократлар, дин мутассадилари, уюшган жиноятчилар ўртасида курашлар бошланиб кетди. Натижада, мамлакатимизда ҳам унинг мустқиллигига, давлат суверинитетига, фуқароларнинг тинч-осуда яшашларига таҳдид солувчи кўпгина нохуш воқеалар содир бўлди. Бу воқеаларнинг ортида қандай бўлмасин ҳокимиятни қўлга киритиб, давлат мулкини ўзининг шахсий-хусусий мулки қилиб олишга ҳаракат қилаётган «кимса»лар, яъни халқ тили билан айтганда мафиялашган коррупционерлар турар эди. Дэмак, уларнинг асосий мақсади – қандай қилиб бўлмасин ҳокимияни эгаллаб олиш,уни бошқариш учун бэрилган ваколатлардан ўзининг шахсий манфаатлари йўлида фойдаланишни йўлга қўйиш орқали катта битмас-тугалмас бойликка эга бўлишдан иборат бўлганлиги ҳеч кимга сир эмас эди. Афсуски,уларнинг манфур мақсадлари амалга ошмай қолди. Халқ иродаси билан унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ҳуқуқий давлатни амалга ошириш тамойилларига асосланган давлат ҳокимияти шакллантирилди. Давлатнинг ўзи халқнинг манфаат ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда кенг қамровли ислоҳотларни бошлаб юборди. Шулардан бири коррупсияга қарши курашишдан иборатдир.

Коррупциянинг кенг тарқалганлиги ва уни таг-томири билан йўқ қилишнинг иложини топиш қийинлигини кўзда тутиб, уни –«халқаро офат» деб аташ мумкин. Давлат ҳокимияти тузилмаларининг турли бўғинлари ва турли даражалари вакиллари ҳам унинг йўлдан оздирувчи таъсирига тушиб қолади. Коррупсия вужудга келиб, у энг аввало, уюшган жиноий тузилмаларга мададкор бўлиш ёки тўғридан-тўғри ёрдам бэриш учун давлат хизматининг имкониятларидан фойдаланади. Бу эса жиноятчилик ва корруппия жамиятга келтирадиган салбий оқибатлар туфайли жамият хавфсизлиги ва барқарорлигига тўғридан-тўғри таҳдиддир.

Коррупциянинг мамлакатимизнинг хавфсизлигига солаётган таҳдидлари қуйидагалардан иборат:

Биринчидан, сиёсий жиҳатдан олганда, коррупсия амалга оширилаётган ислоҳотларга қаршилик кўрсатиш ифодасидир. Унда ўз умрини яшаб бўлган, янги иқтисодий муносабатларни ўзига қарши таҳдид дэб билган ҳолда, уларнинг ривожланишини секинлаштириб қўйишга ҳаракат қиладиган маъмурий буйруқбозлик тизими билан "хуфёна" иқтисодиётнинг манфаатлари объектив равишда бирлашиб кетади. Коррупсия домига илинган амалдорлар шахсий бойлик орттириш мақсадларини ва уруғ-аймоқларнинг манфаатларини давлат манфаатларидан устун қўяди. Бу эса, мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий йўлига ҳамда аҳолининг аксарият қисмига тузатиб бўлмайдиган зарар етказади. Бундан ташқари, янги иқтисодий муносабатларга эндигина асос солинаётган ва сифат жиҳатидан бошқа сиёсий тизим шакллантирилаётган ўтиш даврида коррупсия ўз хатти-ҳаракати билан бу жараённинг йўлини тўсиб қўйиш имконига эга.

Иккинчидан, жиноятчилик ва коррупсиянинг авж олиши давлатнинг конституциявий асосларини емиради, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари жиддий тарзда бузилишига олиб келади. Қонунлар ва фармонларни қабул қилишдан мақсад уларни чэтлаб ўтишдир, дэган мутлақо ярамас қоида жамиятнинг энг оддий ҳуқуқий тартибот ва жамоат тартибини сақлаб туриш қобилиятидан маҳрум бўлишига олиб боради. Башарти иқтисодиётда жиноий гуруҳлар

ва рекетчилар тўдалари - базм қурса, кўчаларда эса одамлар қўрққанларидан тасодифий ўткинчилардан қочиб юрсалар, жамиятдаги барқарорлик ва собитқадамлик ҳақида гап бўлиши мумкинми? Йўқ, албатта.

Учинчидан, жиноятчилик ва коррупсия жамиятнинг маънавий-ахлоқий асосларини емиради. Жамият аъзоларининг фуқаролик мавқеини йўққа чиқаради. Амалга оширилаётган ўзгаришларга салбий муносабат вужудга келиши учун шароит яратади. Ислоҳотлар ғоясининг ўзини обрўсизлантиради ва эски замонларни, шу жумладан–қудратли марказнинг кучли қўлини қўмсаш ҳиссини туғдиради. Ўтиш даврининг муайян қийинчиликлари шароитида фуқаролар онгида, айниқса, ёш авлоднинг бир қисмида, ҳаётда юксак турмуш даражасига эришишнинг асосий усули қонунга хилоф фаолият билан боғлиқ, дэган мутлақо ахлоққа зид нуқтаи назар шаклланиши ва қарор топиши мумкин. Қинғир йўл билан бойлик орттиришга интилиш, башарти у жамиятнинг ва ҳуқуқий назоратнинг эътиборидан чэтда қолса, одамларни, айниқса, ҳаётга эндигина қадам қўйиб келаётган ёшларни ёмон йўлга оғдиради. Ахир, жамият ва давлат учун ёш авлоднинг ахлоқан бузилиши ва юзтубан кетишидан ҳам аянчлироқ, ҳалокатлироқ ҳол борми ўзи?

Тўртинчидан, “пул ҳокимиятга интилади”, дэган бир ибора бор. Лекин бу пул жиноий йўл билан топилган бўлса-ю, унинг эгалари жамиятнинг ҳокимият тузилмаларига чиқиб олсалар, улар қандай усуллар билан бошқаришларини тасаввур қилиш қийин эмас. Жиноят оламининг нуфузли шахслари ҳокимиятга қандай йўллар билан кириб олиши яхши маълум ва кўп мамлакатларда синовдан ўтган. Аввалига бу иш нопок даромад манбаларини сақлаб қолиш, улардан кафолатли фойдаланиш мақсадида ҳокимият тузилмалари билан алоқа боғлаш ва бу алоқани мустаҳкамлашдан бошланади. Шундан сўнг ҳокимиятнинг ўзи ҳам қўлга киритилади. Ҳокимият органларининг жиноятга аралашиб қолиши ривожланаётган жамият учун энг жиддий хавф-хатарлардан биридир. Жиноий тузилмаларнинг давлат органлари амалдорлари билан чатишиб кетиши, уларнинг турли ҳокимият тармоқларига кириб олиши жамоатчилик назидида фуқароларнинг ҳимоясизлиги ҳиссини кучайтиради. Давлатнинг ўзини обрўсизлантиради. Мамлакат ичкарисида ҳам, ташқарисида ҳам унга ишончсизлик ортиб боради.

Бешинчидан, нопок йўл билан бойлик орттирганлар жазодан қутулиб қолиш ва ўзларининг жиноий сармояларини ҳимоя қилиш учун ҳар қандай хатти-ҳаракатларга тайёр туришларини яхши билиб олиш лозим. Бундай кимсалар адолатли жазодан қўрқиб, ҳамма ишни қилишга, ҳатто вазиятни бэқарорлаштиришга, оммавий тартибсизликларни келтириб чиқаришга шай турадилар. Бундай пайтда эҳтиросларни жунбушга келтириш, оломонни қўзғатиш ва унинг орқасига яшириниб олишдан қулайи йўқ. Бундай одамларнинг “Фақат бизга яхши бўлса, ишимиз бица – бўлгани” қабилидаги маслаги худбинликнинг, ҳамюртларига нисбатан сурбэтларча лоқайдликнинг яққол кўринишидир.

Олтинчидан, жиноий усуллар билан бойлик ва мўмай пул орттирган кимсаларнинг янги ҳуқуқ ҳимоячилари ва ҳатто дэмократия учун жафо чэккан курашчилар сифатида сиёсатга кириб олишга ҳаракат қилаётганидан далолат бэрувчи мисоллар, жумладан, бизда ҳам оз эмас. Улар бундай хатти-ҳаракатлари билан инсониятнинг адолат ва дэмократия каби олижаноб идэалларига нақадар жиддий зарар етказаётганларини, ўз халқлари ва мамлакатлари шаънига доғ тушираётганларини айтиб ўтиришнинг ҳожати бормикин? Нафсиламрини айтганда, улар ўз халқлари ва мамлакатларининг тақдирига, озодлик ва мустақиллик идэалларига мутлақо бэфарқ қарайдилар. Бундай шахсларнинг туриш-турмуши кетма-кет қилинган жиноий хатти-ҳаракатлар занжиридан иборатдир. Аввалига ўз халқини алдаб капитал тўпланади, кейинги гал – дэмократия ва адолатни рўкач қилган ҳолда жамоатчилик фикрини алдаб, сиёсий обрў орттирилади. Сир эмаски, бундай шахслар ўз манфаатлари йўлида республикадаги вазиятга таъсир кўрсатишга уринаётган ташки кучларга хизмат қилишга ҳамиша тайёр турадилар. Мамлакатимизнинг келажагини ва обрў-эътиборини қадрлайдиган ҳар бир виждонли фуқаро бу таҳдидни эсда тутмоғи даркор. Ҳалол меҳнат қилиш, ўз билими, куч-ғайрати ва ижодий қобилиятини сарфлаш учун барқарор шарт-

шароит бўлишини истайдиган, фарзандлари ва яқин кишилари келажакда ҳам демократик, фуқаролик жамиятида сивилизациялашган бозор муносабатларининг самараларидан тўла-тўкис фойдаланишни орзу қиладиган ҳар бир фуқаро, жиноятчилик ва коррупсия йўлига ўз вақтида зарур тўсиқ қўйилмаса, бу иллатлар қандай аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлигани яхши англаб етмоғи лозим[41].

Коррупция мамлакатимизда мавжуд, уни инкор қилиб бўлмайди, албатта. Шу билан бир қаторда баъзи омиллар унинг аста-секин ўсиб боришига ҳам сабаб бўлмоқда.

Коррупциянинг яшовчанлигига сабаб бўлувчи омилларга қуйидагилар киради:

- камбағаллик ва қашшоқликнинг мавжудлиги;
- иқтисодиётнинг бэқарорлиги;
- қариндош-уруғчилининг томир ортганлиги;
- кадрларни танлаб олишдаги таниш-билишчилик;
- суд ва ҳуқуқни муҳофаза килувчи органлар устидан назоратнинг етарли даражада эмаслиги;
- маъмурий коррупсия;
- сиёсий коррупсия;
- сўз эркинлигининг йўқлиги;
- оммавий ахборот воситаларининг кучсизлиги ва шу кабилар киради.

Ана шу омилларнинг мавжудлигидан фойдаланган «манфур кимса»лар,ҳокимият тизимлари таркибига суқулиб кириб олиш ва ундан бойлик тўплаб олиш учун қуйидаги ҳаракатларни:

1) амалдор, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, суд, солиқ, божхона, таълим, тиббиёт ёки маъмурий муассасалар, шунингдэк, ҳар қандай хусусий корхонанинг мансабдор шахсига пора бэриш;

2) маҳаллий ёки чэт эл амалдори ва халқаро ташкилот амалдорини пора бэриш орқали сотиб олиш;

3) давлат мансабдор шахси томонидан мулкни талон-тарож қилиш, ғайриқонуний ўзлаштириш ёки ундан мақсаддан ташқари фойдаланиш;

4) шахс томонидан шахсий бойлик орттириш ёки учинчи шахснинг бойиши мақсадида ўз обрўси ёки хизмат мавқеидан фойдаланиш;

5) коррупсия ҳаракатларидан даромад олиш;

6) ошна-оғайнигарчилик ёки уруғ-аймоқчиликни қўллаб қувватлаш ва шу кабиларни содир этмоқда. Уларнинг бундай ғайри қонуний хатти-ҳаракатларини «коррупсион ҳаракатлар» дэб аташ мантиқан тўғри бўлади.

Умуман олганда «Ўзбэкистонда коррупциянинг ривожланишига таъсир қилувчи учта асосий омил мавжуд.

Биринчидан, е*тарли бўлмаган очиқлик ва маълумотнинг йўқлиги*. Давлат идораларининг ёпиқлиги сабабли оммавий ахборот воситалари ҳам ўз вазифаларини тўлиқ бажара олмайдилар.

[41]Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Унинг ўзи. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. –Т.: Ўзбекистон, 1998. –Б.90–93.

***Иккинчидан**, фуқаролик жамияти иштирокининг етишмаслиги.* Ҳукумат идораси, ҳаттоки бизнинг агентлигимиз ҳеч қачон фуқаролик жамияти иштирокисиз коррупсияга қарши самарали кураша олмайди. Бунинг учун эса кучли фуқаролик жамияти зарур.

***Учинчидан,** жазосиз қолиш ҳисси.* Албатта, қонунчилигимизда порахўрлик учун жазо чоралари кўзда тутилган. Аммо маълум вақт ўтгач, биз пора олганларни яна давлат органларида, қайсидир ташкилотларда кўрамиз. Одамлар бундай жиддий қонунбузарлик ҳам қораланмайди ва ҳатто қаердадир кечирилади дэган фикрга бориши мумкин. Кимдир, дэмак, менга ҳам мумкин дэб ўйлайди, агар қўлга тушсам ҳам, икки ёки уч йил ўтириб чиқаман ва давом этаман дэган хаёлга боради. Бу ҳам муҳим омил »[42].

Глобаллашув шароитида мамлакатимизда коррупсияни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этишнинг энг самарали йўналишларидан бирини тактик ва стратегик усул ва воситалар ташкил қилади.

Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш стратегияси. *Коррупцияга қарши курашиш стратегияси дэб мамлакатимизда мавжуд бўлган моддий ва маънавий ресурслардан самарали фойдаланиш орқали коррупсияни батамом йўқ қилиш учун ўзоқ муддатга мўлжалланган вазифаларни бэлгилаб олиш ва уни бажаришга қаратилган тадбирларни илмий-амалий жиҳатдан ташкил қилиш санъатига айтилади.*

Коррупцияга қарши курашиш стратегиясининг самарадорлигини ошириш ва уларни илмий-амалий жиҳатдан янада такомиллаштириб боришнинг асосий йўналишларига қуйидагиларни киритиш мумкин.

1. Коррупцияга қарши курашнинг самарадорлигига эришишнинг яқин ва узоқ муддатга мўлжалланган модели ишлаб чиқилиши. Унда коррупцияга қарши курашишнинг аниқ ҳуқуқий механизми, самарали институционал тузилмаси, молиявий ва меҳнат ресурслари билан доимий таъминлаб турилиши, мунтазам мониторинг фаолияти ҳамда холис ва шаффоф баҳолаш тизими аниқ қонунчиликда мустаҳкамланиши;қонунчиликда коррупсияга қарши курашиш бўйича ҳуқуқий ва иқтисодий ҳамда ижтимоий элементлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва бир-бирига таъсир қилиш механизмини ишлаб чиқиш ва йўлга қўйиш. Бу стратегик жиҳатдан олиб қараганда коррупсияга қарши курашиш бўйича яхлит комплекс тизимнинг узвий ишлашини жамиятда йўлга қўйишнинг самарадорлигини таъминлайди.

2. Коррупцияга қарши курашиш стратегиясида иннавацион ёндашувни самарали қўллаш. Бунда давлат органларининг фуқаролик жамиятининг барча институтлари билан ҳамжиҳат фаол ҳаракатини таъминлаш, шунингдэк, коррупсияга қарши курашишда миллий тузилмаларнинг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлигини янада кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор бэриш. Бу Ўзбэкистонда коррупцияга қарши курашиш соҳасида интеграцияга эришишга тўсқинлик қилаётган омиллардан бири – жиноят ва жиноят процессуал қонунчилигини коррупцияга қарши курашиш бўйича моддаларини мукаммал ишлаб чиқиш ҳамда коррупцияни келтириб чиқараётган ҳолатларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва коррупцияни олдини олишга қаратилган дастурлар, чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ қилишда аниқ статистика ҳамда далилларга асосланган маълумотга таянган ҳолда иш олиб боришни таъминлашга хизмат қилади.

3. Коррупцияга қарши курашишни жамиятнинг ижтимоий соҳаларида хусусан, тадбиркорлик, таълим, соғлиқни сақлаш жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳаларида янада кучайтириш учун коррупсия билан боғлиқ айрим хатти-ҳаракатларни барҳам бэришга қаратилган дастурлар ижросини барча соҳаларда таъминлаш ҳамда халқаро тажрибани ўрганиш асосида халқаро ҳужжатларда назарда тутилган стандартларни қонунчиликда мустаҳкамлаб бориш. Бу эса мамлакатимизда коррупсияга қарши курашда яхши натижаларга эришиш имкониятини яратади.

[42] Бурханов Акмал. Коррупция даражаси — мамлакат тараққиёти ва демократиясининг кўрсаткичи ҳисобланади// https://www.gazeta.uz/uz/2020/09/05/akmal-burkhanov/

4. Коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурини ижросини жамиятда таъминланиши ва бу борада тизимли мониторинг қилиш бўйича самарали ҳуқуқий механизмнинг ислоҳотлар талаблари даражасида ишлаб чиқиш. Бу давлат хизматчиларининг коррупсияга қарши курашиш қоидаларига риоя қилиш даражасининг талаб даражасидан пастлигини ошкор қилиш, давлат органлари фаолияти очиқлиги тамойилининг амалда таъминланиши, коррупсияни олдини олишга қаратилган қонунчилик нормаларини халқаро ҳуқуқ талаблари асосида такомиллаштириш натижасида жамиятда ижтимоий адолатни ўрнатишга хизмат қилади.

5. Коррупцияга қарши курашишнинг замонавий тендэнсияларидан келиб чиққан ҳолда амалда реал ишлайдиган стратегияни ишлаб чиқиш. Бу фуқароларнинг коррупсияга қарши курашишни ташкил этиш масаласига нисбатан дахлдорлик ҳиссини,масъулиятини оширишга,улар томонидан бу иллатга қарши қилинаётган ишларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритишга ишончли далил бўлишига имкон яратиб бэради.

6. Коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш ишларини ташкил этишда жамият аъзолари бўлган фуқароларимизни фаол иштирокини кучайтириш. Бу фуқароларнинг коррупсияга тегишли бўлган маълумотларни ўрганиш имкониятини яратиш, янги технологиялардан фойдаланган ҳолда коррупсия ҳолатлари ҳақида ахборот бэриш, коррупсияга оид муаммоларни ҳал қилиш ва бартараф этишда жамоатчилик назоратини таъминлашнинг изчил тизимини яратиш ва ҳаётга тадбиқ қилишнинг оптимал тактик вариантларини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

7. Коррупцияга қарши курашишда ҳар бир соҳанинг хусусиятларидан келиб чиқиб ёндашиш. Бу коррупсия ҳолатларининг олдини олишга қаратилган янги инновацион усулларини ишлаб чиқиш ва қўллаш, коррупсия ҳолатларини экспертизадан ўтказиш, мониторинг қилиш ва адолатли баҳолашга қаратилган чора-тадбирларнип ишлаб чиқиш жамиятни қонуний ривожланишини таъминлашга хизмат қилади[43].

Ўзбекистон давлатининг коррупцияга қарши курашдаги стратегик аҳамиятга молик бўлган давлат сиёсатининг асосий йўналишлари этиб:

«аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупсияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;

давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупсиянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш;

коррупсияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чэк қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон бэрувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупсияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принсипини таъминлаш»[44] бэлгиланган.

Бу стратегик аҳамиятга эга бўлган устувор йўналишлар дунё давлатларида жамият ривожига ғов бўлаётган коррупсия хавфига қарши курашишни таъминлашга қаратилган бир қатор халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар:

- Америка давлатлари ташкилоти томонидан 1996 йил 29 март куни қабул қилинган “Коррупсияга қарши курашиш бўйича Америка конвенсияси” ;
- Европа Иттифоқи Кенгаши томонидан 1997 йил 21 ноябрда европа ҳамжамиятининг мансабдор шахсларига ёки евро иттифоқига аъзо давлатларнинг мансабдор шахсларига дахл қилган коррупсияга қарши курашиш бўйича Конвенсияси;

---

[43] Умаров У.А. Коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш –жамият тараққиётини кафолати. Тошкент –ЎзННТМА – 2019.

[44] Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида» қонуни.
2017 йил 3 январь, ЎРҚ-419-сон.//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 2-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон; 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 2019 й., 2-сон, 47-модда.

- Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти томонидан 1997 йил 21 ноябрда қабул қилинган Халқаро тижорат амалиётларида хорижий мансабдор шахсларга пора бэришга қарши курашиш бўйича Конвенсияси ;
- Европа Кенгаши Вазирлар қўмитаси томонидан 1999 йил 27 январ-да қабул қилинган "Коррупсия учун жиноий жавобгарлик тўғрисида"ги Конвенсияси ;
- Европа Кенгаши Вазирлар қўмитаси томонидан 1999 йил 4 ноябрда қабул қилинган "Коррупсия учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги тўғрисида"ги Конвенсияси;
- 2003 йил 12 июлдаги Африка Иттифоқининг "Коррупсиянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тўғрисида"ги Конвенсияси;
- БМТнинг "Трансмиллий уюшган жиноятчиликка ҳамда коррупсияга қарши кураш" Конвенсияси;
- МДҲ доирасида эса унга аъзо давлатлар томонидан 2003 йил 15 ноябрдаги қарорга мувофиқ, "Коррупсияга қарши сиёсатнинг қонунчилик асослари тўғрисида"ги қонун қабул қилинганлиги ҳам коррупсияни жамият ривожланишига қарши қаратилган иллат сифатида унинг қанчалик хатарли эканлигини кўрсатади.

- Давлат мансабдор шахсларининг халқаро ахлоқий кодэкси (Нъю-Ёрк, 1996 йил 12 дэкабръ);
- Коррупция бўйича жиноий жавобгарлик конвенсияси (Страсбург, 1999 йил 27 январъ);
- Коррупция бўйича фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик конвенсияси (Страсбург, 1999 йил 4 ноябръ) ва мазкур Конвенсияга қўшимча протокол (Страсбург, 2003 йил 15 май);
- Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенсияси (2003 йил 31 октябрь) ва бошқалар қабул қилинган қарорларига мос равишда ишлаб чиқилган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши курашиш конвенцияси 2003 йил 31 октябрда қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси мазкур халқаро ҳужжатни ратификация қилган: Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан "БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясига Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида"ги Қонуни 2008 йил 24 июнда қабул қилинди ва 2008 йил 27 июнда Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Сенати томонидан маъқулланди ва 2008 йил 28 августдан эътиборан кучга кирди.

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси муқаддима ҳамда 8 та боб, 71 та моддадан иборат бўлиб, 1-бобда (1-4) умумий қоидалар, 2-бобда (5-14) коррупциянинг олдини олиш чоралари, 3-бобда (15-42) жиноятчилик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти, 4-бобда (43-50) халқаро ҳамкорлик, 5-бобда (51-59) активларни қайтариш бўйича чоралар, 6-бобда (60-62) техник ёрдам ва маълумот алмашинуви, 7-бобда (63-64) амалга ошириш механизмлари, 8-бобда (65- 71) якуний қоидалар акс этган.

Шу билан бир қаторда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2003 йил 21 ноябрдаги резолюциясига мувофиқ, 2004 йилдан бошлаб "9 дэкабръ – Бутунжаҳон коррупсияга қарши курашиш куни" сифатида нишонланмоқда. Ушбу кунда БМТнинг "Коррупцияга қарши конвенсия"ни тан олган, аъзоси ҳисобланган давлатларда турли тадбирлар ва аксиялар уюштирилади, плакат ва варақалар чоп этилади, шунингдэк оммавий ахборот воситаларида коррупсияга қарши курашиш масаласидаги ахборотлар фаоллашади.

Ўзбекистоннинг 2008 йили БМТнинг Коррупцияга қарши конвенсиясига, 2010 йили Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти доирасида қабул қилинган коррупсияга қарши кураш бўйича Истанбул ҳаракат режасига қўшилиши – коррупсияга қарши курашнинг ҳуқуқий асосларини яратишда муҳим қадам бўлди.

Шу тариқа,халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ва миллий қонунчилик асосида, мамлакатимизда коррупсияга қарши курашиш соҳасида ташкилий-ҳуқуқий механизмлар яратилди.

Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш тактикаси. *Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш тактикаси дэб коррупцияга қарши курашиш стратегиясини амалга оширишга қаратилган аниқ воситалар туркумидан иборат бўлган чора-тадбирлар тизимига айтилади.*

Ўзбэкистонда коррупцияга қарши курашиш стратегияси ва тактикаси ўртасидаги фарқ фаолият кўлами ва фаолият кўрсатадиган вақт оралиғида намоён бўлади. Бунда нотўғри танланган тактика - бу йўқолган кун, нотуғри танланган стратегия эса - бу йўқолган йил дэмакдир.

Мамлкатимизда коррупцияга қарши курашиш стратегияси коррупсияга қарши ҳаракат усули сифатида, асосий мақсадга бевосита эришиш учун мавжуд ресурслар етарли бўлмаган шароитда зарур бўлиб қолиши билан характерланади. Бунда коррупцияга қарши курашиш стратегиясининг мақсади - асосий мақсад-коррупсияни ўқ томири билан йўқ қилишга эришиш учун мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш ҳисобланади. Тактикалар эса стратегияни амалга ошириш воситаси бўлиб,у стратегиянинг асосий мақсадига бўйсунади. Стратегия асосий мақсадга оралиқ тактик вазифаларни ҳал қилиш орқали эришади .

Албатта, мамлакатимизда коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий механизми мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ яратила бошланган. Коррупцияга қарши кураш ишларини ташкиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 3 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси тузилмасида ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги порахўрлик, ўғирликлар ва бошқа суиистеъмолчиликларга қарши кураш бошқармасини ташкил этиш тўғрисида”ги; 1994 йил 11 майдаги “*Хусусий мулкчилик ва тадбиркорликни коррупция, рэкет ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа кўринишларидан ҳимоя қилишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида*”ги; 1997 йил 28 майдаги “*Коррупция, рэкет ва терроризмга қарши курашни такомиллаштириш ишларини янада ривожлантириш тўғрисида*”ги қарорлари қабул қилинди ва уларнинг ижросини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

2008 йилда БМТнинг 2003 йилдаги «Коррупцияга қарши курашиш» Конвенциясини ратификация қилиниши ва ушбу конвенцияга Ўзбекистон Республикаси қўшилиши тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниши катта аҳамият касб этмоқда. Бундан ташқари, сўнгги йилларда коррупцияга қарши курашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга қаратилган Бюджет ва Божхона кодекслари (янги таҳрирда), «*Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида*»ги, «*Ижтимоий шериклик тўғрисида*»ги, «*Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида*»ги, «*Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида*»ги, «*Электрон ҳукумат тўғрисида*»ги, «*Ички ишлар органлари тўғрисида*»ги қонунлар қабул қилинди. Буларнинг бари том маънода давлатимиз тинчлигини ва халқ фаровонлигининг ҳуқуқий гаровидир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг “Коррупция билан боғлиқ жиноятлар”ни назарда тутувчи қуйидаги моддалар:

1. *Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш (167-модда);*
2. *Сохта тадбиркорлик (179-модда);*
3. *Сохта банкротлик (180-модда);*
4. *Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (182-модда);*
5. *Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш (184-модда);*
6. *Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш (205-модда);*
7. *Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш (206-модда);*
8. *Мансаб сохтакорлиги (209-модда);*
9. *Пора олиш (210-модда);*
10. *Пора бериш (211-модда);*
11. *Пора олиш-беришда воситачилик қилиш (212-модда);*
12. *Товламачилик йўли билан ҳақ - беришни талаб қилиш (214-модда);*
13. *Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш (243-модда);*
14. *Контрабанда (246-модда) мавжуд.*

Мамлакатимизда “***Коррупцияга қарши кураш тўғрисида***”ги Ўзбекистьон Республикаси қонуни қонунчилик палатаси томонидан 2016 йил 24 ноябрда қабул қилиниб, Сенат томонидан 2016 йил 13 декабрда маъқулланган. Президент томонидан 2017 йил 3 январда тасдиқланиб, 4 январдан кучга

кирди. Қонун 34 моддадан иборат. Ушбу қонуннинг 4-моддасида коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари, яъни:

- Коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:
- қонунийлик;
- фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;
- очиқлик ва шаффофлик;
- тизимлилик;
- давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги;
- коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги;
- жавобгарликнинг муқаррарлиги.

Қонуннинг 5-моддада эса коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари берилган.

- Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:
- аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;
- давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш;
- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш.

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни давлат органлари фаолиятининг очиқлигини ва ҳисобдорлигини таъминлаш, давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини ошириш, давлат органлари, мансабдор шахсларнинг ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариши юзасидан масъулиятини кучайтиришга, коррупцияга қарши курашиш соҳасида парламент ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш мақсадларига хизмат қилмоқда.

Қонунда коррупция, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик, манфаатлар тўқнашуви каби ибораларнинг мазмуни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди.

Қонун асосида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 2 февралдаги «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжатлар ўз мазмун моҳияти, мақсади билан мамлакатимизда коррупцияга қарши курашнинг янги босқичини бошлаб берди.

Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш тактикасининг асосий принсипларини «Коррупцияга қарши кураш тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддаси «Коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари»: қонунийлик; фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги; очиқлик ва шаффофлик; тизимлилик; давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги; коррупсиянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги; жавобгарликнинг муқаррарлиги[45] ташкил қилади.

[45] Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида» қонуни.

Ўзбекистонда коррупцияга қарши кураш тактикасини амалга оширишувчи давлат органлари ва уларнинг ваколатлари.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январъ, ЎРҚ-419-сонли «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида» қонунининг 7-моддаси" Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бэвосита амалга оширувчи давлат органлари" да бэлгиланганлиги бўйича: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси; Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати; Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги; Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги; Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш дэпартаменти; Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши кураш Агентлиги, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа давлат органлари ҳам амалга оширади.

Мазкур органларнинг тактик вазифалари қонунда кўрсатиб берилган. Масалан, **Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатларига:**

коррупсияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

коррупсияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади;

коррупсияга қарши курашиш соҳасидаги тезкор-қидирув фаолиятини, терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни, шунингдэк ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиради;

коррупсия билан боғлиқ жиноятлар бўйича дастлабки терговни амалга оширади;

коррупсиянинг ҳолати ва коррупсияга қарши курашиш натижалари тўғрисидаги ахборотни йиғиш ҳамда таҳлил қилишни амалга оширади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупсия фактларига доир мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини кўради;

коррупсияга қарши курашиш соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида, шу жумладан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга оширишда иштирок этади;

аҳоли ўртасида жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий тарғиботга доир фаолиятда иштирок этади;

коррупсияга оид ҳуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олди олинишини, аниқланишини ва уларга чэк қўйилишини таъминлашга, уларнинг оқибатларини, шунингдэк уларга имкон бэрувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

коррупсияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

коррупсияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатларига:

коррупсияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

2017 йил 3 январь, ЎРҚ-419-сон.//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 2-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон; 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 2019 й., 2-сон, 47-модда.

коррупсия билан боғлиқ жиноятлар бўйича тезкор-қидирув фаолиятини, терговга қадар текширувни ва дастлабки терговни амалга оширади;

коррупсиянинг ҳолати ва коррупсияга қарши курашиш натижалари тўғрисидаги ахборотни йиғади ҳамда таҳлил қилади, миллий хавфсизлик учун таҳдидларни баҳолашни амалга оширади, тегишли давлат органларига зарур ахборотни тақдим этади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупсия фактларига доир мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини кўради;

коррупсияга оид ҳуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олди олинишини, аниқланишини ва уларга чэк қўйилишини таъминлашга, уларнинг оқибатларини, шунингдэк уларга имкон бэрувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

коррупсияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

коррупсияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатларига:

коррупсияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

коррупсия билан боғлиқ жиноятлар бўйича тезкор-қидирув фаолиятини, терговга қадар текширувни, суриштирувни ва дастлабки терговни амалга оширади;

коррупсиянинг ҳолати ва коррупсияга қарши курашиш натижалари тўғрисидаги ахборотни йиғади ҳамда таҳлил қилади, тегишли давлат органларига зарур ахборотни тақдим этади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупсия фактларига доир мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини кўради;

аҳоли ўртасида жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий тарғиботга доир фаолиятда иштирок этади;

коррупсияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги статистика маълумотларининг ҳисоби юритилишини ва таҳлил қилинишини таъминлайди;

коррупсияга оид ҳуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олди олинишини, аниқланишини ва уларга чэк қўйилишини таъминлашга, уларнинг оқибатларини, шунингдэк уларга имкон бэрувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

коррупсияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

коррупсияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади дэб,қатъий равишда бэлгилаб қўйилган.

2020 йил 29 июнда Ўзбэкистон Республикасининг Президэнти томонидан имзоланган” Ўзбэкистон Республикасида коррупсияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Фармонига кўра **Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги** ташкил этилди. Унга кўра Агентлик:

- **коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш**, давлат органлари, оммавий ахборот воситалари,

фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа нодавлат сектор вакилларининг биргаликдаги самарали фаолиятини таъминлаш, шунингдэк, мазкур соҳадаги халқаро ҳамкорлик учун масъул бўлган махсус ваколатли давлат органи ҳисобланади;

• ўз фаолиятини **қонунийлик, холислик, ҳисобдорлик, очиқлик ва шаффофлик принсиплари** асосида бошқа давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахсларидан мустақил равишда амалга оширади, **Ўзбекистон Республикаси Президэнтига бўйсунади** ва Ўзбэкистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари олдида ҳисобдордир;

• Ўзбэкистон Республикаси Президэнти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор томонидан бошқарилади. Ўзбэкистон Республикаси Президэнтининг Агентлик директорини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш тўғрисидаги фармонлари Ўзбэкистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан тасдиқланади.

Агентликнинг **асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари** этиб қуйидагилар бэлгиланган:

- мамлакатда **коррупсия ҳолатини тизимли таҳлил қилишни** таъминлаш, шунингдэк, коррупсияга оид хавф-хатарлар юқори бўлган соҳалар ҳамда **коррупсияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш**;

- **коррупсиянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини**, шунингдэк, коррупсияга оид ҳуқуқбузарликларнинг тизимли сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш ҳамда **коррупсияга қарши курашиш чораларининг самарадорлигини оширишга қаратилган давлат ва бошқа дастурларни шакллантириш ва амалга ошириш**;

- фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган комплекс дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, коррупсиянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш масалаларига оид ахборотларни тарқатиш ҳамда коррупсияга қарши курашиш бўйича ўқитишни ташкил этиш орқали **жамиятда коррупсиянинг барча кўринишларига муросасиз муносабатни шакллантириш**;

- вазирлик ва идораларнинг коррупсиянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш, давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа нодавлат сектор вакилларининг ушбу масалалар бўйича биргаликдаги самарали фаолиятини ташкил этиш;

- давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари ва устав капиталида давлат улуши бўлган корхоналар, шу жумладан, банкларда **коррупцияга қарши ички назорат тизими ("комплакс-назорат") ҳамда коррупцияга қарши курашишнинг бошқа халқаро воситаларини жорий этиш** ва самарали фаолият кўрсатишини ташкиллаштириш, замонавий усуллар ва ахборот-коммуникация технологиялари асосида коррупсияга қарши мониторинг олиб бориш, шунингдэк, **уларнинг мазкур соҳадаги фаолияти бўйича рейтингини** тузиш;

- **норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупсияга қарши экспертизаси** самарадорлигини таъминлаш, шунингдэк, коррупсиянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш, халқаро стандартларни ва илғор хорижий амалиётни жорий этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

- **давлат хизматчиларининг даромад ва мол-мулкини дэкларация қилиш тизими** жорий этилиши ва самарали фаолият кўрсатишини ҳамда дэкларацияларнинг ҳаққонийлиги текширилишини ташкил этиш, шунингдэк, ушбу жараёнда аниқланган коррупсия ҳолатларига ўз вақтида таъсир чоралари кўрилишини таъминлаш;

- давлат хизматига ҳалоллик стандарти **("ҳалоллик ваксинаси")** ва **манфаатлар тўқнашувини ҳал этиш** стандартларини жорий этишда кўмаклашиш бўйича таъсирчан чораларни кўриш, шунингдэк, уларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

- **бюджет маблағлари, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг қарзларидан фойдаланиш, давлат активларини реализация қилиш** ва **давлат харидлари** соҳасида коррупсияга қарши назорат тизимининг самарадорлигини таҳлил қилиш, шунингдэк, уни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

- коррупсиянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида **халқаро ҳамкорликни ривожлантириш** ҳамда мамлакатнинг имижини мустаҳкамлаш ва унинг **халқаро рейтинглардаги ўрнини ошириш** бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;
- **коррупсиянинг ҳолати, тендэнсиялари** ва сабаблари ҳамда коррупсияга қарши чоралар кўришнинг самарадорлиги **юзасидан социологик, илмий ва бошқа тадқиқотларни** ташкил этиш, коррупсиянинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг таъсирчанлигини ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;
- **коррупсиянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича фаолиятнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш**, шу мақсадда оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат секторнинг бошқа вакиллари билан самарали ҳамкорликни амалга ошириш.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияси томонидан “Коррупциясиз таълим” деб номланган рангли, ўқув кўргазма нашр этилиб, республикамиздаги барча таълим муассасаларига етказилди. Жумладан, бизнинг вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ҳам мазкур кўргазма билан таъминланди. Бундан кўзланган асосий мақсад:

- ёш авлоднинг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;

- давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциядан огоҳлантириш бўйича чораларни амалга ошириш;

- коррупцион ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, улар оқибатлари ва келтириб чиқарган шароитларни бартараф этиш ҳамда коррупцион ҳуқуқбузарликлар содир этилгани учун муқаррар жазолаш тамойилини татбиқ этишдан иборатдир.

Таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий таълим ва тарбия масалалари Қонуннинг 16-, 17-, 18-моддаларида ўз ифодасини топган. Таъкидлаш жоизки, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданияти юксак бўлган, ҳуқуқий таълим ва тарбия жиҳатидан етук бўлган инсонлар салбий иллат бўлмиш коррупцияга йўл қўймайдилар.

Зеро, бу стратегик ва тактик аҳамиятга эга бўлган вазифалар бажарилмас экан, коррупсия иқтисодиёт, сиёсат, маданият ва спорт, таълим ва илм-фан, ижтимоий соҳа, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти, жамият ташкилотлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва телевидэние, сиёсий партиялар ва бошқаларда сақланиб қолишига, зарурият бўлса кучайиб: олиб борилаётган ислоҳотларга тўсқинлик қилиши, давлатнинг конституцион асосини йўқ қилиши, бошқарув аппаратини бўлиб ташлаши, ҳукумат обрўсини йўқ қилиши, бюджетни асоссиз қайта тақсимланиши, жамиятни интеллектуал потенсиалдан айириши, жамиятни бэқарорлаштириши, жамиятни жиноийлаштириши, инсон ҳуқуқларини паймон қилиши; пировардида жамиятни маънавий таназзулга дучор қилиши мумкинлиги билан хавфли салбий ижтимоий феномен ҳисобланади.

Коррупцияга қарши курашишни бевосита амалга оширувчи давлат органлари:

- Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси;
- Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати;
- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;
- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги;
- Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти.
- **Коррупцияга оид маъмурий ҳуқуқбузарликлар** — Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 61^1, 193^1 ва 193^2-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар.
- **Коррупцияга оид жиноятлар** — Жиноят кодексининг 167-моддасининг иккинчи қисми «г» банди, 168-моддасининг учинчи қисми «в» банди, 192^9 ва 192^{10}, 205, 209 — 214-моддалари, 243-моддасида назарда тутилган жиноятларни мансаб мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиш ҳамда 301-моддасида кўрсатилган жиноятлар.

- **Назорат саволлари:**

- 1.Коррупция шаклланишининг сабабларини тушунтиринг.
- 2.Коррупциянинг шакллари қандай?
- 3.Дунё ва Ўзбекистонда коррупцияни бартараф этиш механизмлари ҳақида маълумот беринг.

II. СЕМИНАР ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИ
Ma’ruza va seminar mashg’ulotlari mavzulari rejasi:

1-MODUL. FALSAFA VA MANTIQ

1-mavzu. Falsafa va uning jamiyat hayotidagi roli.

1. Falsafaning predmeti, asosiy masalalari, tuzilmasi va funksiyalari.
2. Falsafaning dunyoqarashga doir mohiyati. «Dunyoqarash» tushunchasi va uning tarixiy shakllari: mifologik va diniy dunyoqarash, falsafiy va ilmiy dunyoqarash, ularning o‘zaro aloqadorligi hamda o‘ziga xosligi.
3. Falsafaning jamiyatdagi ahamiyati.

2-mavzu. Falsafiy fikr taraqqiyoti bosqichlari: Sharq falsafasi.

5. Qadimgi Sharqda asotiriy tasavvurlar va falsafiy bilimlarning vujudga kelishi va rivojlanishining umumiy qonuniyatlari.
6. O‘rta asrlar davri Sharq falsafasi. Arab-musulmon sivilizatsiyasi va islom falsafasining vujudga kelishi. Islom tamaddunida diniy va dunyoviy ilmlarning o‘zaro uyg‘unlikdagi taraqqiyoti.
7. Temuriylar sulolasi davri falsafasi.
8. Yangi davr Sharq tasavvufi. XIX asr oxiri va XX asr boshlarida Markaziy Osiyoda ilg‘or falsafiy, ijtimoiy-siyosiy fikrlar.

3-mavzu. Falsafiy fikr taraqqiyoti bosqchlari: G’arb falsafasi.

6. Qadimgi Yunon-Rim falsafiy maktablari va ularning ta’limoti.
7. Xristianlik va o‘rta asr G‘arb falsafasi rivojlanishining umumiy belgilari.
8. G‘arb Uyg‘onish davri va falsafiy tafakkurning rivojlanish xususiyatlari.
9. Yangi davr G‘arb falsafasidagi asosiy muammolar.
10. Eng yangi davr (XX – XXI asr) G‘arb falsafasining oqimlari.

4-mavzu. Borliq (Ontologiya) va rivojlanish (Dialektika) falsafasi.

7. Borliqni ta’riflash muammosi. Tabiiy-ilmiy fanlar va falsafa tarixida “borliq” kategoriyasining o‘rganilishi, borliq va yo‘qlik dialektikasi. Borliq shakllarining tasnifi.
8. Tabiatning ontologik maqomi. Biosfera va Noosfera haqidagi ta’limotlar, koevolyusion va invayronmental nazariyalar.
9. Borliqning o‘zgarmas asosi (substansiya va substrat) tushunchalarining mohiyati. Borliq ibtidosini sifatiy va miqdoriy jihatdan tushuntirishga oid konsepsiyalar: monizm,

dualizm, plyuralizm, materializm, idealizm.
10. Materiya falsafa va tabiatshunoslikning kategoriyasi sifatida, uning tashkillashuv darajalari.
11. Borliqda shakllanish, o‘zgarish, rivojlanish va taraqqiyotning o‘zaro aloqadorligi. Harakat, makon va vaqt tushunchalari. Harakatning tiplari va shakllari. Ijtimoiy makon va ijtimoiy vaqt.
12. Qonun va kategoriya tushunchalari va ularning turlari. Rivojlanishning umumfalsafiy qonunlari va kategoriyalari.

5-mavzu. Bilish falsafasi (Gnoseologiya).

5. Bilish jarayonining mohiyati va asosiy mezonlari. Bilish jarayoniga oid yondashuvlar tasnifi: optimizi, skeptitsizm va agnostitsizmning mohiyati..
6. Bilish – faoliyat turi sifatida va uning ichki mantiqiy dialektikasi. Hissiy va aqliy bilish darajalari. Sensualizm va ratsionalizm.
7. Gnoseologiyada haqiqat masalasi. Haqiqat – bilishning bosh maqsadi. Haqiqatning asosiy shakllari. Amaliyot haqiqat mezoni sifatida.
8. Bilish metodologiyasi. Bilishning empirik va nazariy metodlari. Ijtimoiy-gumanitar fanlar metodlari.

6-mavzu. Mantiq.

1. Mantiq tafakkur shakllari va qonunlarini o’rganuvchi fan sohasi sifatida. Mantiqiy tafakkur evolyutsiyasi: formal, dialektik va noklassik mantiq.
2. Formal mantiqning predmeti va tuzilishi.
3. Tafakkurning mantiqiy shakllari va qonunlari, ularning mazmuni va to’g’ri fikr yuritishdagi ahamiyati.

7-mavzu. Tafakkur shakllari: tushuncha, hukm va xulosa.

1. Tushuncha – tafakkurning mantiqiy shakli. Tushuncha turlari, tushunchalar o‘rtasidagi munosabatlar va tushunchalar ustidagi mantiqiy amallar.
2. Hukm tafakkur shakli sifatida. Hukmning tarkibi, xususiyatlari va turlari.
3. Xulosa chiqarishning umumiy mantiqiy tavsifi. Xulosa chiqarishning tuzilishi va turlari..

8-mavzu. Jamiyat falsafasi.

5. Jamiyat tushunchasining mohiyati va uning taraqqiyot bosqichlari. Jamiyat hayotining iqtisodiy, ma’naviy, ijtimoiy va siyosiy asoslari, ularning o’zaro birligi va aloqasi.
6. Jamiyat taraqqiyotida tarixning mazmuni, yo‘nalishlari va konsepsiyalari. Tarix falsafasi.
7. Sivilizatsiya tushunchasi va uning tiplari. Madaniyat va sivilizasiya mutanosibligii.
8. Dunyo xalqlari madaniyatidagi umumiylik va farqlar.

9-mavzu. Inson falsafasi (falsafiy antropologiya).

1. Falsafa tarixida inson mohiyatiga qarashlarning tasnifi. Inson, individ, shaxs tushunchalarining o‘zaro aloqadorligi.

2. Ongning mohiyati, tuzilishi va funksiyalari.

3. Insonning bioijtimoiy, psixologik mohiyati. Falsafiy antropologiyaning inson haqidagi ta’limot sifatidagi mohiyati..

4. Inson faoliyatining tarkibi. Inson faoliyatini tartibga solishning ahamiyati. Inson – jamiyat – davlat tamoyilining falsafiy mazmuni.

10-mavzu. Qadriyatlar falsafasi (aksiologiya).

1. Qadriyat tushunchasining mazmuni va uning umumiy tafsifi.

2. Qadriyatlarning turlari (umuminsoniy, milliy, shaxsiy qadriyatlar).

3. Oilaning qadriyatga doir jihatlari. Gender tengligini ta’minlashda inson mehnati qadrlanishining ahamiyati. Oila – ta’lim – mahalla tizimi.

3. Qadriyatlarni baholash va qadriyaviy mo’ljal.

2-МОДUL. AXLOQ VA NAFOSAT FALSAFASI. KORRUPSIYA – HOZIRGI ZAMONNING GLOBAL MUAMMOSI

11-mavzu. Axloq falsafasi (Etika).

1. Etikaning mohiyati va ahamiyati. Etikaning fan sifatidagi asosiy sohalari.

2. Etikadagi qadriyatlar va kategoriyalar..

3. Zamonaviy axloqiy tarbiyaning muammolari.

12-mavzu. Nafosat falsafasi (Estetika).

1. Dunyoni estetik idrok etishning mohiyati va insonning voqelikka estetik munosabati.

2. Estetikaga zamonaviy yondashuvlar. Estetika kategoriyalari.

3. Estetika va san’at. San’atning estetik mohiyati, uning turlari va janrlari.

13-mavzu. Globallashuv va barqaror taraqqiyot falsafasi.

1. Globallashuv, globalistika va barqaror taraqqoyot tushunchalari.

2. Global muammolar – XX asr mahsuli sifatida. Mavjud bo’lgan global muammolar va ularni hal qilish yo’llari.

3. Global mtammolarni hal qilishda xalqaro kuchlarni birlashtirishning ahamiyati.

14-mavzu. Korrupsiyaga qarshi kurashning jahon tajribasi.

1. Korrupsiya tushunchasining mazmuni va unung tarixiy ildizlari.
2. Ijtimoiy hayotda korrupsiyaning ko'rinishlari.
3. Xalqaro korrupsiya va unga qarshi kurash.

15-mavzu. O'zbekistonning korrupsiyaga qarshi kurash siyosati.

1. Korrupsiyaga qarshi kurashda tizimli yondashuvning zarurligi.
2. O'zbekistonda korrupsiyaga qarshi kurashning tashkiliy-huquqiy asoslari.
3. Korrupsiyaning ma'muriy huquqbuzarlik va jinoyat sifatidagi tahlili va uni bartaraf etishda jamoatchilik nazoratini kuchaytirishning ahamiyati.

IV. MUSTAQIL TA'LIM VA MUSTAQIL ISHLAR

Mustaqil ta'lim auditoriyada va auitoriyadan tashqarida bevosita o'qituvchi rahbarligida yoki talaba mustaqil ishlashi tarzida sillabusda ko'rsatilgan shaklda bajariladi va o'quv rejasida ko'rsatilgan muddatlarda talaba tomonidan taqdim etib boriladi.

Mustaqil ta'lim va mustaqil ishlar mavzulari (referatlar):

1. Dunyoqarashning mohiyati, tuzilishi va asosiy funksiyalari.
2. Qadimgi Sharqda asotiriy tasavvurlar va falsafiy bilimlarning paydo bo'lishi.
3. Ilk o'rta asr Sharq falsafasi va Uyg'onish davri.
4. O'rta asr Sharq falsafasi va Uyg'onish davri xususiyatlari.
5. Yangi davr Sharq tasavvufi.
6. Falsafa va tabiiy-ilmiy fanlarda borliqning mohiyatiga oid konsepsiyalar.
7. Rivojlanishning umumiy qonunlari va kategoriyalari.
8. Hissiy, empirik, nazariy, mantiqiy, intuitiv bilish darajalarining o'zaro aloqasi va farqi.
9. Jamiyat taraqqiyotida tarixning mazmuni, yo'nalishlari va konsepsiyalari.
10. Ommaviy madaniyatning shakllanish tarixi va uning turlari: aksilmadaniyat, submadaniyat, populyar madaniyat, ekran madaniyati.
11. Insonni tushunishda dualizm va monizm nuqtai nazaridan yondashuv.
12. Qadriyat tushunchasining ma'nosi va uning umumiy tavsifi.
13. Qadriyat nazariyasining shakllanish tarixi.
14. Etikaning mohiyati va ahamiyati.
15. Zamonaviy axloqiy tarbiyada kosmolitizmga moyillik.
16. Siyosatda professional etika va yangi axloq siyosati.

17. Olamni virtual va vizual estetik idrok etishning farqlari.

18. Globallashuv, globalistika va barqaror taraqqiyot jarayonlarining mohiyati.

19. Barqaror taraqqiyotni ta’minlashda globallashuvning ijobiy va salbiy yo’nalishlari.

20. Global muammolarning mezonlari va darajalari.

21. Pandemiya – XXI asrning global muammosi va uning oqibatlari.

22. Korrupsiyaga qarshi kurash bo’yicha xalqaro qonunlar va qarorlarning O’zbekistonda ratifikasiya qilishning ahamiyati, iqtisodiy-siyosiy va ijtimoiy-huquqiy mexanizmlari.

23. Mantiq tafakkur shakllari va qonunlarini o’rganuvchi fan sohasi sifatida.

24. Tafakkurning shakllari va qonunlari.

25. Tushuncha – predmetlarning umumiy, muhim belgilarini aks ettiruvchi mantiqiy shakl.

26. Tushunchalarni bo’lishning maqsadi va tuzilishi.

27. Xulosaning umumiy mantiqiy tavsifi.

28. Dalillash va ishonch-e’tiqodning shakllanish jarayonlari.

29. O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning “Yangi O’zbekiston taraqqiyot strategiyasi” kitobida rivojlanish modeli va Uchunchi Renessans tushunchalari.

30. Amaliy loyihalar: “Mening oilam – mening faxrim”, “Ustozim – hayotim chirog’i”, “Mening mahallam – mening faxrim”, “Mahallamning olim va ziyoli insonlari”, “Mening hayot falsafam”.

ФАЛСАФИЙ АТАМАЛАР (ГЛОССАРИЙ)

Агностицизм – инсон объектив борлиқни тўлиқ билиши мумкин эмас, деб ҳисоблайдиган фалсафий таълимот.

Антисциентизм – фаннинг жамият ҳаётидаги роли ва аҳамиятини салбий баҳолайдиган фалсафий нуқтаи назар.

Антропоген – инсон фаолияти билан боғлиқ.

Антропоцентризм – дунёни билишда инсонни устун қўювчи фалсафий ёндашув.

Априор – тажрибадан ташқарида. Инсон тафаккурида тажрибада кўрилгунга қадар, тажрибадан қатъий назар пайдо бўлган образ, ғоя, тушунча.

Атеизм – худонинг борлигини инкор этувчи фалсафий нуқтаи назар.

Атрибут – хосса.

Белги – бошқа бир предмет, хосса ёки муносабатни ифодалайдиган ва муайян хабарни узатиш, сақлаш ёки унга ишлов беришда ишлатиладиган моддий, ҳиссий идрок этиладиган предмет.

Гармония – бир бутун нарса қисмларининг ўзаро мувофиқлиги.

Герменевтика – фалсафада – тарих, маданиятни, ўзга индивидуалликни тушуниш санъати.

Гипотетик – эҳтимол тутилган, фараз қилинган, тахмин (гипотеза)га асосланган.

Глобаллашув – ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида яхлит тузилмаларнинг дунё миқёсида шаклланиш жараёни.

Глобалистика – глобаллашув ва унинг оқибатлари моҳиятини англаб етишга қаратилган илмий ва фалсафий тадқиқотлар фанлараро соҳаси.

Гносеология – билиш назарияси.

Дедукция – тадқиқот ёки тавсифлаш методи, усули бўлиб, бунда айрим қоидалар умумий хулосалар, аксиомалар, қоидалар, қонунлардан тадрижий йўл билан келтириб чиқарилади.

Дезинтеграция – бутуннинг айрим қисмларга парчаланиши.

Деизм – Худо дунёни яратгач, унда иштирок этмайди ва унинг воқеалари табиий кечишига аралашмайди, деб ҳисоблайдиган фалсафий нуқтаи назар.

Детерминизм – барча воқеалар ва ҳодисаларнинг қонунийлиги ва сабабий боғланганлиги ҳақидаги фалсафий таълимот.

Диалектика – ҳаракат, ривожланиш, ўзгариш ҳақидаги фалсафий таълимот.

Дискрет – узлукли.

Дифференциация – бутуннинг турли-туман қисмлар, босқичлар, шаклларга бўлиниши, парчаланиши, ажралиши.

Идеал – мутлақ баркамоллик, бундай баркамоллик ҳақидаги тасаввур.

Иерархия – бир нарсанинг функционал аҳамияти ёки хизмат мавқеига кўра иккинчи нарсага, учинчи нарсага ва ҳоказоларга бўйсуниши.

Изотроп – барча йўналишларда бир хил.

Индетерминизм – детерминизмга қарама-қарши таълимот.

Интеграция – бирлашиш, бирикиш, яхлит бир бутуннинг шаклланиши.

Интровертив – ўзига, ўз ички дунёсига қараб мўлжал олувчи.

Имитация – тақлид қилиш, сохталаштириш.

Ахборот инқилоби – фан-техника инқилобининг ривожланиш босқичи бўлиб, бунда ахборот ўта муҳим ресурсга айланади.

Иррационализм – борлиқни оқилона мантиқий билиш имкониятини рад этувчи нуқтаи назар.

Каузаллик – сабабият, сабаб ва оқибатнинг қонуний алоқаси.

Коммуникация (кенг маънода) – мулоқот. Экзистенциализмда – мулоқот тури бўлиб, унинг ёрдамида «Мен» ўзини бошқа одамда топади.

Конституциялаш – яратиш, белгилаш, муайян ташкилий тус бериш.

Консьюмеризм – истеъмол қилишга бўлган кучли эҳтиёж.

Коэволюция – биргаликда тадрижий ривожланиш.

Креационизм – бутун борлиқни Худо яратган деб ҳисоблайдиган диний таълимот.

Материализм – дунёнинг моддийлигидан ва онгдан қатъий назар мавжудлигидан келиб чиқадиган фалсафий йўналиш.

Метафизика – Гегелдан олдинги ва ҳозирги ғарб фалсафасида борлиқнинг ўта ҳиссий тамойиллари ва асослари ҳақидаги фан. Фалсафанинг синоними сифатида ишлатиладиган атама.

Методология – метод ҳақидаги таълимот, билишнинг янги методларини яратиш тамойилларини ишлаб чиқиш.

Мистика – сирли, ғайритабиий, тушунарсиз нарса ёки ҳодиса.

Моддийлаштириш – маъно структуралари, схемалар, лойиҳаларнинг инсон фаолиятида гавдаланиши.

Модус – предметнинг унга айрим ҳолатлардагина хос бўлган муваққат хоссаси.

Монизм – плюрализмга зид ўлароқ, муайян бир асосдан келиб чиқадиган фалсафий ёндашув.

Негатив – салбий, бирор нарсага зид.

Ноумен – мушоҳада йўли билан англаш мумкин бўлган моҳият.

Ноосфера – ақл-идрок соҳаси ёки биосферанинг шундай бир ҳолатики, бунда одамларнинг оқилона фаолияти биосфера ривожланишининг муҳим омилига айланади.

Образ – амалий фаолият ва билиш жараёнида шаклланган ҳиссий ёки оқилона тасаввур.

Оккультизм – махсус руҳий машқлар, алоҳида маросимлар орқали айрим инсонларгина била оладиган коинотда сирли кучлар мавжудлигини эътироф этувчи таълимот.

Оппозиция - қарши ҳаракат, муайян нарсага очиқдан-очиқ ёки зимдан қаршилик кўрсатиш.

Пантеизм – Худони табиат билан тенглаштирувчи фалсафий таълимот.

Парадигма – мазкур даврда илмий ҳамжамият томонидан эътироф этилган муайян илмий тадқиқот йўналишини белгиловчи принциплар мажмуи.

Пассионар – ички энергияга эгалик ёки ўта ғайратлилик.

Перманент – доимий, узлуксиз.

Перцепция – идрок этиш.

Рационализм – ақлни билиш ва одамлар хулқ-атворининг негизи деб эътироф этадиган фалсафий йўналиш.

Редукционизм – мураккаб нарса ёки ҳодисани соддароқ нарса ёки ҳодисага боғлаш.

Релятивизм – бизнинг барча билимларимиз, қадриятларимиз ва хулосаларимизни нисбий, шартли деб ҳисоблайдиган фалсафий ёндашув.

Рефлексия – ўз фикрлари ва кечинмаларини таҳлил қилишга қаратилган мулоҳаза.

Сакрал – муқаддас.

Сенсуализм – ҳиссий билишнинг ролини оқилона билишнинг аҳамиятидан устунроқ қўювчи фалсафий йўналиш.

Символ – бирон-бир ғояни ифодаловчи белги, образ.

Синкретизм - қисмларга ажралмаганлик, бирон-бир ҳодисанинг норасо ҳолати билан белгиланадиган ҳар хил жинсли элементларнинг аралашуви.

Скептицизм – инсон билимининг ишончлилигига шубҳа билдирувчи ва барча ҳақиқатларни нисбий деб эълон қилувчи фалсафий концепция.

Стереотип – кўпинча жамият томонидан фаол илгари суриладиган ва индивид танқидсиз қабул қиладиган борлиқнинг нисбатан барқарор ва соддалаштирилган образи.

Субстанция – биринчи асос, барча нарсалар ва ҳодисаларнинг моҳияти.

Сциентизм – маданият тизимида, жамият ҳаётида фан ролини мутлақлаштириш.

Табу – бирон-бир нарса, ҳаракат, сўзга нисбатан белгиланадиган диний тақиқ.

Теология – диний таълимотлар тизими.

Теоцентризм – дунёни тушуниш марказига Худони қўювчи фалсафий ёндашув.

Техноген – техника билан боғлиқ, унинг таъсири билан белгиланган.

Технократик – техникани биринчи ўринга қўювчи.

Технооптимизм – турли муаммоларни ечишда фан-техника тараққиётининг ролини ошириб кўрсатувчи фалсафий ёндашув.

Технопессимизм – фан-техника тараққиётини жамият ва табиат таназзулининг манбаи ва омили деб эълон қилувчи фалсафий ёндашув.

Технотрон жамият – компьютер инқилоби босқичига кирган жамият.

Трансцендентал – ўта умумий.

Универсум – ягона Олам, яхлит дунё.

Фауна – барча турдаги ҳайвонлар мажмуи.

Феномен – инсонга ҳиссий билиш тажрибасида берилган ҳодиса.

Феноменология – бевосита кузатиш мумкин бўлган идеал моҳиятлар сифатидаги феноменлар ҳақидаги фалсафий таълимот.

Флора – ўсимликлар дунёси.

Флуктуация – ўзгариш, белгиланган параметрлардан тасодифий оғиш.

Футурология – келажак ҳақидаги фан.

Эволюцион эпистемология – билишни жонли табиат эволюциясининг моменти ва унинг маҳсули сифатида ўрганувчи фан.

Эвристик – ижодий, номаълум нарсалар ва ҳодисаларни билишда сакрашни амалга оширувчи.

Эгалитаризм – умумий тенгликни тарғиб қилувчи ғоявий-сиёсий оқим.

Экзистенциализм – диққат марказида ҳаётнинг маъноси, инсон эркинлиги ва масъулияти муаммолари турувчи фалсафий йўналиш.

Экология – жонли мавжудотларнинг ўзини қуршаган муҳит билан ўзаро муносабатлари ҳақидаги фан.

Экологик муаммо – жонли организмларнинг атроф муҳит билан мувозанатининг бузилиши.

Экологик танглик – экологик муаммонинг кескинлашуви, бунда унинг оқибатлари орқага қайтариб бўлмайдиган хусусият касб этади.

Экспликация – у ёки бу предмет (ёки маданият объекти)нинг моҳиятини аниқлаш, унинг мазмунини кенг тавсифлаш.

Экстравертив – сиртга қаратилган.

Эмпиризм – ҳиссий идрок этиш ва тажрибани билишнинг асосий манбаи деб ҳисоблайдиган фалсафий таълимот.

Эмпирик – тажрибада кўрилган.

Этимология – у ёки бу сўз ёки иборанинг келиб чиқиши.

Эпистемология – билиш ҳақидаги фалсафий таълимот.

Этногенез – халқлар ёки миллатларнинг келиб чиқиши.

МАНТИҚ ТЕРМИНЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

А

А – (лот. Аффирмо) – «тасдиқлайман» сўзининг биринчи унли ҳарфи бўлиб, формал мантиқда умумий тасдиқ ҳукмни символик равишда ифодаланади.

ד А (инкор А) – Математик мантиқда мураккаб мулоҳаза бўлиб, бу мулоҳаза, «А хато бўлгандагина тўғри бўлади ва аксинча, А тўғри бўлганда хато бўлади» деган фикрнинг символик ифодасидир. Масалан, бу предметни оқлиги хато бўлса, уни оқ деган фикрнинг тўғрилиги хатодир, агар бу предметнинг оқлиги тўғри бўлса, уни оқ деган фикрнинг хатолиги ҳақиқат эмас. Бу мулоҳаза «А эмас» ёки қаерда А хато бўлса, «А тўғри эмас» деб ўқилади.

ד ד А (қўш инкор А) – математик мантиқда икки марта инкорни англатиб, инкорни инкор тасдиқни билдиради. А ≡ А (икки марта инкор А ≡ А га тенгдир деб ўқилади). Масалан, «Бу киши илғор эмас деган гап тўғри эмас», деган фикрдан «бу киши илғор» деган фикр келиб чиқади.

АвА – математик мантиқда учинчиси мустасно қонунининг символик ифодасидир. «А ёки А эмас» деб ўқилади.

Абсолют айнанлик – метафизик философияда ишлатиладиган термин бўлиб, бу таълимотга кўра предмет ҳамма вақт ўз-ўзига тенгдир. Бу принцип антологик нуқтаи назардан воқеликка зиддир. Чунки нарса ва ҳодисалар ҳар доим ривожланиб туради. Демак, нарсалар ўз-ўзига тенг бўлмай қолади.

Абстракциялаш (лот. Abstрастио – узоқлашув, мавҳумлик) – тушунча ҳосил қилишнинг муҳим усулларидандир. Абстракциялаш ёрдами билан буюм ва ҳодисаларнинг муҳим хусусиятларини фикран ажратамиз ва уларни буюмлар, ҳодисаларнинг иккинчи даражали ва аҳамияти кам хусусиятлардан четлаштирамиз.

Абстракт тушунча – буюмларнинг айрим белгилари муносабатларини фикран ажратиб,тушунчада акс эттирилиши. Масалан, «ботирлик», «тозалик» каби.

Абсурд – (лот. бемаъни, беҳуда) – бирор тезисни исботлашда учрайдиган мантиқий хато. Бундай хато (pedистио ad absypdym) бирор мантиққа зид бўлган бемаъни ҳулосага келиш деб аталади.

Автоматик мантиқ – математик мантиқнинг махсус сохаси бўлиб, дискрет бошқариш системаси ҳақидаги таълимотни беради.

Агностицизм (грек. а – йўқ, гnosis – билиш, билиб бўлмайдиган) дунёни билиб бўлмайди, деган таълимот бўлиб, бу таълимотга кўра инсон нарсаларнинг моҳиятини билишга, улар хақида аниқ билимга эга бўлишга қодир эмасдир.

Ажратиб кўрсатувчи ҳукм – маълум белги фақат ўша предметга тегишли эканини кўрсатадиган ҳукм.

Айлантириш (лот. абвеpsио) бевосита ҳулоса чиқариш бўлиб, бунда тасдиқ ҳукм инкорга ёки инкор тасдиқ ҳукм ҳолига келтирилади. Айлантириш натижасида ҳукмнинг сифати ўзгаради.

Айирувчи (дизъюнктив) ҳукм – бир неча ҳукмлар ёки (в) боғловчи орқали мураккаб ҳукмни ташкил этади. Бу икки хил: қатъий айирувчи ҳукм ва оддий айирувчи кўринишда бўлади.

Айирувчи (дизъюнктив) силлогизм – катта асос айирувчи ҳукмдан, кичик асос ва ҳулоса эса қатъий ҳукмдан иборат бўлади. Бу икки хил модусдан иборат.

Айният қонуни (лот. Лех индентитатис) формал мантиқнинг асосий қонунларидан бўлиб, бу қонунга кўра муҳокама жараёнида маълум предмет тўғрисидаги фикр хажм жихатидан барқарор муайянликни сақлаши керак. Бу қонун фикрни аниқ ифодалаш талаб қилади. Муҳокамада ҳар бир тушунча айнан бир маънода ишлатилмоғи лозим. Унинг формуласи А=А дир.

Аксиома (грек. ахиома – қабул қилинган ҳолда) – маълум назарияни исботлаш учун келтириладиган исботсиз қабул қилинган тушунчалардир. Мантиқда аксиома исботсиз қабул қилинган ҳақиқат маъносида ишлатилади. Ҳозирги замон илмий текшириш шларида аксиоматик метод жуда катта аҳамиятга эга. У илмий назарияларнинг дедуктив ҳулосалар чиқариш ёрдамида ташкил топиш сулларидан бири. Шунинг учун «дедуктив метод» ва аксиоматик метод кўпинча айнан тушунчалар сифатида ишлатилади.

Альтернатива (лот. Алтернаре – алмашмоқ, навбат билан қилмоқ**) –** мумкин бўлган қарама – қарши икки ёки бир неча ҳолдан танлаб олиш зарурияти. антиқда айирувчи ҳукмнинг ҳар бир қисми альтернатива бўла олади.

Анализ ва синтез (грек. Аналйsis – ажратиш, бўлиш ва қўшиш, бирлаштириш) **Анализ** шундай бир мантиқий усулдирки, унинг ёрдами билан буюмлар, ҳодисалар фикран қисмларга бўлинади. Синтезда эса қисмлар фикран бирлаштирилиб, бир бутун ҳолига келтирилади.

Аналогия (грек. Аналогиа – ўхшашлик, мослик) – икки буюмнинг бир ёки бир неча белгиларнинг ўхшашлигидан бошқа белгиларнинг ҳам ўхшашлиги тўғрисида ҳулоса чиқаришдир.

Антитезис (грек. Антитҳesis – қарама – қарши қўйиш) – тезисга қарама–қарши бўлган тезис.

Апагогик исбот (грек. Апагоге – ҳулоса, апагогоs – бурувчи, чиқарувчи) – воситали исботнинг бир тури бўлиб, тезиснинг тўғрилиги бевосита аргументдан (асосдан) келтирилиб чиқарилмайди, балки унга қарши бўлган тезиснинг (антитезиснинг) хатолигини исботлаш орқали дастлабки тезиснинг тўғрилиги исботланади.

Аподейктик ҳукм ёки зарурий ҳукм (грек. Апоdеикткоs – ишонарли, аниқ) – предикат ва субъектдаги белгини зарурий тасдиқлайди ёки инкор қилади. Бундай ҳукмлар нарса ва ҳодисалар ўртасидаги зарурий муносабатни акс эттиради.

Апологетика (грек. Апологио – ҳимоя, ҳимоя нутқи) – бирор нутқни ёки фикрни ҳимоя қилиш (Апология ҳам ана шундан келиб чиқади).

Аргумент (лот. Аргументум – исбот) асосий тезисни исботлаш учун келтириладиган фикрлар. Бундай фикрларнинг тўғрилиги практикада исботланган бўлиши керак.

Аргумент ad ҳоминем – инсонга доир деган хатони лотин тилидаги ифодаси. Бирор тезиснинг исботи учун объектив воқеликда исботланган фикрларни келтириш йўли билан эмас, балки мазкур одамнинг ижобий ёки салбий томонини кўрсатиш орқали исботлашдир.

Ассерторик ҳукм – мавжудлик ҳукми (лот. Ассеро - тасдиқлайман) – қатъий ҳукмнинг бир тури бўлиб, предикат субъектдаги белгининг мавжудлигини тасдиқлайди ёки инкор қилади. Бу ҳукмда предикатларда у ёки бу белгининг мавжудлигини ёки мавжуд эмаслиги қайд қилинади, ҳалос.

Атрибутив ҳукм (лот. Атрибутум – белгиланилган, бўлинилган, қўшилган) – предикатда субъектга хос сифат ва хусусиятларини акс эттирувчи ҳукм.
Афоризм (грек. Апҳроismos – қисқа ҳикматли сўз) – у ёки бу фикрни қисқа, аниқ ва ишонарли, тугалланган шаклда баён этишдир. Бундай фикрлар мураккаб нарсаларнинг моҳиятини очиб беришга хизмат қилади. Бироқ, афоризм формал логик нуқтаи назардан тушунча таърифи бўла олмайди.
Аффирматив ҳукм (лот. Аффермо - тасдиқлайман) – тасдиқловчи ҳукмлар (умумий тасдиқ, жузъий тасдиқ, бу ҳукм баъзида аффирматик ҳукм деб ҳам юритилади).

Б

Барбара – силлогизмни биринчи фигурасининг, биринчи модусини (ААА) ифодаловчи белги.
Бевосита ҳулоса чиқариш – бир асосдан чиқарилган ҳулоса.
Бирга бўйсуниш - тушунчалар ўртасидаги муносабат.
Бир доирада айланавериш (лот. Сирсулys витиosys) – исботдаги етарли асос қонунини бузиш натижасида келиб чиқадиган мантиқий хатодир.
Бирлаштирувчи исбот – тўлиқ индукция йўли билан қилинадиган исботга айтилади. Бунда тезиснинг исботи учун бутун асослар бирлашган ҳолда амалга оширилади. Унда ҳар бир асос мустақил исботланган бўлади.
Бутун ва бўлак – объектив оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро алоқасини, предмет ва уларнинг элекментлари ўртасидаги муносабатни кўрсатувчи фалсафий категория.
Бўлиш қоидалари – формал мантиқда тушунчаларни бўлишнинг қуйидаги қоидалари:

1) бўлиш тенг ҳажмли (мутаносиб) бўлмоғи керак;
2) бўлишнинг бир ва муҳим асоси бўлмоғи керак;
3) бўлинмалар бир – бирини истисно қилмоғи керак;
4) бўлишда сакраш бўлмаслиги керак.

В

Версия – (лот. Вersio – айлантириш, бошқа шаклга келтириш; французча –вersio – таржима, изоҳлаб бериш) – бирон факт, ҳодиа ва воқеанинг бир-биридан фарқ қиладиган бир неча турини турлича таҳминий изоҳлашга айтилади. Версия хусусий гипотезанинг бир туридир.
Воситасиз ва воситали исбот – исботлаш усулига кўра исботлар воситасиз ва воситалига бўлинади. Воситасиз исботда тезиснинг тўғрилиги бевосита асослар (далиллар) дан келиб чиқади. Воситали исботда эса тезиснинг тўғрилиги антитезиснинг хатолигини тасдиқлаш йўли билан асослаб берилади. Масалан: Анинг жиноят қилмаганлигини исботлаш учун «фуқаро А. жиноят қилган» деган тезиснинг хатолигини исботлаш асосида биринчи тезиснинг тўғрилигини асослаймиз. Бу икки хил бўлади: апогогик воситали исбот (қ), айирувчи воситали исбот. Айирувчи воситали исботда бир неча имкониятдан биттадан қолгани хато эканини исботлаш йўли билан тезис асослаб берилади.

Г

Генезис (грек. Генesis – келиб чиқиш) маълум предметлар ҳодисалар ва улар тўғрисидаги фикр ҳамда мулоҳазаларнинг пайдо бўлиши, шаклланиши, туғилиши.
Генетик метод – предмет ҳодисаларнинг келиб чиқиши ва ривожланишини таҳлил қилиш асосида тадқиқ этиш усули.
Генетик таъриф – таърифланаётган буюмнинг келиб чиқишини кўрсатадиган таъриф.
Гипотеза – (грек. Ҳупотҳesis – асос, принцип, фараз) – ҳали исботланмаган назарий фикр, фараз. Гипотеза маълум натижаларни туғдирган сабаб ҳақида қилинган фараздир. Гипотезани илгари суриш, асослаш ва исболаш–илмий билишнинг ривожи учун зарур методдир.

Гипотезанинг назарияга айланиши учун уни текшириш керак. Гипотезани текшириш натижасида: а) унинг эҳтимоллиги ортади; б) ҳақиқатлиги исботланади, назарияга айланади; в) гипотеза рад этилади. Барча назариялар гипотеза босқичини босиб ўтади. Гипотеза практикада исботлангандан сўнг ишонарли назарияга айланади.

Гипотетик – дедуктив метод – илмий текшириш усули бўлиб, бу усул воситаси билан даставвал ўрганилаётган предмет ҳақида бир неча гипотеза келтирилади. Келтирилган гипотезалар асосида дедуктив йўл билан ҳулоса чиқарилади. Бу метод бошқа методлар билан (анализ, синтез, индуктив ва б.) бирга қўлланилгандагина аҳамиятли бўлади.

Гносеология (грек. Гnosis – билиш, logos - таълимот) – билиш назарияси, философиянинг муҳим соҳаси:

генерализатио – (лот.) яккадан умумийга қараб умумлаштиришдир;

генys прахимум – (лот.) энг яқин жинс;

гратis дистум – (лот.) беҳуда айтилган, чунки аргументлари йўқ, шунга кўра асосланмаган;

гросso modo – (лот.) тахминан, умумий тарзда баён қилмоқ.

Д

Дедуктив исбот (традицион мантиқда) исботнинг шаклларидан бўлиб, айрим, якка ҳукмлардан иборат бўлган тезиснинг умумий қоидаларига асосланиб исботлаш усулидир.

Дедуктив ҳулоса -умумий чин асослардан шу умумийликка кирувчи хусусийлик ва яккалик ҳақида янги билим берувчи хулоса шакли.

Дедукция (лот. Dedустио – ҳулоса чиқариш) – кенг маънода ҳулоса чиқаришнинг асосий усулларидан ва тадқиқот методларидан бири.

Дезинформация –нотўғри ахборот бериш,одамларни чалғитирш, ёлғон хабар тарқатиш.

Деклоратив (лот. деслоратио – ариза, изоҳлаш) умумий қоидага асосланган, бироқ конкрет асосларга эга бўлмаган умумий тарздаги фикр.

Демагог (гр.демагогос) – сиёсат соҳасида ёлғон ваъдалар билан халқ оммаси олдида оммавий бўлишга тиришувчи сиёсатдон.

Демагогия – ҳалқ оммасига ёлғон ваъдалар билан уларнинг ҳиссиётига таъсир этиш орқали сиёсатда муайян мақсадларни амалга ошириш усули.

Демонстрация (лот. демонстратио - кўрсатиш) – исботлаш жараёнинг таркибий қисми бўлиб, исботлаш усулини, яъни исботлашнинг қандай амалга оширилишини ифодалайди.

Деонтик мантиқ – норматив тилнинг мантиқий тузилишини ўрганадиган мантиқ. Шунингдек, у норматив тушунчалар ҳақидаги таълимот ҳамдир. Деонтик мантиқ модаллик мантиқсининг бир қисми сифатида ҳам қаралади. У мантиқ «албатта», «рухсат этилган», «бефарқ», «таъқиқланган» каби хусусиятларнинг функцияларини ўрганади. Деонтик мантиқ буйруқ формасидаги ифодаларни ўрганади.

Деонтик модаллик – «албатта», «рухсат», «барибир» каби модаллик усулларини ўз ичига олган фикрларга характеристика беришдан иборат. Деонтик модаллик ҳуқукшунослик, этика каби фанларнинг ҳам ўрганиш объектидир.

Деструктив дилемма (лот. деструстивys – рухсат берувчи) –Оддий ва мураккаб кўринишда бўлади.

Детерминизм ва индетерминизм (лот. детерминаре – белгилаш, аниқлаш) –ҳодисаларнинг замонда ўзаро алоқадорлигининг характери ҳақидаги қарама–қарши нуқтаи назарлар. Детерминизм ҳодисалар ўртасида умумий қонуниятли алоқа борлигини эътироф этади. Индетерминизм қонуниятли алоқа борлигини инкор этади.

Дефиниция (лот. дефинитио - таъриф) – тушунчани таърифлаш.

Диалектика (грек. Диалегомаи – суҳбат олиб бораётибман, муҳокама қилаётибман) – ривожланиш тўғрисидаги фалсафий концепция. Воқелик ҳодисалари уларнинг ички ривожида, зиддиятлар такозаси билан юз берадиган ўз ҳаракатида деб ўргатадиган билиш назарияси ва методи.

Диалектик мантиқ – тафаккур ҳаракатининг умумий қонунлари ва формалари ҳақидаги фикр билан объектив реалликни билиш йўллари тўғрисидаги, яъни фалсафий категорияларнинг ўзаро алоқадорлигини татдиқ этадиган фандир.
Дилемма (грек. di – икки марта; лемма – гап, икқиланган гап) – шартли-айирувчи силлогизмнинг шаклларидан бири.
Дискуссия (лот. discyssio – текшириш, таҳлил қилиш) – бирорта муаммони муҳокама қилиш, у бўйича баҳс қилиш, тортишув, мунозара қилиш.
Диссидент (лот. dissident – ихтилоф, кўнмаслик) – ихтилофчи, бузғунчи.
Дистант – логик қарама – қаршилик (лот. distatio - оралиқ) бир предмет, ҳодиса тўғрисида айтилган фикрга бир неча вақт ўтгандан сўнг қарама-қарши фикр айтиш.
Дихотомик бўлиш (грек. дича – ва, ҳоме – икки қисмга ажратиш) –тушунчаларнинг ҳажмини иккита бир-бирига зид бўлган қисмга мантиқан бўлиш.
Догма (грек. догма – фикр, таълимот) – қандай конкрет шароитда қўлланилишидан қатъи назар танқид кўзи билан текширилмай, кўр-кўрона қабул қилинаверадиган, ўзгармас қоида, ақида.
Доминант (лот. доминатио - ҳукмрон) – ҳукмрон ғоя, бирон нарсанинг бош, сабаби, асосий томони.
Дистум de омни эт нулла (лот.) Силлогизм аксиомасининг лотинча қисқартирилган формуласи. Таржимаси: ҳамма нарса тўғрисида айтилган ва ҳеч нима. Тўла матни:синфга мансуб ҳамма предметлар тўғрисида тасдиқланиб ёки инкор қилиниб айтилган фикр, шу синфга кирувчи айрим предметларга ҳам тегишлидир.
Дистум фастум (лот.) – айтилган, демак бажарилган.
Диспепант фаста сум дистиs (лот.) далиллар сўзларга мос келмайди.
Дисплисуит hасys тунs (лот.) – объектив эмас, балки бирор кишига қарши субъектив баҳо беришиш (сўзма-сўз таржимаси: сенинг башаранг ёқмайди).
Дивисио (лот.) – бўлиш.
Dostys сум либро (лот. тили билан фикрловчи) – мустақил ҳолда фикр айтишга қўрқувчи одам
Дубиум (лот.) – иккиланиш, шубҳа.

Е

Е – лотинча Него – инкор қиламан сўзининг биринчи унли ҳарфи бўлиб, умумий инкор ҳукмнинг символик ифодасидир.
Етарли асос қонуни (лот. Лех ратионис детерминантис suye суффисиентис) формал мантиқ қонунларидан бири бўлиб, унга кўра ҳар қандай чин фикр исботланган бўлиши керак, тўғрилиги исботланган бошқа бир фикрга асосланиши керак.
Эadem аберрare cнopda (лот.) хатони яна ўша жойдан такрорлаш керак эмас.

Ж

Жинс – бир синфга кирувчи предметларнинг мантиқий тавсифи бўлиб, бу синф ўз ичига бошқа тур синфларни қамраб олади. Масалан: дарахт тушунчаси мевали ва мевасиз дарахтларга нисбатан жинс бўлиб, унга кирувчи “мевали”, “мевасиз” лар дарахтнинг турларидир.
Жинс ва тур тушунчалар - шундай тушунчаларки, уларда ҳажми катта тушунча унга бўйсунадиган ҳажми кичик тушунчага нисбатан жинс ва аксинча, ҳажми кичик тушунча у бўйсунувчи ҳажми катта тушунчага нисбатан тур тушунча бўлади.
Жузъий гипотеза – гипотезанинг тури бўлиб, у айрим олинган фактлар асосида таҳлил қилинади. Аммо бунда айрим ҳодисаларнинг сабаби таҳлили берилади, ҳолос. Шунга кўра у ҳодисаларнинг сабабини очиб берувчи умумий илмий гипотезадан фарқ қилади.

Жузъий ҳукм - синфга мансуб предметлар ёки улар белгиларининг бир қисми тўғрисида тасдиқлаб ёки инкор қилиб айтилган фикр. Масалан: Баъзи талабалар ҳаваскорлик тўгарагига қатнашади.

Жузъий инкор ҳукми – миқдор жихатидан жузъий, сифат жиҳатдан инкор ҳукмдир. Унинг формуласи: Баъзи S – П эмас. Баъзи гуруҳларда ўзлаштирмайдиган талабалар йўқ. Лотин тилида «О» ҳарфи билан белгиланади (Него –инкор қиламан сўзининг иккинчи унли ҳарфи).

Жузъий тасдиқ ҳукм - миқдор жиҳатдан жузъий, сифат жиҳатидан тасдиқ ҳукмдир. Унинг формуласи: «Баъзи S – П дир». Лотин тилида «И» ҳарфи билан белгиланади (аффирмо) – тасдиқлайман сўзининг иккинчи унли ҳарфи.

З

Зарурий ҳулоса чиқариш - дедуктив ҳулоса чиқаришнинг бошқача номи. Унда асос бўлиб келувчи ҳукмлардан ҳулоса муқаррар равишда келиб чиқади. Ҳулоса асосларда имлицит тарзда мавжуд бўлиб, ўша асослардан натижа ўз – ўзидан келиб чиқади. Зарурий ҳукмда предмет ва унинг белгилари муқаррар равишда тасдиқланади ёки инкор қилинади.

Зиддиятсизлик қонуни (лот. лех сонтрадистионис) формал мантиқнинг асосий қонунларидан бўлиб, у қуйидагича ифодаланади: айни бир предмет ҳақида айтилган икки ўзаро бир –бирини истисно этувчи фикрлар айни бир вақтнинг ўзида ва айнан бир нисбатда бирданига тўғри бўлиши мумкин эмас. Масалан: «Помир – баланд тоғ». «Помир – паст тоғ». Булар бирданига тўғри бўлиши мумкин эмас. Унинг формуласи: $А \wedge А$ эмас. $(А \wedge \neg А)$.

И

И – лотинча аффирмо – тасдиқлайман сўзининг иккинчи унли ҳарфи бўлиб, у жузъий тасдиқ ҳукмни символик ифодалайди.

Идеал – (грек. – идеа – тарз, образ, тушунча) – камолот, айрим киши, гуруҳ, синфнинг интилиши ва хатти-ҳаракатини бирон-бир нарсада намуна қилиб белгилайдиган олий мақсад. Идеал математик мантиқда маъноси бўлмаган (жуда бўлмаганда бир элементга эга бўлган) тўплам бўлиб, грекча Δ ҳарфи билан белгиланади.

Идеализация - илмий тадқиқот усули бўлиб, бу усул махсус абстракт идеаллаштирилган объектлар тузишда ифодаланади. Бу усул объектларни «соф шаклда» ўрганиш мақсадида қурилган фикрий конструкциялардан иборат бўлиб, у реал ҳолда учрамайди, аммо ўзининг бирон тимсолига эга: Масалан: геометрияда «нуқта», физикада «абсолют қаттиқ жисм» каби ва ҳоказо.

Идеология – (грек. идиа - тарз, образ, тушунча ва таълимот) – ижтимоий қарашлар ва ғоялар системаси. Унга сиёсий, ҳуқуқий, аҳлоқий, фалсафий, эстетик, диний атеистик қарашлар киради. У ижтимоий онгнинг бир қисми бўлиб, ижтимоий борлиқ асосида вужудга келади ва ривожланади.

Идрок – айрим буюм ва ҳодисаларни яхлит ҳолда акс эттирадиган психик процесс.

Ижобий мантиқ – ҳозирги замон ноклассик мантиқ оқими бўлиб, фикрлаш жараёнида инкор этиш амалини қўлламайди. Унинг ўрнига импликация, конъюнкция, дизъюнкция ва эквивалентлиликни ишлатади.

Ижобий ва салбий тушунча – тушунчаларнинг мазмун жиҳатдан турлари бўлиб, ижобий тушунчада предмет ўзида мавжуд белги орқали фикрланса, салбий тушунча ўзида йўқ белги ёрдамида ифодаланади.

Изчиллик – мантиқий тафаккурнинг асосий шартларидан бири бўлиб, фикрлаш жараёнида тартиблиликни талаб қилади,яъни фикр оддийдан мураккабга қараб,ёки аксинча юритилади.

Изчиллик билан бўлиш – тушунчани бўлишнинг асосий шарти бўлиб, бўлишда сакраш бўлмасин, тартиб билан амалга ошсин деб кўрсатади.

Илмий индукция – индуктив ҳулоса чиқаришнинг бир тури бўлиб, бунда бирор туркумдаги буюмларнинг айримларининг муҳим хусусиятларини, сабабий боғланишларини текшириш асосида уларнинг ҳаммаси тўғрисида ҳулоса чиқарилади.

Импликация (лот. имплисите – узвий боғланган) – мантиқда икки оддий ҳукмнинг боғланиши натижасида ҳосил бўладиган мураккаб фикр. У «Агар, у ҳолда» боғловчилари билан ифодаланади. Символик белгиси А → В.

Имплицит (лот. имплисите - ноаниқ) – предметларнинг ноаниқ, яширин мазмунининг ифодаси. Бундай яширин тушунчалар тилда мустақил ифодага эга эмас, бироқ ўша нарса назарда тутилади, англашади, улар товуш ифодасига эга бўлсада, бевосита фикрни билдирмайди, балки контекст воситасида ифодаланади.

Индивид (лот. indивидуум - бўлинмас) – айрим бўлинмайдиган якка, мустақил мавжудод индивид дейилади. У якка тушунча маъносида ҳам ишлатилади. Тушунчаларни чегаралаш натижасида бўлинмас якка тушунчаларга келамиз. Бу сўз якка шахсга нисбатан, шунингдек, математик мантиқда эса айрим предмет, объектларни қисқача ифодалашда ҳам ишлатилади.

Индуктив исбот – исботнинг алоҳида бир тури бўлиб, ундаги тезис умумий ҳукмлардан, асослар эса жузъий ҳукмлардан иборат бўлади.

Индуктив мантиқ – мантиқнинг муҳим бир бўлими бўлиб, унда айрим асослардан умумий ҳулосалар чиқариш механизми ўрганилади. Математик мантиқда эса тўлиқ бўлмаган ахборотдан эҳтимоллик кўринишида ҳулоса чиқаришга айтилади.

Индуктив ҳулоса чиқариш – қ. индукция.

Индукция (лот. индустио – жузъийдан умумийликка) – ҳулоса чиқаришнинг асосий усулларидан ва тадқиқот методларидан бири. Индуктив ҳулоса чиқариш билимнинг жузъий муҳокамалардан (ҳукмлардан) умумий мулоҳазаларга, қоидаларга қараб ҳаракат қилишидир. Тўлиқ ва тўлиқсиз индукция мавжуддир.

Инкор модус – шартли ва айирувчи силлогизмнинг инкор модуси.

Инкор ҳукм – бирор предметда бирор белгининг мавжудлигини рад этадиган ҳукм.

Исбот – бирор фикрнинг тўғрилигини амалий тажрибада илгари чинлиги тасдиқланган бошқа бир тўғри фикр воситаси билан асослаб бериш. Ҳар қандай исбот 3 қисмдан иборат бўлади: Тезис, асос (аргумент) ва исботлаш усули (демонстрация).

Исботлаш қоидалари: исбот тўғри бўлиши учун амал қилиш зарур бўлган қоидалар:Улар тезиснинг аргументларининг ва исботлаш усулининг қоидаларини ўз ичига олади.

Й

Йўлдош ўзгаришлар методи – ҳодисаларнинг сабабли боғланишини текширишнинг индуктив методларидан бўлиб, бу метод бўйича, агар бир ҳодисанинг юзага келиши ҳар сафар унга йўлдош бўлган иккинчи ҳодисани заруран юзага келтирса, демак бу ҳодисанинг биринчиси иккинчисининг сабабидир.

К

Катта термин –силлогизмнинг катта асосда жойлашган термин бўлиб, у ҳулосанинг предикатидир.

Категория – (грек. категориа – таъриф бериш, фикр айтиш) – объектив реалликдаги ҳодисаларнинг асосий хусусият ва қонунларини акс эттирадиган ва даврнинг илмий – назарий муҳитни, тафаккурнинг характерни белгилаб берадиган умумий тушунчалар. Формал мантиқда эса у умумлаштиришнинг чегараси бўлиб ҳисобланади

Келиб чиқмайди - (лот нон секуитур) – исботдаги хатолардан бири бўлиб, бундай хато етарли асос қонунини бузиш натижасида келиб чиқади. Бу хатонинг моҳияти шундан иборатки, тезиснинг исботи учун келтирилган асослар тўғри, чин бўлса - да, бироқ у тезиснинг исботи учун етарли эмас. Шунинг учун бу «асослардан тезиснинг чинлиги келиб чиқмайди» деб аталади. «Кимки кўп исботлашга интилса, у ҳеч нарсани исботламайди» (лот. қуи нимиум пробат, ниҳил пробат) – исботдаги хатолардан бўлиб, исбот жараёнида тезиснинг исботи учун жуда кўп асослар келтирилиб, бу асослар тезиснинг исботи учун етарли бўлибгина қолмай, балки ортиқча ҳисобланади.

Кичик термин – силлогизмнинг кичик асосида жойлашган тушунча бўлиб, у хулосанинг субъекти бўлиб келади.

Классификация – (лот. classus – туркум, фасио - бажараман) предметларни муҳим белгиларга қараб туркумлаш. Бунда предметлар бир – бирига ўхшашлиги ва фарқига қараб синфларга бўлинади ва жойлаштирилади. У табиий ва сунъий, илмий ва ёрдамчига бўлинади.
Конструктив мантиқ – ҳозирги замон математик мантиғининг оқимларидан биридир. Бунда у воқеликни конструкция қилиш асосида ўрганади.
Контраст – (француз сонтрасте – кескин қарама - қаршилик) – бирор нарса ҳодиса ўртасидаги кескин фарқ, қарама – қаршилик.
Кузатиш – бевосита идрок қилиш орқали нарса ва ҳодисаларни қандай бўлса, шундайлигича табиий асосда ўрганиш методи. Кузатиш ўзининг активлиги, мақсадга қаратилганлиги билан оддий идрокдан фарқ қилади.

Л

Лемматик хулоса – (грек. лемма - тахмин) – шартли-айирувчи силлогизм.
Логицизм – мантиқнинг математика учун ҳал қилувчи деб қаровчи оқимдир. У оқим тарафдорлари математикани мантиқ тушунчалари билан изоҳлаш мумкин деб қарайдилар. Логицизм тарафдорлари мантиқ билан математикани икки фан деб эмас, балки бир фаннинг ривожланишидаги икки босқич деб қарайдилар. Инглиз файласуфи Б. Расел, немис математиги ва файласуфи Г. Фрегелар унинг асосчиларидир.
Логомахия – (грек. логос – сўз, махе - баҳс) сўзнинг маъносини аниқламасдан туриб баҳс юритиш. Терминларнинг маъносини билмасдан ёки аниқламасдан туриб баҳс қилинганда икки томон ҳам ҳақ бўлиб чиқиши мумкин. Чунки баҳслашувчи томонлар баҳс мавзуси учун бир сўз маъносининг бошқа – бошқа томонларини олган бўлишлари мумкин.

М

Мантиқ – (грек. логос – сўз, фикр, нутқ, ақл) тафаккур қонунлари ва шакллари ҳақидаги фандир. Мантиқнинг предмети тафаккурдир.
Мантиқий квадрат – ҳукмлар ўртасидаги муносабатни эсда сақлаб қолиш учун фойдаланиладиган кўргазмали диаграмма.
Мантиқий семантика ёки семантик мантиқ – (грек. семантикас – англатувчи, билдирувчи) – мантиқнинг муҳим бир тармоғи бўлиб, тушунча, ҳукмда ифодаланган сўзлар маъносини ўрганади.
Мантиқий хато – тушунча, ҳукм, ҳулоса чиқариш, исботлаш жараёнида тафаккур қонуни ва шаклларини бузиш натижасида келиб чиқадиган хато.
Мантиқий қарама – қаршилик – фикрлаш жараёнида нозидлик қонунини бузиш асосида келиб чиқадиган чалкаш муҳокама.
Мантиқий қонунлар – тўғри тафаккур қонунлари.
Мантиқ қонунлари – инсон тафаккурига хос қонунлардир. Мантиқ қонунлари объектив оламнинг инсон онгидаги инъикосидан иборатдир. Формал мантиқнинг тўртта асосий қонуни бор: айният, нозидлик, учинчиси истисно, етарли асос қонунлари. Бу қонунлар тўғри фикрлашнинг зарурий шартидир.
Математик мантиқ – математиканинг бир йўналиши бўлиб, у фикрлаш жараёнини ўрганишга математик методни қўллайди. Математик мантиқ формал мантиқ ривожининг янги босқичи бўлиб, у анъанавий мантиқдан сўнг мустақил соҳа бўлиб майдонга келди.
Модус (лот. modys – усул, ўлчов) формал мантиқда силлогизм фигураларидаги ҳукмларнинг миқдор ва сифат жиҳатдан бирлашган турлари тушунилади.
Мураккаб ҳукм – Мантиқий боғловчилар орқали икки ва ундан ортиқ оддий қатъий хукмлардан ташкил топган хукм. Мураккаб ҳукмлар айирувчи, бирлаштирувчи, шартли ва эквивалент бўлади.
Муҳим белги – предмет ва ҳодисаларнинг мавжудлиги учун зарур бўлган белгидир.

Мантиқий квадрат – ҳукмлар ўртасидаги муносабатни эсда сақлаб қолиш учун яратилган кўргазмали диаграмма.

Н

Натижа – асосдан зарурий равишда келиб чиқадиган фикр. Шартли ҳукм қисмларидан бири: шартли айтилган қисм асос, шарт асосида вужудга келадиган қисм натижадир. Бир неча ҳукмдан чиқарилган ҳулоса ҳам натижа дейилади.

Него – лотинча «инкор қиламан» деган сўз бўлиб, биринчи унли ҳарфи (Е), муминкор ҳукмнинг, иккинчи унли ҳарфи эса (О) жузъий инкор ҳукмининг символик ифодаси.

Неологизм (грек. neos – янги, logos сўз) – тилда янги сўзларнинг пайдо бўлиши. Бу сўзлар инсон амалий фаолияти, илмий билимларининг ривожланиши асосида пайдо бўлади.

Ном – предмет, ҳодиса, жараёнларнинг тилдаги ифодаси. Ном якка предметларни (Тошкент, Ал- Хоразмий), бир гуруҳ предметларни (ҳалқ, ўрмон), ҳодиса ва жараёнларни (тинчлик, сезги) акс эттириши мумкин. Ном проблемаси билан мантиқда Г. Фреге батафсил шуғулланган.

Номинал таъриф – (лот. дефинитио номиналис) – тушунчада ифодаланган сўзнинг маъносини аниқлаш. Номинал четдан кирган сўзларнинг маъносини аниқлаш, илмий айланмага янги терминлар киритиш учун ҳам ишлатилади.

Номуҳим белги – предметнинг мавжудлиги учун зарур бўлмаган белги.

Нон caysa про caysa – (лот. Унинг сўзма-сўз таржимаси: “Сабабдан эмас, сабаб учун” демакдир). Бу “Кетма-кет келган нарсаларнинг барчаси сабаб ва оқибат бўлади” деган хатонинг лотинча номи. Масалан: кун тундан кейин келади. Лекин бундан тун куннинг сабаби экан деган маъно асло келиб чиқмайди.

О

О – лотинча «Него» (инкор қиламан) сўзининг иккинчи унли ҳарфи бўлиб, у жузъий инкор ҳукмни символик тарзда ифодалайди.

Объект (лот. обжестум - предмет) – айни пайтда онгимиздан ташқарида унга боғлиқ бўлмаган, бизнинг онгимиз предмети бўлган нарса ва ҳодисалар.

Объектив мантиқ –онгимиздан ташқарида бўлган реалликнинг ривожланиши, алоқаси, муносабати. Субъектив мантиқ ана шу объектив оламнинг инсон онгидаги инъикосидир.

Объектив реаллик – инсон онгидан ташқарида турувчи табиат, жамият, бутун моддий дунё ва унинг турли томонлари, инсоннинг ўзи, англаш қобилияти, унинг табиат ва бошқа одамлар билан муносабати.

Объектив ҳақиқат – бизнинг билимларимизнинг онгимиздан ташқарида мавжуд бўлган мазмуни бўлиб, унинг воқеаликка мос, адекват келишидир. Ҳақиқатнинг мазмуни эса бизнинг онгимизга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуддир.

Оддий ҳукм – бир субъект ва предикатдан иборат бўлган ҳукм.

Оммавий индукция – тўлиқсиз индукциянинг бир тури бўлиб, у оддий кузатиш йўли билан кундалик ҳаёт тажрибаси асосида чиқарилган ҳулосалар ҳисобланади. Бу индукцияда нарсаларнинг ички моҳияти асосида эмас, балки бевосита кўзга ташланиб турган белгилар асосида ҳосил қилинади. Шунинг учун у зид ҳоллар учрамаган тақдирдагина тўғри бўлади.

Омонимлар – шакллан бир хил, аммо мазмунан бир неча тушунчани ифодаловчи сўзлар.

Оператор – символ ёки символлар комбинацияси бўлиб, у мантиқий шакл ҳосил қилиш учун ишлатилади.

Остенсив таърифлаш – (лот.ostendepe - кўрсатмоқ) предметни бевосита кўрсатиш орқали таърифлаш.

П

Р - лотинча praedicatum – кесим сўзининг биринчи унли ҳарфи бўлиб, у ҳукм предикатининг символик ифодасидир. Силлогизм ҳулосанинг предикати бўлиб келгани учун катта термин ҳам Р ҳарфи билан белгиланади.

Парадокс (грек. пара – қарши ва doxa - фикр) – кутилмаган, одатдан ташқари ажойиб фикр бўлиб, маълум ҳукмрон ва кундалик ҳаёт фикрларига, хатто росмана фикрга қарама-қарши бўлган мулоҳазадир. Формал мантиқда бир-бирига қарама-қарши бўлган икки ҳулоса бўлиб, уларнинг ҳар иккаласи чин (тўғри) ёки хато деб қараладиган фикрга парадокс дейилади.

Предикат (лот. praedicatum - кесим) – ҳукмда предметга хос белгини ифодалайди. Предметдаги белгини мантиқий боғловчилар орқали тасдиқлаб ёки инкор қилиб кўрсатади.

Петитио принсипии (лот.) – тезиснинг исботи учун келтирилган асос, тўғри, чин, етарли бўлса – да, унинг исботи учун яна қўшимча исбот қилиш талаб қилинадиган далиллар келтириш асосида келиб чиқадиган хатонинг лотинча номи бўлиб, "асосни ошириб юбориш" хатоси деб аталади.

Понendo толлens – (лот.) – айирувчи – қатъий силлогизмнинг «тасдиқлаш йўли билан инкор қилиш» модусининг лотинча номи.

Понens (лот.) – шартли силлогизмнинг "тасдиқ" модусининг лотинча номи.

Р (лотинча Релатио) – муносабат сўзининг биринчи ҳарфи бўлиб, ҳукмлар ўртасидаги муносабатнинг символик ифодасидир. Ҳукмлар ўртасидаги муносабатнинг формуласи қуйидагича: а Р б (а ва б ҳукми ўртасида Р муносабат бор деб ўқилади).

Раддия – бирор тезиснинг нотўғрилиги ёки асоссизлигини исботлайдиган мантиқий усул.

Рационализм – (лот. рационалиs - ақлий) – билиш назариясида ақлни ҳақиқий билимнинг бирдан бир манбаи деб ҳисобловчи оқим.

С

S (лотинча Субжестум) – субъект сўзнинг биринчи ҳарфи бўлиб, у ҳукмдаги мантиқий эганинг символик ифодасидир. Силлогизмда ҳулоса субъекти кичик термин ҳам S ҳарфи билан ифодаланади.

Сабаб ва оқибат – (лот. caysa - сабаб) – бошқа бир ҳодисани заруран вужудга келтирувчи сабаб натижасида юзага келган бошқа ҳодиса оқибат деб аталади.

Сигнал – (лот. Сигнум - белги) – маълум маълумот берувчи шартли белги.

Силлогизм – (грек. Суллогисmos – ҳисоблаб чиқармоқ) – ҳулоса чиқаришнинг дедуктив усули бўлиб, унда икки қатъий ҳукмдан янги бир қатъий ҳукм – ҳулоса ҳосил қилинади. Бунда ўрта термин асосларни мантиқан боғлайди, кичик ва катта терминлар боғланиб, ҳулоса ҳосил қилади.

Силлогизм аксиомаси – «Буюмларнинг бутун туркуми тўғрисида нимаики тасдиқланиб (ёки инкор қилиниб) айтилса, шу туркумдаги айрим бир бўлак тўғрисида ҳам тасдиқлаб (ёки инкор қилиб) айтилади».

Силлогизм таркиби –икки асос ва ҳулоса, уч терминдан иборат.

Силлогизм фигураси – ўрта термин жойини алмаштириш йўли билан силлогизмнинг турли шаклларини ҳосил қилишдан иборат бўлган мантиқий усул. Ўрта термин ўрнини алмаштириш йўли билан тўрт хил фигура ҳосил бўлади.

Символика – маълум объект, шунингдек, фикр, ғоя, ҳиссиётни ифода этувчи белгилар системаси.

Символик мантиқ – маълум фикрлар ва унинг шаклларини, муносабатини, терминлари, предикати ва субъектларининг ёлғон ёки чинлиги, мантиқий функцияларини белгилар системаси билан ифодалаб ўргнанувчи таълимот. У символик тарзда қуйидагича ифодаланади:

1. Пропозицонал ўзгарувчилар: п, қ, р.
2. Мантиқий боғловчилар:
∧ - конъюнкция (ва)
В – дизъюнкция (ёки)
$\dot{V}$ – қатъий дизъюнкция
→ - имплекация (агар ... у холда)
⎤ - инкор (йўқ, тўғри эмас)
≡ - эквивалентлик (тенглик)
3. ∀ – умумийлик квантори
∃ - мавжудлик квантори
4. Техник белгилари: (— сўл қавс,) — ўнг қавс ва б.

Сорит – мураккаб силлогизмнинг тури бўлиб, олдинги асоснинг предикати кейинги асоснинг субъекти бўлиб, бораверади. Ҳулосада эса биринчи асоснинг субъекти охирги асоснинг предикати бўлиб чиқади.

Софизм – (грек. Sопҳisma – ўйлаб чиқарилган, муғамбирлик) – мантиқ қонуни ва қоидаларини била кўра туриб, уларни қасддан бузиш. Софистлар фикрни шакл жиҳатидан тўғри деб қарасалар – да, фикрлашдаги хатони ҳақиқат, чин деб қарайдилар. Улар кўпинча сўзларнинг турли маънолилигидан фойдаланиб, нисбийликни мутлоқлаштирадилар. Бироқ софистлар, қадимги Грецияда диалектикани ривожлантиришда «сўз устаси» ўқитувчилари сифатида катта роль ўйнаган.

Субъект (лот. Sубжестум) – ҳукмнинг мантиқий эгаси бўлиб, фикр қаратилган буюмни билдиради. Фалсафада дунёни билувчи шахс маъносида ҳам ишлатилади.

Схоластика (грек. Sчоле – мактаб, лот. Sчоlastiсys - мактабий) – ҳаётдан ажралган, предметсиз, ҳавойи, маъносиз фикрлашдир. Ўрта асрларда диний – фалсафий таълимотни схоластика деб аташган.

Т

Тафаккур – воқеликни абстрактлаштириб ва умумлаштириб билишдан иборат бўлган инсоннинг ақлий, назарий фаолияти.

Тафаккур шакллари – объектив оламдаги энг умумий жараёнларнинг акс этиши асосида пайдо бўлган амалий фикрлашнинг тузилиши. У тушунча, ҳукм, ҳулоса чиқариш ва ҳоказолардан иборат бўлади.

Тафовут методи – ҳодисаларнинг сабабли боғланишини текширишнинг индуктив методларидан бири. У қуйидагича ифодаланади: агар ҳодиса бир ҳолда юз берса – ю, иккинчи ҳолда тафовут қилса, демак, худди шу ҳолатнинг ўзи ҳодисанинг сабабидир.

Таққослаш – буюм ва ҳодисаларнинг бир – бирига ўхшашлиги ва фарқини аниқлашга қаратилган мантиқий усул.

Таърифлаш – мантиқий усул бўлиб, бу усул воситасида тушунчаларнинг мазмуни очиб берилади. Таърифнинг тузилиши икки асосий қисмдан: аниқловчи ва таърифловчи тушунчалардан иборат бўлади.

Таърифлашга ўхшаш мантиқий усуллар –1) кўрсатиш; 2) тасвирлаш; 3) тавсифлаш; 4) ўхшатиш; 5) тафовутлаш; 6) таққослаш.

Тезис (грек. тҳesиs – ҳолат, тасдиқ) – чинлиги исботланиши лозим бўлган фикр.

Термин (лот. терминуs – охири, чегара) – И. Сўз ва сўзлар бирикмаси: масалан, «архитектура», «атом» терминлари. Белгилар ва уларнинг бирлиги ҳам термин бўлиши мумкин. Термин одатда тушунчанинг аниқ қатъий номи маъносида ишлатилади.

ИИ. Ҳукм ва силлогизмда иштироқ этган тушунчалар термин деб аталади. Ҳукмда субъект (S), предикат (P) терминлари бор. Силлогизмда катта (P), ўрта (M), кичик (S) терминлар мавжуд.

Традицион мантиқ – Арастунинг мантиқий таълимотига асосланади. Арасту силлогизм назариясига асос солган. Ҳулоса чиқаришнинг дедуктив методини ишлаб чиқди. Инглиз файласуфи Ф. Бэкон (1561 – 1626 йиллар) эса индуктив методни ишлаб чиқади. Шундай қилиб традицион мантиқ вужудга келади. Бу мантиқни ривожлантиришга жуда кўп мутафаккирлар ҳисса қўшганлар.

Трихотомия (грек. триҳа – учга, тома - майдалаш) – тушунчалар ҳажмини учга бўлиш. Математик мантиқда ва аксиоматик назарияда тўпламнинг трихотомик аксиомаси мавжуд.

Тўлиқ индукция – индуктив ҳулоса чиқаришнинг тури бўлиб, бунда маълум бир ҳодисанинг барча ҳолларини тўла равишда ўз ичига оладиган асослардан умумий ҳулоса чиқарилади.

Тўлиқсиз индукция – индуктив ҳулосанинг тури бўлиб, у текшириладиган ҳодисанинг барча ҳолларини эмас, балки айрим ҳолларинигана ўз ичига олади ва айрим предметларни ифодалаган асослардан ҳулоса чиқаради.

Тушунча – предметларнинг умумий ва муҳим белгиларини акс эттирувчи тафаккур шакли.

Тушунчаларнинг асосий туркумлари – тушунчалар ҳажмига ва мазмунига қараб туркумларга бўлинади. Ҳажмига кўра якка ва умумий тушунчаларга бўлинади. Мазмунига қараб: конкрет ва абстракт, нисбатдош ва нисбатсиз, мусбат ва манфий тушунчаларга бўлинади.

Тушунчаларни бўлиш – мантиқий усул бўлиб, бу усул ёрдамида тушунчаларнинг ҳажми уни қисм (тур) ларга ажратиш йўли билан аниқланади.

Терминум мажор (лот.) – катта термин

Терминум mediys (лот.) – ўрта термин

Терминум минор (лот.) – кичик термин

Терминум нон datyp (лот.) – учинчиси керак эмас (учинчиси мустасно қонунининг лотинча номи).

У

Учинчиси истисно қонуни - мантиқнинг асосий қонунларидан бўлиб, у қуйидагича ифодаланади. Бир – бирига зид бўлган икки фикрдан бири ҳамиша тўғри (чин) бўлиб, иккинчиси хатодир, учинчиси бўлиши мумкин эмас. Унинг формуласи: А ёки В, ёки В эмас АВА

Ф

Ф – лотинча – **Фалsitys** – хато (ёлғон) сўзининг биринчи ҳарфи бўлиб, у математик мантиқда хато айтилган фикрни символик тарзда ифодалайди.

Фалсафа (грек. пҳилео – севаман ва sопҳиа - донолик) дунёни тафаккурнинг борлиққа бўлган муносабати асосида ўрганувчи таълимот бўлиб, у инсоннинг жамиятдаги роли, унинг дунёқараши тўғрисида баҳс юритади.

Формаллаштириш – илмий билиш методи бўлиб, маълум объектнинг мазмунини унинг, шакли орқали ифодаланади.

Формаллашган тил - формал мантиқда ишлатиладиган сунъий тилдир. Сунъий тил - белгилари системасидан иборат бўлиб, бу системалар маънони аниқ ва тўлиқ ифодалаш учун ишлатилади. Гап тилда мустақил семантик маънога эга ва тугал фикрни англатади, тўлиқ тил белгисини ифодалайди.

Предикатлар мантиғи тилининг символик ифодаси қуйидагича:

1) а, в, с, ... – якка, атоқли ёки тавсифий предметларнинг номи ифодаланган символлар – предметли ўзгармас (константа) деб аталади.

2) х, у, з, ... – предметларнинг умумий номини ифодаловчи символлар, предметли ўзгарувчанлик деб аталади.

3) P^1, $Қ^1$, P^1, P^2, $Қ^2$, P^2, ... $P^н$, $Қ^н$, $P^н$, ... – предикорларни ифодаловчи символлар (индекслар предикатларни жойини кўсатади: 1 – бир жойли; 2 – икки жойли; н – кўп жойли) уларни предикат ўзгарувчанлиги дейилади.
4) Р, қ, р, ... пропозицион ўзгарувчанлик – гапни ифодаланишини билдирувчи символлар.
5) ∀, ∃ - фикрларнинг миқдорий характеристикасини ифодаловчи символлар – квантор деб аталади. (∀ - умумийлик квантори: «ҳамма», «ҳар қандай», «ҳамма вақт» кабиларда ифодаланади. ∃ - мавжудлик квантори: «баъзи», «бўлади», «учрайди», «мавжуд» кабиларда ифодаланади).
6) Мантиқий боғловчилар:
конъюнкация (бирлаштирувчи) - ∧(а^б);
дизъюнкция (айирувчи) -в (авб);
импликация (агар ... у ҳолда) → (а→б);
эквивалент (тенглик) ≈ (а≡в);
Инкор – ⎤(⎤а).

Формула – (лот. Формула – шакл, қоида) – маъулм белгиларда фикрлаш жараёнинг қонун ва қоидаларини изчил равишда қисқа баён этишдир. Формула фикрлаш жараёни тўғрисида аниқ маълумот беради. Мантиқда формулалар жуда кўп қўлланилади.
Фалласиа ассентуs – (лот.) икки маъноли талаффуз қилишдан келиб чиқадиган мантиқий хато.
Фалласиа accidentius – (лот.) предметларнинг муҳим белгиларини номуҳим белгиларига аралаштириб юбориш натижасида келиб чиқадиган мантиқий хато.
Фалsум (лот.) – ёлғон, алдаш
Фата (лот.) – тақдир
Форте (лот.) – тасодиф, эҳтимол.

Э

ЭВМ – электрон ҳисоблаш машинаси терминининг қисқартирилган номи бўлиб, ҳисоблаш техникасининг муҳим тушунчасидир.
Эвристика (грек. ҳеуриско - топиш) – янгиликни излаш қонунияти билан шуғулланадиган фан соҳаси бўлиб, у ёки бу муҳим муаммони ҳал қилишнинг қулай томонларини излаш билан шуғулланади.
Эзоп тили – метафора ва турли образлар, киноя ва қочирмалар орқали аччиқ ҳақиқатни айтиш (қадимги Грецияда яшаган философ Эзоп номи билан юритиладиган термин).

«ЭТИКА» ФАНИДАН ГЛОССАРИЙ

АХЛОҚ(араб. хулқнинг кўплиги; лот. моралиs — хулқ-атвор) — ижтимоий онг шаклларидан бири, маънавий ҳаёт ҳодисаси, маънавият соҳасига оид тушунча. Кишиларнинг тарихан таркиб топган хулқ-атвори, юриш-туриши, ижтимоий ва шахсий ҳаётдаги ўзаро, шунингдек, жамиятга бўлган муносабатларини тартибга солиб турувчи барқарор, муайян норма ва қоидалар йиғиндиси. А. нормалари кишиларнинг хатти-ҳаракатларида ўз ифодасини топади. Бунда баъзи хатти-харакатлар, хулқ-атворлар А.ий, баъзилари А.сизлик деб баҳоланади. А. ижтимоий онгнинг энгқад. шаклларидан биридир. Даврўзгараборгансари ҳар қандай ҳодиса каби А. ҳам ўзгаради, ривожланиб, такомиллашиб, маънавий маданиятнинг кўринишларидан бирига айланиб боради. А.ни алоҳида фал-ий фан – “Этика” ёки “Ахлоқшунослик” ўрганади. Илм, билим, дунёқараш, идроква иймонинсоннинг хулқ-атворида ўзига хос тарзда акс этади. Инсонийлик маданияти эса ахлоқий фазилатлар орқали намоён бўлади. А. ижтимоий муносабатлар заминида алоҳида шахс сифатида мавжуд бўлган инсонларнинг ўз-ўзини идора қилиш шакллари ва меъёри, ўзаро мулоқот ва муносабатларда уларга хос бўлган маънавий камолот даражасининг намоён бўлиши ҳамдир.

АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР-кишиларнинг хулқ-атворида асрлар давомида шаклланган ўзаро муносабатлар, юриш-туриш қоидалари: хушхулқлик, хушмуомалалик, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, ҳалоллик, покизалик, эзгулик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, ватанпарварлик.

АХЛОҚИЙ ИДЕАЛ-ахлоқ -меъёрларининг юксак, орзу қилинган даражадаги тасаввуфи, барча энг яхши хислатларга эга, ҳар томонлама тарбияланган инсон образи.

АХЛОҚИЙ МАДАНИЯТ-ахлоқий тарбияга доир асарлар, қарашлар, ғоялар, кўникмалар ва уларга амал қилиниш.

АХЛОҚИЙ МЕЪЁРЛАР-жамиятда ўрнатилган хулқ-атвор қоидалари, улар урф-одат, кўникма, маросим қоидалари сифатида намоён бўлади, ахлоқий қадриятлар сифатида қаралади, уларга амал қилмаслик жамоатчилик томонидан қораланади.

АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ-инсон тарбиясининг муҳим қисми ҳисобланиб, одамга ёшлигидан бошлаб тўғрилик, ҳалоллик, иззат ҳурмат, бурч-масъулият, соғлом турмуш тарзи, ор-номус, шарм-ҳаё, Ватан азизлиги, оила муқаддаслиги, эътиқод мустаҳкамлиги хислатларининг сингдириб борилиш жараёнидир.

АХЛОҚИЙ ТАФАККУР-ахлоқ масалаларигабағишланган фикрлар, қарашлар ғоялар, ҳар бир инсонннинг ахлоқий меъёрлар ва қадриятларни англаш, илмий мушоҳада қилиш жараёни.

АХЛОҚИЙ ФАЗИЛАТЛАР-инсон хулқ-атвори, юриш-туришидаги энг юксак, ижобий ҳатти-ҳаракатлар, ўй-фикрлар ва эзгу амаллар мажмуаси: эзгуликка интилиш, яхшилик қилиш, иззат-ҳурматли бўлиш, меҳнатсеварлик, ор-номусли бўлиш, ватанпарварлик, инсонпарварлик, саховатлилик, ҳалоллик, покизалик каби хислатларнинг намоён бўлиши

АХЛОҚСИЗЛИК-жамиятда қабул қилинган ахлоқий меъёрлардан четга чиқиш: боқимандалик, ёлғончилик, ичкиликбозлик, фоҳишабозлик, ўғрилик, ҳасад, ғийбат, туҳмат, ватанфурушлик, эътиқодсизлик ва шулар каби барча салбий хислатларнинг намоён бўлиши.

АДОЛАТ — юксак маънавий тушунча бўлиб, унинг Э. ва Ё. ҳамда Я. ва Ё. дан асосий асосий фарқи шундаки, А. нинг ўзи бирорқбир қадриятни англатмайди, лекин қадриятлар орасидаги нисбатни белгилайди, уларни баҳолаш мақомига эга. Шу боис унда жамиятни тартибга солувчилик хусусияти бор; А. да икки маънавий жиҳат – ҳам ахлоқий, ҳам ҳуқуқий талаблар мужассамлашган. Уни маълум маънода ахлоқ соҳасидаги миқдор ўлчовчи ҳам дейиш мумкин: у талаб б-н тақдирлашни ўлчаб турадиган тарозидир. А. бор жойда ижтимоий жабрга, бебошликка йўл йўқ. Энг оддий, ибтидоий фазилатлар, м., меҳрибонлик, шафқат, мурувват ҳайвонларда ҳам мавжуд, лекин ҳайвонларда улар ўз гуруҳига, энг аввало, ўз зурриётига қаратилган бўлади.

АНДИША —юксак маънавиятга хос, ахлоқий тарбия натижасида шаклланадиган маънавий-ахлоқий тушунча, Этика фанининг меёрий тушунчаси, “Маънавиятшунослик”, “Маънавият асослари” фанларининг асосий категорияларидан бири. Кишилар б-н бўлган муносабатда оқибатини атрофлича ўйлаб муносабатда бўлиш, мулоҳаза қилиш А.нинг ўзига хос хусусиятларидандир. А.ли инсон ўз хатти-ҳаракати, маънавий-руҳий қарашларида юксак ахлоқий тамойиллардан келиб чиққан ҳолда фаолият юритади. Бундай инсон ўзгаларни олижаноб ахлоқий меъёрларга асосланган ҳолда қадрлайди.

БАХТ- маънавий ахлоқий тушунча. Киши ўз фаолияти натижаларидан ҳаётда қўлга киритилган ютуқларидан тўла қониқиш, яшаш тарзидан мамнунлик, муайян мақсадга етганлик, орзу-умиднинг ушалиши, беармонлик ҳолати сифатида намоён бўлади.Бахт нисбий тушунча, мутлоқ бахт йўқ. Бахтни қандай маънода тушунишнинг шахснинг ижтимоий ўрнига, билими, ёши, дунёқарашига боғлиқ. Бахт ҳақидаги кишиларнинг тасаввурлари ижтимоий тузим ва ундаги ижтимоий муносабатлар мажмуаси б-н узвий боғлиқ.

БАҒРИКЕНГЛИК– меҳр-мурувват, ғамхўрлик, ҳимоя, паноҳ, макон, сахий, эшиги ҳамма учун очиқ, даргоҳи кенг; кенгфеъллик. Бағрикенглик –ўзгаларнинг дунёқараши, диний эътиқоди, миллий ва этник хусусиятлари, анъана-маросимларига ҳурмат-эҳтиромда бўлиш, муомала-муносабатда камситишлар, таҳқирлашларга йўл қўймаслик, инсонийликни ҳамма нарсадан устун ҳисоблаб, жамоада, иш жойларида, маҳалла-куйда бунга риоя этиш. Хуллас,

турли диндаги, турли миллат ва элатларга мансуб кишиларнинг бир мамлакат доирасида, ягона давлат таркибида баҳамжиҳат, осойишта яшашидир. Бағрикенглик айрим шахсларга ёки бутун бир халққа хос хусусият бўлиши мумкин. Бағрикенглик – ўзбек халқининг энг олижаноб фазилатидир.

БАРКАМОЛЛИК– камолот, балоғатга эришган, бекаму кўст, етук, мукаммал, нуқсонсиз,камоли хирад – ақл комиллиги, камоли маърифат – илму маърифатда мукаммаллик, камол аҳли – илму ҳикмат эгалари, олимлар. Баркамоллик инсоннинг ақлий ахлоқий ва билимдонлик жиҳатидан етуклиги, ўзи танлаган касбу ҳунарнинг устаси бўлиши, шахс сифатида шаклланиб, ватан тараққиёти, эл-юрт фаровонлиги учун жон куйдириши, эзгу ғоя ва ниятлар б-н бунёдкорлик ва яратувчанлик қобилиятига эга бўлиши.

БИОЭТИКА –ҳозирги замон этикасининг муҳим йўналишларидан бири. Б.инсон ҳаётини энг олий ахлоқий қадрият сифатида қарайди, шу билан бирга, инсон ҳаётини сақлаш муаммосини – яхшилик ва ёмонликни фарқлашнинг муҳим мезони, деб ҳисоблайди. Ҳоз. замон фанида Б. тирик мавжудотлар, шу б-н бирга, инсонга ҳам бўлган муносабатларнинг маънавий-ахлоқийрегулятиви, деб қаралади. Инсоннинг табиат б-н узлуксиз алоқасини маънавий таҳлил этиш асосида, табиатни муҳофаза этишда аҳлоқий жавобгарлик Б.нинг маданий негизини ташкил этади. Б., социал масалалалар б-н биргаликда, қадриятлар муаммосини ҳам қамраб олади. Б. Мақсадларидан бири – шахсни турли ҳолатларга солиш имкониятларини яратувчи, инсон хатти–ҳаракати, руҳиятини ўзгартириш мумкин бўлган, унинг устидан ўтказилаётган хилма-хил тадқиқотларни чеклаш мезонларини ишлаб чиқади.

БОТИНИЙЛИК ВА ЗОҲИРИЙЛИК— маънавий ҳодисалар бўлиб, инсоннинг ички, қалб, кўнглидагиҳиссиётлар ва уларни сиртқи томондан, ташқи кўринишда ифодаланиши. Инсон ташқи томонидан қандай кўринишидан қатъий назар, унинг Б. ҳиссиёти, қалби, кўнгли ниҳоятда нозик ва маънавий бой бўлиши мумкин. Сиртдан қараганда кам-кўстсиз, салобатли кўринган киши ҳиссиётсиз, қалби кўр бўлиши ҳам мумкин. Б. инсонга бахш этилган неъмат, у буюккишиларнинг зоҳирий фаолиятларида ёрқин ифодасини топган.

БУРЧ — жамият, давлат ва шахсларга нисбатан муайян индивиддаги муносабат, улар олдидаги мажбурият. У виждон, эътиқод, масъулият каби тушунчалар б-н мустаҳкам боғлиқ. Умуман, ҳаётда инсоннинг ҳар бир хатти-ҳаракати замирида Б. га садоқат ёки хиёнат ётади. Б. нинг инсонлик Б.и, мусулмонлик Б.и, насронийлик Б.и, фуқаролик Б.и, оталик Б.и, оналик Б.и, фарзандлик Б.и сингари барча даврлар учун умумий бўлган тушунчалари ҳам, журналистлик Б.и, шифокорлик Б.и, олимлик бурчи каби касбий одоб доирасидаги тушунчалари ҳам мавжуд. Б. тушунчасининг ўзига хос жиҳатларидан яна бири – унинг вақт ва жамиятда муайянлашиш хусусияти.

ВИЖДОН — маънавиятдаги таъсир доираси ниҳоятда кенг тушунчалардан бири. В. – З. Фройд таъбири б-н айтганда, ало **мен**, **мен** устидан назорат ўрнатиб, уни бошқариб турувчи иккинчи бир, юқори даражадаги **мен.** Агар уят ҳисси инсоннинг ташқи, жамиятга боғлиқлигидан келиб чиқса, В. унинг ички ўз-ўзига боғлиқлигини намоён этади. Бу ички боғлиқлик ташқи боғлиқликка нисбатан теран ва доимийдир: уят маълум бир вақт ичида одамнинг ўз ножўя ҳаракати туфайли юзага келган ўнғайсизлиги бўлса, В. азоби, бу оддий ўнғайсизлик эмас, балки қалбдаги, одамдаги одамийликка эътиқоднинг фарёди, талаби; уни қондирмас экансиз, ҳеч қачон азоб тўхтамайди.

ВАТАНПАРВАРЛИК -бир ижтимоий гуруҳга мансуб бўлган инсонларнинг ўз тарихини, тили, маданияти,урф – одатларини, миллий обрўси, қадр – қимматини билиш, ҳурмат қилиши, уларга таяниши, бошқа халқларнинг ҳам обрў – эътиборини, манфаатларини ҳурмат қила билишиниифодаловчи маънавий фазилатдир. В. инсоннинг ўз Ватанига муҳаббатини, уни асраб-авайлашга бўлган иштиёқини англатувчи ахлоқий тушунча.

ВРАЧЛИК ОДОБИ -врач маънавияти ва хулқ-атвор меъёрларининг мажмуи. В.о. умумий одобнинг таркибий қисми ҳисобланади, бунда врачнинг фаолияти хусусиятларига мувофиқ ҳолда хулқ-атвори ва ижтимоий ўзига хосликлари ўрганилади. У врачликнинг маънавий-ахлоқий масалаларини қамраб олади, унинг хулқ-атвори, маънавияти, касбий бурчини ҳис

этиши, номуси, виждони ва қадр-қиммати меъёрларини, беморлар, уларнинг қариндош-уруғлари, ўз ҳамкасблари, жамоаси ва уму-ман жамият билан ўзаро муносабати масалаларини ўз ичига олади. В.о. тамойиллари ижтимоий-иқтисодий шароитлар,соғлиқни сақлаш ва жамиятнинг унга бўлган муносабати ҳолати, тиббиёт фанининг ривожланиш даражаси билан боғлиқ.

ДИЁНАТ– (араб. диндорлик, тўғрилик, инсоф) Худодан қўрқиш, гуноҳ қилмаслик, савоб ишларни амалга ошириш, имонли-эътиқодли, софдил ва мард бўлиш, диний қонун-қоидаларга қаттиқ риоя этиш, диндорлик, тақводорлик, виждон, инсофлилик. Диёнатли одам тўғрисўз, ҳақгўй бўлади, ҳаромдан ҳазар қилади, бировнинг зарарига иш қилмайди, ҳамиятли, номусли, ориятли бўлади

ДЎСТЛИК — ахлоқий тушунча; ўзаро боғлиқлик, маънавий яқинлик, манфаатлар умумийлиги ва ҳ.к.га асосланган инсонлар ўртасидагиижобий муносабатни ифодалайди. Д.га қуйидаги хислатлар: шахсий характер, кўнгилчанлик ва индивидуал танлаш, ички яқинлик, барқарорлик хосдир. Д. Мазмуни тарихий тараққиёт жараёнида ўзгариб боради.Фал. тарихида Д.ни кўпроқ ахлоқий жиҳатдан таҳлил қилган баъзи мутафаккирлар унинг эмоционал жиҳатини алоҳида таъкидлаганлар, бошқалари эса уни манфаатлар умумийлиги ва оқилона эгоизмдан келтириб чиқарганлар. 19-а.нинг охирларида Д. психолог ва социологлар томонидан илк эмпирик тадқиқ этила бошланди. Д.нинг мазмуни ва функциялари ёш ўтиб бориши б-н сезиларли даражада ўзгариб боради. Болалар дўстлиги, ўртоқлик, ҳамкорлик фаолиятига асосланган эмоционал-ҳиссий яқинликни ўзида акс эттиради.

ИМПЕРАТИВ АХЛОҚ -(лот.императивуs -фармон) Кант этикасида ахлоқий қонунни тавсифловчи асосий тушунча. Кант фалсафий таълимотида амалий ақлни назарий ақлга нисбатан устун қўйилади. “Амалий ақл” деганда, кенг маънода у этика, давлат ва ҳуқуқ назариясини, тарих фалсафаси ва динни, антропологияни; тор маънода эса, ахлоқий хулқ атвор тамойиллари ва қоидаларини яратувчи ақлни тушунади. Кант “Амалий ақл танқиди” асарида инсон яхшилик ва ёмонлик ҳақида қалбининг ҳиссий иштиёқи ва интилишларига асосланиб эмас, ақл заковати ёрдамида хулоса чиқариш керак, деган назарияни ўртага ташлайди.

КАСБИЙ ОДОБ - жамият томонидан қабул қилинган аҳлоқ қоидаларини кишиларнинг ихтисосларига нисбатан амалда татбиқ қилувчи аниқ касбий бурч, шаън, ор-номус, қадр-қиммат каби хатти-ҳаракатларнинг мажмуи, умумий ахлоқнинг кишилар касб-коридаги ўзига хос кўринишидир. Одоб (араб. адаб сўзининг кўплиги) – жамиятда эътироф этилган хулқ нормаси. Шахс маънавий ҳаётининг ташқи жиҳатини ифодалайди ва ўзгалар б-н муносабат (оила, меҳнат жамоаси, турли маросимлар)да намоён бўлади. Одоб негизида ахлоқнинг баъзи тамойил ва меъёрлари, шунингдек, мақсадга мувофиқлик ва гўзаллик (эстетика) талаблари ётади. Одоб кишининг жамоат орасида ўзини қандай тутиши, одамлар б-н қай йўсинда муомала қилиши, ўз турмуши, бўш вақтини қандай ташкил этиши, инсон ташқи қиёфаси қандай бўлиши лозимлигига тегишли қоидалар (масалан, шарм-ҳаё, камтарлик, хушмуомалалик кабилар)ни ўз ичига олади.

КАМТАРЛИК – аввало ўз – ўзига талабчанлик, ўз ҳаракатларига, ишига, билимига танқидий қараш,ўзига, куч – қувватига ортиқча баҳо бермасликдир. Камтарлик кишиларга бўлган муносабатда намоён бўлади.Инсон одобли бўлса, у кишилар билан шунчалик содда камтарона муомала қилади, ўз ишларига ва ҳаракатларига камтарлик билан баҳо беради.Бошқаларга нисбатан ширинсуҳан бўлади.Камтар инсон бошқалардан ўзини устун қўймайди, ўзига бино қўйиб, сохта шухрат кетидан қувмайди, ютуқлардан эсанкирамайди. Камтарлик-тортинчоқлик ва ҳаддан ташқари андишалиликдан фарқ қилади. Улар орқасидан инсон ўз қадр – қимматини тушириб қўйиш мумкин. Камтарлик табиийликдан келиб чиқади.У кишиларга бўлган муносабатда ҳам яққол кўринади. Камтарлик инсон ички маънавий дунёсининг ташқи ифодаси ҳисобланади.

МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ. М.а.т. – юксак маънавий-аҳлоқий фазилатларни шакллантиришга йўналтирилган тарбия жараёни. Маънавият — тарбиянинг энг таъсирчан қуроли ва айни пайтда унинг натижаси. Ахлоқ — маънавиятнинг ўзаги. Ахлоқ — бу аввало, инсоф ва адолат туйғуси, имон, ҳалоллик дегани. Қадимги аждодларимиз комил инсон тарбияси ҳақида бутун бир ахлоқий талаблар мажмуасини, замонавий тилда айтсак, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанлар**.** М.а.т.да ахлоқ б-н маънавият мезонларига асосланиб, инсонда маънавият ҳамда ахлоқни шакллантириш ва ривожлантириш, такомиллаштириш учун таъсирни кучайтиришга эътибор қилинади.

МАҲАЛЛА (араб тилидан, маъноси – жамоат, жой, макон, қышничилик) – Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистон қудудида Х асрлардан бошлаб мавжуд былганлиги тўғрисида тарихий манбалар гувоҳлик беради. Маҳалла - бу жамиятшунослар таъбири б-н айтганда, тайёр андозага эга былган, «маҳаллий бошқарувда халқчил демократия институти» номини олган ташкилотдир. У ўзининг асосий вазифаси, «бирдамлик», «жамоавийлик», «ҳамкорлик» асосида маҳаллий аҳолини бирлаштирувчи, уюштирувчи ташкилот былганлиги боис, ҳамма даврларнинг бошқарув органлари унга нисбатан алоҳида муносабатда бўлиб келганлар.

МАҲР – (турк. тенг ҳуқуқли никоҳ тузилган пайтда хотинига ажратиб бериладиган мулк) никоҳнинг асосий шарти, никоҳ пайтида куёв томонидан келинга совға қилинадиган, кейинчалик фақат хотинга тегишли бўлган мулк. Маҳр фақат исломга хос, қалин ташқи томондан маҳрга ўхшаса ҳам, қадимдан қолган урф-одатдир

МУҲАББАТ ВА НАФРАТ — М. ва Н. кўпгина маънавий ахлоқий тушунчалар каби жуфтлик хусусиятига эга. М. инсоний моҳиятнинг эркин тарзда намоён бўлиши, зўравонлик ёки зўрмакзўракилик б-н чиқиша олмайдиган ҳодиса. У меъёрлар, анъаналар, қонунларга бўйсунмайди, лекин юксак ахлоқийлик ифодаси тарзида инсонга улкан масъулият юклайди, уни жасоратга чорлайди, у – инсонни ташқи ва трансцендентал олам б-н боғлайдиган, уни ёлғизликдан олиб чиқадиган буюк маънавий куч. М. нинг объекти доимо гўзаллик, манфаатсиз гўзаллик. У – Аллоҳми, Ватанми, ёрми – М. эгасига унданда гўзалроқ нарса йўқ. Айни пайтдабиробъектнисевган киши бошқа объектларниҳамсевишитабиий. Дейлик, ёрга бўлганҳақиқий М. Ватанга, инсониятга М.ни инкор этмайди, аксинча, барқарор қилади. Зеро, «ўз-ўзича», «якка», «худбин» М.нинг бўлиши мумкин эмас. Инсон ўзи ўзгага айланганида, ўзгани ўзига айлантира олганида ҳақиқий М. эгаси ҳисобланади. Мана шу объект б-н субъект орасидаги фарқнинг «йўқолиши» энг буюк, энг мукаммал маънавий лаззатдир.

МУОМАЛА МАДАНИЯТИ-инсонлар, халқлар, миллат ва элатлар, қавмлар орасида ўзаро маънавий алока, саломлашув, сўзлашув, келишув ва бошка инсоний муносабатлардир. Мухим алока воситаси-М.м. икки ёки ундан ортиқ кишиларнинг ўзаро суҳбатини, муносабатини кўрсатувчи омил. М.м. нафақат кишилар орасидаги алоқа воситаси, балки шу б-н бирга дунёнинг, оламнинг маънавий инструменти ҳамдир. Сизнинг қандай шахс эканингизни, ўзаро мулоқотда ўз ифодасини топади.

МУРУВВАТ – инсонпарварлик, бирор кимсага қилинган инсоний ёрдам, яхшилик, саҳоват, лутф. Мурувват саҳоват б-н уйғун сифат, инсоний ахлоқий фазилат бўлиб, халқимизга хос бўлган хусусият, миллий қадриятдир.

МИЛЛАТПАРВАРЛИК -бу ватанпарварлик тамойилининг янада муайянлашган шакли. Зеро, миллатни севиш кенг маънода Ватанни севиш дегани. Ватансиз миллатнинг бўлиши ёки расмана эркин ва бахтли яшаши мумкин эмас. Асл миллатпарвар - миллий ўзлигини англаб етган инсон. Уўз миллати б-н фахрланади, ўз миллати б-н бутун жаҳоннинг фахрланишини истайди. Миллатпарварлик тамойили асосида миллий ғоя ётади, у миллатни севиш амалиётининг - миллатпарварликнинг илмий-назарий асоси сифатида майдонга чиқади.

НОМУС -моҳиятан шахснинг ўз қадр - қимматини англаб етиши, шу қадр - қимматнинг жамият томонидан тан олиниши ёки олинмаслигига нисбатан бўладиган муносабатидир. Бироқ, бу - номус қадр - қиммат тушунчаси билан бир хил маънога эга, дегани эмас. Чунки қадр-қиммат шахсдан ўзининг бошқа одамларга нисбатан камситилмаслигини,

атрофдагилардан барча инсоннинг тенг ҳуқуқлилиги тамойилини ўзига нисбатан қўллашлариниталаб қилади.Номусэса ўз қадр-қимматини билишдан ташқари, ҳар бир шахснинг жамиятда алоҳида, ўзига хос тарзда эгаллаган мавқеи ва шу мавқени доғ туширмай сақлаш-сақламаслиги билан боғлиқ. Бу мавқе эса, шубҳасиз, ўша шахснинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, касби, ёши ва унга нисбатан бериладиган ахлоқий даража билан муайянлашади.

ОДОБЛИЛИК. Кундалик ҳаётдаги ахлоқий қоидаларигариоя қилиш – одоб ҳисобланади. Одобахлоқий фазилатлар инсоннинг кундаликфаолиятигасингиб бораётганини кўрсатувчи мезондир. Одоб – жамият қабул қилганахлоқ нормаларини инсон фаолиятида, хатти – ҳаракатида, муомала ва мулоқотида намоён бўлишидир. Муайянодоб доирасида бўлиш, яхши ном қолдиришга интилиш инсоният пайдо бўлибдики, мавжуд.Инсоннинг энг яхши фазилатлари насл – насаби, билими билан эмас, балки одоби билан белгиланади.

ОИЛА – кишилик жамиятининг ижтимоий пойдеворидир. Унда жисмонан соғлом, маънан баркамол, ахлоқан пок ва юксак маданиятли инсонни вояга етказилади. Оила ҳаётининг асосий мақсади аҳолини қайта тиклаш ва болалар тарбиясидир.

ОИЛАДА ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ - оила бахти, фарзандларнингтарбиялиетук инсон бўлиб етишидаги ота–онанинг саъй ҳаракати ҳисобланади.. Оиладаги фарзандтарбиясиунингкелажакда кимбўлиб етишишида муҳим ўрин тутади.Демак, бола оилада жамиятнинг қиёфасини кўради, бўлажак фуқаронинг табиати, дунёқараши ваахлоқийқиёфаси оилада шаклланади ҳамда шунга кўра камол топиб боради. Ахлоқий тарбиянинг моҳияти кишини ҳаётга тайёрлашдан иборат.

ОИЛАНИНГ МУСТАХКАМЛИГИ – оиладаги тинчлик, хотиржамлик, бир- бирига бўлган самимий муносабат ҳисобланади. У оила аъзоларининг ахлоқий тарбиясига ҳам боғлиқ.Халқимизда бежиз “Соғлом турмуш тарзи мустахкам оиланинг гаровидир” дебайтилмаган. Соғлом турмуш тарзи деганда биз нафақат оиладаги эр ва хотиннинг бир – бирига бўлган муносабати балки, улардаги ахлоқий фазилатлар, имонлилик, поклик, ҳалоллик, ростгўйлик, ширинсўзлик, каби ахлоқий меъёрларга амал қилган холда урф – одатларга асосланган, замонавий оиладаги иқлимни тушунамиз. Бундай иқлимда тарбия топган бола маънавий ва ахлоқан етук инсон бўлиб шакилланади.

ОИЛА МАДАНИЯТИ – жамиятнинг муҳим ижтимоий институти бўлган оиланинг тўлақонли ва мукаммал фаолият юритиши учун унинг аъзолари (эр ва хотин, ота-она ва фарзандлар) ўртасида биргаликда ҳаёт кечириш ва зарур муносабатлар ўрнатиш кўникмаларининг мажмуаси.

Оила маданияти - Оиланинг тарбия муҳити сифатидаги хусусияти, унинг ўзига ҳослиги ва тамойилан муҳимлиги, ундаги муносабатларнинг бевositалиги ва мустаҳкамлигини умумий муҳитнинг эмоционаллиги б-н уйғунликда эканлиги б-н шартланади. Фақат оилада фарзандлар катталардан малака, билимларни ўзлаштирадилар, катталар эса ўз ҳаётларида босиб ўтган йўлларини фарзандлари орқали қайта барпо этадилар. Оилавий муҳит ўзига хос, уникал бўлиб, унинг ҳар бир аъзоси янги авлодда мустаҳкам ва барқарор соғлом оилани барпо этишга масъулдир.

ОИЛА МАЪНАВИЯТИ – оиланинг тўлақонли ва баркамол ривожланиши ва фаолият юритишини белгилаб берувчи ахлоқий, руҳий, психологик ва ғоявий омилларнинг бирлиги, оила аъзолари ички дунёсининг уйғун тарзда намоён бўлиши.

Оила маънавияти - Жамиятнинг асосий ижтимоий вазифаларидан бири бўлган соғлом авлодни тарбиялаш, оиланинг фаолияти б-н чамбарчас боғлиқдир. Жисмонан соғлом, маънан кучли ва ақлан етук соғлом авлодни яратиш – оиланинг энг асосий ижтимоий вазифаларидан биридир.

САМИМИЙЛИК –“бошқалар гапини тинглайдиган, ҳамфикр бўла оладиган, хабардор” деган маънони англатади. Самимийлик – тўғрилигига ўзи ишонган, бу ҳақда ўзига ва бошқаларга иқрор бўла оладиган нарсаларни қиладиган одамнинг маънавий ижобий сифати.

Самимий– самимият б-н иш тутувчи, муомала қилувчи, сидқидиллик б-н чин қалбдан қилинган, дилдан чиққан. *Самимият*– кишиларга қалбан ҳайрихоҳлик, покдиллик, самимийлик, сидқидиллик. С. инсондаги энг яхши хислат, олий инсоний фазилатлардан бири бўлиб, ахлоқнинг муҳим меъёрларидан ҳисобланади.

ТАКАББУР(ЛИК). Такаббур – ўзини катта оладиган, кибр-ҳаволи. Такаббурлик – 1. Такаббур бўлиш. 2. Такаббур одамларга хос хатти-ҳаракат. Т.лик – салбий ахлоқий сифат бўлиб, бошқаларга кибр-ҳаволик б-н муносабатда бўлиш, уларнинг тажрибаси ва маънавий бойликларни менсимаслик, ўзининг жамиятда тутган ўрнидан, миллатидан мағрурланишни англатади. Т.лик – манманликнинг бир кўриниши бўлиб,кишининг ўзини яхши кўриш ва имкониятларига ортиқча ишониши асосида бошқаларга беҳурматликда бўлишини ифодаловчи салбий ахлоқий сифат. Т.лик – иллат. Т.лик камтарлик ва одамларга ҳурмат сифатларига зиддир. Т.лик кибр, манманлик, мағрурлик, мақтанчоқлик, кеккайиш, калтабинлик, жамоадан ўзини юқори қўйиш, бошқалардан устунлигини намоён этиш каби иллатлар йиғиндисидан иборат.

ТАРБИЯ – инсоннинг шахс бўлиб етишувини таъминлайдиган узлуксиз жараёнларидан бири. Гўзал фазилатлар инсонга хос нарса, фақат унинг мулки эмас. Яхши фазилат жамиятнинг бойлиги, умуминсоний маънога эга. Ижобий фазилатга эга бўлган кишилар жамиятга таъсир қилади, унинг ривожланишини тезлаштиради. Инсон боласи ҳам бу ёруғ оламгашунчаки келмайди.Ҳазрат Навоий таъбирича, инсон оламга камолотга эришиш учункелади. Инсонтўғри тарбия топмаса, унингхатти–ҳаракатларижамиятга зарар келтиради.

ЗИНО– бузуқлик, фаҳш. Шаръий никоҳда бўлмаган эркак ва аёлнинг жинсий алоқада бўлиши, исломда катта гуноҳ саналади. Зинокор одам жамият ахлоқини бузадиган одам қаралган ва тегишли жазо белгиланган. Шариатда зино ҳақида ҳукм чиқариш учун шу иш б-н шуғулланган ҳар икки томоннинг иқоро бўлиши талаб қилинган. Туҳмат ва ёлғон гувоҳликка қараб ҳукм чиқарилмаган

СЕВГИ – 1) эмоционал жиҳатдан ижобий бўлган муносабатнинг юксак кўриниши бўлиб, бунда субъект ўз объектини бошқалардан ажратиб олади ва ўз ҳаётий эҳтиёжларининг диққат марказига қўяди; 2) субъектнинг турғун, интенсив ва кучайган ҳиссиёт бўлиб, бунда организмнинг физиологик жараёнларида ва хусусан шахснинг жинсий майлида фаоллик кузатилади. С.да бир шахс бошқа инсоннинг ҳаётида ўзлигини бутунлай намоён қилиш ва бу орқали унда ўзига нисбатан худди шундай ҳисларни уйғотиш ниятида бўлади. Бу ҳислар ҳам ўзиники сингари турғун, интенсив ва кучайган бўлишини ҳоҳлайди. С. ҳисси ўта интим мазмунга эга бўлади.

ШАХСНИНГ АХЛОҚИЙ МАДАНИЯТИ-индивид томонидан ахлоқий онг оркали жамият маданиятини идрок этиш даражаси; ахлоқ талаблари инсон хатти-ҳаракатлари жамиятнинг шакллантирувчи таъсири остида қай даражада чуқур ва уйғун эканлиги кўрсаткичидир. Турли омиллар таъсири остида: ҳаётий тажриба ва тарбия; билим ва санъат шахс жамиятнинг ахлоқий маданияти ютуқларини турли даражада ўз онги ва хатти-ҳаракатларида жамлайди. Ш.а.м. мураккаб дастур бўлиб, ўз ичига инсониятнинг шундай тажрибасини оладики, унга кўра инсон анъанавий вазиятларда ахлоқан иш юритади, ҳамда онгнинг ижодий элементларини –ахлоқий ақл, интуицияни ҳам ўз ичига олади ва улар ёрдамида муаммоли вазиятларда аҳлоқий қарорлар қабул қила олади.

ШАРҚОНА АХЛОҚ– хулқ-атвор, юриш-туриш, тарбия, хушахлоқлилик, боадаблилик, ота-онага, устозларга ҳурмат-эҳтиром, хушмуомалалик, очиқ юзлилик, вазминлик, камтарлик, ваъдага вафодорлик, тўғрисўзлик ва ҳ.к.

ФУҚОРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ МАЪНАВИЙ АХЛОҚИЙ НЕГИЗИ -Фуқаролик жамияти – ижтимоий ҳаётнинг давлат таъсири ва аралашувидан, маъмурий тазйиқлардан ҳоли бўлган ҳамда инсонларининг ҳусусий турмуш соҳасини ташкил этувчи муносабатлар мажмуидир. Фуқаролик жамияти чуқур маънавий, юксак маданий инсоний муносабатлар замирига таянади. Бу жамиятнинг маънавий ҳаётида бир нарса устуворлик қилади, яъни инсон

бениҳоя даражада улуғланади, умумисоний қадриятлар эъзозланади, улар мўътабар ва муқаддассаналади. Бунда инсоннигқадр –қиммати, меҳр – оқибат, аҳлоқийпоклик, адолатпарварлик ва инсонпарварлик каби олий қадриятлар инсонлар ўртасидаги муносабатларни белгиловчи мезондир.

ҲАЛОЛЛИК - соф, покиза бўлишни талаб қиладиган ахлоқий меъёрдир. Даставвал у диний тушунча сифатида вужудгакелиб, ҳар бир мусулмоннинг емак-ичмаги, жинсий ва иқтисодий хатти-ҳаракатлари сифатини белгилаб берувчи шаръий меъёр бўлиб амал қилган. Инсонни маънавий, ахлоқий жиҳатдан безайдиган ажойиб фазилатлардан бири - ҳалол, покиза яшаш, бировларнинг хақига заррача бўлсада ҳиёнат қилмасликдан иборатдир.

ҲАЁ – шахснинг ахлоқий ўзини-ўзи англаши кўринишларидан бири; ҳаё туйғусида инсоннинг ўз хатти-ҳаракатларини, ахлоқий сифатлари ва мотивларини англаши тушунилади. Инсон ўз хатти-ҳаракатларининг ахлоққа зид эканлигини мустақил равишда ёки бўлсамаса атрофдагиларнинг қоралаши натижасида англаб етиши мумкин. Ҳаё виждон б-н бевосита боғлиқ бўлади. Виждонсиз одамларда ҳаё бўлмайди. Шу б-н бирга, ҳаёнинг виждондан фарқ қилувчи жиҳатлари ҳам мавжуд. Ҳаё қўпроқ ташқи муҳит б-н боғлиқ бўлади. Ҳаё туйғуси инсоннинг ўз хатти-ҳаракатларини бошқалар нуқати назаридан баҳолаши б-н боғлиқ бўлади.Ҳаё туйғуси маънавиятли ва маънавий юксак инсонларга хос ахлоқий фазилатдир.

ҲАСАД- ўзида йўқ бўлган нарсанинг бошқаларда бўлишини истамаслик, ўзгаларнинг ютуқлари ва муваффақиятларини кўра олмаслик. Ҳасад туйғуси мавжуд бўлган одам бошқаларнинг яхши турмуш кечиришидан, ўқишда, меҳнат фаолиятида эришган ютуқларидан қийин аҳволга тушади. Ҳасад турли оламшумул динларда қораланади. Масалан христиан динида ҳасад еттита гуноҳи кабиралардан бири ҳисобланади. Чунки бу динда айтилишича, ҳасад қилиш худо томонидан ўрнатилган тартибдан норозиликни билдиради.

ЭЗГУЛИК ВА ЁВУЗЛИК — маънавий ахлоқий тушунчалар орасидаги энг муҳим жуфтликларидир. Э. инсонни фаолиятнинг асл моҳиятини англатади – Тангри иродасининг инсон қалбидаги тажассуми сифатида намоён бўлади. «Эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу аъмол» учлиги «Авесто» дан тортиб барча муқаддас китобларда етакчи ўринни эгаллаши ҳам шундан. Э. инсонга энг кучли маънавий лаззат бағишлайдиган, уни ижтимоий шахсга айлантириб, ҳақиқий бахтга олиб борувчи фазилат; шахсни комилликка, жамиятни эса юксак тараққиётга етказувчи юксак қадрият. У инсоннинг ахлоқий фаолияти туфайли муайянлашади, юзага чиқади.

ЭТИКЕТ - такаллуфнинг майда-чуйда жиҳатларигача ишлаб чиқилган одоб қоидалари сифатида ижобий, кишининг кўзини қувонтирадиганмуносабат ҳодисасидир. Этикетнинг қамрови кенг, у маълум маънода халқаро миқёсда қабул қилинган муомала қонун-қоидаларини ўз ичига олади. У кўпроқ инсоннинг ташқи маданиятини, ўзаро муносабатлардаги ўзни тутиш қонун-қоидаларининг бажарилишини бошқаради. Муомала одобида инсон ўз муносабатларига ижодий ёндошса, яъни бир ҳолатда бир неча муомала қилиш имконига эга бўлса, этикет муайян ҳолат учун фақат бир хил қоидалаштириб қўйилган хатти-ҳаракатни тақазо этади.

ЯХШИЛИК ВА ЁМОНЛИК — асосий маънавий-ахлоқий жуфт тушунчалардан. У яқин яқингача Э. ва Ё. нинг синоними тарзида қўлланиб келинар эди, аслида улар асос эътибори б-н бир биридан фарқ қилади. Э. ва Ё. ўзини чексизликда, Я. ва Ё. ўзини чегараланганликда ифода этади. Э. ижтимоийлик хусусиятига эга, Я. эса асосан шахснинг одобига, хулқига боғлиқ бўлган ижобий ҳодиса; унда мардлик, очиққўнгиллилик, ҳалоллик сингари ахлоқий меъёрлар тажассум топади. Бироқ унга асос бўлган амалий хатти-ҳаракатлар қаҳрамонлик, жасорат, ватанпарварлик кабиахлоқий тамойиллар даражасига кўтарила олмайди.

«ЭСТЕТИКА» ФАНИДАН ИЗОҲЛИ ЛУҒАТ - ГЛОССАРИЙ

БАДИИЙ ИЖОД - адабиёт ва санъат феномени,илҳом билан боғлиқ маънавий ҳодисалардан бири,эстетик ижод шакли. У тарихий мазмунга эга бўлиб,санъат ва адабиёт турлари йўналишлари билан боғлиқ. Инсоният тараққиётининг турли даврларида

класицизм,романтизм,танқидий реализм,натурализм каби йўналишлар ҳамда шундай бадиий ижод усуллари шаклланган ва ривож топган.

ГАРМОНИЯ (юн. Ҳармониа - алоқа, уйғунлик) - маълум тизим элементлари, таркибий қисмлари ривожланишининг муайян даврида ўзаро мувофиқ, мутаносиб,узвий боғлиқлик ва алоқадорлик ҳолатини англатувчи тушунча.

ГЎЗАЛЛИК - эстетика категорияси бўлиб, нарса ҳодисаларнинг нафислиги ва нафосатини ижтимоий маънавий жиҳатдан баҳоловчи мезон, ижтимоий маънавий ҳаётда бирон бир нарса ёки кишига хос хусусиятларнинг шаклан ва мазмунан уйғунлигини англатадиган, турли шаклларда намоён бўладиган ва инсонда ёқимли туйғу, завқ, кучли ҳайрат ҳиссини ҳосил қиладиган тушунча.

САНЪАТ - ижтимоий онг ва инсон фаолиятининг ўзига хос шакли. Санъат инсон меҳнати,ақл идроки**,** шуури билан яратилган ижод маҳсулотидир**.** Санъат асарида шахснинг ўзига хос истеъдоди намоён бўлади. Санъат инсоният маънавий маданиятининг таркибий қисми, дунёни маънавий англашнинг махсус туридир. Санъат тушунчаси кенг маънода, бадиий қадриятлар,уларни яратиш ва истеъмол жараёнларини қамраб олади.

УЛУҒВОРЛИК - табиат, жамият, инсон ва унинг фаолияти маҳсулотларида намоён бўладиган манънавий аҳлоқий тушунча. Улуғворлик белгисига эга бўлган барча нарса ва ҳодисаларга хос умумийлик меъёрий баркамолликдир.Табиатда улуғворлик баланд тоғлар, қудратли шаршаралар тимсолида намоён бўлади. Улуғворлик ҳисси умуминсоний, умумий белгилари билан бирга ижтимоий шартланган, аниқ тарихий табиатга ҳам молик қаҳрамонликда алоҳида нафосат ва ахлоқий бирликда тўлиқ ҳамда бевосита намоён бўлади.

ФОЖИАВИЙЛИК - воқеликнинг энг муҳим, чуқур зиддият ва тўвнашувлари ҳаёт ва ўлим,озодлик ва мутелик, ақл ва туйғу, қонун ва бурч шахсий ва ижтимоий муносабатларни ўзига хос тарзда ифода этувчи фалсафий тушунча. Санъатдаги фожеалилик ҳақида фикр юритганда санъат асарларидаги фожеали оҳанглар, фожеавийлик санъати ва ниҳоят, фожеавийлик санъат тури каби муаммолар алоҳида мушоҳада қилиниши лозим. Ҳар қандай фожеа замирида муайян фожеали тўқнашув, зиддият ётади.

КУЛГИЛИЛИК ҳақидаги мавжуд барча назариялар кулгилиликнинг предметини объектив хусусият сифатида ёки шахснинг субъектив имкониятлари натижаси ёҳуд субъект ва объект ўзаро алоқадорлигининг натижаси сифатида кўриб чиқишади. Мазкур учта методологик ёндошув кулгилиликдаги кўпмаъноликнинг юзага келишига сабаб бўлади. **Кулгулилик –** хунуклик ва гўзаллик ўртасидаги зиддият ифодаси (Арасту), кутилаётган воқеликнинг аҳамиятлилиги ва натижанинг арзимаслиги (Кант), моҳияти жиҳатидан пасткаш, сохта, аҳамиятли ва шакли жиҳатидан аҳамиятли (Гегель), тимсол ва ғоя (Фишер), бехосдан содир бўлган ва жонли мулоқот натижаси (Бергсон) каби таърифлар ана шундай бир томонлама хусусиятларга эга бўлсада, уларнинг оқил томони кулгилиликни қарама-қаршилик билан боғлаб мушоҳада этишга интилишидадир.

ЭСТЕТИКА - (юн.аистетҳикос - ҳиссий идрок, сезги) 1)воқеликни ҳиссий таъсирчан,эмоционал ўзлаштириш; 2) эстетик фаолият қонуниятлари тўҳриидаги фан,нафосатлик.эстетикага оид дастлабки таълимотлар милоддан аввалги 2-3 минг йил муқаддам Қадимий Миср, Ҳиндистон, Хитойда Афлотун, Арасту, римлик Лукреций, Гораций сингари мутафаккирларнинг асарларида ҳар томонлама ривожланди. ХВИИИ аср ўрталарида немис маърифатпарвари Александр Баумгартен (1714-1762) эстетикани алоҳида фан деб ҳисоблади ва унинг санъатда ёрқин намоён бўлишини кўрсатди. Эстетик фан сифатида эстетик тафаккур тарихи, эстетиканинг методологик муаммолари ва эстетик тарбия масалаларини ўз ичига олади. **Эстетика** – бу нафосат олами, санъат ва бадиий ижод жараёнлари қонуниятларини ҳис-туйғу, сезиш-идрок қилиш воситалари орқали ўрганадиган ва ўргатадиган фан.

Эстетик онг – маънавий-руҳий воқеа ҳодисалар мажмуи бўлиб, улар ижтимоий ҳаёт заминида вужудга келадиган эстетик ҳис, эстетик дид, эстетик фикр, эстетик орзу, эстетик қараш, эстетик назария тизимини англатади.

Эстетик эҳтиёж – эзгуликка, гўзалликка интилишдир. Бу эҳтиёж меҳнат, санъат, ахлоқий муносабатлардаги гўзалликни тақозо этади. Инсоннинг жамики фаолият қирралари борлиққа эстетик муносабати орқали намоён бўлади.

Эстетик тарбия – Таълим-тарбиянинг бошқа шакллари каби эстетик тарбия ҳам ўз диққат-эътиборини якка одамга ва ижтимоий гуруҳга қаратади. Эстетик тарбия ҳам умуминсоний ва миллий қадриятларни қарор топтиришга хизмат қилади. Аёнки, тарбия инсон онгига, ҳис-туйғуларига, тасаввурига, эътиқодига, дунёқарашига, хатти-ҳаракатларига, ҳулқ-атворига таъсир ўтказишни ўз олдига мақсад ва вазифа қилиб қўяди.

Эстетик тарбия омиллари – шахснинг эстетик камолотига таъсир ўтказадиган ташқи ва ички шарт-шароитларга айтилади. Эстетик тарбия воситалари деб шахснинг воқеликка эстетик муносабатини ривожлантиришга хизмат қиладиган тарбиявий фаолият шаклларига айтамиз. Эстетик тарбия омиллари ва воситалари ўртасидаги чегара нисбий шартлидир.

ЭСТЕТИК ДИД - воқеа ҳодисаларнинг эстетик сифатларини идрок этиш ва баҳолаш жараёнида олинадиган қониқий ёки қониқмаслик туйғуси, эстетик мезон. Эстетик дид инсоннинг фикр мулоҳазалари, хулқ атвори, хатти ҳаракатлари, моддий ва маънавий ижод маҳсулотларида ўз ифодасини топади.

ЭСТЕТИК МУНОСАБАТ - субъект билан объект ўртасидаги ўзаро ҳаракат ва ўзаро таъсирнинг махсус турини англатувчи фалсафий тушунча. Эстетик муносабат нафосатли объектдир. Муайян шарт-шароитда ҳар қандай нарса, воқеа-ҳодиса нафосатли табиатга эга бўлиб, эстетик муносабат ва нафосатли баҳо объектига айланиши мумкин**.** Лекин улар маълум бир талабларга жавоб беришлари керак: биринчидан, аниқ ҳис туйғу, сезги идрок қобилияти ва имкониятига эга бўлиши, иккинчидан, у ёки бу воқеа-ҳодиса инсоний алоқалар ва муносабатларга киришиб, ижтимоий аҳамият касб этиши керак. Шундагина муайн воқеа-ҳодиса эстетик муносабат объектига айланади, яъни у ўз қадрини топади, баҳолаш эса воқеа-ҳодисаларнинг қадри ёки ижтимоий аҳамиятини англашнинг махсус шаклидир.

ЭСТЕТИК АНГЛАШ - оламни эстетик англаш, дунёга инсон муносабатининг субъектив томони. У ижтимоий онг шаклларидан бири сифатида ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий, диний, фалсафий англаш каби ижтимоий ҳодисалар билан бир қаторда туради. Эстетик англаш маънавий руҳий воқеа-ҳодисалар мажмуи бўлиб, улар ижтимоий ҳаёт заминида вужудга келадиган эстетик ҳис, эстетик дид, фикр, орзу қилиш назарий қисмини англатади.

САНЪАТ ФАЛСАФАСИ - санъат бу фаннинг ягона тадқиқот объекти эмас. Ҳозирги пайтда техника эстетикаси ва унинг амалиётдаги соҳаси дизайн, атроф-муҳитни гўзаллаштириш, табиатдаги нафосат борасидаги муаммолар билан ҳам шу фанимиз шуғулланади. Демак, унинг қамровини санъатнинг ўзи билангина чегаралаб қўйишга ҳаққимиз йўқ.

ГЎЗАЛЛИК ФАЛСАФАСИ - бугунги кунда инсон ўзини ўраб турган барча нарса-ҳодисаларнинг гўзал бўлишини, ҳар қадамда нафосатни ҳис этишни истайди. Юқорида айтилганлардан келиб чиқсак, «Гўзаллик фалсафаси» деган ибора бу фани моҳиятига кўпроқ мос келади. Негаки, у фақат санъатдаги гўзалликни эмас, балки инсондаги, жамият ва табиатдаги гўзалликни ҳам ўрганади. Шунингдек, гўзалликдан бошқа улуғворлик, фожиавийлик, кулгилилик, мўъжизавийлик, ҳаёлилик уйғунлик, нозиклик сингари кўпдан-кўп тушунчалар мавжудки, уларни тадқиқ этиш ҳам эстетика фанининг зиммасида.

РИГВЕДА - «Веда»-муқаддас билим, «Ригведа»-алқовлар ведаси демакдир. «Ригведа» ўша давр кишисининг ўзи ва атроф муҳит: маъбудлар, иблислар, девлар, фазо, ижтимоий турмуш ахлоқий ва эстетик қадриятлар ҳақидаги билимларни ўз ичига олади.

Dҳи - «фикр, тасаввур, қараш, тушунча; интуиция (фаҳм), билиш, ақл; билим, санъат, ибодат», шунингдек, «кўз ўнгига келтириш, фикрлаш» маъноларига уйқаш. Шоир dҳира-«dҳи» эгаси, донишманд, истеъдод эгаси» деб аталган. Шоирлар маъбудлардан dҳи ато этишларини сўраганлар. Dҳи туфайли шоирлар маъбудлар одамлар орасидаги воситачига айланганлар. Зеро шоир-«доимо маъбудлар олами билан учрашув» тимсолидир. Маъбудлар олами эса мутлоқ гўзаллик маскани Ведалардаги тасаввурга кўра, шоирлар ўзлари янги

манзаралар яратмайдилар, балки оддий бандалар кўролмайдиган маъбудлар дунёсига тегишли манзараларни сўзга айлантирадилар.

УПАНИШАД - сўзи тўғридан-тўғри «давра», «давра олмоқ» (устоз атрофида) демакдир. Лекин унинг иккинчи ботиний маъноси - «сирли билим», «яширин билим». Упанишадлар ведаларга бориб тақаладиган, уларнинг сирларини тушунтирадиган диний-фалсафий табиатга эга таълимотдир. Айнан милодгача бўлган ЙИИ асрларда вужудга кела бошлаган ана шу упанишадларда қадимги ҳиндларнинг эстетик тасаввур ва қарашлари шаклланган. Упанишадлардаги нафосатли тасаввурлар ҳам ахлоқий қарашлар билан мустаҳкам боғлиқ.

ШИ-ЦЗИН («Қўшиқлар китоби») - У қадимги Хитой халқи тарихини кўпгина тарихий, этнографик ва бошқа ёдгорликларга нисбатан тўлароқ, чуқурроқ акс эттиради, десак янглишмаймиз. «Шицзин» 305 шеърий асарни ўз ичига олади. Улар тўрт қисмга бўлинган: «Гофун» («Салтанатлар одатлари»), «Сяо я» («Кичик қасидалар»), «Да я» («Улкан қасидалар») ва «Сун» («Алқовлар»), «Шицзин»даги шеърий асарлар асосан халқ оғзаки ижодининг ёзиб олинган вариантларидир, тўғрироғи мусиқага солинган шеърлардир. Агар қадимда мусиқа ва рақс бир-биридан ажралиб чиқмаганини назарда тутсак, бу ёдгорликда ҳам сўз санъати, ҳам мусиқа санъати, ҳам рақс санъати руҳини, унсурларини кўриш мумкин.

ДАОЧИЛИК - ушбу йўналишининг муҳим белгиси, бу-фазо (космос) ва табиатнинг азалий ва абадий гўзаллиги; жамият ва инсон гўзаллиги даражаси эса ана шу борлиқ гўзаллигига қанчалик ўхшаш, яқин эканлиги билан белгиланади.

АНТРОПОЛОГИК ЁНДОШУВ - унгача фалсафага фақат космологик ёндошув ҳукмрон эди. Суқрот диққатни космос-фазога эмас, балки инсонга қаратди, инсонни амалий хатти-ҳаракати, ахлоқийлиги нуқтаи назаридан ўрганишга киришди. Суқрот ахлоқшунослик ва эстетиканинг, ахлоқ ва гўзалликнинг узвий алоқасини таъкидлаб кўрсатади. Унинг идеали-маънан ва жисман гўзал инсон. У инсонни санъатнинг асосий обьекти сифатида олиб қарайди, санъатнинг эстетик ва ахлоқий меъзонлари масаласини ўртага ташлайди ҳамда шулар орқали ижодий жараённи очиб беришга уринади

ҒОЯЛАР МУАММОСИ Афлотуннинг наздида асл борлиқ ана шу ғоялардан иборат. Умумий тушунчалар қанча бўлса, ғоялар ҳам шунча. Ғояларнинг ўрни нарсаларга нисбатан бирламчи; аввало ғоялар, ундан кейин нарсалар. Атроф-теваракдаги ҳис этилувчи нарсалар ҳиссиётдан юксак турувчи ғояларнинг инъикосидир. Афлотуннинг фикрига кўра, асл гўзаллик ҳис этилгувчи нарсалар дунёсида бўлмайди, у ғоялар оламига тааллуқли. Гўзаллик ҳам ҳақиқий борлиққа тааллуқли. Унга ҳиссиётлар ёрдамида етишиш мумкин эмас, фақат ақл орқалигина уни англаш мумкин; у-ўзгармас, замон ва макондан ташқарида. Бу ўринда Афлотуннинг ҳақиқий гўзаллик сифатида Худони назарда тутаётганини илғаш қийин эмас

ФОРИҒЛАНИШ-КАТАРСИС - бу тушунчани моҳиятан диний маънода қўллаган эди. Арасту эса уни санъатга нисбатан ишлатади. Фориғланиш, Арасту талқинига кўра, санъат ўз олдига қўйган мақсад, хусусан, фожеа (трагедия)нинг мақсади. У моҳиятан қўрқув ёки ачиниш туфайли инсон қалбини салбий ҳиссиётлардан фориғлантиради. Натижада инсон, бир томондан, тақдир кўргиликларига хотиржам қарай бошласа, иккинчи томондан, бахтсизлик гирдобига тушганларга ўзида ҳамдардлик ҳиссини туяди. Яъни, санъат инсонни олижаноб қилиш, яхшилаш, гўзаллаштириш хусусиятига эга.

ДИНИЙ-БАДИИЙ АСАРДА РАМЗ -. Рамзнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у ўз мазмунига эмас, бутунлай бошқа мазмунни англатадиган шакл, ўз моҳиятини эмас, бутунлай бошқа моҳиятни ифодалайдиган ҳодиса, қисқаси, бутунлай бошқа ботинни ифодоловчи зоҳирдир. Шу боис ҳам у сирли, яширин ҳодиса: уни муайян билимга эга бўлмай туриб англаш мумкин эмас.

ИДЕАЛ - Диний-бадиий жанрда ўзига хос тарзда талқин этилади. Умуман олганда, идеални маълум маънода, антиқа ҳолат-парадокс дейиш мумкин: унда бор нарса йўқ нарсанинг мезони билан ўлчанади, яъни мавжуд нарсага ёки ҳодисага ўша пайтда мавжуд бўлмаган нарса ёки воқелик талаблари билан ёндашилади.

ДИНИЙ-БАДИИЙ ҚОНУН - меъморлигида кам инсон кўра бошланади. Масалан, йирик масжид-жоменинг ташқи ва ички кўринишига, энг кичик қисмларигача пухта ишланади. Қалин деворлардан оятлар, бир ёнда мезона-минора, томда гумбаз, ҳовлида таҳорат учун ҳовуз, ичкарида диний ва дунёвий раҳбарларга аталган махсус жой-мақсура, фатволар ўқиладиган, ваъз айтиладиган минбар, қибла томонда меҳроб ва ҳоказо. Буларсиз жоме масжидни тасаввур қилиш қийин. Ички насронийлар черковида меҳроб (алтарь), девор ва шифтларда Биби Марям, Исо алайҳиссаломнинг тасвирлари; гумбазлари кўпинчасида синган ўнғирлар албатта бўлиши керак.

НИСБИЙ ГЎЗАЛЛИК - Газзолий унга алоҳида тўхталади. Фақат ўз камолотининг барча қирраларига тўлиқ эга бўлган нарсанигина у олий даражадаги гўзаллик деб атайди. Бундай комилликни файласуф фақат Аллоҳда кўради ва пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг «Аллоҳ гўзал ва у гўзалликни севади» деган сўзларини келтиради. Шундай қилиб, файласуф мутлақ гўзаллик фақатгина Аллоҳга тааллуқли бўлишини, бошқа гўзалликларнинг ҳаммаси нисбий эканини аниқ-равшан баён этади.

РУҲИЙ ТАҲЛИЛ ЭСТЕТИКАСИ - Фройд инсон руҳий ҳаётида уч босқични ажратиб кўрсатади; *онг, онголди* ва *онгтуби* ёхуд онгланмаган, яъни онгга айланмаган ҳолат. Онгланмаганлик ва онголди онгдан назорат (цензура) деган ўрта босқич орқали ажралиб туради. Назорат икки вазифани бажаради; биринчиси, шахс ўзига мақбул кўрмаган ва қоралаган ҳис-туйғулар, фикрлар, тушунчаларни онгланмаганлик ҳудудига сиқиб чиқаради; иккинчиси, онгда ўзини намоён этишга интилган фаол онгланмаганликка қарши курашади

НАФОСАТ - бир томонлама, реал воқеликни, иккинчи томондан илмий тушунчани англатади. У реал воқелик сифатида инсон ҳаётининг барча соҳаларини ифодалайдиган мураккаб қамровли маънавий ҳодиса, тушунча сифатида эса эстетика фанига оид юзлаб, эҳтимол, минглаб атамаларни ўз ичига олган энг йирик истилоҳ, оврўпача таърифда-метакатегория. Бошқача қилиб айтганидан бўлсак, нафосатнинг «ҳудуди» ниҳоятда кенг, у объектив воқелик сифатида нарса-ҳодисаларнинг эстетик хусусиятларини англатса, субъектив воқелик тарзида инсоннинг ана шу эстетик хусусиятларини англаш ва идрок этиш борасидаги ботиний фаолиятидир

ЭСТЕТИК АНГЛАШ - ва шу асосдаги фаолият жараёнининг ибтидоси эстетик эҳтиёжга бориб тақалади. Эстетик эҳтиёж инсон ҳаётида рўй берадиган барча эстетик ҳодисаларнинг асоси сифатида ҳам табиий-биологик, ҳам ижтимоий-маънавий моҳиятга эга; «гўзал нафс», нафосатга ташналик, инсонда эстетик ҳиссиётни қўзғатиш хусусиятини сақлаб қолган ҳолда, кейинчалик унинг бутун умри мобайнида такомиллашиб боради эстетик муҳокама, эстетик баҳо, эстетик дид ва эстетик идеалнинг шаклланишига хизмат қилади

ЭСТЕТИК ҲИССИЁТ -. Кўпинча адабиётларда эстетик ҳиссиёт «эстетик туйғу» сўзида, бирлик шаклида берилади. Гоҳ эстетик кечинманинг, гоҳ эстетик ҳаяжоннинг синоними тарзида талқин қилинади. Бизнингча, бу унчалик тўғри эмас. Чунки ҳаяжон ҳам, кечинма ҳам битта туйғудан эмас, туйғулар силсиласидан иборат бўлади, шу сабабдан уни кўпликда-ҳислар ёки ҳиссиёт шаклида қўллаш мақсадга мувофиқ.

Энди эстетик ҳиссиётни ташкил этадиган ҳисларнинг баъзиларини қисқача кўриб ўтайлик.

ЭСТЕТИК ҚИЗИҚИШ - Маълумки, қизиқиш ҳисси, соғинч ва қўмсашдан фарқи ўлароқ ўтмишда рўй берган ҳодисани эмас, балки кўп ҳолларда келажакда, тез муддат ичида рўй бериши лозим бўлган воқеликни назарда тутади, унга интилади; интилиш «хоҳлаш ва истаклар»га тайёргарлик дегани. Эстетик қизиқиш субъектнинг объект ҳақида, ҳали у билан юзма-юз келмасдан туриб, муайян бир умумий тушунчага эга бўлишини, уни идрок этишга ўзини ҳозирлашини тақозо этади.

ЭСТЕТИК МУШОҲАДА - одатда биз «мушоҳада» деганимизда «кузатиш» сўзининг синонимини тушунамиз. Аслида эса бундай эмас: кузатиш, фалсафий қилиб айтганда, билиш муносабатининг тажрибавий асоси, у объектга йуналтирилган бўлиб, қўйилган мақсад ва илмий билим мантиқи томонидан бошқариб, тузатилиб борилади, унга ўзгартиришлар киритиб турилади, яъни у мақсад асосида иш кўрадиган фикрий фаолият

ЭСТЕТИК БАҲО - қадрият деганда биз, одатда шахс, миллат, жамият томонидан қадрланадиган маънавий—моддий объектларни тушунамиз. Ҳар қандай қадрият ёки қадрият даражасига кўтарилган ҳар бир объект инсон томонидан баҳоланмай қолмайди. Қадриятлар соҳавийлик табиатига эга (ахлоқий, эстетик, диний ва ҳ.к.) бўлиши баробарида даражаларга бўлиниши билан ҳам ажралиб туради

ЭСТЕТИК ДИД - инсондаги гўзаллик, улуғворлик, фожиавийлик сингари эстетик хусусиятларни, умуман, нафосатни идрок этиш қобилиятини назарда тутилади.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI
MIRZO ULUG'BEK NOMIDAGI
O'ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI
RAZVITIE ZATMAN
(OTM rekvizi)
2023 yil "5" iyun
Ro'yxatga olindi. №
2023 yil "8" avgust
FALSAFA
fani
O'QUV DASTURI

Toshkent – 2023

Сканировано с CamScanner

an/modul kodi FALB204		O‘quv yili 2023-2024	Semestr 1	ECTS - Kreditlar 4
Fan/modul turi Majburiy		Ta’lim tili O‘zbek/rus		Haftadagi dars soatlari 4
1.	Fanning nomi		Auditoriya mashg‘ulotlari (soat)	Mustaqil ta’lim (soat)	Jami yuklama (soat)
	Falsafa		60	60	120

I. Fanning mazmuni.

Fanni o‘qitishdan maqsad – talabalar dunyoqarashining umumlashgan tizimini yaratish va unda inson o‘rnini ko‘rsatish, insonning dunyoga bo‘lgan bilish, ijtimoiy-siyosiy, ahloqiy, estetik va boshqa munosabatlarini shakllantirish hamda to‘g‘ri fikrlash mahoratini o‘rgatishdan iborat**;**

Fanning vazifalari – talabalarning dunyoni bilish va uni o`zgartirishga tanqidiy tafakkur nuqtai nazardan yondashuvi, tabiiy ilmiy bilimlarning ijtimoiy ahamiyati; texnika va texnologiyalarning inson pragmatik ehtiyojlariga javob sifatidagi evolyusiyasi; milliy qadriyatlar, madaniyat va ommaviy madaniyatning o‘zaro aloqasi va farqi, dunyoni bilish, haqiqatni anglashda amaliyot va faoliyat uyg‘unligini ta’minlashning ahamiyati, to‘g‘ri fikrning ijobiy maqsadlarga yo‘naltirishdagi o‘rni; ta’lim falsafasi va falsafa ta’limining dunyoqarashni shakllantirishdagi o‘rni, global korrupsiyaning sabablari, shakllarini bilish va ularga qarshi kurashish, dunyoviy bilim va malakalarni yangilanayotgan O‘zbekistondagi islohotlar jarayonida to‘liq namoyon qilish, ijtimoiy va professional mas’uliyatni va jamiyat taraqqiyotiga munosib hissa qo`shish tuyg`usini shakllantirishdan iborat.

II. Asosiy nazariy qism (ma’ruza mashg‘ulotlari)
II.I. Fan tarkibiga quyidagi mavzular kiradi:

1-MODUL. FALSAFA VA MANTIQ

1-mavzu. Falsafa va uning jamiyat hayotidagi roli

Falsafaning predmeti, asosiy masalalari, tuzulmasi, funksiyalari. Falsafaning paydo bo‘lishi va jamiyat rivojlanishidagi ahamiyati. Dunyoqarashning mohiyati, tuzilishi va asosiy funksiyalari. Dunyoqarashning tarixiy shakllari: mifologik va diniy dunyoqarash, falsafiy va ilmiy dunyoqarash, ularning o‘aro aloqadorligi hamda o‘ziga xosligi. Raqamli sivilizatsiya sharoitida yoshlar dunyoqarashida axboriy tahdidlarga qarshi imunitetni shakllantirishda falsafaning ahamiyati.

2-mavzu. Falsafiy tafakkur taraqqiyot bosqichlari: Sharq falsafasi

Qadimgi Sharqda asotiriy tasavvurlar va falsafiy bilimlarning paydo bo‘lishi. Misr va Bobilda olam va odamning paydo bo‘lishi haqidagi mifologik

tasavvurlarning shakllanishi. Qadimgi Hindistonda olam va odamning kelib chiqishi, ularning o‘zaro munosabati borasidagi falsafiy qarashlarning rivojlanishi. Vedalar va Upanishadlar qadimgi hind donishmandligining manbai sifatida. Qadimgi hind falsafiy maktablari. “Avesto” qadimgi davrda Markaziy Osiyoda rivojlangan inson, tabiat, jamiyat va davlatchilik haqidagi falsafiy g‘oyalarning ilk manbai sifatida. Daochilik, Konfutsiychilik, Moizm, Legizm singari qadimgi Xitoy falsafiy maktablarining borliq, inson, jamiyat va davlatning mohiyati, ijtimoiy-siyosiy tartibot, yoshlarda axloqiy fazilatlarni shakllantirish haqidagi g‘oyalari.
Arab-musulmon sivilizatsiyasi va islom falsafasining vujudga kelishi. Islom tamaddunida diniy va dunyoviy ilmlarning o‘zaro uyg‘unlikdagi taraqqiyoti (Muso al-Xorazmiy, Ahmad al-Farg‘oniy, Abubakr ar-Roziy, Abu Nasr Forobiy, Abu Rayhon Beruniy, Abu ali Ibn Sinolarning tabiiy-ilmiy, ijtimoiy falsafiy qarashlari). Islomiy ilmlar rivojida Xuroson va Movarounnahrdan yetishib chiqqan olimlar hissasi. Ilk o‘rta asr Sharq falsafasi va uyg‘onish davri. Ilk o‘rta asrda tasavvuf va islom ilohiyotshunoslik maktablari ta’limotlari.
Temuriylar sulolasi davri. Abdurahmon Jomiy va Alisher Navoiy falsafasi. Temuriylar davrida tabiiy-ilmiy bilimlar taraqqiyoti (Mirzo Ulug‘bek, Ali Qushchilarning tabiatshunoslik fanlariga qo‘shgan hissasi).
Yangi davr Sharq tasavvufi. XIX asr oxiri va XX asr boshlarida Markaziy Osiyoda ilg‘or falsafiy, ijtimoiy-siyosiy fikrlar. Sharq istilosi bilan bog‘liq uyg‘onish harakatlari, osiyotsentrizm, panturkizm, panislomizm, ma’rifatparvarlik va jadidchilik ta’limotlari. O‘zbekistonda falsafiy fikrlar rivoji. O‘zbekistonda ajdodlar me’rosini tiklash va ularni jahonda keng ommalashtirish borasidagi islohotlarning mazmun-mohiyati.

3-mavzu. Falsafiy tafakkur taraqqiyoti bosqichlari: G‘arb falsafasi

Qadimgi Yunonistonda falsafa ilmining shakllanishi. Sokratgacha bo‘lgan davr falsafasida olamning paydo bo‘lishi, uning mohiyatida yotuvchi unsurlar, borliqning tuzulmasi unda ro‘y beradigan o‘zgarishlar, taraqqiyot va tanazzulning sabablari, borliqning o‘zgarmas asoslari (suv, havo, tuproq, olov, apeyron, atom,) haqidagi Melit maktabi, Geraklit, Pifagor, Eley maktabi, Empedokl, Anaksagorlar qarashlari. Suqrotning va sofistlarning inson haqidagi qarashlari. Aflotun va Arastuning borliq paydo bo‘lishi, insonning bilish imkoniyatlari, axloqiy fazilatlar, jamiyat hamda davlat borasidagi g‘oyalari. Ellinizm davri falsafaning inson hayotidagi o‘rni, fizika, mantiq, axloq ilmlarining mutanosibligi, erkinlik, shubhaning bilish jarayonidagi ahamiyati g‘oyalarining tarqalishi.
Ilk o‘rta asr G‘arb falsafasi rivojlanishining umumiy belgilari. Ilk o‘rta asrlar falsafiy tafakkur rivojida appologetika va patristika, sxolastika, nominalizm va realizm. Avreley Avgustin ta’limoti. Foma Akvinskiy ta’limoti. O‘rta asrlar Yevropasida Uyg‘onish davri va falsafiy tafakkurning rivojlanish xususiyatlari.
Yangi va eng yangi davr falsafasining ustuvor yo‘nalishlari. Yangi davr G‘arb falsafasidagi asosiy muammolar. XVIII asr Yevropa falsafasining ma’rifiy xususiyatlari. XX-XXI asr G‘arb falsafasining oqimlari (pozitivizm, neopozitivizm, pragmatizm, ekzistensializm, fenomenologiya, postmodernizm,

personalizm oqimlari). XX-XXI asr G‘arb faylasuflari ijodida fan falsafasining rivoji.

4-mavzu. Borliq (ontologiya) va rivojlanish falsafasi

Borliqni ta’riflash muammosi. Tabiiy ilmiy fanlar va falsafa tarixida “Borliq” kategoriyasining o‘rganilishi. Borliq, mavjudlik va reallik. Borliq va yo‘qlik dialektikasi. Borliq shakllarining tasnifi. Biosfera va Noosfera haqidagi ta’limotlar, koevolyusion va invayronmental nazariyalar. Borliqning o‘zgarmas asosi (substansiya va substrat) tushunchalarining mohiyati. Borliq ibtidosini sifatiy va miqdoriy jihatdan tushuntirishga oid konsepsiyalar tasnifi (Monizm, dualizm, plyuralizm, materializm, idealizm). Borliqda shakllanish, o‘zgarish, rivojlanish va taraqqiyotning o‘zaro aloqadorligi. Makon, vaqt va harakat tushunchalari. Materiya (modda) falsafa va tabiatshunoslikning kategoriyasi sifatida. Ijtimoiy makon va ijtimoiy vaqt. Qonun tushunchasi. Qonunlarning turlari. Falsafaning asosiy qonunlari. Qarama-qarshilik birligi va kurashi qonuni. Miqdor va sifat o‘zgarishlari dialektikasi. Inkorni inkor qonuni va vorisiylik. Kategoriya tushunchasi va ularning turlari. Falsafa va fan kategoriyalarining tasnifi. Ontologik va munosabatdosh kategoriyalar. O‘zbekistonda “Yashil makon” umummilliy dasturining atrof-muhitni saqlab qolishdagi ahamiyati.

5-mavzu. Bilish falsafasi (gnoseologiya)

Bilish jarayonining mohiyati va asosiy mezonlari. Bilish jarayoniga oid yondashuvlar tasnifi: otpimizm, skeptitsizm va agnostitsizmning mohiyati. Bilimning asosiy turlari va shakllari. Bilishda sub’ekt va ob’ektning o‘zaro aloqasi. Bilish faoliyat turi sifatida. Hissiy, empirik, nazariy, mantiqiy, intuitiv, bilish darajalarining o‘zaro aloqasi va farqi. Hissiy va aqliy bilish darajalari. Sensualizm va ratsionalizm. Haqiqat bilishning bosh maqsadi. Amaliyot - haqiqat mezoni sifatida. Haqiqatning asosiy shakllari. Relyativizm va dogmatizm. Bilish metodologiyasi. Bilishning empirik va nazariy metodlari. Ijtimoiy gumanitar fanlar metodlari. Hozirgi zamon metodologiyasi. Tizim, tizimli yondashuv, tizimli tahlil tushunchalarining o‘zaro aloqasi va farqi.

6-mavzu. Mantiq.

Mantiq tushunchasi va unga xilma-xil yondoshuv: ob’ektiv mantiq, sub’ektiv mantiq. Mantiq tafakkur shakllari va qonunlarini o‘rganuvchi fan sohasi sifatida. Mantiqiy tafakkur evolyutsiyasi: formal, dialektik va noklassik mantiq. Tafakkurning mantiqiy shakllari va qonunlari. Formal mantiqning predmeti va strukturasi. Tafakkur qonunlari, ularning mazmuni va to‘g‘ri fikr yuritishdagi ahamiyati. Ayniyat qonunining to‘g‘ri fikrlashdagi o‘rni. Ayniyat qonuni buzilganda kelib chiqadigan xatolar. Fikr chinligini aniqlashda nozidlik qonunining o‘rni. Uchinchisi istisno qonunining mohiyati va asosiy talablari. Fikrlarni dalillashda yetarli asos qonunining ahamiyati. Ijtimoiy-siyosiy va sud-huquq jarayonlarida yetarli asos qonunining qo‘llanilishi.

7-mavzu. Tafakkur shakllari: tushuncha, hukm va xulosa.

Tushuncha - predmetlarning umumiy, muhim belgilarini aks ettiruvchi mantiqiy shakl. Tushunchaning mazmuni va hajmi, ular o‘rtasidagi teskari nisbat. Tushunchaning turlari va tushunchalar o‘rtasidagi munosabatlar. Tushunchalarni chegaralash va umumlashtirish. Tushunchani ta’riflash (definitsiya). Ta’riflash qoidalari va ularni buzganda kelib chiqadigan mantiqiy xatolar. Hukm tafakkur shakli sifatida. Hukmning tarkibi va xususiyatlari. Oddiy va murakkab hukm. Murakkab hukmlarni xosil qiluvchi mantiqiy bog‘lamalar. Savol va javobning muhokama yuritishdagi ahamiyati. Xulosa chiqarishning umumiy mantiqiy tavsifi. Xulosa chiqarishning tuzilishi. Xulosa chiqarish turlari. Oddiy qat’iy sillogizm, uning tarkibi, aksiomasi va umumiy qoidalari. Sillogizm figuralari va moduslari. Murakkab hukmlar yordamida sillogistik xulosa chiqarish. Induktiv xulosa chiqarish. Induktsiyaning tajriba natijalarini umumlashtirish bilan aloqasi. Induktiv xulosa chiqarishning turlari. Analogiya, uning turlari.

8-mavzu. Jamiyat falsafasi

Jamiyat tushunchasining mohiyati va uning rivojlanish bosqichlari. Jamiyatning paydo bo‘lishiga oid qarashlar. Jamiyat rivojining iqtisodiy asoslari. Jamiyat rivojining ma’naviy va ijtimoiy asoslari. Jamiyat rivojining siyosiy asoslari. Fuqarolik jamiyati, davlat boshqaruvi va demokratiya. Jamiyat taraqqiyotida tarixning mazmuni, yo‘nalishlari va konsepsiyalari. Tarix falsafasining tuzilishi, funksiyalari va tarixiy jarayon mazmunini belgilashga oid yondashuvlar. Sivilizatsiya tushunchasi va uning tiplari. Madaniyat va sivilizatsiya mutanosibligi. Madaniyatning funksiyalari. Madaniy kommunikatsiyaning ahamiyati.

O‘zbek etnomadaniyatning xususiyatlari. Madaniyatlararo kommunikatsiya. Dunyo xalqlari madaniyatidagi umumiylik va farqlar. Ommaviy madaniyatning shakllanish tarixi va uning turlari: aksilmadaniyat, submadaniyat, populyar madaniyat, ekran madaniyati. Yangi O‘zbekiston taraqqiyot strategiyasi va yangilangan konstitutsiya.

9-mavzu. Inson falsafasi (Falsafiy antropologiya)

Falsafa tarixida insonning mohiyatiga oid qarashlar tasnifi. Inson mohiyatiga fan nuqtai nazaridan yondashuv. Inson, individ, shaxs tushunchalarining o‘zaro aloqadorligi. Ongning mohiyati, strukturasi va funksiyalari. Onglilik va ongsizlik dialektikasi. Insonning bioijtimoiy, psixologik mohiyati. Falsafiy antropologiyaning inson haqidagi ta’limot sifatidagi mohiyati. Hayotning ma’nosi va unda insonning vazifasi. Hayotni tark etish bosqichlari (suitsid, parasuitsid, evtanaziya, esxatologiya). Faoliyatda onglilik va maqsadga muvofiqlik. Muloqot faoliyat sifatida. Mehnat, o‘yin, ijod faoliyat turi. Inson faoliyatini tartibga solishning ahamiyati. Inson-jamiyat-davlat tamoyilining falsafiy mazmuni.

10- mavzu. Qadriyatlar falsafasi (aksiologyia)

Qadriyat tushunchasining ma’nosi va uning umumiy tavsifi. Qadriyat nazariyasining shakllanish tarixi. Ehtiyojlar va qadriyatlar dinamikasi. Qadriyatlarning turlari (umuminsoniy, milliy, shaxsiy qadriyatlar). Oilaning qadriyatga doir jihatlari. Muhabbat va nafrat, baxt va baxtsizlikning qadriyatiy jihatlari. Oiladagi ajralish va uning axloqiy kamolotga salbiy ta’siri. Gender tengligini ta’minlashda inson mehnati qadrlanishining ahamiyati. Mahalla – o‘zbek milliy qadryiati sifatida. Davlatning oila tinchligi va barqarorligini ta’minlashdagi o‘rni. Oila-ta’lim-mahalla tizimi. Qadriyatlarning ijtimoiy-ma`naviy ahamiyati va yoshlar tarbiyasidagi o‘rni. Qadriyatlarni baholash. Uchinchi ming yillikda qadriyatlarning transformasiyasi. Jamiyatning devalvatsiyasi (qadrlanish va qadrsizlanish). Sog‘likning qadriyat sifatidagi ahamiyati. Sog‘lom turmush tarzining qadriyatli jihatlari.

2-MODUL. AXLOQ VA NAFOSAT FALSAFASI. KORRUPSIYA - HOZIRGI ZAMON GLOBAL MUAMMOSI SIFATIDA

11-mavzu. Axloq falsafasi (Etika)

Etikaning mohiyati va ahamiyati. Zamonaviy etikaning asosiy sohalari: metaetika, normal etika, amaliy etika. Etikadagi qadriyatlar va kategoriyalar. Ixtiyor erkinligi va axloqiy tanlov. Zamonaviy axloqiy tarbiyada kosmopolitizmga moyillik. Kasbiy (professional) etika. Kasbiy etikaning muammolari. Kasbiy axloq va mehnat etikasi. Kiberetika. Tibbiy etika. Yuridik etika. Ijtimoiy hayot etikasi. Etikada ijtimoiy adolat tamoyili. Siyosat va axloq o‘rtasidagi munosabat. Ekologik etika. Ishbilarmonlik etikasi. Davlat tashkilotlari va davlat xizmati tizimidagi kasbiy etika. Bioetikaning axloqiy jihatlari.

12-mavzu. Nafosat falsafasi (Estetika)

Dunyoni estetik idrok etishning mohiyati. Falsafa tarixida estetik qarashlar evolyusiyasi. Estetik did va olamni estetik idrok etishning shaxs kamolotiga ta’siri. Estetikaning zamonaviy yondashuvlari. Estetika va san’at. San’atning funksiyalari. Amaliy san’atning estetik jihatlari. Estetika va dizayn. Reklamaning estetik didni tarbiyalashdagi roli. Xalq amaliy san’atining estetik jihatlari. Olamni virtual va vizual estetik idrok etishning farqlari. Badiiy asarni estetik idrok etishning darajalari. San’atdagi inqiroz (degumanizatsiya).

13-mavzu. Globallashuv va barqaror taraqqiyot falsafasi

Globallashuv, globalistika va barqaror taraqqiyot jarayonlarining mohiyati. Barqaror taraqqiyotni ta’minlashda globallashuvning ijobiy va salbiy yo‘nalishlari. Global jarayonlarning shakllanish tarixi. Global muammolar globallashuvning mahsuli sifatida. Mavjud global muammolar va ularni bartaraf qilish yo‘llari, harbiy, tinchlikni saqlash, ekologik, atrof-muhitning ifloslanishi, iqtisodiy, demografik, tibbiy, ijtimoiy, ocharchilik, kambag‘allikka qarshi kurash, kriminal, koinot muammolari. Ijtimoiy rivojlanishning global jarayonlarga ta’siri. Global tendensiyalarni anglashning ahamiyati. Global muammolarning mezonlari va

darajalari. Global jinoyatchilik va uning oldini olishda xalqaro hamkorlikning zarurati. Sportning globallashuvi. Pandemiya - XXI asrning global muammosi va uning oqibatlari. Global makonda axborot texnologiyalari, sun'iy intellekt va virtual reallikning mutanosibligi. Nanotexnologiyalar va Biometrik identifikatsiya qilish texnologiyalarining jamiyat taraqqiyotiga ta`siri. Global muammolarni bartaraf etishda xalqaro kuchlar birlashuvining ahamiyati. Global mumamolarni hal qilishda xususiy va umumiy manfaatlar uyg'unligi.

14-mavzu. Korrupsiyaga qarshi kurashning jahon tajribasi

Korrupsiya tushunchasining ma'nosi va uning tarixiy ildizlari. Dunyo bo'yicha korrupsiya holatining tasnifi. Korrupsiyaning shakllari va sabablari. Firibgarlik korrupsiya shakli. Korrupsiyaning ijtimoiy hayotdagi ko'rinishlari. Siyosiy va g'oyaviy korrupsiya – xavfsizlikka tahdid. Iqtisodiy korrupsiya va uning namoyon bo'lish shakllari. Kadrlar korrupsiyasi va uni bartaraf etish mexanizmlari. Ta'lim va fan tizimidagi korrupsiyaning oqibatlari. Huquq tartibot organlari, jamoat tashkilotlaridagi korrupsiyaning sabablari. Xalqaro korrupsiya iqtisodiy-siyosiy manfaatlar to'qnashuvi oqibati sifatida. Ijtimoiy hayotdagi korrupsiyaning amal qilish sohalari. Birlashgan millatlar tashkilotining korrupsiyaga qarshi Konvensiyasining (Nyu-York, 2003 yil 31 dekabr) mazmuni va mohiyati.
Korrupsiyaga qarshi kurashning jahon tajribasi: Singapur, Yaponiya, Shvetsiya va Finlandiya modellari.

15-mavzu. O'zbekistonning korrupsiyaga qarshi kurash siyosati

Korrupsiyaga qarshi kurashda tizimli yondashuvning zarurati. Korrupsiyaga qarshi kurash bo'yicha xalqaro huquq normalarining O'zbekiston qonun hujjatlariga implementatsiya qilinishining ahamiyati va uning iqtisodiy-siyosiy va ijtimoiy-huquqiy mexanizmlari. "Korrupsiyaga qarshi kurashish to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi qonunining qabul qilinishi. O'zbekistonda korrupsiyaga qarshi kurashning tashkiliy asoslari.
Korrupsiyaning ma'muriy huquqbuzarlik va jinoyat sifatidagi tahlili va uni bartaraf etishda jamoatchilik nazoratini kuchaytirishning ahamiyati. Korrupsiya namoyon bo'lishining ijtimoiy sohalari, psixologik jihatlari. Korrupsioner xulq atvorining umumiy tavsifi. Korrupsiyaga qarshi kurashning tarixiy an'analari.

III. Seminar mashg'ulotlari bo'yicha ko'rsatma va tavsiyalar

Seminar mashg'ulotlari uchun quyidagi mavzular tavsiya etiladi:

1. Falsafa va uning jamiyat hayotidagi roli
2. Falsafiy tafakkur taraqqiyot bosqichlari: Sharq falsafasi
3. Falsafiy tafakkur taraqqiyoti bosqichlari: G'arb falsafasi
4. Borliq (ontologiya) va rivojlanish falsafasi
5. Bilish falsafasi (gnoseologiya)
6. Mantiq
7. Tafakkur shakllari: tushuncha, hukm va xulosa.

8. Jamiyat falsafasi
9. Inson falsafasi (Falsafiy antropologiya)
10. Qadriyatlar falsafasi (aksiologyia)
11. Axloq falsafasi (Etika)
12. Nafosat falsafasi (Estetika)
13. Globallashuv va barqaror taraqqiyot falsafasi
14. Korrupsiyaga qarshi kurashning jahon tajribasi
15. O‘zbekistonning korrupsiyaga qarshi kurash siyosati

IV. Mustaqil ta’lim va mustaqil ishlar

Mustaqil ta’lim uchun tavsiya etiladigan topshiriqlar:

1. Dunyoqarashning mohiyati, tuzilishi va asosiy funksiyalari.
2. Qadimgi Sharqda asotiriy tasavvurlar va falsafiy bilimlarning paydo bo‘lishi.
3. Ilk o‘rta asr Sharq falsafasi va uyg‘onish davri.
4. O‘rta asr Sharq falsafasi va uyg‘onish davri xususiyatlari.
5. Yangi davr Sharq tasavvufi.
6. Falsafa va tabiiy ilmiy fanlarda borliqning mohiyatiga oid konsepsiyalar.
7. Rivojlanishning umumiy qonunlari va kategoriyalari.
8. Hissiy, empirik, nazariy, mantiqiy, intuitiv, bilish darajalarining o‘zaro aloqasi va farqi.
9. Jamiyat taraqqiyotida tarixning mazmuni, yo‘nalishlari va konsepsiyalari.
10. Ommaviy madaniyatning shakllanish tarixi va uning turlari: aksilmadaniyat, submadaniyat, populyar madaniyat, ekran madaniyati.
11. Insonni tushunishga dualizm va monizm nuqtai nazaridan yondashuv.
12. Qadriyat tushunchasining ma’nosi va uning umumiy tavsifi.
13. Qadriyat nazariyasining shakllanish tarixi.
14. Etikaning mohiyati va ahamiyati.
15. Zamonaviy axloqiy tarbiyada kosmopolitizmga moyillik.
16. Siyosatda professional etika va yangi axloq siyosati.
17. Olamni virtual va vizual estetik idrok etishning farqlari.
18. Globallashuv, globalistika va barqaror taraqqiyot jarayonlarining mohiyati.
19. Barqaror taraqqiyotni ta’minlashda globallashuvning ijobiy va salbiy yo‘nalishlari.
20. Global muammolarning mezonlari va darajalari.
21. Pandemiya - XXI asrning global muammosi va uning oqibatlari.
22. Korrupsiyaga qarshi kurash bo‘yicha xalqaro qonunlar va qarorlarning O‘zbekistonda ratifikatsiya qilishning ahamiyati, iqtisodiy-siyosiy va ijtimoiy-huquqiy mexanizmlari.
23. Mantiq tafakkur shakllari va qonunlarini o‘rganuvchi fan sohasi sifatida.
24. Tafakkurning mantiqiy shakllari va qonunlari.

25. Tushuncha - predmetlarning umumiy, muhim belgilarini aks ettiruvchi mantiqiy shakl.

26. Tushunchalarni bo‘lishning maqsadi va tuzilishi.

27. Xulosa chiqarishning umumiy mantiqiy tavsifi.

28. Dalillash va ishonch-e'tiqodning shakllanish jarayoni.

29. O‘zbekiston respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning “Yangi O‘zbekiston taraqqiyot strategiyasi” kitobida rivojlanish modeli va Uchinchi renessans tushunchalari.

30. Amaliy loyihalar: “Mening oilam – mening baxtim”; “Ustozim – hayiotim chirog’i”; “Mening mahallam – mening faxrim”; “Mahallamning olim va ziyoli insonlari”; “Mening hayot falsafam”.

Mustaqil o‘zlashtiriladigan mavzular bo‘yicha talabalar tomonidan referatlar tayyorlash va uni taqdimot qilish tavsiya etiladi.

V. Fan o‘qitilishining natijalari (shakllanadigan kompetensiyalar)

Fanni o‘zlashtirish natijasida talaba:

- dunyo haqidagi eng qadimgi va zamonaviy falsafiy bilimlarni o‘rganish asosida professional faoliyatni to‘g‘ri tashkil etish, ijtimoiy mas’uliyatni oshirish, davlat siyosatiga dahldorlik tuyg‘usini shakllantirish; ijtimoiy jarayonlarni mustaqil tahlil qilish, Qadimgi, O‘rta asrlar va Yangi davr G‘arb falsafasining asosiy g‘oyalari, Sharq falsafasining jamiyat taraqqiyotidagi roli, G‘arb falsafasi oqimlarining falsafiy mazmun-mohiyatini, G‘arb renessansining mohiyati, uning shakllanishiga o‘rta asr Sharq ilm-fani va falsafasining ta’sirini, Yangi va eng yangi davr G‘arb falsafasining muhim xususiyatlari bo’yicha ***tasavvurga ega bo‘lishi***;
- yangi ontologiyaning yo‘nalishlari, gen ontologiyasi, bioontologiya, tibbiyot ontologiyasining ijtimoiy ahamiyatini, fizik va falsafiy ontologiyaning o‘zaro aloqasi va farqlarini, axborotlashgan jamiyatda texnologiyalardan foydalanishda inson va jamiyat manfaatlarini himoya qilish,tabiat ontologiyasida biosfera va noosferaning o‘rni, ijtimoiy ekologiya, ekologik ta’lim va tarbiya ***haqida bilishi va ulardan foydalana olishi;***
- internet ijtimoiy tarmoqlarida axborotni tanlash va ulardan foydalanish usullarini egallashi; o‘zining kasbiy faoliyatida mustaqil qarorlar qabul qilishi, bakalavriatning mos yo‘nalishi bo‘yicha raqobatbardosh umumkasbiy tayyorgarlikka ega bo‘lishi, kiberterrorizm, kiberzo‘ravonlik (cyberbullying)ga qarshi mafkuraviy immuniteti shakllangan bo‘lishi, globallashuv va barqaror taraqqiyotning omillarini, korrupsiyaning global ma’naviy inqiroz oqibati ekanligini bilishi, unga qarshi kurashda dahldorlik tuyg‘usi shakllangan bo‘lishi, ijtimoiy jarayonlarni prognozlashtira olish, tana va ruhiy sog‘lik, tafakkur xavfsizligini ta’minlash, sog‘lom turmush tarziga rioya qilish, tanqidiy tafakkur imkoniyatlaridan jamiyat barqarorligini ta`minlash, ijtimoiy nazoratni oshirish va shaxsiy mas`uliyatni oshirish maqsadlarida foydalanish b`oyicha ***malaka va ko‘nikmalarga ega bo‘lishi kerak.***

VI. Ta’lim texnologiyalari va metodlari:

- ma’ruzalar;
- amaliy ishlarni bajarish va xulosalash;
- interfaol keys-stadilar;
- blis-so‘rov;
- guruhlarda ishlash;
- taqdimotlarni qilish;
- jamoa bo‘lib ishlash va himoya qilish uchun loyihalar.

VII. Kreditlarni olish uchun talablar:

Fanga oid nazariy va uslubiy tushunchalarni to‘la o‘zlashtirish, tahlil natijalarini to‘g‘ri aks ettira olish, o‘rganilayotgan jarayonlar haqida mustaqil mushohada yuritish va nazorat uchun berilgan vazifa va topshiriqlarni bajarish, yakuniy nazorat bo‘yicha yozma ishni topshirish.

Asosiy adabiyotlar

1. Davronov Z., Shermuhamedova N, Qahharova M, Nurmatova M, Husanov B, Sultonova A. Falsafa. – Toshkent: TMU, 2019

2. Madaeva Sh. Shermuhamedova N. va boshqalar. Falsafa – o‘quv qo‘llanmasi. – Toshkent: 2019

3. Muhammadjonova L.A. L.A. Abdulla Sher, Shodimetova G. Axloq falsafasi. – Toshkent: Vneshinvestprom, 2023

4. Saifnazarov I. Muxtorov A., Sultanov T., Usmonov F. Falsafa. Darslik. – T.: Innovatsion rivojlanish nashriyot – matbaa uyi, 2021.-424 b.

5. Саифназаров И.С., Абдуллаханова Г.С., Эрназаров Д.З. Философия (Логика, Этика, Эстетика). Учебное пособие для высших учебных заведений.LAMBERT Academik Publishing RU. 2019. -134 стр.

6. Shermuhamedova N. Falsafa. – Toshkent: Idris Abdurauf Nashr, 2021. 667-b

Qo‘shimcha adabiyotlar

1. Mirziyoev Sh.M. Milliy taraqqiyot yo‘limizni qat’iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko‘taramiz. T. 1. – Toshkent: O‘zbekiston, 2017.

2. Mirziyoev Sh.M. Qonun ustuvorligi va inson ma’nfaatlarini ta’minlash – yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganining 24 yiligiga bag‘ishlangan tantanali marosimidagi ma’ruzasi. – Toshkent: O‘zbekiston, 2017.

3. Muxammadjonova L.A. Davlat xizmatchisi etikasi va imidji. – Toshkent: Universitet, 2017.

4. Rumiy J. Yetti majlis. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2019

5. Rumiy J. Masnaviy. 40 rivoyatga sharx. –Toshkent: Navruz, 2019

6. Ўзбекистоннинг коррупцияга карши кураш стратегияси. / Алиев Б., Мухтаров А., Норов Т. ва бош. / Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДИУ, 2022. -

320 б.

7. Исмоил Саифназаров. Янги Ўзбекистон:инсон қадри улуғланган юрт.-Т.;”ИЛМ-ЗИЁ-ЗАКОВАТ” МЧЖ, 2023. -209 б.

8. O‘zbekiston falsafasi tarixi. Aliqulov X. mas’ul muharrir, mualliflar jamoasi. -Toshkent: Noshir, 2013

9. Sharipov M. Mantiq. – Toshkent: 2003

10. Shermuxamedova N.A. Gnoseologiya-bilish nazariyasi. –Toshkent: Noshir, 2009

11. Shermuxamedova N.A. Borliq va rivojlanish falsafasi. –Toshkent: Noshir, 2018

12. Shermuxamedova N.A. Inson falsafasi. –Toshkent: Innovasiya-Ziyo 2021

13. Shermuxamedova N.A. Falsafa –Toshkent: Idris Abdurauf nashr, 2021. 633 b.

14. Shermuxamedova N.A. Korrupsiyaning sabablari va shakllari//Falsafa va hayot 2019, № B.39-55.

15. K. S.Guttenplan. J.Hornsby. C. Janavay. Reading philosophy. Blackwell Publishers Ltd. UK. 2003. R – 341.

Axborot manbalari

1. www.ziyonet.uz.
2. www.edu.uz.
3. www.google.uz.
4. www.gov.uz.

	Fan dasturi Mirzo Ulug‘bek nomidagi O‘zbekiston Milliy universiteti huzuridagi ta’lim sohalari bo‘yicha muvofiqlashtiruvchi soha Kengashning 2023-yil -avgustdagi -sonli bayonnomasi bilan ma’qullangan.
	Fan/modul uchun mas’ullar: **Shermuxamedova N.A.** – O‘zMU, “Falsafa va ma’naviyat asoslari” kafedrasi mudiri, falsafa fanlari doktori, professor **Madaeva Sh.O.** – O‘zMU, “Falsafa va mantiq” kafedrasi mudiri, falsafa fanlari doktori, professor **Muxammadjonova L.A.** – O‘zMU, “Etika va estetika” kafedrasi mudiri, falsafa fanlari nomzodi, professor
	Taqrizchilar: **Saifnazarov I.S.** – Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti professori, falsafa fanlari doktori **Nishonova O.J.** – O‘zMU “Falsafa va ma’naviyat asoslari” kafedrasining professori, falsafa fanlari doktori **Fayzixo‘jaeva D.I.** – O‘zMU “Falsafa va mantiq” kafedrasining dotsenti, falsafa fanlari doktori (Dsc)

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM,

FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI

TERMIZ DAVLAT MUHANDISLIK VA AGROTEXNOLOGIYALAR UNIVERSITETI

“Tasdiqlayman”

_____

O‘quv ishlari bo‘yicha prorektor
dots.B.Primkulov
2025 yil “_____” avgust

FALSAFA

fani bo‘yicha
SILLABUS
(kunduzgi ta’lim shakli 1- kurs talabalari uchun)

Termiz-2025

Modul/ FAN SILLABUSI

60410400 – Moliya va moliyaviy texnologiyalar (sirtqi).
60610500 – Kompyuter injineringi (AT servisi)
60610600 - Dasturiy injinering

Fan nomi:	Falsafa
Fan turi:	Majburiy
Fan kodi:	FALB204
Yil:	2023/2024
Semestr:	2
Ta’lim shakli:	Kunduzgi
Mashg‘ulotlar shakli va semestrga ajratilgan soatlar	120
Ma’ruza	30
Amaliy mashg‘ulotlar	-
Laboratoriya mashg‘ulotlari	-
Seminar	30
Mustaqil ta’lim	60
Kredit miqdori	4
Baholash shakli	Kredit baholash tizimi
Fan tili	O‘zbek

Fan maqsadi(FM)

FM1	Talabalar dunyoqarashining umumlashgan tizimini yaratish va unda inson o‘rnini ko‘rsatish, insonning dunyoga bo‘lgan bilish, ijtimoiy-siyosiy, axloqiy, estetik va boshqa munosabatlarini shakllantirish hamda to‘g‘ri fikrlash mahoratini o‘rgatishdan iborat.

Fanni o‘zlashtirish uchun zarur boshlang‘ich bilimlar

1.	Yangi O’zbekiston strategiyasi. Toshkent: “O’zbekiston” nashriyoti, 2021, 464 bet.
2.	O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. 2023 yil 30 aprel.(4,35,71,75,76 moddalar)

Fanning vazifalari

FV2	talabalarning dunyoni bilish va uni o`zgartirishga tanqidiy tafakkur nuqtai nazardan yondashuvi, tabiiy-ilmiy bilimlarning ijtimoiy ahamiyati; texnika va texnologiyalarning inson pragmatik ehtiyojlariga javob sifatidagi evolyusiyasi; milliy qadriyatlar, madaniyat va ommaviy madaniyatning o‘zaro aloqasi va farqi, dunyoni bilish, haqiqatni anglashda amaliyot va faoliyat uyg‘unligini ta’minlashning ahamiyati, to‘g‘ri fikrning ijobiy maqsadlarga yo‘naltirishdagi o‘rni; ta’lim falsafasi va falsafa ta’limining dunyoqarashni shakllantirishdagi o‘rni, global korrupsiyaning sabablari, shakllarini bilish va ularga qarshi kurashish, dunyoviy bilim va malakalarni yangilanayotgan O‘zbekistondagi islohotlar jarayonida to‘liq namoyon qilish, ijtimoiy va professional mas’uliyatni va jamiyat taraqqiyotiga munosib hissa qo`shish tuyg`usini shakllantirishdan iborat.

Ta’lim natijalari(TN)

	Bilim va ko‘nikmalar jihatidan:
	Fanni o‘zlashtirish natijasida talaba:
TN1	- falsafiy tafakkur xususiyati va qonuniyatlari, ularning jamiyat taraqqiyotiga ta’siri, mantiqiy, etik, estetik madaniyati, dunyo xalqlari dinlari, dunyoning diniy-konfessional manzarasi, inson hayot tarzi va ma’naviyatini takomillashtirishdagi roli va ahamiyati haqida tasavvur va bilimga ega bo‘lishi;
TN2	- dunyo xaqidagi eng qadimgi va zamonaviy bilimlarning mutanosibligi, gumanitar va ijtimoiy-iqtisodiy fanlarning professional faoliyatni to‘g‘ri tashkil etish, ijtimoiy mas’uliyatni oshirish, davlat siyosatiga dahldorlik tuyg‘usini shakllantirish; ijtimoiy jarayonlarni mustaqil tahlil qilish qobiliyatiga ega bo‘lishi;
TN3	- yangi ontologiyaning yo‘nalishlari, gen ontologiyasi, bioontologiya, tibbiyot ontologiyasining ijtimoiy ahamiyatini aniqlash, fizik va falsafiy ontologiyaning o‘zaro aloqasi va farqlarini bilish, axborotlashgan jamiyatda texnologiyalardan foydalanishda inson va jamiyat manfaatlarini himoya qilish;
TN4	- tabiat ontologiyasida biosfera va noosferaning o‘rni, ekologiya, ijtimoiy ekologiya, ta’lim va tarbiya haqida yaxlit tasavvurga ega bo‘lishi, ulardan hayotda va kasbiy faoliyatda, zamonaviy ilmiy tadqiqotlarda foydalana olishi;
TN5	- ijtimoiy faoliyatida dinning ijtimoiy, kommunikativ va kompensatorlik, falsafaning dunyoqarashni shakllantiruvchi va metodologik, fanning mafkuraviy, haqiqatni bilish va bunyodkor kuch funksiyalari mutanosibligini ta’minlashi;
TN6	- internet ijtimoiy tarmoqlarida axborotni tanlash va ulardan foydalanish usullarini egallashi; o‘zining kasbiy faoliyatida mustaqil qarorlar qabul qilishi; bakalavriatning mos yo‘nalishi bo‘yicha raqobatbardosh umumkasbiy tayyorgarlikka ega bo‘lishi;
TN7	- kiberterrorizm, kiberzo’ravonlik (kyberbullying)ga qarshi mafkuraviy immuniteti shakllangan bo’lishi;
TN8	- globallashuv va barqaror taraqqiyotning omillarini, korrupsiyaning global

	ma’naviy inqiroz oqibati ekanligini bilishi va unga qarshi kurashda daxldorlik tuyg’usi shakllangan bo‘lishi, ijtimoiy jarayonlarni prognozlashtira olishi, tana va ruhiy sog’lik, tafakkur xavfsizligini ta’minlash, sog‘lom turmush tarziga rioya qilish malakasi va ko‘nikmalariga ega bo‘lishi kerak

Fan mazmuni
Mashg‘ulotlar shakli: ma’ruza (M)

	1-MODUL. FALSAFA VA MANTIQ
M1	Falsafa va uning jamiyat hayotidagi roli.
M2	Falsafiy tafakkur taraqqiyoti bosqichlari: Sharq falsafasi.
M3	Falsafiy tafakkur taraqqiyoti bosqichlari: G’arb falsafasi.
M4	Borliq (ontologiya) va rivojlanish falsafasi.
M5	Bilish falsafasi (gnoseologiya).
M6	Mantiq.
M7	Tafakkur shakllari: tushuncha, hukm va xulosa.
M8	Jamiyat falsafasi.
M9	Inson falsafasi (falsafiy antropologiya).
M10	Qadriyatlar falsafasi (aksiologiya).
	2-MODUL. AXLOQ VA NAFOSAT FALSAFASI. KORRUPSIYA -HOZIRGI ZAMON GLOBAL MUAMMOSI SIFATIDA
M11	Axloq falsafasi (Etika).
M12	Nafosat falsafasi (Estetika).
M13	Globallashuv va barqaror taraqqiyot falsafasi.
M14	Korrupsiyaga qarshi kurashning jahon tajribasi.
M15	O’zbekistonning korrupsiyaga qarshi kurash siyosati.

Mashg‘ulotlar shakli: seminar(S)

S1	Falsafa va uning jamiyat hayotidagi roli.
S2	Falsafiy tafakkur taraqqiyoti bosqichlari: Sharq falsafasi.
S3	Falsafiy tafakkur taraqqiyoti bosqichlari: G’arb falsafasi.
S4	Borliq (ontologiya) va rivojlanish falsafasi.
S5	Bilish falsafasi (gnoseologiya).
S6	Mantiq.
S7	Tafakkur shakllari: tushuncha, hukm va xulosa.
S8	Jamiyat falsafasi.
S9	Inson falsafasi (falsafiy antropologiya).
S10	Qadriyatlar falsafasi (aksiologiya).
S11	Axloq falsafasi (Etika).
S12	Nafosat falsafasi (Estetika).
S13	Globallashuv va barqaror taraqqiyot falsafasi.

S14	Korrupsiyaga qarshi kurashning jahon tajribasi.
S15	O’zbekistonning korrupsiyaga qarshi kurash siyosati.

Mustaqil ta’lim (MT)

	Mustaqil ta’lim va mustaqil ishlar mavzulari (referatlar):	60
1.	Dunyoqarashning mohiyati, tuzilishi va asosiy funksiyalari.	2
2.	Qadimgi Sharqda asotiriy tasavvurlar va falsafiy bilimlarning paydo bo’lishi.	2
3.	Ilk o’rta asr Sharq falsafasi va Uyg’onish davri.	2
4.	O’rta asr Sharq falsafasi va Uyg’onish davri xususiyatlari.	2
5.	Yangi davr Sharq tasavvufi.	2
6.	Falsafa va tabiiy-ilmiy fanlarda borliqning mohiyatiga oid konsepsiyalar.	2
7.	Rivojlanishning umumiy qonunlari va kategoriyalari.	2
8	Hissiy, empirik, nazariy, mantiqiy, intuitiv bilish darajalarining o’zaro aloqasi va farqi.	2
9	Jamiyat taraqqiyotida tarixning mazmuni, yo’nalishlari va konsepsiyalari.	2
10	Ommaviy madaniyatning shakllanish tarixi va uning turlari: aksilmadaniyat, submadaniyat, populyar madaniyat, ekran madaniyati.	2
11.	Insonni tushunishda dualizm va monizm nuqtai nazaridan yondashuv.	2
12.	Qadriyat tushunchasining ma’nosi va uning umumiy tavsifi.	2
13	Qadriyat nazariyasining shakllanish tarixi.	2
14.	Etikaning mohiyati va ahamiyati.	2
15.	Zamonaviy axloqiy tarbiyada kosmolitizmga moyillik.	2
16.	Siyosatda professional etika va yangi axloq siyosati.	2
17.	Olamni virtual va vizual estetik idrok etishning farqlari.	2
18.	Globallashuv, globalistika va barqaror taraqqiyot jarayonlarining mohiyati.	2
19.	Barqaror taraqqiyotni ta’minlashda globallashuvning ijobiy va salbiy yo’nalishlari.	2
20.	Global muammolarning mezonlari va darajalari.	2
21.	Pandemiya – XXI asrning global muammosi va uning oqibatlari.	2

22.	Korrupsiyaga qarshi kurash bo'yicha xalqaro qonunlar va qarorlarning O'zbekistonda ratifikasiya qilishning ahamiyati, iqtisodiy-siyosiy va ijtimoiy-huquqiy mexanizmlari.	2
23.	Mantiq tafakkur shakllari va qonunlarini o'rganuvchi fan sohasi sifatida.	2
24.	Tafakkurning shakllari va qonunlari.	2
25.	Tushuncha – predmetlarning umumiy, muhim belgilarini aks ettiruvchi mantiqiy shakl.	2
26.	Tushunchalarni bo'lishning maqsadi va tuzilishi.	2
27.	Xulosaning umumiy mantiqiy tavsifi.	2
28.	Dalillash va ishonch-e'tiqodning shakllanish jarayonlari.	2
29.	O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning "Yangi O'zbekiston taraqqiyot strategiyasi" kitobida rivojlanish modeli va Uchunchi Renessans tushunchalari.	2
30	Amaliy loyihalar: "Mening oilam – mening faxrim", "Ustozim – hayotim chirog'i", "Mening mahallam – mening faxrim", "Mahallamning olim va ziyoli insonlari", "Mening hayot falsafam".	2

TAVSIYA ETILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

Asosiy adabiyotlar:

1. Davronov Z., Shermuhamedova N., Qahhorova M., Nurmatova M., Husanov B., Sultonova A. Falsafa. – Toshkent: TMU, 2019.

2. Madaeva Sh., Shermuhamedova N. va boshq. Falsafa: o'quv qo'll. – Toshkent, 2019.

3. Muhammadjonova L.A., Abdulla Sher, Shodimetova G. Axloq falsafasi. – Toshkent: Uneshin- vestprom, 2023.

4. Saifnazarov I., Muxtorov A., Sultonov T., Usmonov F. Falsafa: Darslik. – Toshkent: Innovasion rivojlanish nashr.- matbaa uyi, 2021.

5. Саифназаров И.С., Абдуллаханова Г.С., Эрназаров Д.З. Философия (логика, этика, эстетика): учебн. пос. для вузов. – Lambert Akademik Publishing RU, 2019.

6. Shermuhamedova N. Falsafa. – Toshkent: Idris Abdurauf Nashr, 2021.

Qo'shimcha adabiyotlar:

1. Mirziyoev Sh.M. Milliy taraqqiyot yo'limizni qat'iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz. T. 1. – Toshkent: O'zbekiston, 2017.
2. Mirziyoev Sh.M. Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta'minlash – yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi. O'zbekiston Resbublikasi Konstitusiyasi qabul qilinishining 24 yilligiga bag'ishlangan tantanali marosimidagi ma'ruza. – Toshkent: O'zbekiston, 2017.
3. Muhammadjonova L.A. Davlat xizmatchisi etikasi va imidji. – Toshkent: Universitet, 2017.
4. Rumiy J. Yetti majlis. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2019.
5. Rumiy J. Masnaviy. 40 rivoyatga sharh. Toshkent: Navro'z, 2019.
6. Ўзбекистоннинг коррупцияга қарши кураш стратегияси (Б.Алиев, А.Мухторов, Т.Норов ва бошқ.): ўқув қўлл. – Тошкент: ТДИУ, 2022.
7. Саифназаров И. Янги Ўзбекистон: инсон қадри улуғланган юрт. – Тошкент: Илм – зиё – заковат МЧЖ, 2023.
8. O'zbekiston falsafasi tarixi. Mualliflar jamoasi. – Toshkent: Noshir, 2013.
9. Sharipov M. Mantiq. – Toshkent: Universitet, 2003.
10. Shermuhamedova N. Gnoseologiya – bilish nazariyasi. – Toshkent: Noshir, 2018.
11. Shermuhamedova N. Borliq va rivojlanish falsafasi. – Toshkent: Noshir, 20187.
12. Shermuhamedova N. Inson falsafasi. – Toshkent: Innovasiya – ziyo, 2021.
13. Shermuhamedova N. Falsafa. – Toshkent: Idris Abdurauf Nashr, 2021.
14. Shermuhamedova N. Korrupsiyaning sabablari va shakllari /Falsafa va hayot, 2019.
15. Guttenplan K.S., Kornsby J., Janatay C. Reading philosophy. Blackwell Publishers Ltd. UK, 2003.

Elektron-axborot manbalari

www.ziyonet.uz
www.edu.ru
www.google.uz
www.gov.uz

Talabaning fan bo‘yicha o‘zlashtirish ko‘rsatkichini nazorat qilishda qo‘yidagi mezonlar amal qiladi

Falsafa fani JN va ON turidan baholash mezoni

Kompyuter injineringi (AT servisi), Dasturiy injinering ta’lim yo‘nalishlari kunduzgi, Moliya va moliyaviy texnologiyalar (sirtqi) - 2023/2024 o‘quv yili.

(M: 30 + S: 30 + TM: 60 = 120 (4 kredit)

T/r	Mavzular	Dars shakli	Soat	Ball	Seminar va MT / Uy ishlariga tayyorgarlik ko‘rish	Soat	Ball	Muddati
1	**1-mavzu.** Falsafa va uning jamiyat hayotidagi roli	M	2		Falsafafanining predmeti va funksiyalari	2	1,33	1-hafta
2	**2-mavzu.** Falsafiy tafakkur taraqqiyoti bosqichlari: Sharq falsafasi	M	2		Sharq falsafasi vujudga kelishi va taraqqiyoti, yo’nalishlari	2	1,35	2-hafta
3	**3-mavzu.** Falsafiy tafakkur taraqqiyoti bosqichlari: G’arb falsafasi	M	2		G’arb falsafasi taraqqiyoti bosqichlari va xususiyatlari	2	1,33	3-hafta
4	**4-mavzu.** Borliq (ontologiya) va rivojlanish falsafasi	M	2		Borliq, materiya, makon, zamon, harakat, rivojlanish, qonun, kategoriya to’g’risida tushunchalarga ega bo’lish	2	1,33	4-hafta
5	**5-mavzu.** Bilish falsafasi (gnoseologiya)	M	2		Ong, bilish jarayoni, shakllari, haqiqat, amaliyot	2	1,33	5-hafta
6	**6-mavzu.** Mantiq	M	2		Mantiqning predmeti, vazifalari, tafakkur qonunlari va shakllari	2	1,33	6-hafta

7	**7-mavzu.** Tafakkur shakllari: tushuncha, hukm va xulosa	M	2		Tushuncha, hukm va xulosa turlari, ularning bilishdagi roli	2	1,33	7-hafta
8	**8-mavzu.** Jamiyat falsafasi	M	2		Jamiyatning mohiyati, vujudga kelishi va taraqqiyoti, asosiy sohalari. O'zbekiston yangi taraqqiyot yo'lida	2	1,34	8-hafta
9	**9-mavzu.** Inson falsafasi	M	2		Insonning mohiyati, vujudga kelishi haqidagi nazariyalar, odam, inson, individ va shaxs	2	1,35	9-hafta
10	**10-mavzu.** Qadriyatlar falsafasi (aksiologiya)	M	2		Qadriyat tushunchasi, qadriyat, madaniyat va sivilizasiya nisbati, qadriyatlar turlari	2	1,33	10-hafta
11	**11-mavzu.** Axloq falsafasi (Etika)	M	2		Etikaning predmeti, asosiy sohalari, axloqning mohayati, tarkibi, funksiyalari, etika kategoriyalari	2	1,33	11-hafta
12	**12-mavzu.** Nafosat falsafasi (Estetika)	M	2		Estetikaning predmeti, vazifalari, sohalari, insonning voqelikka estetik munosabati, estetik kategoriyalar, san'at	2	1,33	12-hafta
13	Globallashuv va barqaror taraqqiyot	M	2		Globallashuv va barqaror taraqqoyot	2	1,33	13-hafta

	falsafasi				jarayonlari, hozirgi zamonning dolzarb global muammolari, ularni hal qilish yo'llari			

V. Ta'lim natijalari (kasbiy kompetensiyalar)

Fanni o'zlashtirish natijasida talaba:

- falsafiy tafakkur xususiyati va qonuniyatlari, ularning jamiyat taraqqiyotiga ta'siri, mantiqiy, etik, estetik madaniyati, dunyo xalqlari dinlari, dunyoning diniy-konfessional manzarasi, inson hayot tarzi va ma'naviyatini takomillashtirishdagi roli va ahamiyati haqida tasavvur va bilimga ega bo'lishi;
- dunyo xaqidagi eng qadimgi va zamonaviy bilimlarning mutanosibligi, gumanitar va ijtimoiy-iqtisodiy fanlarning professional faoliyatni to'g'ri tashkil etish, ijtimoiy mas'uliyatni oshirish, davlat siyosatiga dahldorlik tuyg'usini shakllantirish; ijtimoiy jarayonlarni mustaqil tahlil qilish qobiliyatiga ega bo'lishi;
- yangi ontologiyaning yo'nalishlari, gen ontologiyasi, bioontologiya, tibbiyot ontologiyasining ijtimoiy ahamiyatini aniqlash, fizik va falsafiy ontologiyaning o'zaro aloqasi va farqlarini bilish, axborotlashgan jamiyatda texnologiyalardan foydalanishda inson va jamiyat manfaatlarini himoya qilish;
- tabiat ontologiyasida biosfera va noosferaning o'rni, ekologiya, ijtimoiy ekologiya, ta'lim va tarbiya haqida yaxlit tasavvurga ega bo'lishi, ulardan hayotda va kasbiy faoliyatda, zamonaviy ilmiy tadqiqotlarda foydalana olishi;
- ijtimoiy faoliyatida dinning ijtimoiy, kommunikativ va kompensatorlik, falsafaning dunyoqarashni shakllantiruvchi va metodologik, fanning mafkuraviy, haqiqatni bilish va bunyodkor kuch funksiyalari mutanosibligini ta'minlashi;
- internet ijtimoiy tarmoqlarida axborotni tanlash va ulardan foydalanish usullarini egallashi; o'zining kasbiy faoliyatida mustaqil qarorlar qabul qilishi;

bakalavriatning mos yo'nalishi bo'yicha raqobatbardosh umumkasbiy tayyorgarlikka ega bo'lishi;

- kiberterrorizm, kiberzo'ravonlik (kyberbullying)ga qarshi mafkuraviy immuniteti shakllangan bo'lishi;
- globallashuv va barqaror taraqqiyotning omillarini, korrupsiyaning global ma'naviy inqiroz oqibati ekanligini bilishi va unga qarshi kurashda daxldorlik tuyg'usi shakllangan bo'lishi, ijtimoiy jarayonlarni prognozlashtira olishi, tana va ruhiy sog'lik, tafakkur xavfsizligini ta'minlash, sog'lom turmush tarziga rioya qilish malakasi va ko'nikmalariga ega bo'lishi kerak.

VI. Ta'lim texnologiyalari va metodlari

- ma'ruzalar;
- seminarlar (mantiqiy fiklash, tezkor savol-javoblar);
- interfaol keys-stadilar;
- guruhlarda ishlash;
- taqdimotlarni qilish;

- individual loyihalar;
- jamoa bo’lib ishlash va himoya qilish uchun loyihalar.

VII. Kreditlarni olish uchun talablar

Fanga oid nazariy va amaliy tushunchalarni to‘la o‘zlashtirishi, mantiqiy va tanqidiy fikrlashi, o‘rganilayotgan jarayonlar haqida mustaqil mushohada yuritishi va joriy, oraliq nazorat turlaridada berilgan vazifa va topshiriqlarni bajarishi, yakuniy nazorat bo‘yicha test yoki yozma ishni topshirishi lozim.

VIII. Talabalar bilimini kredit-baholash tizimi asosida nazorat qilish jadvali va baholash mezonlari

Falsafa faniga ta'lim yo'nalishida 30 soat ma'ruza, 30 soat seminar va 60 mustaqil ta'lim ajratilgan. Universitet nizomi bo'yicha bu 120 soat yuklama hajmiga 4 kredit beriladi. Hemis dasturidagi kredit baholash tizimidagi 100 bal, o’zlashtirish chegarasi esa 60 foizdir. Joriy va oraliq nazoratida talaba jami 50 ball to'plashi mumkin. Talaba yakuniy nazoratda esa 50 ball to'playdi.

JN mezoni:

JN: Talaba seminar mavzu rejasiga tayyorlanib muhokamada qatnashsa, har bir mavzu uchun **0,53** ball berib boriladi, jami **8** ball to'playdi. (**15** ta mavzu ***0,53** ball=**7,95** ball, kreativ fikri bo’lsa **0,05** ball beriladi). **1-15** mustaqil ish topshiriqlarining har biriga esa **0,8** baldan beriladi, jami **12** ball to'playdi. (**15 ta** mustaqil ish***0,8** ball=**12** ball). Talaba TMI topshiriqlarining **1-15** mavzularini **syllabus jadvalida** ko’rsatilgan shakli va turida taqdim etib boradi. Har bir seminar mashgulotida bitta seminar va bitta mustaqil ish mavzusini taqdim etishi lozim. Keyingi mashgulotda o’tilgan seminar va mustaqil ish mavzusi so’ralmaydi hamda ball berilmaydi. Har bir seminar mashgulotidagi talabaning faoliyati **1,33** ballni tashkil qiladi. Demak,**15*1,33=19,95** kreativ fikri uchun 0,05 ball jami **20 bal**l.

JN ballar (20ball) konvertasiyasi

baho	Ball	o’zlashtirish
“5”	18-20	90-100%
“4”	14-17	70-89,9%
“3”	12-13	60-69,9%
“2”	11	0-59,9%

ON mezoni (30 ball)

ON: Oralq nazorati ma’ruza mashg'uloti tugagandan so’ng o’tkaziladi. Oraliq nazoratida talabaga 24 ta test* 0,5 ball=12 ball olishi mumkin. ON uchun mustaqil ishning 16-21=6 ta topshiriqlarini slayd (taqdimot) shakli va turida **HEMIS OTM tersu.uz** dasturiga belgilangan haftada yuklashi shart. **Belgilangan muddatda. Muddatida taqdim qilinmagan mustaqil ishlar qabul qilinmaydi va baholanmaydi.** Har bir taqdimoti uchun 3 ball beriladi. Jami 6*3= 18 ball to'playdi. Talaba umumiy 30 ball to'playdi.

ON ballar konvertasiyasi

Baho	Ball	o’zlashtirish
“5”	27-30	90-100%
“4”	21-26	70-89,9%
“3”	18-20	60-69,9%
“2”	17	0-59,9%

YaN mezoni (50 ball)

YaN: Yakuniy nazorat test shaklida o'tkazilsa, talabaga 20 ta test beriladi va har bir to'g'ri javobi uchun 1 baldan beriladi. Jami 20 ball. Mustaqil ish topshiriqlaridagi 22-30=8 ta savollarni "**og'zaki**" sharhlab himoya qiladi. Talabaning **nutq** madaniyati 10 ball, **kreativ** fikrlashiga 10 ball va qo'yilgan topshiriqqa **tanqidiy yondoshuviga** 10 ball beriladi. Jami **30 ball** to'playdi. (Agar, yakuniy nazorat yozma ish shaklida o'tkazilsa, talabaga 5 ta savol o'tilgan mavzulardan beriladi va har bir yozma savol javobi uchun 6 ball beriladi. Jami 30 ball).

YaN ballr konvertasiyasi

baho	Ball	o'zlashtirish
"5"baho	45-50	90-100%
"4"baho	35-44	70-89,9%
"3"baho	30-34	60-69,9%
"2"baho	29	0-59,9%

1-izoh: O'ROO'MTVning 2018 yil 9-avgustdagi 19-2018-son buyrugi (OTM talabalar bilimini nazorat qilish va baholash tizimi to'grisidagi nizom) **1-jadvali** (baholashni "5" baholik shkaladan 100 ballik shkalaga o'tkazish jadvali) **2- jadval (**Oliy ta'lim talabalar o'zlashtirishini baholash tizimlarini qiyosiy taqqoslash jadvali **O'zbekiston tizimi**) asosan konvertasiya qilinadi.

2-izoh: VMning 2020 yil 31 dekabrdagi 824-sonli (OTM ta'lim jarayonini tashkil etish bilan bogliq tizimni takomillashtirish chora-tadbirlari to'grisida) qarori **1-ilovasi (**OTM o'quv jarayoniga kredit-modul tizimini joriy etish tartibi to'grisida nizom) ning 1-bob 1-4 bandi, 4-bob 11-14 bandi, 6-bob 29-30-31 bandi,8-bob 41 bandiga muvofiq kredit beriladi.

3-izoh: Talaba mustaqil ishlari Oliy ta'lim muassasalarida kredit-modul tizimida talabalarning mustaqil ta'limini tashkil etish va nazorat qilish bo'yicha **YO'RIQNOMA**(2022 yil 30-may 02/03-30/05-49-son) asosida baholanadi.

Talabalar o'zlashtirishini baholash tizimlarini qiyosiy taqqoslash JADVALI

<table>
<tr><th>"5" baholik tizimi</th><th>Yevropa kredit transfer tizimi (ESTS-Europen Credit Transfer System)</th><th>"100" ballik shkala (%)</th></tr>
<tr><td>"5" (a'lo)</td><td>"A"</td><td>90 — 100</td></tr>
<tr><td rowspan="2">"4" (yaxshi)</td><td>"B"</td><td rowspan="2">70 — 89,9</td></tr>
<tr><td>"C"</td></tr>
<tr><td rowspan="2">"3" (qoniqarli)</td><td>"D"</td><td rowspan="2">60 — 69,9</td></tr>
<tr><td>"E"</td></tr>
<tr><td rowspan="2">"2" (qoniqarsiz)</td><td>"FX"</td><td rowspan="2">0 — 59,9</td></tr>
<tr><td>"F"</td></tr>
</table>

IX. TAVSIYA ETILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI

Asosiy adabiyotlar:

1. Davronov Z., Shermuhamedova N., Qahhorova M., Nurmatova M., Husanov B., Sultonova A. Falsafa. – Toshkent: TMU, 2019.
2. Madaeva Sh., Shermuhamedova N. va boshq. Falsafa: o’quv qo’ll. – Toshkent, 2019.
3. Muhammadjonova L.A., Abdulla Sher, Shodimetova G. Axloq falsafasi. – Toshkent: Uneshin- vestprom, 2023.
4. Saifnazarov I., Muxtorov A., Sultonov T., Usmonov F. Falsafa: Darslik. – Toshkent: Innovasion rivojlanish nashr.- matbaa uyi, 2021.
5. Саифназаров И.С., Абдуллаханова Г.С., Эрназаров Д.З. Философия (логика, этика, эстетика): учебн. пос. для вузов. – Lambert Akademik Publishing RU, 2019.
6. Shermuhamedova N. Falsafa. – Toshkent: Idris Abdurauf Nashr, 2021.

Qo’shimcha adabiyotlar:

1. Mirziyoev Sh.M. Milliy taraqqiyot yo’limizni qat’iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko’taramiz. T. 1. – Toshkent: O’zbekiston, 2017.
2. Mirziyoev Sh.M. Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta’minlash – yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi. O’zbekiston Resbublikasi Konstitusiyasi qabul qilinishining 24 yilligiga bag’ishlangan tantanali marosimidagi ma’ruza. – Toshkent: O’zbekiston, 2017.
3. Muhammadjonova L.A. Davlat xizmatchisi etikasi va imidji. – Toshkent: Universitet, 2017.
4. Rumiy J. Yetti majlis. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2019.
5. Rumiy J. Masnaviy. 40 rivoyatga sharh. Toshkent: Navro’z, 2019.
6. Ўзбекистоннинг коррупцияга қарши кураш стратегияси (Б.Алиев, А.Мухторов, Т.Норов ва бошқ.): ўқув қўлл. – Тошкент: ТДИУ, 2022.
7. Саифназаров И. Янги Ўзбекистон: инсон қадри улуғланган юрт. – Тошкент: Илм – зиё – заковат МЧЖ, 2023.
8. O’zbekiston falsafasi tarixi. Mualliflar jamoasi. – Toshkent: Noshir, 2013.
9. Sharipov M. Mantiq. – Toshkent: Universitet, 2003.
10. Shermuhamedova N. Gnoseologiya – bilish nazariyasi. – Toshkent: Noshir, 2018.
11. Shermuhamedova N. Borliq va rivojlanish falsafasi. – Toshkent: Noshir, 20187.
12. Shermuhamedova N. Inson falsafasi. – Toshkent: Innovasiya – ziyo, 2021.
13. Shermuhamedova N. Falsafa. – Toshkent: Idris Abdurauf Nashr, 2021.
14. Shermuhamedova N. Korrupsiyaning sabablari va shakllari /Falsafa va hayot, 2019.
15. Guttenplan K.S., Kornsby J., Janatay C. Reading philosophy. Blackwell Publishers Ltd. UK, 2003.

Elektron-axborot manbalari

www.ziyonet.uz
www.edu.ru
www.google.uz
www.gov.uz

X. Termiz davlat universiteti Falsafa kafedrasi tomonidan ishlab chiqilgan va tasdiqlangan.

Fan (modul) va syllabus uchun mas’ul:

Abdimalik Raxmanov – falsafa fanlari nomzodi.

Taqrizchi:

H.M.Rasulov - Termiz davlat pedagogika instituti “Falsafa va ma’naviyat asoslari” kafedrasi mudiri, siyosiy fanlar nomzodi, dotsent.

ФАН БЎЙИЧА ЯКУНИЙ ХУЛОСАЛАР:

Ўқув услубий мажмуа университет бакалавриат таълим босқичи барча йўналиши талабаларига мўлжалланган. У 30 соат маъруза, 30 соат семинар машғулотларига ҳамда 60 соат талабалар мустақил ишига мўлжалланган ҳолда тузилган.

Мажмуа проф. Н.Шермуҳамедованинг 2009 йилдаги, 2012 йилдаги, М.А.Аҳмедова умумий муҳаррирлигида 2006 йилдаги "Фалсафа" дарсликлари, профессор Қ.Назаров раҳбарлигида яратилган маърузалар матни, "Фалсафага кириш" дарслиги, "Фалсафа асослари" укув кулланмаси (2018 йил), Фалсафа комусий луғат (2004 й.), Шарипов М., Файзихўжаева Д. муаллифлигидаги "Мантиқ", Абдулла Шер муаллифлигидаги "Ахлоқшунослик" ва "Эстетика" жарсликлари, Абдулла Шер, Баҳодир Хусанов муаллифлигидаги "Ахлоқ ва нафосат фалсафаси" дарсликлари асосида тузилган. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг ва Президент Шавкат Мирзиёевнинг асарларидаги, маърузаларидаги табиат, жамият, илм-фанга, тараққиёт ва инсон камолотига доир фикрларидан фойдаланиб, мавзуларни ҳозирги давр билан боғлаш албатта керак.

Ундан ташқари академик Э.Юсупов тахрири остида лотин алифбосида 2005 йилда чиқарилган «Фалсафа» ўқув қўлланмаси, академик Ж.Туленовнинг 2001 йилда чоп этилган «Диалектика назарияси», Қ.Назаровнинг маъсул мухаррирлигида 2005 йилда «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган «Фалсафа асослари», 2004-2005 йилларда "Шарқ" нашриётида чоп этилган "Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар", "Ғарб фалсафаси", С.Мамашокиров таҳрири остида 2005 йилда "Шарқ" нашриётида чоп этилган "Фалсафа", С.Йўлдошев, М.Усмонов, Р.Каримов, Г.Қобулниёзова, Г.Рўзметова томонидан 2002-2003 йилларда «Шарқ» нашриётида чиқарилган "Қадимги ва ўрта аср Ғарбий Европа фалсафаси" ва «Янги ва энг янги давр Ғарбий Европа фалсафаси», Н.А.Шермуҳамедованинг 2011 йилда нашр қилинган "Гносеология – билиш назарияси" ўқув қўлланмаларидан, профессор А.Чориевнинг 2 жилддан иборат «Инсон фалсафаси» китобидан, И.Каримовнинг 2001 йилда «Фан» нашриётида чиқарилган «Маънавият, фалсафа ва ҳаёт», Ҳусанов Б., Ғуломов В. муаллифлигидаги "Муомала маданияти" китобидан фойдаланиб, дастур доирасидаги мавзуларни кенгроқ, чуқурроқ, батафсилроқ баён этиш имкониятига эга бўлиш мумкин.

Айни чоғда П.В.Алексеев, А.В.Паниннинг Москвадаги «Проспект» нашриётида 1999 йилда рус тилида чиқарилган «Философия» дарслигидан ва "Теория познания и диалектика" китобидан, М.А.Аҳмедова ва В.С.Хан таҳрири остида «Меҳнат» нашриётида 2004 йилда чоп этилган «Основы философии» дарслигидан фойдаланишни ҳам тавсия этамиз.

ФАНДА ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН ИЛМИЙ МУАММОЛАР:

1. Тасаввуф таълимотида комил инсон муаммоси талқини.
2. IX-XII аср Марказий Осиё мутафаккирлари мантиқий қарашларида аналогия муаммоси.
3. Марказий Осиё мутафаккирлари табиий-илмий қарашлари ва натурфалсафаси.
4. Жамиятнинг ҳозирги даврдаги ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаёти ривожланишининг қонуниятлари.
5. Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида маънавий-маърифий муаммолар.
6. Табиат ва жамият тараққиётида инсон омили.
7. Глобаллашув жараёнларининг фалсафий таҳлили.
8. Глобал муаммоларнинг фалсафий таҳлили.
9. Фалсафий билимлар тизимида диалектика ва синергетиканинг ўрни.
10. XX-XXI аср ўзбек фалсафаси ривожланишининг асосий йўналишлари.